

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**

**МОДДИЙ-МАЊИАВИЙ МЕРОС ВА УМУМБАШАРИЙ
ҚАДРИЯТЛАР**

Республика илмий-амалий анжумани
(мақолалар тўплами)

8-китоб

Тошкент – 2016

УЎК: 069.8:94(575.1)

ККБ: 94:71

Масъул муҳаррирлар:

Жаннат ИСМАИЛОВА, тарих фанлари доктори
Лариса ЛЕВТЕЕВА, тарих фанлари номзоди

Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар:
Отабек АРИПДЖАНОВ, Жасурбек АҲМЕДОВ, Алишер
ИСМАИЛОВ, Тохир НОРКОБИЛОВ

Тақризчилар:

Т.ф.д.Б.В.Ҳасанов, т.ф.н.Х.Файзиев

“Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар”
(Республика илмий-амалий анжумани материаллари) Масъул
муҳаррирлар: Ж.Х.Исмаилова, Л.Г. Левтеева; Ўзбекистон
Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат
музейи. – Т.: «LESSON PRESS», нашриёти, 2016. 400 б.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда
халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-
техник анжуманлар режаси тўғрисида”ги 56-ф-сонли Фармойиши
 билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон
тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг 2015 йил 20 апрелдаги
мажлиси қарори асосида нашрга тавсия этилган. Ушбу китоб
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитасининг амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида чоп
қилинди.

Тўплам тарихшунослар, тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар
оммасига мўлжалланган.

УЎК: 069.8:94(575.1)
ККБ: 94:71

« LESSON PRESS », нашриёти, 2016.

ЖАМИЯТ БИЛАН ҲАМКОР МУЗЕЙЛАР

Исмаилова Ж.Х.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, т.ф.д.

Моддий ва маънавий меросни сақлашда бугунги кундаги музейларнинг ўрни беқиёс бўлиб, улар ўзининг бугунги фаолияти билан аввалги музейлардан тубдан фарқ қиласи. Замонавий музейлар маданий меросни янги қирраларини очар экан, миллатаро дўстлик ва бағрикенглик принципига ҳам алоҳида эътибор бермоғи лозим. Чунки бу саъий-ҳаракатлар этномаданий келишмовчиликларни олдини олиш ва бошқа халқлар маданиятига нисбатан ҳурмат ҳисларини уйғотишида муҳим аҳамиятга эга. Тарихий-маданий меросни сақлаш, уни авлодларга етказишида, шунингдек, миллий истиқлол ғояларини қарор топтириш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик, тарихий-маданий қадриятларимизга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрнини алоҳида эътироф этиш зарур.

Музей – бу бизнинг тарихимиз, бу ерда қачонлардир инсон томонидан яратилган ёки кашф этилган ноёб осори-атиқалар сақлайди ва келажак авлодга топширади. Музей жамиятни ўз тарихи ва маданиятига нисбатан бўлган муносабатини акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади. Шу сабабли музейлар замон билан, жамият билан ҳамнафас бўлган ҳолда янгича усуlda иш юритиши зарур.

Музейлар ўз фаолиятининг чегараларини кенгайтирган ҳолда нафақатгина ўзининг анъанавий маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш ролини, балки замонавий иқтисодий ва маданий жараёнларнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Нафақатгина, тарихий жойларни тиклаш, ёдгорликларни таъмирлаш, музей-қўриқхоналарини ва тарихий обидаларини сақлаш, балки уларни жонли ривожланиш даражасига олиб чиқиш, анаъанавий хунармандчилик мактабларини шакллантиришда намоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунга келиб бутун жаҳон музейлари олдида "XXI аср музейи қандай бўлиши ва ташрифчиларни қандай жалб қилиши керак", -деган муаммоли масала турибди. Музей ашёларини эндиликда нафақат моддий жиҳатдан намойиш этиш, балки уларни замонавий техника ёрдамида турли услубларда тарғиб этиш имкони туғилди. Ҳозирги вақтда музей ишида замонавий технологияларни ўрни ва аҳамияти жуда юқори бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда интернет тармоғи томонидан ҳавола этилған фойдали хизматлардан бири ана шу виртуал күргазмаларни томоша қилиш бўлиб, у ҳар бир инсонга компьютер экранидан чекланмаган ҳолда дунё музейларида сайр этиш имкониятини яратмоқда.

Бугунги музей экспозициялари ташрифчиларга манзур бўладиган янги йўналишларда шакллантирилмоқда. Фантехниканинг ривожланиши музейшунослик йўналишида ҳам бир қатор йўналишларни вужудга келтирди. Музей маркетинги, менежменти, музей педагогикаси, имконияти чекланганлар учун маҳсус күргазмалар, виртуал музейлар, музей ва замонавий технологиялар каби янги йўналишлар ва лойиҳалар бугунги музейлар фаолиятини тубдан ўзгартириб юборди.

Хозирги кунда музейлар тажрибаси жамиятда глобал ривожланиш тенденцияси қуидагича амалга оширилмоқда:

- Музейлар фаолияти мураккаблашмоқда, замонавий, компьютерлаштирилмоқда;
- Ривожланган давлатларда қўпчилик томонидан ҳалқ лойиҳалари томонидан дам олиш музейлари, экомузейлар, боғ музейлари, ҳайвонот музейлари, ҳайкаллар музейлари, алоҳида бинолар ва замонавий маданият комплекслари барпо этилмоқда.
- Экспонатларни таъмирлаш, излаш ва коллекция тўплаш, тарихни ва меъморий ёдгорликларни музейлаштириш ишлари такомил-лаштирилмоқда.
- Музейлар ҳаётини кўргазма шаклида ҳар хил турда кенгайтириш, маъruzалар орқали аниқ форматга эга кинофильмлар яратилмоқда.
- Музей тажрибаси перспектив назариясини тарғиб этиши даркорлиги аниқланди. Музейлар ҳаётидаги ўзгаришлар музейшунослик фани бўйича тадқиқ этиш натижалари, ўз холича классик намойишда сақланиб қолишини исботлайди.
- Музейлар борлиқ, ўша давр, давлат, шаҳарнинг тарихий аҳамиятини тасдиқлайди.

Музейларда жамиятдаги глобал муаммолар ечимини таъминлайдиган алоқа бўшлиғи сифатида яратилган янги экспозициялар қуидаги вазифаларни бажаради:

Келувчилар эҳтиёжини қондириш, келувчиларга маълумотларни етказиб бериш орқали, жамиятга руҳан (психологик) таъсир этишга эришиш.

Кўргазмалар таснифи:

- Ўтказиш мақсади бўйича: музейларга молиявий маблағ келтириш, жамиятга ахборот бериш;
- Ўтказиш даврийлиги бўйича: мунтазам, номунтазам;
- Қўйилган экспонатлар бўйича;
- Иштирокчилар таркиби бўйича: бутунжаҳон, халқаро, ҳудудий, тармоқлар бўйича.

Музей иши соҳасида ташкилий жиҳатдан юқори даражага эришган йирик музейларда музей ходимларининг малакасини оширишни уюштириш, бу соҳадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш музей ишларини бошқаришнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолади. Барча музейларнинг дастлабки фаолияти комплектлаштириш ишлари билан боғлиқ бўлади. Унинг асосида музейнинг асосий хусусияти бўлган манбашунослик базаси яратилади. “Комплектлаштириш ишлари натижасида табиат ва жамиятдаги ходисалар хужжатлаштирилади”¹. Музей иши фаолиятида аниқ ва малакали бажарилган хужжатлаштириш ҳамда ҳисобга олиш ишлари коллекциялар устида иш олиб бориша кўплаб жамият талаби билан ишда қўплаб қулайликлар яратади. Шунингдек, тўлиқ қоидаларга асосланган ҳолда кириш китоби, инвентар китоб ва каталогларда хужжатлаштирилган маълумотлар илмий изланишларда, экспозиция ва кўргазмалар ишида эркин фойдаланиш, экспонатларни сақланишига ҳамда улардан ҳар томонлама самарали фойдаланишга замин яратади.

Музейларнинг вазифасини аниқлаш учун “глобал амалиёт” деган сўзнинг луғавий маъносини чақишига тўғри келади. Бу сўзнинг маъноси музейларнинг ижтимоий маданий вазифасини тўлиқ очиб беради. Шундагина музейга маълум бир глобал амалиётни бажарувчи муассаса сифатида қараш мумкин бўлади. Музейга шу тарзда ёндашиш унинг фаолиятида бошқа муассасалар фаолиятида мавжуд бўлмаган ўзига хос сифатларни: яъни фонdlарни тўплаш, йиғищ, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, глобал аҳамиятга эга экспозиция-кўргазма уюштириш, таълимий-тарбиявий иш олиб бориш каби аҳамиятларини очиб беради.

Музейдаги экспонатлар маълум даврда жамиятда юз берган воқеаларни ашёвий далиллар сифатида сақлайди ва бирор маданий ёки тарихий воқеани исботлаш учун улардан далил сифатида фойдаланилади. Бунда воқеанинг ўзигина эмас балки намойиш қилишдан мақсадни англаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

¹ Тельчаров А.Д. Основы музейного дела. // «Омега-Л» - М.: 2005. - С. 187

Шу турдаги ахборот моҳиятини англаб олишга интилишнинг ўзига хос хусусияти уни яққол намойиш қила олишига ҳам боғлиқ. Музей экспонатларини намойиш этишда янги усуллар ҳам кўлланилмоқда. Музейга келувчиларнинг орасида кўзи ожизлар ҳам бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб намойиш қилишнинг тактик усулларидан ҳам фойдаланилмоқда. Электрон мосламалар ёрдамида ашёларга виртуал шакл бериш орқали турли тоифадаги одамларда, ҳатто болаларда ҳам таассурот қолдириш мумкин бўлмоқда².

Музейларда жамиятнинг турли ижтимоий оммаси билан ишлашда ҳам бир хилда коммуникатив ёндашув амалга оширилмайди. Буни изчилик билан амалга ошириш: музей маъмуриятига, илмий ходимлар салоҳиятига, музейнинг молиявий аҳволига боғлиқ. Лекин нима бўлганда ҳам барча музейлар эртами-кечми бу муаммони ҳал қилишларига тўғри келади.

Музей ходимлари ўзларининг илмий потенциаллари ва бошқа илмий даргоҳ олимлари билан биргаликда музейларда сақланаётган манба ва ёдгорликларни чуқур ўрганиш орқали халқимизнинг маънавий, аҳлоқий, мафкуравий ҳаётининг тарихий илдизлари ҳақида асарлар яратиш, матбуот, телевидение ва радиода қизиқарли чиқишлиар билан халқимизнинг, айниқса ёшларнинг баркамоллиги ва миллий меросимизни қадрлаш руҳида тарбиялашга эришиш орқали жамият билан коммуникатив амалиётни мустаҳкамлай олади.

Коммуникация (лотинча *communico*- алоқадорман, мулоқот қиласман) –бу маълумотни бир онгдан иккинчисига етказиб беришdir. Мулоқот ғоялар, фикрлар, далиллар, алмашиши - бу тушунча билан боғлиқликда бундай мулоҳазали қатор вужудга келади. Коммуникация албатта қандайдир номда юрувчи воситалар орқали амалга оширилади, унинг сифатида материаллар, объектлар, мантиқий конструкциялари, нутқлар, белгили тизимлар, маҳаллий шакллар ва бошқа намоён қилувчи кўринишлар бўлиши мумкин. Қачонки коммуникация субъектлари тўғридан-тўғри алоқага киришмаса коммуникация матнлар орасида ёки бошқа кўтарилилган маълумотларда амалга оширилади. Коммуникациянинг

² www.museum.sstu.runnet.ru

бош чизиги бу – субъект учун құлға киритган маълумотни тушунишига мавжуд имкониятлардир³.

ХХ аср бошларыда «ижтимоий коммуникация» атамаси вужудга келди. Музей коммуникацияси томошабин фикри билан айтганда, қатновчилар билан музей экспонатлари ўртасида «тарихий ёдгорликларни»ни намойиш қилувчилар орқали мулоқот қилиш жараёнидир. Бу мулоқот асосида бир томондан экпозиция яратувчиларнинг экспонатлар ёрдамида асосий нореал бўшлиқли «сўзлаб беришлар» иккинчи томондан эса – томошабиннинг экспонатни тушуниш қобилиятини келтириб чиқаради.

Аввалги ўн йилликда илмий тадқиқотлар асосан коллекцияларни ўрганишга йўналтирилган, аудитория билан ўзаро ҳаракат саволлари музей мутахассислари назаридан четда қолдирилган. Шу билан бирга назарияда, музейларни жамият билан ўзаро ҳаракати ва уни тўғри йўлга йўналтириш жараёнини тушунириб беришга чорловчи ҳақиқий талаб юзага келди. Музейшуносликда бу вакуумни тўлдиришга коммуникацион намойишлар, айни вақтда бошқа билимлар соҳасига ёйиш имконини берди.

Музей коммуникацияси муаммовий назариялари контекстида немис музейшуноси Ю.Родмернинг фикрлари принципиал янгиликка айланди. Унинг концепциясига биноан музей предметига ўзини баҳолаш сифатида қараш керак эмас, чунки у доимо жамият учун «бир қанча жамоавий - тарихий тўпламлар белгилари» ҳисобланади. Музей экспозицияси мазкур ҳолатда белги тизимиdir. Турли тарихий маданий ҳодиса ва жараёнларни белгили компонентлар орқали ёритиб берувчи сифатида экспонатлар юзага келади. Музей коммуникациясининг бу модели жамият маданияти ва энг маданий тарихий дистанцияни (оралиқни) бартараф қилиш учун қўлланилади. Шунинг учун музей ходими икки маданият ўртасидаги мулоқотда воситачи ролида намоён бўлади⁴.

Қай даражада экспозицияларни қабул қилиш қатновчиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади, ғоя ва қўринишлар доимо хусусий ички дунё призмасига қиёфали предметлар орқали қабул қилинади. Шу сабабли музей коммуникацияси далолатномаси нафақат омадли, балки бузиб қўйилган бўлиши ҳам

³ Пономарев, Б.Б. Музей как коммуникационная система: проблемы гармонизации историко-культурного и информационно-деятельностного компонентов : автореф. дис. ... канд. культурологии / Б.Б.Пономарев ; Краснодар. гос. ун-т культуры и искусств. – Краснодар, 2002. – С.4

⁴ Ю.В. Зиновьева // Музей в современной культуре : сб. статей. – СПб., 1997. – С. 259–269.

мумкин. Субъектларнинг маданий коммуникация қурилмалари турлича бўлса, яни субъектлардан бири иккинчисини «ўқимайди» ган ҳолатда «музей ва жамият» доирасида социологик ва психологик тадқиқотлар ўтказиш керак бўлиб, музейнинг аудиторияси билан ўзаро «қайта алоқани» қўйишга чақиради.

Музей предметлари коммуникация атмосфераси учун бир вақтда бўшлиқ, шартлилик ва жилов ҳисобланади. Бу ерда ўйлаб қўриш учун вақт бор, бу ерда нима ҳақида гапириш бор, бу ерда гаплашиш осон ва яхши.

Музей экспозицияларининг жиҳозланмаслиги бугунги коммуникацион ривожланиш учун жиддий тормоз бўлиб қолди. Музей ортда қолиб кетди, дунё теварак - атрофига, қуршовида ҳамма коммуникацияни оддий равишда қабул қилган пайтда, улар: интернет, электрон почта смс-хабар ва ҳоказо. Замонавий инсон агар ниманидир ёлғизлиқда қабул қилса, дарҳол қўриш ва эшитишни хоҳлади. Музейларда эса уяли телефонни ўчириш ва оҳиста гапириш талаб қилинади⁵.

Замонавий музейлар маданият ва таълим тизимида маълум ўрин эгаллайди, музей фаолияти турли категорияли томошабинларнинг иштирок этишида аҳамиятга эга. Жамиятнинг маданий йўналишлари акс эттирилишида музей омма билан кенг ўзаро ҳаракатда бўлишига интилади, руҳий ва маданий тарбиялаш марказида туради. Жамиятнинг глобализацияси ва замонавий ахборот шакллари маданиятни шакллантиришда, музей амалиётларини намойиш этишда фаол таъсир кўрсатади.

Охиригина ўн йил давомида Европа музейларида концептуал планда жиддий ўзгаришлар юз берди. Янгича тасаввурларга мувофиқ, музейнинг вазифалари фақат ҳодиса, жараён, факт ва музей предметлари ҳақида кўп билим беришдан иборат бўлмаслиги керак. Томошабиннинг сезги-эмоционал ҳолатига таъсир этиш, уни тарихий мухитга олиб кириш, унинг тасаввурини ишга солиш музейлар маданий-илмий фаолияти янги концепциясининг биринчилик хукуқидир. Музейга келган одам тарбиявий таъсир обьекти эмас, балки тенг хукуқли суҳбатдошdir, шунинг учун музейнинг аудитория билан мулоқоти монолог эмас, балки диалог шаклида бўлиши лозим.

Кўп музейлар ўз фаолиятида маркетинг ёндашувининг ривожланиши зарурлигини англаб этишида қийинчиликларга

⁵ Скрипкина, Л.И. Социальная миссия музея // Справочник руководителя учреждения культуры. – 2005. – №7. –С. 50–59.

учрайди. Консультант Уил Филипс (Will Phillips) 1996 йилда «Объектларни аудитория билан боғлаш» ("Linking Objects with Audience") мақоласини ёзди. «Тарихан шундай шаклланганки, музейлар фаолияти асоси аудиториядан эмас, балки объектлар ва намуналарни йиғиш ҳамда тушунтиришдан ташкил топган. Натижада музей стратегияси орзуладар доирасида ривожланарди: «Буни тўплагин ва улар келади». Лекин бугун Филипс таъкидлашича, агарда музейлар ўзига кўпроқ ташриф буюрувчиларни жалб этишни истаса, аудитория хоҳиши ва қадр-қиймати асосий дикқат марказида бўлиши лозим. Музейларнинг янги шиори «Уларни билгин ва улар келади». Мазкур «тўғри» ёндашувни тадбиқ этиш кўргазмани сув аттракционига алмаштириш дегани эмас. Лекин бу кўргазмани жума куни кечки пайт ўтказиш ёки сесанба куни тушликдан кейин ўқиладиган маърузаларни яххиси шанба тонгида ўтадиган интерактив устахонага алмаштириш мумкинлиги англатади. Ва балки, кўргазма майдонига кўпроқ курси (скамейка)лар ёки ташриф буюрувчилар учун қулайлик туғдирадиган бирорта зарур деталларини қўшиш вақти келди.

Аудитория истаклари ва талабларини билиш, хурмат қилиш, жавоб бериш – музейлардаги самарали маркетингга бўлган йўлдир. Ҳозирда замонавий музейлар биринчи ўринда ўз фаолиятидаги музейга таалуқли бўлган барча жабхаларни янгича шакл ва янгича ёндашув тарзида йўналтирилишини талаб қилмоқда.

Бугунги кунда музейлар замон билан хамнафас равища да такомиллашишни ва замонавий техника воситалари билан уйғунлашишни тақозо этмоқда. XXI аср ахборот тезлиги ва тарғиботи, инновацион ва замонавий йўналишлардаги янги лойихалар музейлар билан жамият муносабатини мустахкамлаш ва уларни музейларга янада кўпроқ жалб этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши муқаррардир.

ДИАЛОГ КУЛЬТУР – КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЫ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ

*Нурилдинов Э.З, д.и.н., проф. ТГПУ
Косимходжаев И.Э, студент ТГТУ*

Процесс формирования современной системы международных отношений связано не только с установлением политического диалога и дипломатических отношений государств, но и непосредственно с расширением межнационального диалога культур народов разных стран.

Диалог народов с широким обменом культурных ценностей, по праву выступает важным связующим звеном в межгосударственных отношениях. Как свидетельствует история человечества, на протяжении многих веков оно служило познанию разнообразия и самобытности духовных ценностей и, самое главное, взаимному обогащению культур и сближению народов разных стран. Такие качества культурного обмена с позиции гуманизма обретают еще большее значение в современных условиях межгосударственного общения.

Республика Узбекистан, как независимое государство и полноправный член мирового сообщества, особое внимание во внешнеполитической деятельности, придает вопросам межкультурного диалога, как одной из эффективных форм общения в деле сближения народов разных стран. Объясняется это, прежде всего, богатством духовных традиций узбекского народа, которые издревле несли с собой идеи гуманизма, стремление к свободе и процветанию, приверженности общечеловеческим ценностям.

Духовное наследие Узбекистана имеет многовековую историю. В процессе своего эволюционного развития оно пережило различные исторические этапы. Но, несмотря на это, оно создало и совершенствовало особый стиль и закономерности творчества, совокупность нравственных ценностей, являющихся неотъемлемой частью общечеловеческой цивилизации.

Человечеству хорошо известны имена великих предков узбекского народа, выдающихся ученых, государственных деятелей, философов, литераторов, - Мухаммада Ал-Хоразми, Ахмада Ал-Фергани, Ходжи Ахмада Яссави, Бахоуддина Накшбандий, Имома Ал-Бухори, Имома ал-Термизий, Абу али

Ибн-Сины, Абу Райхона Ал Беруний, Амира Темура, Улугбека, Алишера Навои, Бобура и других. В их мировоззрении большое место занимали идеи гуманизма, дружбы, трудолюбия, братства, уважения к старшим поколениям, любви к родной земле. Эти традиции предков узбекского народа дошли и до нынешнего поколения, что ярко проявляется в культурно-духовном развитии страны.

Следует отметить, что культурно-духовное наследие узбекского народа постоянно совершенствовалось, основываясь при этом на национальные традиции. Однако в недалеком прошлом имели место попытки направленные на ущемление этих традиций. Оно, как известно, было связано с период советской действительности, когда была запущена машина идеологического давления, направленная на уничтожения лучшие национальных традиций и обычая. Тогда же имели место попытки стереть из памяти узбекского народа имена великих предков, а культурно-духовные ценности и национальные традиции затмить формировавшейся в тот период так называемой «советской культурой».

Попытки властных структур советского тоталитарного режима оторвать культурное и духовное наследие узбекского народа от накопленных веками достижений общемировой цивилизации, нашли объективную оценку во взглядах многих зарубежных ученых. Они солидарны в мысли, что культурные и духовные богатства народов, прошедшие испытания во времени, не могут быть ликвидированными в интересах преобладания наднациональных учений и традиций, какой либо одной идеологии. По этому поводу американский политолог, профессор Д. Карлайн отмечает, что: «Плотно интегрированное мусульманское традиционное общество, существовало в Узбекистане в течение столетий. Оно выдержало советский период и устояло против яростных попыток коммунистов уничтожить его». ⁶ По мнению профессора Гарвардского университета Сэмьюэль П. Хантингтона «Культурные особенности и различия, менее подвержены изменениям, чем экономические или политические. В бывшем Советском Союзе коммунисты при желании могли стать демократами, рабочие перейти в крестьянское состояние, но русский, как бы он ни хотел этого, никогда не станет эстонцем, а азербайджанец армянином». ⁷

⁶ Левитин Л., Карлайл С. Ислам Каримов - Президент нового Узбекистана.-Вена, 1995; Т.: Узбекистон, 1996.-С. 31.

⁷ Samuel P. Huntington. The Clash of civilisation?-Foreign Affairs, Summer. 1993.-P. 29.

Несмотря на все пережитое, в условиях независимости со стороны руководства Узбекистана проделана огромная работа, направленная на возрождение духовного наследия, и уделяется большое внимание установлению диалога культур народов разных стран, как важного компонента в процессе формирования современной системы международных отношений.

В условиях формирования современной системы международных отношений, Узбекистан, как страна, интегрирующаяся в мировое сообщество, осуществляет огромную работу, направленную на развитие многограных форм культурных связей с народами других государств. При этом большая ответственность за развитие межгосударственных культурных связей возлагается на Министерство по делам культуры и спорта Республики Узбекистан, Совет обществ дружбы по культурно-просветительским связям с зарубежными странами Республики Узбекистан (СОД РУз), гострольно-концертное объединение «Узбекнаво» и другие культурно-просветительские учреждения страны. За годы независимости, эти учреждения проделали колоссальную работу, внеся огромный вклад в дело расширения диапазона взаимодействия и на обогащение содержанием международных культурных связей Узбекистана.

В деле развития сотрудничества и укрепления дружбы с народами зарубежных стран следует особо выделить деятельность Совета обществ дружбы по культурно-просветительским связям с зарубежными странами Республики Узбекистан. СОД РУз в соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25 марта 1992 г. первоначально была основана как Национальная Ассоциация международных культурно-просветительских связей (НАМС РУз). Затем 15 мая 1997 г. НАМС РУз была преобразована в Совет обществ дружбы по культурно-просветительским связям с зарубежными странами Республики Узбекистан.⁸

На сегодняшний день СОД РУз на добровольных началах объединяет ассоциации, клубы, движения и другие объединения граждан нашей страны, осуществляя при этом координацию их международных культурно-духовных связей. В рамках СОД РУз осуществляют свою деятельность более 30 обществ дружб, среди которых активную деятельность проявляют такие общества

⁸ Текущий архив Совета обществ дружбы по культурно-просветительским связям Республики Узбекистан (далее - ТА СОД РУз).-Справка о деятельности СОД РУз.-С. 1.

дружбы, как «Узбекистан-Франция», «Узбекистан-Германия», «Узбекистан-Бельгия», «Узбекистан-Россия», «Узбекистан-Азербайджан», «Узбекистан-Индия» и другие.⁹ Основной их целью является укрепление дружбы, взаимопонимания и всестороннего сотрудничества между странами, развитие различных форм народной дипломатии, содействие взаимному распространению знаний о культуре, истории, экономике своих стран, что способствует преобладанию гуманистических идей и взглядов в процессе формирования современной системы международных отношений.

Процесс формирования и развития межнационального диалога культур в условиях складывающейся современной системы международных отношений можно увидеть на конкретных примерах. Одним из них по праву является установившаяся и развивающаяся народной дипломатия между такими братскими странами, как Узбекистан и Азербайджан.

Узбекистан и Азербайджан на общем фоне формирующейся современной системы международных отношений представляют собой два независимых государства, которые в силу своего политического, социально-экономического и культурно-духовного потенциала занимают geopolитическое и геостратегическое положение, соответственно в Центральной Азии и, в Закавказье. А в основе межгосударственных отношений этих республик, лежат исходящие из глубины веков крепкие узы дружбы и братства, близость культур, языка, религии и традиций, общность исторически сложившихся духовных и гуманистических ценностей, связывающие народы двух стран.

Духовная и историческая близость народов двух стран, их стремление к укреплению дружбы и сотрудничества находит полное свое отражение при формировании современных межгосударственных отношений Узбекистана и Азербайджана. При этом важно заметить, что благодаря правильно избранному под руководством национальных лидеров двух стран стратегического курса внешней политики, 2 октября 1995 г. между Республикой Узбекистан и Азербайджанской Республикой были установлены дипломатические отношения¹⁰.

Благодаря мудрой политике лидеров двух стран, с огромным успехом развиваются их взаимоотношения в культурно-

⁹ ТА СОД РУз. Справка о деятельности СОД. РУз. - С. 14, 18, 26-28, 34.

¹⁰ Текущий архив Министерство иностранных дел Республики Узбекистан (далее: ТА МИД РУз). Информационно-справочный материал Управления стран СНГ.

гуманитарной сфере. Одним из ярких тому примеров служит то, что в марте 2004 г. в ходе официального визита Президента Азербайджанской Республики Илхом Алиева в Республику Узбекистан в Ташкенте был открыт памятник Низами Гянжави. В ходе этого визита были также открыты азербайджанский Культурный центр имени Гейдара Алиева.¹¹ В знак уважения и почитания культурно-духовных ценностей узбекского народа, в городе Баку установлен памятник Алишеру Навои и одна из улиц столицы Азербайджана назван в честь великого предка узбекского народа, ученого Мирзо Улугбека.

Скреплению узы дружбы, братского сотрудничества и делу взаимного проникновения в духовный мир народов двух стран, огромный вклад вносит Общество дружбы «Узбекистан-Азербайджан». Данное общество, основанное в 1998 г. на основе специального указа Президента Республики Узбекистан, в настоящее время осуществляет свою деятельность на базе Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами. Данное общество является инициатором по организации и проведению различных культурно-просветительских мероприятий посвященных знаменательным датам, связанных как с политической, так и культурно-духовной жизнью народов Узбекистана и Азербайджана. В частности, при тесном сотрудничестве с Посольством Азербайджанской Республики в Республике Узбекистан в апреле 2012 г. в Азербайджанском Культурном центре им. Гейдара Алиева в Ташкенте была организована и проведена на высоком уровне мероприятие, посвященная 130 летию Гусейна Джавида, выдающегося азербайджанского писателя и драматурга. А в октябре 2012 г., когда в городе Баку состоялась Международная конференция, посвященная данному событию, активное участие в ней приняли представители Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан».¹²

Важно заметить, что в ходе пребывания узбекской делегации в Азербайджан в октябре 2012 г., состоялась и официальная встреча между представителями Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан» и Общества дружбы «Азербайджан-Узбекистан». На встрече состоялся взаимный обмен информацией о преобразованиях и достижениях в культурно-духовной сфере в обеих странах. Но самое главное было выражено единодушное

¹¹ Там же.

¹² Текущий архив Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан». Отчет о деятельности общества за 2012 год. - Л. 3-5.

мнение о целесообразности организации взаимных поездок делегаций с проведением культурных мероприятий, что будет способствовать взаимному проникновению в культурно-духовный мир дружественных народов.

На основе крепнущей дружбы и братства народов двух стран, а также согласно тесному взаимодействию и планам Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан» и Азербайджанского культурного центра имени Гейдара Алиева в Ташкенте, в июне 2014 года впервые за многие годы, состоялась поездка представителей науки и культуры Узбекистан в Азербайджанскую Республику. Представительная делегация состояла из видных деятелей науки и культуры, членов Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан». Особенностью пребывания узбекской делегации стало то, что в ходе состоявшихся встреч в культурно-просветительских учреждениях Азербайджана, был обсужден круг вопросов, связанных с культурно-духовными достижениями, о проводимых работах по взаимному сближению представителей науки и искусства двух братских народов. Особое внимание было уделено перспективам культурно-духовного взаимообогащения и развития многообразных форм народной дипломатии между Узбекистаном и Азербайджаном.¹³

Итак, поездка делегации Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан» в Азербайджанскую Республику, практически, стал еще одним свидетельством того, что развитие межнационального диалога культур способствует делу укрепления и дальнейшего развития межгосударственных отношений. В тоже время, оно является практическим свидетельством того, что культурные ценности народов с их самобытным колоритом выступают как важный фактор в установлении и расширении межгосударственного диалога в условиях формирования современной системы международных отношений.

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТУЗИЛИШИ

*Зияева Д.Х, ЎзР ФА Тарих институти
бўлим бошлиги, т.ф.д., проф.*

¹³ Текущий архив Общества дружбы «Узбекистан-Азербайджан». Отчет о деятельности общества за 6 месяцев 2014 года. - Л. 4-5.

Тошкент – Ўзбекистон Республикаси пойтахти, Тошкент вилояти маркази. Марказий Осиёнинг йирик саноат, транспорт чорррахаси ва мада-ният маркази бўлиб, республиканинг шимолий шарқий қисмида, Тяньшан тоғлари этакларида, 440—480 м баландликда, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган.

Тошкент шаҳрида Мингўрик, Чилонзор Оқтепаси, Сағон Оқтепаси, Шоштепа, Фозилтепа, Чигатой Оқтепаси, Юнусобод Оқтепаси сингари қатор қадимий тарихий обидалар мавжуд. Бундан ташқари, Кўкалдош мадрасаси, Шайх Зайниддин бобо, Хўжа Аламбардор, Юнусхон, Шайх Ҳованди Тахур мақбаралари, Шайх Абулқосим мадрасаси каби ёдгорликлар мавжуд.

Мустақиллик йилларида шаҳардаги Шайх Бобоҳожи мақбараси, Шайхонтоҳур мажмуаси, Чўпонота мажмуаси, Коҳота мақбараси каби кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлар таъмирланиб, обод масканларга айлантирилди.

Тошкентнинг асрлар давомида ўзгармасдан келган кўҳна қисми - Эски шаҳар қисмидаги муқаддас Зиёратгоҳ - ҳазрати Имом мажмуаси мустақиллик йилларида тўлиқ қайта қурилди ва бутун мусулмон олами вакиллари учун қутлуғ қадамжога айланди. Айни пайтда шаҳардаги XVI асрга мансуб Кўкалдош мадрасаси, XIII-XIX асрларга мансуб Шайх Зайниддин бобо, Хўжа Аламбардор, Юнусхон, Шайх Ҳованд Тоҳур, Сузук ота мақбаралари, Абулқосим мадрасаси ва бошқа тарихий ёдгорликлар реконструкция қилинди.

2007 йил январда Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (АЙСЕСКО) Тошкентни Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди. Шу муносабат билан шаҳарда кенг кўламда бунёдкорлик ишлари авж олдирилди. Ҳазрати Имом мажмуаси тубдан қайта тикланди. Жумладан, Ҳазрати Имом жоме масжиди бунёд этилди. 16-асрнинг нодир тарихий обидаси – Мўйи Муборак мадрасаси тубдан қайта таъмирланиб, Усмон мусҳафи музей-кутубхонасига айлантирилди. Ушбу мўътабар масканда халифа Усмон р.а. даврида (644–656) кийик терисига кўчирилган қадимий Қуръони карим (Усмон мусҳафи) сақланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга

тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига¹⁴ биноан мамлакат пойтахтида жуда катта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкентнинг қадимги Мингўрик шаҳар харобасининг қолдиклари консервация қилинди; Кўкалдош мадрасасининг кириш пештоқи ва олд қисми сатҳи, Сузукота мақбараси таъмирланди;

Маданий мерос объектларини қайта таъмирлаш ва тиклаш бўйича 2009 йилда “Сузук ота” масжид мақбараси таъмирланди ва тикланди ҳамда “Хайрабод эшон” хонадони таъмирланди ва ишга туширилди, 2010 йилда “Кўк масжид” таъмирланди ҳамда “Мингўрик” археология тарихий обидаси тўлиқ таъмирланди ва музейлаштирилди, 2011 йилда “Кўкалдош” мадрасаси тўлиқ таъмирланди ва тикланди, 2012 йилда “Лайлаклик” масжиди таъмирланди ва музейлаштирилди ҳамда кўргазмалаштирилди, “Азлархон эшон” мақбараси таъмирланди ва тикланди, 2013 йилда “Қалдирғоч би” мақбараси, Шайх Ҳованди Тоҳур мақбараси, “Юнусхон” хонадони таъмирланди ва реставрация қилинди ва 2014 йилда “Муйимуборак” мадрасаси тўлиқ қайта таъмирланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Тошкентда Ўзбекистоннинг бошқа вилоят ва шаҳарларида бўлгани каби бошқарувнинг тарихий миллий шакли – ҳокимлик ўрнатилди. 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳри мақоми ва давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қарорига¹⁵ мувофиқ Тошкентда ҳоким лавозими жорий этилди. Тошкент шаҳар ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда Халқ депутатлари шаҳар кенгаши томонидан тасдикланади. Шаҳардаги туманларнинг ҳокимлари шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар кенгаши томонидан тасдикланади.

Тошкент шаҳри бугунги кунда нафақат республикадаги, балки минтақадаги энг йирий сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланади. Пойтахтда Президент қароргоҳи, республика Парламентининг палаталари (Олий Мажлис Сенати ва Конунчилик палатаси), мамлакатхукумати (Вазирлар Маҳкамаси) иш олиб

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й., 4-сон, 223-модда, 11-сон, 618-модда.

¹⁵“Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳри мақоми ва давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги қарори. 18 ноябрь, 1991 йил. URL манзил: <http://lex.uz//pages/>

боради. Партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг марказий органлар ифаолият юритади.

Шаҳарда нуфузли халқаро ташкилотлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ваколатхоналари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг икки асосий ишчи органларидан бири – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси, бошқа нуфузли халқаро бирлашмалар, 45 дан зиёд давлатнинг элчихонаси, халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларининг 90 га яқин ваколатхоналари ҳамда филиаллари иш олиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон 165 та давлат томонидан тан олинган ва 118 та мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган.

Бу ерда Марказий Осиё давлатлари, МДҲ мамлакатлари бошликларининг учрашувлари мунтазам ўтиб турди. Турли халқаро симпозиумлар, съездлар, семинарлар тез-тез ўтказилади. 1998 йил Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО Ижроия қўмитасининг 155 сессияси бўлиб ўtdи. Сўнгги йилларда Марказий Осиёда барқарорликни сақлаб туришда ва доимий иқтисодий ўсишни таъминлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг аҳамияти катта бўлмокда. Тошкентда фаолият кўрсатиб турган ШХТнинг Минтақавий антитеррор тузилмаси терроризм, диний экстремизм ва айирмачиликка қарши кураш механизмининг самарали бўғини бўлиб қолди. Тошкент Сиэтл (АҚШ), Марокаш (Марокаш) сингари хориж шаҳарлари билан биродарлашган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон пойтахтининг ташқи қиёфасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, унинг майдони 256 кв.кмдан 334,98 кв. км.га кенгайди. Шаҳар чегарасининг умумий узунлиги – 153,6 км.ни ташкил қиласи. Шаҳар ҳудуди Тошкент вилоятининг Қиброй, Зангиота, Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари билан чегарадош. Шаҳар майдонининг 30 фоизи қисқа муддатда яшил ҳудудларга айлантирилганлиги унинг экологияси сезиларли даражада яхшиланишига имкон берди. Ҳозирги кунда ҳар бир тошкентликка ўртacha 70 квадрат метр яшил ҳудуд тўғри келмоқда.

Шаҳар ҳудудида жами 16 та майдон – Мустақиллик ва эзгулик майдони, Марказий Хотира майдони, Навоий театри олд майдони, “Истиқлол” саройи олд майдони, Вокзал олди майдони, Ҳамид Олимжон, Буюк ипак йўли, Оқтепа, Бобур, Бешёғоч, Дархон, Хадра, Чорсу, Эски Жува майдонлари, “Шаҳидлар хотираси” мажмуаси ва “Хастимом” мажмуаси майдонлари ҳамда

4 та йирик ҳиёбон (Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Зулфия ва Мовий гумбазлар ҳиёбонлари) мавжуд бўлиб, улар шаҳар ҳудудидаги очиқ ва манзарали майдон сифатида тобора зичлашиб бораётган шаҳар ҳудудий тузилишида мўътадилликни сақлашда катта аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳри 11 та туманга (Олмазор, Юнусобод Яшнобод, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтохур, Миробод, Сирғали (Сергели), Яккасарой ва Бектемир туманлари) га, туманлар эса ўз навбатида даҳалар ва мавзеларга бўлинади. Шаҳарда 11 та маҳаллий ҳокимлик (Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтохур, Юнусобод, Яккасарой, Яшнобод туманлари) ҳокимиятлари фаолият юритади.

Ҳар бир туман ўзига хос тузилишга эга. Масалан, Юнусобод тумани 2 та даҳа ва 22 та мавзега, Сирғали тумани эса, 17 даҳа ва 17 та мавзега, Олмазор тумани 2 та йирик даҳа – Қорақамиш ва Тансиқбоев даҳалари ва рақамланган яшаш ҳудудларига (Қорақамиш -1, Қорақамиш – 2 ва х.к.) бўлинади. Даҳалар ўз навбатида кичик даҳаларга ҳам бўлинади. Хусусан, Қорақамиш ва Тансиқбоев даҳаларининг ҳар бирининг таркибида 4 тадан кичик даҳалар бор.

Тошкент шаҳри таркибида туманлар таркибига кирувчи 6 та кичик шаҳарчалар мавжуд. Булар Олмазор тумани таркибидаги Талабалар ва Шифокорлар шаҳарчалари, Сирғали тумани таркибидаги Учувчилар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек туманидаги Академиклар шаҳарчаси, Яшнобод тумани таркибидаги Авиасозлар ва Ҳарбийлар шаҳарчалари бўлиб, улар алоҳида маъмурий ҳудудий бошқарувга эга бўлмай, туман маркази томонидан бошқарилади, компакт жойлашган уй-жой, маҳаллалар комплекси ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек тумани таркибига кирувчи ва шаҳардан 14 км ташқарида жойлашган Улуғбек шаҳарчасида ЎзР ФА Ядро физикаси институти ва унинг ходимлари учун шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уларнинг оиласлари учун мактаб, боғчалар, маданият уйи, кинотетар, спорт иншооти ва бошқалар фаолият юритади.

Тошкент шаҳрида 476 та маҳалла – ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд. Олмазор туманида 57 та, Юнусобод туманида 57 та, Яшнобод туманида 54 та, Учтепа туманида 52 та, Чилонзор туманида 48 та, Шайхонтохур туманида 48 та, Миробод туманида

39 та,, Сергели туманида 32 та, Яккасарой туманида 27 та, Бектемир туманида 12 та махалла жойлашган.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида Тошкент шаҳри муҳим ўрин эгаллайди. У қудратли саноат, илмий салоҳият ва ҳар томонлама ривожланган инфратузилмага эга.

Бугунги кунда республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг салкам 16 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг 18 фоизи, иктисодиётга йўналтирилаётган инвестицияларнинг 17 фоизи, чакана савдо айланмасининг 21 фоизи, сервис ва хизматларнинг 28 фоизи, ташқи савдо айланмасининг қарийб 37 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади¹⁶.

Шаҳар ўзининг хизмат кўрсатиш ва юксак ривожланган коммуникация тармоғи билан ажralиб туради. Пойтахтда 2 та аэропорт, 2 та темир йўл вокзали, 5 та автовокзал мавжуд. Ўрта Осиёда энг катта транспорт йўлаги бўлган Тошкент халқаро аэропортидан ҳар куни жаҳоннинг йирик шаҳарларига парвозлар амалга оширилади.

Пойтахтда Марказий Осиёда ягона бўлган 29 бекатли метрополитен тизими шаҳар аҳолисига ва меҳмонларга хизмат қилиб келмоқда. Мустақиллик йилларида у янада кенгайиб, метронинг 6 та бекатдан иборат 7,61 км узунликдаги Юнусобод йўналиши фойдаланишга топширилди.

Чирчиқ дарёсидан чиқарилган ва бутун шаҳар бўйлаб ўтадиган Бўзсув, Кайковус, Салор, Анҳор, Қорасув, Оққўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қора-қамиш ва бошқа каналлар Тошкент шаҳрининг микроиклимига ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур каналларнинг умумий узунлиги 126 километр бўлган, 37 та магистрал каналдан иборат шаҳар сув хўжалигини сув билан таъминлайди. Узунлиги 110 километрдан иборат, майда ариқлар бўлиниб кетадиган 51 та канал эса бу тизимнинг яна бир бўғини ҳисобланади.

Тошкент шаҳрининг умумий майдони 334,8 квадрат километрга teng. Шаҳар майдонининг 30 фоизи қисқа муддатда яшил ҳудудларга айлантирилгани унинг экологияси сезиларли даражада яхшиланишига кўмаклашди. Ҳозирги кунда ҳар бир тошкентликка ўртacha 70 квадрат метрдан яшил ҳудуд тўғри келмоқда. Пойтахтнинг яшил ландшафтида умумий ансамблни ташкил қилувчи Ҳайвонот боғи, бир нечта Аквапарк,

¹⁶ Тошкент шаҳар хокимиятининг жорий архиви. Тошкент шаҳрининг 2007-2015 йиллардаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичи. 9 қисм. Тошкент, 2015. З-бет.

Тошкентлендга пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари катта иштиёқ билан ташриф буюришади.

Бугунги қунда шаҳарда 90 та асосий ва қарийб 11 мингта кичик саноат корхоналари фаолият юритмоқда. Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги техникалари, кабель, куч трансформаторлари, автомобиллар учун бутловчи қисмлар, металл қирқувчи дастгоҳлар, енгил саноат ускуналари сингари саноат маҳсулотлари, шунингдек кенг турдаги майший электротехника буюмлари ва бошқа кўплаб озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик саноат корхоналари мавжуд. Бундан ташқари, шаҳарда 3 мингдан ортиқ қурилиш, 2 мингдан ортиқ транспорт ва алоқа, 12 мингдан ортиқ савдо ва умумий овқатланиш, 13 мингдан ортиқ бошқа хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият юритмоқда.

Тошкент шаҳрида 2015 йил 1 январь ҳолатига жами 50990 та рўйхатдан ўтган юридик шахслар бўлиб, шундан 11644 та саноат, 3653 та қурилиш, 475 та қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 2107 та транспорт ва алоқа, 8014 та бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, 12923 та савдо ва умумий овқатланиш, 1174 та майший хизматнинг ноишлаб чиқариш тури, 1917 та соғлиқни саклаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, 2735 та таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш ҳамда 6348 та бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидан иборат.

Бугунги кундатошкентда 120 дан зиёд масжид фаолият кўрсатади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, диний бағрикенглик Тошкент аҳолисининг муҳим фазилатларидан биридир. Пойтахтда Ислом дини билан биргаликда бошқа кўпгина ноисломий диний конфессиялар мавжуд. Улар ҳеч қандай тўсиқларсиз эмин-эркин фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Тошкентда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ, ўзаро тинч-тотув яшамоқда. Мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ Тошкентда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганлиги худди шу олийжаноб мақсадларга хизмат қилмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ

*Шадманова С.Б, ЎзР ФА Тарих Институти
етакчи илмий ходими, т.ф.д*

*Шадманов Т.Р, Россия нефть ва газ Университетининг
Тошкентдаги филиали катта ўқитувчиси*

Мустақиллик йилларида ёш авлодга илм бериш масаласига давлат миқёсида катта эътибор берилмоқда. Уларнинг моддий-техника базасини яхшилаб, фаолиятини кучайтириш масаласи дикқат марказидаги вазифалардан биридир.

Ҳозирги кунда Жиззах вилоятида жами 765 та таълим муассасалари мавжуд. Шундан, 543 та умумтаълим мактаблари, шу жумладан 4 та маҳсус мактаб-интернатлар, 1 та Мехрибонлик уйи, 170 та мактабгача таълим муассасаси, 14 та Баркамол авлод марказлари, 22 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 14 та Мусиқа ва санъат мактаблари, 1 та педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спорти таълим-тарбиянинг узвий қисмига айланди.

2011 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан эса жами 3 та, жумладан, 2 та болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан қурилди ҳамда 1 та болалар мусиқа ва санъат мактаби капитал реконструкция қилинди. Ажратилган маблағ 4,8 млрд сўмни ташкил этади. Шу билан биргаликда жамғарма маблағи ҳисобидан 5 та мактабда 1,2 млрд. сўмлик спорт заллар қуриб биткизилди¹⁷.

2011 йилдан қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилган умумтаълим муассасаларига 3,76 млрд. сўмлик мебел, замонавий ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда спорт анжомлари етказиш учун шартномалар имзоланиб, ҳозирги кунда жиҳозлар етказиб берилмоқда¹⁸.

¹⁷ Жиззах вилояти халқ таълими тизимида 2011 йил давомида амалга оширилган ишлар, келгусидаги вазифалар тўғрисида маълумот // Жиззах вилояти ҳокимияти жорий архиви

¹⁸ Жиззах вилояти халқ таълими тизимида 2011 йил давомида амалга оширилган ишлар, келгусидаги вазифалар тўғрисида маълумот // Жиззах вилояти ҳокимияти жорий архиви

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида “Таълим тўғрисида”ги Конун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ининг қабул қилиниши таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш йўналишларини кўрсатиб берди. “Таълим тўғрисида”ги Конуннинг асосий хусусиятларидан бири узлуксиз таълимни 9 йиллик таълимдан сўнг уч йиллик “Академик лицей” ва “касб-хунар коллеж”ларида ўқишни давом эттиришдан иборатdir. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳакамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-сонли “Академик лицей ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларни бошқариш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ҳамда вилоят ҳокимининг 1998 йил 26 мартағи 94-сонли қарорига асосан Жizzах вилояти ҳокимлиги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси ташкил этилди¹⁹.

1998 йил 1 сентябридан Жizzах шаҳрида “Жizzах енгил саноат касб-хунар коллежи” ва Жizzах политехника институти қошида “Академик лицей” ташкил этилди ва фаолият кўрсата бошлади. Ушбу янги турдаги ўқув муассасаларини ташкил этиш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 70,6 млн. сўм маблағ берилди. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш учун вилоят бюджетидан инвентарлар учун 1,0 млн. сўм, Республика Олий ва Ўрта маҳсус таълими вазирлиги томонидан эса 15,9 млн. сўмлик инвентарлар ажратилди²⁰.

Жizzах вилоятида 1998-2001 йилларда 16 та янги турдаги таълим муассасалари ташкил этилган бўлиб, шундан 2 таси академик лицей ва 14 таси касб-хунар коллежларидан иборат эди²¹. Умуман олганда, бундай ўқув масканлари сони йилдан-йилга ортиб борди. Хусусан, 1998 йилда дастлабки икки академик лицей ва касб-хунар коллежи ташкил этилган бўлса, 2009 йилнинг ўзида 15 та шундай таълим муассасалари ташкил этилди ва 2010 йилда жами 78 та академик лицей ва касб-хунар коллежлар фаолият

¹⁹ Жizzах вилоят ҳокимлиги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармасининг 2010 йил 6 ой давомида амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисобот // Жizzах вилояти ҳокимияти жорий архиви

²⁰ Жizzах вилоятида таълимни ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳакамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги 406-сонли “1999-2005 йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури”ни бажарилиши бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотнома // Жizzах вилояти ҳокимияти жорий архиви

²¹ Жizzах вилояти ҳокимлиги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва таълим муассасаларида 2001-2002 ўқув йилининг якунлари ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Конун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида 2014-2015 ўқув йилидаги асосий вазифалар // Истеъод (2002-2008 й. Жizzах вилоят ҳокимлиги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси газетаси). – 2002. - №1.

юритди²².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август кунидаги “2002-2009 йилларда академик лицей ва қасб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 338-қарори бўйича вилоятда 2002 йилда 4 та қасб-хунар коллежлари янги қурилиш ва реконструкция йўли билан ташкил этилди. Бунга Жиззах шаҳридаги тиббиёт коллежи, иқтисодиёт, транспорт ва алоқа коллежлари киради. 2001 йилнинг ўрталарида янги типдаги таълим муассасалари бўлган академик лицей ва қасб-хунар коллежларининг реконструкция ва қурилиш ишлари учун давлат бюджети ҳисобидан 7 млрд. 421 млн. сўм маблағ сарф этилди. Ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш учун 2 млрд.81 млн. 50 минг сўмлик турли жиҳозлар ва асбоб-ускуналар олинди. Шу жумладан, Осиё Тараққиёт банки ҳисобидан Корея давлатидан олинган жиҳозлар ва асбоб-ускуналарнинг миқдори 424 млн. 832 минг сўмдан иборат эди²³.

Жиззах вилояти ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими бошқармаси тасарруфида 2001-2002 йилларда 34 та таълим муассасаси, шулардан 2 та академик лицей ва 32 та қасб-хунар коллежлари фаолият кўрсатган. Ушбу таълим масканларида жами 70 дан ортиқ мутахассислик йўналишлари бўйича 16.589 нафар ўқувчи талабалар таълим ва тарбия олган²⁴.

Вилоядада ташкил этилаётган маҳсус, индустрисал зонасида чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда ишга туширилиши лойиҳалаштирилган саноат корхоналарида кичик мутахассисларга бўлган эҳтиёж ҳамда вилоят иқтисодиёт ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари талабларига асосан янги ўқув йилида бошқарма тасарруфидаги маҳсус индустрисал зонасига яқин жойлашган қасб-хунар коллежларида 2014-2015 ўқув йили учун ушбу таълим муассасаларида янги йўналишларда, яъни цеплюлоза ва қофоз ишлаб чиқариш техник-технологи, шиша буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи,

²² Жиззах вилоят ҳокимлиги ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими бошқармасининг 2010 йил 6 ой давомида амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисобот // Жиззах вилояти ҳокимияти жорий архиви

²³ Жиззах вилояти ҳокимлиги ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими бошқармаси ва таълим муассасаларида 2001-2002 ўқув йилининг якунлари ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида 2014-2015 ўқув йилидаги асосий вазифалар // Истеъод (2002-2008 й. Жиззах вилоят ҳокимлиги ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими бошқармаси газетаси). – 2002. - №1.

²⁴ Жиззах вилояти ҳокимлиги ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими бошқармаси ва таълим муассасаларида 2001-2002 ўқув йилининг якунлари ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида 2014-2015 ўқув йилидаги асосий вазифалар // Истеъод (2002-2008 й. Жиззах вилоят ҳокимлиги ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими бошқармаси газетаси). – 2002. - №1.

Пуговицы. *Металлические* - 16 шт.: в форме усеченного конуса, круга и полукруга, с отверстием в центре. Все, кроме одной, орнаментированы. Орнамент разный: растительный лиственный в сочетании с С-образным; в виде вдавленных кругов, с углублениями и радиальный полос; шишечек, расположенных по окружности; ромбиков: в виде кругов и завитков; рельефный геометрический в виде треугольников; рельефный цветочный по кругу; сложный, в несколько рядов по кругу. (Д. – от 11 до 25 мм; В. – от 10 до 7 мм). *Каменные пуговицы* - 15 шт. Форма: плоские; овально-вытянутая; круглая; конусовидная с плоским основанием. Все со сквозными отверстиями по центру. Цвет камней: серый, светло-серый, белый, коричневый, черный, черный в крапинку. Пуговица из белого камня выполнена в форме стержня, фигурная с кольцевым желобком по центру; без орнамента (Д. – от 28 до 11 мм; толщина - от 8 до 3 мм.). *Керамические пуговицы* – 10 шт. и две заготовки керамических пуговиц. Форма: сферическая; круглая; в виде усеченного конуса. Цвет: светло-коричневый, залощенный; коричневый; красновато-оранжевый; покрытый желтым ангобом; без ангоба и лощения. На поверхности сферической пуговицы нанесены 3 резных двойных желобка и точечные углубления (Д. – от 24 до 16 мм; толщина – от 10 до 6 мм). Две заготовки для пуговиц – круглые (Д. – 12 мм). 1 пуговица выполнена из стеклянной пасты неопределенного цвета; форма неправильная, близкая к усеченному конусу (Д. – 15 мм; толщина – 11 мм). 11 пуговиц выполнены из кости в форме полукруга, круга, усеченного конуса на плоском основании. Поверхность покрыта резным или процарапанным орнаментом в виде елочек, звездочек, кружочков, заполняющих все поле пуговицы; круговых

полос. Некоторые пуговицы гладкие, без орнамента (Д. – от 28 до 10 мм; толщина – от 10 до 8 мм). Из кости выполнены еще две пуговицы и 2 бусины.

Накладки на ремень. *Металлические* - 22 шт. Материал – медь, бронза, железо. Форма разная: фигурная с одним заостренным концом и другим концов в виде скобы; прямоугольная со штампованным орнаментом: в середине цветок, по обе стороны от него – две птички (20 x 25 мм) (колл. № 208/1505); прямоугольной формы с фигурным отверстием; полукруглая с прямоугольным отверстием; сердцевидная с округлым отверстием; фигурная, полукруглая, в виде трилистника; в виде четырехлистника (крест с кругами на концах); грибовидная, с изображением головы животного, выразительны глаза, ноздри (15 x 13 мм); квадратная, объемная; продолговатая, с выпуклым орнаментом в виде поперечных полос и двумя отверстиями для нашивки (металл белый); треугольная; овально-вытянутая (один конец овальный, другой - прямой, окаймленная двумя желобками; прямоугольная, с овальным торцом и сложным узорчатым орнаментом, выполненным рельефом (44 x 28 мм; 20 x 25 мм; 20 x 12 мм; 20 x 11 мм; 21 x 12 мм; 20 x 24 мм; 18 x 14 мм; 16 x 12 мм; 15 x 13 мм; 12 x 9 x 7 мм; 43 x 28 мм; 24 x 14 мм; 43 x 28 мм; 24 x 14 мм; Д. – 14 мм, 12 мм ; дл. - 12 мм, 80 мм). У некоторых сохранились гвоздики с заклепками, крепления для ремня, язычки. Все в основном очищены, покрыты защитной пленкой.

Выделяются в этой группе два изделия. Первое - фрагмент украшения пояса, металлический, в виде цветочной розетки с отверстием, к ней присоединен листовидный элемент с тремя кружочками (Дл. – 34 мм; Д. – 16 мм). Второе изделие – часть поясного набора знатного воина, металлический, квадратной формы, с кружками по всем 4-м углам и более крупным кружком в центре. Имеется элемент надписи арабским шрифтом. Кружки выпуклые, рельефные. Сбоку приделаны два боковых ушка. Оборотная сторона гладкая (Дл. – 22 мм). Оба изделия найдены на шахристане Киндыкте в 1977 г. Александром Кимом.

Пряжки от мужских ремней - 31 шт. Материал – медь, бронза, железо. Формы и размеры разные: грушевидная; в виде полукольца; прямоугольные с закругленным торцом; лирообразная; в виде стержня. Одна пряжка, медная, фигурная, состоит из трех колец, соединенных в середине круглой пластинкой; между кольцами припаяны фигурные выступы, об. ст.

– гладкая (3,8x3,8см). Некоторые пряжки имеют орнамент в виде перекрещивающихся стержней с кольцами на концах и резным сетчатым узором между ними; гребня, проходящего по центру и боковых отштампованных 6 углублений, очерченных окружностями; кружочков, оконтуренных прерывистыми линиями и крестиком; бордюрчиков; рельефа.

Навершия от металлических булавок – 2 шт. и шпильки – 1 шт. Навершия булавок – одно в виде петушка, прекрасно видны гребешок, хвост (22 x 22 мм), другое – курицы (клюв, гребешок, глаз, хвост), насаженные на стержень. Навершие шпильки – круглой формы с округлыми зубцами (21 x 5 мм).

Выделяется **металлическая пластинка** с рельефным поясным изображением человека, которую 1984 г. принес в музей ученик средней школы № 195 г. Ташкента А.Зырянов. При детальном рассмотрении оказалось, что это четверорукое мужское божество в головном уборе из трех полушарий. Грудь перепоясана портупеей, скрепленной в центре кольцом; на груди украшение в виде четырех шарообразных предметов. С каждой стороны у божества по две руки с браслетами на запястьях; верхние руки подняты, нижние опущены. В верхних руках зажаты ручки булав, которые завершаются головками быков. Пластиинка отлита в односторонней форме с углублениями с обратной стороны головы, рук и туловища. Научный сотрудник музея Н.И.Ахунбабаева проанализировала данное изображение и сопоставив его с другими источниками, доказала, что это Шива, одно из высших божеств индийского пантеона. Укращение местного изготовления, но древние ювелиры могли, подражая привозной вещи, интерпретировать ее по-своему, исходя уже из своих религиозных представлений. Пластиинка могла служить в качестве нашивки на одежду, а скорее всего, накладкой на ремень.

Интересную группу предметов составляют **косметические принадлежности**. Среди них: медная ложечка, мелкая, овально-вытянутая, *ручка* в сечении треугольная, конец обломан. Размеры Дл. 8,1 и 2,7 см; шир. 0,6 и 1,5 см. 9 фрагментов бронзовых зеркал, круглой формы, с ручкой-держателем, одна из ручек петлеобразная. Край одного из зеркал с внешней стороны имеет бортик, затем по кругу идет выпуклая полоса. Ручка со сквозным отверстием. Поверхность покрыта штампованным растительным орнаментом. Об. ст. гладкая. У одного из фрагментов зеркала в середине есть сквозное отверстие. У другого с внешней стороны

на широком бортике нанесен вдавленный орнамент в виде продолговатого ромбика и головастика. У 4-х фрагментов поверхность с обеих сторон гладкая. Основная часть косметических принадлежностей, найденных на городище, представлена *сурьматашами* и их фрагментами. *Сурьматаш* – это каменная палочка в виде круглого, овального, прямоугольного в сечении стержня, предназначенная для подведения глаз и бровей сурьмой. Один конец заострен, другой уплощен, расширен и закруглен, с просверленным сквозным круглым небольшим отверстием в центре. У некоторых вместо отверстия имеется ложбинка для завязывания веревочки. Широкий конец может быть ровно срезанным. Выполнены из камня разных цветов, в основном мягкого серого, темно-серого, черного, коричневого. Размеры разные Дл. – до 9,8 см. Есть миниатюрные *сурьматаш*, которые, возможно, раньше использовались и для других целей: как оселки для шлифования. Всего – 62 шт. Есть также два кусочка графита с желобком от смазывания *сурьматаша*, в верхней части просверлено сквозное отверстие для подвешивания.

Таким образом, мы можем говорить о достаточно высоком уровне развития ювелирного производства и других отраслей ремесла в Ташкентском оазисе в средневековый период.

1970-1980 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ КУЧАЙИШИ

*Тогаева Анора Зайниддиновна
ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н*

XX асрнинг сўнгги чорагига келиб совет жамияти таназзулининг кучайиши Ўзбекистон шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг чукурлашиши ва шаҳар ахолиси ҳаётининг янада оғирлашишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама – хом ашёга йўналтирилганлиги, маъмурий буйруқбозлик тизимига асосланган марказлаштирилган бошқарув, республика меҳнат ва табиий заҳираларидан фойдаланишда иттифоқ манфаатларининг асосий ўринга қўйилиши, шаҳарлар барпо этиш ва меҳнат ресурсларини жойлаштиришда маҳаллий шарт-шароитлар ва анъаналарни эътиборга олмаслик сингари қатор омиллар шаҳарларнинг иқтисодий rivожига тўсқинлик қилди. Бунинг оқибатида

ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағлар ҳажми йил сайин камайиб, инсон омили ва унинг манфаатлари охирги ўринга тушиб қолди.

Республика иқтисодиётининг хом ашёга йўналтирилиши натижасида Ўзбекистон кўпгина четдан келадиган маҳсулотларга қарам бўлиб қолди. Маълумотларга кўра, республика аҳолисининг қондиримаган талаби 8-9 млрд. рубл.ни ташкил қилган ва у ҳар йили 600-800 млн. рубл.га ўсиб борган⁵¹.

1980-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистон ҳар бир кишига тўғри келадиган ялпи ижтимоий маҳсулот қўрсаткичлари бўйича иттифоқдош республикалар орасида 12-ўринни эгаллаган⁵².

Ўзбекистонда миллий даромаднинг ўсиш суръатлари ва меҳнат унумдорлиги тобора пасайиб бориб, 1970-йиллар бошида миллий даромаднинг ўсиш суръатлари 41 %ни ташкил этган бўлса, 1980-йиллар бошида 17 %га тушиб қолган⁵³. Бу борада республика қўрсаткичлари Иттифоқдош республикалар орасида охирги ўринлардан бирини эгаллаган эди.

Республикада, хусусан шаҳарларда ишсизлар сони кўпайиб борган. 1980-йилларнинг ўрталарида факат маҳаллий аҳоли ўртасидаги ишсизлар сони йилига 1 миндан ортиқни ташкил қилган⁵⁴. 80-йилларнинг сўнгги даврга оид маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида 200 минг та ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд эканлигига қарамай, республикадан ташқари жойлардан 125 мингга яқин ишчи ва мутахассислар ишга чақириб олинган. Улар биринчи галда маҳаллий аҳоли учун танқис бўлиб турган уй-жой ва бошқа шарт-шароитлар билан таъминланганлар⁵⁵.

Республика аҳолисининг уй-жой, озиқ-овқат, ижтимоий-маданий обьектлар билан таъминланиши даражаси пастлиги, Ўзбекистонда демографик вазият шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган бир вақтда бу ўлкага бошқа минтақалардан аҳолининг “зўрлик” билан кўплаб кўчиб келиши туб аҳолини уй-жой, озиқ-овқат ва саноат моллари, тиббий ва майший хизмат, болалар боғчаси ва яслилар билан таъминлашнинг янада ёмонлашувига,

⁵¹ Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). Тошкент, Шарқ, 1999. 41-бет.

⁵² Рахимов М., Раҳматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории Узбекистана. Ташкент, “Адабиёт учқунлари”, 2015. 14-бет.

⁵³ Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида). Тошкент, Шарқ, 1999. 41-бет.

⁵⁴ Рахимов М., Раҳматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории... 15-бет.

⁵⁵ Совет Ўзбекистони, 1990 йил 23 январь.

республикада ижтимоий-иктисодий вазият ҳамда миллатлараро муносабатларнинг янада кескинлашувига олиб келган⁵⁶.

Совет режалаштириш сиёсатининг нотўғри ташкил этилганлиги халқ хўжалигидаги талаб ва таклиф ўртасида номутаносибликларни келтириб чиқарганлиги шаҳарлар аҳолисини истеъмол буюмлари билан таъминланиши паст даражада бўлишига олиб келган омиллардан яна бири эди. Нотўғри режалаштириш туфайли ортиқча ишлаб чиқарилган кўплаб маҳсулотларнинг пештахталарда йиллар давомида тахланиб ётиши бу даврда деярли барча шаҳарларга оид манбаларда учрайди. 1987 йил 17 июнда бўлиб ўтган Бекобод шаҳар халқ депутатлари кенгашининг XVIII чақириқ XI сессиясида савдо, умумий овқатланиш ва майший хизмат соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабларидан анча орқада қолганлиги таъкидланади. Жумладан, шаҳар савдо дўконларида 1987 йилда 4 млн рубл. қийматга teng кераксиз маҳсулотлар тўпланиб қолганлиги қайд этилади⁵⁷.

Худди шундай маълумот Хоразм вилоятида ҳам кузатилган. Хужжатлардан маълум бўлишича, вилоят матлубот кооперацияси тизимида 10,6 млн. рубл.лик маҳсулот дўконларда сотилмай ётган⁵⁸.

Ваҳоланки, бу даврда тақчил (дефицит)маҳсулотлар сафи йил сайин кенгайиб борган. Республикага саноат маҳсулотларининг ярмидан кўпроғи, жумладан уларнинг энг оддийлари ҳам четдан келтирилганлиги бунинг асосий сабабларидан бири эди. 1980-йилларга келиб республика шаҳарларида гардероб предметлари, майший техника, аппаратура, транспорт воситалари, қурилиш маҳсулотлари, дафтар ва бошқа канцелярия ашёлари, спорт кийимлари, лезвия, парфюмерия-косметология ва заргарлик буюмлари сингари маҳсулотлар тақчилҳисобланган⁵⁹.

Шунингдек, бошқарув механизмининг эскирганлиги шаҳарларда саноат корхоналарининг нотекис жойлашишига олиб келганлигихам иқтисодий-ижтимоий тараққиётга ғов бўлган эди. Масалан, Хоразм вилоятидаялпи саноат маҳсулотларининг ярмига яқини асосий ишлаб чиқариш фондларининг 82 %и ва ишлаб

⁵⁶Бобоҷонова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммолари. (Ўқув кўлланма). Тошкент, 1995. 8-бет.

⁵⁷Бекобод шаҳар архиви. 80-жамғарма, 1-рўйхат, 291-ийғмажилд, 27-варақ.

⁵⁸Хоразм вилоят хокимлиги архиви. 1150-жамғарма, 7-рўйхат, 6-ийғмажилд, 6-варақ.

⁵⁹Правда Востока. 1989 йил 10 ноябрь.

чиқариш ходимларининг 75 %и жойлашган Урганч, Хива, Дружба шаҳарларида тайёрланган⁶⁰.

Шаҳар аҳолиси қундалик ҳаётининг муҳим жиҳатлардан бири – бу савдо ва умумий овқатланиш соҳалари бўлиб, шаҳар хўжалигини ташкил этишда муҳим ўринни эгаллади. Аммо, бу борада бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, хўжасизлик, ишга совуққонлик билан муносабат натижасида муаммолар жуда кўп эди. Масалан, Ўзбекистоннинг муҳим саноат шаҳарларидан бири хисобланган Бекобод шаҳрида, 1987 йилга оид маълумотларга кўра, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси паст бўлиб, сифатсиз маҳсулотлар тақдим этилган. Шаҳар аҳолиси оддийгина полиз маҳсулотлари, мевалар ва картошка билан тўлиқ таъминланмаган⁶¹. Ваҳоланки, бу пайтда Ўзбекистон Иттифоқ учун зарур бўлган полиз маҳсулотларининг бешдан бир қисмини, мева ва сабзавотларнинг катта қисмини етказиб берар ва республика қишлоқ хўжалигидаги 85 % суғориладиган ер ва сув ресурслари маҳсулотни четга чиқаришга сарфланар эди⁶².

Шаҳарлар аҳолиси ижтимоий ҳаётида учраган танглик 80-йилларда янада кучайиб борган. Мактабгача таълим муасссалари билан таъминлаш Иттифоқ миқёсида 1917-1985 йиллар оралиғида 37%дан 58%гacha ошган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 15%дан 36 %гacha ошган, холос⁶³.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам Ўзбекистон мамлакат кўрсаткичларидан анча орқада қолган. 1878 йилда Ўзбекистонда 10 минг шаҳар аҳолисига 38 та, қишлоқ аҳолисига 19 та врач тўғри келган. Бу пайтда Иттифоқ миқёсида худди шунча шаҳар аҳолисига – 44 та, қишлоқ аҳолисига – 22 та врач тўғри келган эди⁶⁴. Шу билан бирга, тиббий хизмат сифати пастлиги, тиббий асбоблар тақчиллиги, тор мутахассислар сони камлиги туфайли Ўзбекистон аҳолиси касалланиш даражаси ва болалар ўлими бўйича энг олдинги ўринларда турган.

Ўзбекистон шаҳарларининг 80 % дан ортиқ қисмини ташкил этадиган кичик шаҳарларда ҳам қўриб ўтилаётган йилларда муаммолар кўп эди. Кичик шаҳарларнинг аксариятида саноат обьектлари кам бўлиб, бунинг натижасида улар секин ривожланган. Улар ўз районларининг маъмурий ва маданий

⁶⁰Хоразм вилоят ҳокимлиги архиви. 1150-жамғарма, 7-рўйхат, 4-ийғмажилд, 15-варак.

⁶¹Бекобод шаҳар архиви. 80-жамғарма, 1-рўйхат, 291-ийғмажилд, 28-варак.

⁶²Правда Востока. 1989йил 30 сентябр.

⁶³Рахимов М., Рахматуллаев Ш., Турсунова Р., Назаров Р. Очерки новейшей истории... 15-бет.

⁶⁴ЎзРМДА, Р-837 жамғарма, 41-рўйхат, 5025-ийғмажилд, 86-варак.

маркази бўлганлиги ҳисобигагина тараққий этган. Шунингдек, кичик шаҳарларнинг кўпчилигига инженерлик инфраструктураси заиф ривожланган. Сув манбалари артезиан қудуқлари бўлиб, канализация тармоғи камчилик кичик шаҳарларда мавжуд эди. Мактаб ва мактабгача муассасаларда ўринлар нормадагидан 20-50%гача кам бўлиб, уларнинг аксарияти ноқулай биноларда жойлашган ва талабга жавоб бермаган⁶⁵.

Иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги танглик шаҳарларда аҳоли учун майший қулайликлар яратилишига тўсқинлик қилганлиги натижасида 1980-йилларнинг ўрталарига келиб Ўзбекистондаги шаҳар ва шаҳар посёлкаларининг фақат 70 %ида водопровод, 35 %ида канализация тармоқлари ишга туширилган. Жами шаҳар манзилгоҳларининг 87 %и газлаштирилган бўлса, 40 %идагина марказлаштирилган иссиқ сув тармоқлари мавжуд эди. Шаҳарлар тураржой фондининг 60 %ида ички водопровод тармоқлари мавжуд эди, холос. Индивидуал тураржой фонdlари шаҳар умумий тураржой фондининг 40 %ини ташкил этган⁶⁶.

Мустақиллик йиллари арафасига келиб кўпгина саноат корхоналарида ижтимоий ва маънавий жиҳатдан эскирган ускуналардан фойдаланганлиги паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига олиб келган. Ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида юзага келган вазият ўз навбатида шаҳарларда ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағларнинг камайиб кетишига, молиявий таъминотнинг пасайишига олиб келган. Бу эса, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келган вахалқ орасида совет тузумига қарши норозилик кайфиятларини янада кучайтирган эди.

⁶⁵Шорахмедов К. Малые города (Проблемы, перспективы). Ташкент, «Гармония», 1996. 17-бет.
⁶⁶ Ахмедов Э., Тешабаев М. Новые города Узбекистана. Ташкент, «Узбекистан», 1984. 142-бет.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИННИГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Курязова Д.Т,
МРДИ катта илмий ходим – изланувчиси, т.ф.н.*

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, музейлар фаолиятида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Айтиш мумкинки, ўзбек халқи тарихи, ўтмиши, маданияти ва қадриятларига эътибор бериш мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки тарихий хотира ва ўтмиш билан боғлиқ қадриятлар халқнинг ўзлигини англашда муҳим воситадир. Ўзбекистон тарихи давлат музейи эндиликда ўзининг қарийб 140 йиллик фаолияти давомида илк маротаба ўзбек халқининг тарихини холисона кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Мустабид совет тузуми даврида тақиқланган мавзулар: ўзбек халқининг давлатчилик тарихи, буюк мутафаккирлар, Амир Темур ва темурийлар даври, қатағон йиллари, «Пахта иши», Ўш, Бўка Фарғона фожеалари каби тарихимизнинг энг муҳим саҳифаларини холисона ёритиш қайта ташкил этилган музейнинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Музей ҳозирги кунда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон халқларининг моддий ва маънавий осори-атиқаларини сақлаш ҳамда ўрганиш бўйича жаҳондаги энг бой ва йирик илмий тадқиқот маркази хисобланади. Унинг фондларида 250 мингга яқин тарихий, санъат ва маданият ёдгорликларига оид ноёб буюмлар сақланмоқда⁶⁷. Тадқиқот жараёнида XX асрнинг бошларида музейда тўпланган Туркистон ўлкасининг моддий бойликлари: археология, этнография, нумизматика, табиат тарихи, зоология, геология, миллий либослар, шарқ қўллётмалари, қурол-яроғлар коллекциялари айрим «олимлар», алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиб, дунёning турли бурчакларига ташиб кетилгани ҳам кузатилди. Мустабид совет тузуми даврида ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва маънавиятини ўзида акс эттирган ноёб буюмлар Ватанимиздан ташқаридаги музейлар, хусусан Россиядаги музейлар коллекцияларини бойитди. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 1943 йилдан бошлаб Республика Фанлар академияси таркибиغا қўшилиши муҳим аҳамият касб этиб, унинг фаолиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Музей нафақат маданий, балки илмий марказлардан бирига айланиши учун асос бўлди. Ўзбек халқининг бой тарихий анъаналари, урф-

⁶⁷ Исмоилова Ж. Х. Илмий ва маърифий маскан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – №1. – Б. 2-3.

одатлари ва хунармандчилигини ўрганишда музейдаги коллекцияларни тўплаш ва улар асосида илмий тадқиқотларнинг узвий равишда олиб борилиши тарих фанининг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди деб айтиш мумкин. Албатта бу борада етакчи музейшуносларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Музей илмий ходимлари томонидан 1950 йилдан бошлаб «Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ишлари», 1960 йиллардан бошлаб эса «Ўзбекистон тарихига оид материаллар» номли илмий мақолалар тўплами чоп этила бошланди. Ушбу тўпламлардаги мақолаларда ўзбек халқининг тарихи, маданияти, музейшунослик ва унинг муаммолари ўз аксини топди⁶⁸. Музейдаги археология фондида қазишималар пайтида турли ёдгорликлардан топилган деворий тасвирлар, уй-рўзгор буюмлари, меҳнат куроллари, қадими ёзувлар тасвирланган ашёлар ва бошқа жиҳозлар сақланади. Бу ашёлар халқимизнинг қадими тарихини ёритишда катта аҳамиятга эгадир. Археолог олимлар, жумладан Л.Альбаумнинг 1950–1980 йиллардаги экспедициялари натижасида Варахша, Афросиёб, Болаликтека, Фаёзтепа ёдгорликлари очилди. Улардан топилган осори-атиқалар илк ўрта асрлардаги халқимиз маданияти, санъати ҳақида ҳикоя қиласи. Айниқса, Фаёзтепадан топилган буддавийлик ибодатхона комплекси ва Будда ҳайкали, буддизмнинг Ўрта Осиёда қарор топиши ва ривожланишини тадқиқ этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Ҳайкалда муқаддас Бадхи дарахти тагида ўтирган Будда, икки томонида турган роҳиблар тасвирланган. Л.Альбаум уни «Фаёзтепа учлиги» деб аташни таклиф этган эди. Ушбу «учлик», яъни уч кишининг ҳайкалидан иборат нодир ёдгорлик дунё миқёсида кенг танилди⁶⁹. Археологик ёдгорликларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси сифатида «Афросиёб» ва «Болаликтека» каби монографиялар, турли муаммоларга оид қатор рисола, илмий мақолалар нашр қилинганини музей олимларининг ижодий ютуқлари деб аташ мумкин.

Музей захираларида нумизматика⁷⁰га оид ноёб коллекциялар мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим ашёвий далил-манба сифатида катта аҳамиятга эгадир. Улар орасида энг қадимги даврлардан ҳозирга қадар зарб этилган олтин, кумуш, мис тангалар, пуллар, олтин ва кумуш медаллар, ҳукмдорлар муҳрлари тўпланган. Мавжуд тўпламларнинг илмий

⁶⁸ Исломлова Ж. Х. Илмий ва маърифий маскан // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – №1. – Б. 2-3.

⁶⁹ Левтеева Л. «Триада» из Фаязтепе // Вечерний Ташкент, 9 октября 2002 года.

⁷⁰ Нумизматика Узбекистана / Отв. Ред. Акад. Э.В. Ртвеладзе. Ташкент: Фан, 1990. – 212 с.

таҳлили сифатида С.Эшонхоновнинг «Нумизматика коллекциялари», А.Хаировнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи музейидаги муҳр ва штамплар коллекцияси», В.Массоннинг «Музейдаги қадимги сўғд тангалари», Г.Пугаченкованинг «Музей коллекциясидаги учта Аҳмонийлар тамғаси», С.Эшонхоновнинг «Кўқон тангалари каталоги», Ғ.Олимовнинг «Сомонийлар ва Қорахонийлар даври тангалари ҳақида», И.Тўхтаевнинг «Шарқий Туркистон тангалари», А.Мусакаеванинг «Ғарбий Сўғддаги пул муомаласи (мил. ав. IV – м. IV аср)» каби илмий асарлари Ўрта Осиёда илк тангаларнинг зарб қилинишидан бошлаб, пул муомаласининг ривожланиши ҳамда унинг тарихий тараққиётидаги ўрнини белгилашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Музейнинг этнографик фондида эса ниҳоятда қимматли ва ноёб буюмлар тўпланган бўлиб, Марказий Осиё халқларининг уйжихозлари, кийим-кечаклари, заргарлик буюмлари, халқ ҳунармандчилигининг барча соҳаларига оид иш қуроллари ва маҳсулотлар намуналари ҳар бир этнографик ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Улардан 10 мингдан ортиғи ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётига оид бўлса, 6 минги қардош қорақалпоқ, туркман, қирғиз, қозоқ, тоҷик ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи бошқа халқларга тааллуклидир. Бу экспонатларни тўплаш ва илмий таомилга киритишда Т.Мирғиёсов, Ш.Иноғомов, Ғ.Олимов, М.Султонов, Г.Темиргалиев, Т.Абдуллаев, К.Турсуналиев ва С.Ҳасановларнинг хизматлари катта бўлган. Музей олимлари ўнлаб йиллар давомида дастлаб Ўрта Осиёнинг, сўнг Ўзбекистоннинг турли вилоятларида бўлиб, этнографик экспедициялар давомида Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Бухоро аҳолисининг турмуш тарзи, хўжалик фаолияти, моддий ва маънавий маданияти, урф-одатлари, маросимларининг ўзига хос томонларини ўрганиб келдилар. Этнографик экспедиция музей томонидан ташкил этилгани боис тўпланган буюмлар-ашёлар унинг фондларини тўлдирган. Бу экспедицияларда ўз даврининг етук элшуносларидан А.Морозова, М.Бикжанова, Ш.Иноғомов, А.Боровиков, Ж.Файзиев, М.Султонов ва бошқалар фаол иштирок этганлар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистоннинг амалий санъати намуналари бўлмиш гиламдўзлик ва каштачилик маълум даражада ўрганилиб таҳлил этилган. Бугунги кунда музейда Ўзбекистоннинг замонавий босқичдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги тараққиётининг умумий қонуниятлари ва ўзига хослиги, музей

иши тарихига оид катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Музей нафакат Ўрта Осиёдаги, балки дунёдаги моддий ва маънавий маданият осори-атиқалари сақланадиган энг йирик муассасалардан бири сифатида уларни тадқиқ этиш, системалаштириш (тизимга солиш), илмий каталогглаштириш, намойиш этишга тайёрлаш бўйича ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда. Музей бой археологик, нумизматик, этнографик буюмлардан ташқари, унинг илмий кутубхонасида ўрта асрларга оид қўллэзмалар, XIX асрга мансуб ноёб нашрлар, янги ва энг янги тарихга оид ҳужжатлар архивига ҳам эгадир. Давлат эътибори, олим ва музейшунослар саъй-ҳаракати натижасида бу даргоҳ музей соҳасидаги энг замонавий талабларга жавоб берадиган илмий-маърифий масканга айланди.

Музей биноси 1970 йилда Тошкент марказида бунёд этилиб, пойтахтнинг энг муҳташам иншоотларидан хисобланади. Кўриниши жаҳатдан бино номутаносиб куб шаклида бўлиб, Шарқ меъморчилигида умрбоқийлик рамзини англатади. Бинода ўзбек меъморчилигининг анъанавий ва замонавий жиҳатлари ўз аксини топиб, оддий геометрик шакллар, ранг-баранг ва бой сатҳ, нақшлари билан мужассамлашиб кетган. Музейга кириш эшиги қўқонлик машҳур уста К.Хайдаровнинг ёғоч ўймакорлиги санъати намунасидир. Кириш зали баландлиги бўйича 3 қаватга лойиҳалаштирилган. Музейнинг доимий экспозицияси 2003 йили янгидан яратилиб, у Ўзбекистоннинг энг қадимги давридан ҳозирги кунигача бўлган тарихини акс эттиради. Экспозициянинг умумий майдони 2000 м² ни ташкил этиб, унда 12 мингга яқин экспонат ўрин олган. Экспозиция ибтидоий жамоа даври кўргазмасидан бошланади. Такдим этилган экспонатлар Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда одамларнинг Селенгур ғори давридан яшай бошлаганини тасдиқловчи тошдан меҳнат куроллари кўргазмасидан бошланади. Тешиктош ғорида очилган дунёга машҳур неандерталь бола скелети ва унинг қабри, теварагига қадалган арҳар шохлари, Зараутсойда топилган қоятош тасвиirlари, жез даврига оид моддий қадриятларни намойиш этувчи Сополлитепа, Жарқўтон, Чуст ва бошқа манзиллардан топилган ашё ва буюмлар катта илмий аҳамиятга эга. Музейда Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлат уюшмалари, уларнинг Эрон аҳмонийлари, Искандар бошчилигидаги юонон-македон босқинчиларига қарши курашлари, Юонон-Бақтрия, Қанғ ва Кушон подшоликлари даври ҳам ўз ифодасини топган. Юртимиздаги

қадимги Хоразм, Кушон подшоликлари маданияти юксак ривожини акс эттирувчи тарихий буюм, дастлабки ёзувлар намуналари ҳам қўргазмадан муносиб ўрин олган. Илк ўрта асрлар, арабларнинг Ўрта Осиёни истило қилиши, халифаликдан кейинги дастлабки маҳаллий сулолалар даври, мўғуллар истилоси, Амир Темур ва Темурийлар даври, Бухоро, Хива, Кўқон хонликлари тарихига оид ашёлар музей қўргазмасининг давомини ташкил этади. Экспозицияда VI–VII асрларга оид Фаёзтепадан топилган Будда ҳайкали, Варахша, Афросиёбдан чиқкан деворий тасвирлар намуналари, Усмон «Куръони»нинг кўчирма нусхаси, Обурдон қишлоғидан келтирилган ўймакор устун ва бошқалар ўрин олган. Қадимги Юнон-Бақтрия, Кушон подшоликлари, Кўҳна Хоразм, илк ўрта асрларга оид Нахшоб, Бухоро, Чоч, Самарқанд тангалари ҳам қўргазмадан муносиб ўрин олиб, уларда маҳаллий хукмдорлар тасвири, тамғалари, исми, унвонлари зарб этилгани диққатга сазовордир. Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қарахонийлар, Чингизийлар, Темурийлар, Шайбонийлар ва Аштархонийлар, Бухоро, Хива ва Кўқон хонликлари тангалари экспозициянинг узвий давоми бўлиб, ушбу давр пул муомаласи ҳақида зарур маълумотлар беради. Экспозицияда меҳнат қуроллари, майший турмуш билан боғлик буюмлар ҳам талайгина. Ватанимизнинг ўрта асрлардаги юксак фан ва маданиятига оид маълумотларни қўргазманинг Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абулғози Баҳодирхонга бағишлиланган бўлимидан топамиз.

Экспозициянинг навбатдаги тўртинчи қаватида жойлашган қисмида Ўзбекистоннинг рус мустамлакачилиги даври тарихини намойиш этадиган экспонатлардан бошланади. Кўргазмада Россия томонидан ўзбек хонликларининг босиб олиниши, подшо маъмурияти зулми, Туркистоннинг хом ашё базасига айланиши акс эттирилган. Мустамлакачилик зулмига қарши миллий озодлик ҳаракатлари, қўзғалонлар алоҳида бўлимда намойиш этилган. Экспозиция давомида советлар даври тарихи, 1917–1991 йилларда Ўзбекистон тараққиётидаги ютуқ ва камчиликлар, ижобий ва салбий хусусиятлар экспонатларда ўз аксини топган. Янги экспозициянинг асосий бўлимини Мустақил Ўзбекистон Республикасининг тарихи эгаллайди. Унда Ўзбекистоннинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўйган илк қадамлари,

унинг жаҳон давлатлари томонидан эътироф этилиши, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатдорлик асосидаги алоқаларини акс эттирувчи фотосуратлар, ҳужжатлар ўрин олган⁷¹. Мустақиллик йилларида музейнинг халқаро алоқалари ҳам кенгайди. Хусусан, 2003 йилнинг апрель ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида «Гиламлар тарихи санъати» мавзусидаги кўргазмада музей ўз экспонатлари билан қатнашди. Ўша йилнинг май–август ойларида Нью-Йоркнинг Метрополитен музейида Ўзбекистон тарихи давлат музейининг ноёб экспонати икки бошли илон тоштумор «Илк шаҳарлар санъати» кўргазмасида намойиш этилди. 2003 йил давомида музейда қатор кўргазмалар ташкил этилди. «Ўзбек ҳунармандчилиги» (XIX–XX асрларда) кўргазмаси март ойида иш бошласа, июнь ойида «Хива ҳунармандчилиги» (XIX–XX асрларда) номли кўргазма очилди. Август ойининг охиридан яна бир кўргазма «Қоратепа – Ўрта Осиёдаги буддизм маркази» иш бошлади⁷². 2004 йил давомида: «Хитой санъати ва маданияти», «Хоразм заргарлик санъати», «Дунгандарнинг турмуш тарзи ва маданияти», «Амир Темур – Клавихо – Самарқанд» (Амир Темур ва Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда) кўргазмалар ташкил қилинди⁷³. Музей илмий ходимлари томонидан кейинги йилларда нашр қилинган «Темурийлар сулоласи тангалари», «Каталог металлических и керамических изделий Узбекистана XIII–XIX в.в.», Н.Содикованинг «Ўзбек миллий кийимлари», Ж.Исмоилованинг «Фарғонада миллий озодлик курашлари», «Тошкентнинг янги шаҳар тарихи», «Ўзбек миллий либослари», «Ўзбекистон дўпилари» каби монографиялари Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланишига салмоқли хисса бўлиб кўшилди дейиш мумкин.

Республика миқёсида музейда режа бўйича ва унга қўшимча қатор илмий анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. ЎзР ФА тарих институти билан ҳамкорликда 2006 йил 19 апрелда академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи» Республика анъанавий илмий семинарининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Илмий анжуманда таниқли тарихчи олимларнинг маъruzалари тингланди. Долзарб муаммоларга бағишланган маъruzalar анжуманда иштирок этган олим, тарихчи мутахассис,

⁷¹ Бекмуродов М.Б. Раширова М.Х. Музейшунослик. Тошкент: Ворис-Али, 2006. – Б.52.

⁷² Левтеева Л. Юбилейные выставки в музее истории Узбекистана // Мозийдан садо. – Ташкент, 2006. – № 2. – С. 35-37.

⁷³ Темурийлар тарихи давлат музейи фаолиятининг 2003 йилги хисоботи / Темурийлар тарихи давлат музейи жорий архиви.

талаба, ўқувчиларнинг Ватан тарихини ўрганишда янгича ёндашувчилар ҳакида янги маълумотлар олишига, ўзларининг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади. Музей фондидаги ноёб экспонатлар Германия, АҚШ, Малайзия, Япония ва бошқа хорижий мамлакатларда ўз кўргазмаси билан қатнашиб, жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига тортиб келмоқда. Музейнинг археологик ва этнографик экспонатлари Япониянинг бир қатор музейларида «Буюк ипак йўли» номли кўргазмада намойиш қилинди.

Амалга оширилган тадқиқот жараёнида Ўзбекистон тарихи давлат музейи ўзининг 140 йиллик фаолияти давомида Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданияти осори-атиқалари сақланадиган йирик масканга айланганлиги кузатилди. 1876–1917 йиллар давомида музейда асосан тўпловчилик фаолияти йўлга қўйилди. Музей экспонатлари тартибга солиниб, рўйхати тузилди. Нумизматика, археология, этнографияга оид экспонатларнинг каталоги тузилди. Ўтган асрнинг бошларидан эса, мазкур музей нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё худудида энг йирик ҳисобланган илмий-текшириш ва маданий-маърифий муассасага айлана бошлади. Музей ўша даврларда Республика етакчи музей бўлиб, вилоят, шаҳар, туман музейлари учун йўриқномалар, илмий-услубий қўлланмалар чиқариб турган. Бироқ, таъкидлаш лозимки, мазкур музей ҳам кўп бошқа муассасалар қаторида совет тузуми даврида шаклланган ғоя ва қадриятларни тарғиб этувчи марказга айланган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, музей фаолиятига нисбатан янгича муносабат шаклланди. 1992 йили давлат музейи мақоми берилиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи деб аталиши унинг тарихида янги давр бошланганидан дарак беради; музей илмий ходимлари, олимлар, маданият арбобларининг меҳнати натижасида музейнинг янги илмий концепцияси ишлаб чиқилди; экспозициялар тубдан ўзгартирилиб, тарихан аниқ, ишончли-хужжатли ва бадиий-ифодали қилиб тузилди; музейда Ўзбекистоннинг энг қадимги давридан ҳозирги кунгача бўлган тарихини акс эттирувчи доимий экспозиция яратилиб, музей ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини намойиш этадиган масканга айланди; Ўзбекистон тарихи давлат музейининг такомиллашуви ва янги илмий концепциясининг хусусиятлари, экспонатларга бойлиги, уларни энг замонавий талаблар даражасида намойиш этиши билан жаҳоннинг энг машҳур музейлари билан бир қаторга қўйиш

мумкин.

МОСКВАДАГИ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА САҚЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИГА ОИД АШЁЛАР ҲАҚИДА

*Курбонова Д.А,
МРДИ катта илмий ҳодим-изланучиси, т.ф.н.*

Москвадаги Шарқ халқлари давлат музейи Шарқ мамлакатлари тарихи этнографиясияга оид ашёларни тўплайдиган, ўрганадиган ва намойиш этадиган Москвадаги ягона музей ҳисобланади.

Ушбу музей 1918 йил 30 октябрда ташкил топган. Музейнинг умумий сони 81000 дан ортиқ бўлиб, ундан 8000 таси илмий-ёрдамчи фондга ўтказилган. Бу коллекциялар регионлар бўйича комплектлаштирилган. Яъни, Узоқ, Яқин, Ўрта Шарқ, Жанубий-шарқий, Жанубий, Марказий ва Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ ва Кавказ орти ва ҳ.к.лардир. Коллекцияларнинг даврлаштириш эса ибтидоий давр ёдгорликларидан, то ҳозирги пайтгача бўлган ашёлар тарихидан иборат.

Биринчи ўн йилликда музей фондлари Миллий музей фонди коллекцияларининг машҳур тўпловчилари – С.И.Шукин, А.А.Брокар, Л.К.Зубова, Н.С.Мосолова, И.С.Остроухова ва бошқалар томонидан тўпланган ашёлар тақдим этилиши натижасида бойитилган. 1920 йилнинг охирларидан Шарқ мамлакатлари коллекциялари эксперт сотиб олиш комиссияси қарорига кўра ва бошқа музейлардан (Москва Тарих Давлат музейи, Румянцев музейи, А.С.Пушкин номидаги Давлат тасвирий санъат музейи ва ҳ.к.) экспонатларнинг ўтказилиши натижасида ҳам бойитилди. 1950-1970 йилларда музейга минглаб Шарқ халқлари этнографиясига хос бўлган ашёлар Москва ва Санкт-Петербургда ўтказилган кўргазмалар натижасида келиб тушди. Шунингдек, музей илмий ходимлари томонидан 1929-1933 йилларда илк маротаба илмий экспедициялар ташкил этилиб, улар туфайли ҳам музей фонди тўлдирилди. Айниқса, 1980 йилларда эксперт сотиб олиш комиссияси қарорига кўра Ўзбекистонга оид ашёлар ниҳоятда кўп музей фондига тўпланди. Илк археологик музей экспедицияси 1926-1928 йилларда Қадимги Термиз худудида ўтказилди. Ушбу экспедиция топилмалари А.И.Смирнов ва Б.Н.Кастальский томонидан музей фондига тақдим этилди.

Москвадаги Шарқ халқлари давлат музейида Ўзбекистон бой қадимги санъати ва тарихини кўрсатиб берадиган минглаб амалий санъат буюмлари, рангтасвир асарлари бор¹.

Музей экспонатларининг кўп қисми XIX асрга бориб тақалади. Шу даврда Марказий Осиё худудида ўзига хос эътиборга эга бўлган учта хонлик: Кўқон, Бухоро ва Хива хонликлари мавжуд бўлган. Музей экспозициясининг асосий қисмида Ўзбекистон этнографиясига оид бўлган амалий санъат буюмлари, ҳар бир вилоят мактабларига хос бўлган сўзаналар, кулолчилик ва мисгарлик намуналари, миллий кийимлар намойиш этилган. Экспонатларни кўргазмага қўйишида ва уларга таърифлар берилганда, қайси вилоятга тегишли эканлиги, ҳақида сўзлайди. Музейга ушбу экспонатларнинг тўплаш жараёнлари асосан, археологик экспедициялар, сотиб олиш комиссиялари билан боғлиқ².

Биринчи экспедициялар Ўзбекистонга 1933 йилда бошланган. Марказий Осиёга оид коллекцияларнинг энг кўп йиғилган вақтини 1980 йил деб белгилаш мумкин. Ушбу экспонатлар Санкт-Петербург, Москва, Париж, Лондон, Нью-Йорк каби шаҳарларда кўчма кўргазмаларда намойиш этилган. Қуйида музей экспозициясидан жой олган Ўзбекистон тарихига оид бўлган айрим заргарлик буюмлари тўғрисида маълумот ва таҳлил бериб ўтилади.

Заргарлик санъати қадимги амалий санъат турларидан бири хисобланиб, кийимлар билан кийишида ва пиёла, косаларда қадаб ишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Заргарлик буюмлари турли ўймакор нақшлар кандалори билан безатилган. Нақшлар ранги ёки безакнинг асосий ранги кора кумуши билан бўялган ва сирланган. Феруза, хақиқ, садаф тошлари, маржон шодалари, қимматбаҳо тошлардан-зумрад, ёқут, дурлар билан асосан шиша маржон тақинчоқлар безатилган. Яримқимматбаҳо урал тошлари кам фойдаланилган. Маҳаллий аҳоли учун заргарлик буюлари турли вазифаларни бажарган. Тақинчоқларнинг нақшлари, хунармандларнинг меҳнати жуда қадрланган. Чакноқ тошлар ва марваридлар билан безатилган олтиндан ишланган тақинчоқлар зодагонлар учун мўлжалланган. Ўрта ҳол аҳоли учун ранг-баранг тошлар билан безатилган кумушдан ва олтисуви югиртирилган безаклар тақиши урф бўлган.

¹ Государственный музей Востока. Путеводитель, Москва, ГМВ, 2012г.-стр.-14-17.

² «Государственный музей востока», Путеводитель, - Москва.: С.- 13.

Камбағал аҳоли мисдан, бронзадан ва шишадан ясалган безаклардан фойдаланишган. Тақинчоқ ясаш учун энг кенг тарқалган металл кумуш ҳисобланган. Заргарлик буюмлар Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Шаҳрисабз, Қарши, Наманган, Андижон, Марғилон, Тошкент, Хоразм ва Ўрта Осиёning бошқа шаҳарларидағи хунарманд усталарнинг сермаҳсул ижод намуналари ҳисобланган. Бундай безаклар мижозларнинг буюртмаси ва замон талабига мослаб яратилган. Туб хунармандларнинг маҳсулотлари қўшни мамлакатлар билан маданий-иқтисодий алоқларни ўзида намоён қилган. Заргарлик буюмлари ўзгариб борадиган ижтимоий аҳволни кўрсаткичи бўлиб ҳам хизмат қилган¹.

Аёллар кийимининг тўпламини заргарлик буюмлари ҳам тўлдириб турган. Булар қаторига сұядан ясалган безаклар, мунчоқли, оғир кумушдан ясалган тақинчоқлар, қулоқ ва бурун безаклари, бўйин ва кўқрак учун безаклар; қўл безаклари-узуклар ва билакузуклар; кийим безаклари- тугмалар, қадама безаклар, безакли камарлар, туморлар, аёллар бош кийимиға қадаладиган безаклар. Аёлларнинг безакли бош кийимини асосан турмушга чиққан аёллар меҳмонга борганда ёки меҳмон кутиб олганда тақишиган. Булар; тиллакқош - (Тошкент, Фарғона, Бухоро вилоятлари) нафис қилиб ишланган олтин суви югиририлган, фируза тошлари ва майда ранг-баранг шишалар билан безатилган; осмадўзи-(Хоразм вилояти) шакли қошга ўхшайдиган шокилали бешона безаги, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар билан безатилган; тиллабаргак - (Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари) боғич шаклдаги пешона безаги, атрофлари майда фируза тошлари билан безатилган ва айрим ҳолларда шокилдалари ҳам бўлган. Қуйида музей экспозициясида намойиш этилган айрим аёллар заргарлик буюмлари тўғрисида маълумот берилади:

Тиллақош “Бодомой”-XIX аср, Хива мактабига хос. Тилла суви юритилган кумушга ишланган. Ёқут, фируза тошлари билан зийнатланган. Келинлик тақинчоғи ҳисобланган. Тақинчоғда учта бодом шакли бўлиб, атрофига фируза тошлари қадалган. Тақинчоқ келинларнинг бош кийимиға тақилган.

¹Фахретдинова Д.А. Ювелирное Искусство Узбекистана, Ташкент, Г.Гуляма, 1998. С.- 22.

Тилла баргак – Тошкент мактабига хос, 1910 йилга оид. Олтин суви юритилган кумуш, ёқут ва рангли шишалар билан зийнатланган.

Шу билан музейда Қорақалпоқ миллий келинлар либосининг талайгина қисмлари сақланмоқда. Шулардан бири саукеледир. Саукеле-никоҳ маросимида кийиладиган аёллар бош кийими ҳисобланади. Оғир осилчоқ металлардан ясалади, қимматбаҳо тошлар билан безак берилади. Бу бош кийим тинчлик ва хотиржамлик тимсоли ҳисобланган. Келинларнинг бу бош кийими Ўрта Осиёдаги ҳарбий қурол яроғлар билан юрадиган кўчманчи халқларнинг диний маросимлардаги ташқи кўринишини намоён қилган. Музейда қорақалпоқ келинлар тақинчоқлари, кемишеклар ҳам сақланмоқда. Худди шундай саукеле Россия этнография музейида ҳам намойиш этилган. Бироқ у ерда кемишек ва тақинчоқлар йўқ. Ушбу коллекциялар И.В. Савицкий томонидан совға этиб топширилган¹.

Бундан ташқари, музейда Ўзбекистоннинг турли вилоятларига тегишли бўлган кулолчилик, мисгарлик намуналари экспозициядан ўрин олган. Улар Фарғона, Тошкент, Шахрисабз мактабларига хосдир. Улар орасида офтобалар, чойдишлар, чилимлар, чойнаклар, лаганлар, пиёлалар фикримиз далилидир. Худди шундай мисдан ясалган ва фируза тошлари билан қадалган кўзалар Санкт-Петербург Давлат Эрмитажида ҳам сақланади. Бироқ, Москвадаги Шарқ халқлари давлат музейида Ўзбек кулолчилиги намуналари кенг тарзда намойиш этилган. Булар асосан, Риштон кулолчилигига оидdir.

Ўзбек халқ амалий санъатида кулолчилик ўзига хос хунармандчилик тури ҳисобланади. У VIII асрда пайдо бўлган. IX – XVI асрларда эса Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига экспорт қилина бошлайди. XIX асрда Ўзбекистон ҳудудида асосий кулолчилик мактаблари ва марказлари пайдо бўлади. Уларнинг вазифалари Ўзбек тарихий кулолчилик анъаналарини кенг тарғиб этишга қаратилган эди. Ана шундай марказлар қаторига қуйидагилар кирган:

- А) Самарқанд-Бухоро марказий мактаби; улар Тошкентда, Самарқандда, Ургутда, Бухорода, Гиждувонда, Шахрисабзда, Китобда, Каттақўрғонда ва Деновда бўлган;
- Б) Шимоли-Шарқий Фарғона марказий мактаби; улар Риштонда ва Қурумсаройда бўлган;

¹Россия этнография музейи фондининг ҳисоботларидан фойдаланилди. 2015 йил.

В) Жанубий-Ғарбий Хоразм мактаби; улар Урганчда, Хивада, Каттабоғда бўлган.

Ушбу худудлардаги ҳар бир кулолчилик намуналари узвий бир-бирига боғлиқ тарзда бири иккинчидан фарқ қилган². Асосан, усталар ошхона ва хўжалик идишларини ясаганлар. Ўзбек усталари томонидан ясалган идишлар икки турга бўлинади, булар: коса ва кўзасимон идишлардир. Улар косалар, шокосалар, пиёлалар, лаганлар, товоқлар, тоғоралар, бадия ва ҳ.к. лар ясашган. Музей экспозициясидан ана шундай Ўзбек кулолчилиги намуналари намойиш этилган. Куйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумот берилади:

Товоқ – Ўрта Осиё, Риштон, 1916 йил. Сопол, усти сирланган, мовий рангда. Баландлиги: 4,7, Диаметри: 31 см. Инв. № 2289 III

Кўплаб сопол буюмлар чойга тўғридан-тўғри муносабат билдиримаса-да, дастурхон безаги ҳисобланган. Яъни, уларга мевалар ёки ширинликлар қўйилган. Чойхоналарда эса ана шундай кўк рангли товоқлар деворий безак сифатида осиб қўйилган. Ва бу ҳолат кўз тегишидан асрайди, деб ҳисобланган. Шунингдек, идишлардаги пичоқсимон кўринишдаги тасвиirlар ҳам ўз навбатида турли бало-қазолардан сақлайди деб ҳисобланган.

Коса-бадия - Ўрта Осиё, Хоразм, 1985 йил. Сопол, усти сирланган, қизғиши рангда. Баландлиги: 5,6, Диаметри: 21 см. Инв. № 2290 III

XIX-XX асрда Хоразм кулоллари идишларни безашда асосан меъморчилик безакларидан фойдаланишган. Хоразм кулолчилиги безакларида арабик мумтоз безаги сақлаб қолинган. Яъни, уларда ёзувлар ва ислимиј безаклар кўп фойдаланилган¹.

Бундан ташқари, музей коллекциясида жуда чиройли мисдан ясалган ва фируза тошлари қадалган чойдиш, кўза, офтоба ва ҳ.к. лар ҳам бор. Бу каби мис буюмлар Эрмитажда, Россия этнография музейида, Европанинг Англия ва Франция музейларида ҳам бор. Улар ўзининг даври, жойи, ясалиш техникаси билан фарқланади. Яъни, Эрмитажда XIV-XV ва XIX асрларга хос бўлган сарой аёнлари учун ишлатилган мис буюмлар, Россия этнография музейида эса кундалик турмушда ас қотган идишлар, Москвадаги Шарқ халқлари давлат музейида эса кўпроқ миснинг ўзидан ўймакор қилиб ясалган кўзалар ва дастшўйларни кўриш мумкин.

²Ҳакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность., Ташкент, “Санъат”, 2010.- Б.162.

¹Чай.Вино.Поэзия. / Составитель Е.С.Ермакова, ГМВ, Москва, 2015.- С.151-158.

Москвадаги Шарқ халқлари давлат музейида Ўзбекистоннинг қадимги даври тарихига оид бўлган кўплаб ашёлар коллекцияси ҳам мавжуд. Улар музей экспозициясидан жой олган. Улар асосан хоразм ҳудудидаги эр. авв.ги IV- II асрларга оид бўлган Қалъали Қир ёдгорлигига оидdir.

Шарқ халқлари давлат музейининг Марказий Осиёга уюштирилган илк археология экспедицияси 1926 йилнинг сентябр ойида ташкил этилган. Бу экспедицияга музей директори санъатшунос Б.П. Денике бошчилик қилган. Экспедиция таркибида меъмор Б.Н.Засыпкин, тарихчи А.С.Стрелков, санъатшунослар Б.В.Веймарн ва П.Е.Корниловлар кирган². 1926-1928 йилларда давом этган мазкур экспедиция асосан эски Термиз ҳудудида қазишишмалар олиб борган. Улар қадимги Термиз ҳудудида ҳукмронлик қилган шоҳлар саройлари қолдиқларида қазув ишларини олиб борганлар. Ушбу экспедиция ишлари натижасида илк бора Кушон даври ёдгорликлари аниқланган. 1926 йилда Тошкент археология музейи директори В.Р.Чейлитко томонидан музейга жуда кўп сопол буюмлар коллекцияси тақдим этилган.

1933-1934 йилларда Ўрта Осиёга оид кўплаб археологияга оид ашёлар коллекциячи Б.Н.Кастальский томонидан (600 га яқин) тақдим этилган. Худди шу коллекциячи томонидан Давлат Эрмитажига ҳам турли даврга оид бўлган Ўзбекистон тарихига доир ашёлар тақдим этилган.

Иккинчи музей археология экспедицияси эса 1962 йилда бошланган. Экспедиция иши Қадимги Термиз ҳудудидаги Қоратепа ёдгорлигига ўтказилган. Унга Б.Я. Ставиский раҳбарлик қилган. Экспедиция ишида бутун музей жамоаси иштирок этган ва шу тариқа музей коллекцияси ҳам тўла бошлаган. Мазкур экспедиция иши натижасида будда дври маданиятига оид бўлган сопол буюмлар, деворий расмлар, ҳайкалтарошлиқ намуналари ва эпиграфика ёдгорликлари кўплаб музейга келтирилган.

1979 йилда Шарқ халқлари давлат музейида Хоразм археология - этнография экспедициясининг 40 йиллигига бағишилаб, “Қадимги Хоразм” номли кўргазма ташкил этилади. Кўргазмадан сўнг эса, ашёларнинг ярми музейга тақдим этилади.

1993-1995 йилларда эса Россия ФА Н.Н.Миклухо-Маклай номидаги этнология ва антропология институти музейга Хоразм

²С.Б.Болелов, Т.К.Мкртычев Религии и культуры домусульманской Средней Азии (IV в. до. н.э.- IV в. н.э.) путеводитель по экспозиции, ГМВ, Москва, 2013. – С.- 9.

қадимги маданияти тарихи билан боғлиқ бўлган қўплаб ашёларни тақдим этади. Булар орасида Қуйқирилган қалья, Қалъали қир, Тупроққалъя ёдгорликлари ашёлари жуда қўп эди.

Қўйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумот бериб ўтилади:

Қўшиқулоқ ритон - Хоразм, Қалъали-қир, эр. авв. IV-II аср. Сополдан ясалган. Инв: 846 IV кр.

Ушбу кўза қизил ангоблан ишланган. Қорин қисмидан бўйин қисмигача ингичкаланган. Икки тарафдаги дастасида шер калласининг тасвири бор. Ушбу кўза асосан дипломатик муносабатларда, қадимги шоҳларнинг қабул маросимларида шарбат ичиш учун мўлжалланган.

Сув учун мўлжалиланган идишининг парчаси - Хоразм, Қалъали-қир, эр. авв. IV-II аср. Сополдан ясалган. Инв: 862 IV кр.

Ушбу идишда Хоразм афсоналарининг бир сюjetи акс этган. Идишдаги безакларнинг ярми ўчиб кетган бўлса-да, сақланиб қолган қисмини қўйидагича шарҳлаш мумкин. Идишининг марказий қисмida инсон танаси акс этган бўлиб, бир афсонавий ҳайвон билан олишаётган ҳолати тасвирланган. Тасвирнинг қўйи қисмига эса эски хоразмча ёзув ёзилган ва уни қўйидагича таржима қилиш мумкин: “У ҳалок этади”¹.

Ушбу Марказий Осиёning қадимги даври тарихини тараннум этувчи кўргазма музейда 2015 йилда ташкил этилган бўлиб, у билан илмий сафар чоғида яқиндан танишилди. Тарих фанлари доктори Т.К.Мкртычев музей заллари ва экспозицияси билан танишишда яқиндан ёрдам берди.

Умуман олганда, Россия музейларида Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон санъати, маданияти тарихига оид бўлган жуда қўп ноёб ашёлар коллекцияси сақланмоқда. Улар ўзининг бетакрорлиги, турли даврга оидлиги, ҳунармандларнинг нодир қўл меҳнати маҳсули эканлиги билан эътиборлидир. Ушбу ашёлар музей таъмирловчилари томонидан мунтазам кузатиб ва таъмирланиб борилмоқда. Ашёларга илмий тавсифлар ҳам тўғри ёзилган. Фақатгина Давлат Эрмитажидаги илмий ходимлар билан сўзлашганда музей фондида ҳали ўрганилмаган ва улар ҳақидаги маълумотлар нашр этилмаган ашёлар кўплиги ҳақида сўзлаб берилди. Ушбу музейда Марказий Осиё санъатини ёзиб берадиган мутахассислар камлигига гувоҳ бўлинди. Лекин, шунга қарамасдан

¹С.Б.Болелов, Т.К.Мкртычев Религии и культуры домусульманской Средней Азии (IV в. до. н.э.- IV в. н.э.) путеводитель по экспозиции, ГМВ, Москва, 2013. – С.- 12-15.

Россия музейларидаги Ўзбекистонга оид ашёлар МДХ ва хориж давлатларида бўлиб ўтадиган кўчма кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Хусусан, Санкт-Петербург Давлат Эрмитажидаги Ўзбекистонга оид коллекция Эдинбург, Италия, Франция, Туркия давлатларида, Россия Этнография музейидаги ашёлар УФАда, Қозоғистонда, Шарқ халқлари Давлат музейидаги коллекция эса Нью-Йорк, Лондон, Париж, Санкт-Петербург шаҳарларида музейларда кўчма кўргазмаларда намойиш этилган ва уларнинг каталоглари чоп этилган².

Шубҳасиз, мазкур ноёб коллекция инсоният умумбашарий маданияти ривожланишига сезиларли таъсир қўрсата олган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Государственный музей Востока. Путеводитель, Москва, ГМВ, 2012г. - С.185.
2. Ҳакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность., Ташкент, “Санъат”, 2010.- Б.162.
3. Фахретдинова Д.А. Ювелирное Искусство Узбекистана, Ташкент, Г.Гуляма, 1998. С.- 22.
4. Чай.Вино.Поэзия. / Составитель Е.С.Ермакова, ГМВ, Москва, 2015.- С. 175.
5. С.Б.Болелов, Т.К.Мкртычев Религии и культуры домусульманской Средней Азии (IV в. до. н.э.- IV в. н.э.) путеводитель по экспозиции, ГМВ, Москва, 2013. – С. 150.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИННИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

*Садриддинова Т, Ўзбекистон давлат санъат музейи
катта илмий ходими, т.ф.н., доцент
Орифжонова Г, МРДИ магистранти*

Ўзбекистон давлат санъат музейи 1918 йили ташкил этилган. Бу ерда 70 мингдан ортиқ ўзбек, рус ва Ғарбий Европа мусавиirlарининг ноёб рангтасвир, график асарлари, XIX аср итальян ҳайкалтарошлиги, бадиий мебел, чинни, бринч, амалий санъат асарлари, шу жумладан, Хитой, Япония, Бирма, Ҳиндистоннинг бадиий буюмлари йигилган.

Мазкур музей Ўзбекистон Республикасининг маданияти ва санъатини тарғиб этиш билан бирга мамлакатимиз ва жаҳон

² Россия музейлари хисоботлари ўрганилди. 2015 йил, июнь.

маданиятларининг дурдоналари билан кенг жамоатчиликни таниширишга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Музей Британия Кенгаши, Германия, Франция, Нидерландия, Хитой, Корея, Япония, Россия музейлари билан ўзаро халқаро алоқаларни ривожлантириди. Мустақиллик йилларида музей фаолиятида халқаро алоқаларнинг ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган дастурлар, ижодкорлар ҳаёти ва ижодига бағишлиган хорижда ва музейда ташкил этилган кўргазмалар ҳамда илмий тадқиқотлар юзасидан олиб борилган ҳамкорлик каби йўналишлари устувор аҳамият касб этиб борди.

Музей илмий ходимлари экспонатларни сақлаш, тадқиқ қилиш, омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, давлатимизда туризмни ривожлантириш режаларида фаол иштирок қилиш борасидагина эмас, балки жаҳон музейшунослигида тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш, музейларнинг ҳалқаро илмий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ташкил қилишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон давлат санъат музейининг мустақиллик йилларидағи халқаро алоқаларини қуийдаги гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Музей халқаро фаолиятини энг асосий қисмини ташкил этувчи кўргазмалар. Мазкур кўргазмалар ҳам ўз навбатида қуийдаги гурухларга бўлинади:

- а) музей экспонатлари асосида хорижий мамлекатларда ташкил этилган кўргазмалар;
- б) хорижий мамлакатлар музейларининг Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлиб ўтган кўргазмалари.

2. Илмий тадқиқот ишлари доирасидаги ҳамкорлик.

Ўзбекистоннинг узоқ ўтмишига бориб тақаладиган бой миллий санъати ва маданиятига бўлган қизиқишлиар асосида 1998 йилда “Ўзбекмузей” жамғармаси билан Пенсильвания (АҚШ) университети томонидан “Ўзбекистон хазинаси –Буюк Ипак йўли” номли кўргазма дастури ишлаб чиқилди. АҚШда 1999 йил 26 марта то 3 апрелгача кўргазма очилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1999 йил 19 марта № 113-ф-сонли) қарори қабул қилинди ва кўргазма Американинг 3 йирик шаҳарларида (Вашингтон, Филадельфия, Нью-Йорк) намойиш этилди. Кўргазмада Самарқанд қўриқхона музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон ФА нинг Санъатшунослик институти ва Археология институтидан ҳамда

Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳазинасидан юртимизнинг тасвирий ва амалий санъатининг қадимги давларидан то ҳозиргача яратилган ўта ноёб асарлари: кулолчилик, заргарлик, мисгарлик, меъморий ёдгорликларининг фото суратлари, қадимий қўллэзмалар ва миниатюралар намойиш қилинди. Кўргазмада қадимий санъат намуналари қаторидан XIX-XX асрларга оид амалий санъат асарлари, миллий кийимлар, гиламлар, заргарлик буюмлар, кулолчилик ашёлари, ёғоч ўймакорлиги, ганч намоёнлари ҳам жойлаштирилди. Дунёning турли бурчакларидан АҚШ га келиб, кўргазма экспонатлари билан томошабинлар танишдилар ва Ўзбекистон тарихи маданияти ва санъати жуда қадимийлигидан ҳайратландилар ҳамда диёrimiz маданият ўчоқларидан бири бўлганлигига гувоҳ бўлдилар.

Музейда антик давр ва илк ўрта аср маданиятига оид ёдгорликлар, Италия ва Европа Уйғониш даврига тегишли санъат асарлари кейинги минг йилликдан то ҳозирги давргача бўлган нодир меросимизнинг қамраб оловчи манбалардан бўлган кулолчилик, заргарлик, мисгарлик, каштачилик, уй жиҳоз ашёлари, наққошлиқ, ганчкорлик, гиламдўзлик, тасвирий ва амалий санъатнинг ноёб дурдоналари мавжуд. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлат санъат музейининг халқаро алоқалари ривожланиши натижасида ушбу санъат намуналари АҚШдагина эмас, Хиндистон, Франция, Малайзия, Германия, Италия каби мамлакатларда ҳам намойиш этилди. Намойиш залларига тақдим этилган ҳар бир экспонат, ташриф буюрган меҳмон ва томошабинларни ҳайратга солганлиги билан эътиборлидир.

Ўзбекистон Республикаси истиқлол йилларида 120 та хорижий давлатлар билан алоқалар ўрнатди. Ўзбекистон халқаро алоқаларининг ривожи натижасида Ўзбекистон давлат санъат музейи Япония, Корея Республикаси, Германия, Италия элчиноналари маданият марказлари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўзаро ҳамкорлик натижасида турли мавзудаги кўргазмалар ва семинарлар ташкил қилинди. Жумладан, 2009-2010 йилларда Ўзбекистон давлат санъат музейи томонидан Корея миллий музейида (Сеул) “Ўзбекистоннинг қадимий маданияти ва тарихи” деб номланган кўргазма ташкил қилинди. Мазкур кўргазмада Ўзбекистон давлат санъат музейининг 18 дан ортиқ экспонатлари намойиш этилган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шахрисабз худудидаги кулолчилик, кандалкорлик, ёғоч

ўймакорлиги, гиламдўзлик, каштачилик ҳамда миллий матолардан тикилган кийимлар ҳамда ўзбек миллий чолғулари кўргазмадан ўрин олган.

2011 йили музей томонидан Гронинген шаҳрида (Нидерландия) “Россия ва Ориентализм” номли кўргазма ўюштирилди. Унда машҳур рус рассомларидан А.Н.Волков, Л. Л Буре, А. В Николаев асарлари намойиш қилинди. Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланаётган мазкур рассомларнинг асарлари ғарб маданияти таъсирида улгайган ижодкорлар назари орқали шарқ оламини тасвирини ўзида ифода этганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Яна шундай кўргазмалардан бири “Ўзбекистоннинг амалий санъати” мавзусида бўлиб, Япониянинг 5 та шаҳарида (Фукуока, Кағава, Иваки, Окадзаки, Киота) ташкил қилинди. Бу каби кўргазмалар кенг жаҳон оммасига халқимизнинг бугунги турмуши, ўтмиш ҳаёт тарзи, маданий-маърифий салоҳияти ҳақида тасаввур ва тушунчалар берибина қолмай, Ўзбекистон санъатининг бой ва ўлмас анъаналари билан яқиндан таништириди.

Ўзбекистон давлат санъат музейи хорижий давлатларда юртимиз маданиятини намойиш этувчи кўргазмалар борасидаги халқаро алоқаларини янада ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 2018 йили музейнинг ноёб экспонатларидан бўлган, эрамиздан аввалги I асрда Сурхон воҳасида жойлашган Холчаён шаҳарчасидан 1960-1963 йилларда машҳур археолог, академик Г. А. Пугаченкова бошқарган археология экспедицияси аъзолари томонидан подшо саройи қолдиқларини қазиб ўрганиш жараёнида топилган шаҳзода ва маликанинг лойдан ясалган ҳайкаллари Лувр музейи (Франция) кўргазмасида намойиш қилиниши борасида музокаралар олиб борилмоқда.

Хорижий мамлакатлар билан маданий ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон давлат санъат музейида Германиянинг Ўзбекистондаги элчиҳонаси билан “Германиянинг 1850-1918 йиллардаги портрет фотосурати” номли кўргазма ташкил қилинди.

Яна музейда Италиянинг Ўзбекистондаги элчиҳонаси таклифи билан иккала мамлакатнинг ўзаро дўстлиги доирасида “Карло Карранинг графикаси ва чизмалари” номли кўргазма ўюштирилди. Шу билан бирга музейдаги сақланаётган гилам ва заргарлик санъати асарлари кўргазмаси ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги 366-ф-сонли Япония ҳукуматининг Ўзбекистон

давлат санъат музейига 38.8 млн иендан иборат музей жиҳозлари учун ажратилган маблағни ўзлаштириш тўғрисидаги фармонни бажариш юзасидан ўтказилган тендерда ғолибликни қўлга киритди. Сумитомо Корпорейшн фирмаси орқали музейга берилган тақдимномаси 1998 йил 27 майда ўтказилди.

2013 йил 7-14 июнда музейда Тошкентда жойлашган Гёте институти томонидан “Музлик мусиқаси” номли ҳалқаро илмий-маданий фестивалнинг финал қисми ўтказилди. Гёте институтида тузилган лойиҳанинг мақсади Ўрта Осиёдаги музликланинг эриб кетишини олдини олиш муаммоларига кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилишга қаратиш эди. Лойиҳанинг режасига кўра фестивал Тошкентда старт олиб, Душанбе ва Олмаотада давом этиб, Тошкентда тугатилиш кўзда тутилган эди. Лойиҳа дастуридан кўзланган мақсад табиатимизни қўриқлаш ва Ўрта Осиёдаги музликлар тизимини эриб кетишини олдини олиш эди. Музей лойиҳа дастури асосида мавзули кўргазмалар, маъruzалар, тадқимотлар ўтказилди ва хужжатли кинофильмлар намойиш қилинди. Фестивал 14 июл 2013 йили Тошкентда веломарафон билан тугатилди.

Музейда хорижий ижодкорлар асарлари билан юртимиз санъат ихлосмандарини яқиндан таништириш мақсадида 2015 йил 19 февралдан то 30 майга қадар музейда Ўзбекистон Маданият ва Спорт ишлари вазирлиги ҳамда Буюк Британия кенгаши Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳамкорлигига Британиянинг энг машҳур XX аср ҳайкалтароши ва рассомларидан бири Генри Мурнинг “Генри Мур: графика устаси” деб номланган литографиялари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада рассомнинг 63 дона аффорт литография ва гравюра графика йўналишидаги асарлари нур ва соя каби хусусиятига кўра жойлаштирилган. Ушбу кўргазма ташкилотчиларнинг режасига биноан рассомликка ихтисослаштирилган олий ўқув юрти талabalari учун Британиядаги Генри Мур жамғармаси директори Девид Митченсон билан учрашув ва литография яратилишига бағишлиланган маҳорат дарслари ўтказилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган илк кунларданоқ, музейларнинг замонавий талаблар асосида фаолият юритиши ва ривожланишига алоҳида эътибор қаратди. Моддий ва маданий меросимизнинг ноёб дурдоналари, осори-атиқаларимизни кенг жаҳон ахлига танитишда музейларда ташкил этиладиган кўргазмалар, улар томонидан чоп этиладиган каталог ва илмий

аҳамиятга эга адабиётлар юртимизнинг бой тарихи ва ўтмишини ўзида гавдалантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мазкур музей БМТда Байналминал музейлар қўмитасининг аъзолигига қабул қилинди. Демак, Ўзбекистонда жаҳон миқиёсидаги ноёб Ўзбекистон давлат санъат музейи борлигидан дунё мамлакатлари хабардор қилинди. Ўзбекистон давлат санъат музейи ўзининг халқаро алоқалари доирасида миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик тушунчаларини ривожлантириш, ўзаро хурмат каби анъаналарни қарор топтириш борасида ҳам самарали ишлар олиб бораётган музейлар сирасига киради.

2011 йил 26 октябрь куни Ўзбекистон давлат санъат музейида “Ўзбекистон – умумий уйимиз” номи остида яхудий рассомлари асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур кўргазма Ўзбекистонда хизмат қўрсатган санъат арбоб, машҳур рассом Ю. И. Елизаров (1920-1974) таваллудининг 90 йиллигига бағишланди. Кўргазма асосини рассомнинг 1957 йили яратган “Ўзбекистон санат арбоблари портрети” асари ташкил этади. Мазкур картинада М. Ойбек, Ю. Ражабий, П. Беньков, Ў. Тансиқбоев, М. Турғунбоева, Ҳ. Носирова, Тамараҳоним, С. Юдаков образлари моҳирона очиб берилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Кўргазма экспозициясида Ўзбекистон музей тўпламларидан муносиб ўрин олган яхудий рассомларининг энг сара рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ ва амалий санъат асарлари намойиш этилди. А.А.Гольдрей, М.И.Калонтаров, Э.М.Калонтаров, И.Л.Лизак, И.Д.Резников, А.Е.Винер, Г.И.Зильберман каби машҳур рассомларнинг полотно ҳамда ҳунармандларнинг кундалик турмушимизни безаб турган амалий санъат намуналари ҳам экспозициядан ўрин олди.

Тошкентдаги яхудий диаспораси ва Ўзбекистон Республикасидаги Исроил Давлати Элчиҳонаси қўмагида ташкил этилган мазкур кўргазманинг асосий аҳамияти шундаки, республикамизнинг етакчи санъат музейи заҳираларида асраб-авайланиб, сақланаётган бебаҳо меросимизни ушбу экспозиция орқали гўзаллик шайдолари, пойтахтимиз жамоатчилиги ва хорижий меҳмонлар ҳамда кенг омма хукмига ҳавола этишдан иборатдир. 2015 йилнинг 16 октябридан 16 ноябригача музейда Ўзбекистон тасвирий санъат асарлари устаси Юсуф Елизаровнинг 95 йиллигига бағишланган ижодий кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Музей халқаро алоқалари доирасида илмий соҳадаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, музейга голландиялик санъатшунос Инесса Кутейникова 2013 йили (иккинчи маротаба) келиб, XIX асрда Туркистонга келиб, ижод қилган рус рассомлари ҳақидаги зарур бўлган манбаларни ўрганиб, унга бу ерда ишлашга яратиб берилаган қулайликлар учун музей жамоасига ва раҳбарига ташаккур изҳор қилди ва ҳамкорлигимиз келажакда ҳам давом этишига умид билдири.

Ҳиндистонлик саёҳатчи, диншунос Сунита Двиведи хоним ҳам 2013 йили “Будда Марказий Осиёда” номли китобини ёзишга доир бўлган маълумотларни олиш учун музейга ташриф буюрди. Натижада оlimа Фарғона водийсининг Қува туманидан топилган Будда хайкаллари ва ибодатхона қолдиқларига оид маълумотларни ўрганди ва 2014 йилда яна Ўзбекистонга навбатдаги сафарида келди ва ўзининг “Будда Марказий Осиёда” номли китобини музейга совға қилди.

Музейда халқаро ҳамкорликнинг ривожи музей ходимлари олдига, янги вазифалар ва муаммолар юкламоқда, уларнинг бажариш учун янгидан-янги илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги талаб қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШ

ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

*Ҳамидова М.С,
ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси, т.ф.н*

Ўзбекистон заминида бунёд этилган минглаб тарихий-маданий мерос намуналари ўз жозибадорлиги билан нафақат миллатимиз вакиллари, балки дунё аҳлини асрлар давомида ўзига жалб этиб келган. Моддий-маънавий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон меъморий ёдгорликлари бунинг яққол намунасидир.

Ҳозирда Ўзбекистон тарихининг муҳим манбавий асоси ҳисобланган меъморий ёдгорликларни ўрганиш масаласига тарихчи олимлар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ҳали-ҳануз ўз мафтункорлигини сақлаб келаётган минглаб тарихий-меъморий ёдгорликлар маданий мерос объектлари сифатида республика ҳукумати томонидан рўйхатга олинган бўлиб, уларни сақлаш, тиклаш ва ўрганиш масаласи

давлат сиёсати даражасига кўтарилигандан. Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ халқимизнинг бой маданий меросини муҳофаза қилиш, миллий ҳунармандчилик ва меъморчилик қадриятларини ўрганиш ҳамда тиклашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш чора-тадбирлари кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурулиги ва маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида эканлиги қонунан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, 1995 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада қилинаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш мақсадида келтириб ўтилган қонун ҳужжатларидан ташқари 2001 йилда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, 2008 йилда “Музейлар тўғрисида”ги, 2009 йилда “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинган. Шунингдек, ушбу қонунларнинг ижросини таъминлаш ва маданий мерос масаласига оид ташкилий ишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли қарорлар ҳам қабул қилинган бўлиб, улар изчил тарзда ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бу борада қилинган ишлар сирасига кўплаб маданий мерос ёдгорликларининг давлат муҳофазасига олингани, жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўрин тутган меъморий обидалар, археологик ёдгорликлар, тарихий шаҳристонлар, монументал санъат намуналарини ўрганиш, ҳисобга олиш, асрар-авайлаш ҳамда уларни келажак авлодга муносиб тарзда етказиб бериш борасидаги чора-тадбирларни киритиш мумкин.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси маълумотларига кўра, ҳозирги кунда давлат муҳофазасига олинган 8180 та маданий мерос обьекти мавжуд бўлиб, шундан 2495 таси меъморчилик, 4781 таси археологик, 615 таси эса монументал ёдгорликлар ва 256 таси дикқатга сазовор жойлардир. Бундан ташқари, музейларда юз

минглаб маданий мерос намуналари, архивларда эса миллионлаб тарихий ҳужжатлар сакланмоқда. Айни чоғда республикамиздаги тарихий меъморий ёдгорликлар ва шаҳарсозлик объектларини қамраб олган 110 та халқаро сайёхлик йўналишининг 65 таси айнан тарихий-маданий мерос намуналаридир.

Ўзбекистон Республикаси БМТга (1992 й. 2 март) ва унинг қошидаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ташкилот ЮНЕСКОга (1993 й. 26 октябрь) аъзо бўлиши Ўзбекистонда жойлашган тарихий ёдгорликларни сақлаш, тиклаш ва ўрганиш муаммоларининг халқаро миқиёсда ечимини топишига сабаб бўлди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Бундан ташқари, республикамизда жойлашган 30 та маданият объектлари мазкур рўйхатга киритилиши назарда тутилган. Хусусан, мустақиллик йилларида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Шахрисабзнинг 2700 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ҳамда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонлагани эътиборга моликdir.

Бемисл бунёдкорлик ишларига шахсан раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг биргина Самарқанд шаҳрига берган таърифи Ўзбекистоннинг машхур тарихий шаҳарлари ҳамда уларда жойлашган қадимий моддий-маънавий меросга бўлган эътибори ва эҳтиромини акс эттиради. Хусусан, ЮНЕСКО ҳамкорлигига Самарқанд шаҳрининг 2750-йиллигини тантанали нишонлаш маросимида сўзлаган нутқида қуйидагича фикрлар билдирилган: “Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда сирли ва улуғвор Шарқ олами намоён бўлади. Бу буюк шаҳар ўзининг шонли тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ўлмас руҳини, унинг меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз”.

Маълумки, Самарқанд шаҳри 1993 йилда ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мероси объектлари рўйхатига киритилган. Американинг “Хаффингтон пост” интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир маротаба бориб кўриши зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида

эътироф этган ва дунёниг энг жозибадор шаҳарлари рўйхатига киритганини эълон қилган. Шунингдек, Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш бўйича халқаро лойиҳага аъзо мамлакатларнинг Самарқанд декларацияси айнан Самарқанд шаҳрида қабул қилингани бежиз эмас. Ушбу хужжатда 2-2,5 минг йил олдин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг бепоён минтақалари орқали ўтиб, Осиё ва Европа мамлакатларини савдо ва маданий алоқалар билан боғлаган қадимий трансконтинентал йўналишда халқаро туризмни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш тартиблари баён қилинган.

1990 йилда ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси обьектлари рўйхатига киритилган Хивадаги Иchanқалъа ҳам ўзига хос жозибага эга. Маълумки, Иchanқалъа Хиванинг тарихий ички шахри бўлиб, XIV-XIX асрларда қурилган. Қаср, саройлар, масжид ва мадрасалар, мақбара ва миноралар, қарvonсаройлар ва ҳаммомлар Иchanқалъани ноёб ёдгорлик шаҳарга айлантирган. Эски Хива расман 1968 йили қўриқхона-шаҳар мақомини олган.

Ўзбекистоннинг энг жозибадор тарихий шаҳарларидан яна бири Бухоро шахри эса 1993 йилда бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Маълумки, бир қатор тарихий-меъморий мажмуаларни ўз ичига олган Бухоро меъморчилиги ҳам ўзига хос тарихга эга. Бухородаги Варахша шаҳар қолдиқлари, Вобкент минораси, Баҳовуддин Нақшбанд мажмуаси, Мир Сайд Баҳром, Чор Минор, Чашмаи-Аюб мақбаралари, Работи-Малик карvonсаройи ва бошқаларни ЮНЕСКО томонидан Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши режалаштирилган.

Ўзбек давлатчилиги ва маданияти ривожига ўзига хос ҳисса қўшган Амир Темурнинг она шахри ҳисобланган Шахрисабз шахри эса 2000 йилда Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида жойлашган қўйидаги меъморий мажмуалар ҳамда диққатга сазовор жойлар, хусусан, Қадимий Поп шахри, Ахсикент шаҳарчаси, Фарғона, Андижон, Шоҳимардон шаҳарлари, Қўқон шаҳрининг тарихий маркази, Зомин тоғлари, Қадимий Термиз шаҳарчаси ва бошқалар ҳам ЮНЕСКО томонидан Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши режалаштирилгани эътиборга моликдир.

Маълумки, Ўзбекистонда тарихий шаҳарлар, бетакрор қурилиш услубига эга меъморий ёдгорликлар ва эътиборга молик

масканларнинг кўплиги сабабли республикада туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари жадал йўлга қўйилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан тарихий-маданий марказлар ва уларда жойлашган меъморий ёдгорликлар ҳудудида сайёхлик мажмуаларини барпо этиш ва сайёхлик логистикасини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда, хусусан, 2013 йилда Ўзбекистонга дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёхлар ташриф буюрган бўлиб, уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошган. Утган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоизга ўсган, 2015 йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрган. Бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бормокда.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Хунармандлар уюшмаси”, “Ўзбекмузей” музейларни қўллаб-куватлаш республика фонди, “Олтин мерос” халқаро хайрия фонди, “Мерос” халқаро хайрия илмий-амалий экспедицияси фонди, “Экосан” халқаро жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли тушунтириш, тарғибот ишлари эътиборга моликдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1992 йил 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони, 1995 йил 2 июнь.
3. Ўзбекистон Републикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Конуни, 2001 йил 30 август.
4. Ўзбекистон Републикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Конуни, 2008 йил 12 сентябрь.
5. Ўзбекистон Републикасининг “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Конуни, 2009 йил 13 октябрь.
6. Ўзбекистон Републикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Конунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги Конуни, 2009 йил 9 октябрь.

7. Бухоро шарқ дурдонаси. Альбом. – Т.: Шарқ, 1997. 257
- 6.
8. Шахрисабз 2700. Минг йиллар мероси. Альбом. – Т.: Шарқ, 2002. 228 б.
9. *Samarqand* – Самарканд – *Samarkand* – 2750. Юбилейный альбом. – Т.: Шарқ, 2007. 328 б.
10. *Uzbekistan today. 02.10.2014.№40.*
11. www.huffingtonpost.com/news/samarkand/12.08.2014
12. www.lex.uz

ДИЗАЙНЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

*Атаканова Ф.З, МРДИ катта илмий ходим-изланувчиси
Абдукаримова М.А, МРДИ етакчи илмий ходими, т.ф.н.*

Мустақилликни сақлаб қолиш, уни келажак авлодларга омон етказиш, унинг қадрини халқимизга тўғри тушунтиromoқ учун, миллий бадиий анъана ва меросимизни тиклаб, уни бугунги кун вазифаларига чорлаган ҳолда миллий онгимизни юксалтириб, қаддимизни кўтаришимиз учун мустақиллик даврининг янги санъатини яратиш муҳим ижтимоий масалага айланди [1].

Бугунги кунда оммавий маданиятнинг таъсири остида бир хиллик ва ўхшашликларнинг кучайиши, ўзига хосликнинг йўқолиб бориши туфайли миллий лиbosларга қизиқишининг ортиши табиийдир. Анъанавий лиbos авлодлар орасидаги маънавий алоқани тикловчи ҳамда ривожлантирувчи муҳим боғловчи бўғиндир.

Сўнги вақтда миллий лиbosлар ёки анъанавий шаклдаги миллийлик хусусиятларига эга лиbosларга талабнинг кучайгани яққол кўзга ташланмоқда. Замонавий лиbosларни лойиҳалашда анъанавий элементлар қўлланмоқда, анаъанавий ва миллий лиbos қайтадан ўз аҳамиятига эга бўлмоқда. Жаҳон модасида турли миллатларнинг анъанавий костюмига қизиқиш ва уни интерпретациялаш етакчи тенденциялардан бири бўлиб қолмоқда. XX аср давомида мода саҳнасига бир неча бор чиқсан ва одамларни жунбушга келтилган фольклор ёки этно услуби бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлиги маълум.

Модадаги фольклор услуби ёки этно-услуб – бу замонавий кийимда миллий ва анъанавий лиbos элементларининг ишлатилиши. Бошқача қилиб айтганда, миллий лиbos асосида

замонавий кийимни услублаштириш. Бунда либос ансамбли бутунлай ёки унинг бир қисми услублаштирилиши мумкин. Баъзан эса моделларга анъанавий либоснинг ростмана ҳақиқий элементлари киритилиши мумкин. Этно-услуб халқаро моданинг умумий оқимида ўзининг кенг, салоҳиятли ва етакчи ўрнига эга. Ихтиёрий замонавий либосда миллийлик, анъанавийлик элементлари намоён бўлиши мумкин. Бу замонавий либосни янада ўзига хос, кўркам, мукаммал, инсон билан узвийроқ ҳамда унга яқинроқ бўлишига сабаб бўлади.

Бу йўналишдаги ижод намуналарининг таҳлилида қуидагилар аниқланди:

1. Миллий матоларни қўллаб яратилган моделлар катта ўрин эгаллаши маълум бўлди.
2. Аксарият холларда бичим ва унинг принципларини қўлланилиши.
3. Декор вариантларининг қўлланилиши.
4. Замонавий либосда анъанавий либос учун характерли бўлган шакл, элементлар ва уларнинг уйғунлигини қўллаш.
5. Либосда образлиликдан фойдаланиш. Дизайнерларнинг фольклор мавзуси билан қизиқишининг ортиб бориши замонавий жамият ривожланишида содир бўлаётган анъанавий маданиятга мурожжатлар, маданий анъаналар ва ҳунармандчilikнинг қайта тикланиши каби ўзига хос ҳодисалар сабабчиидир. Бу тенденция дизайн соҳасида айниқса сезиларли. Чунки, юқорида айтилганидек, дизайнда ҳамма вақт этник мотивларни қўллаш энг афзал қўрилган стилистик ечимлардан бири бўлиб келган.

Олий бадиий таълимда либос бўйича дизайнерларни тайёрлаш курсига “Лойиҳалаш” фани бўйича “Миллий либос-ижод манбааси сифатида” номли мавзунинг киритилиши ҳам бекор эмас. Либос лойиҳалаш ҳамда уни тайёрлаш бадиий, техник ва ижтимоий масалларнинг ечимини ўз ичига оловчи комплекс, мураккаб жараёндир.

Дизайн таълим йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг Давлат таълим стандартларида бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси “илмий ва эстетик категориялар асосида декоратив-амалий безаш, конструкциялаш, моделлаштириш, материаллар сирти ва газламаларга бадиий ишлов бериш, аксессуарларни яратиш, визуал коммуникация воситаларидан фойдаланиб либос ва уни ташкил этувчиларни шакллантиришга йўналтирилган лойиҳалашни ўз ичига олади” деб кўрсатилган.

Ундан ташқари ушбу стандартда мутахассислик фанлари бўйича талабанинг: бадиий лойиҳалаш соҳасидаги тарихий тажрибалар; замонавий мода йўналиши тенденциялари; либос дизайн ва газламаларни бадиий лойиҳалашнинг замонавий восита ва усулларини; тарихий нуқтаи-назардан либос шакли ва конструкциясининг эстетикаси; нақш (орнамент)лар генезиси (келиб чиқиши) ва семантикаси (маъноси) ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*; тарихий ва миллий либосни шакллантирувчи принципларни; унинг асосий функцияларининг ривожланиш аспектлари ва ва йўналишларини; тарихий ва миллий либос бичимларини, унинг тўлдирувчилари, безак ва матолари, орнаментлар шакли, структураси ва уларнинг ўзгаришига таъсир этган сабабларни ҳамда либосни ташкил этувчи элементларни таҳлил қилишни *билиши*;

- тарихий ва миллий либосларга аннотация ёзиш ва тақдимотлар тайёрлаш; миллий ҳалқ либослари асосида кийимлар коллекциясини яратиш *малакаларига эга бўлиши* кераклиги кўрсатилган.

“Миллий либос – ижод манбаси сифатида” мавзуусида ижод қилаётган талаба учун либос безатишнинг миллий ва анъанавий кўринишлари таҳлил қилиниб, ҳозирги қун нуқтаи назаридан уларни замонавий либосларни лойиҳалашда қўллаш, анъанавий кўринишдаги либос безагининг замонавий технологиялари усулларини кўриб чиқиш муҳимдир.

Костюм миллий маданият обьекти сифатида ҳалқнинг тарихи, анъаналари билан узвий равища боғланган бўлиб, унинг яратувчиси томонидан маънавий ва эстетик имкониятларини ўрганиш учун қимматли манба ҳисобланади. Ҳалқ костюми (миллий костюм, анъанавий либос) замонавий либослар ассортиментларининг ривожланиши, янгиланиши ва бойишининг энг қимматли манбаларидан биридир. Шу жихатдан замонавий костюмда ҳалқ анъаналарини ривожлантириш муаммосини ҳал этиш учун дастлабки манбаларни билиш ниҳоятда муҳим саналади.

Миллий либос замонавий костюм тадқиқчилари учун кўп қиррали илмий ҳамда ижодий манба бўлган миллий маданият анъаналарининг энг чуқур қатлами саналади.

Ҳар бир дизайнер ўзининг, у шаклланган ёки энди қадам қўяётган бўладими, ўзининг ижод қилиш услубининг индивидуаллиги ва ўзига хослигидан келиб чиқиб ижод манбасига

ҳам, унинг талқинига ҳам турлича ёндошади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлди-ки, мамлакатимиздаги замонавий дизайнерлар ўзбек миллий ва анъанавий либосининг турли структуравий элементларига мурожаат этишади ва уларга нисбатан либос лойиҳалашнинг турли методларини кўллашади.

Миллий ва анъанавий либос, унинг элементлари билан танишиш эса музейлардан бошланади. Музей экспозицияси либос деталлари, уларнинг ўзаро боғлиқлари, бир бутун яхлит ансамбли томоша қилиш имконини беради. Либос дизайнни ихтисослиги бўйича талабалар амалиёт вақтида келгусида маҳсус фанларни ўзлаштириш ва улар бўйича чуқур билим олиш учун музейларда анъанавий ва миллий либос намуналари, безаклар, кашта, орнамент, заргарлик буюмлари билан танишадилар; анъанавий ва миллий, тарихий либос шаклларини ўрганадилар ҳамда шаклларнинг бадиий-эстетик ва конструктив ўзига хослигини таҳлил қиласидилар; либос ва аксессуарлар, мато намуналаридан нусха кўчириб, ижодий лойиҳалар учун материаллар тўплайдилар. Тарихий меросимизнинг бир қисми сифатида анъанавий либослар Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, вилоятлардаги ўлкашунослик музейларида экспозиция қилинган. Маълумки, ҳар бир санъат тури ўзига хослигидан келиб чиқиб экспозиция қилинади. Либос ўзининг уч ёқламалиги билан ҳайкалтарошлиқ санъатига ўхшайди. Шунинг учун ҳам уч томонлама кўринишини томоша қилиш ва ўрганиш учун айланиб ўтиш имконини берувчи кенг жойда жойлашиши керак. Лекин либосларни сақлашда қатор қийинчиликлар мавжуд. Булар матонинг вақт, намлиқ, ҳарорат, қуёш нурлари ва бошқа омиллар таъсирига чидамсизлиги, тез нураши ва чириши, ташқи кўринишининг бирламчи кўркамлигини йўқотиши кабилардир.

Амалий лойиҳа устида иш олиб борувчи дизайнер учун эса матонинг инсон танаси билан таъсири, тактил ҳусусиятлари, мато фактура ва структураси, ранг тусларининг таъсирчанлиги аҳамиятлидир. Ундан ташқари анъанавий либосга хос бўлган қўшқаватлиликни ташкил этувчи ички либосларни ўрганиш ҳам муҳимдир. Лекин музейларда сақланаётган либосларни бу тарзда ўрганиш (яъни, матони ушлаб кўриш, кийим қатламлари, аврастарини кўриш учун ўнги-тескарисига ағдариш, бичим ва шаклини ўрганиш учун кийимни ўлчаш) бу ноёб экспонатларга

зарар келтириши мумкин. Шунинг учун ҳар бир буюмнинг таърифини муаккамалроқ келтириш, деталлани турли ракурслардан олинган ҳамда яқинлаштирилган ва катталаштирилган суратларининг рангли каталогларини тайёрлаш, турли соҳа мутахассислари талабларини қондирувчи аннотациялар ёзиш, видеоқаторлар ва визуал тақдимотлар намойиш этиш мавжуд муаммонинг ечимини топишга ёрдам бериши мумкин. Албатта, бу турли соҳа мутахассисларини жалб этишни, маблағ ва вақтни талаб этадиган жараён. Лекин амалий-декоратив санъат намунаси бўлган лиbosларнинг ноёб намуналарини келажак авлод учун сақлаб бериш ва унга етказиш муҳим вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Karimov I. Jahon moliyaviy - iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari/ I. Karimov. – 2009 й.

2.Козлова Т.В. Основы теории проектирования костюма: Учеб. Для вузов. – М.: Легпромбытиздат, 1988 г.

3.Содикова Н. “Ўзбек миллий кийимлари”. Тошкент, 2006 й.

4.5150900 – Дизайн (либос ва газламалар) таълим йўналишининг давлат таълим стандарти.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ САНЪАТИ – БИЗНИНГ МАЊНАВИЙ МЕРОСИМИЗ

Сабиров М.М, МРДИ доценти

Темурийлар сингари санъатни қадрлаган ҳукмдорлар Ўрта Осиёда ҳеч вақт бўлмаган. Ф.Р.Мартин.

Амир Темур буюк давлат арбоби, дипломат, иқтисодчи, фан ва маданият ҳомийси сифатида XIV аср охири XV аср бошларидаёқ машҳур бўлган эди. У Марказий Осиёни бирлаштириш ҳамда фан ва маданиятнинг ривожи учун катта ҳисса қўшган тарихий шахс сифатида бугунги кунда ҳам кўплаб давлатлар томонидан тан олиниб, хурмат эҳтиромга эга ҳукмдор сифатида улуғланади.

XIV аср охири – XV аср бошларида мамлакат мўғул бошқарувидан озод бўлиб, янги Темурийлар даври тарихи бошланди. А.Темур ҳарбий юришлар билан бирга, Самарқанд, Шаҳрисабз ва шу каби бошқа йирик шаҳарларда кенг қамровли бунёдкорлик ишларини олиб борди. Шаҳар ва унинг атрофида боғу саройлар қурилиб, деворлари суратлар билан безатилди. Араб

тариҳчиси Ибн Арабшоҳ сарой деворлариға Эрон, Даشت Қипчоқ, Ҳиндистондаги жанглар, шаҳарни қамал қилиш, элчиларни қабул қилиш, олимлар билан сұхбат, ов манзаралари, Темур фарзанд ва набираларининг суратлари чизилганлиги ҳақида ёзиб қолдирған.

Амир Темур Афғонистон, Шероз, Табриз, Исфахон шаҳарларидан илм-фан ахли, меъмор, хунарманд, хаттот, наққош, мусаввирларни Самарқандга олиб келиб, яшаш ва ижод қилишлари учун шароит яратиб берди. Самарқандда меъморчилик, наққошлиқ, хаттотлик, мусаввирлик мактабига асос солинди. Афсуски, Амир Темур даврида яшаб ижод қылған қўплаб мусаввирлардан фақат Устод Гунг, Бухоролик Устод Жаҳонгир, Абдулҳай мусаввир, Устод Пир Аҳмад Боги Шамолий ва Устод Шамсуддинларнинг номлари бизгача етиб келган.

Амир Темурдаги илм-фан, санъатга бўлган эътиборни фарзандлари ва набираларида ҳам қўриш мумкин. XV аср бошида Самарқандда Мовароуннаҳр таҳтини шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек (1409-1449) бошқарди. Бу даврда Самарқанд йирик сиёсий, маданий марказга айланди. Улуғбек маърифатпарвар олим сифатида илм-фанга катта эътибор бериб, Самарқандда йирик олимларни жамлашга уринди. Самарқанд, Бухоро, Фиждувонда қўплаб мадрасалар қурдирди. Улуғбек шоҳ, олим бўлиш билан бирга, маънавияти юксак,adolatпарвар инсон эди. Тарихнавис Зайниддин Восифийнинг ёзишича: “курилаётган мадраса битишига яқин қолганда қурувчилар Улуғбекдан мадрасага ким мударрис бўлади, деб сўраганларида, Улуғбек ким ҳамма фанлардан хабардор бўлса, шу мударрис бўлади, деган. Қурувчилар орасидан бир киши туриб “Мен мударрис бўламан”, дейди. Мирзо Улуғбек ва бошқа илм ахли унга турли фан соҳаларидан саволлар берадилар. У барча саволларга тўлиқ жавоб беради. Шундан сўнг бу билимдон қурувчи, яъни Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий Улуғбек фармони билан мадрасага мударрис этиб тайинланади”. Бу тарихий воқеа Улуғбекнинг инсон қадрини унинг келиб чиқишига қараб эмас, балки маънавияти, билимига қараб эъзозлаганлигидан дарак беради. Самарқанддаги мадрасада устози Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ибн Маъсуллар билан бирга, Улуғбекнинг ўзи ҳам дарс берган. Мадраса биносидаги “*Билим олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир*” деган сўзлар халқни илм олишга чақиравчи даъват бўлган. Улуғбек нафақат ўз замони, балки башарият олими сифатида дунё тарихида қолди. У қурдирған расадхона (обсерватория) 1420 йили ишга туширилади.

Улугбек Али Қушчи, Чалабий ва бошқа шогирдлари билан коинот сирларини ўрганиб, “Зижи Кўрагоний” илмий асарида 1018 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Юлдузларнинг баландлиги ва улар орасидаги масофа, қуёш ва ойнинг ҳаракати, уларнинг тутилиш вақтлари баён қилинган. Улугбек бир йил 365 кун 6 соат 8 дақиқа 12 сониядан иборат эканлигини аниқлаб, бугунги кун фан тараққиёти ҳисоби бўйича 58 секундга адашган холос.

Мирзо Улугбек илм-фан билан бирга, шеърият, мусиқа, тасвир ишлаш санъатини жуда қадрлаган. У расадхона деворларига тўққиз осмоннинг кўриниши, осмон гумбазлари, сайёралар, юлдузлар тасвирини чиздирган эди. Самарқанд китобхонасида боғдодлик Абдулхай бошчилигига, келиб чиқиши бухоролик бўлган мусаввир Жаҳонгир (Устод Гунгнинг шогирди, “Умдат-ул мусаввирин” – “Мусаввирлар сардори” деб аташган, у К.Бехзоднинг устози Пир Аҳмад Табризийга устозлик қилган), Ҳиротлик Мавлоно Шаҳобиддин Абдулла, Мавлоно Заҳириддин Азҳар, Хожи Абдуқодир Гулянди, Пир Аҳмад Боғишамолий, Муҳаммад ал Ҳайёмий, келиб чиқиши маҳаллий бўлган Жунайид Султон каби кўплаб хаттот, мусаввирлар ижод қилишди. Бу ерда Ас-Сўфийнинг “Астрономия трактати”, А.Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Низомийнинг “Хамса” қўлёзмалари кўчирилиб, уларга тасвиirlар ишланди. Самарқанд тасвирий санъати ривожида Ҳирот мусаввирлари катта ўрин эгаллайди. 1447-йил Улугбек Ҳиротдан бир гурӯҳ мусаввирларни Самарқандга олиб келади. Маҳаллий ва Ҳирот мусаввирларининг ўзаро синтезида Самарқанд, унинг таъсирида XVI аср бошида “Бухоро нафис санъат мактаби” шаклланди.

Бу даврда Улугбекнинг отаси Шоҳруҳ Мирзо (1409-1447) Хурсонни (Афғонистон, Фарбий Эрондан Дехлигача бўлган ерлар) бошқарди. У ўта диндор киши бўлишига қарамай, Ҳиротда илм-фан ва маданият тараққиётига бош бўлди. Ҳирот адабиёт, тасвирий санъат ва маданиятнинг йирик марказига айланди.

Унинг ўғли Бойсунқур Мирзо замонасининг етуқ хаттоти эди. Бойсунқур Мирзо Ҳиротда қирқ нафардан ортиқ китоб усталари, хаттот, нақош, мусаввирлардан иборат катта кутубхона, ўз даврининг санъат академиясини ташкил қилди. Бу ерда настаълиқ хатининг ихтирочиси Мавлоно Жафар Табризий, йирик олим ва шоир Шоҳий Сабзаворий, мусиқачи Амир Шоҳий, хаттот, мусаввир мавлоно Муҳаммад Паҳлавий, хаттот Мавлоно Шамс

Бойсунқурий, наққош Бобожон Турбатий, наққош, мусаввир Иброҳим Астрабодий, Иброҳим Табризий, Мавлоно Заҳириддин Азҳар Табризий, хаттот Нур Камол, Абдулҳай котиб Ҳиротий каби хаттот, мусаввирлар ишлашган. Эрон олими Рукниддин Хумоюн Фаррух “...Ҳирот мактабининг асосини Шоҳрух ва Бойсунқур Мирзо қўйғанлар”, деб Темурийларнинг китобат санъати ривожига қўшган буюк хизматларига тўғри баҳо берган эди.

XV асрнинг иккинчи ярми XVI аср бошлари Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврида Ҳирот китобат, тасвирий санъатнинг юксалиш даври бўлди. Мирак наққош, хаттот Султон Али Машҳадий, Шоҳ Музаффар, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб каби хаттот, мусаввирлар “Калила ва Димна”, А.Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Н.Ганжавийнинг ”Хамса”, А.Жомий-нинг “Саломон ва Ибсол”, Ҳ.Деҳлавийнинг “Хамса”, Саъдийнинг “Бўстон”, “Гулистон”, А.Навоийнинг ”Ғаройиб-ус-сиғар” асарларини китобат санъати-нинг энг яхши намунаси сифатида яратдилар. Ҳирот мактаби ҳақида гапирганда унинг йирик вакили, буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод ҳаётини эсламасдан ўтишнинг иложи йўқ.

Темурийлар даври тасвирий санъатининг Шоҳрух ва Бойсунқур Мирзодан кейинги тараққиёти Камолиддин Беҳзод номи билан боғлиқ. Беҳзод 1455 йили Ҳиротда ҳунарманд косиб оиласида дунёга келди. Эрта етим қолган Беҳзодга хаттот Мавлоно Мирак Наққош ва Алишер Навоий ҳомийлик қилди. Беҳзод олдин Навоийнинг шахсий китобхонасида, кейин шоҳ китобхонасида ишлади ва 23 ёшида етук мусаввир бўлиб етишди. Ҳусайн Бойқаро К.Беҳзодни сарой китобхонасининг бошлиги этиб тайинлаган нишонда *аср нодири, мусаввирлар пешвоси* деб аташи унинг етук мусаввир бўлиб етишганини билдиради. Беҳзод ўз суратларига “Сувваҳу ал-абд Беҳзод” (Аллоҳнинг қули Беҳзод чизди) деб имзо қўйган. 1506 йилда Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин, Ҳирот Шайбонийхон, 1510-йил Сафавийлар сулоласи асосчиси Исмоил I қўлига ўтади. Шоҳ Исмоил Беҳзод асарларининг муҳлиси бўлгани учун уни ўзи билан Табризга олиб кетади ва сарой кутубхонасини бошқаришни топширади. Беҳзод Табризда шоҳ Исмоил, унинг ўғли Тахмасп даврида ҳам ижод қилиб 1535(36) йил оламдан ўтади. Беҳзод асарлари жаҳоннинг турли музей, кутубхона ва шахсий коллецияларидан муносиб жой олганлиги бу меросга бўлган қизиқишининг нақадар катта эканлигини кўрсатади.

Темурийлар сулоласининг сўнгги вакили истедодли саркарда,

олим, шоир, тарихчи Захириддин Мұхаммад Бобур Мирзо (1483-1530) дир. Отаси Умаршайх Мирзо (Фарғона ҳокими) дан фожеа сабабли эрта ажраган Бобур 12 ёшида таҳтга ўтириди. Мураккаб тарихий воеалар боис ўз юртини ташлаб, Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлди ва у ерда Бобурийлар империясига асос солди. Темурийлар сулоласини давом эттириб, фарзанди Ҳумоюн, набираси Ақбаршоҳ, авлодлари Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Аврангзеблар уч юз йил давомида Ҳиндистонни бошқардилар. Бобурийларнинг барчаси тасвирий санъатни севувчи, қадрловчи шахс бўлишган. Ҳумоюн шоҳ Тахмасп саройида меҳмон бўлганда мусаввирлар Мир Сайд Али Термизий ва Ҳожа Абдусамад Шерозий ижоди билан танишиб, уларни Ҳиндистонга таклиф қиласиди ва ўзи билан бирга олиб кетади. Бу икки мусаввир “Бобурийлар миниатюра мактаби”га асос солдилар.

Ақбаршоҳ – санъатни юксак даражада қадрловчи фасоҳат эгаси бўлиб, ёшлигида расм чизишига иштиёқманд бўлган. Ақбар фармони билан Амир Ҳамза ривоятларини расмлар билан безатиш учун Беҳзод мактабининг 50 санъаткори жалб қилиниб, 12 жилдлик ривоятлар тўплами 1700 миниатюра билан безатилган. Ақбар саройида турли миллатга мансуб 145 санъаткор ишлаган.

Шоҳ *Жаҳонгир* – миниатюра асарлари, бадиий безатилган қўлёзмалар ва альбомларни зўр иштиёқ билан йиғувчи коллекционер бўлган. Жаҳонгир кутубхонасида ҳинд, эронлик мусаввирлар билан бирга, Ўрта Осиёдан Абул Ҳасан, Мир Ҳошим, Мұхаммад Фақир Оллоҳон, Самарқандлик мусаввирлар Мұхаммад Нодир ва Мұхаммад Мурод Самарқандийлар ижод қилишган. Ҳиндистондаги *Ражипур* расм санъати, Темурий, Сафавийлар миниатюра санъатининг энг яхши анъаналари синтезида “Бобурийлар ҳинд миниатюра мактаби” ташкил топди. XVI-XVII асрларда Бобурийлар ҳинд маданияти тараққиётида жуда катта роль ўйнадилар. Ақбар, Жаҳонгир ва Шоҳи Жаҳон санъат корхонала-рида “Ақбарнома”, “Темурнома”, “Амир Ҳамза”, “Зафарномаи Темурий”, “Шоҳнома”, “Жаҳонгирнома”, “Бобурнома” каби китоблар нафис миниатюра суратлари билан безатилди.

Умуман олганда, Темурийлар даврида Ўрта Осиёда Самарқанд, Бухоро, Шоҳруҳия (Хурросон), Ҳирот мактабларининг пайдо бўлиши, шаклланишига асос солинди. Темурийлардан З.М.Бобур авлоди раҳнамолигида Ҳиндис-тонда “Бобурийлар

миниатюра мактаби”нинг пайдо бўлиши ҳинд ва дунё санъатини бойитди.

Тошкент шаҳрида XX–асрнинг охирида (1980 й) “Усто“ бирлашмасида ўзининг қайта тикланиш даврини бошлаган миниатюра санъати бугунги кунда санъат коллежлари, олий таълим даргоҳларида ўқитилмоқда. Темурийлар даврида шаклланган Самарқанд, Бухоро, Ҳирот “Бобурнийлар” мактабларида чизилган суратлар юртимизда миниатюра санъатининг тикланиши, тараққий этишида илҳом манбаи бўлиб, ёшларни маънавий тарбиялаш, гўзал санъатга ошно бўлишга ундан келмоқда. Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларидаги қўплаб ёшлар келажагини миниатюра санъати билан боғлаган экан, демак Темурийлар даври санъати ўз ватанида абадий давом этади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Н.Норқулов, И.Низомиддинов “Миниатюра тарихидан лавҳалар”. Тошкент. F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й.
- 2.Х.Сулаймон “Бобурнома” расмлари. – Тошкент. Фан, 1970 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДОСИ ТАҲЛИЛИ ВА МАМЛАКАТИМИЗДА ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдурашидова Н.А, ТДИУ

Ташқи иқтисодий фаолият кафедраси асистенти

Республикамизда иқтисодий ислоҳатлар чуқурлашиб бораётган бир даврда ташқи иқтисодий сиёсатнинг ўрни бекиёсdir. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилдан ташқи сиёсатга эътибор берди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.[1]

Республикада экспорт ва импорт тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Экспорт тизимида, ҳом ашё экспорт улуши

пасайиб асосан ички истеъмолга, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун йўналтирилган. Анъанавий экспорт маҳсулотларимиз - пахта, рангли металл маҳсулотлари билан бир қаторда, экспорт тизимида енгил автомобиллар, шаҳар русумидаги автобуслар, хўжалик моллари экспорти мустаҳкамланиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг товар таркиби ҳам сезиларли даражада ўзгарди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспорти товар таркибининг ўзгариши динамикаси, %

Йиллар	Пахта толаси	Озик овқатлар	Кимё маҳсулотлари ва пластмасса	Энергия манбалари	Қора ва рангли	Хизматлар	Машина ва ускуналар	Бошқалар	Жами
2006	19,1	3,8	5,3	11,5	9,2	12,2	8,4	30,5	100
2008	14,6	5,2	7,3	9,8	6,6	16,4	7,6	32,9	100
2011	9	13,2	5,6	18,5	7,4	11,8	6,7	27,8	100
2012	9,3	6,4	5,6	34,6	7,8	18,2	6,5	12,5	100
2013	9,9	6,5	4,6	36,0	8,0	17,3	5,6	12,1	100
2014	7,4	11,9	4,6	26,0	6,9	21,5	3,9	17,8	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги йиллarda мамлакатимиз экспорт таркибида бир қатор ўзгаришлар юз бериб, ушбу ўзгаришларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат: пахта толаси мамлакат экспортининг асосий моддаси сифатида сақланиб қолаётган бўлса-да, унинг улуши мустақиллик йилларида 2,5 мартадан зиёдроққа пасайди (2006 йилда 19,1 фоиздан 2014 йилда 7.4 фоизгача); мамлакат экспорт ҳажмида асосий ўринни эгаллаган бошқа товарлар: энергия манбалари, машина ва асбоб-ускуналар, рангли ва қора металлар ҳисобланиб, 2006 йилдан 2014 йил мобайнида энергия манбаларининг улуши 11,5 фоиздан 26,0 фоизгача кўтарилди, машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши 8,4 фоиздан 3,9 фоизгача пасайди, рангли ва

қора металларнинг улуши 9,2 фоиздан 6,9 фоизгача пасайди; хизматларнинг жами экспортдаги улуши 2014 йилда 21,5 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон экспортининг товар таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, озиқ-овқатлар, машина ва асбобускуналар, шунингдек бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш мумкин.

Бугунги кунда республикамизда ўтиш иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ва таркибий ўзгаришлар йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда импорт таркибини такомиллаштириш соҳасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирларнинг натижаси ўлароқ, мустақиллик йилларида импортнинг товар таркибида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилди.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси импорти товар таркибининг ўзгариши динамикаси, %

Йиллар	Озиқ-овқатлар	Кимё маҳсулотлари ва пластмасс	Энергия манбалари	Қора ва рангли металлар	Хизматлашув	Машина ва	Бошқалар	Жами
2005	7,0	13,6	2,5	10,3	10,4	43,3	12,9	100
2007	6,3	12,4	2,1	9,5	11,0	41,7	17,0	100
2011	11,5	12,5	8,5	7,6	5,0	44,0	10,9	100
2012	10,9	13,7	6,6	7,2	5,8	45,9	9,9	100
2013	10,2	14,2	6,9	7,1	6,0	45,6	10,0	100
2014	10,8	15,9	6,2	8,0	8,0	39,5	11,6	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, ислоҳотлар йилларида озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон жами импортидаги салмоғи сезиларли даражада пасайди: агар 2007 йилда жами импортнинг 6,3 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 11,5 фоизга кўтарилиди, 2014 йилда эса 10,8 фоизга пасайди. Импорт таркибидаги муҳим ўзгариш шундан иборатки, мустақиллик йилларида энергия манбалари импорти сезиларли даражада пасайди. Агар 2011 йилда жами импортнинг 8,5 фоизини

энергия манбалари ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб, бу кўрсаткич 6,2 фоизга тенг бўлди.[2]

Хулоса қилиб айтганда, турли мамлакатларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида таркибий ислоҳотларни чукурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар билан бир қаторда ташқи савдони либераллаштириш жараёни ЯИМнинг ўсиш тенденциясини сақлашни таъминлаб келмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг ташқи савдо сиёсати ҳукуматнинг умумиқтисодий йўналишининг муҳим таркибий қисми саналади, янада торроқ маънода эса экспорт-импорт товар оқимлари ҳажми, товар таркиби ва географик йўналишини тартибга солиш билан боғлиқ бюджет-солиқ фаолияти соҳаларидан биридир.

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш турли кўринишларда бўлиши мумкин. Уларни товар оқимларига таъсири табиатига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилувчи иккита асосий типга ажратиш мумкин:

- иқтисодий
- маъмурий.

Замонавий ташқи иқтисодий сиёсатда икки асосий тамойил: бир томондан давлатларнинг очиқ типдаги иқтисодиётга, яъни ташқи савдони эркинлаштиришга ўтиш, иккинчи томондан жаҳон бозоридан ажralганлик унсурларини сақлаб қолиш, яъни протекционистик чора-тадбирларни амалга ошириш тамойили мавжудлигини қайд этиб ўтиш керак.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, алоҳида олинган бир мамлакатда ташқи савдони тартибга солишнинг у ёки бу воситаларини танлаш мамлакатнинг ички иқтисодий вазияти ва жаҳон бозоридаги мавқеига, алоҳида вазиятларда эса бутун бир омиллар комплексига боғлиқ, масалан:

- рақобат курашининг кескинлашиши.
- валюта курсларининг ностабиллашуви.
- тўлов балансларининг камомадлари.
- ўтиш иқтисодиётли ва ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзлари кабилар.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда интеграция жараёнлари ҳам муҳим аҳамияти касб этади.

Интеграцион жараёнлар халқаро иқтисодий муносабатларда иккита асосий миқёсда ўтади:

микро — трансмиллий корпорацияларни ташкил этилиши орқали; макро — иқтисодий сиёсатни давлатлараро мувофиқлаштириш орқали.

Ўзбекистоннинг рақобатбардошлиқ устунликлари экспортга йўналтирилган муваффақиятли ривожланишнинг негизини ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон қуйидаги нисбий устунликларга эга бўлиб хорижий мамлакатлар билан савдо муносабатларида ана шу устунликлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

Особую важную ветвь в развитии туризма играет создание условий для культурно-просветительского отдыха туристов. Если в начале 1990-х годов в Андижане функционировало всего лишь 4 гостиниц средним условием, то к 2011 году количество гостиниц выросло до 20 и все они были построены по современным требованиям. Сегодня в городе функционируют 23 современных, модернизированных услугами гостиниц. В частности, в 2014 году на сумму 5 млрд. 423 млн. сум было построено официальный дом приема гостей при областном хакимияте. Гостиничный дом был полностью оборудован мебелью и техникой на сумму 255 674 евро, привезенных из города Шаржа Объединенного Арабского Эмиратов.

Вместе с этим, для организации культурного отдыха гостей в городе функционируют 3789 домов бытового обслуживания, 3 театра, 16 публичных библиотек, (из них 3 городского уровня), 5 клубов, 4 культурных центров, 2 кинотеатра, 6 парков отдых и культуры, 2 музея, 9 больших и 26 мини стадионов, 11 бассейнов, 36 теннисных кортов, 97 та спорт залов и др.⁸⁶

В целом, социально-экономическое развитие современного Андижана оказывает заметное влияние на повышение уровня и улучшение качества его туристического потенциала.

АКАДЕМИЯ МАМУНА

*Газизова А.Д, лектор-экскурсовод, м.н.с.
Государственного музея истории Узбекистана*

На заседании 32 сессии Генеральной конференции ЮНЕСКО было принято решение о праздновании в 2005 г. 1000-летнего юбилея Академии Мамуна. Это стало наглядным подтверждением того, что мировое сообщество проявляет интерес к изучению богатого научного наследия, оставленного выдающимися мыслителями Востока. (Газета «Народное слово» 24.03.2005).

Действительно 9-12 века являются одним важнейших периодов в истории Средней Азии, отличающиеся высочайшим подъемом научной мысли, давшие миру замечательных ученых

⁸⁵ Текущий архив хакимията г. Андижана за 2015г.

⁸⁶ Андикон шаҳар ҳокимиётининг 2015 йил 23 июлдаги №03/812 расмий хати билан тақдим этилган маълумоти. –Б.9–13.

энциклопедистов, обогативших своими открытиями мировую науку.

Узбекистан имеет великую и богатую историю, в которой отражены глобальные исторические процессы, их разнообразное проявление, особенности, закономерности. И особое место в этих вопросах занимает история развития науки.

Среднеазиатские ученые, используя мировой научный опыт предыдущих столетий, добились невиданных результатов.

Подобно всеобще известной Академии Платона в Европе в Афинах, на Востоке также были Академии: одна - «Байт ул-хикма» в Багдаде (813-833), другая -«Байт ул-хикма ва маориф» в Хорезме (994-1016).

Вспомним же о Багдадской Академии Наук, основанной правителем Абдаллахом ибн Мамуном – вторым сыном арабского правителя из династии аббасидов Харруна ар-Рашида.

Харрун ар-Рашид и его сын ал-Мамун создают для ученых благоприятные условия для научных исследований. Абдаллах ибн Мамун стал концентрировать в своем окружение ученых из Хоросана, Мавероннахра, Хорезма.

Необходимо отметить, что в Багдаде, наряду с такими учеными, как Ахмад ал-Марвази, Халид ал-Марварруди, Абул Аббас ал-Джавхари, ибн Турк ал-Хуттали, Санад ибн Али.были исследовательскими работами занимались и наши соотечественники Мухаммад ал-Хоезми, Ахмад ал-Фергани. Это научное учреждение просуществовало около 190 лет, обретя в истории определенную славу.

Научное наследие ал-Хорезми (783-850) составляют разносторонние науки – математика, география, астрономия, картография, история, а также приборостроение. Он впервые ввел в обращение десятичную систему исчисления, состоящую из девяти цифр, а также ввел понятие «ноль». Термин «алгоритм» является европеизированным произношением его имени, поскольку именно он разработал десятичную позиционную систему счета. Он классифицировал уравнения первой и второй степени, а так же их решения. В трудах по географии, например - «Книга картины Земли» впервые в средневековье на арабском языке дал картографическое описание Восточного полушария Земли и ввел в географию Тихий океан, Филиппинские и Японские острова, а также Корейский полуостров. Опираясь на древнегреческие традиции, он создал историографическое

сочинение «Книга истории» и тем самым заложил традицию годичного летописания.

Исследования ал-Фергани (797-861) также были разносторонними: математика, астрономия, физика, география, гидрология и инженерия. В европейских странах он был известен как «Алфраганус». Он внимательно изучил «Алмагест» греческого ученого Птолемея – автора системы построения планет «геоцентрической системы. К этому «Алмагесту» Ал-Фергани создал комментарии, состоящие из 30 книг. Среди них: «Наука об астрономии», «Вступление к Алмагесту», «Книга о небесных движениях и наука о звездах», «Причины небесных сфер» и т.д. Он заложил основу к созданию точных географических карт. Изучил солнечные и лунные затмения. Руководил строительством двух обсерваторий: одна вблизи Багдада, другая недалеко от Дамаска. Благодаря исследованиям в этих обсерваториях Фергани составил специальные таблицы-«Проверенные таблицы ал-Мамуна», в которых были задействованы видные астрономы Востока. Были определены координаты 1022 звезд, движения планет. Его инженерные способности проявились при создании им сооружения для измерения уровня воды в реке Нил. Сооружение построено из гранита и просуществовало несколько веков, некоторые его каменные столбы сохранились до наших дней. В своем исследовании «Книга об астролябии» им подробно описана конструкция этого астрономического измерительного прибора.

Спустя почти 190 лет правители Хорезмшахи оказались продолжателями этих научных традиций.

Правитель Хорезма Али ибн Мамун собирает около себя мудрых советников и ученых и при дворе правителя создаются идеальные условия для ученых кругов. Сюда в Ургенч или как тогда Гургандж, из Нишапура, Балха, Бухары, Ирака были приглашены многие ученые.

Среди выдающихся философов, историков, математиков, астрономов, поэтов и медиков Хорезмской Академии были такие учение, как Абу Райхон Беруний, Абуль Хайр ибн Хаммар, Абу Абдуллах Илоки, Абу Сахий Масихи, Ибн Сино, Абу Наср ибн Ирок Абу Мансур Камари и др. Таким образом, формируется научный центр «Байт ул-хикма ва маориф» или «Маджлиси улами» («Собрание мудрых»).

Вспомним подробнее о некоторых из них.

Абу Райхон ал-Беруни (973-1048), родился в г.Кят (ныне г.Беруни) долгие годы, живя в Хорезме, покровительствовал наукам, создавал условия для их развития и процветания. Он всегда помнил изречение Сократа «Нет богатства лучше, чем знания, нет почета величавее, чем знания».

Летели годы, интересные плодотворные. За это время Беруни построил секстант-обсерваторию, посвятив жизнь звездам, создал великие труды «Фармакогнозия», «Минералогия», «Геодезия», «Индия», «Канон Масуда» и др.

В своей «Фармакогнозии» он сопоставил более 4500 наименований лекарственных растений на хорезмийском, греческом, латинском, турецком, сирийском, согдийском и др. языках. Книга состоит из 29 разделов, в которых описаны лекарственные средства неорганического, животного и растительного происхождения. Он пересмотрел исследования ряда ученых в этой области, изучил территориальное произрастание ряда лекарственных растений. Сегодня природные лекарственные средства пятидесяти названий используются в современной медицине.

В его «Минералогии» дается классификация минералов, начало которой было заложено еще в Ассирии, Вавилоне и Египте. Этот труд состоит из 2-х частей: «О минералах» и «О драгоценных камнях». В первой части он объединил минералы в группы: камни красные; камни зеленые; камни самые твердые; камни морские; камни кремнезёмные; камни органического происхождения; камни недрагоценные. Во второй части описывает металлы и сплавы. Здесь же мы находим сведения о технологиях механической и химической обработки и камней и металлов.

Беруни пришел к выводу, что определение удельного веса – самый надежный способ отличать металлы от минералов. Здесь же разработана конструкция специального сосуда для более точного объема воды, вытесненного погруженным в нее минералом, по которому стало возможным более точно различать удельный вес минерала, и его разновидность.

В «Геодезии» Беруни подробно описывает метод определения разности долгот во время лунного затмения. Затмения наблюдаются одновременно в 2-х городах, долгота одного из них известна. Определяя по возможности время середины затмения, оба наблюдателя устанавливают разницу местного времени в обоих городах, что является разностью их географических долгот.

А зная долготу одного, можно получить наиболее точное значение долготы другого города. Подобные методы исчисления совпадают с современными данными. Здесь же Беруни разработал весьма актуальную для того времени геодезическую задачу – определение в определенном пункте азимута другого географического пункта, если известны координаты обоих городов.

Его выдающийся труд «Индия», завершенный в 1030г., представляет собой энциклопедический труд, основанный на научных данных того времени. Книга посвящена, в основном, географическому и историческому исследованию Индии. Здесь приводятся интересные данные исследований этнографии индийского народа.

Уже на склоне лет, когда Беруни было почти семьдесят, он закончил «Канон Масуда» - величайший труд, энциклопедический итог об астрономии века, состоящую из одиннадцати книг. И его значение в астрономии так же важно, как важно значение, скажем, «Канона врачебной науки» Ибн Сино в медицине. Кроме того, здесь разработаны методы определения географических координат населенных пунктов по склонению Солнца, а так же приводится деление северного полушария на 7 областей по широте, очень близкое к современным данным.

Абу Наср ибн Ирак (ум. 1036). Работает по таким наукам, как астрономия, математика, тригонометрия. Изучив греческий и латинский языки стал изучать научные труды Евклида, Птолемея, Минелая, Архимеда, а также восточных ученых Фаробий, Хорезмий. Беруни был его учеником.

Абу Сахла Масихи (970-1010). В труде «Геодезия» Беруни несколько раз вспоминает этого талантливого ученого. Он занимается философией, астрономией, и является на тот момент лекарем шаха Мамуна. Среди его трудов по медицине наиболее значительные «Сто вопросов по медицине», «Основы медицины» и т.д. которые сейчас хранятся в институте восточных рукописей при Академии Наук Узбекистана. Кроме этого известен как математик, астроном, философ, изучал логику.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) так же как и Беруни, неутомимый борец за науку. Живя в сложных условиях религиозного контроля сумел сохранить и углубить научные знания. «25 лет ему было, когда от с честью и достоинством выдержал сложный экзамен на члена Академии наук - «Дома Мудрости» в Хорезме, который у него принимали лекари самого

Хорезмشاха Мамуна. По рекомендации Беруни Ибн Сино был введен в круг ученых. Здесь он создает многие разделы выдающегося «Канона»

Преследуемый духовенством, в 1012 г., он оказывается далеко от своей Родины – в Иране, а точнее скитается по городам Ирана - Абивард, Рей, Тус, Нишапур, Исфахан, Хамадан. Создает свыше 70 трудов по медицине и естествознанию, 185 по философии, психологии, геологии.

Абу Махмуд Хужандий (род. в середине 10 в.) астроном. Учил Беруни основам знаний по изобретению астролябий, а также устройства обсерваторий. Его труды: «Законы астрономии», «Книга об устройстве и месторасположении стран», «Общие правила конструирования и использования астрономических приборов

Другой известный медик ал-Хаммар (942-1032), знал арабский, персидский, греческий языки. Многие труды древнегреческих ученых перевел на арабский язык. Особо прославился как медик. Его труды «Книга об опыте лекарей», «Об эпилепсии», «О здоровом образе жизни пожилых» и т.д.

Абу Мансур Саолибий (961-1038) также выделяется своими творениями в Академии Мамуна. В своей работе «Жемчужины века» он описывает жизнь и творчество более ста людей науки 10-11 веков.

Среди ученых-медиков Академии Мамуна особое место принадлежит лекарю из Ташкента Абдаллаху Илакий. Его труды «Причины и признаки болезней», «Методы лечения», «Сборник по медицине» широко были распространены в Хорезме.

Но ряд политических событий, произошедших в это время, коренным образом повлияли на ход научной мысли, а также на само существование этого научного центра.

Как известно, вначале 10 в. крупные империи – Газневидов и Карабахидов все время пытались распространить сферу своего влияния на Хорезм. А распространившаяся к этому времени слава об Академии Мамуна не могла не задеть честолюбивого првителя Махмуда Газневи. В результате подготовленного заговора весной 1017 г. Абул Аббас ибн Мамун был убит. Летом Махмуд Газневи вторгся в Хорезм. В результате военных действий, погромов и грабежей Хорезмская Академия Мамуна прекращает свою деятельность, а ученые разъезжаются в разные страны.

В 1997 г. 11 ноября Президентом Узбекистана И.А.Каримовым был издан Указ о возрождении деятельности Хорезмской Академии Мамуна в г. Хиве, что явилось новой ступенью в развитии культуры и научного прогресса.

Академия начала осуществлять глубокое изучение богатого научного наследия великих хорезмских ученых 9-12 вв., проводить научно-исследовательские работы по истории, археологии, философии, языку и литературе, биологии, медицине, сельскому и водному хозяйству.

Среди изучаемых тем – история государственности в древнем и средневековом Хорезме, место Хорезмского оазиса в этнической истории узбекского народа, исследование комплекса архитектурных памятников Хорезмской области.

При Хорезмской Академии Мамуна начали функционировать аспирантура, научный семинар, «Сад лекарственных растений», мини-типография. Хорезмская Академия Мамуна начала осуществлять руководство Малой Академией в Хиве, созданной на базе творческого центра молодых естествоведов.

Решение правительства о возрождении Хорезмской Академии Мамуна является поистине историческим событием, которое помогает осознать, насколько глубоки и крепки корни нашей государственности, свидетельствующие о древних традициях, обычаях, культуре и национальных ценностях.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲНАВИЙ МЕРОС ВА УНИ ЎҚУВЧИЛАР ОНГИДА ШАКЛАНТИРИШ

*Исмаилов А.Ф, Ўзбекистон тарихи давлат
музейи бўлим бошлиги, мустақил тадқиқотчи*

Жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги тараққиётнинг муҳим шарти ва кафолатидир. Бирон-бир мамлакат ўз маънавий имкониятларини, одамлар онгига маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантируй, халқнинг миллий рухини уйғотмай ва мустаҳкамламай туриб, юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. “Маънавият инсонни руҳий покланиш ва қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”⁸⁷.

⁸⁷ Каримов И.А.Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:Маънавият, 2008. – Б.19.

Мустақиллик шарофати билан жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислоҳотларнинг йўналишлари белгилаб олинди.

“Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар - қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, отабоболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш - бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда”⁸⁸.

Бой маънавий меросимизни тиклаш ва ривожлантириш, жамият маънавиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз қолдирган маънавий меросни тиклаш ишлари бошланиб кетди.

Истиқлол туфайли миллий маданиятимиз, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк бобокалонларимизнинг маънавий мероси қайтадан ўрганилди ва тикланди. Халқимиз улардан баҳраманд бўлишга мұяссар бўлди.

Мустақиллик йилларида халқимиз маънавиятининг юлдузлари бўлган буюк алломаларимизнинг таваллуд топган саналари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда мамлакатимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланди:

- 1991-йил-Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;
- 1992-йил-Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги;
- 1993-йил-Заҳириддин Мұхаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги;
- 1994-йил-Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги;
- 1996-йил-Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;
- 1997-йил-Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги;
- 1998-йил - Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;
- 1999-йил - «Алпомиши» достонининг 1000 йиллиги;
- 2000-йил - Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги;
- 2000-йил - Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги;

⁸⁸ Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Асарлар, 1-жилд, Б.202.

- 2001-йил - «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги⁸⁹.

Буюк алломаларимиз, мутафаккирларимиз юбилейлари муносабати билан уларнинг ўнлаб нодир ва ноёб асарлари ўзбек, инглиз, франсуз, немис, япон ва бошқа тилларда нашр этилди, ҳайкаллар ўрнатилди, зиёратгоҳ майдонлари, боғлар яратилди.

Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билишнинг, миллий-ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бирон-бир ҳалқ ўз тарихини билмай, асрлар оша яратилган маънавий меросга таянмай ва уни янада ривожлантирмай туриб ўз келажагини тасаввур эта олмайди. Ўзбек ҳалқи ва Ўзбек давлатчилиги тарихини, тарихимизнинг бошқа саҳифаларини холисона илмий асосда ёритиш вазифалари Президент И. А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998-йил июн ойида бўлган сұхбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 27-июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилди.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ёритиш ва ўрганиш масалалари партияййлик, синфиийлик ёндашувларидан, хукмон коммунистик мафкурага хизматкор бўлишдан халос этилди.

Мамлакатимиз Хитой, Хиндистон, Эрон, Миср каби қадимий давлатлар қаторида туради. Миллий давлатчилигимиз қадимий, диёrimiz йирик давлат арбоблари билан машҳур. Буюк аждодларимиз хотирасига бағищлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуалари жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий ғурурни кўтаришга ҳамда ҳалқимиз, айниқса, ёшлар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантиришга кўмаклашмоқда.

Ўзбек ҳалқининг ўзига хос миллий қадриятлари бор. Миллий қадрият деганда миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятлари, анъаналари, маросимларини тушунамиз. Ўзбек ҳалқига хос қуидаги жиҳатлар унинг миллий қадриятлари сифатида бошқа ҳалқлар томонидан эътироф этилган:

- туғилган макон ва она юртига эҳтиром;
- авлодлар хотирасига садоқат;
- катталарга ҳурмат, кичикларга иззат;

⁸⁹ Usmonov Q.O`zbekiston tarixi(Milliy istiqlol davri): Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari 2-kurs o`quvchilari uchun darslik.-T: «O`qituvchi»,2011.-Б.193

- меҳмондўстлик;
- болажонлик;
- маънавият - ахлоқ- одоб - маърифат;
- муомалада мулозамат, ҳаё, андишалик;
- оғир кунларда вазминлик, сабр-тоқат ва ҳоказо⁹⁰.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, янги маъно-мазмун билан бойитиш йўлида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Халқимизнинг азалий қадриятларидан бири «Наврӯз» байрамидир. 1994-йил 23-апрелдаги Президент фармони асосида ташкил этилган Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ўзбек халқининг маънавий-маданий меросини тиклаш, миллат келажагини белгилайдиган ғояларни юзага чиқариш, юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан равнақи сари йўналтиришга қаратилган нуиҳим тадбирлар, анжуманлар, кўргазмалар ташкил этишни йўлга қўйди. 1996-йил январда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳузурида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилди. 1996-йил 27-сентабрда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Олтин мерос» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ги қарорига биноан мазкур жамғарма давлат томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-куватланди.

Қадим замонлардаёқ юртимизда дин эркинлиги мавжуд бўлган. Ўзбекистон Президентининг 1992-йил 27-мартдаги фармони билан Рўза-Рамазон ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилинди. Республика мусулмонларини истак ва хоҳишлирига кўра қурбон ҳайити ҳам тикланди, дам олиш, байрам куни бўлиб қолди. Бу тадбирлар фақат диндорлар учун қилинган марҳаматгина эмас, улар аслида халқимизнинг қадимий расм-руsum ва удумларининг, қадриятларининг тикланиши, аждодлар руҳининг қайта уйғонишидир.

Давлатнинг дин ва диндорлар вакилларига муносабати хукуқий жиҳатдан аниқ белгилаб берилди. “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласмаслик хукуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”⁹¹.

⁹⁰ Usmonov Q.O`zbekiston tarixi(Milliy istiqlol davri): Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari 2-kurs o`quvchilari uchun darslik.-T: «O`qituvchi»,2011.-Б.200.

⁹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси. 31-модда.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида маънавий мерос, миллий қадриятлар айниқса дин, энг аввало, ислом динининг ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатидаги мавқейи тикланди. Бу улуғвор ниятларнинг бош мақсади ёшларимиз онги ва шуурида миллий истиқлол тафаккури ва маънавий қадриятларни сайқал топтиришдан иборат. Бу ўринда тарих дарсларини ўйин асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадлардан келиб чиқкан ҳолда, Ўзбекистонда ilk бора 2011 йилнинг 19 августида ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида “Мўъжизалар оламида” болалар музейи ташкил этилди⁹². Унга кирган ҳар бир ўқувчининг предметли, шартли-график иллюстратив кўргазмалилик воситалари ва ролли ўйинлардан кенг фойдаланиши аҳамиятлидир.

Ўйинли фаол фаолият ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ошириб, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради⁹³. Миллий қадриятларимизни ролли ўйинлар орқали ижро этилиши, ўқувчилар онги ва тафаккурини ривожлантиради қолаверса қадриятлар мазмун моҳиятини янада кенгроқ англаб этади.

Ўқувчилар онги ва тафаккурини ривожлантиришда кўргазмали метод ва усулларнинг ўрни ҳам бекиёсdir. Бу метод орқали суратлар таҳлили, расм ишлаш, контур (қадимий шаҳарлар акс эттирилган)харитани тўлдириш каби амалий усуллар ҳамда моддий маънавий мерос намуналари, қадимий шаҳарлар макетлари, тарихий шахслар суратларини томоша қилиш кўргазмали усуллари жуда аҳамиятлидир.

Мухтасар қилиб айтганда, ўз онги ва қалби маънавий мерос, миллий ва диний қадриятлар билан тўлдирилган ёш авлод, ўз олдига юксак мэрраларни қўяди ва шу мақсад сари илдам қадам ташлаб бораверади.

АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШ, САҚЛАШ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛARНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*Сайдов М.М,
ЎзР ФА Археология институти илмий котиби*

⁹² Мозийдан садо. Илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли журнал. 4-(52)2011.Б-3.

⁹³ Толипов Ў.К., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикӣ асослари. – Т.: Фан, 2006.

Маълумки, ҳозирги вақтда фан ва техниканинг кескин ривожланиши уларни нафақат аниқ ва табиий йўналишларда балки, ижтимоий гуманитар жумладан, тарихнинг қадимги тарихини ўзида акс эттирган археологик ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилишда ҳам самарали равишда қўллаш имконини бермоқда. Бу борада изланишлар жаҳон миқёсида ўтган асрнинг охирларидан кенг миқёсда амалиётга қўлланила бошланди. Жумладан, 1985 йилда Денвер шаҳрида Ҳалқаро қадимги давр тарихини ўрганувчилар жамиятининг симпозиумида С.Джилл, Д. Хоурс ва К.Кваммларнинг маъruzalariдан сўнг ГИС технологияларни археология соҳасида қўллаш йўналишлари белгилаб берилди(Коробов, 2011). 1995 йилда эса замонавий технологиялар асосида археологик ёдгорликларни тавсифлаш ва рўйхатга олиш борасида ягона стандарт ишлаб чиқилади (Core Data Standard, 1995). Ушбу стандарт шу вақтга қадар муомалада бўлган DKS (Дания), MONARCH (Англия), DRACAR (Франция), ARCHIS (Голландия) каби миллий стандартларга асосланган. 1995 йилда ишлаб чиқилган стандарт 52 та пунктдан иборат бўлиб, шулардан 19 таси эса қўшимча, 33 таси тўлдирилиши лозим бўлган мажбурий маълумотлар ҳисобланади. Лекин ушбу стандартнинг фақатгина 6 та пункти бевосита археологик-тарихий маълумотларга (ёдгорликни тури, даври, тарихи ва хоказо) оид бўлиб, қолганлари асосан маъмурий бошқарув масаларига оид ҳисобланади. Кейинги йилларда АҚШ, Россия ва Европа давлатларида олиб борилган изланишлар натижасида бир қатор қўпроқ илмий маълумотлар олиш имконини берувчи дастурлар ва стандартлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Россияда бу борада Arcsites, “Археограф, SITE, BASE-INFO каби маълумотлар базаси шакллантирилган бўлиб(Васильев, 2001; Коробов, 2002; Афанасьев, Джаникян, Сорокина и др., 2001; Сорокина, Седов, Хмелевский. и др., 2001), улар хориждаги қиёсий дастурлардан фарқли равишда интернет тизимиға уланган эмас. Бундай ҳолатда on-line тарзда маълумот олиш чекланган бўлиб, маълумотларни фақатгина ишлаб чиқарувчидан олиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасида археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш борасидаги кенг кўламли тадқиқотлар ўтган асрнинг 70-80 йилларида амалга оширилган бўлиб, бу борада қидирув ишлари Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмида ТошДУ (ҳозирги Миллий Университет) тарих факультети, Фарғона вилоятида Фарғона ўлкашунослик музейи ва Эрмитаж,

Қорақалпоғистонда Қорақалпоғистон Фанлар академияси, қолган ҳудудларда ЎзР ФА Археология институти олимлари томонидан амалга оширилган. Лекин бу даврда қўлга киритилган маълумотларнинг ягона тизимга киритилмаганлиги, улар боғланган аҳоли пунктларининг номларини ўзгариши, аниқ координаталари берилмаганлиги ва бошқа сабаблар туфайли мустақиллик йилларида “Ўзбекистон археологик ёдгорликларини каталоги”ни тузиш долзарб вазифага айланди. Зеро, ҳозирги вақтда маданият ва спорт ишлари вазирлиги маълумотларига кўра юртимизда 8 мингга яқин археологик ёдгорликлар мавжудлиги қайд этилади. Аммо кейинги йилларда Археология институти томонидан амалга оширилаётган изланишлар натижалари ёдгорликлар сони 8 мингдан ошик деган фикрни илгари суриш имконини бермоқда. Хусусан, 2012 йилда Шахрисабз туманида олиб борилган изланишлар жараёнида туманда 186 та ёдгорлик қайд этилган(Раймкулов, Суюнов, Сайдов, Сандибоев, 2013). Ваҳоланки, туман маданий мерос объектларини сақлаш ва фойдаланиш инспекцияси рўйхатида ёдгорликлар сони 115 тани ташкил этган.


Ҳозирги вақтда замонавий технологиялар асосида археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш ишлари Қорақалпоғистонда Нукус давлат университети, Қорақалпоғистон ФА ижтимоий фанлар бўлими, Сурхондарёда Термиз давлат университети, юртимизнинг қолган ҳудудларида ЎзР ФА Археология институти олимлари томонидан олиб борилмоқда. Айни вақтда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Шахрисабз, Китоб туманлари, Сурхондарё вилоятнинг Бойсун, Шеробод туманлари, Самарқанд шаҳри ва Ургут туманлари, Жizzах тумани, Фарғона водийси археологик ёдгорликларига оид маълумотлар базаси шакллантирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки шакллантирилаётган маълумотлар базаси икки хил қоғоз ва электрон кўринишда бўлиб, биринчиси асосан, каталог сифатида чоп этилмоқда. Каталог ёдгорликнинг ID коди, координатаси, майдони, баландлиги, сақланиш ҳолати, жойлашган жойи, қисқача тавсифи, ўрганилиш тарихи ва унга доир адабиётлар рўйхати, даври ҳамда унинг ҳозирги ҳолатини намоён этувчи фотосурат, топоплан ва ёдгорликнинг жойлашган жойи акс этган харита билан таъминланган.

Маълумотлар базасини электрон кўринишдаги варианти ARCGIS, MapInfo, CORONA каби ГИС дастурлари орқали амалга

оширилиб, каталогга нисбатан бир қатор қулайликларга эга. Хусусан, ГИС дастурларида айрим интернет ресурслари орқали ўтган асрнинг 60-90 йилларидағи космик фотосуратлар, топографик хариталар, Google Earth дастуридаги ҳозирги вақтдаги космик суратларни қатламма-қатlam қўйиш ва шу орқали ёдгорликлардаги ўзгаришларни кузатиш имкониятлари мавжуд. Бу жараёнда ўтган асрнинг 60-90 йилларда бузилиб кетган археологик ёдгорликларни ўрнини аниқлаш, у ёки бу даражада бузилган ёдгорликларни ўша даврдаги ҳолати хақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Шу билан бирга ГАТ дастурлари орқали нафақат археологик ёдгорликларнинг аниқ сони, балки қадимий суғориш тармоқлари ўрнини белгилаш, маълум бир даврга оид археологик хариталарни яратиш, антропоген ландшафтнинг шаклланиши, кенгайиши, баъзида эса экология ва табиий муҳит билан боғлиқ қисқариш сабабларини аниқлаш мумкин.

Ҳозирги вақтда юртимизнинг турли ҳудудларида миллий ва қўшма археологик экспедициялар томонидан ГИС технологиялари асосида археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш ишлари жадал равища амалга оширилаётган бўлсада, ушбу тадқиқотларни умумлаштириш ва ягона миллий тизимни яратиш долзарб вазифага айланмоқда. Миллий тизимни яратишида археология ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш борасида жаҳон амалиётида амалга оширилаётган ишлар ва юртимизининг тарихи ҳамда миллий хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу тизим археологик ёдгорликлар тўғрисида қўйидаги илмий ва маъмурий бошқарув борасидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.



Миллий тизим археологик ёдгорликларни сақлаш, мухофаза қилиш ва уларни назорат қилиш билан бирга турли хил тарихий вилоятларни тарихий-географик топографияларини ўрганиш, маълум бир тарихий жараёнларини моделлаштириш, келгуси тадқиқотларни режалаштириш каби изланишларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ҲОЗИРГИ КУНДА МАДАНИЙ МЕРОС: ТУШУНЧАНИНГ КОНЦЕПТУАЛИЗАЦИЯСИ ВА МУАММОЛАР

*Мухамедова М.С,
К.Беҳзод номидаги МРДИ катта ўқитувчиси*

Маданиятнинг ўзига аниқ таъриф бериш қанчалик қийин бўлса, “мерос” тушунчаси ва у билан боғлиқ терминларга таъриф бериш ҳам шунчалик мураккабдир. Моддий маданий мерос тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд. Таърифларнинг ранг-баранглиги тадқиқотчи-назариётчилар ва амалиётчи мутахассислар олдида турган мақсад ва вазифалар билан боғлиқдир. Бунда 1972 йилда қабул қилинган ЮНЕСКОнинг умумжаҳон маданий меросини муҳофаза қилиш тӯғрисидаги конвенцияси билан белгиланган ва умумэътироф этилган таъриф таянч нуқтаси бўлиб хизмат қиласди. Мазкур конвенциянинг 1-моддасида маданий мерос тушунчаси қўйидаги учта тоифа бўйича таснифланган:

- ёдгорликлар: меъморий иншоотлар, маҳобатли ҳайкалтарошлиқ ёки рангтасвир ишлари, археологияга оид элементлар ёки тузилмалар, қоятошлардаги расмлар, ғорлардаги маконлар, шунингдек, бу қирраларни ўзида мужассамлаштирувчи ва тарих, санъат ёки илм-фан нуқтаи назаридан бемисл яхлит қадриятларни ифодаловчи обьектлар;
- бинолар (иншоотлар) гурухи: ўз меъморий ечими, ўз гомогенлиги (бир хиллиги) ёки ландшафтiga кўра тарих, санъат ёки илм-фан нуқтаи назаридан бемисл яхлит қадриятларни ифодаловчи алоҳида турган ёки ўзаро бир-бири билан боғлиқ бинолар гурухи;
- обьектлар: инсон томонидан яратилган ёки табиат ва инсоннинг биргалиқдаги ижоди маҳсули бўлган обьектлар, тарихий, меъморий, этнологик ёки антропологик нуқтаи назардан шубҳасиз қадрият ҳисобланувчи археологик обьектларни ўзга қамраб оловчи ҳудудлар [1]. 40 йилдан ошиқ аввал ифодаланган мазкур таъриф мероснинг ички таркибини аниқлаш учун адолатлидир ҳамда ҳуқуқий ва мулкий муносабатлар билан боғлиқ майший мақсадлар учун мақбулдир, аммо у мероснинг замонавий дунёдаги роли ва ўрнини акс эттиrmайди.

М.Е.Кулешова мероснинг асосий компоненти сифатида ахборотга алоҳида эътибор қаратади: “меросни ҳолатларда,

воқеаларда, моддий объектларда муҳрланган, инсониятнинг ўз тараққиёти учун зарур бўлган, шунингдек, келгуси авлодлар учун сақланадиган ахборот салоҳияти сифатида кўриб чиқиш мумкин” [2]. Мерос тушунчасини таърифлашда Д.С.Лихачев ҳам Маданият хуқуқлари декларациясида ахборот-вақт аспектига эътибор берган эди, у бу тушунча остида инсониятнинг яхлит маданий тажрибасини мустаҳкамлаш ва узатишни тушунган эди. У бунда икки таркибий қисмни ажратиб кўрсатганди: маънавий мерос (тил, идеаллар, анъаналар) ва моддий мерос (музей, архив, кутубхона фонdlари, археология, архитектура, фан ва санъат ёдгорликлари, хотира белгилари, тарихий ўтмишдан дарак берувчи иншоотлар, ансамбллар, диққатга сазовор масканлар ва бошқа жойлар, ноёб ландшафтлар, инсон ва табиатнинг биргалиқдаги ижоди маҳсуллари, тарих, санъат вёки фан нуқтаи назаридан алоҳида қадр-қийматга эга замонавий иншоотлар) [3].

Маданият кўпинча ахборот жамиятини ривожлантиришнинг асосларидан бири сифатида кўриб чиқилаётган экан, демак, маданий меросга ҳам шундай ёндашув бутунлай мантиқлидир. Шундан ва минтақавий, республика миқёсдаги ва халқаро маданий сиёсатнинг векторларидан бири сифатида унинг роли ортиб бораётганидан келиб чиқиб, у жуда кўп ҳолларда у ёки бу минтақанинг, давлат ёки дунёning бир бурчагининг барқарор ривожланиши билан боғлиқдир.

Бундан ташқари маданий мерос менежменти ва маданий ресурслар менежменти назариётчилари ва амалиётчиларининг доираларида ЮНЕСКО ва у билан боғлиқ глобал даражадаги бошқа ташкилотларнинг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган дефинициялар ва таърифлар кўпроқ қўлланилмоқда. Бутунжаон банки буюртмаси бўйича бажарилган “Барқарор ривожланишдаги маданият” тадқиқотида бу тушунчалар умумий ва лўнда ифодасини топган, унда маданият ва маданий мерос билан боғлиқ тушунчалар қуидагича талқин қилинади:

Маданият: жамиятни ёки ижтимоий гурӯхни тавсифловчи муайян маънавий, моддий, интеллектуал ва эмоционал қирраларнинг мажмуи. Улар нафақат санъат ва ёзувни, балки яшаш усулларини, инсон турмушининг фундаментал хуқуқларини, қадриятлар тизимларини, анъаналар ва эътиқодларни ўз ичига олади.

Концептуал нуқтаи назардан “асраш”, “консервация”, “таъмирлаш”, “реконструкция”, “мослаштириш”, “қўллаб-

қувватлаш” терминларининг мазмуни ҳам қизиқиши уйғотади. Буерда “иктисодий ривожланиш”, “инсон тараққиёти”, “ижтимоий омилларнинг устунлиги” каби дефинициялар ҳам келтирилган. Тушунчалар аппарати мероснинг ижтимоий ва иктиносий ривожланиш жараёнларига қўшилганлигини кўрсатиш учун, жамиятни ўзгартириш моделларини яратишида ва усувларини ишлаб чиқишига ёндашувларни яратишида ижтимоий ва маданий сиёсатнинг воситаси сифатида фойдаланиш учун тасодифан шундай ифодаланмаган. Бу бошқа тадқиқотчилар, жумладан, россиялик мутахассислар томонидан қўлланиладиган тушунчалар аппаратидан шуниси билан тубдан фарқ қиласди, уларда мерос ва у билан боғлиқ тушунчалар ўзидағи қадрият сифатида, ҳаётнинг жорий ижтимоий, иктиносий ва бошқа муаммолари контекстидан, жумладан, жамиятнинг ривожланиш истиқболларидан ташқарида кўриб чиқилади.

Шундай қилиб, амалдаги ёндашувлар асосида моддий маданий мерос билан боғлиқ етарлича кенг доирадаги терминологиянинг қуйидаги таснифини таклиф қилиш мумкин:

1. “Маиший-амалий” терминология, у меросга жамиятдаги ҳуқуқий ва мулкий нуқтаи назардан қарашни намойиш қиласди. Таърифларнинг бу гурухи учун мероснинг ички таркибини батафсил ўрганиш хосдир, аммо бунда ижтимоий-иктиносий ҳаёт омили, сиёсат объекти, барча ташқи ўзаро алоқаларнинг тизими омили сифатида унга тегишли ролнинг тавсифи мавжуд бўлмайди.

2. “Ахборот-маданиятшунослик” ёки “Синергетика” терминологияси, у юқорида таъкидлаб ўтилган маданият, мерос ва ахборот ўртасидаги чуқур ва бир-бирини тақозо этувчи алоқаларга асосланган, у меросга ахборот-маданият феномени сифатида ёндашади.

3. “Иктиносий терминология”, унинг тушунчалар аппарати меросдан иктиносий ривожланиш, туризм учун ресурс сифатида фойдаланиш муаммолари ва истиқболлари билан боғлиқдир.

4. “Ижтимоий-гуманитар терминология”, у меросни бутун жамият учун ривожланиш ресурслари сифатида кўриб чиқишида ишлатилади, бунда факат иктиносий эмас, балки кенг доирадаги ижтимоий ва гуманитар аспектлар, жумладан, таълим, камбағалликка қарши курашиш, ҳаёт сифати, барқарор тараққиёт ва ҳ.к. хисобга олинади.

Аммо моддий тарихий ресурсларга муносабатлардаги тадрижий жараён концептуал жиҳатдан муҳим ўзгаришларга олиб

келди. Аста-секин муракаблашиб борган ёдгорликларни кўриқлаш концепцияси моддий тарихий ресурсларни, кенгрок айтганда, меросни асрар чора-тадбирларининг мураккаб ва кўпаспектлик мажмуига айланди, ўрганиш, талқин қилиш ва фойдаланиш шу тадбирлар ичига кириб кетди. Таянч нуқтаси сифатида юз йилдан ортиқ вақтдан бери мавжуд бўлган меросни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича Европа тизимини олиб кўришимиз мумкин. Қарийб ўтган барча давр ичида кўриқлаш ёндашувлари унда устунлик қилди. Бу ёндашувлар ёдгорликлар сифатида бинолар ва иншоотларда жамланди, улар ёши ёки эстетик гўзаллиги каби объектив ва очиқ моҳият мезонлари асосида аниқ танлаб олинган бўлар, уларга “давлат томонидан муҳофаза қилинади” деган тахтacha ёпиштирган ёки бошқа белги қўйилган бўлар эди. Улар кўпинча жамоатчилик ичидан чиқсан “экспертлар” томонидан илгари сурilarди, уларнинг ўзлари ўзларининг ижтимоий маданий мероснинг муҳофизлари сифатидаги ролларини белгилашган эди. 1960 йилларнинг охирида бошланган фойдаланишни ҳам назарда тутувчи қўриқлаш ва асрар ҳаракати эътибор объектини айрим ёдгорликлардан ансамбллар ва ёдгорликларгача кенгайтирди, шу сабабли муқаррар равишда бу маъмурий тузилмаларнинг функцияларига ҳам эътиборни жалб қилишга олиб келди. Мақсадли равишда қўриқлаш сифатида асрар меросни асрар бўйича функцияларнинг сифат таркибини кўтарди, маъмурлар ва бошқарувчиларни қарорлар қабул қилишда архитекторлар ва тарихчилар билан бирлаштирди. Бунда танлаб олиш мезонлари кенгайди, худудларни регенерация ва реабилитация қилишга ҳимоя чоралар қатори бу худуддан фойдаланиш менежменти орқали эришилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди. Меросни истеъмолчининг эҳтиёжларига мослаштирилган бозор талабларига йўналтириш мезонлардаги энг сўнгти ўзгариш бўлди [10].

ФАРГОНА ВОДИЙСИННИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

Аҳмедов Ж.З,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

Фаргона водийсининг тарихий-маданий ёдгорликларини тадқиқ этиш XIX аср охирларидан, яъни рус натуралист олимлари А.П.Федченко, Н.А.Северцов, А.Ф.Миддендорфларни ахён-ахёнда

ўтмиш ёдгорликлари тўғрисида маълумотлар тўплаган вақтдан бошланди. Мутахассислар томонидан ўрганиш эса илк бор 1884-1885 йиллари Петербург дорулфунуни доценти, шарқшунос ва археолог Н.И.Веселовскийнинг Ўрта Осиёга, хусусан Фарғона водийсига келишидан бошланади. Олим ўз эътиборини мусулмонлик даври ёдгорликларини ҳамда Косонсой (Муғ), Ахсикент, Ўзганни тадқиқ этишга қаратди. Жумладан, Н.И.Веселовский Шимолий Фарғонада жойлашган қадими мозорлардаги 30 га яқин тошқўргонларни қазиб ўрганганди⁹⁴.

Кейинги тадқиқотлар 1930 йилдан бошланади. Ленинград Давлат Эрмитажи ходими Б.А.Латинин Учқўргон электр станцияси қурилиши муносабати билан археологик кузатув ишлари олиб борди. Ўзидан олдинги тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ Б.А.Латинин мусулмонликкача бўлган ёдгорликларни ўрганиш билан шуғулланди. У кўплаб ҳали фанга маълум бўлмаган ёдгорликларни аниқлади. Фарғонага хос бўлган қизил ангобли сополлар ва буёқ билан гул солинган сопол буюмларни топилиши шулар жумласидандир. Кейинчалик бу топилмалар водий археологиясида хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Олимнинг яна бир улкан хизмати Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Фарғона водийсининг сугорилиш тарихини ўрганишни бошлади ва бу соҳани келажакда катта аҳамият касб этишини таъкидлади⁹⁵.

1939-1940 йилларда Ўзбекистонда йирик бунёдкорлик ишлари айниқса сув иншоотлари - каналлар қурилиши авж олди. Булар ичида Катта Фарғона канали қурилиши вақтида олиб борилган археологик кузатув ишлари ўз кўлами билан ажралиб туради. Мазкур экспедиция бош қароргоҳи Фарғона ўлкашунослик музейи биносида жойлашган эди. Шу муносабат билан қурилиш вақтида топилган кўплаб археология намуналари музей коллекциясига топширилди. Водийнинг қадимги тарихи тўғрисида қимматли маълумотлар қўлга киритилди.

1940 йили Т.Г.Оболдуева Шимолий Фарғона канали қурилишида, В.Д.Жуков эса Жанубий Фарғона канали қурилишида археологик кузатув ишларини олиб бордилар. 1943-1944 йилларда В.Д.Гайдукевич Фарход электр станцияси қурилишида илмий кидирув ишларини олиб борди. Ана шундай йирик қурилишлар даврида олиб борилган археологик ишлар

⁹⁴ Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья (по материалам погребальных и городских памятников). Ташкент, 2009. С. 15.

⁹⁵ Матбобоев Б.Х., Шамсутдинов Р.Т., Мамажанов А. Буюк ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари. Андижон. «Мерос», 1994.

натижасида водийнинг юзлаб ёдгорликларидан дастлабки материаллар тўпланди. Бу эса Фарғона тарихини илмий асосли материаллар билан қўпайтиришда муҳим омил бўлди⁹⁶.

1946 йилдан эътиборан Фарғона водийсида йирик археологик тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар Этнография ва Археология институтлари ҳамда вилоятлардаги ўлкашунослик музейлари билан хамкорликда олиб борилди. Жумладан Андижон ўлкашунослик музейида В.И.Козенкова, Фарғонада Н.Г.Горбунова, Б.З.Гамбург, Наманганда Ю.Г.Чуланов, Ўшда Ю.Д.Баруздин, А.И.Пошко водийда фаол археологик тадқиқотлар ўтказдилар.

1985 йил академик Ў.Исломов томонидан Ҳайдаркон қишлоғи яқинидаги Селенғур ғорининг топилиши фандаги яна бир кашфиёт бўлди. Бу макондан топилган тош қуроллар 1,5 млн. йил олдинги вақт билан белгиланади. Худди шу жойдан топилган ва дунёда энг нодир ҳисобланган одам суюги қолдиқлари асосида яратилган фергантроп одамига оид дастлабки маълумотлар олинди (Фергантропнинг ўнг елка суюги ва тишлари ҳозирда Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланмоқда)⁹⁷.

Водийдагни салмоқли тадқиқотлар А.Н.Бернштам томонидан олиб борилди. Олим Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари илмий потенциалини бирлаштиб кенг кўламли ишларни амалган оширди. Шу мақсадда 1950-1952 йилларда Помир-Фарғона комплекс археологик экспедицияси ташкил этилди. А.Н.Бернштам изланишлар мобайнида қадимги дехқонлар ва чорвадорлар, шаҳар ва қишлоқ харобаларини бир текисда тадқиқ этди. Н.И.Веселовский асосан ўрта аср ёдгорликларини, Б.А.Латинин мусулмоликка кадар бўлган ёдгорликларни тадқиқ этишган. Улардан фарқли ўлароқ А.Н.Бернштам тадқиқотларининг қамрови анча кенгроқ бўлиб, тош асридан то XVIII-XIX асрларгача бўлган тарихий даврни ўз ичига олади. Олим Фарғона водийсининг йирик археологик ёдгорликларида, жумладан, Эйлатонда, Мингтепада, Косонда, Ахсикентда, Кувада, Ўзганда илмий текшириш ишлари олиб борди. Ёзма манбалар маълумотларини қазишина натижалари билан солиштириб қўриш натижасида олим муҳим хulosалар чиқарди. Ана шу хulosалардан бири қадимги Фарғона маданиятини икки йўналишда бўлганлиги (дехқончилик ва чорвачилик), уларнинг

⁹⁶ Матбабаев Б.Х. Раннесредневековая культура Ферганы (На основе исторического анализа археологических источников V-VIII вв.): Автореф. дис... доктора ист. наук. Самарканد, 2009.

⁹⁷ Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века центральной Ферганы. Ташкент. Фан, 1986.

бир-бирига ўзаро таъсири тўғрисидаги ғоядир. Бунга кўра водийда қадимдан дехқончилик ва кўчманчи чорвадорлар маданияти бўлган. Текислик районларда, сой ва дарё ўзанларида дехқончилик билан машғул халқлар яшаган бўлса тоғли районларда ўт-ўланлар мўл жойларда кўчманчи чорвадорлар истиқомат қилганлар. Бу тарихий жараён ҳозиргача давом этмоқда. Кейинги археологик қазишма ишлари ҳам ушбу хulosанинг нақадар тўғрилигини исботлаб турибди.

Фарғона водийсини археологик ўрганиш 50-60 йилларда янги босқичга кўтарилиди. Бу вақтга келиб Ўрта Осиё республикалари Фанлар Академиялари қошида илмий марказлар ўз худудларида кенг кўламда илмий қидирув ишларини бошлаб юбордилар. Фарғонанинг турли жойларидан тасодифан топилган ёдгорликлар ҳам учраб турди. Булар қаторига Наманган вилоятидан 1894 йили топилган Хок хазинаси (эрадан илгариги икки минггинчи йилликни биринчи ярми), 1924 йили топилган Афлотун хазинаси (эрадан илгариги иккинчи минггинчи йиллик урталари), Фарғона вилояти Соҳ қишлоғидан топилган тошдан ясалган илонлар хайкали (эрадан илгариги икки минггинчи йил) киради.

Эрадан илгариги икки минггинчи йилликнинг 2 - ярмидаги бронза даврининг дашти кабилаларининг маконлари Қайроқкумда топиб ўрганилган. Эрадан илгариги иккинчи минг йиллик охири бир минггинчи йил бошларида дехқончилик тарихини (Чуст маданияти) ўрганишда катта ишлар килинди. Асосан Ю.А.Заднепровский, В.И.Спришевский, Б.Х.Матбобоевлар бу маданият ёдгорликларини ўрганишда кўпгина ишларни амалга оширидилар. Айниқса Ю.А.Заднепровский водий худудидан 80 дан ортиқ чуст даври ёдгорликларини аниқлаб, уларни Фарғона тарихини ўрганишдаги ўрни ва ролини кўрсатиб берди.

Илк темир даври (эрадан олдинги 6-4 асрлар) ёки Эйлатон маданияти ёдгорликлари айниқса улар қолдирган қадимги мозорлар Н.Г.Горбунова томонидан кенг ўрганилган. Оқтом, Суфан, Кунгай, Валик каби мозор-қўргонлардан жуда қимматли маълумотлар олинди. Бу даврининг ягона шаҳар харобаси бўлмиш Эйлатанда ҳам маълум ишлар бажарилди, аммо ёдгорликни катта қисми бузиб ташланган.

Ю.А.Заднепровский кўплаб изланишлари натижасида Эйлатан маданиятидан кейинги даврга тўғри келувчи дехқончи кабилалар билан боғлик Шурабашот маданияти ёдгорликлари

кўплаб очилди. Яқин вақтларгача Шурабашот ёдгорликлари фақат водийни шарқий районлари учунгина хос бўлган деб қараларди. Аммо кейинги йиллардаги илмий қидирув ишлари бу фикрларга тузатишлар киритди: шурабашот маданияти ёдгорликлари Қорадарё ва Норин дарёлари ўртасидаги худуддан (асосий ёдгорлик билан янги топилгани орасидаги масофа 80 км) Ялпоқтепа ёдгорлиги топилди. Яна Шурабашот маданиятига хос материаллар Андижон шаҳри яқинида ҳам қайд қилинган. Демак, бу маданият соҳиблари водийни катта худудида эрадан илгариги 4-1 асрларда тирикчилик қилганлар. Шурабашот маданиятини ўрганиш бўйича Археология институти катта илмий ходими Б.Х.Матбобоев 1993 йили қўшни Қирғизистон республикасида қазиши маънни ишлари олиб борди⁹⁸.

60-70 йилларда Ю.Д.Баруздин Ўш вилояти Баткен районида жойлашган эрамизни 2 - 4 асрларига тўғри келадиган Қорабулок мозорини ўрганди. У ердан топилган мўмиёланган жасадлар, уст-бош қолдиклари ёғочдан ясалган буюмлар мутахассисларни хайратга солди.

Водий қадим тарихини гапиргандаги ўрта аср ёзма манбалари тилга олган шаҳарлар: Ахсикент, Баб (Поп), Кува кабиларда олиб борилаётган илмий текширув ишларини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Ахсикентда А.Анарбоев, И.Ахроров бошчилигида кенг кўламли ишлар амалга оширилган. Кува шаҳар харобасида В.А.Булатова, Д.П.Вархотова ишлари натижасида машхур будда ибодатхонаси ковлаб очилган. 1987-1992 йилларда қадимги Баб (Паб) - Поп шаҳрини ўрганиш бўйича ишлар амалга оширилди. Жумладан, шаҳар ўрни, унинг ривожланиш хусусиятлари ўрганилди. Қазишишлар муаллифи Б.Матбобоев фикрига кўра Поп водийдаги энг кўхна шаҳарлар каторига киради. Мунҷоқтепадан 1988 йил шов-шуввларга сабаб бўлган ер ости сағаналари топилди. Сағаналардан жуда яхши сақланган кийим-кечак, озиқ-овқат, қурол-яроқлар чиқди. Бундан ташқари водийнинг бирқанча ерларида илмий қидирув ишлари олиб борилган. Косонсой туманидаги Гурмирон мозорида (Матбобоев Б), Чуст яқинидаги Тошқўргон мозорида (Баратов С), Эйлатон шаҳар харобасида (Кубратов С).

Нихоят 1985-1986 йиллари Археология институти илмий ходими Матбобоев Б.Х. Санкт-петербург Археология институти билан ҳамкорликда Даван (Фарғона) подшолиги

⁹⁸ Древние города Ферганской долины. Ташкент, 2008. С. 110.

пойтахти бўлмиш Мингтепада (Эрши) текшириш ишлари олиб борди. Яна бир ўрта аср шаҳри Андижонда Археология институти ходими Б.Абдулгазиева ва Андижон университети профессори С.Жалиловлар тадқиқот олиб бордилар.

Хуллас, 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида археологик жиҳатдан ўрганилаётган Фарғона водийси худудида инсоният тарихини энг қадимги давридан то XVIII-XIX асрларига оид кўплаб тарихий ёдгорликлар аниқланди. Бу ёдгорликлар тарих сахифаларини ёритишида бебахо маълумотлар берди. Мазкур ёдгорликлардан топилган ноёб осори-атиқалар мамлакатимизнинг турли музейларида, хусусан, Фарғона, Андижон, Наманган ўлкашунослик музейларида сақланмоқда.

XX АСР ОХИРЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ

*Абриев Р.Б,
СамДУ катта ўқитувчи*

Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб, алоҳида тадқиқ этишини талаб этадиган масалаларидан бири, бу мустақиллик йилларида маънавий янгиланишнинг узвий қисми ҳисобланган маданий меросга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши жараёни ҳисобланади. Қаровсиз қолган ноёб меъморий ёдгорликлар, диний, маърифий аҳамиятга эга бўлган тарихий обидалар, зиёратгоҳлар айнан мустақиллик йилларида қайта тикланиб-таъмирланди, атрофлари ободонлаштирилди, шунингдек, қадимги шаҳарларда тарихий бинолар жойлашган худудларни комплекс равища тиклаш билан бир қаторда замонавий шаҳарсозлик тамойиллари асосида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Республикализнинг қадимий, тарихий-маданий ёдгорликлари жамланган Зарафшон воҳаси мисолида зикр этилган жараёнларни тўлақонли равища қузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масалага алоҳида тўхталиб, “Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асаларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачигидай асраб-авайлашимиз ва

фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак”⁹⁹, деб таъкидлаган эди.

Вақт масофасидан қараганда, XX аср охири ва XXI аср бошларида Ўзбекистон, хусусан Зарафшон воҳаси мисолида мавжуд маданий мерос объектларини сақлаш, таъмирлаш, консервациялаш ва қайта тиклаш борасида бажарилган ишларнинг кўлами ва хусусиятларини инбатга олиб, уни икки давр бўлиб ўрганиш ҳам мантиқан ҳам мазмунан мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз: 1-давр 1991-2000 йиллар; 2-давр 2001 йилдан ҳозирги вақтга қадар. Бундай тарихий даврларга бўлиннишнинг сабаби, ўрганилаётган соҳадаги ўзгаришларнинг тамал тоши айнан 1990-йилларда қўйилганлиги билан белгиланади. Мустақилликка қадар етиб келган ва аянчли ҳолатда бўлган кўплаб маданий мерос объектлари таъмирлаш ва консервациялашга қаратилган дастлабки кенг ківламли ишлар айнан шу 1-давр йилларга тўғри келди. Улар, аввало ҳалқаро ва республика аҳамиятига эга бўлган бир қатор дастлабки тадбирлар доирасида амалга оширилиб, Зарафшон воҳасида қатор тарихий-меъморий иншоотлар таъмирлаш, қайтадан тиклаш жараёни бевосита давлат ва жамоатчилик ёрдамида олиб борилди.

Дарҳақиқат, биринчи босқич дастлабки тадбирлари воҳада жойлашган мавжуд меъморий обидаларни таъмирлаш ишлари асосан турли юбилейлар, яъни тарихий шахслар ёки қадимий шаҳарларнинг юбилей тантаналари билан боғлиқ тайёргарлик доирасида амалга оширилди. Жумладан, 1990-йиллар бошларида бирин-кетин ўтказилган улуғ аллома Боҳоуддин Нақшбандий 675 йиллик, буюк мутафаккир олим, давлат арбоби Мирзо Улугбекнинг 600 йиллик ва давлат арбоби, буюк саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллик ҳамда ҳадис илмининг Султони – И мом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилейлари тантаналари шулар жумласидандир. Кенг миқёсда нишонланган ушбу тадбирлардан қўйилган бош мақсад, биринчидан, узоқ йиллар давомида таҳқирланиб келинган тарихимизга нисбатан муносабатни ўзгартириш ҳамда юбилей тантаналари халқимизнинг ўз маданий мероси ва улуғ аждодларига бўлган бекиёс ҳурмати рамзи бўлди; иккинчидан, тарихий обидалар тарғибот-ташвиқоти орқали ёш авлодни ота-боболар мероси билан яқиндан танишишга, умуман, уларни миллий ўзликни англаш, ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилишга қаратилди; учинчидан, жаҳон

⁹⁹ Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т., 1996. 38-39-бетлар.

ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистоннинг бой маданий меросини жаҳонга танитиш, ўзбек ҳалқи маданияти, маънавияти, маърифати ва тарихининг жаҳон ҳалқалари цивилизацияси тизимида тутган муносиб ўрнини яққол кўрсатиш эди.

Ушбу тадбирлар доирасидаги ишларни амалга ошириш мақсадида Зарафшон воҳасида маданий мерос объектларини таъмирлаш устахоналарининг фаолияти замон талаби даражасига жавоб берадиган тарздар ташкил этилди. Жумладан, Навоий вилоятида Маданият ишлари вазирлиги Маданий ёдгорликларни сақлаш Бош бошқармаси тасарруфида 1992 йил 24 декабря вилоят “Хўжалик ҳисобидаги маданий ёдгорликларни таъмирлаш устахонаси” ташкил этилди¹⁰⁰. Маданият ишлари вазирлиги таркибиға кирувчи бир қатор мутасадди ташкилотлар томонидан устахоналарнинг бош вазифаси сифатида уларга маданий мерос объектларини асл қиёфаси, яъни меморчиликнинг асрлар мобайнида шаклланган қадимий анъаналарга тўла риоя қилган ҳолда тиклаш вазифаси юқлатилган эди. Тўлиқ таъмирлаш–тиклаш ёдгорликнинг бош режасини ва лойиҳасини ишлаб чиқишида улар, биринчи навбатда, тарихий хужжатлар, архив материаллари, фотосуратларга таяниб иш кўришлари белгиланди.

Айниқса Бухоро вилояти бўйича мустақилликнинг дастлабки йилларида бу борада муҳим ишлар амалга оширилди. Улуғ аллома Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик юбилей тантаналарига (1993 йил) тайёргарлик билан боғлиқ таъмир ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Олиб борилган кенг кўламли ишлар натижасида Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасидаги ёдгорликлар ва Қасри Орифон масжиди таъмирланиб давлат комиссиясига топширилди¹⁰¹.

Вазирлар Маҳкамасининг 19 апрель 1993 йил 182-сонли “Муҳаммад Тарагай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига асосан 1994 йилда ушбу юбилейнинг ўтказилиши муносабати билан Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ва Фиждувон шаҳарларида архитектура ёдгорликлари бўйича асосан консервацион-таъмирлаш тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, биргина Бухоро ва Фиждувон шаҳарларида, юқорида қайд этилган ишлар билан бир қаторда яна

¹⁰⁰ Ўзбекистон МДА, М-35-фонд, 1-рўйхат, 43-й/ж, 89-варак.

¹⁰¹ Ўзбекистон МДА, М-35-фонд, 1-рўйхат, 27-й/ж, 110-варак.

иккита ёдгорлик вилоят ва шаҳар ҳокимларни ёрдами билан тўла таъмирланди¹⁰².

Умуман олганда, истиқлолни дастлабки йилларида Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Маданият ёдгорликлари Бош илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган қоидаси бўйича таъмирлаш методикаси қуидаги тартибда амалга оширилиши йўлга қўйилган эди:

- дастлаб, таъмirtалаб ҳар бир ёдгорлик бўйича комплекс илмий изланишлар ва лойиха-тадқиқотлари амалга оширилади;
- тайёрланган лойиха “Таъмиршунослик” институти илмий-техник кенгашида кўриб чиқилиб, Бош илмий ишлаб-чиқариш бошқармаси томонидан тасдиқланади;
- ўта мураккаб ишларни талаб қилувчи лойиҳалар илмий-методик Кенгаш мухокамасида кўриб чиқилади ва тасдиқлангандан сўнг амалиётга топширилади;
- таъмирлаш жараёни доимий техник назоратга олинади ва муаллифлик назорати олиб борилади;
- таъмирлаш ишлари бўйича ҳисоб-китобни амалга ошириш учун босқичма-босқич аввал бошқарма қошидаги маҳаллий инспекциялар маълумотларни назоратдан ўtkазиш учун бошқармага топширади;
- таъмирдан чиқарилган ёки қайта тикланган обьектлар бошқарма тузган давлат эксперт комиссияси томонидан қабул қилинади¹⁰³.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши ва ўзаро алоқларнинг узилиши оқибатида 1990-йиллар ўрталарига қадар мамлакатда хукм сурган иқтисодий таназзул муаммоларига қарамасдан республика раҳбарияти маданият соҳасини ўз ҳолига ташлаб қўймади. Бор куч имкониятдан келиб чиқиб, қадими шаҳарларда бунёдкорлик ишларини йўлга қўйиш, тарихий обидалар бўйича таъмир ишларини олиб бориш учун зарур маблағлар топилди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрдаги 670-сонли “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарори билан 1995-2000 йилларга мўлжалланган маҳсус тайёргарлик дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасидаги тадбирларни икки босқичда: биринчи босқич 1995-96

¹⁰² Ўзбекистон МДА, М-35-фонд, 1-рўйхат, 27-й/ж, 110-варак.

¹⁰³ Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси Жорий архиви (Бундан кейин ЎМСИВ ММОМҚФИИЧББ ЖА). Информация о ходе экономической реформы в области охраны памятников, от 1993 г.

йиллари, иккинчи босқич эса 1997-2000 йилларда амалга ошириш режалаштирилди.

Дастурда белгиланган вазифаларга биноан 1-босқичда илмий-таъмирлаш ишлари ўтказиладиган (қарорга илова қилинган) объектларнинг рўйхати тузилиб, 1995 йилда 99,33 млн сўм, 1996 йилда 132,77 млн сўм ва 2000 йилга қадар 287,06 млн. сўмлик маблағ ишлар ҳажми (1995 йил 1 январь ҳолатидаги нархларда) режалаштирилди¹⁰⁴.

Белгиланган муддатларда ишларни якунлашни ҳисобга олиб, Маданият ишлари вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ҳар бир тарихий обида бўйича алоҳида таъмир иши дастурлари ишлаб чиқилди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги Улуғбек мадрасасида дастлаб 1993 йилдаги қарорга асосан вақт тасирида бузилиб кетган шимолий галереянинг иккинчи қавати реконструкцияси, шунингдек, ушбу мажмуа таркибиغا кирувчи Улуғбек масжиди қисман таъмирланиши ва консервацияланиши лозим эди. Белгиланган ишлар ўз вақтида бажарилиб, улар учун 6,79 млн. сўм сарфланди¹⁰⁵. Қолган ишлар эса, яъни 4 та ҳовли порталлари ва тимпанлар, фасадлар, хужраларга кириш жойлари таъмирланиши, ташқи фасад қисмидаги (майолик ва мозаик) ишлари кейинги йилларга қолдирилди. Кўрсатиб ўтилган таъмир ишлари учун 1994 йилдаги қарор билан маблағ ажратилиши натижасида амалга оширилди. Шу билан бирга, режада назарда тутилмаган ишлар ҳам бажарилди. Жумладан, директив органларнинг оғзаки кўрсатмасига биноан хорижий ва маҳаллий меҳмонларни кутиб олиш учун мадрасанинг ҳовли қисми ободонлаштирилди¹⁰⁶.

Умуман олганда, кенг ҳажмдаги таъмирлаш ва консервациялаш ишлари Регистон майдони ва унинг таркибиغا кирувчи Тиллакори мадрасасидан бошқа обидаларда олиб борилди. Жумладан, Шердор мадрасаси девори атрофининг пастки қалинроқ қисми, кириш порталидаги архитектура безаклари таъмирланди, шунингдек, ички ҳовли қисмидаги безаклар консервацияланди. Кўшимча равишда бурчак миноралари, шимолий ва жанубий фасадларида архитектура безаклари таъмирдан чиқарилди. Фақатгина Тиллакори мадрасасида асосан косметик таъмир ишлари олиб борилди.

¹⁰⁴ ЎМСИВ ММОМҚФИЙЧБ ЖА. Министерство финансов РУз. «Справка о выполненных научно-реставрационных, консервационных работах к 600 летнему юбилею Мухаммада Тарагая Улугбека и 660 летнему юбилею Амира Темура» от 14.03.1997 г. За № 01-10-102.

¹⁰⁵ Ўша жойда. С. 1-2.

¹⁰⁶ Ўша жойда.

Бу йилларда Самарқанд шаҳрининг бошқа тарихий обидаларини таъмирлаш ва консервациялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Улар қаторида Гўри Амир мақбараси ҳам таъминланиши алоҳида ўринга эга. Аввало, Мирзо Улуғбек юбилейи муносабати билан 1,45 млн. сўмлик қисман тадбирларни назарда тутган консервациялаш ва косметик таъмир ишлари режалаштирилган бўлса, Амир Темур юбилейи ўтказилиши сабабли ишлар кўлами бир неча бор ортди. Аввал интеръердаги бадиий нақшларни консервациялаш вазифаси қўйилган бўлса, уларга тилла суви юртилди, мақбара интеръеридағи поли қайтадан ётқизилди, йўқ бўлиб кетган ониксли панеллар тикланди. Шунингдек, мақбара ичидаги Улуғбек ва яна бир темурийзода қабр тоши ғиштли қопламаси ўрнига ониксдан тўшалди, мақбаранинг ҳовлисидағи ғиштли қоплама ҳам мармардан қайта ишланди. Мақбаранинг икки ён минораси ва бутун ансамблнинг тарихий меъморий таркиби қайта тикланди, портал гуруҳи ва кириш порталининг архитектура безаклари тўла таъмирдан чиқарилди. Режалаштирилган ишлар ҳажмининг ортиб кетиши унинг молиялаштирилишига ҳам таъсир этди ва натижада ушбу мақбаранинг таъмирланишига 27,2 млн. сўм ўрнига 81,47 млн. сўм маблағ сарфланди¹⁰⁷.

Амир Темур даври меъморий обидаларини Бибихоним масжидисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, ушбу ёдгорлик муҳим юбилей объектларидан бирига айланди. Соҳа мутахассислар фикрларини ҳисобга олган ҳолда, 1980-1997 йиллар мобайнида АООТ “Таъмиршунослик” ташкилотининг бир гуруҳ ходимлари томонидан Бибихоним масжиди бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди ва уларнинг изланишлар натижалари асосида бутун мажмуани таъмирлаш бўйича лойиҳа режалари ишлаб чиқилди. Бу эскиз лойиҳада бинонинг нисбатан қўпроқ шакастланган асосий кириш порталини замонавий услублар асосида таъмирлашга эътибор қаратилган эди¹⁰⁸. 1990 йиллар бошларига келиб, қайтадан ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича бутун комплекс бўйилаб таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари олиб борилди. Хусусан, бош масjid, жанубий ва шимолий масжидлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

¹⁰⁷ ЎМСИВ ММОМҚФИЙЧБ ЖА Министерство финансов РУз. «Дополнение к справке о выполненных научно-реставрационных, консервационных работах к 600 летнему юбилею Мухаммада Тарагая Улугбека и 660 летнему юбилею Амира Темура». С. 3-4.

¹⁰⁸ ЎМСИВ ММОМҚФИЙЧБ ЖА АООТ “Таъмиршунослик” Научно-реставрационный отчет по производству реставрации комплекса Биби-Ханым в г. Самарканде. Инв. С-6392/Б-57. Т., 1998 г. С. 152-153.

Умуман айтганда, ўз даврида бутун Шарқнинг қўли гул усталари Зарафшон воҳасида бунёдкорлик ишларини амалга оширган бўлса, мустақилликнинг илк йилларида таъмирлаш жараёнига Ўзбекистонинг барча ҳудудларидан етук мутахассислар жалб этилди.

Таъкидлаш жойизки, истиқоллнинг дастлабки йилларида Зарафшон воҳасида собиқ Иттифоқ тузуми давридан қаровсиз қолган тарихий обидаларнинг кўпчилиги таъмирдан чиқарилди. Ёдгорликларни таъмирлаш, тиклаш ва консервациялаш жараёнининг дастлабки босқичида давлат даражасида кўрилган чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этди. Ўтиш даври муаммолари, хусусан, молиявий тақчиллик ва инфляцияга қарамасдан давлат ва жамоатчилик ёрдамида ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш жараёни учун зарур шарт-шароит яратилди. Шунингдек, 1990 йилларидаёқ халқаро ва республика аҳамиятига молик қатор маданий меросимизни тарғиб-ташвиқот этиш борасида қатор тадбирлар, юбилейлар ўтказилди. Бу тадбирлар халқимизнинг бой маданий меросини жаҳон ҳамжамиятига таништиришда муҳим аҳамият касб этди.

ЎРТА ОСИЁ ВА КОРЕЯ БУДДАВИЙЛИК СТУПАЛАРИ ХУСУСИДА¹⁰⁹

Ўлмасов А, ЎзР ФА СИТИ илмий ходими

Ўрта Осиё ва Корея ўртасидаги тарихий ва маданий алоқалар қадим даврларга бориб тақалади. Масалан, Афросиёб деворий суратларидаги қадимги Когурё элчиларининг тасвири ёки асли кореялик бўлган буддавий рохиб Хуй Чаонинг 723 йилдаги Сўғд, Чоч ва Шарқий Туркистонда бўлгани, ундан ташқари буддавийлик динининг ёйилишида Ўрта Осиёлик савдогарларнинг ўрни ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар учрайди. Бу каби алоқаларни буддавийлик ступаларида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур иш икки ҳудуд ступаларининг қиёсий таҳлилига ва билвосита ўхшашликларини аниқлашга қаратилган. Таҳлил Бақтрия-Тоҳаристоннинг Кушон даври буддавийлик ступалари ва Корея ярим оролидаги буддавийлик пагодалари ҳамда уларнинг алоҳида меъморий-декоратив қисмлари каби фактологик материаллар асосига қурилган.

¹⁰⁹ Мазкур тезис муаллифнинг Корея Республикаси Маданий мерос миллий тадқиқот институти (NRICH, Daejeon)да “Консервация илми бўйича Осиё Ҳамкорлик Дастури” (ACPCS-2015) доирасида олиб борган илмий тадқиқот хисоботи асосида тайёрланди.

Умумий олиб қараганда ўрта осиё ва корея ступлари ўртасида катта тафовут бордек кўринади. Лекин, синчиклаб ўрганилса улар орасида кўплаб ўхшашликларни қуида келтирилган бир неча жихат (аспект)да кўриш мумкин:

1) **Фоявий жихатдан** ступа ва пагода буддавийлик дини атрибути ҳисобланиб бир вазифани, яъни буддага тегишли муқаддас буюмни сақлаш ва сифиниш ёдгорлиги функциясини бажарган. Ундан ташқари улар одатда Шарққа қараб йўналтирилган.

2) **Эътимологик жихатдан** пагода форсча “Буткада”, яъни *бут* – санам ва *када* – сифиниш уйи сўзларидан келиб чиққанлиги хусусида маълумотлар мавжуд.

3) **Меъморий йўналиш.** Ўрта Осиё ступалари ва Корея пагодалари ўртасидаги энг кўп ўхшашлик меъморчиликда аниқланди. Бу аввало уларнинг тарх тузилишида акс этган яъни, одатда ступалар ибодатхонанинг иккала ён томонларида жойлаштирилган. Бунга мисол тариқасида Қаратепа буддавийлик мажмуасининг Шимолий тепалигидаги монастир қисми ва Кёнгжудаги Камунса ибодатхоналарини келтириш мумкин.

Фаразларга кўра аввалда Корея пагодаларининг прототиплари ёғоч ибодатхоналар бўлган ва кейинчалик улар ғишт ва тошдан қурилган. Назаримизда бунга Хиндистон (Гандхара) ва Ўрта Осиё (Бақтрия-Тоҳаристон) ступалари меъморчилигининг таъсири ҳам бўлган. Ундан ташқари кузатишлар буддавийлик ступаларини вақт ўтиши билан ўзгариб борганини кўрсатди. Хусусан, ступанинг ярим сферик танаси узоқ вақт оралиғида ўзининг оригиналлигини йўқотган: платформа бир неча қаватларга кўпайган. Бунга сабаб қилиб платформа юзаларини буддавийлик мифологиясига оид мавзуларда бадиий безашнинг ривожланиб борганлигини кўрсатиш мумкин. Ўз-ўзидан ступанинг массив “фахрий соябон” (*chattra*)лари ҳам қисқариб ҳам кичрайиб борган. Бу жараёнлардан ступаларни шаклланиши ва эволюциясини кузатиш мумкин.

Меъморий жихатга яна мисол қилиб ступаларнинг конструкциясини келтириш мумкин. Маълумки, ўртаосиё ступалари ва корея пагодадари ҳам аралаш техникада, яъни ғишт ва тош блоклардан қурилган. Шаклан эса иккала худудда ҳам аввалда ступанинг квадрат платформалари юмалоқ кўринишда ҳам ифодаланган. Бизнингча корея рохибларининг ступалари ўртаосиё ступаларини акс эттиради. Масалан, Теюнгжондаги Тонгдоса

ибодатхонасининг жом (қўнғироқ)симон ступаси бевосита Фаёзтепа ёки Қоратепадаги кичик ступаларни эслатса, унинг платформаси Санчидаги кўхна ступа платформаси каби тош тўсиқ (панжара) ва равоқли дарвоза билан таъминланган. Маълумки, бу кенг платформа "*pradakshina-patha*" деб номланган буддавийлик ритуалини ўтказишга хизмат қилган.

4) **Бадиий жихатдан** ҳам ўхшашликлар кам эмас. Масалан, корея пагодалари ҳам ўртаосиё ступалари каби Будда ёки буддавий персонажлар ёки пилястралар тасвиirlари туширилган тош блоклар билан безатилган. Кореянинг қадимги Бунхвангса ибодатхонаси ступасининг тўрттала бурчагида шер ҳайкали ўрнатилган. Шер образини Даботап пагодасида ҳам кўриш мумкин. Бу анъанани аввало Ҳиндистонда (машҳур Ашока устуни), кейинчалик Ўрта Осиё (Кўхна Термиз)да кўриш мумкин.

Бадиий анъаналар иккала худуд ступаларини нилуфар гули (Lotus) орнаментлари билан безатилишида ҳам яққол ифодаланади. Масалан, Кеумсанса ибодатхонасининг олти қиррали кўп қаватли тош пагодаси ҳамда Қоратепадаги квадрат платформали ступа бир хил уч қават нилуфар гули безаклари билан қопланган. Ёки, Беопчонса ибодатхонасидаги тош пагоданинг тугалловчи қисми икки қават нилуфар гули тасвиirlangan рельеф билан безатилган. Бу ҳол бевосита Кўхна Термиздан топилган ступа хармика (*harmika*)ларига жуда ўхшаёт. Шунингдек, Пулгукса ибодатхонасидаги Сеогатап пагодасининг тугалловчи қисми Жанубий Ўзбекистондаги Холчаён ёдгорлигидан кўплаб топилган антефиксгар каби ислимий орнаментлар билан безатилган. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин.

Мухтасар қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиё ступалари Узоқ Шарқ, хусусан Корея пагодаларига бевосита бўлмасада, билвосита таъсир қилган. Албатта ступалар узоқ вақт мобайнида шаклан ва мазмунан ривожланиб борган. Бу ўзгаришлар уларнинг бадиий хусусиятларида ҳам яққол намоён бўлган. Умуман олганда ҳар бир тарихий-маданий худуд ўзининг маҳаллий хусусиятлари ва алоҳида қирраларни ифодалайди. Шу билан бирга, улар гоявий аслийлик ва фалсафий аҳамиятини узоқ вақт сақлашга эришган. Бу эса шарқ ҳалқлари маданияти ва анъаналарини умрибоқийлиги, барқарорлиги ва давомийлигининг ёрқин ифодасидир.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ КУНДАЛИК ТУРМУШ-ТАРЗИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳақназаров Х.Д, ТДПУ ўқитувчиси

Бугунги кунда анъаналар, урф-одат, маросим ва миллий тарбия усуллариға қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу борада ёшларниң фаоллиги эса мазкур масалани долзарб аҳамият касб этәётганинг яна бир ифодаси бўлмоқда. Ёшлар кундалик ҳаётида миллий ва умуминсоний қадриятлар масаласи барча замонларда муҳим бўлиб келган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов “Қадрият деганда, биз минг йиллар давомида шаклланган, одамлар ҳаёти, ички дунёсидан мустаҳкам ўрин олган, ҳеч қайси расмий ҳужжатда акс этмаган бўлсада, унга барча амал қиласидиган, инсонларниң қон-қонига сингиб кетган анъана ва удумларни тушунамиз”, - деб таъкидлагани мамлакатимизга хос миллий ва умуминсоний қадриятларниң нечоғлик аҳамиятли эканлигидан дарак беради.

Аввало қадрият, урф-одат, анъана, маросим каби тушунчаларга ойдинлик киритиш ва сўнгра миллий, маънавий ва умумэътироф этилган қадриятларниң ёшлар кундалик турмуштарзидаги ўрнига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Қадриятлар – инсон ва инсоният учун ўтмишда ва хозирда катта аҳамият ва қадрга эга бўлган барча моддий ва маънавий омилларни англатади.¹¹⁰ Қадриятлар тарихий ва замонавий бўлиши мумкин. Қадриятларниң хилма-хил шакллари бўлиб, моддий ва маънавий, умумбашарий, миңтақавий, умуминсоний; жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий қадриятлар; ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, хуқуқий, илмий; ҳаётнинг ижтимоий тузилишига кўра миллий, синфий, партиявий ва бошқалардан иборатдир. Урф-одат эса халқлар ўртасидаги ўзаро ҳаёт тарзи муносабатларида амал қилинадиган, меъёр ва одатлар мажмуасига айтилади. Исломни қабул қилган мусулмонларда у шариат меъёрлари билан параллел равишда бутун жамоа турмушини тартибга солишда муайян рол ўйнаб келмоқда. Урф-одат кўпинча моддий ва маънавий ҳаётнинг турли хил жиҳатларига, оила ва турмуш тарзига тааллуқли бўлади. Анъана деганда биз инсонлар моддий ва

¹¹⁰ Туйчиева Т.Т. Ўзбек маънавий қадриятлари тизимида урф-одат, анъаналарниң ўрни. Фалсафа фан. номз. дисс. ЎзМУ. Тошкент. 2000. 144-бет 27-бет

маънавий ҳаёт фаолияти турли шаклларининг авлоддан авлодга ўтиб турадиган, олдинги авлод турмуш тарзи, фаолият йўллари, усуллари ва мазмунининг тўла ёки қисман такрорланишини англатадиган тушунчани тушунамиз. Ўзбек халқининг анъаналари ўзига хос ва такрорланмасдир. Унда умумисоний, байналминаллик каби хусусиятларнинг мавжудлиги ўзига хослигидан далолат беради. Маросим бу шартли, анъанавий характерли, бевосита амалий мақсадли мувофиқликдан холи бўлган, бироқ муайян ижтимоий муносабатларнинг рамзи бўлиб хизмат қиласидиган, уларни амалий ифода этадиган шаклидир.

Ҳозирги глобаллашув замонида миллат тақдири, миллий ўзлик, миллий ва умумисоний қадриятларга риоя қилиш каби қадриятлар ҳар қачонгиданда долзарб аҳамият касб этмоқда. Аввало ўз миллатига мансублик омили этник ўзликни англашнинг асосий қўрсаткичи ҳисобланади. Ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонлик ёшларнинг аксарият қисми кундалик турмуш тарзида у ёки бу қадрият, урф-одат ва анъаналарга риоя қилишади. Миллий ва умумисоний қадриятлар эса ёшлар кундалик ҳаётининг ажralmas қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Замонавий ёшлар кундалик ҳаётининг ажralmas қадрияти биринчи навбатда ватанпарварлик ва инсонпарварликдир. Бу борада ёшларда маънавият ва миллий ўзлик тушунчаларини шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири, улар ўзларини яшаётган мамлакатнинг фуқаролари деб хис этишларидадир. Шу аснода “Ватан деганда Сиз нимани тушунасиз?” деган саволга берилган жавоблар эътиборга моликдир. Кўплилик ёшлар учун ватан аввало уларнинг туғилган жойи (59,0%) ва ўсган маконидир (29,8%). Республика ёшларининг 10,1 фоизи “Ватан” тушунчасини “Мустақил Ўзбекистон” билан tenglashтиrmоқдалар. Улар ичидан: ўзбеклар – 10,6 фоиз, қорақалпоқлар – 8,2 фоиз, Ўрта Осиё миллатлари – 8,1 фоиз, рус миллатига мансуб бўлганлар эса – 3,1 фоизни ташкил этади.¹¹¹

Ўзбекистон ёшлари кундалик турмушининг ажralmas қисми бўлган оила муҳим миллий қадрият ҳисобланади. Оилада аввало ёшларга тарбия ва илм бериш орқали маданий-маънавий қадриятлар қадриятлар сингдириб борилади. Кундалик ҳаётда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, оилада, жамоатчилик орасида

¹¹¹ Ў.Қаюмов. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари. Т.: “Ижтимоий фикр”. 2011. 46-бет.

ўзини тутиш, кийиниш, овқатланиш одоби ёшларга айнан оилада ўргатилади. Оилада, аввало ёш авлод оилавий ҳаётга тайёрлана бошлайди. Бу ота-она олдидаги ўта масъулиятли, ёшлар тарбиясида ахлоқий, жисмоний, маънавий, жинсий тарбияни ўзида мужассамлаштирувчи вазифа ҳисобланади. Шу маънода, масалага жиддий эътибор бериладиган бўлса, дунёдаги йирик ва нуфузли халқаро ташкилот - Бирлаган миллатлар ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан эътиборан ҳар йили 15 майни *Халқаро оила куни* сифатида нишонлашга қарор қилгани таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон президенти ёшлар кундалик ҳаётида оила ва фарзанд каби ҳаётий қадриятларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, “Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиганмаънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим”, - деб таъкидлагани оила қадриятининг миллий қадриятлар тизимидағи ўриннинг бекиёслигидан далолатdir.

Ўзбекистон ёшлари учун оила – 81,2% (2005 йилда – 74,3%), ватанга хизмат қилиш ва жамиятга фойда келтириш – 52,6% (2005 йилда – 51,3%), саломатлик – 28,4% (2005 йилда 44,6%) энг асосий, устивор қадриятга эга ҳисобланади. Ёшларнинг барча гурухларида, Ўзбекистоннинг турли минтақаларида ушбу қадриятлар бир неча йиллардан бери энг устивор аҳамият аҳамият касб этиб келади. Севги, ёқтирган иши (тегишли равища 21,4% ва 19,6%) ва таълим (16,1%) сингари ҳаётий қадриятлар кейинги ўринларни эгаллаган. Энг муҳими юқоридаги омиллар ёшларнинг фикрича кундан кунга ўсиб бормоқда.¹¹²

Ёшлар, хусусан ёш оилалар кундалик ҳаётида фарзанд қадрияти ўзига хос аҳамиятга эгадир. Бу борада мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи тараққиётнинг энг устивор омили ҳисобланиб келинаётганлиги ҳам тасодифий эмас. “Кишилик тарихи пайдо бўлғандан буён, минг йиллар давомида ҳар қандай мамлакатнинг, ҳар қандай миллатнинг, ота-она бўлиш баҳти насиб этган ҳар қандай инсоннинг энг мўтабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади

¹¹² Ў.Қаюмов. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари. Т.: “Ижтимоий фикр”. 2011. 73-бет.

– соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат бўлиб келган”.¹¹³

Хулоса қилиб, Ўзбекистон ёшларининг энг муҳим қадриятларини таҳлил қилиш ва уларни қўйидаги гурухларга ажратта ҳолда тадқиқ этиш муқсадга мувофиқдир:

биринчидан, универсал ҳаётий қадриятлар: оила, саломатлик, севги-муҳабbat, севимли машғулот, таълим ва бошқалар;

иккинчидан, ижтимоий қадриятлар: ватанпарварлик, Ватани, қонунни ва тартибларни ҳимоя қилишга тайёрлик, иш, инсонларга фойда келтириш, миллий анъаналар ва урф-одатлар қадрияти.

Ушбу қадриятлар ёшлар ва катта авлодни бир бирига боғловчи ҳаётий қадриятлар саналади, бу эса Ўзбекистон ёшларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашининг ва муҳим аҳамиятга эгалигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИНИНГ ОШХОНА ИДИШЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГЁРИТИЛИШИ

*Норқобилов Т.Х.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими*

Ўтган асрнинг 50 йилларидан буён археология фанида Қадимги Бақтрияниң Сополли, Дашли ва бошқа маданиятларига оид жуда кўплаб ёдгорликлар очиб ўрганилди ҳамда ушбу маданиятларниң моддий маданиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар тўпланди. Хўжалик билан боғлиқ қурилмалар ва ошхона идишлари инсониятининг хўжалик ва ижтимоий ҳаёти учун жуда муҳим эканлиги Сополли маданиятининг бой археологик манбалари асосида ўз илмий таҳлилини топди. Сополли маданияти вакиллари хўжалик қурилмаларининг услуби олдиндан пухта ишланган тарҳлар асосида бунёд этилган.

Сополли маданиятининг моддий маданияти тадқиқотчилар томонидан кенг кўламда ўрганилиб келинган бўлиб, бу ўринда сопол идишлар мажмуаси хронологик давларга бўлинниб, тип ва вариантларга ажратилган. Сополли маданияти тушунчасини фанга олиб кирган А.А. Асқаров ушбу маданиятининг

¹¹³ Каримов И. “Озод ва обод ватан, эркин ва аровон ҳаёт пировард мақсадимиз”.- Тошкент. “Ўзбекистон” – 2000.- 425-бет

хронологияси, қурилиш даври, қабрларининг жойлашуви, маданий қатламларнинг стратиграфияси, моддий маданият ашёлари динамикаси асосида уни уч даврларга ажратган: Сополли, Жарқўтон ва Мўлали¹¹⁴. Б.Н. Абдуллаев эса Жарқўтон 4а қабристонида тадқиқотлар олиб бориб, 719 та қабрни ўрганган ва Сополли маданиятигининг тараққиётида Кўзали босқичи ҳам мавжуд бўлғанлигини асослаб берган¹¹⁵. Сополли маданиятигининг ёдгорликларида узоқ вақт мобайнида археологик тадқиқотлар олиб борган, А.А. Асқаровнинг яна бир шогирди У.В. Раҳмонов Сополли маданиятигининг даврий босқичларига Бўстон босқичини ҳам қўшди¹¹⁶. Ҳозир тадқиқотчилар томонидан қўлланиб келинаётган Сополли маданиятигининг хронологик босқичлари У.В. Раҳмонов таклиф этган беш босқичли шкала асосида ишлаб келинмоқда. Т.Ш. Ширинов ва В.И. Ионесовлар ўз тадқиқотларида Сополли маданияти босқичларини Жарқўтон I, II, III, IV тарзда аташни таклиф этади¹¹⁷. Эслатиб ўтилган тадқиқотчилар Сополли маданиятигининг хронологиясини мил.авв. XVII-X асрлар оралиғи билан саналаганлар. А.А.Асқаров ва Ш.Б.Шайдуллаев радиокарбон ва маданиятлараро тарқалган моддий маданият ашёлари асосида Сополли маданиятигининг хронологик доирасини мил.ав. III минг йилликнинг сўнгги чораги ва XIV асрлар билан даврлайдилар¹¹⁸. Германия Археология институтининг олимлари Кай Каниут ва Майк Тойферлар Сополли маданиятигин амалдаги тараққиёт босқичларини қабул қиласаларда, Жарқўтон босқичидан сўнг Кўзали эмас, балки Мўлали босқичи мавжуд бўлган деб ҳисоблайдилар¹¹⁹. Бу таклиф тадқиқотчилар томонидан қабул қилинмади, таникли тадқиқотчи Н.А. Авансованинг Германияда чоп этилган мақоласи шу мавзуга бағишиланган бўлиб, унда немис олимларининг хато ва

¹¹⁴Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан. 1977. –С. 64-88.

¹¹⁵Асқаров А.А, Абдуллаев Б. Н. Джаркутан(к проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана). –Ташкент, 1983.–С.-21-25.

¹¹⁶ Раҳмонов У. Керамическое производство ... –С. 9-18.

¹¹⁷Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... –С.84-92;Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии (по материалам погребальных комплексов II тыс. до н.э. Южного Узбекистана): Автореф. дисс. ... канд.ист.наук. – Самарканд, 1990. – С. 21.

¹¹⁸Асқаров А.А., Шайдуллаев Ш.Б. Бактриянинг бронза ва илк темир даври маданиятлари хронологияси// Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда.– Ташкент, 2005. –Б. 36-45; Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлар: Автореф. Дисс ...докт. ист. наук. – Самаръянд, 2009. – Б. 16-20.

¹¹⁹Kaniuth K., Teufer M. Zur Sequenz des Graberfeldes von Raannij Tulchar und seiner Bedeutung fur die Chonolohie des spatbronzezeitlichen Baktrien // AMIT. Band 33. – Berlin, 2001. – P. 89-115.

камчиликлари кўрсатиб берилган¹²⁰. Н. Виноградова томонидан ҳам чоп этилган илмий ишда немис олимларининг фикрлари асоссиз эканлиги таъкидланган¹²¹.

Сополли маданияти хумдонларининг типологияси, уларнинг эволюцион ривожланиши ва такомилашиб бориш жараёниҳақида дастлаб А.А. Аскаров ва У.В. Раҳмоновлар тадқиқотлар ўтказишигандан¹²². Жумладан, ер усти бир камерали, икки майдончали хумдонларнинг энг қадимгилари Геоксюр 1, Дашли, Саразм ёдгорликларида учраши ва бронза даврида ҳам Шўртепа, Сополлитепа, Жарқўтон ёдгорликларида сақланиб қолганлиги аниқланган¹²³. Икки ярусли хумдонларнинг кашф этилишига қарамай, ушбу ер усти бир камерали хумдонларнинг сақланиб қолишига сабаб, ушбу хумдонларда иссиқликни кўп талаб қиласиган сопол буюмлар пиширилган. Бундай кулоллик буюмларига кул рангли сополлар намуналарини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу туркумдаги сопол идишларни У.В. Раҳмонов муқаддас идишлар қаторига киритади ва келиб чиқишини Эрон, Дашли маданиятлари билан боғлайди¹²⁴. Аммо тадқиқотчи ушбу идишларнинг шакли ва ясалишини Сополли маданияти сополларидан фарқ қиласигига эътибор бермайди. Ушбу туркум сополлари Сополлитепа ва Жарқўтон кулоллари томонидан ясалган.

Сополли маданияти кулоллари ҳар хил конструкцияли хумдонлардан фойдаланишигандан. Бу турдаги қурилмаларнинг энг такомиллашгани бу икки ярусли хумдон ҳисобланади. Шунга қарамасдан, Сополли маданияти кулолчилигига бир ярусли хумдонлардан ҳам фойдаланилган.

Бронза даврига келиб хумдонлар ёдгорликнинг чеккасига қурилган бўлиб, бу хусусият Жанубий Бақтрияни кўпгина

¹²⁰Avanesova N.A. Zur Chronologie fruhagrарischer Fundorte im Nordbакtrien der Spatbronzezeit.//Archaologische Mitteilunden aus Iran und Turon. Band 39. – Berlin, 2007. – P.61-89.

¹²¹Vinogradova N.M. Relative und absolute Chronologie agrarischer Fundorte der Spatbronzezeit in Sudwest-Tadzikistan.// Archaologische Mitteilunden aus Iran und Turon. Band 39. – Berlin, 2007.–P.49-59.

¹²²Аскаров А.А. Сапаллитепа. –Ташкент, 1973. -С. 12-41; Он же. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций): Дисс. ... докт.ист.наук. –М., 1976. –С.10; Он же. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. –Ташкент, 1977. –С. 36-38; Раҳмонов У. Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана: Автограф. дисс. ... канд. ист. наук. – Самарканд: Институт Археологии АН УзССР, 1987. – С. 6-9.

¹²³Сарианиди В.И. Керамические горны восточно-анаусских поселений // КСИИМК. – М.: 1963. Вып. 93. – С. 83-84; Он же. Памятники позднего энеолита Юго-восточной Туркмении // СА. – М.: 1965. – № . – С. 55, рис. 4-5; Хлопин И.Н. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита. – Л.:1964. – С. 119-122, рис. 49;Шишкин В.А. У стены великой Намазги. – М.: 1977. – С. 139; Исаков А. Саразм. – М.: 1971. – С.41;Шетенко А.Я. Раскопки мелких поселений эпохи бронзы // КД. – Ашхабад, 1970. Вып. III. – С.43-45.

¹²⁴Рахмонов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана: Дисс. ... канд. ист. наук. – Самарканд: Институт Археологии АН Уз ССР,1987. – С.123.

ёдгорликларида қайд қилинган¹²⁵. Сополлитепадан олинган археологик манбаларга кўра, хумдонлар ҳовлиларда эмас, балки, ҳовли-жойлар ва айланма коридорларни ички деворлари орасига қурилган. Жарқўтон ёдгорлигидаги эса, аксинча уйларнинг ҳовли қисмида ва маҳсус ҳунармандчилик марказларида, яъни алоҳида очик жойларда барпо этилган. Сопол буюмларини пиширишида оловдан икки маротаба фойдаланилган бўлиш мумкин. Биринчидан, сопол буюмлар ясалгандан сўнг дарҳол хумдонга жойлаштирилмасдан очик ҳавода, қуёш ҳарорати таъсирида ёки маҳсус гулхан ёқиб улар қуритилган. Чунки, идишлар ясалгандан сўнг, дарҳол хумдонга солиб пиширилмаган. Негаки, идишларни сифатли ва бир текисда пишиши учун улар аввал қуритилиши лозим бўлган.

Иккинчидан, идишлар очик ҳавода қуёш тафтида қуритилгандан сўнг, улар хумдонларга жойлаштирилиб, хумдонни ҳамма томони беркитилгандан сўнг хумдон оловхонасига ёнилғи ўтин, янтоқ солиб ёқилган.

Бу даврда сопол ва металл буюмлар ишлаб чиқариш учун катта меҳнат ва юқори даражада иссиқлик манбаи зарур бўлган. Бронза даврига келиб, қадимги Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларида сопол пишириш хумдонларини такомиллашган турлари, асосан таянч устунли бўлмаган икки ярусли хумдонлар мавжуд бўлганлиги аниқланган. Сополли маданиятининг ёдгорликларида ҳаммаси бўлиб, турли босқичларга оид 38 та хумдон ўрганилган ва улар тадқиқотчилар томонидан уч типга бўлинган¹²⁶.

Тандирлар Сополли ва Жарқўтондан ташқари, Олтиндепенинг илк бронза даври қатламидан, Келлели, Тоҳирбой ёдгорликларидан топилган. Тандирлар одатда юмалоқ шаклда ясалган ва сақланиши жуда қийин бўлганлиги сабабли кам учрайди. Бронза даврида нонни пиширишда тоба тошлардан ҳам кенг фойдаланилган. Буни ёдгорликлардан жуда кўплаб топилган тоба тошларни мисол қилиб келтириш мумкин. Тандирлар ҳам ўчоқлар сингари ҳар бир маданиятининг ўзига хослик хусусиятини

¹²⁵Сарианиди В.И. Становление городской жизни в Южной Бактрии // Древний город Средней Азии. –Л.: 1973. –С. 8.

¹²⁶Аскаров А.А. Сапаллитепа. –Ташкент, 1973; Он же. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. –Ташкент, 1977; Раҳмонов У.В. Раскопки керамических печей Сапалли на поселении Бустон IV // ИМКУ. – Ташкент, 1979. Вып. 15. – С. 35-43; Он же. Керамические печи культуры СапаллиIV. // Тезисы докладов искусствоведческой конф. молодых ученых Средней Азии и Казахстана. – Ташкент, 1981. – С. 142-143; Он же. Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана. – С. 33-55; Раҳимов К.А. Керамические печи сапаллинской культуры (по результатам работ совместной Узбекско-Германской археологической экспедиции) // Вестник Межд. Института Центральноазиатских исследований. – Самарканд-Бишкек, 2005. – № 2. – С. 42-47.

ифодалайди. Жарқұтон тандирлари, асосан текис ерга қурилған. Унинг полига тош түшалған ва уни устки қисми сомон аралаш лой билан сувалған. Тандир девори сифатли лойдан тикланған. Тандир полига тош түшалишига қараганда, у тандир остидаги намликтин бир мөърда ушлаб туриш учун хизмат қылған бўлиши мумкин. Буғдойнинг маданийлаштирилиши ва ноннинг кашф этилиши инсоният томонидан қилинған катта мўъжиза бўлса, тандирнинг кашф этилиши ҳам ундан қолишмайди. Аввало, тандирга мос келадиган соз тупроқ танлаш, унга ишлов бериш, лойга қўшиладиган жун, сомон қўшиш услубини яратиш, лойни тандир шаклига келтириш, тандирни оловда пишириш ва “оқартириш”, қайси вақтда нон ёпиш кераклигини билиш инсондан катта билимни, кўникмани ва маҳоратни талаб қылған. Шу технологияни сополлитепаликлар билишганлигини шу ёдгорликдан топилған тандирлар исботлайди. Сополлитепа тандирлари Ўрта Осиёдаги энг қадимги тандирлардир.

Ошхона идишлари, яъни қозонлар Ўрта Осиёда неолит давридан бошлаб қўлланила бошлаган. Аммо, Ўрта Осиёда энг қадимги қозон Жанубий Туркманистанда Намозгоҳ I даврига оид ёдгорлигига топилған¹²⁷. Кейинги давр ёдгорликларида, жумладан энеолит даврига оид Геоксюр, Қорадепе, Намазга 2 даври, Саразм, Чўпонтепе ёдгорликларида ҳам қозонлар мавжудлиги кузатилған¹²⁸. Бронза даврида бу турдаги идишлар кўчманчилар дунёси (Тозабоғёб, Замонбобо, Тулхар, Тигровая балка, Бешкент, Арикто) ва ўтроқ маданиятларда кенг тарқалади¹²⁹. Ҳаттоки, жуда кам бўлсада, қабрларда ҳам кичик қозонлар учрайди¹³⁰.

Сополли маданиятининг ҳар бир босқичидаги сополлар мажмуаси бир-биридан шакл ва сифат жиҳатидан кескин фарқ қиласи. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ошхона идишларининг тайёрланиш технологияси, лойининг таркиби,

¹²⁷Массон В.М. Новий раскопки на Джайтун и Кара-Тепе// СА. –М.:1962. Вып.3. –С.159.

¹²⁸Сарианиди В.И. Энеолитическое поселение // Труды ЮТАКЭ. –М.: 1961. Вып. X.–С. 241-243; Массон В.М. Кора-депе Артыка (в свете раскопок 1955-1957 гг.) // Труды ЮТАКЭ. – М.: 1961. Том X. – С. 345-363; Ганялин А.Ф. К стратиграфии Намазга-депе. – 1956. - С. 47.

¹²⁹ Антонова Е.А., Виноградова Н.И. О летних и осенних разведках в Регарском районе в 1974 г. // АРТ (1974). – Душанбе: Дониш. 1979.Вып. XIV. – С.97; Пьянкова Л.Т. Могильник эпохи бронзы Тигровая Балка // СА.–М.: 1974. Вып. 3. – С. 176-177; Она же. Отчет о работах Вахшского археологического отряда в 1984 г. // АРТ (1984). – Душанбе, 1993.Вып. XXIV. – С.234-236; Она же. Керамика из могильника Тигровая Балка // МКТ. – Душанбе, 1978.Вып. 3. – С.30-32; Она же. Древние скотоводы Южного Таджикистана. –Душанбе, 1989.– С.33-35; Мандельштам А.М. Аруктауский могильник // МИА. – Л.:1968. Вып. 145. – С.70-71;Литвинский Б.А.,Зеймаль Т.И., Медведская И.Н. Отчет о работах ... – С. 88, рис. 4; Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскаров А.А. Первобытная культура ...–С. 42-45.

¹³⁰Пьянкова И.Т. Древние скотоводы ... – С.25-26.

шакли ва сифати Сополли маданиятининг барча даврлари мобайнида ўзгармаган. Бу ҳолат ўрганилаётган маданиятнинг кулоллик хунармандчилиги анъаналарини янада чуқурроқ ўрганишга унданоқда. Ошхона идишларини тайёрлаш жараёни алоҳида ёндашишни талаб этиб, лойининг таркиби (шамот, майда тошчалар) оловга чидамли элементлардан иборат бўлиб, эластиклик хусусияти йўқ. Пишириш давомида қай даражада иссиқлик талаб қилингандиги бизга аниқ эмас. Шуни айтиб ўтиш мумкинки, улар алоҳида, яъни дастурхон идишлари билан бирга бир вақтда пиширилмаган. Сополли маданиятининг аксарият хумдонлари энг тараққий этган икки ярусли хумдонлар бўлиб, шу вақтгача Сополли маданияти ёдгорликларидан биронта ҳам чала пишган ёки ўта пишиб кетган сополлар қайд қилинмаган. Бу хусусият икки ярусли хумдонларнинг энг мақбул, шакл ва технологик жиҳатдан такомиллашгандигидан далолат беради. Бизнинг тадқиқотларимизгача, ошхона идишлари билан Номозгоҳ маданияти мисолида Л.И.Хлопина шуғулланган¹³¹. Л.И.Хлопина тадқиқотларида Номозгоҳ маданиятининг ошхона идишлари типларга бўлинган, шакллари тикланган, қўпроқ ясси тагли ва қия қесилган тагли қозонларнинг характерли эканлиги кўрсатиб ўтилган. Сополли маданияти қозонларидан фарқли ўлароқ, Номозгоҳ даври қозонларида ташқи тарафдан безак бериш характерли бўлган. Шу сабаб, қозонлар безакларининг семантикасига жуда катта эътибор берилган. Жарқўтондан ҳам безак бериб ишланган сопол қозон парчаси топилган. У кўчманчи Андроново ва ёки Мурғоб воҳаси кулолларининг таъсирида ясалган. Ушбу қозоннинг безаклари геометрик шаклда бўлиб, айлана ва зигзаг кўринишда. Қозоннинг катталиги ва безакларга бойлигини ҳисобга олиб ушбу қозондан жамоавий маросимларда фойдаланилган деб ҳисоблаш мумкин.

Қозонлар ишланиши жиҳатидан иккига бўлинади. Катта қозонлар “лента” услубида ишланган бўлса, кичик қозонларга тўғридан-тўғри шакл берилган. “Лента” услубида ясалган қозонлар шакл берилгандан кейин сопол чарҳида силлиқланганлиги туфайли, худди сопол чарҳида ишлангандек туюлади, аммо идишнинг ички тарафидан, айниқса унинг бўйин қисмида “лента” услубида ишланганлиги сезилади.

¹³¹Хлопина Л.И. Кухонная керамика времени НамазгаVI (по материалам «Вышки» Намазга-депе) // КСИА. Вып. 132. – М.: 1972. – С.59- 69; Она же. Намазга-тепа эпоха поздней бронзы Южной Туркмении: Автореф. дисс ...канд. истор. наук. – Ленинград, 1978.– С. 4.

Сополли маданияти қозонлари гардишларининг диаметри билан фарқ қиласи. Катта гардишли қозонлар патриархал жамоа учун ёки ҳар хил маросимларда ишлатилган бўлса, кичик қозонлар бир оила учун ишлатилган деб ҳисоблаймиз. Ўрганиб чиқилган маълумотларга кўра, Сополли маданиятида катта гардишли қозонлар кўп учрайди. Бу маълумотларга асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, Сополлитепа ва Жарқўтонда патриархал оилаларнинг ўрни катта бўлган. Патриархал оила аъзолари битта катта қозондан фойдаланганлар. Демак, патриархал оиланинг ўрни Сополли маданияти ижтимоий хаётида катта бўлиб, унинг бошлиғи Жарқўтон жамоасини бошқаришда фаол иштирок этган. Меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш патриархал оила доирасида амалга оширилган.

Сополли маданиятининг ошхона идишлари ясалиш технологияси ва пишириш жараёнларининг барқарорлиги билан характерланади. Ошхона идишлари, яни қозонлар Ўрта Осиёда энеолит давридан бошлаб қўлланила бошлаган ошхона идишларининг тайёрланиш технологияси, лойининг таркиби, шакли ва сифати Сополли маданиятининг барча даврлари мобайнида ўзгармаган. Бу технология Ўрта Осиёда Номозгоҳ I давридан маълум бўлиб, энеолит даври одамларининг сопол идишларнинг оловга чидамлилик хусусиятини яратилиши билан изоҳланади. Сополли маданияти кулоллари бу технологияни такомиллаштириб борган. Бу ўзгаришлар қозонларнинг лойи таркибида, ясалиш технологиясида, шаклларида, пишириш услубларида кузатилади. Лой таркибига майдаланган сополнинг қўшилиши идишни қуришини тезлаштирган бўлса, ясалгандан кейин сопол чарҳида силлиқланиши қозонларга эстетик жозиба баҳш этган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аскаров А.А, Абдуллаев Б. Н. Джаркутан(к проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана). –Ташкент, 1983.
2. Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан. 1977.
3. Аскаров А.А. Сапаллитепа. –Ташкент, 1973.
4. Аскаров А.А., Шайдуллаев Ш.Б. Бақтриянинг бронза ва илк темир даври маданиятлари хронологияси // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. – Ташкент, 2005.

5. Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии (по материалам погребальных комплексов II тыс. до н.э. Южного Узбекистана): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Самарканд, 1990.
6. Пьянкова Л.Т. Могильник эпохи бронзы Тигровая Балка // СА.–М.: 1974. Вып. 3. – С. 176-177; Она же. Отчет о работах Вахшского археологического отряда в 1984 г. // АРТ (1984). – Душанбе, 1993. Вып. XXIV.
7. Рахмонов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Самарканд: Институт Археологии АН УзССР, 1987.
8. Сарианиди В.И. Керамические горны восточно-анаусских поселений // КСИИМК. – М.: 1963. Вып. 93. – С. 83-84; Он же. Памятники позднего энеолита Юго-восточной Туркмении // СА. – М.: 1965.
9. Сарианиди В.И. Становление городской жизни в Южной Бактрии // Древний город Средней Азии. –Л.: 1973.
10. Хлопин И.Н. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита. – Л.: 1964.
11. Хлопина Л.И. Кухонная керамика времени НамазгаVI (по материалам «Вышки» Намазга-депе) // КСИА. Вып. 132. – М.: 1972.
12. Хлопина Л.И. Намазга-тепа эпоха поздней бронзы Южной Туркмении: Автореф. дисс ...канд. истор. наук. – Ленинград, 1978.
13. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлар: Автореф. Дисс ...докт. ист. наук. – Самарыанд, 2009.
14. Avanesova N.A. Zur Chronologie fruhagrarischer Fundorte im Nordbaktrien der Spatbronzezeit.// Archaologische Mitteilunden aus Iran und Turon. Band 39. – Berlin, 2007. – P.61-89.
15. Kaniuth K., Teufer M. Zur Sequenz des Graberfeldes von Raannij Tulchar und seiner Bedeutung fur die Chonolohie des spatbronzezeitlichen Baktrien // AMIT. Band 33. – Berlin, 2001. – P. 89-115.
16. Vinogradova N.M. Relative und absolute Chronologie agrarischer Fundorte der Spatbronzezeit in Sudwest-Tadzikistan.// Archaologische Mitteilunden aus Iran und Turon. Band 39. – Berlin, 2007.–P.49-59.

ЭКСПОЗИЦИОН ИЖОД - МУХИТ ИЖОДИ

Ярашева М.Т, МРДИ ўқитувчиси

Музей экспозицияси санъати, охирги йилларда ижоднинг мустақил жанри сифатида тасдиқланди, кўплаб замонавий эстетик ва умуммаданий заминга боғланди. Экспозицион ижод бу муҳит ижоди хисобланади. Унинг вазифасига “концептуал” шартланган муҳитни комплексли яратиш, қатор компонентлар киради, экспонатлар ва тематикалар, меъморчилик ва предметли фазовий стилистика, дидактик материал ва технологик режимлар шулар жумласидандир. Бу “қатор”, умумий концептуал – бадиий ғоя билан ягона яхлит предметли – фазовий системага бирлашган бўлиб, сезиларли ахборот потенциалини ўзида мужассамлайди ва музей коммуникациясининг асосий каналларидан бири хисобланади. Айнан мана шу концептуал – визуал система, мантиқан замонавий музей экспозициясидир, яъни музей илмий ходимининг рассом-экспозиционер билан хамкорликдаги ижодининг маҳсулни ва обьектидир. Музейлар мисолида олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, асар ўтмиш давр экспозицияси, ўзининг қурилиш характеристига кўра статик типга тортилган бўлса, сўнгги йилларга келиб музей ёки кўргазмага динамикани олиб кирди. Бу нафақат замонавий техник воситаларни жалб этиш билан, балки, экспозицион мавзунинг муаллиф интерпретацияси динамикаси орқали ҳам ифодаланди. Бундан ташқари, замонавий даврдаги экспозициялар динамикага кўпроқ тортилади. Музей ижтимоий ахамиятли лойихавий обьект сифатида, замонавий жамиятнинг илғор ва синтетик маданий институтларидан бири бўлиб қолди. Унда меъморчилик ва дизайндағи энг илғор ва инновацион йўналишларни қўллаш, тадқиқот натижаларини, фундаментал ва амалий билимларини, техника ва энг янги технологияларни қўллаш ўз аксини топади.

Тадқиқот жараёнида аниқланишича, ривожланган чет мамлакатларида экспозиция ва экспозицион санъатнинг ривожи, экспозиция дизайни даражасининг такомиллашуви йўлидан харакатланиб, шундай замонавий музейнинг юқори “технологиялари”га эришдики, мохирлик билан уни, шакл ва функцияси бўйича рационал ажойиб, ёрқин обьектга айлантириди. Экспозиция ривожининг бундай йўли, обьектив заминга, техник ва иқтисодий имкониятларига, энг асосийси маълум бир мақсад ва вазифаларга эга. Бунинг учун албатта, тўпламларни сақлаш ва

экспозициялашнинг фундаментал функцияларига, сақлаш ва қабул қилишнинг оптимал қулай шароитларини яратишга катта эътибор қаратиш лозим. Музейларнинг экспозицион функцияларини ривожланиш йўлларини қидиришга катта эътибор - экспозициянинг функционал сифати ва эстетикасига қаратилди, бу ерда сифат деганда барча илмий, эстетик, техник, утилитар ва экспозициянинг юқори таъминоти тушунилади. Бу бир томондан индустрисал технологияларнинг юқори даражаси билан шартланса, иккинчи томондан махсус “музей индустриси”нинг акустика, оптика, ёруғлик физикаси, химия ва бошқа фанларнинг энг янги ютуқларига асосланган ишлаб чиқаришни замонавий “музей технология”ларида қўллаш ва ривожлантиришни киритганлигини такидлаш жоиз. Уларга музейнинг типологик режими хос бўлиб, бу ҳарорат, сақлаш, ёруғлик кабиларнинг функционал режимини яратиш ва қўллаб қувватлаш бўйича энг мураккаб замонавий техникадир. У ёки бу экспозицияни яратишда уникал махсус дастурлаштирилган имкониятларга эга замонавий экспозицион материаллар ҳам юқоридагиларга талуқли.

Ўзбекистон мисолида қараладиган бўлинса, етакчи музейларнинг ориентациясининг базавий ва технологик функцияларга қатъий эътибори, экспозицион ечимларнинг принцип ва характерларида ўз аксини топди. Шу тариқа экспозицион дизайн музейнинг юқори “технологик” талаблари ва ривожланган индустрисал-саноат базаси билан шартланади, бу лойиҳавий фикрнинг юқори даражали сифатда қўлланилишини таъминлайди. Экспозицион усталикнинг ривожи асосан, экспозициянинг функционал дизайнерлик сифатларининг чукурлашуви ва такомиллашуви йўлидан борган. Бунга мисол қилиб, Қатағон қурбонлари хотираси музейи экспозициясини келтиришимиз мумкин.

Экспозицион амалиётда жихоз-ускуналарнинг замонавий системасини қўлланилиши ва ишлаб чиқилиши катта аҳамиятга эгадир. Йиғиб-ёйиладиган турли-туман модулли системалар кенг қўлланилади. Уларнинг қўлланилиши катта экспозицион кенгликлар меъморчилиги талабларига бўйсунади, шунингдек, ҳар бир экспозиция ёки кўргазманинг ўзига хослигини очиб бериш учун индивидуал ёндошилади. Экспонатларни олий савияда намойиш этиш учун саноатда ишлаб чиқарилган металл конструкциялар, экспозиция структурасининг турли композициясига йиғиладиган модулли элементлар ва хар хил

мосламалар типи-яъни фазовий тўсиқлар, подиумлар қўлланилади. Музей жихоз-ускуналарининг бундай системаларида энг янги конструктив ечимлар ва материаллар қўлланилади. Улар бажарилишининг юқори сифати билан ажралиб туради ва бу нарса уларни замнавий меъморчилик даражасига етказади. Бугунги кун музейларида маҳсус фирмалар томонидан ишлаб чиқилган музей ускуналари, мебеллари қўлланилади. Бу каби эгилувчан модулли системаларда, композицион ечимларнинг варриациясини яратишида улкан потенциал имкониятлар ётади. Маҳсус музейлар ва уникал экспозициялар учун, қоидага кўра, мосламаларнинг маҳсус комплекслари ишлаб чиқилади, бу эса индивидуал бадиий ечимнинг ажралмас қисми хисобланади. Бундай мослама, ускуналар юқори даражадаги эстетик, техник ва функционал сифатли универсал саноат технологиялари асосида бажарилади. Экспозицион технологияларни жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб кузатадиган бўлсак, тасвирий ва концептуал санъатнинг поп-арт, гипперреализм, ассамблят каби турларига мўлжал оладиган ёш лойихачиларнинг музейга келиши, экспозицион қурилишга янгилик киритди. Санъатдаги янги йўналишлар экспозицияларда хам ўз аксини топди.

Адабиётлар

1. Эрремен Яни. Новое поле деятельности для творческой личности: современные тенденции в архитектуре музеев // Музейм. - № 164. - С.7-8.;
2. Поляков Т.П. Мифология музеиного проектирования или «Как делать музей?» - 2. - Москва, 2003.

ЛИБОС ДИЗАЙНИГА ОИД ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИМИЗГА ОИД БИЛИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Юнусходжаева С.А, МРДИ ўқитувчиси

Ёш авлод ҳаётий мақсадни аниқ билиши ва у сари интилиши азалий муаммо бўлиб, бугунги кунда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, айнан ёшлар ҳаётий мақсади ва унга эришиш учун ўз фаолиятини аниқ бажарсагина, келажакка қўйилган пойdevор мустаҳкам бўлади.

Ҳар қандай халқнинг миллий дунёқарашининг бой меъросини тўлиқ ўрганмасдан ундан самарали фойдаланмасдан туриб, ушбу миллат ёшларига ҳар томонлама тўғри таълим-тарбия

бериш мумкин эмас. Ёш авлодга билим ва тарбия бериш борасида, биринчидан, бугунги тараққиёт даврида жаҳон стандартлариға жавоб берувчи методлардан фойдаланиш, иккинчидан, ўз халқининг миллий, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий ахволини теран танитишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу холатлар эътиборга олинган жой, бадий йўналишдаги олий таълим муасссаларининг бош мақсади - одамийлик ва миллий қадриятларни ўзида акс эттирган фаросатли шахсни тарбиялаш хисобланади.

Санъат – одамнинг кўп қирралилиги бўйича ҳар ҳил саволларнинг туғиладиган ва ечиладиган соҳаси, шунинг учун ҳам унинг мазмун-моҳият маъносига гумон қилиш – чек-чегараси йўқ оламда ўтаётган ўз умримизнинг ростлигига гумон қилишдир. Санъатнинг қадр-қимматлик моҳияти – унинг таркибида одамнинг субъектлиги, ички дунёсининг теран онтологияси, унинг қадр-қиммат муносабатлариға асосланган интилишлари, одамнинг турли ҳил дунёқараш тушунчалариға эгалигида. Мана шунинг орқасида хаётга муносабат ибратли йўналишга эга бўлади.

Замонавий жамиятни ривожлантиришнинг илмий фактори - илм ва билимдир. Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий томондан ривожланиши унинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқлиги маълум. Ёшларга юқори билим бериш алоҳида аҳамият касб этади ва давлатнинг келажаги борасидаги ғахўрлик хисобланади.

Ўзбек халқининг амалий санъати катта тарихий ривожланиш йўлини бошидан кечирди. Унинг таърифи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган сабабларга кўра аниқланади. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланиши, сиёсий воқеалар, мамлакатдаги шаҳарларнинг ўсиши – буларнинг барчаси дизайн соҳасида, қолаверса тасвирий санъат соҳасида либос дизайнининг шаклланишига, бу соҳада таълим йўналишларининг йўлга қўйилишига, ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилишига туртки бўлди.

Бугунги кунда санъатдаги муҳим масалалардан бири – бир вақтлар гуллаб яшнаган ва қўзни қувонтирган миллий либосларимиз асосини асраб қолиш. Шунинг учун ҳам либос дизайнига оид фанларни ўқитишда педагоглар талабаларнинг миллий либосларимизга оид билимларини ривожлантириш орқали ёшларга бадий билим ва эстетик тарбия беришга алоҳида аҳамият беришлари лозим.

“Фольклор” услубидаги замонавий либос тўпламлари миллий либос намуналари асосида тайёрланади. Миллий либоснинг шакли, бичими, орнаментлари ва элементларидан фойдаланиб яратилади. Миллий либослар асосида яратилган бўлса ҳам, ушбу услубдаги либослар бир-биридан фарқ қиласи, чунки миллий либосларимиз битмас-тугамас ҳазинадир.

Аввало либос даврга хос маданият, ривожлантириш, ишлаб чиқариш, жамият талаби ва тарихий-маданий алоқани ўзида акс эттиради. Манбааларга кўра йиллар давомида Ўрта Осиёда истиқомат эътувчилар либослари ўзига хос ўзгаришларга учраган. Бунинг исботини ўша давр миниатюраларидан кўришимиз мумкин. Айнан ушбу миниатюралар ҳозирда театр либос рассомлари учун катта хизмат кўрсатади.

XV-XVI асрларда Ўрта Осиё шаҳар аҳолиси либосларининг кўриниши Араб либосларидан фарқи катта бўлмаган. Дозининг “Араблар кийимларининг номланиш луғатига кўра бу либос кўйлак ва иштон, унинг устидан катта ҳажмдаги енгли узун кийим, яъни турли хил рангдаги шойидан тайёрланган кафтан (джома), белбоғи жун, шойи ва зифир матосидан тикилган кенг бичимдаги кушакдан (белбоғ) иборат бўлган. Унинг устидан узун, олди очик кўйлак – джубба кийилган. Джуббанинг енги калта бўлиб, асосан қизил, ҳаворанг ёки жигарранг бўлиб келган. Баъзида джуббанинг устидан жун ёки зифир матосидан тикилган фарджия ташаб олинган. Бош кийим сифатида кубба, такия ёки қизил рангдаги тарбуш кийилган. Тарбушнинг бичими учли бўлиб, унинг устидан имомнинг узун матоси салла сифатида ўралган.

Еркаклар либоси кафтан ва жуббадан ташкил топган. Кафтаннинг енги узун бўлиб, ёпишган силуэтга эга бўлган, устидан бошқа рангдаги енги калта жубба кийилган ва чапдан ўнгга қараб запах тақилмали бўлган. Жуббанинг кўкрак қисми кашта билан безатилган ва унинг устидан қимматбаҳо ёқа ташлаб олинган. Бош кийимлар турли хил бўлиб, подшоликдаги ҳар хил маросимларга тепа қисми пат ёки айланасифат безаклар билан безатилган, шунингдек айлана шаклидаги чалма кийилган.

Зодагон эркаклар кийими узунлиги тўпиқча бўлган икки хил рангдаги халатлардан иборат бўлган. Устки халатнинг ёқа ўмизи айлана шаклга эга бўлиб, асосан қайтариб қўйилган, кўкракдан белгача тақилмали ва белдан этагига қадар очик бўлган. Этагининг ён қисмларида унча узун бўлмаган қирқими мавжуд, енги узун ва тор бўлиб, асосан тирсакдан пастки қисмигача зич

қаторли тугмалар қадалган. Кўпинча зарли кашта билан безатилган. “Мадахил” шаклидаги бундай зарли кашта билан ендан ташқари елка ва қўкрак қисмлари ҳам безатилган. Бахрамали, қора рангдаги кушак ўрта қисмда боғланган.

Аёллар либоси эркакларнига ўхшаш, икки кўйлакдан иборат бўлган. Устки кўйлак бичими эркакларнига яқин бўлиб, белгача қисми ёпишган, тақилмаси тугмали ёки тасмали бўлган ва белгача давом этган, кушак ишлатилмаган. Белдан пастки қисми кенг, тахламали икки ёни қирқимли бўлган; ёқа ўмизи айланасимон бўлиб, кўпинча ёқа сифатида қайтариб қўйилган; енги ёпишган кўпинча тирсакдан енг учига қадар қатор тугма қадалган. Ички ва устки кўйлаклар ҳар хил рангларда бўлиб, ички кўйлак узунлиги устки кўйлак узунлиги билан teng бўлган. Кўп ҳолларда устки кўйлак зарли кашта билан безатилган, баъзида бутун кўйлак бўйлаб гулли нақшлар билан безатилган. Баъзи ҳолларда устки кўйлакнинг елка ва қўкрак қисмидаги “мадахил” шаклидаги кашта билан безатилиб келган. Кўйлак этагига кўпинча зарли йўл тушурилган.

Бош кийим ва соч турмаги: Соch турмаги ўзига ҳос бўлиб, икки ён томондан ёноқлар устига соч текис бандо қилиб тушуриб олинган, устидан юз атрофи бўйлаб дурли ип ўтказилган. Сочнинг қолган қисми орқага йиғилиб, икки қалин ўрим рўмол тагида қолдирилган. Бош кийими цилиндрический шаклга эга бўлиб, гулли матодан тикилган ва унга уланган рўмол ранги бош кийим ранги билан бир хил бўлган. Рўмол белгача бир ёки икки қатор бўлиб тушиб турган. Баъзи ҳолатларда бу тор рўмол бош кийим устидан ташлаб олинган ва ён қисмлари соч турмагининг дурли иплари билан маҳкамланган.

Зодагон аёллар кўпинча кўйлак устидан фараджи ташлаб олишган. Бош кийимлари ҳам ўзгача бўлиб, тож ва тиллақош кийишган.

Аёллар либосининг матолари сидирға ёки майда гулли, шунингдек зарли бўлган. Бош кийимлари тез-тез ўзгариб турган, учли бош кийим, яъни қулях устидан салла ўралган. Қулях асосан ёрқин қизил рангда бўлган ва “кизилбашей” деб айтилган. Бундай бош кийимларни XVI аср бошидаги миниатюралардан кўришимиз мумкин. Кизилбашей қуляхнинг узунлиги ўн йилликларда турлича бўлиб ўзгариб турган, лекин доимо устидан тюрбансифат мато ўралиб келган.

Ҳар бир халқнинг миллий маданияти ушбу халқнинг қадимдан сақланиб келаётган ўзига хос санъати, урф-одати, маданий мероси асосида шаклланиши аниқ. Шунинг учун хам бой меъросимиздан фойдаланган ҳолда ўша даврнинг тажрибаси негизида ёш алодни тарбиялашга талаб кундан-кунга ошмоқда. Шунингдек, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида сиёсий-иқтисодий ўзгариш, психологик муносабат ёш авлод тарбиясининг муаммосини ушбу услугуб бўйича ҳал етишни талаб этади. Ҳозирги физиология, психология ва медицина олимларининг илмий тадқиқот ишларини назарда тутадиган бўлсак, ёш авлоднинг психикасини ривожлантиришда санъатнинг ўрни бўлакча. Бу эса доно ҳалқимизнинг санъат намуналари талабаларда миллий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик шартларидан бири эканлигини исботлайди.

Ҳозирги вақтда юқори билим бериш соҳасида янги касбий билимни чуқур ўзлаштирган мутахассисларга бўлган талабнинг ортиши уларнинг услугбий билими, қобилияти ва билимлилигининг замонавий талабларга мос бўлишини талаб этади.

Адабиётлар рўйхати

1.Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” 1998 й. «Шарқ» нашриёти.

2.Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”/Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

НАЦИОНАЛЬНЫЙ КОСТЮМ КАК МАТЕРИАЛЬНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА

Гайсина Р.Ш, преподаватель НИХИД им. К. Бехзада

Национальный костюм – одна из важнейших составляющих духовной и материальной культуры Узбекистана. В нем отражаются эстетические идеалы, красота и народная мудрость. Культурное наследие подобного уровня имеет общечеловеческую ценность.

Национальный костюм любого народа адаптируется к условиям окружающей среды, на него влияют местное сырьё и социально-экономические факторы, с течением времени он становится отличительным признаком этноса.

Наряду с практическим значением, национальный костюм имеет ряд других функций: этнических, знаковых, коммуникативных, социальных, региональных, обрядовых и др., которые должны быть приняты во внимание при изучении его компонентов.

Одним из основных правил, при создании традиционного национального костюма, было соблюдение равновесия и гармонии, внутренней логики вещей, между целесообразностью и красотой, традицией и новаторством, между коллективным мнением и личным предпочтениям.

При создании национальной одежды: платьев, рубах, халатов, головных уборов(тюбетейка) технология пошива сочетались с рядом способов вышивки, самыми распространенными из которых были: вышивка босма, ильма и ироки. В качестве основы для создания вышивок стала использоваться традиционная матовая белая ткань ручного ткачества – буз или адрес. Нередко ей придавали различные оттенки желтого и серого. Для вышивки стали применять преимущественно шелковые нити местного производства, окрашенные натуральными красителями, иногда использовали местные шелковые нити.(1) Вышивка различных районов отличается по стилизации и использованию орнаментов, а также по цветовому сочетанию. Так существовали и существуют по сей день Нуратинская школа вышивки, Бухарская вышивка, Самаркандская, Сурхандарьинская, Шахризабская, Ташкенская школа вышивки.

В прежние времена искусственные мастера, создававшие натуральные ткани для шитья одежды славились производством ткани. Центрами узбекского ткачества были и остаются Бухара, Маргилан, Наманган, Коканд и другие. Особое место занимают традиционные ткани, изготовленные по древней технологии, которую на западе называют «икат». В Узбекистане такая техника называется «абрбанд»- облок, таким образом, ткани стали называть абрывыми, а ткачей называли абрбандами. Сама шелковая ткань различалась по качеству шелка и по составу. Ткань, изготовленная из чистого шелка, называется шои, атлас, подшохи. А ткань, изготовленная из хлопка и шелка, называется адрес, бекасаб, пасма, банорас.

Абрывые узоры отличались своим разнообразием. Каждая школа шелкоткачества была знаменита своим художественным

орнаментом. Каждый узор называли по форме, которую он напоминал. Самыми распространеными были: туморча (амulet), тарок (гребень), гаджак (украшение), урок (серп), бодом (миндаль), дарахт (дерево), анор (гранат), ой (луна), шох (рог), ногора (литавры), чакирим (эхо), капалак (бабочка), илон изи (змеиный след), чаён (скорпион) и т.д.(2)

Выбирая себе ткань для пошива одежды женщины обращали особое внимание на расцветку. Молодые девушки предпочитали оттенки красного. У многих народов красный цвет был символом любви, плодородия и торжества. Например, в Китае до сих пор многие невесты надевают традиционный свадебный наряд красного цвета. Более взрослые женщины оттенки синего цвета. Пожилые женщины отдавали предпочтение сине-голубому цвету, а совсем старые- белому. Белый цвет является цветом чистоты и невинности. Может быть, ношение пожилыми людьми одежды белого цвета связано с представлениями о том, что перед тем, как спокойно “перейти в мир иной”, нужно очиститься от всех своих грехов.

Ценность национальной одежды заключается в ее историческом наследии. Изучая и анализируя национальную одежду прошлых столетий можно определить, как развивалось ремесленничество и экономика страны в целом. К какому сословию относился тот или иной человек, чем он занимался.

В прошлом национальный костюм каждого человека был индивидуальным, неся печать персонального творчества, потому что каждая мастерица старалась быть оригинальной и избегать повторений либо копирования, так как это осуждалось общественным мнением. Между женщинами существовала конкуренция в сфере творчества, прекрасного, они должны были поддерживать свою репутацию создательниц новых творений, оставаясь в рамках традиции. Одежда создавалась вручную в зависимости от возраста, назначения, социального статуса и др. Таким образом, в костюме соблюдались местные многовековые традиции, одежда являлась отражением образа мысли и эстетических вкусов её создателей.

Рассматривая традиционную национальную одежду, можно отметить, что каждый элемент одежды, в независимости от региона представляет большой интерес для изучения, так как является частью этнокультуры Узбекистана.

Некоторые виды одежды претерпевали изменения, к примеру рубаха, входящая и занимающая особое место в комплекте женского костюма. Она была аналогична мужской, которая, приобретая новые детали (отрезной ворот, кокетка и т.п.), со временем утратила свой первоначальный вид. Но все же в некоторых районах вплоть до начала XX в. еще носили рубахи старого покроя. Отличительная черта самаркандской рубахи от бухарской – это рукав, несколько сужавшийся книзу (ширина примерно 20 см). В Бухаре же ширина рукава была 2 раза больше, чтобы под платье можно было надевать еще несколько рубах. Под рукавом снизу пришивали боковины прямой или чуть скошенной формы.

Один из видов халата -«мунисак» (минсак, мурсак) тоже претерпел изменения. Несмотря на то, что он имел почти одинаковую конструктивную основу и как традиционный халат, и как рубаха, отличие состояло в том, что в нем отсутствовал воротник, а боковины мунисака под рукавами были собраны в складки. Мунисак не был распространен повсеместно. Кроме Самарканда, он встречался в Ташкенте, Бухаре, в Ферганской долине и в Хорезме. Самаркандский тип мунисака (в некоторых местах его называли калтacha) отличался от мунисака других регионов тем, что складок под рукавами на нем было очень много. Они переходили также и на часть спинки, вследствие чего она становилась уже, а женская фигура – стройнее. Этот вид верхней одежды исключительно женский, он не имеет аналогов в мужском костюме. Раньше мунисак считался праздничной, а в конце XIX в. Стал ритуальной (похоронной) одеждой.

Большой интерес представляют головные уборы, в особенности тюбетейки. Этот вид головного убора имеет различия по регионам и технике изготовления, а также технике вышивки. Кроме того тюбетейки разделяются на мужские, женские и детские.

В настоящее время не смотря на то, что в мире моды широко применяются национальные ткани, и идет тенденция к старинному традиционному крою, в городе редко можно встретить чисто традиционный наряд, но в сельской местности он все еще служит частью как повседневной, так и выходной одежды.

Для освоения традиций национального костюма необходимо знание техник ткачества, шитья и вышивки женских и мужских

рубашек, принципов композиции и декора, типологии деталей одежды.

Все вышесказанное не означает, что мы должны вернуться к старинным методам производства вручную. Важно сохранять схожесть, общую символику, обращая особое внимание на композицию, орнаменты, цвет, фактуру ткани, и т. д. Благодаря своей оригинальности и эстетической ценности, традиции узбекского национального костюма могут служить источником вдохновения, новаторских идей в создании новых современных моделей одежды: новаторской, праздничной, обрядовой, повседневной.

В заключение необходимо отметить, что традиции национального костюма следует сохранять, исследовать, осваивать и совершенствовать, так же, как народный танец или музыку. Так как все это является культурным наследием нашей страны.

Список литературы

1. <http://sanat.orexca.com/2012-rus/2012-2-2/sanat-o-novyh-tendentsiyah-v-vyshivke-uzbeki/>
- 2.Хакимов А., Насырова З. 01/07/2012. выпуск №2. 713
О новых тенденциях в вышивке Узбекистана.
- 3.<http://www.advantour.com/rus/uzbekistan/culture/handicrafts/weaving.htm>
Производство тканей в Узбекистане
- 4.<http://www.advantour.com/rus/uzbekistan/traditions/traditional-clothes.htm>
- 5.Учебно- методическое пособие «Культурное наследие Узбекистана». Т.:2002г.

АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИДА МАЊНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Голубенко А.Ю, ИИВ Тошкент ОҲТБЮ

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва мањнавий жиҳатдан ривожлантириш ҳамда мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда ўтмиш меросимиз ва миллий педагогик қадриятларимиз алоҳида ўрин тутади. Айниқса, ватан ва халқ манфаати, маърифат учун курашган, миллат мањнавиятини юксалтириш учун хизмат қилган илм ва фан соҳибларининг фаолияти ҳар бир авлод учун йўлчи юлдуздир. Порлоқ келажак

учун интилаётган ҳар бир халқ ўз тарихини эъзозлаб, ундаги бой, такрорланмас манбалардан ижодий фойдаланиши лозим. Мустақиллик йилларида маънавий, ахлоқий тарбиянинг илмий, педагогик асосларини тиклаш, ушбу мақсадда миллий-маданий мерос ҳамда қадриятлардан самарали фойдаланишга бўлган эҳтиёж кучайди.

Авлодлар алмашинувида муайян миллий-маданий мерос ҳамда қадриятлар қоннуниятлар мавжуддир. Ҳар бир янги авлод ўзининг ҳаёт тарзини бошлар экан, ўз аждодлари фаолиятининг маҳсули сифатида мавжуд объектив борлиқни идрок этади. Бу эса ўз навбатида, ёш авлодда ўзидан олдинги ўтган аждодлари фаолиятининг давомчиси эканлигини ҳис этиш туйғусини қарор топтиради. Шу тариқа бугунги ўзбек ёшларида аждодлар томонидан яратилган маънавий-ахлоқий меросни ижодий ўзлаштириш ва анъаналарини давом эттириш тажрибаси шаклланади.

Маънавиятни ташкил этувчи ахлоқ, нафосат, руҳият, ғоя, мафкура, маданият ва маърифат каби соҳалар билан боғлиқ масалалар таҳлили қадимги замондан бошланган. Таълимни ривожлантириш масаласига доир бир қатор ёндашувлар мавжуд. Ёшларнинг таълим ва тарбия олиши борасида маънавий тарбия тарихига муносабат ҳам ижобий томонга ўзгарди. Таълим соҳаси мутахассислари, педагоглар, олимлар олдида ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялаш масаласи устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Зеро, ҳар бир халқнинг келажаги ёшлар тарбияси ва уларнинг ижтимоий ҳолатига боғлиқ. Ҳар қандай тарихий даврдаги ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб, улар бир-бирига ўхшаш бўлса-да, турлича ечимларга эга бўлган. Ечимларга нисбатан инсонпарварлик муносабати ҳар бир даврга хосдир.

Ҳозирда инсон омили, унинг қадри ва ҳуқуқлари давлат ва жамият томонидан ҳимояланган. Ушбу асос инсонга нисбатан бош қадрият сифатида қарашни талаб этади. Инсонпарварлик ғоялари асосида маънавий тарбиянинг шаклланиши жамият ҳаётининг ҳар қайси даври ёки ривожланиш босқичи билан боғлиқ. Агар давр ўзгарса, жамият ўзгача тараққиёт босқичига ўтса, маънавий мезон ва қадриятлар тизими ҳам муайян маънода ўзгаради.

Инсон таълим-тарбия орқали ақлий ва ахлоқий баркамолликка эришади, унда миллий туйғу шаклланади ва ривож

топади. Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига биринчи айтган сўзида ифодаланади. Бугунги кунда, ёшларни ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳабbat ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас.

Ўзбекистон ёшларида миллатлараро муносабатга нисбатан соғлом нуқтаи назарни шакллантириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ёшларда миллатлараро мулоқот кўникмаларини шакллантиришда юксак даражадаги маънавиятлилик ва қадриятларга ҳурматни қарор топтириш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун ёшлар оила, жамият, ундаги идеаллар ва муайян ижтимоий гуруҳларга нисбатан бардошли бўлиш кўникмасини эгаллашлари лозим. Жамиятнинг тараққий этиш қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда унда яшовчиларнинг маънавий жиҳатдан аждодлар меросини узвий ўзлаштиришларига эътибор қаратилади.

Зеро, ўзбек халқининг маданий меросига ҳурмат инсон ички маданиятининг намоён бўлиш шаклларидан биридир. Бу ўзбек халқининг юксак ахлоқий қадриятларига содиклик, халқнинг миллий-маънавий қарашларига асосланиб, фидойиликнинг юксак кўриниши сифатида намоён бўлади. Бу ёшларда ўз халқининг асрий аждодлари меросига юксак ишонч, уни ҳурмат қилиш ва қадрлаш туйғусини таркиб топтиради.

Дарҳақиқат, инсоний қадриятларни бойитишда халқ педагогикаси ҳам ўзининг муайян ўрнига эга. Чунки ўзбек халқ педагогикасида баркамол шахс тарбиясининг таркибий қисми сифатида ёшларни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик ҳамда мулоқотга ундаш муҳим ўрин эгаллаган. Халқ достонлари, эртаклари ва қўшиқларида турли миллат вакиллари орасидаги ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик улуғланган. Халқ педагогикасининг ўзига хос шакллари сифатида қуидагиларни эътироф этиш мумкин: халқнинг тарихий хотираси; ўзбек халқининг анъаналари; халқона маданият; миллий тарбия; маънавият; шахс; халқ.

Педагогик нуқтаи назардан маънавий мерос ва қадриятларни авлодлардан авлодларга узатиш асосида Ватанга муҳабbat энг улуғ қадрият сифатида ўзбек халқининг қон-қонига сингиб бормоқда. Бу эса аждодларни авлодлар билан ўзаро яқинлаштиради. Уларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатларини уйғунлаштиради. Бу тарзда тажрибаларни бир-бирига узатиш орқали турли давларда

яшовчи айни бир миллат вакиллари ўзаро руҳан яқинлашадилар ва мавжуд тажрибаларни бирдай қўллай бошлайдилар. Маънавий-ижтимоий инқирозлар даврида ёш авлодни халқпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим ижтимоий педагогик вазифалардан бирига айланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий қадриятлар инсоннинг ҳеч қачон ўзгармайдиган бурчларига садоқат, инсоннинг инсоний ҳислари, ҳаётий қадриятларга эътиқод, ўз олдига қўйган ҳаётий мақсадларига қатъият билан эришиш, ўзини такомиллаштириш, маънавиятлилик, ёвузлик билан кураш, ички ва ташқи уйғунликка эришишга ундейди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ МЕРОСИННИНГ АҲАМИЯТИ

Алимардонов З.Ш, ИИВ Тошкент ОХТБЮ

Ўзбекистон Республикасининг мустакилликка эришиши туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида турли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жамиятнинг муносиб давомчиларини тайёрлаш ишига, яъни ёш авлодларни шаклланиш жараёнини, амалга ошириладиган таълим-тарбия тизимини тубдан ишлоҳ қилишни талаб этмоқда. Президентимиз И.А.Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялашга, ёшларнинг дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириш давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқи кўпни кўрган, елкасига тарих синовлари хулосасини юклаган, ўзига ҳам ўзгаларга ҳам тинчлик, осойишталик, фаровон ҳаётни тилаб келган, шу ниятда бутун инсоният цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган халқdir. Бугун ҳам халқимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ўзининг ана шу эзгулик байроғини қўлидан туширмай ҳали-ҳамон баланд кўтариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ҳақда шундай дейди: "Энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз-авлиёларимиз қолдирган бебаҳомеросни асрраб-авайлаб, янада

бойитишимиз, улуғ аждодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор"¹³².

Зеро, мустақиллик бизга маънавий мулкимизни, тарихимизни, улуғ мутафаккирларимиз руҳини шод этиш имкониятини қайтариб берди. Истиқлол туфайли ўтмиш тарихимизга муносабат ижобий томонга ўзгарди. Алломаларимиз меросларини ўрганиб идрок этмоқдамиз. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан ёшларнинг илмий-амалий салоҳиятига, ёшларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, илмга чанқоқлик, ташаббускорлик каби фазилатларни тарбиялаш зарурлиги белгилаб берилди. Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мамлакатимизда ёшлар тарбиясининг бугунги кун талабларига кўра тўлиқ жавоб бера оладиган қилиб миллий руҳда тарбиялашда ҳам муҳим омил бўлиб келмоқда.

Инсон комилликка эришиши учун бугунги педагогларнинг асосий вазифаларидан бири аждодларнинг бебаҳо маънавий меросини эртанги кун авлодларига асраб-авайлаб, янада такомиллаштириб, бойитиб етказиш, бу авлодларнинг баркамол-комил бўлишлари учун улар онгода буюк аждодларимизга нисбатан фаҳр ва ифтихор туйғуларини шакллантириб, мутафаккирларнинг ҳар бир фикри ҳозирги ижтимоий ҳаётда ҳам ўз қимматини йўқотмаганлигини сингдириш лозимдир. Миллий тарбияда кеча, бугун ва эртани ўйлаб иш кўрилади, яъни тарбия ўтмишни унутмаслик, бугуннинг қадрига етиш ва келажакка умид асносида олиб борилади.

Дарҳақиқат, ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қомусий билимлари олдида ҳайратланамиз. Афсуски, ўша тарихий даврларда юз берган ҳар хил фожиалар, урушлар, табиий оғатлар натижасида улар қолдирган буюк мероснинг бир қисмигина бизгача етиб келган, холос. Тарихнинг зулмат ва жаҳолат ҳукмронлик даврларида олимларнинг қувғин ва таъқибга учраши, шундай пайтда ҳам иродали ва қатъиятли бўлиб ўз мақсади ва интилишидан қайтмаслигини ўша даврнинг жасорати сифатида эътироф этиш мумкин. Ўрта асрлардаги Шарқ маданиятини ўрганиш глобаллашув даврида янада

¹³² Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: "Ўзбекистон", 2001. - Б. 100.

долзарблашмоқда. Бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири - ўрта асрлар тажрибасига яна бир бор мурожаат этиб, минг йиллик синовларга дош берган, ижобий натижа ва маданий бойликларни тўлароқ ўзлаштириш инсонпарварлик гояларидан самарали фойдаланишдир.

Шарқ уйғониш даврининг буюк қомусий олимлари Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мусо ал Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Замаҳшарий, Воиз Кошифий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоийлар дунёвий ва диний билимлар ҳамда шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат билимлари соҳасида мукаммалликка эришган алломалар бўлганлар.

Буюк Шарқ мутафаккирларнинг маънавий меросидаги доно фикрлар ҳозирги замонамизда яшаб фаолият кўрсатаётган ҳар бир кишининг, айниқса, ёшларнинг мислсиз маънавий бойлиги, камолотга етишиш йўлини ёритувчи, ҳаётда тўғри йўлни топиб муносиб яшаш учун бекиёс билим манбаидир. Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан Самарқанд шахрида 2014 йил 15-16 май кунлари бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқида ёшларга қарат: "...Мен ёшларимизга мурожаат қиласар эканман, уларга доимо биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғуурланишимиз керак, деб айтаман. Айни вактда фақат ғуурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик! деб такрорлайман", - деб таъкидлаб, ҳозирги кунда ҳар томонлама етук авлод тарбиясида аждодларимиз яратган маънавий мероснинг ўрни ва унинг ҳал қилувчи аҳамиятини яна бир бор эслатди. Буюк мутафаккирларимиз маънавий меросини ўсиб келаётган ёш авлод теран фикрлари билан ўзларида билим сифатида мужассам қилиб, бу мероснинг моҳиятини янада бойитиб, ҳаёт йўлларида унга амал қилиб, қалбларда аждодлар ифтихори туйғуси сифатида шакллантирсалар инсоннинг олий мақсади бўлмиш комилликка эришадилар.

**ЖАМИЯТИМИЗ РИВОЖИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА
МАЪНАВИЙ МЕРОСЛАРИМИЗНИНГ ТУТГАН ЎРИНИ**
Ярмухамедов А.Ш, ИИВ Тошкент ОҲТБЮ

Маълумки, маънавиятнинг куртаклари таълим-тарбиядан бошланади, ундан куч олади ва такомиллашади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодга қандай таълим-тарбия бериш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тарихий манбалар асосида шуни айтиш мумкинки, бу муаммо нафақат бугунги кун, балки бутун инсоният тарихи тараққиётида муҳим масала ҳисобланган.

Қадимда ота-боболаримиз ёшлар тарбиясига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиб келганлар. Таълим-тарбияга қаратилган жамики сайъи-ҳаракатлар асосан, маънавий меросларимиз, миллий урф-одатларимизга таянган ҳолда олиб борилганлиги бизга тарихий манбалардан маълум.

Жамиятимиз ривожида маънавий меросларимиз муҳим ўрин тутади. Чунки маънавий меросларимиздан хабардор бўлган шахслар ислоҳотлар жараёнида, бунёдкорлик ишларида, давлат ва жамият бошқарувида онгли равишда иштирок этади. Шу сабабли Президентимиз И.А.Каримов асрлари, маърузалари ва нутқларида, миллий ғоя асослари, маънавий меросларимиздан самарали фойдаланиш устивор вазифа бўлиб келинмоқда.

Миллий ғоя асослари, шакллари, кўринишлари ва унинг тарғиботига доир муҳим ғоялар, фикрлар, қарашлар ва тавсиялари шарқ маънавий-педагогик меросида баён қилиб ўтилган. Бу борада, айниқса "Авесто" битигида илгари сурилган Эзгулик концепцияси, умуминсоний маънавий меросдаги (масалан, Конфуций таълимотидаги ўз жамияти учун фидойи бўлиш ғояси), халқ оғзаки ижодидаги Донишмандлик концепти, ўрта асрлардаги мутафаккирларимизнинг педагогик қарашларидаги Маънавий тарбия дискурси, жадид маърифатпарвар педагогларимизнинг Миллий Уйғониш ғояси ва ўтган асрдан бугунги кунгача яратилиб келинаётган баркамол авлодни вояга етказиш назарияси муҳим ўрин тутади. Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг меросида баён қилиб ўтилган педагогик фикрлар миллий ғоянинг муҳим методологик манбаи ҳисобланади. Жумладан, Форобийнинг "фазилатли ва саодатли инсон", Берунийнинг "халқлар бирлиги", ибн Синонинг "ақлий, ахлоқий ва жисмоний соғломлик", Юсуф Хос Ҳожибининг "ота-она ва катталарага ҳурмат", Яссавийнинг "камолот йўли", Ҳожа Аҳрор

Валийнинг "ҳаққонийлик ва тўғрилик", Навоийнинг "билим ва амал уйғулиги", Бобурнинг "Ватанпарварлик ва инсонийлик" ғоялари миллий ғоямизнинг тарихий-маънавий илдизларини ва ёш авлодни ғоявий тарбиялашнинг тажрибасини намоён қиласди.

Зоро, тарбия жараёнининг энг асосий натижаси ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришдан иборатдир. Ҳурматли Юртбошимиз таъкидлаганлариdek: "...ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу - бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбай, керак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир"¹³³

Миллий ғоямизда шахс камолотида маънавий тарбия муҳим аҳамият касб этишига, умуман, инсонда барча сифатлар уйғунлашган ҳолда мужассам бўлишига алоҳида эътибор берилган. Бундай олижаноб мақсад теран илдизга эга. Чунки бизнинг буюк аждодларимиз келгуси авлодларининг ҳар томонлама баркамол бўлишини орзу қилган. Юксак технологиялар глобал ривожланаётган XXI асрда Президент Ислом Каримов таъкидлаган интеллектуал бойлик етакчилик қиласди. Шунинг учун бугуннинг комил инсонларига Ўзбекистон қўяётган талаблар бир томондан юксак ривожланган давлатлар билан ҳамоҳанг эканлиги, иккинчи томондан, маънавият, интеллект устуворлиги билан ажралиб туради. Яъни фарзандларимизда интеллектуал ривожланганлик, замон талабларига мос тайёргарлик, юксак маънавият, ахлоқий соғломлик, жисмоний чиникқанлик, чексиз Ватани ва халқига содиқлик, миллий ўзлигимизга ёт ғоя, қарашларга муросасизликни мужассам этиш тақозо этилмоқда.

Миллий ғоя тарғиботида миллий-тарбиявий қадриятларни тиклаш ва замонавийлаштириш умуминсоний эҳтиёжларнинг асосини ташкил этади. Чунки, миллийликни аждодлардан авлодларга етказиш, миллий тарбияни такомиллаштириш, миллий қадриятларни юксалтириш ўзбек халқи тарихида ҳам, мустақиллик йилларида ҳам маънавий-ахлоқий тарбия сифатида тарғиб этилган.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ БАДИЙ ИЖОДИ (ФОЛЬКЛОР)

Раззоқова Г, ЖДПИ катта ўқитувчиси

¹³³Ислом Каримов. "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамиятш" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи 16.05.2014

Миллий қадриятлар, эзгу анъаналар, тилимиз, муқаддас динимизнинг ҳаётдаги ўрни қайта тиклангани ҳам жамиятимиз қиёфасини ўзгартиришда, маънавиятимизни, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданий юксалиши, санъатнинг солномаси мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси ушбу халқнинг ўтмишини ва келажагини белгилайди. Ўзбек халқи ҳам ўзининг бой тарихига, маданияти ва санъати ривож топган миллат сифатида ўз ўрнига эга.

Аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий асослари, санъат дурдоналари, мусиқий маданиятимизнинг ноёб ижролари, фольклор санъати, хуллас маданияти ва санъатимизнинг барча йўналишларидаги кўринишлари бугунги кунда ҳам бўй басти билан намоён бўлмоқда.

“Фольклор” термини *инглизча* (folk) ва (lore) – донолик сўзларидан ясалган бўлиб, “халқ донолиги”, “халқ донишманлиги” маъноларини англатади. У биринчи марта 1846 йилда Вильям Томас томонидан илгари сурилган. Шундан бошлаб бу термин халқаро миқёсда илмий таомилда ўзлашиб кетди.

Шунга қарамай, Англия ва АҚШда бу термин кенг маънода халқ ижодиётининг барча соҳаларини – халқ поэзияси, насли, мусиқаси, рақс, рассомлик, ўймакорлик, диний эътиқод ва урфодатларини ифодаласа, Совет Иттифоқида эса, асосан, сўз санъати, халқ оғзаки поэтик ижоди тушунчасини ифодалаган. Халқ мусиқаси тушунчаси “музиқа фольклори”, халқ санъатининг бошқа турлари, чунончи ўймакорлик (ёғоч, ганч ва мис ўймакорлиги), кулолчилик, заргарлик, зардўзлик, кашта (пат) дўзлик сингарилар халқ амалий санъати атамалари билан ифодаланади. Халқ рақси санъати атамалари билан ифодаланади. Халқ рақси санъати халқ хареографияси (грекча choreuo-хор жўрлигига рақсга тушмоқ ва grapho-рақс ҳаракатларини маҳсус белгиларда ёзиб олмоқ) деб юритилади¹.

Ўзбек фольклоршунослигига “фольклор” атамаси нисбатан кейинроқ илмий истеъмолга кирди. У дастлаб “Эл адабиёти”, “халқ адабиёти”, “оғзаки адабиёт”, “оғзаки ижод” тарзида қўлланилди. 1935 йилда Ҳ.Зариф ва Ш.Ражабийларнинг “Ўзбек совет фольклоридан намуналар” китоби босилиб

¹ К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Ўқитувчи, Т., 1990, 4-бет

чиққандан кейин мазкур термин кенг қўлланила бошланди ва астасекин ўзбек фольклори тушунчаси замирида ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди тушуниладиган бўлди. Ҳ.Зарифнинг олий ўқув юртлари учун тузган икки жилдлик “Ўзбек фольклори” (1939, 1941) хрестоматияси нашр қилингач. У янада барқарорлаштирилди.

Ўзбек фольклори хилма-хил жанрлардан таркиб топган оғзаки сўз санъати бўлиб, ўзбек халқининг дунёқараши, бадий завқи, ижодий салоҳияти, симпатия ва антипатияси, орзу ва интилишларини акс эттиради. Бинобарин, фольклорни маҳсус фан сифтида олий ўқув юртларида ўқитиш ҳаётий зарурият тақозаси туфайли амалга ошиди.

Фольклор қадимий сўз санъати сифатида нафақат чукур ғоявийлиги, балки юксак бадийлиги билан ҳам ажralиб туради. Унда воқеликни ифодалашнинг достон, эртак, мақола, қўшиқ, топишмоқ сингари хилма-хил жанрлари шаклланган. Халқ ижодиётининг воқеликни бадий умумлаштириш принципларида, шунингдек, бир қатор компазицион приёмларда (чунончи, сюжет ва унинг компонентлари, образлилк, тасвирий воситалар) талай ўзига хосликлар мавжуд.

Халқ оғзаки бадий ижоди асарлари узоқ муддатли ижодий жараёнда, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб юзага келади ва яшайди. Бадий адабиёт намунасининг муаллифи ҳам, ёзилган вақти ҳам аниқ ва маълум бўлади. Фольклор асарлари муаллифнинг ноаниклиги-анонимлиги (грек. *anonymis*-номаълум) ўша асрнинг қачонлардир индивидуал ижодкор томонидан яратилганлигини инкор этмайди. В.Г.Белинский айтганидек, фольклорда “машхур номлар йўқ, чунки унинг муаллифи ҳамиша халқдир. Унинг навқирон халқ ёки қабила ички ва ташқи ҳаётининг жимжималармиз ва аниқ тасвирланган, оддий ва соддагина қўшиқларини ким тўқиганин ҳеч ким билмайди... ва бу қўшиқ урудан уруғга, авлоддан авлодга ўтади ва вақтлар ўтиши билан ўзгариб боради: гоҳ уни қисқартиришса, гоҳ узайтиришади, гоҳ янгидан тўқишишади, гоҳ унга қўшимча қилиб бошқа бир қўшиқни тўқишишади-шунда қўшиқдан достон чиқади, фақат халқ унга ўзини муаллиф санай олади. Адабиёт-бошқа иш: энди халқ эмас, балки халқ ҳаётининг турли томонларини ўз ақлий фаолиятларида акс эттирувчи алоҳида шахслар унинг арбоби. Адабиётда шахс тўла хукуқ билан майдоонга чиқади ва адабий босқичлар ҳамиша шахсларнинг номи

билин ажралиб туради”¹. Кўрамизки фольклор асари қачонлардир номаълум шахс (индивид) томонидан тўқилсада, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиш жараёнида колектив ижодкорлиги намунасига айланади. Коллектив ижодий салоҳиятидан баҳрамандлашган ҳолда, мукаммаллашиб, ғоявий бадиий камолот касб этиб боради.

Шуни айтиш ўринлики, фольклор қадим замонларда коллективнинг оммавий ижоди сифатида юзага келиб, унинг илк намуналари коллектив ижросига мўлжалланган. Ўша замонларда шахсий ижодкор коллективдан ҳали тўла тўқис ажралиб чииқмаган эди. Ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг такомиллашиб бориши, ҳалқ эстетик тафаккунинг ўсиши ва меҳнат тақсимотининг чуқушлашуви жараёнида даврлар ўтиши билан алоҳида ижрочилар-қўшиқчилар, эртакчилар, баҳшилар, чизиқчилар, халфаалар ўз маҳоратлари билан ярқираб кўрина бошладилар. Аммо бу талантлар ҳам ҳалқ заковати билан йўғрилиб, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келган асарларни ижро этар ва албатта шу жараёнда ўзидан ҳам ниманидир қўшиб, шахсий маҳоратларини намоён этар эди.

ЁШЛАР МИНБАРИ

TARBIYAVIY ISHLAR TIZIMIDA MUZEYLARNING O`RNI

Mansurov U.U, NamDU katta o'qituvchisi

Mustaqil O'zbekiston jahondagi eng ilg'or mamlakatlar safidan o'rinni topib, barqaror rivojlanishi uchun mustaqillik dunyoqarashiga ega bo'lgan, milliy iftixor tuyg'usi bilan yo'g'rilgan, hur va erkin fikrlovchi, ayni vaqtida fuqarolik mas'uliyatini chuqur his etadigan, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni o'z kasb-kori, ijtimoiy muhiti talab qiladigan darajada o'zlashtirgan shaxsni tarbiyalab voyaga yetkazishni o'z oldiga vazifa qilib qo'yadi. Bugungi o'z-o'zini anglab,

¹ Белинский В.Г. Полн. собр. соч. в 13-ти томах, т. 5, М., 1954, с.625

mustaqilligimiz kun sayin mustahkamlanib borayotgan sharoitda ona yurtning har bir farzandi uchun Vatan tarixini sevish, o‘rganish, diliga jo etishdan ham muqaddasroq burch yo‘q.. Shuning uchun ham o‘tmish tarixiy va moddiy-madaniy yodgorliklarini o‘rganish, muhofaza qilishning rolini oshirish muammolarini hal qilishga kata ahamiyat berilmoqda.

Mamlakatimiz Prezidenti I.A.Karimovning “Tarixiy xotirasiz kelajak yo‘q” nomli kitobida chuqur ilmiy ahamiyatga ega tarixiy mavzudagi qator masalalar qo‘yilganki, ularni to‘g‘ri talqin qilmay va hal qilinishi haqida aniq tasavvurga ega bo‘lmay millatimizning, xalqimizning kelajagi haqida gapirib bo‘lmaydi¹³⁴.

Uzoq o‘tmish davrlarga borib taqaladigan tarixga boy, qadim madaniyatga ega bo‘lgan xalqimiz oldida o‘z o‘tmishini, kelib chiqishi, ota-bobolari, urf-odatlari, ma’naviy boyliklarini, yuksak madaniyati, san’atini yanada chuqurroq o‘rganish, anglash va bevosita davom ettirishdek vazifa turadi. Prezidentimiz “...tarix – xalq ma’naviyatining asosidir”, deb ta’kidlar ekan, mustaqil vatanning har bir fuqarosi, ayniqsa uning kelajagini belgilab beruvchi yoshlar o‘z tarixi va madaniyatini yaxshi bilishlari shartdir.

Tarixiy xotirani shakllantirish, uni rivojlanirish, shu bilan birga hozirgi avlod ruhida milliy g‘urur tuyg‘ularini paydo qilish ishida barcha madaniy-ma'rifiy muassasalar qatorida muzeylar ham o‘ziga yarasha hissasini qo‘shmoqda¹³⁵. Darslik, qo‘llanma kitoblardan biz nazariy bilimlarni olar ekanmiz, shu haqdagi amaliy ko‘rgazmalar, ashyoviy dalillar namoyish etilgan muzeylar bevosita ana shu nazariy bilimlarni yanada mustahkamlashga xizmat qiladi. Ayni paytda falsafiy meros ham xalq ma’naviyatining ajralmas va asosiy qismi hisoblanadi. Darhaqiqat, tarix, tarixiy xotira ham ijtimoiy-falsafiy merosning shakllanishi va rivojlanishining eng muhim manbalaridan biridir. Shu sababli ularning ikkovi ham inson faoliyati, xalqning hayot yo‘lini, tarixiy jarayonning umumiy mohiyatini tushunish ob'ektidir. Shu bois yurtboshimizning “O‘zlikni anglash tarixni bilishdan boshlanadi” va “Haqqoniy tarixni bilmasdan turib esa, o‘zlikni anglash mumkin emas” degan fikrlari juda qimmatlidir. Shuni aytish kerakki, tarixni tushunishda, yaqin o‘tmishda bo‘lganidek faqat ishlab chiqarish omillariga bog‘lab o‘rganmasdan, balki uni har tomonlama anglab, ayniqsa, ma’naviyatimizning asosiy manbai va negizi sifatida o‘rganish zarur.

¹³⁴ Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz-kelajak yo‘q. –Toshkent: Sharq, 1998 yil.

¹³⁵ Baxriddinov O. Muzeylar-tariximiz guvohi // Namangan haqiqati. 2004, 10 mart.

Tarixiy xotira – har bir xalq, millat o‘zining zamon va makondagi o‘rnini, nasl-nasabini, o‘zligini anglashi, o‘zining haqiqiy tarixini, ma’naviyat va madaniyati jihatdan tutgan o‘rnini, uning rivojiga qo‘shgan hissasini, o‘zining milshliy iftixorini, g‘ururini mustaqil va xolisona anglab olishidir. Albatta, agar xalq o‘zining tarixiy xotirasiga, tarixiy ongiga ega bo‘lsa, u muqarrar o‘zi kechirgan tarixiy-ijtimoiy jarayonlarni chuqurroq tushunadi va talqin qiladi¹³⁶. Bu urinishlar xalqning vakillari – olimlari, mutafakkirlarining ilmiy faoliyatida mujassamlanadi va ular tomonidan jamiyatni, inson hayotini va ma’naviyatini ilmiy-nazariy tahlil etishda, uning ma’lum nazariyasini, tamoyillarini yaratishda namoyon bo‘ladi.

Forobiy, Beruniy, Ibn Sino, Amir Temur, Ulug‘bek, Navoiy, Bobur kabi buyuk ajdodlarimiz xalqimizning milliy iftixoridir. Shu kabi buyuk zotlarning asrlar davomida aqlu zakovati ila bunyod etgan boy ma’naviyati tufayli xalqimiz mag‘rur yashadi, mehnat qildi, doimo hurriyat va erk sari intildi. Anna shu milliy ong, ana shu milliy g‘urur bugungi istiqbolimizning oltin poydevoridir. Bu poydevorga Shiroq va To‘maris, Beruniy va Forobiy, Abu Ali ibn Sino va Al-Xorazmiy, Amir Temur va Bobur, Navoiy va Ulug‘bek kabi yuzlab ulug‘ zotlar asos solganlar. Bobokalonlarimiz – Imom al-Buxoriy va Imom at-Termiziyning nomlarini faxr bilan tilga olamiz. Ulug‘ bobomiz Xoja Ahmad Yassaviy ruhi poklariga ehtiromimiz benihoya.

Yuqorida ta’kidlangan ulug‘ alloma va mutufakkirlar ijodi va faoliyatlarini yoritish, ularni yanada ta’sirchan, esda qolarli darajada aks ettirib berishni muzeylar o‘z oldiga vazifa qilib qo‘yadi. Muzeylar faoliyatida anna shu boy ma’naviy va moddiy boyliklar, madaniy yodgorliklar namoyishi va ilmiy tahlili asosiy o‘rinni egallaydi. Muzeyda namoyish qilinayotgan har bir eksponat, xoh u qimmatbaho metal yoki toshlardan ishlangan bo‘lsin, xoh amaliy san’atning yorqin namunasi bo‘lsin, yoki ma’naviy merosning betakror yorqin qirralari bo‘lsin, u shu xalqning o‘tmish hayoti, tafakkuri, iste’dodi, iqtidoridan darak beradi. Muzeylar tarixiy xotirani jonlashtirish omili bo‘lib xizmat qilar ekan, unda namoyish etilayotgan materiallar ashyoviy dalil sifatida o‘z davriga xos xususiyatlarni aks ettirganligi bilan, o‘sha davr madaniyati, san’atidan beradigan xabari bilan juda qimmatlidir. Ular xalqimizning yuksak rivojlangan madaniyati, adabiyoti, san’ati hamda ma’naviy dunyoqarashiga asoslangan xususiyatlari bilan tomoshabin e’tiborini qozonadi. Unda bevosita shu buyumlarda aks etgan joziba, sehr, geometrik aniqlik, kimyoviy barkamollik, qurilish-arxitektura

¹³⁶ Kuryazova D. O‘zbekistonda muzey ishi tarixi. -Toshkent: San`at. 2010. -B. 17.

inshootlarining o‘ta aniq va pishiq loyihalariga nisbatan inson aqlini lol qoldiradigan bir ta’sirini uyg‘otadiki, bu uning beixtiyor faxrlanish, qoyil qolish va undan o‘rnak olib yangi san’at asarlarini yaratish sari ilhom uyg‘otadi.

Muzeylarning ommaviy-g‘oyaviy, ta‘limiy ishi kommunikatsiyasining muhim elementini tashkil qilgan holda, kamolotga etgan, ijtimoiy faol shaxsni shakllantirishga, uni g`oyaviy, ahloqiy, estetik tarbiyalashga, bilimdonligini, axborotliligin chuqurlashtirishga yo’naltirilgan¹³⁷. Muzeylar milliy istiqlol mafkurasini xalqimiz qalbiga va ongiga singdirishda, milliy o’zligimizni anglashda, ijtimoiy faollikni o’rgatishda, komil insonni tarbiyalashda juda katta ahamiyatga ega. Muzeylarning ommaviylashtirishda va reklamasida ommaviy axborot vositalarining o’rni juda ham katta. Ular o’z dasturlarida va sahifalarida muzey ishini yoritishadi, muzey ekspozitsiyasini, ularda saqlanayotgan predmet va kollektsiyalarini ko’rsatishadi, ular haqida hikoya qilishadi, reklama ma`lumotlarini berishadi. Muzey reklamaning turli shakllaridan foydalanadi. Reklamalar butun aholiga qaratilgan yoki muzeyga keluvchilarning biron – bir kategoriyasiga qaratilgan bo’lishi mumkin¹³⁸. Afisha muzey reklamasining an`anaviy shakli hisoblanadi. U tasvir va matnning birligida muzeyning bir butun obrazini beruvchi, uning diqqatga sazovor tomonlariga, ekspozitsiya yoki vistavkaga bag’ishlangan bo’yoqli yoki chizma plakatdir. Afisha diqqatni jalb etish, muzeyga borish istagini xosil qilish kerak. O`lkani va unda mavjud bo`lgan tarix va madaniyat yodgorliklarini muhofaza qilish, o`rganish va ulardan foydalanish har bir fuqaroning muqaddas burchidir. Tarixchilarga bu qonun muqaddas dasturilamal bo`lib xizmat qiladi. Biz yoshlarni yodgorliklarni avaylab asrashga, tarixiy obidalarga mehr-muhabbat bilan qarashga o`rgatib, bu yodgorliklar faqat o`tmishni o`rganish uchungina emas, shu bilan birga ilm-fanni, xalq maorifi va madaniyatni yanada rivojlantirish uchun ham bebaho durdonan ekanligini singdirish ruhida tarbiyalashimiz kerak.

Muzeylar yoshlar oldiga quyidagi vazifalarni: birinchidan, jamiyat hayoti va xalq turmushidagi eng muhim tarixiy voqealarni, davlat va harbiy arboblarning, xalq qahramonlarining hayoti va faoliyati bilan bog`liq bo`lgan binolar, inshootlar, esdalik joylarni o`rganishni, ikkinchidan, arxeologik yodgorliklarni: ko`hna shaharlar, qo`rg`onlar, qal`alar, qadimiyl manzilgohlar, istehkomlar, korxonalar,

¹³⁷ Mirzaliyev E., Baxriddinov O. Tarix-ma`naviyat ko`zgusi. -Namangan. 2006. -B. 17-18.

¹³⁸ Bekmurodov M., Rashidova M. Muzeyshunoslik – Toshkent: Voris Ali, 2007. –B.39.

kanallar, yo`llarning qoldiqlari, qadimiy dafn joylar – mozoratlarni, tosh haykallar, qoyalardagi tasvirlarni, qadimiy buyumlarni o`rganishni; uchinchidan, me`morchilik obidalari, tarixiy markazlar, kvartallar, maydonlar, ko`chalar, shahar va boshqa aholi yashaydigan manzillarning qadimiy tuzilishi, qurilishi va qoldiqlarini; sanoat, harbiy, diniy, xalq me`morchiligi inshootlarini, tabiat landshaftlarini o`rganishni; to`rtinchidan, san`at yodgorliklari – monumental, tasviriy, amaliy-dekorativ va boshqa turdagи san`at asarlarini; beshinchidan, yodgorlik hujjatlari – davlat hokimiyat organlari va davlat boshqaruv organlarining aktlari, boshqa yozma va grafik hujjatlar, kino-foto hujjatlar va tovush yozuvlari, shuningdek, qadimiy va boshqa qo`lyozmalar hamda arxivlar, folklor va muzika yozuvlari va shu kabi nodir materiallarni izlab topish, o`rganish va umumlashtirish vazifalarini qo`yadi. Mustaqillik tufayli muzeysda olib borilayotgan ilmiy-ommaviy ishlarning mazmun-mohiyati o`zgarishi bilan yuqori saviyaga ko`tarilganligi va bu borada rang-barang tadbirlar o`tkazilayotganligini ko`rishimiz mumkin¹³⁹.

Xulosa qilib aytilganda yoshlarning vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda muzeylarning o`rni va roli kattadir. Muzeyga yoshlarni jonli ekskursiyalarini o`tkazish foydadan holi emasdir. Viloyat va tuman o`lkashunoslik muzeylari shu o`lka madaniyati va san`ati, kasb-kori, amaliy ishlari haqida atroflicha ma`lumot berib, hamma vaqt uzoq-yaqinda yashovchi aholi, ayniqsa maktab bolalari uchun tez-tez borib turish imkonini beravermaydi.

МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИННИГ РИВОЖЛАНИШИДА КОММУНИКАТИВ РЕКЛАМА ИНТЕГРАЦИЯСИ

Нарзиева Ю.Б, МРДИ СФ декан мувонини

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ўзбек халқи томонидан асрлар давомида яратилган улкан тарихий-маданий меросни тиклаш давлат сиёсатининг энг муҳим устивор йўналишлардан бирига айланди.

Музей – бу бизнинг тарихимиз, бу ерда қачонлардир инсон томонидан яратилган ёки кашф этилган ноёб осори-атиқалар сақланади ва келажак авлодга топширади. Музей жамиятни ўз тарихи ва маданиятига нисбатан бўлган муносабатини акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади.

¹³⁹ Kuryazova D. O`zbekistonda muzey ishi tarixi. -Toshkent: San`at. 2010. -B. 42.

Музей бу – тарғибот.

- Миллий ўзликни англаған ҳолда маданий маърифий меросларни оммага кўрсата билиш.

Музей бу – тарбия.

- Миллий анъана ва маросимларни, мерос бўлиб келаётган менталитетни ёш авлодга тавсия қилиш.

Музей бу – хазина.

- Улуғ аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган моддий ва маънавий қимматбаҳо ашёлар.

Музей бу – тарих.

- Кўп асрлардан буён сақланиб келинаётган қимматбаҳо ашёларни, маданий маърифий китобларни, буюк бобокалонларимизнинг асбоб-анжомларини ва х.к. ўрганишдир.

Музейларнинг таълим фаолиятига оид замонавий концепциялар 1940 йиллар охиридан илмий таомилга кирган “коммуникация” назарияси нуқтаи назаридан тавсифланмоқда. Музей учун коммуникация тушунчасини бевосита ўрганган олим Калгари шаҳар музейи директори Д.Камерон бўлади. Бу тушунчани ўтган асрнинг 60-йилларида амалиётга киритган олим музейга томошабин ва экспонатлар орасидан коммуникацион жарённи амалга оширувчи восита сифатида қарашни таклиф этди. Ушбу жараён заминида бир томондан томошабиннинг музейдаги ашё-буюмлари тушуниш қобилиятини ётса, икккинчи томондан музей мутахассисларининг ўзига хос фикрларини эркин ифода этиш ётади.

Турли мамлакатлардаги мутахассислар фикрича, аудиторияни, унинг аниқ манфаат ва қизиқишлигини, талабларини, эҳтиёжларини билиш музей ишини ташкил этишдаги энг бўш бўғин ҳисобланади. Музей ходимларининг аксарияти ташрифчилар билан ҳамжиҳатликнинг одатдаги иш шакллари ва усулларини ягона тўғри ва мақбул восита деб ҳисоблашади. Қолаверса, социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, музей ходимлари ташрифчиларга бир нарсани кўрсатишига интилсалар, томошабинлар эса музейда бутунлай бошқа нарсани кўришади. Манфаатлар ва қадриятларнинг профессионал шкаласи ҳамиша ҳам аудиториянинг аниқ йўналишларига ва қизиқишлирга мос келавермайди¹⁴⁰.

Одатда, кўпгина ташкилотлар музейнинг имкониятларини тақдим эта олмайди, шу сабабли музейнинг ўзи ташаббус

¹⁴⁰Пеш Д. Маркетинг в музеях?/ Мир музея, 1993, 1/4 5. С.49.

кўрсатиши, уларга ҳамкорлик бўйича таклифлар билан чиқиши керак. Булар таълим тизими жалб қилинган таълим лойиҳалари; корхоналар томонидан молиялаштириладиган корхоналарнинг тарихи ҳақидаги кўргазма; туристик агентниклар учун ўлка тарихи бўйича ишланмалар; театр, кинотеатр, маданият уйи фойесида ташкил этиладиган экспозициялар бўлиши мумкин. Ҳатто кичик музей ҳам ўз ходимлари салоҳиятидан ва шартномавий ҳамкорликдан фойдаланган ҳолда ахборот банки, тадқиқот маркази, дизайн-бюро сифатида иш кўриши мумкин¹⁴¹.

Ўз истеъмолчиларини (ташрифчилар, харидорлар) ва ўз кутилаётган шерикларини (буюрмачилар, ҳомийлар) билиш – маркетинг стратегиялари ва технологияларини ишлаб чиқиш йўлига ўтган музейнинг ижтимоий ва иқтисодий муваффақиятининг ўзгармас шартидир.

Қачонлардир музей оддий ва аниқ тузилма ҳисобланган. Унинг штат жадвали директор, муҳофизлар ва заллардаги кузатувчилардан иборат бўлган. Аммо даврлар ўзгарди, музейларда бутунлай янги ходимлар пайдо бўлди: бухгалтерлар, муҳандислар, котиблар, музей педагоглари, таъмирлаш, реклама ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўйича мутахассислар ва ҳоказолар. Бошқача сўз билан айтганда, музей белгиланган тартиб-қоидаларга, стандарт лавозимлар жадвалига ва вазифаларга эга бўлган одатдаги бюрократик ташкилотга айланди. Музей эндилиқда ўз деворлари ичида қолиб кетмасдан, ўз худудидан ташқарида ҳам ўз таъсирини ўtkазишга, ўз аҳамиятини исботлашга уринмоқда.

Музей тараққиётининг қийин лаҳзаларида, масалан, унинг очилишида, реконструкция қилишда, кўргазмалар ташкил қилишда, юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун маркетинг ва коммуникация усулларидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Музей тадбирлари иложи борича кўпроқ ташриф буюрувчиларни жалб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, улар кейинчалик нозиктаъб ва садоқатли томошабинларга айланади. Ўз аудиториясини кенгайтиришга ҳаракат қила туриб, музейлар ўз муассасасининг нуфузини мустаҳкамлашга ва шериклар билан мунтазам алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилишлари керак.

Ахборот музейга нисбатан жамоатчиликнинг кўнгилдаги хатти-ҳаракатини таъминлаш учун ўзи ҳақидаги ижобий

¹⁴¹ Гнедовский М.Б. Что такое музейный маркетинг?/ Мир музея, 1995, 1/4 4. С.5.

жамоатчилик фикрини яратиш ва уни қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У қайси оммавий ахборот воситаси тарқатишига қараб аудиторияга йўналганлиги бўйича фарқ қилади.

Одатда матбуот билан ишлаш учун қўйидагилар тузилади:

- бэкграундерлар – сенсацион бўлмаган жорий кундалик воқелик ҳақидаги ахборот, у фаолиятнинг янги йўналишлари, кундалик тадбирлар ҳақида бўлиши мумкин. Масалан, кутилаётган тақдимот ҳақида. Бундай ахборотни ташкилотдан чикувчи узлуксиз янгиликлар оқимини қўллаб-қувватлаш учун мунтазам жўнатиб туриш керак.

- пресс-релиз – кенг аудитория учун муҳим бўлган янгиликни ёки фойдали маълумотни акс эттирувчи хабар. Масалан, маҳсус семинарлар ўтказиш тўғрисида.

- медиа-кит – фотосуратлар илова қилинган бир неча хил материалларни мужассамлаштирувчи медиа ёки пресс-пакет.

- шунингдек, қизиқарли ва шарҳли мақолалар, фактварақалар, баёнотлардан фойдаланилади.

Радио ва телевидение билан ишлаш турли дастурлар аудиториясини, жанрни танлашни, трансляция вақти ва давомийлигини билишни тақозо этади. Радио ва телевидение нафақат оммавий ахборот воситаси, балки улар учрашувлар, матбуот конференциялари, ўқув машғулотларини ташкил этиш воситаси ҳамdir. Конференциялар ва кўргазмаларда ёпиқ ёки ички телетармоқлардан фойдаланилади. Уларнинг ёрдамида бир ерга тўпланган кишиларга ўтаётган тадбирни ёритишни тўлдирувчи репортажни кўрсатиш мумкин.

Радио ва телевидениеда бериладиган материал кўпинча реклама характеристига эга бўлганлиги учун унга пул тўлаш талаб қилинади, бунда шартномалар тизимидан фойдаланишга ҳаракат қилинг. Музейлар бошқа маданият муассасалари тақдим қила олмайдиган айrim хизматларни кўрсатиш лаёқатига эгадирлар. ОАВлар эса ўз эшиттиришлари жонли ва оригинал характерда бўлишидан манфаатдордирлар, бунга биринчи манбаларга кириб бориш орқали эришилади. Масалан, Тольятти телевидениеси болалар учун “Телетеремок” кўрсатувлар туркумини тайёрлашда шаҳар ўлкашунослик музейига унинг экспозицияларини суратга олишга рухсат беришни сўраб мурожаат қилди. Бундан ҳамма ютди: музей ҳар ҳафта ўзини реклама қилиш имконига эга бўлди; телевидение оригинал иш шаклига ва қизиқарли материалга эга бўлди; болалар ва уларнинг ота-оналари музейнинг тарихий

саҳифаларидан олинган ишончли билимга ва ахборотга эга бўлишиди.

Музей ОАВга қанча кўп мурожаат қилса, ОАВда бундай ишончли манбадан ахборот олиш истаги шунча кўп бўлади. Агар музей ахборотининг кенг омма учун тўлиқ етиб бормаслиги муаммосини эсга оладиган бўлсак, ОАВлар бу муаммони ҳал қилишга ёрдам беришлари мумкин: репортёрларнинг ўзлари ўзига хос муаммоларни томошабинларга ва тингловчиларга тушунарли тилда изоҳлаб беришга тайёрдирлар.

Қуруқ зерикарли матндан қочиш учун уни ахборот мўлжалланган аудиторияга мослаштириш керак. Янгиликларни ширали тилда, мантиқий аниқ шаклда бериш керак. Ўз фикрини аниқ ва асосли ифодалай олувчи шахс катта муваффақиятга эришади.

Маданият соҳасида юзлаб қизиқарли янгиликлар бўлишига қарамасдан музей ахборот ўқувчи учун энг фойдали бўлиб кўриниши керак. Янгиликнинг глобал тусда бўлиши шарт эмас, баъзан ҳамма нарсага маҳаллий нуқтаи назардан қараш фойдалидир.

Коммуникация – икки томонлама жараёндир: истеъмолчилар талаби музей таклифини келтириб чиқаради, музей янгиликлари кишиларни ўраб турган ҳаётга таъсир кўрсатади.

Ахборотни қисқа, лўнда беришга ўрганиш керак. Одатда энг зўр янгиликни ифодалаш муддати 2 дақиқадан ошмайди, 30-40 сония энг мақбул ҳисобланади. Ҳар қандай хабар, у энг кичик бўлса ҳам, ўзида динамиzm ва информативликни ташиши керак, шунда музей учун муайян даражада паблисити таъминланади.

Ташриф буюрувчилар эътиборини жалб қилиш учун янгиликлардан ташқари музей маҳсус воқеаларни ташкил қилиши мумкин. Маҳсус воқеа музей ва унинг атрофидаги зерикарли ва кўницилган ҳаёт маромини бузиши, жамоатчилик учун воқеага айланиши керак. Қуйидагилар коммуникатив реклама ваколатига киравчи ташкил қилинувчи маҳсус воқеаларга киради: тақдимотлар, очилиш маросимлари, очик эшиклар кунлари, қабул маросимлари, конференциялар, давра сухбатлари. Таклиф қилинувчилар таркиби рангбаранг бўлиши мумкин – машҳур сиёsatчилардан тортиб спорт юлдузларигача, шоу-бизнес вакилларигача; ОАВлар ва кенг жамоатчилик ҳам иштирок этади. Маҳсус воқеа – олинган таассуротларни бевосита ифодалаш, эркин фикр алмашиш, янги шериклик алоқаларини ўрнатиш,

коммуникация ва бир вақтнинг ўзида реклама қилиш имкониятидир.

МУЗЕЙ ПЕДАГОГИКАСИННИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Хайтова З.П, МРДИ ўқитувчиси

Ўзбекистон музейлари XIX асрнинг охирларида ташкил этила бошланган. Юз йилдан ортиқ давр мобайнида музейлар ва музей иши ривожланиб, такомиллашиб келди, ҳар томонлама ўрганилди. Янгидан-янги музейлар барпо этилди. Ҳар бир тарихий даврда музейларнинг илмий концепцияси ўзгариб борди. Буларнинг ҳаммаси илмий манбааларда ёритиб борилди. Барча тарихий даврларни ва маданиятимиз осори-атиқаларни тарғиб этувчи музейларда бугунги кунда таълимий, яъни музей педагогикаси концепциясини инновацион методларда шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Тошкент музейлари, бевосита ёш авлод тарбиясида миллий ғуур ва миллий маънавиятимиз анъаналарини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиди.

Замонавий бадиий жараёнда музейлар муҳим педагогик қарашларни умумлаштирган ҳолда амалий лойиҳаларни ишлаб чиқмоқда. Музей илмий педагогик таълим муносабатларига бағищланган муаммолар борасида музей иши соҳасидаги замонавий нашрларда қизиқарли фикрлар баён этилмоқда ва мавзу доирасидаги илмий изланишлар тадбиқ этилмоқда. Мавзуни ёритишда асосан рус тилидаги адабиётларга мурожаат этишга тўғри келди.

Бу борада муаллиф Б.А.Столяровнинг “Музей педагогикаси (тарихи, назарияси ва амалиёти)¹⁴²” нашрини асосий, етакчи манба сифатида эътироф этишимиз жоиз. Бу манбаада бевосита музей педагогикасининг шаклланиш тарихи аспектлари, музей типологиясига доир таълимий назариялар, маданий-бадиий жараённи англашда музейларнинг роли, музей педагогикасининг назарий аспектлари, музей экспозицияси тузилишида методик аспектлар, ўқитувчи ва музей муносабати ҳамда амалий ўрганиш жараёнлари мавзулари тўлақонли ёритиб берилган. Шунингдек, музейшунослик соҳасидаги илк бор ёзилган ўқув қўлланмалардан

¹⁴² Б.А.Столяров. Музейная педагогика. История. Теория. Практик. М., 2004

музей педагогикаси қисман ёритилган Д.Т.Курязованинг¹⁴³ илмий ишидан ҳам фойдаланилди.

1990 йилларнинг бошларига келиб, музей педагогикаси бўйича олиб борилган кенг миқёсдаги тадқиқот ишлари олиб борилди. Илмий ишларнинг натижалари нашр этиб борилди. Масалан, А.К.Ломунова ва Д.Майерс XX асрнинг 90-йилларида шаклланган музей педагогикасига бағишланган йирик илмий ишларини ёздилар¹⁴⁴. Илмий тадқиқотлар алоҳидаги музейларда ҳам давом этиб, уларнинг натижалари матбуотда эълон қилиниб борилди¹⁴⁵. Е.Б.Медведева ҳам музей мутахассислиги ва музей иши тарихига оид монографиялар ёзган¹⁴⁶.

Юқоридагилар билан бир қаторда, кўп сонли музейлар бўйича аудитория ёшига мўлжалланган йўлқўрсаткичлар ва илмий-оммабоп нашрлар ҳам чиқкан. Улар жамиятнинг музейларга бўлган қизиқишини кучайтиришга қўмаклашган ва музей педагогикаси тарихи хақида умумий тушунчалар берилган.

Ўзбекистонда музей қурилиши тарихи ва музей ишига оид яхлит адабиёт йўқ. Ўзбекистонда музей иши тарихи бўйича ягона фундаментал монография Н.С.Содиқованикидир¹⁴⁷. Унда асосан 1975 йилгача бўлган музей иши тарихи ёритилган. Н.С.Содиқованинг “Маданий ёдгорликлар хазинаси” китобида эса республикамиз музейларининг ташкил топиши, ривожи ва уларнинг серқирра фаолияти кенг материаллар асосида таҳлил қилинган¹⁴⁸. Мазкур адабиётларда асосан тарих нуқтаи назаридан ёндошилган.

Музейларда педагогик фаолият XX аср бошларидан шаклланди. Мазкур фаолият Германияда яхши ривожланади ва “музей педагогикаси” терминини ilk бора 1934 йилда немис олими К.Фризен киритади. Ғарб мамлакатларида музей иши фаолияти ва музей педагогикасининг ривожланиши натижасида санъатни тобора кенроқ контекстда талқин этишнинг янги имкониятлари пайдо бўлган. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларига қадар Ўзбекистонда музейнинг таълим-тарбия

¹⁴³Курязова Д.Т.Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (Тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида).

Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. – Тошкент: Ўз ФА Тарих институти, 2009.

¹⁴⁴ Ломунова А.К. Воспитание музейной культуры посетителя. М., 1990;
Майерс Д. Социальная психология. М., 1999;

¹⁴⁵ Музей и образование://Музейное дело и охрана памятников: Обзорная информация. Вып. 5 М., 1989.
Государственная Третьяковская галерея. Очерки истории. 1956-1917. (Л., 1981.)

¹⁴⁶ Медведева Е.Б. О значении термина «Музейная педагогика» в теории и практике современной деятельности российских музеев // Музей. Образование. Культура: Процессы интеграции. М., 1999.

¹⁴⁷ Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане., Т. 1975. С. 290

¹⁴⁸ Содиқова Н.С. Маданий ёдгорликлар хазинаси 1981. Б. 270

дастурлари экскурсия ва маъruzалар билан кифояланар эди. Бугунги кунда томошабин билан ишлаш жараёни кўпроқ изланувчанликни талаб этмоқда. Экспозиция яратишда, фазовий бўшлиқни тўлдиришда, яъни интеллектуал ёки жисмоний маконни ҳосил қилишда музей педагогининг фаолияти жуда каттадир. Турли фикрлар, нуқтаи назарлар ва билимлар экспозициянинг муваффақиятли чиқишига замин ясайди. Томошабинга савияли эстетик муҳитни яратиш керак. Агар экспозиция лойиҳаси юқори даражада савияли ва омадли ташкил этилса, барча асарлар ягона ҳамда яхлит катта асарни ҳосил қиласди.

Музей таълимни фаолиятига эътибор билан қараган музейлар катта томошабинлар кўламига ўз дастурлари ва акцияларини таклиф этадилар. Улар ўз диққатини катталардан тортиб, болалар, оилалар, мактаб гурухлари, ҳаттоқи ўқитувчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратадилар.

Музейнинг таълим дастурлари музей биносида ёки бошқа муассасалар билан уюштирилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Масалан, мактабларда, олий ўқув юртларида, кутубхоналарда ёки маҳалла марказларида ва бошқа жойларда. Бадиий музейларда бу каби таълим дастурлари музей ходимлари, маҳсус мутахассислар томонидан ёки кўнгиллилар ёрдамида ташкиллаштирилган санъат, ҳунармандчилик асарлари намойиши, ижодкорлар билан учрашув, фильмлар тақдими, катта ёки кичик ёшдагилар учун маҳсус ўқув курслари кўринишида бўлади. Баъзи музейлар оилалар учун мўлжалланган (яъни, катта ва кичик ёшдагилар учун қизиқарли бўлган) дастурлар тақдим этадилар. Бу каби дастурлар доирасига дам олиш куни фестиваллари, амалий симпозиумлар ва маҳсус ташкиллаштирилган давралар киради.

Музейлар дастлабки таълим соҳасида мактабларнинг муҳим ҳамкаслари саналади. Улар ўз коллекцияларини ўқув жараёнига киритиш учун таълим материаллари ва ижодий учрашувлар тақдим этадилар. Музей педагоглари маҳсус дастурлар ва материалларини ўқув режаси талаблари асосида шакллантириш мақсадида мактаб маъмурияти ва ўқитувчилари билан ҳамкорлик ишлари олиб борадилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 87 та музей, жумладан, 18 та тарихий, 25 та ўлкашунослик, 10 та бадиий, 16 та мемориал ва 18 та бошқа йўналишдаги музейлар фаолият кўрсатиб

келмоқдалар. Музейлар маънавий-маърифий муассасаларнинг таркибий қисми сифатида жамиятда ўзига хос ўрин тутиб, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ислоҳотларни тарғиб этиб, ўзликни англаш, фаолиятни умуммиллий тараққиётни таъминлашга сафарбар этишда, шунингдек, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда муҳим омилдир. ЎзДСМнинг Ўзбекистон рангтасвири бўлими фаолиятига асосланиб миллий мустақиллик шароитида ёш авлодни тарбиялаш, шахсни камол топтириш, эътиқод ва маслакларини шакллантириш, маънавий-аҳлоқий юксалтириш жараёнига олиб киради.

Замонавий музейларда педагогик таълим концепцияси кўп қиррали кўринишда қуидаги фикрларни умумлаштириши лозим;

- ёрқин ва намунавий экспозицияларни жамлаган, музей иши доирасидаги замонавий лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқсан ҳолда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги амалий аҳамияти;

- глобал муаммолар шакли ва кўринишидаги ижтимоий ҳаёт лавҳаларига асосланган кўргазмалар ташкил этиш ва уларни ёшлар ҳаётига тарғиб этиш;

- танишув жараёнида музейнинг ривожланиш перспективаси ва имкониятларини баён этиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Государственная Третьяковская галерея. Очерки истории. 1956-1917. Л., 1981.

2. Курязова Д.Т.Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (Тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида). тарих фанлари номзоди диссертация автореферати. – Тошкент: Ўз ФА Тарих институти, 2009.

3. Ломунова А.К. Воспитание музейной культуры посетителя. М., 1990;

4. Майерс Д. Социальная психология. М., 1999;

5. Музей и образование://Музейное дело и охрана памятников: Обзорная информация. Вып. 5 М., 1989.

6. Медведева Е.Б. О значении термина «Музейная педагогика» в теории и практике современной деятельности российских музеев // Музей. Образование. Культура: Процессы интеграции. М., 1999.

7. Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане., Т. 1975. С. 290

8. Содикова Н.С. Маданий ёдгорликлар хазинаси 1981. Б. 270
9. Столяров. Музейная педагогика. История. Теория. Практик. М., 2004

ЎЗБЕКИСТОННИНГ XIX АСР АНЬАНАВИЙ ЛИБОСИНИ ТИКЛАШ МУАММОЛАРИ (“Тикланиш” лойиҳаси материаллари мисолида)

Мирзаназарова Э.Я, МРДИ, катта илмий ходим-изланувчи

Юртимиз мустақилликка эришгач, барча жабҳада миллий урф-одатлар, азалий анъаналар, маънавий-маданий қадриятларга бўлган эътибор ортди. Қарийб чорак аср мобайнида қўлга киритилган ютуқларни барадла тилга олишва ҳар томонлама тахлил қилиш, керакли хулосаларни чиқаришнинг айни вақти деб ўйлаймиз. Чунки бугунги кунда етишиб келаётган янги авлод дизайннерлари учун мустақиллик даврида катта тажриба мактаби шаклланди. Мазкур соҳада илк қадам қўйган дизайннерларимизнинг ишлари таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон замонавий либос дизайн мактабининг шаклланишида нафақат модельерлар, балки бир қатор ҳомий ташкилотлар ёки алоҳида меценатларнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Шундай инсонлардан бири Фахритдин Абдужабборовдир. Унинг ташаббуси ва ишбилармонлиги туфайли “Ўйғониш” номли Ўзбекистон худудлари анъанавий либослари коллекцияси юзага келди. Мазкур лойиҳани яратишдан асосий мақсад узоқ даврлардан буён шаклланган, лекин унутилган халқимизнинг асрий анъаналарини тиклаш ва ёшларга қадимги либосларни нафақат кўриш, балки уларни унутилмас онларида (тўй куни) кийиш имконини ҳам беришдан иборатдир.

Дизайнерлар Саодат Муратходжаева (либос) валюбовъ Султонова (оёқ кийимлар) томонидан “Тикланиш” лойиҳасидаги VIII-X асрнинг қадимги Сўғд либоси, Ўзбекистоннинг Бойсун (Сурхандарё вилояти), Жайнау (Қашқадарё вилояти), Тошкент (Тошкент вилояти), Қўқон (Фарғона вилояти), Самарқанд, Бухоро, Нурота (Зарафшон худуди), Хоразм, Қарақалпоғистон худудларига хос анъанавий келин-куёв либослари замонавий матолар ёрдамида яратилди.

Лойиҳадаги VIII-X асрнинг Сўғд либоси ўзига хос ва энг қадимийдир. Безаклик ибодатхонасининг деворий сурати асосида зодагонлар либослари қайта тикланди (1). Кашта билан безатилган

калта енгли, олд қисми бир-бирига ўтвичи либосўрта асрлар кийимининг энг муҳим бўлаги ҳисобланган. Нақш композицияси Ўрта Осиёда мўғуллар ёрдамида кириб келган хитой либосларига хосдир. Куёвнинг бош кийимида дизайннер ижодий ёндашиб, унинг шаклига бир мунча ўзгартириш киритган. Бундай бош кийимларни кўпроқ XV-XVII аср миниатюраларида кўришимиз мумкин.

Келин кўйлаги ўша давр миниатюра тасвиirlари “Бахром қора саройда”, “Искандарнинг Рухшонага уйланиши” асосида бажарилган. Келиннинг устки либоси вапаранжига ўхшаш енгил халатдан ташкил топган. Халат енги узунлиги кўйлакнинг этагигача бўлиб, унинг юқори елкага уланган қисмидан вертикал қирқимга эга. Паранжи сўзи форсча “фараджи” бўлиб, у кўйлак деган маънени билдирган. У илк бор Мисрда пайдо бўлиб, Ўрта Осиёда XVI асрда Шайбонийлар даврида фараджи-халатни олимлар, давлат хизматчилари ва дин пешволари кийишган (2). Ергача узун бўлган енглари кейинчалик учун безак вазифасини бажариб, орқа қисмida тикилиб, жияк ва кашта билан безатилган.

Ёрқин рангли бойсунлик келин-куёв либоси айнан ушбу худудга хослигини каштасидан билиш қийин эмас. Аёллар ва эркаклар кўйлаги бойсунлик усталар томонидан қўл меҳнати ёрдамида яратилган бўлиб, унда йирик гул туширилган сўзана матосидан фойдаланилган. Фақат бир янгилиги шундаки, тарихий манбаларга кўра бойсунликларнинг либоси тиззагача бўлган, мазкур лойиҳада каштанинг бойлигини сақлаб қолиш мақсадида кўйлак бир мунча узунроқ кўринишда бажарилган. Ўзига хос бош кийим “ханбаш”каркасли асос ва устма-уст ўралган рўмоллардан иборат. Ханбашни турмушга чиққан аёллар ўраган, одатда рўмолни эри совға қилиб, уларнинг баландлиги аёлнинг табақасини билдирувчи белги эди. “Хапабанд” -геометрик шаклдаги нақшли кўкрак безаги рангли бисердан бўлиб, у Ўзбекистоннинг фақат Сурхандарё вилоятида тайёрланади (1). Эркаклар чопонидаги ёрқин рангли йўл-йўл матоси айнан шу худудга хосдир. Эркаклар дўпписи пилтадўзи чокида бажарилган.

Либос тўпламида Қашқадарё вилоятида истиқомат қилган, ўзларини шимолий Афғонистон, Эрон ва Балхдан чиққан арабларнинг анъанавий либоси акс этган. Ушбу этногурух ёшга нисбатан бир қатор бўлинмага эга: қариялар, дода -“наббат” ёки “жадди”, буви -“жудо” ва “набба”, ўрта ёшдаги эркаклар-“сабайн”, болали аёллар - “қадаса”, йигитлар - “рузъон” ва қизлар- “бинад”. Куёв либоси суб горизонтал ёқали, яримшойи

узун кўйлакдан, яктак- астарсиз тўн, шунингдек, байрамона 3-4 метрли узун кўшоқ – “вазра”дан иборат бўлган. Қизил рангли “кўшоқ”ни келин маҳсус тўй учун кашталаган, ултурмаган тақдирда тўй қолдирилган. Тўйда маҳсус куёвлар қизил салласи - “гардисалла” кийилган. Аёллар костюмидаги қадимги бош кийим “гизза” ўзига хос бўлиб, тўй куни қизилдан бой кашта ва тангалар билан безатилган оқ рангли “арус-қанна”га алмаштирилган. Тўплам: “синсила” (тақинчоқ), ундаги “хатабак” (яшил баҳмалдан манглай учун боғич), “тўйша” (даҳантаги учун қора матодан безак), “чакка-дуо” (чакка учун учбурчакли тумор-безак) билан тўлдирилган (3).

Тошкент воҳасининг тўй либоси тўпламида қизил ранг етакчи бўлганли билан характерлидир. Келин кўйлаги XIX аср 80-йилларида хос услубда бажарилган. Бундай кўйлак узун, кўкрак қисмида бурмали ва тик турувчи “ногай ёқа” (татарча ёқа) ёқаси жиякли безаги билан ажралиб туради. Устки халат - мурсакнинг бир тури бўлиб, алвон адресдан этак қисмида кенглик хосил қилиш учун қўшимча деталдан иборат ва таноб нақши билан кашталанган. “Пешвон”асоси попукли катта рўмолдан олинган, у тўй либосининг ажралмас бўлаги бўлиб, келинлар 40 кунгача айнан шу рўмолда юрган. Келин сепида 10тагача мурсаклар бўлган (4). Эркаклар тўпламидағи устки бир-бирига ўтувчи либос қизил рангли адресдан тикилган. Ушбу рангдаги адрес соғлик, ёшлини асраш каби маънени англаради. Шунингдек, тўпламда Тошкент воҳасига хос куёв либосидаги узун эркаклар кўйлаги беқасам матосидан тикилган.

Фарғонада келиннинг оқ либоси шифондан тикилган, кокеткада, учбурчак бўйин ўйими “парпара”номли сербурмауқа билан безатилган. Қоматни такрорлаб турувчи “мурсак” яшил-феруза тусдаги ёрқин беқасамдан бўлиб, Фарғона водийсида шаҳарлик қизлар кийиб юришган (5). Беқасамли пешонабанднинг юзаси чакка ва пешона безаклари билан бой безатилган. Эркаклар чопони ва унга қўшимча тикилган яримайлана шаклидаги майдада қавилган ёқаси ўзига хос наманган андозаси бўйича бажарилган. Оқ-қора дўппи, машхур чуст дўпписи деб аталувчи, ўзбекларнинг замонавий миллий либоси учун рамзий бўлган ва XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган сарт ва тожиклар томонидан “кулох” ва салла ўрнида фойдаланилган.

Самарқандда аёллар чопони - “калтача” қоматни такрорлаб, белни таъкидлаб турувчи силуэтда, кўкрак чизигигача чуқур бўйин

ўйимли бўлган. У олча рангли баҳмалдан бўлиб, бутун юзаси кашталанган. Вақт ўтиши билан у адрасли узун кўйлак билан бирга тўй либосига айланади. Ўралган соchlар учун маҳсус қалпоқча “кулутапушак”, Зарафшон юкори қисмида яшовчи аҳолига хос ва бегоналардан чехрасини бекитиш учун қўлига ташлаб қўйилган, келин рўмоли мазкур либоснинг ажралмас бўлаги сифатида хизмат қилган. Эркаклар либоси андозаси бўйича Ўзбекистоннинг шу худудига тегишли эканлигини кўрсатади. Куёвнинг оппоқ кўйлагининг “муллоча” горизонтал ёқаси мусулмонлар учун энг қулай ҳисобланган.

Бухоро воҳасида яшовчи ўзбек-тоҷик аҳолисига хос аёллар либоси кўйлак ва енглари кенг ва бир неча кўйлаклар бир вақтнинг ўзида устма-уст кийилганлиги туфайли юзага келган. Келин либоси учун кашталанган “нуғи ости” ички кўйлагига қўшимча деталлар тикилган. Улар ички кўйлакнинг бир эмас, бир неча кўйлаклар тасаввурини берган. Устки кўйлак рангли матодан тикилган ва ён чокида ҳаракатга қулай бўлиши учун вертикал қирқимли бўлган. кўйлакнинг олд қисмида “пешала” ёки “пешкурта” деб номланувчи бўйин ўйимидан этак қисмига қараб тушган кенглиги 10-14 см планканинг бутун юзаси тилла ёки кумуш иплар билан бой кашталанган. Аёллар бош кийими “пешонабанд”, бухоролик эронийлардан олинган ва устки оқ румол “саrbонд” қоматни орқадан бекитган. Келин-куёвнинг кумуш билан кашталанган либослари машхур бухоролик зардўз усталарини эслатади. Бойлар ва давлат хизматчиларининг тақиб юрган кенг камари кумуш кашта билан безатилган.

Нуротанинг туникасимон бичимдаги аёлларкўйлаги “курта” бошқа регионлардан бўйин ўйими ва енгларининг шакллари билан ажралиб турган. Бўйин ўйими горизантал “кифтаки”, “кифт” – елка сўзидан олинган, унча чуқур ўйилмаган, эркаклар бўйин ўйимидан озгина катта бўлган. Турмушга чиққач аёллар бўйин ўйими вертикал “пешъяла” қирқимли кийишган. Бундай ўзгариш “лачак-бандон” маросимидан сўнг юз берган, юз кўринишига мўлжалланган қирқимли олди ва орқа томондан қўкрак чиғигача тушувчи тўртбурчак рўмол “лачак” турмушга чиққан аёл бош кийимининг ажралмас қисми бўлган. XIX аср 90-йилларидан бошлаб, кўйлакнинг “пешъяла” бўйин ўйимиға қуйук бурма “чин” (маҳаллий талафғузда “чим”) ёки “бурма” қилинган ва кўйлаклар “чимдор” ёки “бурманок” деб номланган. Кейинчалик бундай либослар фақат тўй куни кийилган.

Мазкур тўпламда юқорида келтирилган туникасимон тўғри, кенг ва ёрқин рангли бўйин ўйими, енг, этак қисмлари, ён чокдаги вертикал қирқимлар 1917 йилда удум бўлган “лаблуба”, яъни котраст матодан лентасимон безак берилган. Келин бошидаги конуссимон “каллалипуши бухори” ёки “каллапуши пилтанак” дўпписи бошқа регионлардан нафақат номи билан, балки ўзига хос хусусиятлари билан ҳам ажralиб турган.“Пилтанак” номи бажарилиш техникасидан келиб чиқсан: дўппи чоклари орасига пилта қўйилиб қавилиши натижасида, дўппинингюзасида қовурғасимон текислик хосил бўлган.

Куёв либоси оқ ёки қизил йўл-йўл пахта толали матодан горизонтал бўйин ўйимли ички туникасимон кўйлак, иштон ва тўндан иборат бўлган. Куёв тўй куни ёрқин шойи ва парча матосидан зардўзли ёки пилтадўзи техникасида тикилган конуссимон дўппи “каллапуш” кийган, оёғида кенг тарқалган оёқ кийим “чорук”, “мукки” бўлган.

Бугунги кунгача Нурота сўзаналарида сақланган қизил, мовий, оқ юзада яшил ўзига хос ранглар либос туркумида сақланиб қолинди. Шунинг учун йигит ва қизлар либосларида хозирги нуроталик усталарнинг сўзналаридан фойдаланилди (8-расм).

Хоразм келин кўйлаги “тўй кўйнак”, “турма кўйнак”бой хонадонларда Кўқон, Бухоро ва Ўрта Осиё марказларида ишлаб чиқилган маҳаллий шойидан тикилган ва андозаси Шимолий Хоразм худудига хосдир.

Гулли устки чўпон“мисак” ёки “ялак”тўй либосининг ажралмас қисми бўлган. У пахтали бўлиб, “хава”, “кавик” чоклари билан майда қавилган. Мисак енгларининг юқори қисми кенг ва пастки қисми тор бўлган. Пастки қисмида горизонтал тешиклар бўлиб, улар меҳнат қилиш учун қулайлик яратган. Кўчада эса қўллар билаги қўринмаслиги учун енгнинг ҳаммаси кийилган.

Бош кийим “козма тахъя”ни бўлажак келинга куёв совға қилган. У рельефли баҳмалдан тикилган. Тўй куни уни келиннинг бош кийими ўткирсимон баҳмалли кулоҳча қўринишидаги“чумакли тахъя”га алмаштирилган ва тўй куни кийилган. Унинг тепаси ёмон қўздан асровчи ва донолик рамзи бўлган “ийпар” номли бой ўғли патлари билан безатилган. Тўйда кийиладиган этиклар “қизил маҳси” бўялган қизил теридан тайёрланган. Унинг ичидан дағал суруп матосидан узун қирқимлардан бичилганпайтава кийилган. Тўй оқшоми келин

ушбу матоларни ечиб, түшакга қўйган ва уни эрталаб қайнонасига кўрсатган.

Хоразмнинг анъанавий эркаклар либоси мажмуаси таркибида чўнтак ўрнига битта узун тешиклиолди ёпиқ кўйлак, иштон, майда чокли устки чўпон “яктак”, “астардўш”, “авра тўн” ва қўй жунидан тикилган, толаси узун чугурма қалпоғи бўлган. Бой байрамона лиbosлар, айниқса куёвнинг либосига, оловли қизил ипакдан“мадали белбоғ” ёки уч метрли “терма белбоғ” қўшимча бўлган.

Қорақалпоқ келин кўйлаги Нукус шаҳридаги Савицкий номли музейда сақлананаётган либос фотонусҳалари асосида тикланган. Кўк феруза рангли либос ва паранжининг ўзига хослиги рангининг тусланишида, қизил кашталаңган маҳсилар, келиннинг бой безатилган соч попукли баланд бош кийими бутун тўпламни ёрқин ва ўзига хос қилмоқда.

Куёвнинг тўй либоси қавилган бош кийим –“телпак мўйна” билан безатилган. Мўйнали безак шунингдек, чопоннинг пастки қисмига ҳам жойлаштирилган.

Дизайнер ўз олдига қўйган мақсади, яъни Ўзбекистон худудида асрлар давомида шаклланган лиbosлар яратиш анъаналарини бугунги кунда яратилаётган матолар ёрдамида қайта тиклашни аъло даражада бажарди десак, ҳато бўлмайди. Этнографик экспедициялар ва тарихий адабий асарлар асосида яратилган фольклор қўринишдаги турли вилоятларга хос келин-куёв лиbosлари, бичими XIX асрнинг иккинчи ярмига хос бўлиб, тарихий андозалар бўйича тикилган.

Ўзбек миллий байрамона ва маросим лиbosларини яратища оддий кундалик услуб, яъни кўйлак, халат, бош кийим кабилар асос қилиб олинган ва мамлакатимиз маълум бир худудининг маънавий маданияти билан уйғунлашган ҳолда либос ўзига хос қўринишни касб этиб борган. Шу билан бир қаторда либоснинг бир бўлаги – хоҳ у қандайдир детал бўлсин, хоҳ гули ёки нақши, мато ранги, умуман матоси – булар маросим кийимининг асосий маъносини ўзида мужассамлаштирган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лобачёва Н.П. Среднеазиатский костюм раннесредневековой эпохи // Костюм народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. М.: Наука, 1979. с.19-48.
2. Абдуллаев Т.А., Хасanova С.А. Одежда узбеков (XIX – начало XX в). Т.: Фан, 1978, с 8.

3. Исмаилов Х. Традиционная одежда арабов Кашкадарьинской области // Костюм народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. М.: Наука, 1979. с.228-239.
4. Бикжанова М.А. Одежда узбечек Ташкента XIX – начало XX в // Костюм народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. М.: Наука, 1979. с.133.
5. Садыкова Н. Узбекский народный костюм. XIX-XX вв. Т.: Шарқ, 2003, с. 97.
6. Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана XVIII-XIX веков. Т.: Ўзбекистон, 2000, с17.
7. Люшкевич Ф.Д. Одежда этнических групп населения Бухарского оазиса и прилегающих к нему районов. Первая половина XIXв. // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. М.: Наука, 1989, с 107-139.
8. Сухарева О.А. Древние черты в формах головных уборов народов Средней Азии // СЭС. 1954, с343-344.
9. Материалы Южноузбекского отряда Хорезмской экспедиции. 1947 г.
10. АИЭ (Л). Экспедиция 1971 г. Снесаров Г.П. Реликты домусульманских веролваний и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969. с103.
11. Богословская И. Киймешек // “San’at” № 2, 2002, с.12.

НОАННАВИЙ МУЗЕЙЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ВА ТАКОМИЛЛАШУВ ОМИЛЛАРИ

Қосимова Ш, МРДИ ўқитувчиси

Билимлар, тасаввур ва ғояларнинг жадал эволюцион динамикаси доимий равишда замонавийликка яроқсиз бўлган мавжудликнинг элементлари ҳажмини ошириб боради. “Ноанъанавий музейлар ҳам кичик коллекциялар назарида ташкил этилсада, жамиятда йўқолиб бораётган қадриятларни намойиш этади ва у замонавий жараён таҳдид солаётган абадий умуминсоний қадриятларга эътибор қаратиши мумкин. У ҳам мавжуд статусга эга давлат музейлари қаторида мавжуд ва бўлиб ўтган маданиятнинг анъаналар билан дахлдорлигини ва изчиллик асосидаги ривожланишида қадриятларнинг мерос сифатидаги аҳамиятини белгилаб беради”¹⁴⁹.

¹⁴⁹Ракитов А.И. Новый подход к взаимосвязи истории, информации и культуры негосударственных музеев // Вопросы философии. – 1994. №4. – С.3.

Янги мураккаб вазифалар билан юзлашган бугунги кун музейшунослиги учун мантикий ривожланишнинг ички эҳтиёжларига асосланган ноанъанавий музейлар коллекцияларнинг методологик ва назарий муаммоларига назар қаратиши муҳимдир. Чунки, бу замонавий музей ишининг ривожланиш тенденциясини ўрганишда оптималь модель саналади. Хар қандай ноанъанавий музей фаолиятининг заминида илмий-тадқиқот ишлари ётади ва у музей илмий концепциясидан тортиб то унинг маърифий фаолиятига қадар харакат ва ривожланиш манбасини яратади. Илмий-тадқиқот ишларисиз “фондларни самарали комплектлаштириш, ёдгорликларни сақлаш даврини максимал даражада узайтириш, мукаммал лойиҳалаштирилган экспозиция яратиш ва илмий-оқартирув ишларини йўлга қўйиш мумкин эмас ҳамда музейнинг жамиятнинг ўрнини белгилаб бўлмайди”¹⁵⁰. Бў ўринда айтиб ўтиш жоизки айнан ноанъанавий музейларида фақатгина муаллақ экспозиция яратилган ҳолда, илмий тадқиқот ишлари ривожланмай қолиб кетмоқда.

Ноанъанавий музейлар тизими фаолиятини ёритишдан аввал, уларнинг шаклланиш тарихини ёритиши ушбу бўлимининг асосини ташкил этади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, барча ноанъанавий музейлари давлат музейларини шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки илк шахсий коллекциялар ноанъанавий музейлари яратилишига ихтисослаштирилган музейлар асосида давлат музейлари пайдо бўлишига асос бўлди¹⁵¹.

Дастлаб бу тушунча санъат, фанга оид буюмлар (экспонатлар) коллекциясини англата бошлайди, кейинчалик XVIII асрдан бошлаб экспонатлар жойлашган бинони ҳам ўз ичига олади. XIX асрдан илмий-текшириш ишлари ҳам музей тушунчасига киритилади. XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб музейнинг ташкилотлар тарихини ёритувчи маҳсус лойиҳалари негизида ноанъанавий музейлар тизими фаолияти бошланади. Компьютер техникаси ва Интернетнинг ривожланиши билан Интернетда ва CD-ROMда виртуал ноанъанавий музейлар пайдо бўла бошлайди.

1816 йилдан бошлаб Россияда ноанъанавий музейлар¹⁵² тизими расман омма эътиборига ҳавола этила бошланган. Аввалига фақатгина шахсий коллекционерларнинг мажмуалари асосида очилган музейлар ноанъанавий музейлар саналиб,

¹⁵⁰Тверская Д.И. Музей как научно-исследовательское учреждение. Музейное дело. – М.: 1998. – С.71.

¹⁵¹www.Lomakova.ru; www.unstatemuseums.org

¹⁵²Бу ўринда шахсий коллекционерлар асосида ташкил этилган музейлар назарда тутилган.

кейинчалик ушбу коллекциялар давлат ихтиёрига ўтиши билан фақатгина давлат музейлари статуси сақланиб қолди. Собиқ тоталитар жамиятда фақатгина Давлат музейлари фаолият олиб борган бўлса, 1993 йиллардан ноанъанавий ташкилотларнинг ривожланиши асосида ушбу тизимга қайта асос солинди. Бугунги кунда Россияда маданиятшунос ва музейшунос Д.Ломаков томонидан "Союз негосударственных музеев России" норасмий ташкилоти тузилган бўлиб, ушбу ташкилот Россиядаги ноанъанавий музейларнинг (бу ўринда Россияда муниципал, ўлкашунослик, уй-музейлар, ташкилотлар қошидаги музейлар, шахсий музейлар) юридик ва молиявий жиҳатдан кўмак бериб туради. Афсуски, ушбу Малакавий битириув ишини ёзиш даврида қатор ноанъанавий музейларнинг сайтларига кириб кўрилганда ҳали-хануз расмий ахборотлар манбаи сифатида маълумотлар умумий ёритилганини гувоҳи бўлдик. У ерда фақатгина ноанъанавий музейларнинг иш куни тартиби, чипта нархи, экспозициясининг ноёб жиҳатлари қисман берилиши чегараланиб қолинган. Ўзбекистондаги ноанъанавий музейлар фаолияти тўғрисида эса интернетда электрон маълумотлар ҳам, илмий манбаларда ҳам деярли ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

1946 йилда музейлар фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш мақсадида ICOM (ингл. *International Council of Museums*) Халқаро ташкилот ташкил қилинади. Бу ташкилот 115 мамлакатдан 27500 дан ортиқ иштирокчини бирлаштириб, давлат ва ноанъанавий музейлар тизимида ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан узвий алоқада иш олиб боради¹⁵³.

Ноанъанавий музейлар маҳсус тематик функцияни умумлаштирган ҳолда, маълум бир соҳа ёки ўлка тарихини қисман ёритувчи манбалар асосида фаолият олиб боради Ноанъанавий музейлар бошқаруви таъминлаш эса музейни ташкил этилган маъмурият ёки мулкдор зиммасига юридик жиҳатидан юклатилган бўлиб, маҳсус ишлаб чиқилган норматив материаллар қонун-қоидаларига риоя қилинади. Ушбу норматив ҳужжатларда, музей фаолияти учун алоҳида пункт ажратилган бўлади.

Ноанъанавий музейларни ташкил этишда қўидаги объектив шароитлар мавжуд бўлиши зарур:

- музейнинг штат дастури;

¹⁵³uokm@mail.ru

- музей предметлари киритилган ва фактик қайд этилган кирим китоблари, (инвентарь китоблари);
- Музей предметларини сақлаш ва намойиш этиш учун маҳсус хоналар;
- Музей экспозицияси;
- Музейнинг низом ва кўрсатмалар дастури.

XXI асрга келиб ноанъанавий музейларнинг роли катта эътиборга эга бўлиб келаётганлиги яққол намоён бўлмоқда. Ноанъанавий музейларнинг ижтимоий роли ҳакидаги мулоҳазалар музейшунослик даврланиши саҳифаларида муҳим ўрин тутмоқда. Оммавий аудиторияга мурожаат этган ҳолда, илмийлик ва қизиқарлиликни муқобиллаштирилган ҳолда ноанъанавий музейларга ҳам илмий муассаса сифатида қаралмоқда. Ноанъанавий музейлар жамиятнинг ривожи ва атроф мухитга ижобий таъсир этаётганлигини кўришимиз мумкин.

Музей ва жамият орасидаги ўзаро алоқа муаммоларини ечиш йўлларини излаш, ўтган 100 йиллик мобайнида шаклланган классик музей концепциясидан воз кечиб, янги интилиш натижасида ноанъанавий музейлар учун керакли материалларини тайёрлаш учун янада самарадорлик йўлларини танлаш, музей фаолиятининг ноанъананавий дастурларини ишлаб чиқиши, структура ва ходимларни тайёрлаш, замон талабига жавоб берадиган техник жиҳозлар билан таъминлаш ва музейларни информацион оламда кенг намойиш этиш бугунги кунда ноанъанавий музейларнинг олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хозирда ноанъанавий музей ўз фаолиятини ташриф буюрувчилар қизиқишини, эътиборини имкон қадар кўпроқ жалб қила олишда белгиланади. Бу борада информацион технологиялар олами кўмак беради. Глобаллашув-интеграциялашиш жараёни шиддат билан авж олаётган паллада информацион-коммуникация технологиялари, интернет тармоғи орқали маълумотларни тарқатиш бўйича эришилаётган натижалар мислсизdir.

Замонавий технологиялар ноанъанавий музей фаолиятининг музейда оптимал ҳарорат ўрнатишидан тортиб то виртуал музейлар яратишгacha бўлган барча соҳаларда имкониятларни кенгайтиради. Энг асосийси янги информацион технологиялар маданий-маърифий ва таълим имкониятларини кенгайтиради. Интернет хизмати биринчидан, ноанъанавий музей ўз экспонатларини кенг оммага намойиш қила олишда, иккинчидан,

музей имиджини доимий ушлаб туришда, учинчидан, реал музейларда бўлмаган виртуал имкониятлар яратилишида асосий электрон манба бўлиб хизмат қилади. Музейлар тўғрисида маълумот ва рекламанинг кўп ва тўғри танланиши ҳомийлар эътиборини қозонишда кўмак беради.

Россиянинг деярли ҳар бир шаҳрида ушбу тартибдаги музейлар ташкил этилганлигига амин бўлинди¹⁵⁴. Ушбу музейларнинг тарихи ва иш фаолияти доимий музей шайдолари учун кўргазма ёки лойиҳалар ҳақидаги янги маълумотлар етарли маълумотга эга бўлиш ёки бўлмаса вақтни мароқли ва қизиқарли ўтказишга сабаб бўлиши мумкин. Бир мамлакатда яшаб турган оддий одамнинг дунёнинг нариги четидаги ноанъанавий музейлардан бирига бориши хаёлига ҳам келмайди, лекин у сайтдан музейнинг қизиқарли жиҳатларини ўзлаштира олса, унга боришни режалаштириши ҳам мумкин. Бундан ташқари ноанъанавий музейларда замонавий технологиялар: дисклардаги гидлар, электрон каталоглардан фойдаланиш ҳам музей ихлосмандларига қулайлик яратиб, ташрифни қизиқарли амалга оширади. Бироқ реал музей шароитида жуда кўп нарсаларнинг имкониятлари чегараланган бўлади. Бу имкониятлар билим олишга ва таълим натижаларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бунда ўнлаб мутахассисларнинг катта самарали меҳнати ётади. Айнан мутахассислар экспонатларни мазмунан саралаб уларнинг у ёки бу тегишли гурухларга ажратиб, изоҳлар ёзиб маълумот берадилар. Ҳар қандай замонавий музей глобал информацион тармоқда намоён бўлиши керак. Натижада сайтлар музей учун ўз тўпламларини намойиш қилишда кўшимча имкониятларни очади, касбий ахборот алмашинув жараёни кескин кучаяди, музейга етишмаётган ресурсларини жалб қилиш ортади, тармоқдаги ноанъанавий музей ваколати унинг ривожига ҳисса қўшади, унинг сайтлари музей лойиҳалаштиришнинг синов майдонига, турли музей моделлари яратиш майдонига айланади.

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

Сайдова З.М, МРДИ ўқитувчиси

Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг, Президент Ислом Каримовнинг илк қарорларидан бири, тарихимизни қайта кўриб чиқиш масаласи бўлди. Давлатимизнинг

¹⁵⁴Қаранг: www.anumuseums.ru.

равнақига катта хисса қўшган кўплаб алломалар, давлат арбоблари, лашкарбоши ва буюк саркардаларнинг юзлари қора парда билан ёпилган эди. Жумладан, кўплаб тарихий воқеалар тўғрисида сўз очиш ҳам мумкин эмас эди. Ўқув юртларида Ўзбекистон тарихига жуда кам вақт ажратилган ва тарихий қаҳрамонларимизга салбий баҳо берилган эди. Масалан, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг ижобий томонлари бекитилиб, фақат салбий томонлари хақида ёзилган. Мустақиллигимиз шарофати билан, халқимизда “Амир Темур тузуклари” китобини ўқишига имкон яратилди ва Амир Темур хақидаги фикрлар ўзгарди.

Мустақиллик давридан бошлаб, кўплаб алломаларимизнинг номлари қайта тикланиб, уларнинг таваллуд кунлари нишонланиб келинмоқда. Шунингдек, қадимий шаҳарлар ҳамда маданият масканларининг номлари ҳам тикланган. 2006 йилнинг 2 ноябрь куни Хоразм вилояти, Хива шаҳрида Маъмун Академиясининг минг йиллиги қизғин нишонланди. 1017 йилда Ғазна хукмдори Махмуд Ғазнавий томонидан вайронага айлантирилган Маъмун Академияси минг йилдан сўнг, мустақиллигимиз шарофати билан қайта тикланди. Бу муҳим тарихий воқеа барча ўзбек халқини янги меҳнат зафарлари томон илҳомлантириди.

Ер юзида фан Академияларининг пайдо бўлиши биринчи музейларнинг яратилиши билан чамбарчас боғлиқ. “Музей”, музейон сўзи инсон маданиятига икки ярим минг йил илгари, яъни антик даврда кириб келди. Лекин унинг маъноси хозирги музей тушунчасидан анча бошқачароқ эди. Қадимги Юнонистонда “Музейон”деб маъбудалар шаънига эъзозланадиган масканларни айтганлар. Шунингдек музейонлар ибодатхона вазифасини ҳам ўтаган. Олдинлари маъбудалар худонинг вакиллари хисобланган. Кейинчалик илм-фан ва санъатга хомий худолар деган тушунча пайдо бўлган. Музейонларда кўпинча олимлар, шоирлар, файласуфлар, санъат усталари йиғилишар, гўзал маъбуда хайкаллари уларга илҳом бағишлиар эди. Бундай масканларга буюк Юнон олимлари Птоломей, Платон, Аристотеллар бошчилик қилганлар. Музейонлар Шарқда ҳам кенг тарқалган. Ўша даврдаги Балх музейони, Александрия музейонини эслаш мумкин. Айниқса, Александрия музейони дунёга машҳур бўлган. У ерда подшо томонидан музейон учун катта маблағ ва бино ажратилган.

Баъзи бир олимлар бизнинг худудимизга илм фан, санъат, маданиятни юнонлар олиб келинганлиги тўғрисида фикрлар

айтилган. Лекин, кейинги тадқиқотларга қараганда, зардустийлик дини даврида санъат ва маданият юксак чўққиларга чикқан. Александр Македонский Ўрта Осиё юришларида бўм-бўш худудларга эмас, маданияти юксак ривожланган мамлакатга келган. Юнонлар келмасидан олдин ҳам илм фан, маданият ривожланган. Хоразм ва Моварауннахр худудларида қудратли давлатлар бўлган. Хукмдорлар олиму-уламосиз бу давлатларни бошқара олармиди? Кум сахролар ичида қолиб кетган қадимий қалъалар қолдиқлариға бир назар ташласак, бу қалъаларни, ичидаги иморатларни бир текшириб, қалъа ва иморатлар конструкциясини синчилаб ўргансак, уларнинг ижодкорлари - меъморлар, усталар - табиий фанлар; физика, математика, химиядан ҳабардор бўлишган. Археологик топилмаларга қараганда, аждодларимиз хайкалтарошлиқ, мусаввирилик, кулолчилик, мисгарлик, бронзага ишлов бериш ва бошқа ишларда мохир уста бўлишган.

VII асрга келиб, араб истилочилари Ўрта Осиёга бостириб кела бошлашган ва юртимиздаги маданият ўчоқларини сўндиришган. Зардустийлик дини илдизларини йўқотиш баҳонасида кўплаб илмий китоблар ҳам йўқ қилинган.

VII-IX асрларга келиб, Боғдод шаҳрига хар хил худудлардан олимлар таклиф қилинган. Натижада Боғдод Академияси вужудга келган. Бу Академияда буюк аждодларимиз Мусо Ал Хоразмий, Замахшарий, Ал Фарғонийлар илмий ишлар билан шуғулланиб, ўз ватанлариға катта шону - шухрат олиб келишган. XI асрнинг бошларида Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун Абдулабbos ўз атрофига таниқли олимларни йиға бошлади. Аста-секин фанлар Академияси вужудга келди. Мазкур Академияда Абу Райҳон ал Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср деган олимлар ишлаган ва юзлаб олимларга раҳнамолик қилишган. Табиий фанлар, астрономия, физика, математика, химия, минералшунослик ва бошқалар Академияда ўрганилган. Айниқса Абу Райҳон ал Беруний етакчи олимлардан бири бўлган ва у кўп фанларга қизиққан. Зардустийлик дини даври тарихини тиклаш бўйича Берунийнинг хизмати бекиёсdir. У исломдан олдинги 19 та подшони номини айтиб, улар давридаги ижтимоий сиёsat, илм-фан, санъат маданият тўғрисида кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирган. Бундан кўриниб турибдики, юнонлар ва араблардан олдин ҳам бизнинг худудимиизда илм - фан ривожланган.

Тарихий хужжатларга асосланиб айтиш мумкинки, Маъмун Академиясининг илдизлари Юнонистондан ёки Мисрдан эмас, балки ўз худудларимизда Зардуштийлик даврларидан излаш мумкин, десак муболага бўлмайди. Маъмун Академиясида туб аҳолидан чиққан, шу ерда туғилиб ўсган олимлар ишлаган. Маъмун Академияси минг йилдан кейин қайта тикланди. У ерда ўзимизнинг ўзбек олимлари ишламоқда. Ушбу Академия муҳим бир пайтда, Хоразмнинг экология муаммолари даврида пайдо бўлди. Бугунги кунда Маъмун Академиясида ижод қилаётган олимлар бу муаммоларни ечишда катта илмий ишлар қилишлари муқаррар. Мазкур Академия Хиванинг энг гўзал жойида жойлашган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида қурилган иморат қайта таъмирланиб, Хива қадимий меъморчилиги билан уйғунлаштирилиб, чиройли иморатга айлантирилган. Қадимий Қўша дарвоза ва Боқча дарвоза ўртасида жойлашган Маъмун Академияси Хива шаҳрининг кўркига кўрк қўшиб турибди.

Адабиётлар

1. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины XIX в. – М.: Искусство, 1965.
2. Бекмуродов М.Б. Раширова М.Х. Музейшунослик. Тошкент: Ворис-Али, 2006.
3. Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Тошкент: Санъат, 2010. – Б. 25.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР РАВНАҚИ

Мирзаев Г.Р, ТДПУ катта илмий ходим-изланувчиси

Ўзбек ва туркман халқини асрлар давомида бир-бири билан боғлаб келган тил, дин, тарих, урф-одат ва анъаналар муштараклиги ҳамда кўп жойларда икки халқ вакиллари қариндошлиқ ришталари билан мустаҳкам боғланганлиги ҳам Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Хозирги пайтга келиб сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларга доир 180 га яқин хужжатни ўз ичига олган икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам шартномавий-хуқуқий асоси¹⁵⁵

¹⁵⁵ Ўзбекистон – Туркманистон: Самарали ҳамкорлик йўлида. // «Халқ сўзи», 2015 йил 6 октябрь.

давлатлараро ижтимоий ҳамкорликни кенг қамровда ривожлантириш ва босқима-босқич тараққий эттириб боришида дастуруламал ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида вазият шиддат билан ўзгараётган, воқеалар ривожи олдиндан айтиб бўлмайдиган бир шароитда икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги сермаҳсул мулоқот минтақа ва халқаро миқёсда изоҳ талаб қилмайдиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, темир йўл ва кўпприклар барпо этиш, у ердаги муҳим инфратузилма обьектларини қайта тиклаш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириб, бу орқали мазкур мамлакатда ижтимоий ҳаётнинг барқарорлашувига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари ижтимоий ҳамкорлигининг таркибий қисми ҳисобланган маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Бу ҳақда сўз кетганда ўтган йиллар давомида икки мамлакат ўртасида ушбу соҳани ривожлантириш масаласида имзоланган қатор ҳужжатлар мустаҳкам асос вазифасини ўтаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Ўзбекистон ва Туркманистон давлат ҳукуматлари ўртасида «1992–1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги битим (1991 йил апрель)¹⁵⁶, «Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида»ги шартнома (2004 йил 19 ноябрь) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги давлатлараро шартнома (2007 йил 18 октябрь)лар шулар жумласидандир¹⁵⁷.

Биргина Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари ўртасидаги 1996 йил 16 январда имзоланган Маданият соҳасидаги Битимга биноан икки давлатнинг ҳудудий чегарадош вилоят ва туманлари мисолида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари ҳамда Туркманистоннинг Тошховуз ва Чоржўй

¹⁵⁶Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА), Ф. М-37, Р-2, йж-81, 16–19-вараклар.

¹⁵⁷ЎзР МДА, Ф. М-37, р-2, йж-81, 122–129-вараклар.

(Лебап) вилоятлари томонидан бир қанча маданий тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, 1996 йил Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида ўтказилган «Наврӯз» ва «Мустақиллик» байрамларида Туркманистоннинг Тошховуз вилоятидан маданият ва санъат ходимлари ўзлари тайёрлаб келган дастурларини намойиш этган бўлсалар, шу йил 25 май куни Хоразм вилоятининг гилам тўқувчи ҳунармандлари Туркманистонда ўтказилган «Гилам тўқувчилар» байрамида ўз ҳунарлари билан фаол қатнашган¹⁵⁸. Бухоро давлат санъат билим юрти ҳам Тошховуз ва Чоржўй мусиқа билим юртлари билан ўзаро тажриба алмашиш ва амалий-услубий ҳамкорликни йўлга қўйган. Ушбу ҳамкорлик доирасидан келиб чиқиб, 1996 йил Чоржўй билим юртининг 20 йиллик юбилейини нишонлаш тантаналарида Бухоро давлат билим юрти ҳалқ чолғу асбоблари оркестр жамоаси ўзининг санъат намуналари билан қатнашган¹⁵⁹.

Таъкидлаш лозимки, икки мамлакатнинг маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришда шу соҳага доир ҳамкорлик Дастирларининг имзоланиши муҳим рол ўйнайди.

2008-2010 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик Дастуридан келиб чиқиб, 2008 йил Ашхабод шаҳрида бўлиб ўтган «Туркманистон: мусиқа санъати – инсониятнинг маънавий хазинаси» номли Xalqaro фестивалида Ўзбекистондан «Ўзбекистон солистлари» камер оркестри мувафақиятли иштирок этди. 2009 йил 15 июнь куни Туркманистоннинг Туркманбоши шаҳрида эса Туркманистон томони таклифига мувофиқ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков ҳамда «Ниҳол» мукофоти совриндори Феруза Жуманиёзовалар гурухлари ўз концерт дастурини намойиш этишган¹⁶⁰.

Маданий-гуманитар соҳада 2011 – 2013 йилларга мўлжалланган (2010 йил октябрь)¹⁶¹, 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастирлари доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат номояндлари Ўзбекистон ва Туркманистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўриклар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда. Келишувга биноан бундан бўён ҳам иккала мамлакатда ташкил

¹⁵⁸ ЎзР МДА, Ф. М-7, р-1, йж-332, 297-варақ.

¹⁵⁹ ЎзР МДА, Ф. М-7, р-1, йж-332, 298-варақ.

¹⁶⁰ Ирзаев Б.Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мусиқа маданиятининг ривожланиши. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2015, – Б. 269.

¹⁶¹ Ўзбекистон – Туркманистон: Азалий дўстона қўшничилик алоқаларин ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида. // «Халқ сўзи», 2011 йил 25 октябрь.

этиладиган маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилиши ҳамда маданият ва санъат намояндаларининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланиши, рассомлар асарлари кўргазмаларини, хунармандчилик маҳсулотлари ярмаркаларини, мусиқа ва театр жамоаларининг ижодий сафарларини ташкил қилиш ва давом эттириши каби масалалар ҳал этилиши белгилаб ўтилган¹⁶².

Дарҳақиқат, икки қардош мамлакат дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларининг янада мустаҳкамланишида дўстлик фестиваллари муҳим ўрин тутади. Тошкент шаҳрида (2009 йил 24 февраль)¹⁶³ ва Бухоро шаҳрида (2011 йил 6 май) ўзбек ва туркман санъат намояндалари томонидан ташкил этилган Дўстлик фестиваларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовларнинг иштирок этиши икки мамлакат маданий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлниб боришидаги муштарак интилишлар ифодаси, ўзбек ва туркман халқлари азалий дўстлигининг ўзига хос тимсолидир.

Шунингдек, икки мамлакат дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини ривожлантиришда Туркманистонда яшаётган ўзбеклар ва Ўзбекистонда яшаётган туркманлар муҳим ўрин тутади. Жумладан, 2010 йил октябрь ойида Туркманистоннинг ўзбеклар салмоғи кўпчиликни ташкил этадиган Тошховуз шаҳрида Ўзбекистон – Туркманистон Дўстлик фестивалини бўлиб ўтиши икки мамлакат ижтимоий муносабатлар равнақининг ўзига хос хусусияти саналади¹⁶⁴.

Бинобарин, икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларида бевосита давлат раҳбарлари томонидан кўрсатилаётган амалий таклиф ва ташабbusлар натижасида ижтимоий муносабатлар йилдан-йилга тараққий этиб бормоқда. Шу боис, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлида буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистоннинг Махтумкули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланган бўлса, ўз навбатида, ўзбек ҳамда туркман

¹⁶² Бобоев А. Ўзбекистон – Туркманистон: Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичи. // «Халқ сўзи», 2014 йил 25 октябрь.

¹⁶³ «Халқ сўзи» 2009 йил 25 февраль.

¹⁶⁴ Ўзбекистон – Туркманистон: Азалий дўстона қўшничилик алоқалари ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида. // «Халқ сўзи» 2011 йил 25 октябрь. 1-2-б.

халқлари ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик» одени билан мукофтланди¹⁶⁵.

Мухтасар қилиб айтганда, ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги асрлар синовидан ўтган дўстлик ришталари, ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлар, икки томоннинг минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларга қарашлари ухшаш ва яқин эканлиги Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар равнақида муҳим омил ҳисобланади.

МАКТАБ МУЗЕЙЛАРИ ТАРИХИДАН

Зарипова М.А, МРДИ ўқитувчиси

Илк мактаб музейлари Европада жойлашган давлатларда ташкил этилган бўлиб, жадал суратлар билан ривожланган ва 1906 йилга келиб, уларнинг сони 79 тага етди. Мактаб музейлари етарли даражада бир-бирига ўхшамаган нотижорат маданий институтлар грухини намоён этади. Уларни нафақат синф хоналари ва таълим билан боғлиқ бўлган балки, маданий меросни сақлашга бўлган иштиёқ бирлаштиради. 2004 йилги маълумотларга қараганда, Европада жойлашган 30 та мамлакатда 683 та мактаб музейи мавжуд эканлиги аниқланган. Бу борада улардан энг илғори Германия бўлиб, у ерда юзга яқин мактаб музейлари ташкил этилган. Бу рақамлар нафақат мамлакатларнинг миллий таълим анъаналари тарихини сақлаб қолишга интилишини, балки, маълум жой ёки регион мактаб анъаналарини сақлаб қолишга интилаётган алоҳидаги ҳаракатларнинг иштиёқини кўрсатади. Бу музейлар ўзининг мақсади ва фаолият шакллари билан фарқланади. XIX асрнинг ўрталарида ташкил этила бошлаган мактаб музейлари кўп ҳоллларда ўқув қуроллари ва китобларни реклама қилиш учун хизмат қилган.

Тадқиқотларда аниқланишича, замонавий музейлар бошқача ташкилий шаклга эга: бу – мактаб тарихига оид коллекциялар, жойлардаги ассоциациялар, ҳудудий ёки шаҳар музейлари

¹⁶⁵ Бобоев А. Ўзбекистон – Туркманистон: Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичи. // «Халқ сўзи», 2014 йил 25 октябрь.

шунингдек, миллий педагогик музейлардир. Германия музейларида XX асрнинг бошларида тўпланган тажриба Г.Кершенштайннерга «Таълим назарияси» (1926) асарини ёзишга имкон берди. Ушбу асарда муаллифнинг Германия музейларини педагогик тамойилда ташкил этиш жиҳатлари ва уни амалга ошириш йўлларини асослади. Шу тариқа Германия мактаб музейлари «ўқув қўлланмалари витринаси» ролидан воз кечиб, маориф жараёнида ўз ўрнини топди. Музей иши ислоҳоти маориф ислоҳоти билан бир пайтда олиб борилиб, унда эстетик тарбияга катта ўрин берилади. Ўқувчига ёғоч ёки темир дастгоҳида иш ўргатилаётган пайтда боланинг фақат ҳунарни эгаллашига эмас, унинг чиройли ҳаёт қурадиган яхши инсон бўлиб етишишига ҳам эътибор берилган. Музей ислоҳоти мазмуни янги томошабинга мўлжалланган маърифий ишларни кескин фаоллаштиришга қаратилган эди.

Бугунги қунда хар қандай музейга жонли организм сингари, яъни атрофдаги шароитларга ниҳоятда сезгирилиги кўзга ташланмоқда. Мактаб музейлари шунингдек, тез-тез реорганизация қилинади, улар давр руҳига очиқ ва доимий равишда ўзининг музейлар билан ҳамоҳанглигини излайди. Шуни таъкидлаш жоизки, мактаб музейлари қаттиқ тарзда ўзларининг фаолият доирасини кенгайтиришга интилмоқдалар, масалан, мактаб музейларининг ҳалқаро симпозиумини ўтказадилар. Бу эса ўз навбатида мактаб музейларида маълум инновация амалиётини жорий этишга стимул беради. Мактаб музейлар ҳамда мактаб тарихи коллекцияларининг Ҳалқаро симпозиумлари илк бор 1984 йили Австрияда ўтказила бошланди. Симпозиумларнинг кейингилари Европанинг бошқа давлатларида ўтказилди.

Тадқиқот жараёнида, шунингдек, Италияда мактаб таълиминиг музей презентациясига бўлган қизиқиш ортиб бораётгани кузатилди. Бу эса ўз навбатида алоҳидаги ўқув муассасаси ва муниципалитетларнинг фаолияти билан боғлиқ. Ўша ҳудуддаги мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатда музеологик критетияларига жавоб берувчи тўртта хақиқий мактаб музейи мавжуд. Улардан биттаси 1874 йилдан буён фаолият

юритиб келаётган Римдаги мактаб музейи хисобланади.

Тахминан XIX охири - XX асрнинг бошларидан мактаб музейлари Европанинг бошқа давлатларида ҳам пайдо бўла бошлайди. Илк бор 1898 йилда Люблянда мактаб музейи очилади. XIX аср охиригача бу худудларда тўртта мактаб музейи фаолият юритган. Мактаб музейлари ўқитувчилар ассоциацияси уюшмасини тузувчи сифатида, словян ўқитувчилари ҳамда Австриянинг турли чекка худудларида мактабларни бирлаштирган. Бошқа томондан Австриянинг мактаб музейлари XIX аср анъаналари билан боғлиқ ва кўп ҳолларда университетлар билан ҳамкорликда харакатланади.

Венгриянинг мактаб музейлари анъанавий тарзда халқаро ҳамжамият мактаб музейларининг бир қисми хисобланади, чунки улар 1986 йили Дебреценда ўтказилган, ҳали иккинчи профессионал симпозиумда тақдим этилган. Актив тарзда ривожланаётган педагогик кутубхона вакиллари Будапештдаги музей билан, шунингдек, мамлакатнинг бир неча унча катта бўлмаган музейлари халқаро учрашувларда қатнашадилар ва чет эл ҳамкаслари билан алоқа қилиб турадилар ҳамда нашрлар билан ҳам алмашиниб турадилар.

Польша мактаб музейлари ҳам бой анъанага эга. Ўзининг нашриётчилик фаолияти билан Вроцлава Мактаб музейи ажralиб туради. Бугунги кунда Польшада мактаб музейлари деганда қоидага кўра фақат мактаблардаги музейлар тушунилади, худди шундай вазият Украинада ҳам кузатилади. Киев мактабларидан бирида ташкил этилган мемориал музей бир неча маротаба халқаро анжуманларда қатнашган. Белорусияда Витебскнинг маҳаллий хукумати Таълим музейи яратиш борасида кўп ишларни амалга оширмоқдалар. Россияда эса қатор музейлар алоҳидаги мактабларнинг анъанасига бағишлиланган. Мамлакатнинг аксарият қисмидаги мактаб музейларида энг катта эътибор иккинчи жаҳон уруши воқеаларига қаратилган.

Мазкур мақола юзасидан хulosса қиласидан бўлсак, мактаб музейлари Европа музейлари мисолида кўриб чиқилди. Уларнинг бир – биридан фарқи, фаолияти, ўзига хос хусусиятлари, экспозициялари хар томонлама тадқиқ этилди. Олинган маълумотлар асосида, Ўзбекистон худудида жойлашган мактаб музейларининг фаолиятини ҳам халқаро даражага олиб чиқиши мақсаддага мувофиқ эканлиги таъкидланди. Чунки Ўзбекистондаги

мактаб музейлари орасида 3000 дан 6200 гача экспонати бўлган мактаб музейлари мавжуд.

Адабиётлар

1. Шмидт Ф.И. Искусство как предмет обучения. – Харьков: Просвещение, 1923. – С.18.;

2. Museo storico della Didattica Mauro Laeng, Roma, <http://host.uniroma3.it/laboratori/museodidattica/chi.htm>.

3. Юхяевич М.Ю. Я поведу тебя в музей: Учебное пособие по музейной педагогике. – Москва, 2001.

СОВЕТ ИСТИБДОДИ ДАВРИДА МИЛЛИЙ ЭТНОГРАФИК ҲОЛАТНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Носиров Б, ЖДПИ ўқитувчиси

Этнография учун халқнинг келиб чиқиши, ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари, кийиниш тарзи, миллий пазандачилик, бинокорлик ва миллий ҳунармандчилик билан боғлиқ барча жараёнлар фаннинг тадқиқот обьекти ҳисобланади. Аҳоли ҳаётининг миллий-этник хусусиятига хос бўлган барча жиҳатлар қайси давр бўлишидан қатъий-назар этнографиянинг қизиқтириб келган. Шу боис асрлар давомида шаклланиб келган, аммо рус босқинидан кейин маънавий-мафкуравий таҳдид исканжасида қолган халқимизга хос миллий ҳунармандчилик, урф-одатлар, анъана ва қадриятларнинг совет тузуми давридаги ҳолатини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бу борада, муҳтарам, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистоннинг совет даври тарихи хусусида шундай дейдилар: “Мен, ҳар доим мустабид совет тузуми, ўша замонда халқимиз бошидан кечирган кунлар ҳақида қўпроқ ёзинглар, деб тарихчи ва ёзувчиларимиздан илтимос қиласан. Ўша даврда яшаган, унинг барча кирдикорларини ич-ичдан билган зиёлиларимизнинг қанчаси отиб ташланди, қанчаси қамоқда ўлиб кетди. Аммо ўша замонни ёшларимиз билиши учун бизга қўпроқ китоблар, дарсликлар зарур”¹⁶⁶.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, совет ҳукумати томонидан республикаларда сиёсий-иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётга доир бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, бу борадаги ишлар натижаси маълум муддат ичida аҳолининг

¹⁶⁶ Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. – Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, 2015. -Б. 112.

турмушида ўз аксини кўрсатар эди. Ана шундай тадбирлардан бири аҳолига майший хизмат йўналишида хизмат кўрсатувчи маҳаллий косиб ва хунармандлар фаолиятига нисбатан қўлланилди. Жумладан, бу йилларда совет давлати Ўзбекистонда саноат корхоналарини ташкил этишга, аҳолига майший хизмат кўрсатиш соҳасини тараққий эттиришда кооперациялар тизими йўлга қўйиб, хунармандларнинг асосий қисми дастлаб артелларга, кейинчалик, завод, фабрикаларга, бадиий буюмлар корхоналарига жалб қилинди¹⁶⁷. Кейинги йилларда эса маҳаллий косиб ва хунармандлар фаолиятига бутунлай барҳам беришга кенг эътибор қаратилди. Саноат корхоналари маҳсулотларини ишлаб чиқиша Ўзбекистон худудидаги маҳаллий аҳолининг урф-одати, дини, қадрияти, иқлими ва шу каби ҳудудга оид ҳоҳишистаклари инобатга олинмаганлиги оқибатида, ўша йилларда кўплаб саноат корхоналарида ишлаб чиқилган маҳсулотлар асосан қишлоқ жойларида “ҳаром” ҳисобланар, кишилар бундай маҳсулотларни сотиб олишдан ўзларини олиб қочар, бунинг ўрнига маҳаллий хунарманд ва косиблар томонидан тайёрланган, этиштирилган маҳсулотларни (шунингдек, натурал ҳўжаликларида этиштирилган маҳсулотлар) олишар эди. Саноатлашган туман марказларидан олисда жойлашган қишлоқларда аҳолига маҳаллий сартарошлар, этикдўзлар, нонвойлар ҳамда бошқа майший хизмат йўналиши ходимлари хизмат кўрсатишар эди. Кўп ҳолларда эса кўрсатилган хизмат учун ҳақ ҳосил терими вақтида буғдой маҳсулоти ва бошқа этиштирилган маҳсулотлар билан ҳам амалга оширилиб келинарди¹⁶⁸.

Аҳолини майший ҳолатини ва маънавий-маданий савиясини юксалтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш мақсадида, республикадаги шаҳар кенгашлари хузурида майший секциялар ташкил этилди. Улар ўз фаолиятларида шаҳарда истиқомат қилаётган аҳолини майший ҳолатини ўрганишлари, уй-рўзгорда майший ҳолатини яхшилаш бўйича тўгараклар очишилари, айниқса, жойларда умумий ошхоналар очилишини ташкиллаштиришлари белгиланди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, бундай умумий овқатланиш муассасаларига маҳаллий миллат аёллари юзларини очган ҳолда келишлари талаб этилди¹⁶⁹.

¹⁶⁷ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т-11. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Да~~в~~лат илмий нашриёти, 2005. –Б. 393.

¹⁶⁸ Джаббаров И. Общественный прогресс быт и религия (Социально-философское исследование на материалах Узбекской ССР). -Ташкент: Узбекистан, 1973. –Б.101.

¹⁶⁹ Собчак А.А. Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР) Дисс... канд. юрид. наук. - Ташкент, 1971. -Б. 19-20.

Бизга маълумки, қадимдан Ўзбекистонда моҳир хунармандлар, дурадгорлар, косиблар, темирчилар ва турли йўналишлардаги мактаблар мавжуд бўлган¹⁷⁰. Ҳаттоқи бугунги кунга қадар уларнинг айримлари ота-боболаридан қолган касбкорларини давом эттириб келмоқдалар. Ўз ўрнида бу даврда аҳолининг кундалик турмушида маҳаллий хунарманд ва косибларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этиб, миллий хунармандларимиз томонидан бажарилаётган кийим тикиш, этикдўзлик, уй-рўзғор буюмларини ясаш каби фаолият йил сайин қисқара борди.

1920 йилларда Ўзбекистондаги кўпгина қишлоқлардаги аҳоли миллий урф-одат ва қадриятларда келиб чиқиб, европача бичимида тикилган кийимларни кийишни ўzlари учун “ҳаром”, “гуноҳ” деб ҳисоблаганлар. Асосан, маҳаллий тикувчилар томонидан тикилган миллий андозадаги устки кийимларни кийишни маъқул кўришган. Таъкидлаш лозимки, миллий кийимларни ташқи кўриниши, тикилиши ва безаклари билан кишиларнинг қаердан эканлигини ажратиш мумкин бўлган. Шунингдек, европача ошхонага таалуқли маҳсулотларни ва таомларни истеъмол қилишга ҳам шундай қаралган¹⁷¹.

Умуман, Совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда аҳолига миший хизмат кўрсатиш йўналишида миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга зид бўлган бир қанча тадбирлар белгиланди. Айтайлик, XX асрнинг 40-йилларида барча сартарошхоналар учун ишлаб чиқилган “Сартарошхоналар учун ички тартиб қоидалар”нинг иккинчи бўлимида сартарошхонага келган мижоз устида чопони ва оёғида калиши билан келган мижозлар сартарошхонага киритилмаслиги белгилаб қўйилди¹⁷². Ўша давр нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, аксарият аҳолининг устида чопон ҳамда оёғида калиш бўлишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу тартибининг талаблари орқали нима режалаштирилгани ўзингизга маълум.

Юқорида таъкидланганидек, совет ҳукумати томонидан миший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва режалаштиришда иттифоқ республикаларидаги аҳолининг ўртacha ёши, оила аъзолари сони, яшаш ҳудуди ва тарзи, урф-одатлари, миллий даромади ҳамда иқлими жиддий инобатга олинмади.

¹⁷⁰ Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX-XX вв. -Ташкент: ФАН, 1986. –Б.17; Стасько В.Н. Служба быта в центре внимания. –Ташкент: Узбекистан, 1969. –Б.6.

¹⁷¹ Джаббаров И. Кўрсатилган адабиёт. –Б.102-103.

¹⁷² Тошкент шаҳар Давлат архиви (ТШДА), 31-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 2-варак.

Жумладан, биргина Ўзбекистон мисолида кир ювиш пунктларини кўпайтиришга эътибор қаратилди. Аммо, маҳаллий аҳоли эса кам миқдорда мурожжат этар эди. Шаҳарлардаги кир ювиш пунктларига буюртмани асосан йирик саноат корхоналари, ҳарбий қисмлар, тарбия масканлари ва бошқа бир қанча муассасалар беришар эди. Бизнингча бу йўналишни оммавий ривожланмаганлигига сабаблардан бири, урф-одатларимиздан келиб чиқиб, хонадондаги кир бўлган кийимлар, матолар ҳамда бошқа нарсалар хонадондан ташқарига олиб чиқиб ювилмайди ёки бошқа бирорвга ювиш учун берилмайди.

Компартияning “соалистик” турмуш тарзини тарғиб этиш ғоялари сифатида аҳолини уй ишларидан озод этиш, умумий овқатланиш муассасалари тизимини кенгайтириш ва фаолиятини яхшилаш, майший хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга кўрсатилган ҳолда¹⁷³ хонадонларда аҳолининг таом тайёрлашларини чеклаш, бунинг ўрнига ресторон ҳамда кафеларда овқатланишларини йўлга қўйиш учун ҳаракат юз берди. Ўзбекистонда умумий овқатланиш муассасалари тизимини кенгайтиришга ва уларнинг фаолияти яхшилашга, аҳоли учун маълум бир қулайликлар яратишга эътибор қаратилди. Аммо, бу борадаги ишлар Иттифоқнинг бошқа республикаларидағи каби жуда кенг ривожланмади ҳамда аҳоли ўртасида ташриф буориши одатга кирмади. Бу борада асосий сабаблардан бири, маълумки, юртимиздаги аксарият маҳаллий аҳоли азалдан бўш вақтини оила даврасида ўтказишга, шу ўринда, нонушта, тушлик ёки кечки овқатни ҳам ўз оиласида тановвул қилишни одат қилганлиги бўлса, иккинчидан, кўпгина умумий овқатланиш муассасаларида таомларнинг тайёрланиши, санитария-гиgiene қоидаларига риоя этилиш ҳолати ва нархи аҳолининг талаб-истакларига тўғри келмаганлиги эди.

Қайд этиш жоизки, XX асрнинг 60-70 йилларида совет давлатида аҳолининг ҳаммомларга ташриф буориши экзотик шаклга ўтиб, одамлар буғли иссиқхонали ҳаммомларга чўмилиш учун эмас балки спиртли ичкилик ичиб кўнгилхўшлиқ қилиш учун борадиган бўлишди¹⁷⁴. Бу ҳолат совет кишиларининг кундалик турмушига сингиб бора бошлади. Шунингдек, 1960 йилларда хукумат томонидан аҳоли томонидан спиртли ичимликларни

¹⁷³ За здоровый быт. (Материальные и моральные основы Социалистического быта-Лифанов М.И.) - Ташкент: Кзыл Узбекистан, Правда Востока и Узбекистони Сурх, 1957. -Б.6.

¹⁷⁴ Орлов И.Б. Советская повседневность исторический и социологический аспекты становления. - Москва: Изд. дом Государственного университета-Высшей школы экономики. - Б.185.

истеъмол қилишларини олдини олиш учун қўплаб пивохоналар ёпилди. Аммо, 1963 йиллардан бошлаб, бунинг ўрнига қатор ресторанлар қошида спиртли ичимликлар сотадиган барлар ташкил этилди. Дастреб бундай барларда турли газета ва журналларни ўқиш йўлга қўйилишига эътибор қаратилди. Бирқ, бу барларга кишилар олам янгиликларидан хабардор бўлиш учун эмас балки, фақат спиртли ичимликлар истеъмол қилиш учун ташриф буюра бошлишди¹⁷⁵.

Халқимизнинг қадимий тарихи билан боғлиқ қадриятларидан бири Наврӯз байрамини муносиб кутиб олиш, нишонлаш ва байрамга оид амалларни бажаришдир. Хусусан, азалдан юртимизда қадимий анъанавий Наврӯз байрамини нишонлаш кунларида атроф-муҳит тозаланган, кўчатлар экилган, ёшлар ва қариялар янги кийимлар кийишган, меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамланган, қуй-қўшиқлар ижро этилган, турли миллий ўйинлар ташкил этилган, ушбу кунларда ҳар-хил шириналар, сумалак, кўкатли пишириқлар тайёрланган. Аммо, мустабид тузум даврида Ўзбекистон Савдо вазирлиги томонидан диний байрам кунларида республикадаги бир қанча савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ун маҳсулотидан тайёрланадиган таомлар ҳамда қандолат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш ишлари амалга оширилаётганлиги қаттиқ танқид қилинган. Бунинг амалий исботи сифатида барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналари келгусида ўз фаолиятларида Наврӯз байрами тимсолини англатувчи таомларни сотиб олиши, тайёрлаш ҳамда аҳолига сотиши таъқиқланган¹⁷⁶.

Шунинг учун ҳам, муҳтарам Юртбошимиз мустабидлик даврда миллий-маънавий ўзига хосликларимизга бўлган муносабатни хотирлар экан “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида қўйидагиларни алоҳида таъкидлайдилар: “Миллий анъаналар халқнинг энг нозик, энг ҳурматталаб фазилатларидир. Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар ана шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. Ҳатто ўзимиздан чиққан айрим раҳбардар Наврӯз байрамига, миллий кийим-кечакка қарши чиқди. Шу даражага бориб етдикки, қариндошини кўмиш маросимида қатнашишга ҳам эскилиқ саркити, деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазийк

¹⁷⁵ Орлов И.Б. Кўрсатилган адабиёт. – Б, 186.

¹⁷⁶ ЎзР МДА, фонд №Р-91, 11-рўйхат, 2196-иш, 131-135- вараглар.

ўтказилди. Диндорлар билан мулоқотда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини қўяверинг”¹⁷⁷.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, совет хукумати томонидан “социалистик” турмуш тарзини шакллантиришда Иттифоқ республикалари, хусусан, Ўзбекистон аҳолисининг миллий-диний эҳтиёжи, миллий анъанаси ва қадриятлари ҳисобга олинмади. Шунингдек, аҳолига майший хизмат кўрсатиш тизими ривожлантиришда маҳаллий аҳолининг туғилиш миқдори, аҳолининг аксар қисми қишлоқларда истиқомат қилиши, табиати (иқлим шароити), аҳолининг даромади ва шу каби бир қатор сабабларга жиддий эътибор берилмади. Ўз ўрнида бу ҳолатлар хизмат кўрсатиш тизимининг баъзи йўналишлари ривожланишида ўз таъсирини кўрсатди. Қатор майший хизмат кўрсатиш муассасаларида эса ишни тўғри йўлга қўйилмаганлиги, хизмат кўрсатиш ишларининг сифати, нархи ва маданияти каби ҳолатлар аҳолининг ўринли эътироzlарини келтириб чиқарди.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ НАМУНАЛАРИНИ САҚЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ

Ходжаев Б.Р, МРДИ катта ўқитувчиси

Санъат асарлари бизнинг бой маданий мерос намуналаридан ҳисобланади. Уларни реставрация қилиш, консервациялаш ва асрарда ўзига ҳос ҳусусиятларга амал қилган ҳолда иш олиб бориш зарур. Ўзбекистон Давлат Санъат музейида ҳам кўп йиллар мобайнида бу ишларни амалга ошириш юзасидан жуда катта ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Давлат Санъат музейи реставрация лабараторияси музей ташкил топгандан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу музейда биринчи бор 1-категорияли реставратор рассом сифатида Абдулла Йулдошев фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Давлат Санъат музейининг рассоми, “Халқлар дўстлиги” ордени совриндори А.Йулдошев (1919-1992) яrim аср рангтасвир асарларини таъмирлашда ибратли ишларни амалга оширди. Тошкент Бадиий билим юрти ва Москвадаги И.Э. Грабарь номидаги билим юртида таъмирлаш сирларини эгаллади. Мингдан ортиқ жаҳон рассомлари асарларини асли ҳолига келтириб, эл-юрт хурматига сазовор бўлди. Реставраторлик санъатига оид айrim

¹⁷⁷ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б. 143-144.

илмий ишлари оммалашиб кетган. А.Йўлдошев таъмирлаш, реставрация ишларнинг сир-синоатларини ўз шогирдларига ўргатиб, бир нечаларига устозлик қилди.

Реставратция санъат асарларини янада хаётга кайтаришда, асарларга янада жозиба киритади. Бу ишларда Абдулла Йўлдошевнинг хизматлари катта. У 1949 йили Тошкент Бадиий билим юртини тугатиб, 1950 йилдан Ўзбекистон Давлат Санъат музейида ишлай бошлаган. У музейда кўп йиллар ишлаб, жаҳон маданияти ва рассомлар ижоди билан яқиндан танишди.

1966 йили Тошкентда табиий оғат содир бўлган вақтда у Театр ва рассомлик санъати институтининг учинчи курс талабаси эди. Ер силкинишидан бино шикастлангани учун музейнинг қирқ мингга якин ашёлари, асарлари “Дурмон” қишлоғидаги (Тошкент йигирма километр нарида) маданият саройига кўчирилди. Бу пайтда Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган санъат арбоби Самиғ Абдуллаев музейга раҳбарлик қилар эди.

Музейда реставрация ишлари шунчалик кўпайиб кетди, нафақат рангтасвир балки, амалий санъат асарлари ҳам реставрацияга муҳтож эди. Барча санъат асарлари ўз ҳолатига қайтарилиб реставрация қилиниб, ҳалқ бойлигига айлантириб эъзозлаб бошланди.

Музей раҳбари яти томонидан А.Йўлдошев Москвадаги Марказий Давлат бадиий асарларни таъмирлаш устахонасига юборилади. У манзарачи рассом бўлсада, ўз олдига реставраторлик касбини мукаммал ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Устахонага машҳар рус академик рассоми, ва реставратор уста И.Э.Грабарь раҳбарлик қилар эди. А.Йўлдошев қунт билан шу касбни ўрганади. И.Грабарь юзакиликка йўл кўймасликни, ишни пухта бажаришни талаб қилар эди. Лекин афсуски, бу узлуксиз ўқиши эмас, хар йили 3 ой келиб ўқиладиган жой эди. Шундай бўлсада, рассом бу касбга меҳр қўйиб, жиддий ёндошгани учун реставрация сирларини мукаммал ўзлаштира бошлади. Ўзбекистон Давлат Санъат музейидаги кўплаб тасвирий санъат асарларини муваффақиятли реставрация қилди. У грунт тайёрлашга, шикастланган жойларни тезликда қандай характерга эга эканлигини аниqlашга уста эди. Реставрация жараёнида ниҳоятда катта эътибор билан иш олиб борган. Бундан ташқари у музейдаги барча тасвирий санъат асарларини синчиковлик билан текшириб юриб, нуқсонли картиналарни тезликда лабораторияга келтиш ишлари билан ҳам шуғулланган. Рассом “Рангтасвир асарларини

сақлаш ва таъмирлаш” мавзуида томошабинларга қизиқарли маърузалар ҳам қилиб турган. Унинг маърузаси ниҳоятда қизиқарли ўтар эди. Шикастланган асар не машаққатлар билан реставрация қилинишини билган томошабинлар, музей асарлариға аввалгидан ижобийроқ муносабатда бўлар эдилар. А.Йўлдошев фақат реставрация ва маъруза ўқиш ишлари билан чегараланибга қолмай, музейдан вақтинчалик кўргазмага олиб кетиладиган асарларни транспортда ташишга ҳам тайёрлар эди. Кўргазмаларда картиналарга шикаст етмаслиги учун олиб бориладиган жойдаги шароитни ҳам ўрганиб келар эди. Шундан кейингина жўнатишга рухсат берар эди. АА.Йўлдошев жуда тажрибали реставраторлардан бири бўлиб, ўзидан кейин кўп шогирдлар қолдирди.

Ўзбекистон рассомларидан Баҳром Ҳамдамий, Сиддикий, Ҳаким Ортиқов, Хикмат Раҳмонов ва бошқалар ҳам шикастланган асарларини ўzlари таъмирлашган.

Музейга 1956-1988 йилларда раҳбарлик қилган қаҳрамон рассом Самиф Файзулович Абдуллаев ҳам бу даргоҳида муносиб ҳизмат қилди. Шу давр мобайнида С.Ф.Абдуллаев раҳбарлик қилганида, музей ишларини анча яхшиланди. Янги музей биноси қурилиб, замонавий кўринишга эга бўлди. Рестовратир Абдулла Йўлдошев музейда анча мунча ишларни реставрация қилади. Шу даврда мингдан ортиқ асарлар реставрация қилинади. Таъмирлаш ишлари барча санъат турлариға оид асарларда олиб борилди. Бундан ташқари ҳайкалтарошлиқ асарлар ҳам реставрацияга муҳтожлиги бор эди.

Тасвирий санъат асарларидан ташқари, икона асарлари ҳам реставрацияга муҳтож. Мана шу асарлар босқичма-босқич реставрация қилиниб, асил ҳолига келтирилмокда. Томошабинлар бундай асарлардан маънавий озуқа олиб келмоқдалар.

Кейинчилик Ўзбекистон Давлат Санъат Музейида янги шогирдалар кела бошладилар. Шуларга мисол 1982 йил февраль ойида Тошкент Давлат Педагогика Институтининг “Бадиий графика факультети” талабаси Усмонов Мирфайзи Мирсоативич ишга жойлашган. М.М.Усмонов дастлаб кичик шогирд сифатида реставратор уста бўлиб ишга жойлашади. А.Йулдошев каби уста билан ёнма - ён асарларни реставрациялаш ишларини ўрганиб, бу касбни сир – асрорларини пухта эгаллашга ҳаракат қилди ва бунга эришди ҳам. Аслида М.Усмонов саъаткорлар оиласида дунёга келган. М.Усмонов Ўзбекистон Давлат Санъат музейида ўз

фаолияти давомида жуда кўп тажриба орттириди. 1990-1991 йиллари Маданияат ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Россиянинг Москва шаҳрида И.Э.Грабарь номли умум Россия Илмий ишлаб чиқарш ва реставрация қилиш институтда малака ошириб қайтади. У ерда Давлат Санъат музейи ва галереяларида амалиёт ўтаб, янгидан-янги услубларни ўрганди. У ўқишдан қайтганидан сўнг янги реставраторлик сирлари билан бошқа реставратор усталар билан ўртоқлашди. Шогирдларига ҳам шу услубларни пухта ўргатиб тасвирий санъат соҳасига ўз ҳиссасини қўшиб келмокда.

Ўзбекистон Давлат Санъат музейида 1982 йилдан то ҳозирга қадар кўп мاشаққатли меҳнат йўлини босиб ўтиб келмокда. Жумладан, 1982-2000 йилгача М.М Усмонов Ўзбекистон Давлат Санъат музейининг Реставратция лабараториясида шогирд сифатида фаолият кўрсатган. 1982-1992 реставратор уста, 1992—2002 йилда “Реставрация” бўлим бошлиғи бўлиб ишлай бошлади. Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Давлат Санъат музейида Бош музаххиб лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Юқорида тилга олинган ҳолатлар фақатгина тасвирий санъат асарларини таъмирлаш ҳолатлари билан амалга оширилган бўлиб амалий санъат намуналарини таъмирлаш бўйича эса жиддий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шунинг учун ҳам ушбу бобни ёритишда бир қанча шахсий изланишлар олиб боришга тўғри келди. Аввало музей залларидаги экспонатлар билан танишган ҳолда таъмрталаб предметлар тадқиқ этилди.

Музейнинг таъмирлаш кенгаши ҳисоботлари танишувга таъқиқланганлиги сабабли асосан экспозициядаги таъмрталаб амалий санъат буюмларини тадқиқ этиш жоиз деб топилди.

Ёғоч уймакорлиги (№5 зал) намуналари намойиш этилган залдаги экспонатларда ҳам таъмрталаб предметлар мавжуд:

1.XIX-XX асрларга оид намуналардан – майда нақшли Бухоро эшиги (XIX аср) (ёғоч қуруқлашиши натижасида майда ёриqlар мавжуд инвентар рақами №13);

2.Икки табақали эшик Бухоро (XIX аср, инвентарь рақами № 15, эшик нақшларининг пастки қисми кўринишлари йўқолган, формасини йўқотган, ёғоч рангидаги фактура ҳам сезилмай қолган.)

3.Устун. Хива. 1896 йил. (инвентарь рақами № 162, устунда чириган жойлар мавжуд, устунда вертикал ва горизонтал йирик

ёриқлар бор, махсус кимёвий ишланмалар (ёғлар) билан ишлов бериш керак).

Заргарлик намунлари экспозицияга қўйилган №13 залдаги экспонатларда ҳам қўйидаги ҳолатлар аниқланди:

1.Тумор. XIX аср, Тошкент.(Инвентарь рақами № 41 туморнинг марказида иккита карал тоши йўқ, чеккасида майда тошлари тушган, кумуш метали патиналанган).

2.Тумор. XX аср. Тошкент. (Инвентарь рақами №5 туморнинг осилчоқ безакларидан дурлари тўкилган, метали оксидланган, янтарь ва феруза тошлари ҳам тўлиқ эмас).

3.Жифа – салла безаги. XIX аср, Тошкент. (Инвентарь рақами № 78, кумуш ва рангли шиша тошлардан фойдаланилган. Жиганинг марказидаги битта оқ кўзи тушиб қолган, безакнинг тепа қисми учи синган, кумуш метали патиналанган).

Кейинги №14 залда гиламдўзлик намунлари экспозицияга қўйилган ва қўйидаги таъмирталаб ҳолатлар аниқланди:

1.Жулхирс гилами. XX аср. Самарқанд. Жун,пахта. (инвентарь рақами №628, сақланиши эса чангланган, майда доғлар мавжуд.)

2.Жулхирс гилами. XX аср боши. Жун, пахта. (инвентарь рақами №582, сақланиши эса тешикчалари бор, гиламнинг чап томони экспозицияда узоқ вақт тургани учун осилиб қолган.)

3.Гилам XIX аср боши. Андижон. (инвентарь рақами №599. Қизил, ҳаво ранг, оқ, жигарранг анилин бўёқлар қўлланилган. Четида стиллашган гулли кенг ҳошия, икки четига калта кулранг жун ипдан шокила ишланган. Ранглари ультрабинафша нурларидан очариш ҳолатлари бор, жун ипдан ишланган шокиллари қаторида ҳам узилишлар мавжуд.

Бундан ташқари музейнинг Кандакорлик намуналари намойиш этилган бўлимда ҳам бир қанча экспонатлар реставрация қилиниши зарур бўлган ҳолатлар аниқланди:

1.Дастшуй. XX аср. Хоразм. Муаллифи – уста Худойшкур. Мисга феруза тошлар билан ишлов берилган. “Шабака” услубида ишланган. (Инвентарь рақами №445, феруза тошлари тўкилган, идишнинг ёрилган ва синган жойлари бор, металлда оксидланиш бошланган).

2.Ғаладон. XIX аср охири XX аср боши. Тошкент. Жез, қизил мис, чизма ва ўйма нақшлари мавжуд. (Инвентарь рақами №445, идиш метали оксидланган, рангидаги ҳам фактурасини йўқотган, юқори қисмида ушлагичларининг бири йўқ.)

3.Офтоба. 1902-1903 йиллар. Шахрисабз. Мис, кандакорлик маҳсулоти. (Инвентарь рақами №215, идиш метали оксидланган, феруза тошлари тушган, шиша тош қадамалари ҳам мавжуд эмас.

4.Офтоба. XIX асрнинг иккинчи ярми. Бухоро. мис, кандакорлик маҳсулоти. (Инвентарь рақами №132, идиш устида бўёқ излари мавжуд, уйма гуллари орасида чанг доғлари ўтириб қолган.

Юқоридаги ҳолатларда асосан ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, мисгарлик, гиламдўзлик предметларининг консервациялаш ҳолатлари ва таъмирталаб ҳолатлари экспозиция мисолида батафсил ўрганиб чиқилди. Музей экспозиция залларидаги қадимий мебель намуналари ҳам ғоят нодир асарлар ҳисобланиб, уларнинг реставрацияси ва консервацияси қуидаги ҳолатлар бўйича аниқланди:

1.Стол. XIX аср бошлари. Йиғма ёғоч шаклида, фил суюги ва уймакорлик услубида ишланган. (Инвентарь рақами №2, столнинг марказий қисмида горизонтал ёриқлар мавжуд, суж инкрустациялари тушган, ёрилган жойларида ёғочнинг намлиқдан шишган жойлари бор, баъзи жойларида ёғоч қуриган, умумий полировка ишларини олиб бориш керак.)

2.Сандик. XIX аср. Камфор дарахти ва қайрағочдан ишланган. (Инвентарь рақами №59, зулфининг биттаси йўқ, экспонатни сурй мобайнида пастки ёғоч нақшларига шикаст етган, умумий лаклаш ишларини олиб бориш керак.

3.Кроват. XIX аср боши. Шимолий Хитой. Рангли ёғоч ва фил суюги билан инкрустация қилинган. (Инвентарь рақами №1, кроватнинг юқори қисмида (сквозной) тешиги нақшларида гуллари тушган, зооморф нақшлари йўқолган, суж қадамалари тўкилган. Кроват асосидаги ёғоч қуриганлиги сабаб (чирий бошлаган), рангли ёғоч кесмаларидан қилинган инкрустациялар тушиб кетган.

4.Бюро стули. XIX аср. (Инвентарь рақами №81, кирланган, нақшларининг бир қанча қисми синган, тортмаси ишқаланиш натижасида едирилган).

5.Ликопчалак ўрнатилган жавон. XVII аср. Германия. (Инвентарь рақами №69, кирланган, ёғочи қуриган, ёрилган, инкрустация ёғочлари қуриган. Чиннилари синган. Реставрация қилинган. Шкафнинг олди қисмида ёғочлари тушган. Декоратив устуннинг база қисми алебастирда реставрация қилинган.

Ўзбекистон Давлат Санъат музейи очилганидан бери илмий таъмиршунослик лабароторияси ҳам изланишлар олиб борилмоқда, лекин реставрация борасида энг катта эътибор тасвирий санъат асарларига қаратилган. Фондларда экспонатларни сақлаш даражаси қониқарли тартибда, лекин замонавий сақлов жиҳозларини ўрнатиш ва музей предметлари консервациясини тўғри таъминлаш зарур. Музейнинг экспозиция залларидағи экспонатларни ҳам тўғри жойлаштириш вақти-вақти билан янгилаб туриш керак. Музей экспозиция микроклиматини доимий назоратга олиш шарт. Экспозицияга тақдим этилган ноёб санъат дурдоналарининг таъмирталаб ҳолатларини ҳар уч ойда текшириб, қайдлаш керак.

Музейда фақат тасвирий санъат асарларини таъмирлаш бўйича реставраторлар фаолият олиб боришади, амалий санъат асарларини таъмирлаш бўйича ҳам янги иш ўринларини яратиш керак.

МУЗЕЙШУНОСЛИКДА ЗАМОНАВИЙ ХУЖЖАТЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ганиева Ч.Х, МРДИ катта ўқитувчиси

Бугунги кунда музейлардаги асосий муаммолардан бири, турли хил тарихий ва маданий ёдгорликларни ўз ҳолича сақлаб қолишдан иборатdir. Замонавий музейшуносликда “сақлаш” деганда, экспонатларнинг узоқ вақт сақланиши учун шароит яратиб бериш тушунилади. Бунга экспонатларнинг физикавий, кимёвий ва технологик хусусиятларидан келиб чиқиб амал қилинади. Шунингдек, музей биносининг қурилиши, мослаштирилиш даражаси ҳам предметларни сақлашда муҳим аҳамият касб этади¹⁷⁸.

Предметларда доимий равища эскириш жараёни кузатилиши табиий ва уни тўхтатиб бўлмайди, фақат бу жараённи секинлаштириш ва минимумга тушириш мумкин холос. Предметларнинг сақлаш шароитини таъминлаш, фонд сақловчилари ва таъмирловчилар зиммасига юкланади, яъни улар шароит яратишга жавобгар шахс ҳисобланадилар.

Сақлаш жараёнида асосий ўринни иқлим эгаллайди, бу – ҳарорат, намлик, ёритиш ва тозалик уйғунлигидир. Фонд информацион системасини яратиш жуда мураккаб ва узлуксиз иш.

¹⁷⁸ Курязова Д.Т. Музей иши тарихи ва назарияси.-Т.: Ўқитувчи, 2007.-Б.50.

Охирги ўн йилликларда компьютер технологиялари ёрдамида унинг актив модификацияси бошланди, бу музей хужжатларини тайёрлаш жараёнини тубдан ўзгартиради. Электрон информациялар тарқатувчининг мавжудлиги, музей мутахассисларини ҳисоб хужжатларини қоғозга ёзиб расмийлаштиришдан ҳоли этмайди, чунки улар юридик кучга эга. Лекин фонд бўлинмалари фаолиятини автоматизациялаш, сезилари даражада меҳнатни пасайтиради, хатоликларга йўл қўйиш камаяди ва тайёрланаётган хужжатларга ўзгартириш киритишга имконият яратади.

Айниқса, музей тўпламларини каталогглаштиришда, компьютерлаштириш усули кенг имкониятлар очиб беради. У ёрдамида картотекалар олиб борилиб, предмет ҳақидаги батафсил маълумотни киритиш мумкин. У турли белгилари бўйича информация қидиришга ёрдам беради. Масалан, муаллиф, инвентар номери, яратилиши вакти, тавсифдаги бирон-бир сўз ёки гап бўйича маълумот олиш мумкин, сўров бўйича олинадиган маълумотлар матнли ҳам график шаклда бўлиши мумкин. Техникавий ўзгарувчан жараён ва кенгаяётган дунёқараш жамиятда ўзига хос янгиликлар яратишга мажбур қилмоқда. Билимлар сферасининг кенгайиши ва техникавий тараққиётга интилиш музей фондларини тузиш ва сақлашда тузишда инновацион янгиликлар яратишга эътибор кучайди. Бугунги қунгача санъатга асосан интуитивизм назари билан қарашган бўлса, ҳозирда бадиий маданиятни рационализациялаш ва классификациялаш ривожланди. Музейшунос Бенедетто Крочини фикрича: “Музей интеллектуал салоҳият тузилмасига амал қилмайди, балки лаҳзалик эътиборни умумлаштиради, холос”¹⁷⁹. Вақт янги қонунларни талаб қиласи. Шу ўринда ҳар бир музей ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, фондларда замонавий сақлаш технологиялари ва намойиш қилиш усулларининг энг яхшиларидан фойдаланишга ҳаракат қиласи.

Музейларни ўзига хос талабларидан бири – бу янги технологияларни иш жараёнларида фондларни сақлаш режимида кўллашдир. Россиядаги “МАКВИРЕС” масъулияти чекланган жамият — ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш компанияси, мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда бир неча йиллар давомида музейлардаги фондларни сақлаш ва

¹⁷⁹ Кроche Б. Краткое изложения эстетики. (Анотация сочинения по философии)- СПБ: Пневма,1999- С.401.

экспозицияларни намойиш қилиш бўйича замонавий ускуналар яратишида катта амалий тажрибага эга. Музейларда аксарият ҳолларда аёллар жамоаси фаолият юритишини ҳисобга олган ҳолда, музей ускуналари енгил ва қулай кўринишида яратилган. Фондлар учун маҳсус ишлаб чиқилган сақлов шкафлари ва экспозиция витриналари замонавий хомашёлардан яратилган бўлиб, музей предметларининг сақловида хавфсизликни мутлақ таъминлайди¹⁸⁰.

Автоматлаштирилган маълумотлар тизимлари (АМТ) Россия музейларида 1990 йилнинг охирларида пайдо бўла бошлади. Ҳозирга вақтда кўплаб музейлар бу каби тизимлардан фойдаланмоқдалар ёки унга эга бўлишга интилмоқдалар. Ҳозирги кунда автоматлаштирилган маълумотлар тизимларига эга бўлишига асос уйғотувчи сабаблари: бир томондан, ҳамкарабаларнинг бу йўлда эришаётган тажриба ва ютуклари бўлса, иккинчи томондан, кундан-кунга жуда кенг миқёсда инсон фаолиятининг ҳар хил йўналишларига кириб келаётган компьютерлар технологиясидир.

Илгари биз ижтимоий муҳитда компьютерлаштиришга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлинганини учратган бўлсак, эндиликда бунинг тескари эффектини, яъни янги автоматлаштирилган тизимлардан кутилгандан ҳам юқорироқ имконият борлигини кўраяпмиз, гўё ҳамма нарсани бирданига қилса бўладигандек. Автоматлаштирилган маълумотлар тизимларининг музейларга киритилиши фондларда коллекциялар билан ишлаш технологиясининг ўзгартирилишига олиб келди.

Шу билан бир вақтда, бу янги технология музейдаги фонд сақлови ва турли тўпламларни одатдаги усуллар билан тарқатишдан янги усулга ўтиши натижасида ўз сифатини ўзгартиради. Яъни қофозли картотекалар, китоблар, музей ходимларининг “онги” каби маълумотларни электрон турда, яъни маълумотлар базаси тарзида узатиш тизимини яратди.

Музейларда фондлар улар борасидаги автоматлаштирилган маълумотлар тизимлари муваффақиятли ривожланиши учун фақат маълум бир қоидаларга амал қилган ҳолда амалга оширилади¹⁸¹.

Автоматлаштирилган тизимларни инобатта олиш музей предметлари-нинг сақлов ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида ниҳоятда аскотади. Бу жараёнда қўл меҳнати одатда

¹⁸⁰ Филонов Д. Компьютерная эра в музее. // Мир музея. - Москва. 2009.- № 5.- С.32.

¹⁸¹ Кравцова М. Музейное обострение. //Арт хроника - Москва. 2009.- № 10.- С.27.

қандай бўлса, шундай компьютерлаштирилмайди, аксинча, музей фондларининг янгича тартибини янги технологияси юзага келади.

Хужжатларни доимий равишда инобатга олиб бориш жараённида музей буюмларининг рўйхати юзага келади, бу эса ўз навбатида маълумотлар базасининг асосини ташкил қиласди.

Россия этнографик музейларида солиширма (текшириш) ўтказиш мақсадида, икки ярим йил ичида учта компьютерда 500 мингдан ортиқроқ буюмларининг жуда кенг бўлмасада тавсифи киритилади. Бу мисол фақатгина музей фондидағи маълумотларни тезлик билан тўлдириш эмас, аксинча музей коллекцияси билан ишлашнинг янги технологиясидир, бу – ҳозирги ҳолат бўйича солиширма таҳлил ўтказиш технологиясидир.

Автоматлаштирилган маълумотлар тизимлари фақатгина фонд ҳужжатларини инобатга олиш бўлими масаласи билан шуғулланмасдан, шу билан бир қаторда музейдаги барча ходимлар муаммосига ҳам йўналтирилган бўлиши керак, яъни сақловчилар, таъмирловчилар, намойиш этувчилар ва бошқалар¹⁸².

Улар ўзларининг фондларда ташкил этган қундалик хизмат жараёнларида хилма-хил музейга оид ҳужжатларни юзага келтирадилар. Яъни илмий паспорт, топографик ифода, намойиш этиш тавсифномаси, каталоглар, хилма-хил рўйхатлар ва бошқалар.

Ҳар қандай музей фондларида автоматлаштирилган тизимларнинг рақобатдоши, мутлақ ўзгача тизим бўлмаган, аксинча ҳар қандай бир маротаба бажариладиган ишни “WORD” матн муҳарриридан фойдаланиб бажарилса, тез амалга ошади.

Бу исботсиз хulosада автоматлаштирилган тизимга, биринчи томондан, маълумотларни интерфреска (тасвир ва матн уйғунлиги) усулида киритиш қулайлигининг ниҳоятда кескин талаби бўлса, иккинчи томондан эса, киритишнинг хилма-хиллигидир. Музей фонди тўғрисидаги умумий маълумотлар базасининг киритилиши натижасида (буюмлар тавсифини маълумотлар базасига киритиш сони) маълумотлар тизимидан фойдаланиш доираси кенгайиб боради. Маълум бир юқори даражадаги ҳажмга етгандан сўнг (баъзи бир фойдаланувчилар, бу ҳолатни музей коллекциясидан 70 % деб ҳисоблашади), талабларни ишлаш функцияси (мажбурияти) маълумотлар базасини қидириш натижалари бўйича – сифатли эфектив ишлашни бошлайди.

¹⁸² Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А. – Москва: ВК, 2003. – С. 11.

Музейнинг турли коллекцияларга асосланган фондларида ўзига хос маълумотлар базаси ишлаб чиқилади. Масалан, археологияга оид сақланаётган фондга нисбатан мебел фонди сезиларли даражада камдир. Акс ҳолда, музейдаги кўпгина коллекциялар музейга ажратилган бинога сифмай қоларди. Шундан маълум бўладики, маълумотлар базасидан барча коллекциянинг етарлича қисми жойлаштирилишидан илгарироқ қидирув сифатини ўзгартиришнинг дастлабки белгилари юзага келади.

Факатгина замонавий маълумотлар технологиясигина, талабларга ишлов бериш учун маълумотлар базасидан қидириш имкониятига эгадир. Автоматлаштирилган маълумотлар тизимлари мукаммал маълумотлар тизими бўлиши учун факатгина музейдаги буюмларнинг фонди билан чекланмасдан, воқеалар иштирокчилари, ташкилотчилари ва улар билан алоқадор бўлган изланувчан муаллифлар, тайёрловчилар, буюмларнинг дастлабки эгалари, тарихий воқеалар, намойишлар ва бошқаларни ҳам қамраб олиши ҳам инобатга олинади.

Мана шу ўзаро хилма-хил боғланишлар тавсифининг маълумотлар базасида тўпланиши, ҳозирги кунда замонавий деб аталаётган сўз бирикмаси ”билим базасини” ташкил қиласи. Музейдаги фондлар тўғрисидаги маълумотлар ҳажми маълум бир юқори даражага етгандан сўнг, қидиришнинг шунчаки янги имкониятлари туғилади, яъни музей ходимларининг изланишлар олиб бориши, маълумотлар тизими орқали бажариш билан бир вақтда, музейдаги буюмларни сақловчilarни ниҳоятда хурсанд қиладиган яна бир нарса шуки, ниҳоят буюмларга бехудага тегмаслик шароитини юзага келтиради.

Бу ”бириктиришларнинг“ асосий шарти – музей буюмларининг тавсифининг яратилиши, ниҳоятда ишончли ва мукаммал бўлмоғи лозим. Шу билан бир вақтда, ниҳоятда юқори сифатли тасвирга эга бўлиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида, предметнинг умумий тавсифи аниқлиги ва батафсиллиги юзага келади.

БУГУНГИ КУНДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА МУЗЕЙШУНОСЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Сидикова М.Х, СамДУ катта илмий ходим-изланувчи

Самарқанд шаҳри ўзининг қадимийлиги ва бетакрорлиги билан Республикализ тарихий шаҳарлари орсида ўзига хос ва ўзига мос ўрининг эга. Унинг номи кўхна тарихий шаҳар сифатида жаҳоннинг машҳур тарихий шаҳарлари қадимги Рим, Гречия, Миср ва бошқа шу каби шаҳарлар қаторида тилга олинади Шаҳар асрлар давомида Буюк Ипак йўлиниң йирик савдо маркази сифатида тилга олинган. XIV ва XV асрлар давомида бу шаҳар темурийлар салтанатининг пойтахти вазифасини ўтаган ва ўша даврларда йирик илм-фан, маданият марказига айланган. 1996 йил 18 октябрда Самарқанд шахрида бўлиб ўтган Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида “Самарқанд муқаддас қадамжо, у миллатимиз шуҳратини бутун дунёга таратган, бу шаҳар шонли ўтмишга эга, унинг бугунги куни бахтли ва келажаги эса абадийдир” деган эди давлат раҳбари И.А.Каримов. Шахарнинг бекиёс тарихий меъморий обидаларини кўрган ҳар қандай киши беихтиёр унинг гўзаллигига мафтун бўлади. Жумладан, ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори 2000 йил апрелда Самарқанд тарихий обидаларини зиёрат қилиб, шаҳар меъморлари санъатига юқори баҳо бериб, шундай деган эди: “Мен ҳеч қачон бундай юксак санъатни кўрмагандим, бу ўзбек халқи маънавиятининг рамзидир”.¹⁸³ 1970 йили Самарқанд шаҳри ўзининг 2500 йиллигини ва 2007 йилда 2750 йиллиги тантана билан нишонлаган эди. 2001 йилда ЮНЕСКО нинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Жаҳон мероси рўйхатида “Самарқанд- маданият чорраҳаси” номинацияси билан киритилган. 1997 йилдан бошлаб, Президент Ислом Каримов ташабуси билан ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда Самарқанднинг юраги бўлмиш Регистонда “Шарқ тароналари” ҳалқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинмоқда. Афсонавий шаҳарнинг тошдан бунёд этилган монументал иншоотлари киши кўзи ўнгига миллий маданиятнинг ўзига хос томонларини ёрқин чуқур очгани ҳолда бутун нағислиги ва назокати билан намоён бўлади. Улуғвор бетакрор, ўта нодир архитектура иншоотлари бугунги кунгача сақланган бўлиб, улар оддий кишилар – тарихнинг ажойиб ижодкорлари қўллари, ақл-идроқи билан бунёд этилган.¹⁸⁴ Афсуски, собиқ Шўролар даврида бизненинг тарихимиз, миллий маданиятимиз, диний эркинлигимиз, умуман эркимиз ўз қўлимизда эмас эди. 1968 йил май ойидан бошлаб Самарқанд Чор Россияси мустамлакасига айланди. Чор

¹⁸³ Самарқанд тарихи(қадимги даврлардан бугунги кунгача) Д.А.Алимова,Ю.Ф.Буряков, Ш.М.Раҳматуллаев., “ART FLEX” Т.2009.

¹⁸⁴ Э.Ахмедов. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида.,Т.2002.127.6.

Россияси ўлкада олиб борган сиёсатининг мазмуни ва моҳияти маҳаллий халқнинг унинг миллий, тарихий илдизлардан узидашлаш, халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш руслаштиришдан иборат бўлган. “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини, йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”.¹⁸⁵ Туркистонда ана шундай ёвуз қарашларга мос сиёsat ва амалиёт юритилди. 1991-йилда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, у ҳақда холисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратди, осори атиқаларимизни асрар, миллий қадриятларимиз, қадимий бой тарихимизни тиклашга имконият туғдиради. Тоталитар тузум даврида жумхуриятимизда 89 тагина масжид бор эди. Истиқлолдан сўнг уларнинг сони 2000 та етиб қолди. Собиқ иттифоқ даврида республикамиздан муборак Ҳаж сафарига икки-уч кишигина борар эди. Бугунги кунда эса ҳар йили 4000дан зиёд фуқароларимиз ана шу баҳтга муяссар бўлмоқда.¹⁸⁶ Буларнинг барчаси мамлакатимизда диний бағрикенгликни ҳамда миллийликнинг мустаҳкамланиши учун асос яратилаётганидан далолат беради.

Президентимиз Ислом Каримовнинг: «Тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»¹⁸⁷ деган қарашларини дастуриламал қилиб олган халқимиз мамлакатимизда давлат мустақиллиги қўлга киритилган дамлардан эътиборан бой маънавий меросимизни ва қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш борасида кенг қамровли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда Самарқанд вилояти ҳудудида 1105 та археологик, 670 та меъморий 37 та диққатга сазовор жой 18 та монументал, 21 та мемориал жами 1851 та та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд.¹⁸⁸ Бундан ташқари Самарқанд вилоятида 31 та музей ва 64 та зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, улар 2014 йил давомида тахминан 5 млн га яқин маҳаллий ва 200 минга яқин чет эл фуқароларига хизмат кўрсатган. Таъкидлаш жоизки, ушбу объектларда маҳаллий ва хорижий фуқароларга хизмат кўрсатиш учун бир қатор

¹⁸⁵ Ўзбекистон ислом обидалари Ўзбекистон.2002. 158-бет

¹⁸⁶ Ўзбекистон ислом обидалари.Ўзбекистон.2002. 176-177 -бет

¹⁸⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 140-б.

¹⁸⁸ WWW/Samarkand.uz

қулайликлар яратилган. Бугунги кунда вилоятда фаолият юритаётган Самарқанд давлат бирлашган бадиий, тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси (музей-қўриқхона 1982 йилда ташкил топган) таркибиға 8 та музей, 6 та тарихий обида ва 2 та зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, улар қуидагилар: Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи, Самарқанд вилояти табиати ва тарихи музейи, Афросиёб- Самарқанд шаҳар тарихи музейи, Мирзо Улуғбек музейи мажмуаси, Садриддин Айни уй-музейи, Каттақўргон шаҳар тарихий ўлкашунослик музейи, Иштихон туман тарихи музейи, Пахтачи туман тарихи музейи, Амир темур мақбараси, Амир Темур (Бибихоним) жомеъ масжиди, Ҳазрати Хизр мажмуаси, Нодир девонбеги мадрасаси, Хўжа Дониёр мақбараси, Абу Мансур ал- Мотрудий зиёратгоҳи, Чорчинор зиёратгоҳи. Музей-қўриқхона фондларида 211 мингдан ортиқ экспонатлар сақланмоқда. Музей-қўриқхона фаолиятига тарихий экспонатларни тўплаш, уларни ўрганиш ва сақланишини таъминлаш, илмий текшириш ишларини олиб бориш, экспозициялар тайёрлаш ва кўргазмалар очиш, маданий-оқартув ва ноширлик ишларини олиб бориш, музей-қўриқхонани ривожлантириш учун хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш ва туристларни жалб этиш каби ишларни амалга ошириш киради.¹⁸⁹ Бугунги кунга келиб музейлар тарихий, моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини асровчи, сақловчи, ўрганувчи ва халққа намойиш қилувчи илмий-маърифий маскан сифатида аҳамиятлидир. Мустақиллик йилларида Самарқанд вилояти музейлари фаолиятида улкан ишлар амалга оширилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота – оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2014 йил 11 июлдаги 189-сонли қарорига асосан биргина 2-8 сентябр кунлари Самарқанд Давлат музей- қўриқхонаси тизимида “Музейлар ҳафталиги” тадбирларини ўтказиш режаси ишлаб чиқилиб, мазкур режага асосан 56 маротаба тадбирлар, кўргазмалар ва экспозициялар намойишлари ўтказилди. Янгитдан ишга туширилган Ўзбекистон маданияти тарихи Давлат музейи залида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлиб “Мустақиллик экспозицияси” кўргазмаси ташкил этилди. “Мустақиллик экспозицияси” кўргазмаси ташкил этиш бўйича экспозиция дастуридан “Ким эдигу-ким бўлдик”,

¹⁸⁹ WWW/Samarkand.uz. Самарқанд вилояти маданий мерос объектлари ва музейлар.

“Самарқанд: кеча ва бугун”, “Обод шаҳар –фаровон ҳаёт” каби кўргазмалар ўрин олган. Бугунги кунда 210 000 дан зиёд экспонатлар мавжуд бўлган музей-қўриқхона фондини бойитиш мақсадида музей ашёлари ва коллекцияларини сотиб олиш билан боғлик ишларини амалга ошириб келмоқда. Шу ўринда музейда харид комиссияси ташкил этилган бўлиб, жорий йилда комиссиянинг 12 та йиғилиши ўтказилди ва мазкур комиссия томонидан 17 дона музей ашёлари бўйича таклиф киритилган бўлиб, уларнинг 10 донаси (2 млн 950 минг сўм) сотиб олинди. Самарқанд вилоятидаги Иштихон, Пахтачи туманлари, Каттақўрғон шаҳар тарихи музейлари, Садриддин Айни ёдгорлик уй-музейи, Афросиёб, вилоят Ўлкашунослик, Мирзо Улуғбек музейидаги экспозицияларга берилган 2076 ашёлар қайта рўйхатдан ўтказилди. Музейнинг фонд ва экспозицияларида сақланаётган экспонатларни ҳар хил заракунандалардан асраш, ашёлар сақланиш даврини узайтириш мақсадида кимёвий ишлов бериб келинмоқда. Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек музей мажмуаси, “Афросиёб”, “Ўлкашунослик” музейлари ҳамда Садриддин Айний уй музейларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Музей-қўриқхона тизимида барча музейларда 18 май-Халқаро музейлар кунига бағишлиб талаба ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган маҳсус дастурлар асосида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унда 12000 дан зиёдроқ иштирокчилар қатнашишди. Музей-қўриқхона фаолиятини оммалаштириш мақсадида музей-қўриқхона илмий ходимлари томонидан Республика ва вилоятдаги ОАВ (газеталар, илмий журналлар, телевидения ва радио)ларида илмий мақолалар ва намойишлар тақдим этиб келинмоқда. Мустақиллик йилларида тизимдаги музейлар ва тарихий обидаларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари тўлиқ амалга оширилди. Жумладан, “Афросиёб” музейини капитал таъмирлаш учун “Меъморқурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан тайёрланган смета ҳужжатлари асосида 74,0 млн сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари музей-қўриқхона маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Музей хавфсизлигини таъминлаш мақсадида видеокузатув мосламалари ва ёнгин хавфсизлиги учун тўлиқ сигнализация ўрнатилган.

Умуман олганда мустақиллик йилларида Самарқанд вилояти музейлари фаолиятида катта ўзгаришлар амалга оширилди. 1995 йил Республика Президентининг Фармони билан Самарқанд

шахрининг махсус иқтисодий-туристик зонага айлантирилганлиги қадим маъвога бўлган ҳурмат ва эътиборни янада кучайтириб юборди.¹⁹⁰ Бу эса вилоятда музейшунослик маданиятини ошишига ҳамда музейшунослик тараққиётини олға силжишига замин яратди. Чунки, музейлар ва қадимий зиёратгоҳларга берилаётган эътибор аждодлариимздан бизгача етиб келган маданий ва меъморий обидаларимизни янада ёрқинроқ намойиш этишга сабаб бўлади.

ҚАРШИ ВА ШАҲРИСАБЗ ШАҲАРЛАРИДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИНГ МУХОФАЗА ҚИЛИНИШИ

Дармонова М.А,
ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходим

Қадимий Қашқадарё воҳаси милоддан аввалги VIII-VII асрларда шаҳарсозлик маданиятига эришган афсонавий ўлка. Ипак йўли устида жойлашган ва турли мамлакатларга олиб чиқувчи йўллар чорраҳасида бўлиб, кўплаб тарихий жараёнларни бошдан кечирган қадимий маскан. Қолаверса, 250 дан ортиқ Насафийлар, Кешийлар, Косонийлар, Касбавийлар қолдирган моддий ва маданий меросга дахлдор маънавий илдизлар тарихини ўзида мужассам этган, ҳар қаричида тарих излари қолган, кечмиши мураккаб, аммо келажаги порлоқ диёрdir.

Бугунги кунга қадар вилоят ҳудудидаги маданий мерос обьектлари илмий ўрганилиб, мустақиллик йилларида рўйхатга олинган тарихий обьектлар шонли тарихдан далолат берувчи хужжат, далил, манба бўлиб хизмат қиласи. Шу боисдан ҳам Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб вилоятдаги барча тарихий масканлар муҳофазага олинди ва илмий ўрганиш ишлари бошланиб кетди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси «Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида доимий равишда Вилоят Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш¹⁹¹ ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси мунтазам равишда амалий ишлар олиб бориши натижасида, йўқолиш арафасига келган тарих изларини ҳам муҳофазага олиб, катта ишларни

¹⁹⁰ Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида. “Шарқ” нашриёти. Т., 1996. 91.б.

¹⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги “Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 269-сонли қарори

амалга ошириди. Натижада бугунги кунга келиб вилоят худудида жами 1195 та маданий мерос объектлари рўйхатга олинди ва хужжатлаштириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Мавжуд рўйхатга олинган манбалардан 175 таси меъморчилик объектлари, 948 таси археология мероси объектлари, 50 таси хайкалтарошлиқ санъат асарларидир. Маданий мерос объектларини асраб – авайлаш, таъмирлаш, тиклаш ва кўп минг йиллик тарихий – маданий тараккиётни амалда исботловчи улуғ мерос мавжудлиги учун ҳам жаҳон афгор оммаси, умуминсоний қадриятларни рўйхатга олувчи ЮНЕСКО ташкилоти тан олган ҳолда, тарихий шаҳарлар юбилейларини ўтказилишига эътибор қаратди.

Ёзма манбаларга кўра биргина мустаҳкам қалъа девори билан ўралган Қарши шахри ва унинг атрофида 100 дан ортиқ масжид, 49 та мадраса, ҳар бир маданий мерос обьекти пойида сардоба, ҳеч бўлмагандан 2 тадан қудук, карвонсаройлар, ҳаммомлар, кўприклар мавжуд бўлиб¹⁹², уларнинг сони 2000 дан ошган. Қашқадарёning барча туманлари ва Шахрисабз шаҳридаги меъморий обьектлар билан қўшиб ҳисоблагандан 2500 таси хужжатларда қайд этилган. Аммо ўтган аср йўқотишлари боис Қарши шаҳридаги 49 мадраса биносидан атиги 27 таси қолишининг ўзи аҳволнинг қай даражада жиддийлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 апрелдаги 182-сонли “Буюк олим Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш ва вилоят ҳокимлигининг 1994 йил 17 январдаги 8-ф-сонли қарорларига асосан вилоятдаги мавжуд маданий мерос обьектлари ва архитектура ёдгорликларни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

1373-1380 йилларда бунёд этилган Оқсарой меъморий обидаси Марказий Осиёда ва Яқин шарқдаги энг улуғвор иморат бўдиб, уни муҳофаза қилиш ва ўз ҳолатида сақлаб қолиш учун кўплаб ишлар амалга оширилган.

1996 йилда яна бир тарихий хужжат билан бунёдкорлик ишларига изн берилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони¹⁹³, Вазирлар Маҳкамасининг қарори¹⁹⁴,

¹⁹² Қашқадарё вилояти жорий архиви

¹⁹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 1996 йил 9 октябрдаги ПФ-1559-сонли Фармони

вилоят ҳокимининг 10 ноябрь 1996 йилдаги X-369/10-сонли қарорига асосан жамғарма вилоят бўлими фаолият бошлаган бўлиб, “Ёдгорлик” жамияти ўрнида унинг ҳукуқий вориси сифатида халқнинг миллий ва маънавий меросини излаб топиш, фуқароларда Ватан туйғусини шакллантириш, ёшларни аждодларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, юрт тарихига оид асарларни чоп этиш, миллат тарихи билан боғлиқ масканларни ҳомийларни жалб этган ҳолда обод қилиш, китобларини яратиш, матбуотнинг барча турига тарғибот қилиш каби кўплаб фаолиятлар билан шуғулланишга имкон яратилди.

Айниқса Қарши шаҳрининг қадимий маркази ҳисобланган Регистон майдонининг катта қисмини эгаллаб, ўтган асрда кишиларнинг юрагига ваҳм солиб турган хибсхонани қўчиришга аҳд қилингани албатта, Президент И.Каримовнинг мисли кўрилмаган жасоратидир. Ҳибсхона 2.0 гектар майдонни қамраган ҳолда, 4 та мадраса, 1 сардоба, Қарши шаҳрида сақланиб қолган энг қадимий обида, яъни, Одина масжиди ва бир қанча қадимий қудуқларни ўз ичига олган эди. Тарихий маскан 1938-2005-йилга қадар қамоқхона бўлиш билан бир қаторда мазкур юқорида санаб ўтилган 10 га яқин маданий мерос объектлари бўлмиш тарихий обидаларни ҳам ўзининг йўқлик комига тортиб кетган эди.

Маълумки, Шаҳрисабз қадимги ўрнидан силжиб, ҳозирги жойида шаҳарсозлик маданиятини ривожлантирганига ҳам ўн икки аср бўлган бўлса-да, қадимги ўринларидағи тарихий жараёнлар, илмий исботини топган манбалар 3000 йилдан кам эмаслиги ва халқаро умуминсоний қадриятларни рўйхатга олгувчи ЮНЕСКО ташкилотининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Шу боисдан ҳам Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини ўtkазиш ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда кўплаб маданий мерос объектини умуминсоний қадриятлар рўйхатига киритилди.

Албатта, бу маданий мерос объектларининг ҳам кўпчилиги Темурийлар томонидан бунёд этилган обидалар, тарихийликни ўзида акс эттирган меъморий мажмуаларни сақлаб қолиш, уларнинг умрини узайтиришга эътибор қаратилди. Жумладан, Мирзо Улугбек томонидан бунёд этилган Доруттиловат меъморий мамуасидаги Кўкгумбаз масжид ёдгорлик мжмуаси, ислом шарқига хос, аммо бетакрорлиги билан ажralиб

¹⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 октябрдаги 338-сонли карори билан Республикада “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

туради. Мирзо Улуғбек юбилейи¹⁹⁵ муносабати билан масжид мажмуасида катта таъмирлаш ишлар бошлаб юборилди ва қайта қуриш ва атрофини ободонлаштириш, таъмирлаш ишлар бажарилди.

Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий масканларидан яна бири, Амир Темур авлодлари руҳи осуда ётган Дорус-саодат мажмуасидир. Мақбара ўтган асрдаги таназзуллар боис йўқолиш арафасига келиб, ҳатто тарихий қабрлар ҳам шу ҳолга келиб қолган эди. Бу каби тарихий ҳақиқатларни тиклаш ва таъмирлаш ишларида ката маблағлар ажратилди ва таъмирлаш ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик туфайли халқ ўзининг ўтмишини, бой меросини ўрганиш, тиклаш баҳтига мұяссар бўлди. Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини ўтказиш олдидан Президентимиз Ислом Каримов 1994 йил Шаҳрисабзга келиб, Амир Темур даври ёдгорликларини кўрди ва таъмирлаш ишларини кузатди. Шаҳрисабздаги 19 та тарихий маданий ёдгорликларнинг 16 таси республика аҳамиятига эга эгани, объектлар юбилейга қадар ўз кўркига эга бўлиши учун чора-тадбирлар белгилашни режалаштирилди. Шу йилларда қўшимча равишда катта маблаг ажратилди Чорсу, Кундузак, Оғалиқ ёдгорликлари тўлиқ таъмирланди.

Кўп ўтмай, “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарори¹⁹⁶ чиқди ва Оқсарой меъморий ёдгорлиги пойида Амир Темур хиёбони ташкил этилди, пойдеворининг баландлиги 10 метр бўлганингани ҳолда ҳайкал ўрнатилди. Бу каби тиклаш-таъмирлаш фаолиятига давлатимиз томонидан катта маблағ ажратилиб, катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

2000 йилнинг декабр ойида ЮНЕСКО ташкилотнинг қарори билан Шаҳрисабз шаҳри Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. 2001 йилда эса ЮНЕСКО Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Юбилей муносабати билан Шаҳрисабз шаҳрида ободонлаштириш ишларига бошланиб кетди. Бу эса Шаҳрисабз шаҳри тақдирида катта бурилиш ясади. Қадимий ёдгорликлар таъмирланиб, тарихий шаҳар қайта чирой очди. Кўрилган чора тадбирлар режасига

¹⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 апрелдаги № 182-сонли “Буюк олим Мухаммад Тарагай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида”ги қарори

¹⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабр 630-сонли “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори

кўра ишлар янада жонланди. Жумладан Ўрта аср ҳаммоми, Чорсу мажмуаси, Коба карвонсаройи, Чубин мажмуасида ҳам катта таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, шаҳардаги ҳар бир маданий мерос объектлари давлат аҳамияти даражасида назоратга олинди ва босқичма-босқич давлат бюджетидан маблағ ажратилиб, мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида халқнинг миллий ва маънавий, тарихий илдизлари бўлган маданий мерос объектларини излаб топиш, илмий ўрганиш рўйхатга олиш, тиклаш-таъмирлаш учун лойиҳа сметаларини тайёрлаш, таъмирлаб, обод ҳолга келтириб, туризм марширутларига киритиш ишларида мисли кўрилмаган даражада олға силжиш бўлди. Тарихий хотиралар бўлмиш маданий мерос объектларини сақлаб қолиш, қайта жон бағишлиш соҳа мутахассисларининг, қолаверса барча фуқароларининг муқаддас бурчидир.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ РЕКРЕАЦИЯ МАРКАЗЛАРИДА ИНФРАСТРУКТУРА ТАРАҚҚИЁТИ

Перемкулов Ж.А,

ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, шаҳар, туман марказлари, шаҳарчалар ва рекреация марказларида дам олиш масканларини ривожлантириш, яшил зоналарни кўпайтириш, экологик мувозанатни сақлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. ЎзР Президентининг 2000 йил 26 апрелда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасида шаҳарсозлик ва архитектуруни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги¹⁹⁷, 2005 йил 26 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси вилоят, шаҳар ва туман марказлари қурилишида шаҳарсозлик нормаларининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги¹⁹⁸, 2005 йил 30 августдаги “Шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг бош режаларини ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹⁹⁷ “Ўзбекистон Республикасида шаҳарсозлик ва архитектуруни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 2595-сонли фармони. 26 апрель, 2000 йил. URL манзил: <http://lex.uz//pages/>

¹⁹⁸ “Ўзбекистон Республикаси вилоят, шаҳар ва туман марказлари қурилишида шаҳарсозлик нормаларининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 62-сонли карори. 26 апрель, 2005 йил. URL манзил: <http://lex.uz//pages/>

тўғрисида”ги¹⁹⁹ қарорларида рекреация марказларига алоҳида урғу берилди. Унда рекреация ҳудуди атроф муҳитини ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланиш, аҳоли пунктларида атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, рекреация марказлари инфраструктурасини тубдан ислоҳ қилиш, марказ ҳудудида спорт-соғломлаштириш мажмуалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини кўпайтириш орқали туризмни ривожлантириш масалалари ўрин олди²⁰⁰.

Шу жумладан, Тошкент вилоятидаги рекреация марказларида туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган кўплаб дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур дастурларда вилоятдаги туризм имкониятларини ривожлантириш ва кучайтириш, маҳаллий ва хорижий туристларни минтаقا маданий-тарихий мероси билан танитиш, вилоятдаги рекреация ҳудудларида янги лойиҳалар асосида аҳоли дам олиши ва туризми учун қулайликларни кучайтириш, транспорт ҳамда коммунал инфраструктураларни замонавий технологиялар асосида реконструкция қилиш, янги туристик йўналишларни ташкил этиш, шунингдек, туризм хизматларини сифатини ошириш ва шунинг асосида янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш каби масалаларга эътибор қаратиб келинмоқда.

ЎзР Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 259-сонли қарори қабул қилинди²⁰¹. Мазкур қарорга кўра, пойтахт вилоятида туризмни ривожлантиришнинг манзилли дастури ишлаб чиқилди. Мазкур қарор ижроси туфайли, 2015 йилга келиб, вилоятда **туристик хизматлар** 2012 йилга нисбатан 1,7 бараварга, яъни 22,317 млрд. сўмдан 37,4 млрд. сўмга ошди. Туристик хизматлар экспорти 1,5 бараварга – 253,8 мингдан 372,5 минг АҚШ долларига ўсди. Туристлар сони ўтган йиллар давомида 51,2 минг кишидан – 69,6 минг кишига, шу жумладан, хорижий туристлар сони 6300 кишидан 7300 кишига ўсди. Шу билан бир қаторда Тошкент вилоятида туристлар учун инфраструктураларни ривожлантиришга ҳам эътибор кучайди. Вилоятдаги рекреация

¹⁹⁹ “Шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ фуқаролар йигинларининг бош режаларини ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 165-сонли қарори. 30 август, 2005 йил. URL манзил: <http://lex.uz//pages/>

²⁰⁰ Кучкарова М. Гигиеническая оценка городских рекреационных ресурсов и территорий в условиях стабильно возрастающей антропогенной нагрузки. // Экологический вестник. №11. ноябрь, 2010 г. С.9.

²⁰¹ “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ВМ 259-сонли қарори. 20 сентябрь, 2013 йил. URL манзил: <http://lex.uz//pages/>

марказларида меҳмонхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йилларда уларнинг сони 31 тадан 58 тага оширилди. Уларда 2012 йилда 1317 та ўрин бўлган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 2831 тани ташкил этди²⁰².

Тошкент вилояти рекреация марказларидаги **меҳмонхона ва бошқа туризм инфраструктураларини** қуриш ва реконструкция қилиш учун 55,149 млн. АҚШ доллари (шундан 39,267 млн. АҚШ доллари ташаббускорлар инвестицияси) ажратилди. 2014-2015 йилларда Тошкент вилоятидаги **маданий-тарихий мерос объектлари** ҳолатини яхшилаш ва реставрация қилиш учун 3,035 млн. АҚШ доллари жалб этилди.

Тошкент вилоятида амлага оширилган мазкур дастурлар туфайли минтақада туризм инфраструктураси ривожланди, туристик хизматлар хиллари кўпайди, минтақадаги туризм имкониятларини намойиш қилиш мумкин бўлди, туристлар учун зарур инфраструктуралар ҳолати яхшиланди, шунингдек, туризм соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди. Дастурни амалга оширишда жами 77,795 млн. АҚШ доллари сарф этилган бўлиб, шундан 42,714 млн. АҚШ доллари корхона ва ташкилотлар маблағи, 26,376 млн. АҚШ доллари банк кредитлари, 5,65 млн. АҚШ доллари хорижий сармоядорлар ва 3,055 млн. АҚШ доллари давлат бюджети маблағлари ҳиссасига тўғри келди.

Мамлакатдаги ҳусусий банклар Тошкент вилоятидаги рекреация марказларини ривожлантириш бўйича лойиҳа ташаббускорларига имтиёзли кредитлар ажратдилар. Унга кўра, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан катта бўлмаган фоиз ставкасида (12 фоиз), 5 йилга (12 ойлик имтиёзли давр) берилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур дастур доирасида Тошкент вилоятидаги рекреация корхоналарнинг моддий-техникавий базасини кучайтиришга эътибор қаратилди. 2013 йилдан Тошкентдан Бўстонлик, Ангрен, Янгиобод, Паркент ва бошқа рекреация марказларига қатновчи йўналишлар автобуслар сони оширилди.

Шу билан бир қаторда вилоятда қуйидаги янги туристик йўналишлар ташкил қилинди:

- **тарихий** (Зангиота, Паркент ва Оққўрғон);

²⁰² Саримсоқов Э. Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи биохилма-хиллиги – барқарор тараккиёт негизи. // Экология ҳабарномаси. 1-сон. 2014 йил. 17-бет.

- **экологик** – табиат қўйнида дам олиш (Бўстонлик, Паркент, Янгиобод);
- **спорт ва соғломлаштириш** (Бўстонлик, Паркент, Янгиобод);
- **агротуризм** (Чиноз, Паркент) кабилар.

Угом-Чотқол миллий боғига экскурсия ташкил этилди. Угом-Чотқол миллий боғи 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг умумий ер майдони 574 минг га.ни ташкил этади. У ғарбий Тян-Шань тоғли ҳудудларида денгиз сатҳидан 800-4000 метрдан ортиқ баландликларни ўз ичига олган. Боғ ҳудида 3 та санаторий, 4 та пансионат, 100 дан ортиқ дам олиш масканлари, 40 дан ортиқ болалар соғломлаштириш масканлари, 300 дан ортиқ дала ҳовлилар, 2 та овчилик хўжалиги, 2 та ўрмон хўжалиги, 1 та қўриқхона, 40 тага яқин фермер хўжаликлари, 30 га яқин аҳоли пунктлари ҳамда бошқа муассаса ва ташкилотлар жойлашган²⁰³. Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи бошқармаси таркибига Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси (35,7 минг га), Оҳангарон (183,2 минг га) ва Бурчмулло (352,4 минг га) ўрмон хўжаликлари киради²⁰⁴.

Шунингдек, Тошкент вилоятидаги рекреация марказларида туризмни янада ривожлантириш мақсадида турли **фестиваллар** ҳар йили ўтказилиши йўлга қўйилди. Масалан, Паркент туманидаги маҳаллий узумзорларга ҳар йили экскурсия ташкил этилиб, вино тайёрлаш фестивали ўтказилиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Бўстонлик ва Чиноз туманларида балиқ маҳсулотлари фестивал-ярмаркаси, “Чимён экстрим” қишки спорт ўйинлари тоғ байрам фестивали, “Чимён садоси” номли экологик туристик фестивали кабилар ўтказилди. 2013 йилдаёқ туристлар учун йўл белгилари, туристик обьектлар жойлашган ҳудуд харитализмалари ўрнатилди. 2014 йилга келиб, барча маданий ва бошқа туристик обьектлар акс этган ягона маълумот стендлари ишлаб чиқилди.

Рекреация марказларида инфратуризм ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис хизматлари йўлга қўйилди. Хусусан, Бўстонлик, Оққўрғон, Паркент ва Пскент туманларида дам оловчи туристлар учун транспорт хизматларини кенгайтириш мақсадида Хожикент темир йўл вокзалидан рекреация марказларига

²⁰³ Саримсоқов Э. Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи биохилма-хиллиги – баркарор тараққиёт негизи. // Экология ҳабарномаси. 1-сон. 2014 йил. 15-бет.

²⁰⁴ Ўша ерда, 17-бет.

йўловчиларни ташиш хизматлари кенгайтирилди, 10 та туристик автобус, йўналишли такси учун 253 та “Nexia” русумидаги енгил автомобиль, 194 та “Isuzu” русумли автобуслар сотиб олинди.

Туристлар ҳаракат йўналишида **санитар-гигиеник марказлар** ташкил этишга катта аҳамият қаратилди. Чимён-Чорвоқ рекреация марказида 10 та, Паркент туманидаги рекреация марказларида 5 та, Янгибодда 3 та, Туябўғиз сув омбори атрофида 2 та марказлар қурилди. Ҳар бир марказ ўз навбатида 8 нуқтада жойлаштирилди. Шунингдек, Чорвоқ, Чимён, Янгибод ва Кумушкон каби рекреация худудларида **шошилинч ва биринчи тиббий ёрдам марказлари** ташкил этилди.

Лойиҳа доирасида Туябўғиз ва Чорвоқ сув омборлари этакларида аҳоли учун **чўмилиш зоналари (пляжлар)** барпо этилди. Мазкур зоналарда қутқарув хизматидан ташқари, юваниш хоналари, соябонлар, овқатланиш, савдо ва сузиш анжомлари ижараси каби расталар, санитар-гигиена хоналари каби барча обьектлар қурилди.

Тошкент вилоятидаги **Янгибод рекреация маркази** фаолияти ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини яхшилаш бўйича 2014 йилда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, тоғ чангиси анжомларини ижарага бериш пунктлари ташкил этилиб, овқатланиш шаҳобчалари қурилди. Бундан ташқари, бу ердаги чанғи ва чана учиш майдони 2500 метрга узайтирилиб, канат йўлаги, тоғ чангичилари учун машғулот майдонлари, кийим алмаштириш хоналари, чанғи устахоналари каби обьектлар қурилди, қор тозаловчи машина сотиб олинди, қор генераторлари ўрнатилди.

Паркент туманига қарашли **Сумча рекреация марказида** ҳам инфраструктурани ривожлантириш бўйича 2015 йилда чўмилиш майдонлари реконструкция қилинди. Марказ атрофидаги худудлар ободонлаштирилди. 220 ўринли меҳмонхона ва 50 нафар дам олувчиларни сифдира оладиган коттеджлар қайта қурилди.

Чимён рекреация марказидаги канат йўлагининг юқори қисмига кўтарувчи транспорт йўлаги 2015 йилда замонавий қурилма билан қайта таъмирланди, бошқарув пункти модернизация қилинди.

Туризм имкониятларини намойиш этиш мақсадида сўнгги йилларда минтаقا маданияти, урф-одатлари, табиати ва таомларига бағишланган видеофильмлар яратилди. Улар оммавий ахборот воситалари ва интернет саҳифалари орқали кўрсатиш

йўлга қўйилди. Тошкент вилояти рекреация марказлари, уларнинг жойлашган ўрни ҳақидаги тўлиқ маълумотлар интернет саҳифаларида (Google Maps ва бошқа) ўз аксини топди. Турли электрон энциклопедияларда минтақадаги рекреация марказлари тарихи, осору-атиқалари ҳақидаги мақолалар, Тошкент вилоятининг туристик ҳаритаси чоп этилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, бу борада ҳар йили ҳорижий ОАВ ва чет эл туроператорлари учун ахборот-туризми ташкил этилди. Минтақада туризм бизнеси билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун ҳар йили Тошкентда “Буюк ипак йўлида туризм” ҳалқаро туристик ярмарка ташкил этилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, миллий туристик хизматлар экспортига бағишлиланган ҳорижий давлатларда бўлиб ўтган йирик ҳалқаро кўргазмаларда Тошкент вилояти рекреация марказлари ҳам иштирок эта бошлади.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВА НАВОЙИ ШАҲАРЛАРИДА МАДАНИЙ МУАССАЛАР

*Холов В.Ю,
ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими*

Мустақилликнинг қўлга киритилиши республикадаги тарихий меросни қайта тиклаш билан бирга, янги маданий ва маърифий муассаларнинг ташкил топишида муҳим аҳамият касб этди. Бу борада амалга оширилган ислоҳотлар айниқса Бухоро ва Навоий шаҳарларида кўзга ташланиб, нафақат шаҳар қиёфасини янгиланиши, тарихий обидаларнинг ўз ҳолига қайтарилишига, балки ижтимоий-иқтисодий инфратузилманинг яхшиланиши ҳамда туризм салоҳиятининг ошишида муҳим омил бўлди. Бу ислоҳотларни амалга оширишда республикада қабул қилинган қонунлар ва қарорлар асос бўлиб хизмат қилди.

Бухоро шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиётидаги алоҳида ўрнини ҳисобга олиб, у 1993 йилда ЮНЕСКОнинг жаҳон меросига киритилган. ЮНЕСКО Бош конференсиясининг 1995 йил октябр-ноябр ойларида Парижда ўtkazilgan 28 сессиясида Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Шу билан бирга, 1996 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6-сонли шаҳарнинг юбилейини 1997 йилда тантанали нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, Бухоро шаҳрининг тарихий марказида ва асосий туристик машрутида

жойлашган ноёб тарихий-маданий обидаларни 1996-2000 йилларда таъмирлаш ва ободонлаштириш дастурини ишлаб чиқиши, 1996-1997 йилларда шаҳар акваториясида ер ости сувлари сатҳини белгиланган меъёрда бўлишини таъминлаш, шаҳар тарихи юбилейига бағишланган халқаро конференсия ташкил этиши ва ўтказиши, шаҳар тарихини ёзиши, шаҳар инфраструктурасини яхшилаш каби бир қатор вазифалари қўйилди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида қарорлар²⁰⁵ қабул қилинди. Шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан ундаги тарихий обидалардан 52 таси таъмирланди. Жумладан, Регистон майдони, Пойи Калон ансамбли, Тоқи Саррофон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Заргарон, савдо ва ҳунармандчиликка мўлжалланган тоқлар қайта таъмирланди ва шаҳарнинг энг гавжум гўшаларидан бирига айланди. Бу эса мазкур шаҳарлар юбилейларини ўтказишнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигидан далолат беради²⁰⁶. 1997 йилнинг октябрида Ўзбекистонда шаҳарнинг 2500 йиллиги тантанали нишонланди қатор тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, 2000-2001 йиллар “Шаҳарлар тинчлик учун ЮНЕСКО макофотига бешта минтақадан қўйилган 76 шаҳар орасидан Осиё ва Тинч океани минтақасида ғолиб бўлди. Бу танлов ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб, ҳар бир минтақадан биттадан шаҳар танлаб олинади. Мазкур 1996 йилда дунёда тинчлик ғояларини кенг тарғиб этиши, ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро миқёсда шаҳарлараро ҳамкорликни риволантириш мақсадида ташкил этилган мукофоти Марокашда ЮНЕСКО бош директори Коичиро Мацуура томонидан топширилди²⁰⁷.

Шаҳар бош режани қайта тасдиқлашда шаҳардаги тарихий-маданий объектларга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида 2007 йил 11 сентябр куни Бухоро шаҳрининг тарихий қисмидаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш масалаларига оид ЎзР ВМнинг 191-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан шаҳардаги бир қатор тарихий бинолар қайта таъмирланди. Хусусан, Бухородаги Масжиди Калон, Бухоро

²⁰⁵ www.lex.uz Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган ҳафталикини ЮНЕСКО бош штаб квартирасида ўтказишни ташкил қилиш тўғрисидаги 1997 йил 24-мартдаги ЎзР ВМнинг 156-сонли ва Бухоро ва Хива шаҳарлари 2500 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларни ўрказиш тўғрисида 1997 йил 1-августда 383-сонли қарори.

²⁰⁶ Камбаров М. Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида амалга оширилган ишлар. Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши, 2011. 4-5 сонлар, 25-бет.

²⁰⁷ Халқ Сўзи №72. 04.04.2002.

арки, Чорбакр каби қатор осори-атиқалар таъмирланиб, асл қиёфасига келтирилди.

Тарихий иншоотларни таъмирлаш ишлари мунтазам давом этди²⁰⁸. 2013 йилда жами 7 та моддий маданий мерос объектларида - АРК ансамблидаги ғарбий девор, АРК ансамблидаги Нағорахона, АРК ансамблидаги Археологик ҳудуди, Мағоки Аттори масжидининг ғарбий томонидаги археологик ҳудуди, Бадриддин карвон саройи, Турки Жанди мақбараси ва Рашид карвон саройиқурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб ажратилган маблағлар пудратчи ташкилотлар томонидан тўлиқ ўзлаштирилди. Дастурда таъмирланиши режалаштирилган қолган объектлар маҳаллий бюджетдан молиялаштирилмаганлиги боис таъмирланмай қолиб келмоқда.

2014 йилда ҳам дастурга асосан АРК ансамблидаги ғарбий деворда, Ситораи Мохи Хоса ансамблидаги “Ратонда” ва айвонда таъмирлаш ишлари республика маблағлари ҳисобидан, Б.Нақшбанд кўчасидаги Эски мактаб биносида, Тоқи Саррофон, Тоқи Телпакфурӯшон ва Тоқи Заргарон маданий мерос объектларда таъмирлаш ишлари инспекция ҳисобидан амалга оширилди²⁰⁹. Шаҳардаги тарихий обидалардан 1989-1991 йилларда Тоқи Заргарон, Тоқи Телпак фурушон, Тоқи Саррофон, Абдуллохон ва Модарихон мадрасалари, Саррофон ҳамноми таъмирланган бўлса, кейинчалик, Сайфиддин Боҳарзи хонакоси (1995), Буён Қулихон мақбараси (1995), Пойи Калон мажмуаси (1996-1997), Чор Бакр мажмуаси (2000-2005), Гавкушон мажмуаси (2005), Бухоро шаҳристони калъа девори қолдиқлари (2006-2007), Хўжа Исмат зиёратгоҳи (2006-2007), Талипоч дарвозаси ҳудудидаги қалъа деворлари (2006-2007), Бухоро шаҳристонининг Самарканд, Шайх Жалол, Ҳазрати Имом, Саллохона дарвозалари (2008-2010), Лаби-Ховуз мажмуаси (2011), Рашид карвонсаройи (2012), Турки Жанди макбараси (2013), Бухоро шаҳридаги Эски мактаб биноси (2014), Ғуломжон мадрасаси (2014), Аркнинг ташқи девори (2014) ва бошқа тарихий иншоотлар тўлиқ қайта таъмирланди ва барчаси асл тарихий қиёфасига қайтарилиди. Шаҳар деворлариуни тиклаш ишлари олиб борилиб, жанубий-

²⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2010 йил 23 мартағи “Бухоро шаҳридаги маданий мерос объектларини 2010-2020 йилларда ўрганиш, консервация қилиш ва таъмирлаш бўйича Давлат дастури”ни тасдиқлаш бўйича қабул қилган 49-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

²⁰⁹ Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақалараро Давлат инспекцияси жорий архиви

ғарбий қисмидә “Кампирак” деворининг бир қисми қайта барпо этилди²¹⁰.

Шаҳарда кўплаб маданий, маърифий, спорт ва дам олиш масканлари борпо этилди ва мавжудлари капитал таъмирланди. Жумладан, Бухоро шаҳридаги Садриддин Айний номидаги мусиқали драма театрининг янги биноси 2010 йилда фойдаланишга топширилди. Театр биноси Бухоро маданий марказида жойлашган бўлиб, 700 томошабинни ўз бағрига сифдиради. Замонавий ва анъанавий дизайн қорищувида барпо этилган бу театр маданий томошалардан ташқари олий даражадаги йиғилишларга ҳам мезбонлик қилиб келмоқда. Бундан ташқари, театр ёнида 2000 кишига мўлжалланган амфитеатр ҳам қад рослади. Бу ерда ҳар йили вилоятнинг “Мустақиллик” ва “Наврӯз” байрамлари ўтказилади²¹¹.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида шаҳарда туризм оқими сезиларли ўси. Жумладан, 1995 йилда шаҳарда 6 та меҳмонхона бўлиб, шундан 2 таси хусусий бўлган бўлса, 2014 йилга қадар уларнинг сони 76 тага етди ва шулардан фақат биттаси давлат тасарруфидаги меҳмонхона саналади. Сайёҳлик агентликлари сони 9 тадан 32 тага кўтарилиб, сайёҳлари сони 67652 тадан 2014 йилда 131464 тага ўси. Кўрсатилган хизмат 1995 йилда 66114 сўмни ташкил қилган. 1997 йилда (Шаҳарнинг 2500 йиллиги нишонланган) туризмда кўрсатилган хизмат 264787 минг сўмга кўтарилиди. 2014 йилга келиб хизмат кўрсатиш 13920896,6 минг сўмга етди. Бу албатта туризм соҳасида олиб борилган самарали ислоҳотларнинг натижасидир²¹².

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг яхшиланишини шаҳар аэропорти мисолида ҳам кўриш мумкин. Аэропортда 1999 йилда модернизациялаш ишлари ниҳоясига етгач, унга “халқаро аэропорт” мақоми берилди. Аэропорт соатига 150 йўловчига сифатли хизмат кўрсата олар эди. Аэропортнинг алоҳида заллари эса миллий усулда безатилган. Юқори технологик жиҳозлар билан таъминланган бугунги замонавий йўловчи терминалида мижозларга жаҳон андозаларига мувофиқ хизмат қўрсатилмоқда. 2011 йил ноябрда ишга туширилган янги йўловчи терминали соатига 400 нафар мижозга сифатли хизмат кўрсатиш имконига эга. Шунингдек, VIP ҳамда СИР-заллари, оналар ва болалар хонаси,

²¹⁰ Ўша жойда.

²¹¹ Бухоро вилояти ҳокимияти жорий архиви.

²¹² “Ўзбектуризм” Миллий компаниясининг Бухоро вилояти филиали жорий архиви.

тиббиёт пункти, чиптахона, валюта алмаштириш шохобчasi, почта алоқаси бўлими, "Duty free" савдо дўкони фаолият кўрсатмоқда.

Аэропортдан республиканинг Тошкент ва Фаргона шаҳарларига, Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Краснодар каби қатор йирик шаҳарларига 20 дан ортиқ йўналишда парвоз қилиш мумкин. Бундан ташқари, бу ерда бир қанча чартер рейслари ҳам ташкил этилган. Шу орқали хорижий мамлакатлардан ҳам самолётлар қабул қилинмоқда²¹³.

Натижада йилига 120 000 даг зиёд йўловчига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларга экспорт қилигадиган юкларни жўнатишда хизмат қилади. 2008 ва 2010 йил якунлари бўйича аэропорт МДҲ мамлакатлари аэропортлари орасида “Йилнинг энг яхши аэропорти” номинациясига сазовор бўлди. 2009 йилда эса “Аэропорт” асоссацияси томонидан “Ривожланаётган истиқболли аэропорт” шарафига сазовор бўлди. 2013 йилда эса 100 000 дан 500 000 гача йўловчи ташувчи МДҲ мамлакатлари аэропортлари орасидан унвонига эга бўлди. Бундан ташқари 2010 йилда “Русский регистр” компанияси томонидан ISO 9001:2008 халқаро стандартлари сертификатига эга бўлди.

Навоий шаҳрида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, олиб борилган диний бағрикенглик ислоҳотлари натижасида ва шаҳар мусулмонлари истаклари ҳисобга олиниб, 2004 йил август ойида Навоий шаҳрида дастлабки масжид қурилиши бошланди ва биринчи пойдевор ғишти қўйилди. Масжиднинг очилиш маросими 2006 йил 24 март куни ўтказилди. Масжид биноси икки қаватли бўлиб, худди шу ўлчамда ер ости биноси ҳам мавжуд. Бир вақт намозда 2000 (икки минг) кишини сифдира олади²¹⁴.

2012 йилда “Навоий техно - Планет” биносининг ертўла ва биринчи қаватида автоэҳтиёт қисмлари сотилиши йўлга қўйилди. Иккинчи қаватида компьютер технологиялари сотиладиган савдо шаҳобчалари, З-қаватидан эса ёш болалар ҳамда мактаб ёшидаги болалар учун 43 та атракцион, вертуал кино заллари, ажойиб ошхоналар ўрин олган. 18 ўринга мўлжалланган меҳмонхона, ресторан, шаҳарни томоша қилиш учун бинокллар мажмуанинг юқори қаватида жойлашган. Шунингдек, барча қаватларда 13 та массаж креслолари ўрнатилган.

²¹³ <https://www.uzairways.com/ru/flights/mezhdunarodnyy-aeroport-buhara>

²¹⁴ <http://hazratnavoiy.uz/>

Алишер Навоий боғнинг капитал - реконструкцияси 2011 йилнинг 4-чораги ҳамда 2012 йилнинг 1-чорагида амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, 2011 йилда боғ худудида умумий майдони 3 гектарга эга бўлган янги “Аква парк” сув мажмуаси қурилиши бошланиб Мустақиллик байрамининг 20 йиллиги арафасида ишга туширилди ва боғ тасаррӯфига берилди. “Аква парк” сув мажмуаси 3 млрд. сўмдан зиёд хомийлик ёрдами 2 млрд. сўм боғ хисобидан банк кредити жалб этилиб 3 та сув ҳавзаси барпо этилди ва 8 та сув аттракционлари Хитой давлатидан олиб келиб ўрнатилди. Ушбу боғ худудида 2014 йилда янги маданият маскани – Санъат галереяси ташкил этилгани ижодкорлар учун яна бир қулайлик бўлди²¹⁵.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро ва Навоий шаҳарларида олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ишлар шаҳарлар тараққиётида, аҳоли турмуш тарзида, шаҳар маданиятида алоҳида ўрин эгаллади.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЮКСАК МАЊНАВИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ

Исмаилова Д.У, ТДПУ талабаси

Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда мањнавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни албатта қувонтиради.

Буларнинг барчаси миллий тикланиш жараёнлари қалам ахлининг ижодий изланишлари учун қандай катта уфқлар очибберганини янабир бор кўрсатади.

Адабиётимиз намояндаларининг ижоди, уларнинг мањнавиятимиз хазинасига қўшаётган ҳиссаси борасида кенг ва атрофлича маълумотларни биз адабиёт дарсларида ёшлар онгига

²¹⁵ Навоий шаҳар ҳокимиюти жорий архиви

сингдирариз. Шундай мақсадга эришиш йўлида дарсларни адабиёт музейлари билан ҳамкорликда ташкил этиш анча самаралидир.

Дарҳақиқат, музейлар дастлабки таълим соҳасида мактабларнинг муҳим ҳамкаслари саналади. Улар ўз коллекцияларини ўқув жараёнига киритиш учун таълим материаллари ва ижодий учрашувлар тақдим этадилар. Педагоглар маҳсус дастурлар ва материалларини ўқув режаси талаблари асосида шакллантириш мақсадида музей маъмурияти билан ҳамкорликда ишлар олиб борадилар.

Шунуқтаи назардан олиб қараганда ўқувчиларнинг музейларга ташрифи аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Жумладан, музейга ташрифни мактаб машғулотлардан чарчаган пайтда эмас, балки музейдаги манбаларни идрок этишга тайёр бўлган пайтда уюштириш ҳамда тинглаш учун оғир бўлган одатий экскурсиялардан воз кечиш керак. Болаларнинг мавзулар бўйича мустақил ижодлари билан музейга ташрифларининг якунланиши эса самарали натижа беради. Бундай ёндашув музей ва мактабларнинг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига тизимли ва дастурли муносабатда бўлишни талаб этади.

Музейларнинг экскурсия методикасидаги дидактик ўйинлар ва машқлардан ташқари ўқувчилар билан психологик хусусиятларига кўпроқ жавоб бера оладиган шакллар сифатида сухбат, диалоглар кенг қўлланилади. Боланинг ўз-ўзини англаши билан бадиий ижоднинг фалсафий масалаларига, дунёқараши ва оламни идрок этишига, замонавий бадиий маданият муаммоларига қизиқиши билан изоҳланади. Мактаб ўқувчилари адабиётнинг масалалари билан боғлиқ бўлган материалларни кўпроқ онгли ва қизиқкан ҳолда идрок этадилар. Бундай мавзуларни машғулотлар таркибиға киритиш ижобий самара беради.

Мактаб ва музейлар алоқадорлиги шароитида уларнинг таълим-тарбиядаги ўзига хос хусусиятини билиш ҳам катта аҳамият касб этади. Унинг ички тузилишида қуйидагилар ўз ифодасини топиши муҳим:

Биринчидан, музейларда мактаб билан алоқадорликни ташкил этиш. Бу фаолият музейларга уюштириладиган экскурсиялар, музей экспозициялари атрофида ёки музей аудиториясида ташкил этиладиган машғулотлардир. Бу машғулотлар мактаб томонидан тавсия этилган мавзулар бўйича ташкил этилади. Зоро, мактабда ўқитиладиган фанлар, айниқса, адабиётга доир ўқув фанлари музей материалларига таянади. Агар

илгари бу қўшимча материал сифатида ўрганилган бўлса, ҳозирги даврда музей экспозицияларининг ўзига хос жиҳатлари ва имкониятлари ҳам намоён бўладики, бу эса ўз навбатида ўқувчилар факат олган билимларини чуқурлаштириш билангина эмас, балки ўқувчиларнинг тафаккури қобилияти, эмоционал маданияти, мақсадга йўналганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Иккинчидан, бу фаолият ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, музей ходимлари томонидан мактабларда ташкил этиладиган маърузалар, қўшимча дарслар, тўгараклар ва бошқа машғулотларни ўз таркибига олади. Музейларнинг таълим-тарбияга йўналтирилган жараёнининг таркибий қисми сифатида қараш ҳозирги даврда ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда, айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги талаблар таълим жараёнида ўзгаришлар қилишни тақазо этади. Бу эса, ўз навбатида, мактабларнинг ўқувтарбиявий дастурлари музей педагогикаси билан қай даражада мослигини ўрганишни тақазо этади.

Демак, умумтаълим мактаблари билан музейлар алоқадорлиги, биринчидан, ўқувчиларни маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбияласа, иккинчидан таълим самарадорлигини оширади. Чунки, музей экспозициялари билан фанлараро алоқадорлик ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини, кўриш хотирасини, ижодий тасаввурини, эстетик дидини ўстиради. Маълумки, воқеликни билиш уни ҳис этишдан бошланади. Ҳис этиш борлиқн идрок этиш манбаи ҳисобланади.

Музейларда ўқувчилар ўқиганда учрашадиган, лекин ҳеч қачон кўрмаган нарсалари билан танишадилар. Бунда, албатта, музейлар экспозициялари билан ишлаш жараёнида унинг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш муҳим:

- Адабиёт музейлардаги машғулотлар маълум таълимтарбия мақсадида амалга ошириши зарур;

- Танланган материаллар ўқувчиларга тушунарли ва билиш фаолиятини ривожлантиришга мос келиши муҳим;

- Машғулот учун танланган экспозициялар ўтилаётганадабиёт фанига доир мавзулар билан боғлик бўлиши мақсадга мувофиқ;

- Музейларда машғулотлар учун танланган манбалар бадиий юксак бўлиши керак;

- Музейлар билан алоқа мунтазам, изчил бўлиши лозим.

Маълумки, ҳар бир фан асосини ўрганишда у ёки бу ижтимоий даврнинг муҳим воқеалари билан боғлаб ўрганилганда адабиёт ва санъат намоёндаларининг ўз замонасида тутган ўрни, киригтан янгилиги унинг ижтимоий ҳаёт билан бир қаторда ривожланиб, тараққий эттаганлиги ҳақида ҳам маълумот берилади.

Мактабларда олиб бориладиган дарслар билан танишиб чиқиши ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир фаннинг мазмуни ва йўналиши бўйича музейларда машғулотлар ўтказилишитальим соҳасида юқори даражада самарадорликка эришилади. Масалан адабиёт дарслари адабиёт музейида, тарих дарслари тарих музейида, табиатга оид дарслар (ботаника, зоология) табиат музейида, санъат билан боғлиқ дарслар санъат музейларида ва ҳоказо. Мактаб ва музей фаолиятида ўзаро алоқадорликни ташкил этишнинг ўзига хос талаблари бўлиб, булар йўналишива тамойиллари билан педагогикадаги анъанавий методикага қараганда инновацион характерга эгадир.

Адабиётлар

1.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

2.Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент, 2006.

3.Исмоилова Ж.Х., Нишанова К.С., Мухамедова М.С. Музей ва жамият. – Тошкент: Чинор ЭНК, 2015.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ШАҲАР ВА ШАҲАРЧАЛАРИГА ОИД

*Исматова Н,
ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими*

Шаҳарлар маъмурий тизимдаги ўрнига кўра, пойтахт шаҳар, вилоят ва туман марказларига бўлинади. Шунингдек, шаҳарлар мақомига кўра, республика, вилоят ҳамда туманлар бўйсунувидаги шаҳарларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасига бўйсунувчи шаҳарлар қаторига иирик иқтисодий, маданий ва маъмурий марказлар киради. Бундай шаҳарларда яшаган аҳоли сони 500 мингдан ортиқ бўлиши керак²¹⁶.

²¹⁶ Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Тошкент, 2002. 96-бет.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август 276-І сонли қонунига мувофиқ республика (Қорақалпоғистон Республикасида) ҳамда вилоят бўйсунувидаги шаҳарларга аҳолиси 30 мингдан кам бўлмаган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар киритилади²¹⁷. Айрим ҳолларда, яъни саноат ва маданий-сиёсий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳамда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ва аҳоли сонининг ўсиш истиқболлари мавжуд бўлган айрим шаҳарлар аҳолиси 30 мингга етмаган бўлса ҳам вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар рўйхатидан жой олиши мумкин²¹⁸.

Туман бўйсунувидаги шаҳарларга эса аҳолиси 7 мингдан кам бўлмаган, саноат корхоналари ва ривожланган инфратузилмага эга шаҳарчалар, аҳоли манзилгоҳлари киритилиши мумкин²¹⁹.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарларидан 24 нафари вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар бўлиб, булар Андижон, Хонобод (Андижон вилояти), Бухоро, Когон (Бухоро вилояти), Жиззах (Жиззах вилояти), Қарши (Қашқадарё вилояти), Навоий, Зарафшон (Навоий вилояти), Наманган (Наманган вилояти), Самарқанд, Каттақўргон (Самарқанд вилояти), Термиз (Сурхандарё вилояти), Гулистон, Ширин, Янгиер (Сирдарё вилояти), Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Чирчик (Тошкент вилояти), Марғилон, Фарғона, Қувасой, Қўқон (Фарғона вилояти), Урганч (Хоразм вилояти) шаҳарлариdir. Мазкур шаҳарлардан Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Навоий, Наманган, Самарқанд, Термиз, Гулистон, Фарғона ҳамда Урганч шаҳарлари вилоят марказлари саналади.

Тошкент шаҳри эса Тошкент вилояти маркази бўлиш билан бирга республика миқёсидаги шаҳар ҳам ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳари ҳам республика миқёсидаги шаҳарлар жумласига киради²²⁰.

Ўзбекистон Республикасида туман миқёсидаги шаҳарларнинг сони 92 та бўлиб, уларнинг аксарияти, аниқроғи 79 таси туман маркази функциясини бажаради.

²¹⁷ “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 10-модда, 1996 йил, 30 август, 276-І-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

²¹⁸ Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Тошкент, 2002. 97-бет.

²¹⁹ “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни...11-модда.

²²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материалларида Қорақалпоғистон Республикасининг мазкур шаҳарлари республикага бўйсунувчи, яъни республика миқёсидаги шаҳар деб эътироф этилган.

Шаҳарлар аҳоли сони жиҳатидан кичик, ўртача, катта, йирик ҳамда энг йирик шаҳарларга бўлинади.

Кичик шаҳарлар тизимида аҳолиси 5-10 минг атрофида бўлган майда шаҳарлар саноқли кўрсаткичга эга. Истиқлол арафасида бундай кам сонли шаҳарлар жами 9 та бўлиб, улар жами шаҳарларнинг 7,3 % ини ташкил этарди. Бугунги кунга келиб эса республикада бундай шаҳарлар сони 4 тага тушди ва жами шаҳарлар тизимида 3,4% ни ташкил этади . Демак, мустақиллик йилларида Ўзбекистон шаҳарлари тизимида майда шаҳарлар сони 2 марта камайди. Кичик шаҳарлар тизимида аҳолиси 10-20 мингни ташкил этувчи шаҳарлар 1991 йилда 46 та бўлган бўлса, 2014 йилга келиб эса мазкур кўрсаткич, 28 тага тушди. Аҳолиси 20-50 минг атрофида бўлган шаҳарлар республика шаҳарларининг энг кўп миқдорини ташкил этади. Уларнинг сони 1991 йилда 44 тадан иборат эди. Бугунги кунга келиб эса 49 тага етди ва жами шаҳарлар тизимида 41,2 % га tengdir²²¹.

Бугунги кунда Ўзбекистонда демографик ўсиш, шаҳар инфратузилмаларининг ривожланиши ҳисобига аҳолиси 50-100 минг кишини ташкил этувчи ўртача шаҳарлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Хусусан, 1991 йилда бундай шаҳарлар сони 7 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб эса 20 тага етди²²².

Ўзбекистон худудида аҳолиси 100-250 мингни ташкил этувчи катта шаҳарлар бугунги кунда 12 та бўлиб, жами шаҳарлар тизимида 10,06 % ни ташкил қиласди.

Аҳолиси 250 мингдан 1 млн.гача кишидан иборат йирик шаҳарлар сони 1991 йилда 3 та эди. 2014 йилга келиб, Қорақалпоғистон Республикасидаги Нукус шаҳри, шунингдек, Самарқанд, Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятлари шаҳарларининг ривожланиши ҳисобига мазкур кўрсаткич деярли 2 марта кўпайиб, 5 тага етди²²³. Аҳолиси 1 млн.дан юқори шаҳар бугунги кунда ҳам пойтахт Тошкент шаҳри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари орасидаги Тошкент вилояти таркибидағи Янгиобод шаҳри бевосита Ангрен шаҳар ҳокимиятига бўйсунади.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари тизимида энг кичик маъмурий-худудий бирлик ҳисобланувчи шаҳарчалар алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда яқин вақтларгача мазкур аҳоли манзилгоҳлари шаҳар типидаги посёлкалар дейилган.

²²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материаллари. Тошкент, 2015.

²²² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материаллари....

²²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материаллари....

Манзилгоҳларга шаҳарча мақоми берилишининг бир қанча шарт-шароитлари мавжуддир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август 276-І сонли қонунинг 12-бандида ахолиси 2 мингдан кам бўлмаган, саноат, қурилишлар, темир йўл бекатлари ҳамда бошқа муҳим обьектлар қошида жойлашган аҳоли манзилгоҳларига шаҳарча мақоми берилиши белгилаб қўйилган²²⁴. Бундай шаҳарчаларда ҳам аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроғи ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан иборат бўлиши даркор. Шунингдек, шаҳарчалар қаторига истисно тарзида соғломлаштириш марказлари жойлашган ва аҳолиси икки мингдан кам бўлган аҳоли манзилгоҳлари ҳам киритилиши мумкин.

Айрим ҳолларда аҳолиси 2 мингдан кам, аммо 500 дан ортиқ бўлган алоҳида аҳамиятга молик бўлган корхона ҳузурида, шунингдек, бориш қийин бўлган баъзи жойларда, ижтимоий-иқтисодий ривожи жиҳатидан қулай шарт-шароитларга эга айрим аҳоли манзилгоҳлари ҳам шаҳарчалар жумласига киради²²⁵.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида шаҳарчалари сони анча кўпайди. Жумладан, 1991 йилда 104 та, 1996 йилда 114 та шаҳарча мавжуд бўлган. 2009 йил, 13 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги²²⁶ қарорига мувофиқ аҳолиси 2 мингдан ортиқ ва тегишли инфратузилмаларга эга қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳарчалар мақоми берилгандан сўнг шаҳарчалар сони бир неча бараварга ошди. Вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ҳокимларининг қишлоқ манзилгоҳларига шаҳарча мақомини берилиши тўғрисидаги аризалари асосида ўtkазилган инвентаризациялар натижасида мазкур кўрсаткич 2014 йилда 1085 тага етди²²⁷. Республика миқёсида энг кўп шаҳарчалар Фарғона вилоятига тўғри келади. Мазкур вилоятда бугунги кунда 197 та шаҳарча мавжуддир.

Шаҳарчаларнинг аксарияти туманларга бўйсунади. Бироқ шаҳарчалардан айримлари бевосита вилоят миқёсидаги

²²⁴ “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 12-модда, 1996 йил, 30 август, 276-І-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

²²⁵ Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Тошкент, 2002. 97-бет.

²²⁶ “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 13 март, 2009 й., 68-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 130-модда.

²²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материаллари.....

шаҳарларнинг ҳокимликларига бўйсунади. Хусусан, Андижон вилояти Хонобод шаҳар ҳокимиятига бўйсунувчи Хонобод шаҳарчаси, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ҳокимиятига бўйсунувчи Қашқадарё шаҳарчаси, Навоий вилояти Навоий шаҳар ҳокимиятига бўйсунувчи Тинчлик ҳамда, Зарафшон шаҳар ҳокимиятига бўйсунувчи Мурунтов шаҳарчалари, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар ҳокимиятига бўйсунувчи Кимёгарлар, Фарҳод, Хишрав шаҳарчалари ҳамда Каттақўргон шаҳар ҳокимиятига бўйсунувчи Ингичка шаҳарчаси, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳокимиятига бўйсунувчи Красногорск, Нуробод, Чифириқ шаҳарчалари, Фарғона вилояти Кўқон шаҳар ҳокимиятига бўйсунувчи Муқимий, Дўстлик шаҳарчалари ҳамда Марғилон шаҳар ҳокимиятига бўйсунувчи Янги Марғилон шаҳарчалари шулар жумласидандир. Қорақалпоғистон Республикасидаги Қаратов шаҳарчаси Нукус шаҳар ҳокимиятига, Водник ҳамда Найманқўл шаҳарчалари Хўжайли шаҳар ҳокимиятига бўйсунади. Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек шаҳарчаси ҳам бўлиб, у Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманига қарашлидир²²⁸.

Юқорида таъкидланганидек, Республикадаги шаҳарчаларнинг баъзилари ўз навбатида туман маркази функциясини ҳам бажаради. Хусусан, 1085 та шаҳарчадан 71 таси туман маркази ҳисобланади.

Шаҳарчаларнинг аҳоли сони бўйича классификацияси сўнгги чорак аср мобайнида қуидагича ўзгарди. Аҳолиси сони Зминггача бўлган шаҳарчалар 1991 йилда 13 та бўлиб, республикадаги шаҳарчаларнинг 12,5% ини ташкил этар эди. Бугунги кунда эса 292 тага етиб, жами шаҳарчалар тизимида 26,9% га тенгdir.

Аҳолиси 3-5 минг кишидан иборат шаҳарчалар 1991 йилда 19 та бўлиб, бугунги кунда мазкур миқдор 390 тага етди²²⁹.

Аҳолиси 5-10 минг бўлган шаҳарчалар 1991 йилда 40 та бўлган бўлса, 2014 йилга келиб эса 278 тага етди²³⁰.

Аҳолиси 10-20 минг бўлган кишини ташкил этган шаҳарчалар 1991 йилда 27 та эди. 2014 йилга келиб эса уларнинг сони 103 тага етди²³¹.

²²⁸ Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими идоравий статистик таснифлагичи.Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитасининг 2014 йил “28” февралдаги 21-сонли бўйругига 1-илова. www.stat.uz

²²⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материаллари.....

²³⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материаллари.....

²³¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материаллари.....

Аҳолиси 20-50 минг бўлган шаҳарчалар 1991 йилда 5 тани ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб, уларнинг адади 22 тага етди²³².

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳудудида шаҳарлар типологияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий, табиий ресурслари ҳамда тарихий анъаналари ва бошқа кўпгина омиллар билан боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ

Халирова З.Э,
ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходим

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида ёшларни давлат қўллаб-қувватлаш унинг келажагини белгилаш ва юксалтириш юзасидан янги қонунлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этила бошланди. Ўзбекистон давлат раҳбари И.А.Каримов 1990 йиллардаёқ ёшлар таълимига эътибор қаратиш зарурлиги тўғрисида фикр билдириб, кадрлардан самара олиш учун уларни тайёрлашга маблағ сарфлаш лозимлиги, агар биз ҳақиқатан ҳам қашшоқлик ва қолоқлик “кишан”ларидан қутулмоқчи бўлсак, ёшларни тайёрлаш билан жуда жиддий равишда шуғулланишимиз, замонавий касбни эгаллашда уларга ёрдам беришимиз кераклиги, бу соҳада хасислик ярамаслигини²³³ алоҳида таъкидлаган эди. Бунинг натижаси сифатида Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун (1991 йил 20 ноябрь) қабул қилинди ва ушбу сиёсатнинг бош мақсади сифатида ёшларга ғамхурлик қилиш, уларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилишни белгилаб олган Қонун ёшларнинг юридик ва ижтимоий ҳимоясини ҳамда уларнинг жамиятни ривожлантиш дастури ва сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда бевосита иштирокини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 1 моддасида “Ёшларга оид сиёsat Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устивор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий

²³² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси материаллари.....

²³³ Каримов И.А.. Ўқитувчилар газетасининг 1990 йил 4 август сонида чоп этилган нутқдан // Баркамол авлод орзузи. Тошкент, 1999. 52-53 бетлар

шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис руёбга чикиши учун ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шартшароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир” деб белгилаб қўйилди. Ўзбекистоннинг ёшларга доир давлат сиёсати бу ёшларни шахс сифатида шаклланишида ҳуқуқий, молиявий шароитларни яратиш ва кафолатлашга ҳамда ёшлар уюшмалари, ҳаракатлари, ташаббусларини ривожлантиришга қаратилган давлат фаолиятидир. Бу фаолият тегишли ҳуқуқий-норматив база, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, вазирлик ва идоралар норматив актларига асосланган ҳолда амалга оширилди. Жумладан, 1992 йилда 2 июлда “Таълим тўғрисида”ги, 1997 йил 29 август янги таҳрирда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, 2004-2009 йилларда “Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастур”нинг қабул қилиниши ҳамда Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ёшлар сиёсати доирасидаги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 42 моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга” эканлиги белгилаб қўйилиб, баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги қонунчилик базаси сифатида шакллантирилди. Бу борада асосий эътибор мактаб таълимининг қайта ташкил этиш, лицей ва касб ҳунар коллежларининг очилиши, ёшларни спортга жалб қилиш, спорт саройларининг қурилиши, янги ўкув дарсликларининг янги авлодини яратиш каби долзарб йуналишларга қаратилди.

Мустақиллик йилларида ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалга оширилиш жараёнлари масаласига бағишланган муаммонинг тарихига доир илмий, илмий-оммабоп мақолалар ва адабиётлар яратилди. Улар ҳажм жиҳатидан катта маълумотларни ўзида жамлаб, уларни ўрганилишида қўйидаги масалалар энг асосий ҳисобланади.

– Ўзбекистонда ёшлар давлат сиёсати доирасида қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар («Ўзбекистон Республикаси ёшлар бўйича давлат сиёсати асослари» қонуни (1992, 1998, 2004, 2008 йй таҳрир қилинган) асосида бу сиёсатнинг мазмун моҳиятига баҳо бериш;

– ёшлар бўйича давлат сиёсатини амалга оширишга доир қонунчилик ташаббуси акс эттирилган ҳукумат ва Президент расмий ҳужжатлари таҳлили («Ўзбекистон Республикаси ёшлар

бўйича давлат сиёсати асослари» Конуни, «Таълим тўғрисидаги» Конун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқ.);

– ёшларни ижтимоий таъминлаш масалалари акс эттирилган адабиётларни таҳлил қилиш (бепул тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уй-жой қурилишида, қурилиш материалларини топишда, уй хўжалигини ташкил этишда, микрокредит, ипотека ва истеъмол кредитларини олишда ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к.);

– соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлик манбалар (ўлқадаги болалар ва ўсмирлар ўртасидаги оммавий спорт машғулотлари ташкилотчисига айланган болалар спортини ривожлантириш фонди, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ва бошқ.);

– «Камолот ва «Камалак» ёшлар ижтимоий ҳаракати аҳамияти ва фаолияти билан боғлик расмий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

– давлат томонидан таълим, фан, адабиёт, маданият ва санъатни қўллаб қувватлаш билан боғлик манбаларни ўрганиш (Зулфия номидаги давлат мукофоти, «Умид», «Устоз», «Истеъдод» фондлари, «Ниҳол» мукофоти, АКСЕЛС, АЙРЕКС халқаро фондлари);

– ёшлар бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда маҳалланинг ўрнини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

– Муаммога оид архив ҳужжатлари, конференция материаллари, оммавий ахборот воситалари материаллари, илмий тадқиқотларни ўрганиш;

Юқоридаги масалаларни замонавий тадқиқотчиларнинг (сиёсатчи, юрист, педагог, социолог, тарихчи) асарлари орқали ўрганиш билан ёшлар давлат сиёсати борасида давлат томонидан амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалариiga бағишлиланган барча турдаги адабиётларни жамлаш, ўрганиш ва тарихшунослик таҳлилини амалга ошириш билан муаммонинг назарий жиҳатлари, асосий йуналишлари ва муҳим масалаларини аниқлаш имкони яратилади.

Ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг тарихи масалалари буйича тўпланган маълумотлар, адабиётлар катта ҳажмда бўлиб, уларни фанлараро қуидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Бу билан муаммонинг ҳар бир фан доирасидаги тадқиқотларни жамлаш, муаммонинг объектини аниқлаш, масалага доир камчиликлар ва ечимларни топиш имкони яратилади. Бунда

педагогик, сиёсий ҳуқуқий, тарихий-фалсафий ва иқтисодий йўналишдаги тадқиқотларни тарихшунослик таҳлилига тортиш мумкин.

Педагогик йуналишдаги тадқиқотларнинг²³⁴ объектини асосан, ёшлар онгиди миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, ёшларнинг руҳий ривожланишининг педагогик асослари, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг замонавий педагогик усуллари ва унинг ечимлари каби масалалар кенг ўрганилган. Тадқиқотчилар ёшларни замон талабларига, миллий маънавий қадриятларимизга хос содиқлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам ўз фикр мулоҳазаларини ҳам бериб ўтадилар. Сиёсий йуналишдаги тадқиқотларда²³⁵ ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, бу сиёсатнинг механизми ва уни амалга ошириш йулларини аниқлаш, Ўзбекистонда жамиятни демократиялашуви жараённида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси, ёшларга оид давлат сиёсати динамикаси ва муаммолари, ёшлар сиёсат субъекти яъни бандлик муаммоси, талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари, Ўзбекистонда қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда иштироки, уларнинг ютуқлари, муаммо ва ечимлари каби масалалар ташкил этади. Тарихий йўналишдаги тадқиқотларда²³⁶ Ўзбекистон саноатни ривожлантиришда ишчи ёшлар, замонавий босқичда талаба ёшларнинг тарихий ўзликни англашни ўрганиши, маънавий баркамол инсон тарбияси, глобаллашув жараённида ёшлар сиёсатининг муҳим жиҳатлари, совет тоталитаризми ва мустақиллик даврларида ўрта маҳсус касб-

²³⁴ Куранбоев К. Педагогические основы развития духовной и социальной активности студентов. Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. - Ташкент: Қ.Ниёзий номли педагогика илмий тадқиқот институти, 2000. - 28 б.; Мирзалимов Б.Ш. Ёшлар онгиди миллий истиқлол ғоясини шакллантиришининг педагогик асослари ("Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти мисолида). Пед. фан. номз. дисс. Тошкент: Қ.Ниёзий номли педагогика илмий тадқиқот институти, 2005. - 158 б.

²³⁵ Абзалов Э.М. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммолари. Юридик фан. номз. дисс. Тошкент: ЎзР ИИВ Академия, 2000. - 153 б.; Бафоев Ф. Стратигическая задача молодёжной политики Республики Узбекистан. Бўронова Д. Ёшларга оид давлат сиёсати динамикаси ва муаммолари (Ўзбекистон мисолида); сиёсий фан. ном. дисс. - Тошкент: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖҚА, 2009. - 172 б.; Жўраев Б.Х. Ўзбекистонда жамиятни демократиялашуви жараённида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси. Сиёсий фан. ном. дисс. - Тошкент: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖҚА, 2004. -149 б.; Жўраев С.А. Ўзбекистон Республикасининг ўтиш даврида шаклланадиган давлат ёшлар сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. Политология фан. док. дисс. - Тошкент: Тошкент Давлат шарқшунослик института, 1994. - 279 б.;

²³⁶ Сиддиков Р.Б. Совет тоталитаризми ва мустақиллик даврларида ўрта маҳсус касб-хунар таълими. Тарих фан. номз. дисс. - Тошкент: ЎзМУ, 2003.-170 б. Сулаймонова С.У. Ўзбекистан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки. Тарих фан. номз. дисс. - Тошкент: ЎзМУ, 1994. -165 б.; Толипов П.Х. Ўзбекистонда ўрта-маҳсус таълим ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш: тажриба ва муаммолар. Тарих фан. номз. дисс. - Тошкент: ЎзМУ, 1994. 168 б.; Ганиев Сухроб. К проблеме повышения социальной активности и толерантности молодёжи современного Узбекистана // "Проблемы формирования толерантного сознания и профилактики терроризма, экстремизма в молодёжной среде". Москва 2012. С 244-250.

хунар таълими, Ўзбекистан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг иштироки, "Ватан тарихи"ни ўқитиш жараённида талабаларни маънавий тарбиялаш воситалари, Ўзбекистонда ўртамахсус таълим ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш тажриба ва муаммолари, замонавий Ўзбекистонда ёшларнинг толерантлиги ва сиёсий фаоллигини ошириш муаммолари ёритилган тадқиқотлар ташкил этади. Шунингдек, тадқиқотлар орасида ёшларнинг жамиятдаги иштироки, бандлик муаммоси, бозор муносабатлари шароитида ёшларнинг меҳнат фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишларига давлат томонидан берилаётган имкониятлар масаласига бағишлиланган иқтисодий йуналишдаги тадқиқотлар²³⁷ ҳам мавжуд. Уларда юқоридаги масалалар иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Албатта, ёшлар масаласига доир тадқиқотлар яратилиши давом этаётган бўлсада, ҳали ҳам ўрганилиши, илмий муомалада таҳлил қилиниши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Тадқиқотчи С.Фаниевнинг ёшлар масаласига доир илмий мақоласида ёшлар сиёсатига доир адабиётлар таҳлил қилинган ҳолда, мустақиллик даврида худудимизда истиқомат қилаётган турли миллат ёшларининг кундалик турмуш тарзидаги анъанавий ва замонавий ўзгаришларни, унга таъсир қилувчи омиллар ва жараёнлар ҳақида тўлиқ маълумот бера олмаслигини, шунингдек мазкур адабиётларда глобаллашув даврида ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашда миллий-маданий марказларни таъсири керакли даражада кенг кўламда таҳлил қилинмаганлигини²³⁸ келтириб ўтади.

Умуман, тадқиқотлар Ўзбекистонда ёшларга доир давлат сиёсати белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан олиб борилаётган тарихий жараёнлар таҳлили асосида ёритилган. Тадқиқотларнинг асосий манбаси сифатида Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсати доирасида қабул қилинган қонуний хужжатлар ва уларнинг ижроси ташкил этади. Юқорида келтирилганидек, турли йуналишдаги ёшлар сиёсатига доир тадқиқотлар ёшлар масаласининг турли фанлар доирасида кўриб чиқилишини ва бу борада қилинган ишлар натижаси асосида

²³⁷ Ҳасанова И.М. Бозор муносабатлари шароитида ёшларнинг меҳнат фаоллигини ошириш муаммолари: иқтисод фан. ном. дисс.... - Тошкент: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти, 2002. - 166 б.

²³⁸ Фаниев С. Ёшларга оид давлат сиёсатининг айrim масалалар талкини// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. 2013, 4 сон. 23-28 бетлар.

келтирилган. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ёшлар ва унинг масаласига доир тадқиқотлар яратилиши давом этади.

ОЧИҚ ОСМОН ОСТИ МУЗЕЙЛАРИНИ ВИРТУАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГА АҲАМИЯТИ

Каюмова Ш.А,

Темурийлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Халқаро туризм илғор мамлакатлар иқтисодиётида муҳим омил ҳисобланиб, давлатлар ва халқлар ўртасидаги хамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бирига айланиб улгурган. Ўзбекистон тарихига назар ташласак, унинг худудида Буюк ипак йўли ҳунармандчилик, маънавият, урф-одатлар ва анъаналарнинг ўзаро уйғунлашуви ҳамда, сайёхлик тараққиётида муҳим аҳамият касб этган. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашагн юртимиз доимо хорижлик сайёхлар дикқат марказида бўлиб келган. Негаки, узоқ ўтмишдан мерос тарихий обидалар, меъморий иншоатлар, миллий анъана ва қадриятларимиз, шунингдек, гўзал табиатимиз сайёхларни ўзига оҳанграбодек жалб қилган. Мамлакатимизда айниқса туризм соҳасининг ҳуқуқий асосларини мунтазам мустаҳкамлашга катта эътибор қартилган. 2012 йил 10 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамисининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш ва уни келажакда янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарори халқаро туризм бозорида миллий туризм хизматини янада ривожлантириш учун дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, сайёхлик фақат маълум бир маданий обьект ёки тарихий обидалар ҳисобига ривожланиб қолмайди, балки соҳа тараққиёти инфратузилмалар, шарт-шароит ва эътиборга ҳам бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани таризмни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканлигимиздан далоалт беради. Бинобарин мамлакатимизда олис мозийдан сўзловчи обидалар, ёдгорликлар, қадамжолар бисёр. Очик осмон ости музейлари сифатида эътироф этилган ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Ўзбекистонниг бир неча шахарларидағи бетакрор тарихий обидалар шулар жумласидандир²³⁹.

²³⁹ Абдуманнонов Р. Туризм. Ўқув кўлланма. –Тошкент, “Ўқитувчи”. 1991.

Дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланган кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд ва Бухоро бундан истисно эмас. Ер юзидағи инсоният цивилизацияси маданиятининг илк ўчоқлари бўлган Вавилон ва Мимфис, Афина ва Рим, Александрия ва Византия каби қадимий Самарқанд ҳам ўз бошидан кўп шиддатли воқеалар ва изтиробларни кечирган, неча маротаба бузилиб ва яна қайта тикланган. Самарқанд меъморчилик ёдгорликлари, обод хиёбонлари, кўчалари, кўзни лол қолдирувчи савдо тизимлари, буларнинг ҳаммаси тарихнинг ҳақиқий зар саҳифалари хисобланади. Бетакрор Бибихоним масжидининг маҳобати, Гўри Амир мақбарасининг мовий гумбази, гўзаллиқда тенги йўқ Шохи Зинда ансабли, Регистон майдонидаги Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари, Улуғбек расадхоналари билан завқланиш мумкин. Айниқса шаҳардаги “Регистон” майдони Ер юзининг сайқали деб тан олинган, Амир Темур бирлаштирган йигирма еттига давлатнинг пойтахти бўлган машҳур Самарқанднинг ўзига хос бўлган кўзгусидир.

Бухоро ҳам асрлар мобайнида Шарқнинг маърифат ва диний маркази сифатида дунёга машҳур қадимий шаҳардир. Ўтмишда савдо ва маданият жиҳатидан у Турон-Туркистоннинг Балх, Ҳирот, Марв (Мари), Самарқанд, Термиз, Насаф, Чоч-Шош (Тошкент) ва Хоразм (Хива) сингари машҳур шаҳарлар орасида муносиб ўрин эгаллаган. Бухоро ўтмиши муҳим тарихий воқеаларга бой бўлганлигига қарамай, унинг кўпгина энг муҳим саҳифалари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолмаган²⁴⁰. Бизгача етиб келган Бухородаги меъморий обидаларнинг кўпчилиги очиқ осмон ости музейлари сифтида эътироф этилган. Шаҳардаги 4 гектар майдонни эгаллаган Арк комплекси, Минораи Калон, Болоховуз, Ҳожи Зайнуддин масжидлари, Мир-Араб, Улуғбек, Абдулазизхон мадрасалари, Исмоил Сомоний, Намозгоҳ, Баланд, Баён Қулиҳон, Сайфиддин Боҳарзи, Чор-Бақр, Баҳоуддин Нақшбанд мақбаралари ва савдо расталарига ташриф буюрганлар мозийни ҳис эта оладилар. Меъморий обидаларнинг қурилишидаги мураккб лойиҳалар, бетакроро нақшлар бухоро усталарининг дунё маданияти равнақига катта ҳисса қўшганлигини ўзида намоён этиб туради.

Ўзбекистонга сайёҳларни жалб қилган шаҳарлардан яна бири Хивадир. Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланган ушбу шаҳарда ҳалқ меъморчилик санъатининг ажойиб

²⁴⁰ Бухоро шарқ дурдонаси. Тошкент. Шарқ. 1997. 18-б.

жавоҳирларини ўзида мужассам этган нодир архитектура комплекслари қад кўтартгани ҳаммага маълум. Ичан қалъа деб аталган шаҳар ичкарисида монументал иншоатлар ва бутун-бутун меъморчилик мажмуалари, кўп устунлик масжидлар мавжуд бўлиб, улар ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарини акс эттирган.

Меъморий обидалар яъни, Сайд Алоуддин мақбараси, Боғбонли масжид, Араб Мухаммадхон, Хуржун, Шерғозихон мадрасаларидаги турли шаклдаги нақшлар, орнаментлар ва ўймакорлик санъати намуналари мавжуд. Шаҳарга ташриф буюрувчилар “Ичан қалъа” ва “Дарвеш қалъа” даги 130 ортиқ тарихий ёдгорликларни, улар қошидаги музейларни томоша қилиш имкониятига эгадирлар²⁴¹. Бугунги кунда Хоразм вилоятида фаолият юритаётган 40 та сайёҳлик фирмалари юртимиз ва хориждаги 40 га яқин туристик ташкилотлар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатган. Хоразмнинг бой маданий мероси ва туризм салоҳиятини намойиш қилувчи бренд ҳам яратилган. Ҳудуддаги сайёҳлик ташкилотлари Францияда ўtkазилган “TOP REZA”, ва Германияда ташкил этилган “ITB” халқаро сайёҳлик ярмаркаларида ҳамда Тошкент халқаро туристик ярмаркасида ана шу бренд остида қатнашиб келадилар. Вилоятда 225 тадан ортиқ маданий мерос обьектлари рўйҳатга олинган. Ва уларнинг қарийиб 100 таси бўйича сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилган. Туристик ташкилотлар интернет саҳифаларига Хоразмдаги қадамжолар, қадимий обидалар ҳақида хорижий тилларда маълумотлар жойлаштирилган. Жумладан, вилоятнинг туристик имкониятларини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Visit Khorezm” веб сайти яратилган.

Туризмни ривожлантириш учун ана шундай очиқ осмон ости музейларимизни виртуаллаштириш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар, муаммолар ечимини топиш мухим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг соҳага доир турли нуфузли ярмаркалар, анжуманлар ва тадбирларда муносиб иштирок этиши туризм соҳасидаги салоҳиятимизни халқаро бозорларда намойиш этиш, қўшимча сайёҳлар оқимини жалб этиш имконини беради. Туризм тараққиёти халқаро сайёҳлик ташкилотлари билан яқин мулоқот ва муносабатларни тақазо этади. Бунда очиқ осмон ости музейларининг виртуал қўринишлари яратилиши жуда мухим.

²⁴¹ Булатова В.А, Ноткин Н.Н. Архитектурны памятники Хивы. Ташкент. 1972. 90-с.

Тошкент шаҳрида ҳар йили ҳалқаро туристик ярмарқалар ўтказиб борилади. Бунга Жаҳон туристик ташкилотлари раҳбарияти ҳам алоҳида эътибор қаратган. Ҳалқаро ярмаркада миллий туристик маҳсулотлар ва хизматлар омма эътиборига ҳавола этилади. Турли шаҳарларнинг рангли стендлари, диёrimizni барча мавсумда ҳам жозибадорлигини акс эттирилган фотосуратлар шулар жумласидандир. Айнан шундай ярмаркаларда қадимий обидаларимизни турли мультимедик дастурлар орқали виртуал кўринишиларини намойиш қилиш, тарихи ҳақида кўпроқ маълумотлар келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан сайёхларнинг тарихий меросимизга бўлган эътибори, қизиқиши янада ошади. Хозирги пайтда юртимизда турли туристик компаниилар ўзларининг интернет саҳифаларига эгадир. Саҳифаларда Ўзбекистонинг дикқатга сазовар масканлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Замон талабига кўра Ўзбекистонда виртуал панорама (3D панорама ёки сферик (шарсимон) панорама) йўналишида ишлар амалга оширлган. Яъни бу кенг майдонни фотореалистик тарзда намойиш этишdir. Манитор экранида 3D тасвирлар панорамаси пайдо бўлади. 3D панорама бизга 360 градус, ҳам вертикал равишда кўриш имконини беради. Виртуаллаштирилган суратлар 640x480 px. дан 1600x1200 px. (ва ундан юқори) бўлган 300 кб. дан 4 мб гача хажмга эга. Бу эса уларни интернет саҳифасига жойлаштириш учун жуда қулайдир. Виртуал 3D панорамани томоша қилиб, томшабин оддий суратга қарагандан кўра визуал тарзда кенг маълумотга эга бўлади. Компьютер тугмаси ёрдамида ўзининг хохишига кўра атрофга назар ташлаш, қизиқтирган ашёни яқинлаштириш ёки узоклаштириш имкони мавжуд. Бундай интерактив виртуал 3D панорама ташрифчида тасирчанликни кучайтиради. Виртуал панорамада Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Тошкент шаҳарларининг тарихий обидалари бундан ташқари замонавий бинолар, Ўзбекистоннинг сўлим масканлари, хайкаллари ҳам намойиш этилган. Бу интернет тармоғидаги Panoramio.uz саҳифасидан жой олган. Panoramio.uz Ўзбекистондаги биринчи виртуал олам лойиҳаси ҳисобланади. Саҳифа кенг қамровли бўлиб унда турли меҳмонхоналар, ўқув масканлари ва юртимизнинг турли бурчакларига виртуал сайёхатлар қилиш имкони мавжуд²⁴². Бундай лойиҳалар

²⁴² <http://www.panoramio.uz>

тариҳчилар, санъатшунослар ва музейшунослар билан ҳамкорликда яратишни, тариҳий маълумотларни кенгроқ киритилишини талаб этади. Ва ушбу лойиҳалардан сайёҳлик компаниялари кенг фойдаланиб, Ўзбекистон туризмини ривожлантириш имкониятига эгадирлар.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Абдуманнонов Р. Туризм. Ўкув қўлланма. –Тошкент, “Ўқитувчи”. 1991.
- 2.Булатова В.А, Ноткин Н.Н. Архитектурны памятники Хивы. Ташкент. 1972.
- 3.Бухоро шарқ дурдонаси. Тошкент. Шарқ. 1997.
- 4.<http://www.panoramio.uz>

ИССЛЕДОВАНИЕ ПОРТРЕТОВ АВИЦЕННЫ, КИСТИ ХУДОЖНИКОВ НИГМАТА КУЗЫБАЕВА И АЗИЫ МАМАТОВОЙ

*Маматов У.Н,
старший научный сотрудник-соискатель НИХИД*

Великий Авиценна, врачеватель, философ, музыкант и поэт, родился в 980 году, в предместье города Бухары, в селение Афшона. В своей биографии Авиценна писал: “Отец мой был из Балха и приехал оттуда в Бухару в дни правления Саманида Нух ибн Мансура и занялся там работой в диване – канцелярии. Ему предоставили управление Хармайсаном, центром одного из бюликов (районов) в окрестностях Бухары. Из Афшаны, одного из ближайших селений, он взял себе в жены мою мать по имени Ситара – звезда”¹. Как рассказывает предание, мать Авиценны была красивой женщиной и обладала добрым нравом. Сострадание к людям обездоленным и больным, желание помочь им в их бедах, возникло у Авиценны очень рано. Это черта характера передалась ему от матери и возможно именно тогда же, возникло у мальчика желание стать целителем души и тела страждущих, каким он и стал по истечению лет.

«В те времена в Средней Азии шли бесконечные захватнические войны. Особой воинственностью отличался Махмуд Газnavи – правитель Газны. Он был рабом по происхождению, обладавший воинскими талантами и выбился в полководцы благодаря им. Махмуд Газnavи одерживал победы в боях с соседними государствами. Именно он разогнал членов

академии Маъмуна, учрежденную в Хорезме, разграбил библиотеку и положил Академии конец»². Академия Маъмуна была крупным научным центром X века в Средней Азии. Его членами были выдающиеся ученые, такие как: Абу Наср ибн Ирак, Абу Сахл ал-Масихи, Абу-ал-Хайр ал-Хаммар, Авиценна и Абу Райхан Беруни, который стал руководителем Академии. В дальнейшем, в отличие от Абу Райхана Беруни, которого Махмуд Газnavи увез с собой, Авиценне удалось скрыться в толпе беженцев и уйти в сторону Каспия на запад. Он скрывался от лазутчиков Махмуда Газnavи, который приказал разыскать и привести Авиценну к нему.

Свои метафизические и мистические трактаты писал в пути украдкой, стараясь не выдать в себе врачевателя. Когда беженцев настигала эпидемия оспы или другие болезни, он пускал в народ ясные и краткие указания, как исцелиться от недугов.

Портрет Авиценны, создан художницей Азизой Маматовой в 1993 году, на льняном холсте размером 130x140, масляными красками. Это произведения является собственностью автора. Картина повествует о скитальческом периоде жизни Авиценны. На картине ученый сидит на сухой, осенней траве в одиночестве, удалившись в сторону от людей, предавшись глубоким размышлениям. «Портрет Авиценны, написанный на фоне багровой осени, раскрывает доброту и щедрость души великого ученого, а белый, без узды конь, олицетворяет неудержимый полет его мысли» писал об этом произведение искусствовед Норсаид Ойдинов³.

На картине ученый изображен в простой, домотканой, дорожной одежде. Его взгляд, это взгляд человека, отрешившегося, от всего суэтного, мелкого, устремлен в глубину своей души. Как же иначе он мог бы создать свои великие произведения, требующие огромной сосредоточенности мысли, если бы он не мог отрешаться от всего преходящего, обыденного? Например «Канон врачебной науки» - «Ал-Канун фи-т-тибб», который предположительно написан в 1020 году. «Переведенный на латынь, он стал широко известен в Европе, с 12го века являлся одним из руководств, выдержавших более тридцати изданий. По нему велось преподавание медицины в университетах Европы в течение пяти веков. Когда был изобретен печатный станок, “Канон” оказался среди первых печатных книг и по числу изданий соперничал с Библией»⁴. Ведь именно этими канонами

руководствовались в течение пяти ста лет многие просвещенные медики в Азии и в Европе. На востоке, в Средней Азии считалось, что слово медицина, происходит от слова «Мадад Сино», что означает помочь от Сины. В то же время, в Европе слово медицина являлся производным от латинского словосочетания *ars medicina* «лечебное искусство».

«Вот об этом я и думала, создавая портрет» - скажет художница впоследствии, в одной из бесед с учениками. Для создания серьезных трудов, по глубокому убеждению авторов произведений, нужны глубокие, серьезные причины. Ведь ни хлебом единым жив человек?

Десятью годами раньше, в 1980 году был создан портрет Авиценны узбекским художником Нигматом Кузыбаевым, написанный на холсте размером 200x120, масляными красками. Картина является собственностью Государственного литературного музея имени Алишера Навои Академии Наук Узбекистана. Художник получил блестящее художественное образование в городе Ленинграде в институте живописи, скульптуры и архитектуры им. И. Е. Репина. Там он учился с 1947 года по 1953 год. Учился он в мастерской, у известного Ленинградского художника Виктора Михайловича Орешникова, который был в те годы ректором этого известного во всем мире учебного заведения.

Цветовой колорит картины «Авиценна», кисти Нигмата Кузыбаева, изыскан и решен в серебристых тонах, звучание которых прекрасны. Это произведение может покорить и не искушенного в изобразительном искусстве человека. На картине Авиценна изображен в образе вельможи, владевшего званием Шейх-ур-Раис (Глава мудрецов, старейшин, великий мыслитель). Так его называли во многих дворах правителей Средней Азии и Ирана, когда удавалось его заполучить во дворец.

Здесь, в тишине дворцовых покоях, отведенных ему для проживания, он исследовал свойства лекарств, а по ночам писал «Канон врачебной науки», обобщая и уточняя свои многочисленные наблюдения и практические знания по исцелению болезней.

В портрете Авиценна сидит слегка откинувшись назад, на высоком, деревянном кресле. Через окно, зарешеченного рамой в виде сот, льются потоки солнечного света. Ученый внимательно разглядывает жидкость во флаконе, который держит на вытянутой

руке. В верхнем, левом углу картины изображен навесной книжный шкаф, заставленный фолиантами. В нижнем правом углу картины изображен круглый, деревянный, резной столик, уставленный письменными принадлежностями. Здесь же находится изящный по форме и по цвету флакон, привезенный видимо, из далекой Венеции. Авиценна одет в широкие одежды из серебристого атласа. На голове у него высокая расшитая цветными шелковыми нитями узорная тюбетейка. Картина вся соткана из сиреневых, голубых и золотисто-охристых цветов, которые переливаются и играют на поверхности холста, завораживая зрителя. Картина была посвящена тысячелетнему юбилею великого целителя Авиценны, который праздновался во всем ученом мире.

По рассказам соученика Нигмата Кузыбаева по мастерской, художника Таджата Оганесова, их учитель Виктор Михайлович Орешников, сам большой мастер света и цвета, обращался к Кузыбаеву с просьбой остаться его ассистентом по живописи в мастерской в Ленинграде. Но тоска по родине у молодого художника оказалось сильнее перспективного предложения и он вернулся в город Ташкент. Здесь, преодолев большие жизненные трудности, Нигмат Кузыбаев состоялся известным художником.

В обоих произведениях Авиценна изображен в профиль. У Азизы Маматовой сидящим на земле, на сухой траве а у Нигмата Кузыбаева на кресле. Эти портреты рассказывают о различных периодах и жизненных условиях ученого, но они объединены глубокой внутренней психологической схожестью. В портретах изображен человек, умеющий отдавать всего себя, ум и душу ученого служению науке. Вот почему, зритель не спутает его образ с образами других личностей. Он персонифицирован так же, как образы Данте Алигьери, Алишера Навои, Вильяма Шекспира, созданными мастерами кисти различных времен. Для зрителей очень важно узнаваемость образов великих исторических личностей. Глядя на них, они вспоминают духовное и культурное наследие, которые оставили эти люди человечеству. Эти личности, через свои портреты, созданные мастерами изобразительного искусства, становятся ближе, дороже и понятнее зрителям, даже по истечению тысячелетий и многих веков.

«До самой смерти Авиценна не смог вернуться на родину, скитаясь по чужбине из одного города в другой. Он побывал у властителей Хорезма, Абиверда, Нишапура, Туса, Гургана, Рея,

Хамадана, Исфагана. Испытывал лишения и поднимался к вершинам власти, то становился визирем, то попадал в тюрьму, жил и в роскоши, и в нищете, но не на один день не прекращал творческую и научную работу. Авиценна является поистине величайшим ученым, воспитавшим целую плеяду одаренных философов. Он является человеком, сочетавшим в себе две социальные роли – мудреца - наставника и государственного деятеля, тем самым воплощая в себе идеал, возникший впервые в творческом воображении Платона. Авиценна притягивал к себе многих просвещенных людей в средневековом мусульманском мире - идеала ученого, стоящего во главе «Образцового города»⁵. Вот почему велика ответственность, которая ложится на плечи мастеров, создающих образы наших великих предков! Вот почему художники должны быть на высоте не только своего профессионального мастерства, но и должны хорошо знать историю и культуру человечества, быть хорошими психологами, а самое главное, быть просто сострадающими, правдивыми и трудолюбивыми людьми.

Использованная литература

- 1.<http://tokadoka.com/>. Абу Али ибн-Сина. Звезда Востока.
- 2.Людмила Солдадзе. Ибн Сина (Авиценна). Страницы великой жизни. [Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма](#). 1983 год.
- 3.В предисловие каталога «Время и Человек», которое был издан к 60летнему юбилею Азизы Маматовой Академией Художеств Узбекистана Издательство «Шарқ». 1997 год. стр-4.
- 4.<http://tokadoka.com/>. Абу Али ибн-Сина. Звезда Востока.
- 5.<http://tokadoka.com/>. Абу Али ибн-Сина. Звезда Востока.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ КУТУБХОНАСИГА ДОИР

Камбарова Д.А,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ўзбек халқи томонидан асрлар давомида бунёд этилган улкан тарихий маданий меъросни тиклаш давлат сиёсатининг устивор вазифаларидан бирига айланди. Бу улуғвор вазифаларни амалга оширишда, миллий истиқлол ғояларини қарор топтиришда, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тарихий -

маданий қадриятларимизга ҳурмат билан қарашга ўргатишида музейларимизнинг алоҳида ўзига хос ўрни бор.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи энг йирик илмий-маърифий марказ ҳисобланиб, унинг захирасида 300 мингга яқин бебаҳо осори-атиқалар, археология, нумизматика, этнография, тасвирий санъат, ҳужжатлар, фотонегативлар ва кутубхона мавжуд бўлиб, улар ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни баркамол авлод сифатида шакллантиришида музейнинг роли жуда каттадир. Музейда мунтазам равишда конференциялар, семинарлар, давра сухбатлари ва турли мавзули экспурсиялар, тадбирларни ташкил этиш ва уларга ёшларни жалб этиш музейнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бундай тадбирлар ёшларда ватанпарварлик ҳисларини шакллантиришида, уларни ўз аждодларининг хотирасига ҳурмат билан қарашга ҳамда ўз ватани тарихи ва маданиятини мукаммал ўрганишида муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг 1943 йилдан бошлаб Республика Фанлар академияси таркибига қўшилиши муҳим аҳамият касб этиб, унинг фаолиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Музей нафақат маданий, балки илмий марказлардан бирига айланиши учун асос бўлди. Музей нафақат Ўрта Осиёдаги, балки дунёдаги моддий ва маънавий маданият осори-атиқалари сақланадиган энг йирик муассасалардан бири сифатида уларни тадқиқ этиш, тизимга солиш, илмий каталогглаштириш, намойиш этишга тайёрлаш бўйича ҳам кенг фаолият кўрсатмоқда.

Музей кутубхонасида ўрта асрларга оид қўллётмалар, XIX асрга мансуб ноёб нашрлар, янги ва энг янги тарихга оид ҳужжатлар архивига ҳам эгадир. Музей фаолияти давомида олимлар томонидан бир қатор илмий ва илмий-оммабоп асарлар, монографиялар, мақолалар тўплами, каталог, альбом, буклет ва йўлкўрсаткичлар ҳамда ўқувчи ва талабалар учун илмий-услубий қўлланмалар нашр этиб келинмоқда.

“Темурийлар сулоласининг тангалари” (1996), “Каталог металлических и керамических изделий Узбекистана XIII-XIX вв” (2000), “Ўзбек миллий кийимлари” (2002), “Ўзбекистон ҳарбий санъат тарихи” (2011), “Кўхна олам сирлари” (2007), “Музей предметлари атрибуцияси ва экспертизаси” (2013), “Туранские монеты III-VIII вв”, (2013), “Замонавий жаҳон музейшунослиги” (2014), “Становление и динамика развития денежных отношений в Западном Согде в эпоху античности и раннего средневековья

(Туранские монеты. Часть 2)” (2014), “O’zbekiston tarixi fanidan praktikum” (2015) китоблари шулар жумласидандир.

Хукумат қарорлари, қонун ва дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида²⁴³ музей кутубхонаси ўз ишларини такомиллаштирумокда. Жумладан, фондларини жамлаш, сақлаш, мавжуд адабиётларни электрон каталогини тузиш ишлари бажарилмоқда (хозирги пайтгача маълумотлар баъзасига 10 минга яқин китоблар номи киритилди). Ушбу амалиёт “КАРМАТ” (Корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими) кутубхона дастури орқали амалга оширилмоқда. Кутубхоначиларнинг малакасини ва янги технологияларда ишлаш қобилияти ошириш мақсадида республикада ўтказиладиган “Infolib” ва бошқа тадбирларда музей мунтазам иштирок этиб келмоқда. Жорий йилнинг 2 февраляда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилган EPSCОдан фойдаланиш бўйича семинарда ҳам иштирок этилди. “Kutubxonauz” журналида бериб бориладиган кутубхонага оид ишланмалар, инновацион лойихалар ва бошқа янгиликлар билан доимий танишиб борилади. Хулоса қилиб айтганда музей кутубхонаси музей фаолиятида бекиёс аҳамиятга эга бўлиши билан ҳам бениҳоя қимматлидир.

МУЗЕЙ ИШИДА ФАРФОР КОЛЛЕКЦИЯЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ МУАММОЛАРИ

Ганиева Ч.Х, МРДИ катта ўқитувчиси

Музей фондларининг мақсади, музей бойликларини сақланишини таъминлаш, уларни емирилиш, шикастланиш, ўғирланишидан химоя қилиш, шунингдек коллекцияни кўрсатиш ва ўрганиш учун қулай шароит яратишдан иборат. Музей коллекцияларидаги чинни ва фарфор коллекцияларини сақлаш муракқаб масалалардан саналади.

Фондлардаги фарфор коллекцияларини сақлаш ишлари фонд сақлов хоналарида, экспозицияда, предметнинг музей ичида ва ташқарисида харакатланиши даврида амалга оширилади. Фарфор коллекцияларни сақлашни ташкил этиш хақидаги принципиал

²⁴³ “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори // Ma’rifat, 2006 йил 21 июнь; “Ахборот-кутубхона тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Xalq сўзи, 2011 йил 13 апрель; “2011-2015 йилларда ахборот коммуникацион технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот ресурслар билан хизмат кўрсатишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори // ПҚ-1487. 2011 йил 23 февраль.

қонунлар, умумдавлат меъёрлари бўйича аниқланади ва бунга барча музейлар амал қилиши керак. Предметларда доимий равишда эскириш жараёни кузатилиши табиий ва уни тўхтатиб бўлмайди, фақат бу жараённи секинлаштириш ва минимумга тушириш мумкин холос. Предметларнинг сақлаш шароитини таъминлаш, фонд сақловчилари ва таъмирловчилар зиммасига юкланади, яъни улар шароит яратишга жавобгар шахс хисобланадилар. Сақлаш жараёнида асосий ўринни иқлим эгаллади – бу харорат, намлик ёритиш ва тозалик уйғунлигидир. Харорат – намлик тартибининг беқарорлиги, турли фаслларга кескин ўзгариб туриши предметларнинг эскириш жараёнини тезлаштирувчи асосий омиллардан биридир. Харорат ва намлик даражасининг предметга таъсир кучи ва тавсифи, кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, предмет тайёрланган материал, унинг тузилиши, музейга келтирилгунга қадар турган муҳити шулар жумласидандир. Фарфор коллекцияларини сақлашда иссиқлик ва намликнинг кескин ўзгариши ҳам заарли. Ҳар бир ўзгариш юз берганда материалнинг тез таъсирланувчи юза қатлами, ички қатламига нисбатан деформацияланади ва дарз кетиш ҳолатлари аниқланади. Агар урилишлар иссиқлик ва намликнинг ўзгариши тез-тез такрорланса, ёрилишлар ва бузилишлар пайдо бўлади. Чинни – керамиканинг нафис тури бўлиб, сув, газ, электр ўтказмайдиган ўтга чидамли, жарангдор асосан оқ рангли (юпқа тайёрланганида ёруғлик ўтказадиган) музей предметлари хисобланади. Чинни турларига қараб, маҳсус тупроқ, каолин, кварц, дала шпатлари ва бошқа хомашёлар аралашмасидан тайёрланади²⁴⁴.

-Сифати жиҳатидан чинни икки турга бўлинади:

-Нафис чинни - фарфор, форсча – Фагфур; энг яхши чинни тайёрланган қадимги Хитой вилояти номидан олинган²⁴⁵.

-Дағал чинни – фаянс, итальянча – Фаэнц; йирик керамика маркази бўлган шаҳарнинг номидан олинган.

Фаянс фарфордан қобигга эгалиги, сувни сингдириши (9-12% гача) билан фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам, у сирланади. Фарфор ва фаянс бир ҳил хом ашёдан тайёрланади: оқ гил, 45-50%, дала шпатлари 2-5%, кварц ва қум 35-45%, бўр 10%, шамот 10-15%. Фақатгина буларни тайёрлашда пишириш технологияси турлича бўлади.

²⁴⁴Технология фарфорового и фаянсового производства. -М., 1975. С.12.

²⁴⁵Вестфalen Э.Х., Кречетова М.Н., Китайский фарфор. -Л., 1947. С.6-8.

Техника ривожи туфайли чиннининг қаттиқ ва юмшоқ турлари пайдо бўлди. Унинг қаттиқ ва юмшоқлиги уни тайёрлашда фойдаланилган масса таркибига боғлиқ. Техника ва саноатда ҳамда рўзгорда ишлатиладиган чинни маҳсулотлари қаттиқ массадан, бадий ва безакдор чинни маҳсулотлари юмшоқ массадан тайёрланади. Қаттиқ чинни юмшоғига нисбатан анча чидамли бўлиб, таркибига кўпроқ тупроқ (45-60%) қўшилади. Қаттиқ чинни 1450 ҳароратгача, юмшоғи 1300 ҳароротгача қиздирилади. Бўр маҳсулоти қанчалик кўп қўшилса чинни шунчалик юмшоқ бўлади.

XVI асрда Европанинг Флоренция, Франция, Голландия ва Англия давлатларида илк чинни буюмлар пайдо бўла бошлиди. Дастлабки чинни заводи 1710 йилда Мейсенда, 1717-1718 йилларда Венада, 1744 йилда Петербургда қурилди. Дания (Копенгаген), Швеция (Мариебург), Бельгия (Турне), Швецария (Цюрих), Голландия (Весп, Гаага), Чехия (Славков, Клаштерец) бадий чиннилари сифати жиҳатидан шуҳрат қозонди²⁴⁶.

Технология жараёни яхшиланишига қарамай, (дастлабки хом-ашё тозаланиб, ювилиб, қиздирилиб навларга ажратилади; тегирмонда кукунга айлантирилади; керакли миқдорда олинган хом ашё турлари қориширилиб, суюқ лой шликер тайёрланади. Сўнгра, элакдан ўтказилиб, электромагнит орқали тозаланиб, қуолтирилади нами 25% аниқ масса пайдо бўлгандан сўнг керакли шакллар ишланади) XIX асрда Европа чинни маҳсулотларининг бадий қиймати пасайди²⁴⁷.

Россияда эса биринчи М.В. Ломоносов номидаги Давлат чинни заводи 1925 йилдан кенг оммага зарур чинни буюмларини ишлаб чиқара бошлиди. Ундан олдинги хусусий чинни заводлар фақатгина бадий сифат белгиларига асосланган чинни буюмарини ишлаб чиқарап эди. Хусусан, 1766 йилда Ф.Я. Гарднер асос солган Дмитров чинни заводи, 1832 йилда Т.Я.Кузнецов асос солган Дулёво чинни заводи, 1809 йилда асос солинган Конакова чинни заводлари шулар жумласидандир. Ушбу заводларда ишлаб чиқарилган чинни маҳсулотлари бугунги кунда антиквариат саналади. 1915 йилгача Россияда, асосан Германия ва Буюк Британиядан келтирадиган хом ашё билан ишлайдиган 36 та

²⁴⁶ Алексеев Ю.И., Верещагин В.И., Карпова Е.А. Влияние диопсида на формирование фарфора // Стекло и керамика. 1990. - № 9. - С. 19 -21.

²⁴⁷ Орлова Р.Г., Бешенцев В.Д. и др. Снижение температуры спекания глиноземистого фарфора в присутствии минерализаторов. // Стекло и керамика. 1989. - № 11. - С. 20-22.

йирик чинни корхоналар мавжуд эди²⁴⁸. Чинни ва фарфор идишларда экспертиза ишларини олиб борища уларнинг клеймоларини аниқлаштириш муҳим масалалардан бири саналади. Фарфорни бадий безатишнинг кўп усуллари мавжуд. Бўртма (рельеф ҳосил қилиб), ўйма нақш гуллар маҳсулот ҳўллигига, қирма гуллар маҳсулот лойига чайиб олингандан сўнг, сир гуллар эса хумдондан чиққандан кейин ишланиб, яна бир бор хумдонда пиширилади. Тоғ жинсларидан, шишадан тайёрлаб суриладиган сир сополга ёпишиб, уни ҳам чидамли, ҳам нафис қиласиди.

Ўрта Осиёда, одатда, бадий безакка хос сопол сирлангандан кейин амалга оширилади (тиник ёки нимранг сир устидан гул, баъзан расмлар ишланади), тамға (илгарилари шолғом, сабзи, қовоқ кабилар ўйиб тамға қилинган) ва чизма қириб чизилади. Ўрта Осиё кулоллигига феруза-зангари, тўқ кўк (кобальт), яшил (мис оксиди) сир кенг тарқалган. Ҳозирда аксарият ҳолларда қўроғошин сирлардан фойдаланилади²⁴⁹.

Ёруғлик тартиби предметнинг материали, ранги ва сақланганлик даражасига қараб ўрнатилади. Ёруғликка юқори чидамли предметлардан – металл, рангсиз шиша ва тош, сопол, гипс кабиларни фақат тўғри тушадиган қуёш нурларидан сақлаш лозим. Фарфор коллекцияларида мавжуд гул тасвирлари ва зарҳал белгиларини ёруғлик манбалари кучли салбий таъсир кўрсатувчи предметларнинг фақат кўчирма нусхаси (копия) экспозицияга қўйилади. Асл нусхалари эса вақтингчалик кўргазмаларда намойиш этиб турилади. Музей предметларини юқори сақлов тартиби билан таъминлаш учун уларни ҳаво ифлосланишидан ҳимоя қилиш зарур, чунки бу предметларнинг емирилиши ва эскириш жараёнларини келтириб чиқаради. Сероводород (водород сульфид), олtingугуртли газ, аммиак, хлор, чанг, қурум шулар жумласидандир.

Музей предметларини сақлашда консервация ва таъмирлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Консервация - бу предметларнинг табиий эскириши жараёнларини секинлаштириш учун зарур сақлаш тартибини яратадиган ва энди бошланган емирувчилик жараёнларини турли кимёвий ва физикавий воситалар ёрдамида тўсиб, сўнгра предметларни мустаҳкамлайдиган усулдир. Буни фақат маҳсус тайёргарликка эга мутахассис-таъмирловчи амалга

²⁴⁸Мороз И.И. Технология фарфоро-фаянсовых изделий.- М.: Стройиздат, 1984.

²⁴⁹Орлова Р.Г., Бешенцев В.Д. и др. Снижение температуры спекания глиноземистого фарфора в присутствии минерализаторов. // Стекло и керамика. 1989. - № 11. - С. 20-22.

оширади.

Музей предметлари турли сабабларга кўра ўзининг олдинги қиёфасини йўқотиши, синиши, лат етиши, йиртилиши мумкин. Уларни асл ҳолига келтириш учун таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Сақловчилар ва таъмирловчилар доимо музей тўпламларини текшириб, улар орасидан консервация ва реставрацияга муҳтожларини йиғиб оладилар. Кўрик натижалари маҳсус рўйхатга киритилиб, предметнинг сақланиш ҳолати ёзиб борилади.

Консервация ва таъмирлаш жуда мураккаб ва жавобгарлиги катта иш ҳисобланади. Шунинг учун бу ишни олиб бориш услуб ва воситаларини маҳсус комиссия ва таъмирлов кенгаши ҳал қиласди. Уларнинг хулосаси, предмет билан амалда ишлашнинг натижалари маҳсус хужжатга ёзилади. Бу маълумот, йиллар давомида ундан олдин йиғилганлари билан биргаликда, таъмирлаш услубини мукаммаллаштиришга ёрдам беради.

Бу турдаги экспонатларга хилма-хил буюмлар мансубдир. Булар орасида сопол, чинни, фаянс, фарфордан ишланган буюмлар бўлиши мумкин. Бу каби ашёлар экспозицияда турли ижтимоий тарихий даврнинг ишлаб чиқариши, майший ва маданий ҳаёти, савдо муносабатлари тўғрисида маълумот бериши мумкин. Шунингдек, ҳалқи ижоди амалий безак санъати намуналари ҳам музей экспозицияларида атрофлича намойиш этилади.

Одатда сопол ва шиша буюмлар музей коллекцияларида кўп учрайди. Фарфор коллецияларга оид экспозицияларда чинни идишларнинг бўлаклари кенг намойиш этилади. Кўпинча бундай бўлакчалар қайта таъмиранади, албатта таъмирланган идишлар аслларидан фарқ қиласди. Фарфор ва фаянс идишларни комплекс тарзда, очик кўринишданамойишетишмумкин. Шиша, фаянс буюмлар вертикаль витриналарга жойлаштирилади. Витриналар ойнаси қалин шишадан ясалади. Сервизлар эса жавонларда ёки стол устида намойиш этилади. Бундай усул уй-музейлари, ёки интерьери яхши сақланган, маълум даврни ёритиб берадиган ёдгорликлар учун аҳамиятлидир.

Идишлар музей экспозицияларида намойиш этиларэкан, улар ишланиши, ранги, турига қараб ўзаро боғланиб, уйғунлик яратиши керак. Витриналарда экспонатлар сикиб, кўпсонли жойлаштирилиши томошабинни толиқтириб қўйиши мумкин. Одатда музей ходимлари витриналарда бундай буюмларни симметрик ҳолатда жойлаштирадилар. Яъни, экспозициядаги

ашёлар томошабин нигоҳи тенг тушадиган масофада қўйилиши талаб этилади. Албатта, бунда идишларнинг рангига ҳам алоҳида эътибор берилади. Ёрқин рангли идишлартўқ фонларда ёки аксинча қўйилиши мумкин. Косалар ва ликопчаларнинг орқасига маҳсус тиргак қўйилади. Витриналар жойлаштирилишида ҳам маҳсус масофа бўлиши керак. Фарфор буюмла рнамойишида ёруғликка алоҳида эътибор қаратилинади. Чунки, уларнинг қандай материалдан ишланганлиги, рангини аниқ кўра билиш учун ёруғлик манбай жуда муҳимдир.

Ҳар бир предметни транспортировка қилиш имкониятларини таъмирлаш кенгаши ёки таъмирлаш комиссияси ҳал қиласи. Таъмирловчилар предметларни ўраш ва транспортировка қилиш бўйича тавсия беради. Булар орасида айниқса фарфор, чинни, шиша ва фаянсдан ишланган идишлар ва ҳайкалчалар транспортировкаси мураккаб жараёнлардан саналади²⁵⁰.

Предметлар яхши сақланишида улар жойланадиган мослама катта аҳамиятга эга бўлиб, предметларни механик заардан, чангдан, ҳарорат ва намликтининг кескин ўзгаришидан ҳимоя қила олиши лозим. Асосан, предметлар ҳажмига, шаклига қараб ёғоч қутиларга солинади. Устидан намликтин ўтказмайдиган бўёқ берилиб, маркировка ёпиштирилади. Унда қутини қандай ҳолатда қўйиш, эҳтиёт қилиш кераклиги кабилар ёзилади. Жуда нодир предметли қутилар, қўшимча металл қутиларга ҳам солинади.

Транспортировка маҳсус меъёрий хужжатлар асосида, қоидаларга амал қилинган ҳолда амалга оширилади. Ҳар битта транспортировкага тайёр қутини ичига, упаковка учун жавобгар шахс, таъмирловчи, упаковкаловчи томонидан имзолangan акт қўйилади. Предметлар кўзланган жойга етиб боргач, бир сутка давомида уларга тегилмайди. Чунки улар янги иқлимга кўникиши лозим. Қутилар очилгандан сўнг, предметлар ҳар томонлама текширилади. Зарурат бўлса, маҳсус камераларда зарарсизлантириш амалга оширилади. Шундан сўнгина экспозицияга қўйиш мумкин бўлади.

Фонд сақловхоналарида эса ҳажми катта бўлмаган чинни, сопол, шиша, оҳактош, гипс, мармар ва шунга ўхшаш материаллар (жумладан ҳайкалчалар ҳам) витриналарнинг токчаларида сақланади. Экспонатлар вазнининг токчага босимини инобатга олиб уларни тўғри жойлаштириш зарур.

²⁵⁰Рохваргера Е.Л. и др. Упаковка и транспортировка керамики: Справочник.- М.: Стройиздат, 1977.- С.132.

Майда предметлар учун токчани ёғочдан ясаш мақсадга мувофиқ. Улар линолеум билан қопланса ҳам бўлади.

Уларни жойлаштиришда баланд экспонатларни орқага, пастакларини эса олдинга териш керак. Бунда улар бир-бирига тегмаслиги керак. Чинни, фаянс ва сопол тарелкаларни тик ҳолда махсус бўлинмали ёғоч идишларда сақлаш мақсадга мувофиқ.

Бир неча яssi идишларни ораларига букланган папирос қоғоз ёки юмшоқ мато қўйиб, устма-уст тахлаш ҳам мумкин. Оғирроқ предметлар пастда туриши лозим.

Чинни ва фаянс тарелкаларни тахлаб сақлаганда устма-уст қўйилган тарелкалар сони 6 тадан ошмаслиги керак. Агар тарелкалар оғир бўлса, уларнинг сонини камайтириш лозим.

Сопол ва шиша идишлар орасига бошқа ашёлар қўйиш тақиқланади. Улар алоҳида сақланади. Экспонатларни жойлаштирганда уларни махсус белгиларига (завод, мамлакат ёки даврига) қараб гурухларга бўлиш мумкин. Сирланмаган чинни (бисквит) ва сополдан ясалган катта идишлар қалин газмолдан тикилган ғилофга ўралган ҳолда стеллаж ёки тагликларда сақланади.

Чинни ва фаянси спирт аралаштирилган илиқ сувда майнин чўтка билан ювиш мумкин.

Дарз кетмаган ва сири кўчмаган идишларнигина шундай усулда ювиш мумкин. Ғовак ва сирланмаган сопол идишларни чанг ва намдан жуда эҳтиёт қилиш керак.

Шишани сув билан ювиш тавсия этилмайди, чунки сув шиша таркибидаги тузларни ювиб кетади. Шиша идишларни бир йилда икки марта тоза спирт билан артиш керак. Шиша идишлар билан ишланганда матоли қўлқоп кийиш лозим.

Чинни, фаянс, шиша идишларни кўтарганда, бирор жойга ўрнатганда ёки тахлаганда жуда эҳтиёт бўлиш керак.

АЖДОДЛАРИМИЗДАН МЕРОС МОДДИЙ МАДАНИЯТ НАМУНАСИ – ОССУАРИЙ

Аззамова З.Р,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи бош мутахассиси

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки қунлариданоқ халқимизнинг ўтмиш тарихи, бой маданий меросини ўрганиш, уни сақлаш ва келажак авлодга етказишига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилди. “Мустақиллигимизнинг

дастлабки кунларидаёқ, – деб ёзади Президент И.А.Каримов – аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашни ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”²⁵¹.

“Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас... Давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим” деб таъкидлангани бежиз эмас²⁵². Дарҳақиқат, истиқлол йилларида энг қадимги ўтмишдан то ҳозиргача бўлган давлатчилигимиз ва унинг ривожланиш босқичлари тарихи, шу ҳудудда яшаган халқларнинг, ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳаётини чуқур ҳамда кенг ўрганиш учун катта имкониятлар яратиб берилди.

Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотларнинг ижобий натижаси туфайли вужудга келган шарт-шароит, кенг ижодий эркинлик боис аждодларимизнинг улкан ва бебаҳо меросини ўрганиш, кенг оммани ҳамда жаҳон аҳлини таништириш, уни асраб авайлаш ҳамда келгуси авлодга тўлиқ етказиб бериш каби долзарб вазифалар бажариб келинмоқда.

“Ўзбекистон келажаги – буюк давлат” шиорига амал қилган ҳолда, барча соҳаларда олиб борилаётган ўзгаришлар босқичмабосқич амалга ошириб келинаётгани ва уларнинг амалдаги ифодаси фикримизнинг ёрқин далилидир.

Юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган археолого-этнографик экспедициялар ва санъатшунослик тадқиқотлари натижасида топилган кўплаб археологик ёдгорликлар, моддий маданият ва маънавий мерос намуналари юртимиз ҳудудида яшаган қадимги халқлар тарихи, маданияти, тасвирий ва амалий санъати, урф-одат ва маросимлари каби кўплаб тарихий, маданий, ижтимоий ҳамда этнографик маълумотларга эга бўлишимизда катта ёрдам беради. Бугунги кунда музейлар, археология институтларидаги ноёб экспонатларнинг айримлари кенг

²⁵¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.137.

²⁵² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. – Тошкент, 1999. – Б.138.

томошабинлар эътиборига намойиш этиш мақсадида экспозицияга қўйилган, кўпчилиги эса илмий тадқиқотлар ўтқазиш ва келажак авлодга қолдириш учун фондларда сақланади. Ўзига хос шакли, тури, вазифаси, бой безатилиши ва тарихий қиммати бўйича ажralиб турувчи ноёб моддий маданият намуналаридан бири – бу оссуарийдир.

Оссуарий, остатон (лот. os – суяк) – зардуштийлик динига мансуб халқларда марҳумнинг суяги солинган сопол, тош ёки ганч идиш, суяқдон. Зардуштийлик маълумотига кўра, одамлар ўлгандан кейин унинг жасадини ерга қўмиш гуноҳ ҳисобланган. Бунда улар «Она ер муқаддас, у барча жонзотнинг боқувчиси, тупроқнинг таркибини бузмаслик керак», деган ақидага риоя қилишган. Шунингдек, олов, сув, ҳаво ҳам муқаддас саналгани учун, ўликни сувга ташлаш, оловда куйдириш ва очик жойда қолдириш ҳам маън қилинган. Шунинг учун ҳам одамлар яшайдиган жойдан узокроқда, яъни тоғ ён бағри ёки баланд тепаликда махсус супалар ясаб, ўликни ўша ерга элтиб бараҳна (яланғоч) тарзда қўйишган. Ўлимтиқхўр ҳайвон ва паррандалар мурда гўштларини еб кетгач, ёмғирда суяк янада тозалаган, ёуёш эса уни обдон қуритган. Шундан сўнг тепалик атрофида яшовчи одамлар суякларни йиғишириб олиб, сополдан ясалган идишчаларга жойлаштирилган. Жамоада аждодлар руҳини авайлаб, ана шу суякларнинг баъзи қисмини, кулни сақлаш мақсадида қопқокли хумга ўхшатиб оссуарий – суяқдонлар ясашган. Бу “марҳумнинг қайта дунёга келиши, яъни тирилиши учун зарур”, деб ҳисобланган ва уни алоҳида жойда асрашган²⁵³.

Марказий Осиё халқларида оссуарийга солиб қўмиш одати мил. ав. I-минг йилликнинг 1-ярмида шаклланиб, мил. VIII асргача (исломий дафн русумлари қабул қилингунча) давом этган.

Оссуарийлар қадимги Хоразм, Марв (Мурғоб воҳаси), Сўғд (Қашқадарё –Зарафшон–Сирдарё дарё оралиқлари), Шош (Тошкент воҳаси) ҳамда унинг шимолидаги Еттисув ҳудудларидан, шунингдек Эрон, Фаластин, Миср ва бошқа жойлардан кўплаб топилган бўлиб, улар наусларда сақланган. Зардуштийлик дини узил-кесил шакллангач, бу удум барҳам топган.

Олиб борилган тадқиқотлар ва қўлга киритилган натижаларга асосланиб юртимиз ҳамда хорижий илмий

²⁵³ X.Хомидов. Оссуарий. Ўзбекистон миллый энциклопедияси. О ҳарфи. – Тошкент, «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 255-256 бетлар.

нашрларда оссуарийлар ҳақида кўплаб илмий мақолалар чоп этилган. Ушбу мақолалар оссуарийнинг ўрганилиш тарихини ёритишида муҳим аҳамият касб этади.

Археология фани шаклдана бошлаган даврдаёқ топилган оссуарийлар В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, В.Л.Вяткин, К.А.Иностраницев, А.Калников, Б.Н.Кастальский, П.К.Коковцев, Н.П.Остроумов, И.Т.Пославскийларнинг эътиборини тортган. Натижада Марказий Осиёлик зардуштийликнинг дағн этиш маросими атрибутига багишланган кўплаб ишлар эълон қилинди. Жумладан, В.В.Бартольд “К вопросу о погребальных обрядах тюроков и монголов”, “Еще о самаркандских оссуариях”, “К вопросу об оссуариях Туркестанского края”; Н.И.Веселовский “О находках глиняных гробов в Самарканде”, “Еще об оссуариях”, “Греческие изображения на туркестанских оссуариях”; В.Л.Вяткин “Афрасиаб – городище былого Самарканда”; К.А.Иностраницев “Туркестанские оссуарии и астаданы”, “О древне-иранских погребальных обычаях и постройках”, “К истории домусульманской культуры Средней Азии”; Б.Н.Костальский “Бия-Найманские оссуарии”; А.Калников “Открытие Б.Н.Костальским Бия-Найманских оссуариев”; П.К.Коковцев “О еврейских оссуариях”; Н.П.Остроумов “Новые данные о глиняных погребальных урнах”; И.Т.Пославский “Еще несколько слов об оссуариях” ва бошқалар. Аввалига топилган оссуарийлар ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган бўлиб, уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини вақт ва янги топилган оссуарийлар тасдиқлади.

Умуман оссуарийларни ўрганишга Ю.А.Рапопорт, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, А.Я.Борисов, А.А.Потапов, А.И.Бернштам, Б.Я.Ставиский, Г.Григорьев, А.М.Беленицкий ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшишди.

Н.И.Веселовский томонидан биринчи маротаба Афросиёбдан 1885 йил топилган сопол тобут тавсифидан бошланган. Кейинчалик, яъни 1900 йил у аввал қўлланилган “урна”, “тобут” термини ўрнига биринчи бўлиб “ossuarium” – “суюқдон” терминини қўллади. “Оссуарий” термини фанга мустаҳкам кирди²⁵⁴.

Бошқа тадқиқотчи олимлар ҳам кейинчалик топилган кўплаб оссуарийлар (остадон)ни ўрганиб, унинг пайдо бўлиши, тарихи, кўриниши ва бўртма тасвирлари ҳақида кўплаб илмий мақолалар орқали оммани таништиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

²⁵⁴ Н.И.Веселовский “О находках глиняных гробов в Самарканде”. – ЗВОРАО, т.13. СПб., 1900

Жумладан, В.Л.Воронина оссуарийни Марказий Осиё меъморчилиги тарихи бўйича ноёб манба сифатида кўриб чиқиб, уларни шакли бўйича қуидаги З турга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтган²⁵⁵:

- 1) кўчманчи халқларнинг турар жойини эслатувчи овал шаклида;
- 2) Самарқанд ташқарисидаги қўрғончаларни эслатувчи тўғри бурчакли оссуарийлар;
- 3) Бия—найман туридаги оссуарийлар.

Г.А.Пугаченкова тўғри бурчакли оссуарийлар Марказий Осиё деҳқончилик воҳаси, овал шаклдагиси эса унинг чўл минтақасидаги турар жой шаклини акс эттирганлиги тўғрисида маълумот берилган. Бу икки тури ҳам Зарафшон, Чирчик-Ангрен ва Еттисув худудларида учрайди²⁵⁶.

В.С.Минасянц Ўзбекистон тарихи давлат музейининг археология фондидаги сақланаётган оссуарийлар тўплами ҳақида ёзган бўлиб, улар турли даврларда Тошкент вилояти худудидан, асосан, Тўйтепадан топилган²⁵⁷. Оссуарийларнинг турли нақшли бўлаклари асосида тўрт турдаги классификация ишлаб чиқилган. Биринчи турдаги оссуарий безагининг муҳим элементи – ёпиштирилган тўлқинсимон ҳошиядир. Иккинчи турдаги оссуарий безагининг муҳим элементи – “арча” шохчasi кўринишидаги ўсимликсимон нақш. Учинчи турдаги оссуарийда антропоморф ва зооморф тасвирлар мавжуд. Тўртинчи турдаги оссуарий корпусига тўлқинсимон ҳошия ёпиштирилган, энсиз икки ён томонига нотўғри квадрат шаклида дарча имитация қилинган.

1950 йил Хоразм археолого-этнографик экспедицияси томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидаги зардуштийларнинг Кўйқирилган қалъа ибодатхонасида олиб борилган қазилмалар натижасида ўтирган аёл кўринишидаги биринчи оссуарий топилган бўлиб, у эр.ав. I – эрамизнинг II асрларига тегишли. 1960 йил Бурли қалъа қўрғонидан 4 км шимоли ғарб томонда II–III асрларга оид статуар керамик оссуарий, 1937 йилда археологлар Я.Ғ.Ғуломов, Т.Мирғиёсов томонидан эса V–VIII асрларга оид антропоморф

²⁵⁵ В.Л.Воронина. К вопросу об изучении доарабского зодчества Средней Азии. “Сообщения Института истории и теории архитектуры”, вып. 8. М., 1947, стр. 37.

²⁵⁶ Г.А.Пугаченкова. Элементы согдийской архитектуры на среднеазиатских терракотах. «Бюллетень САГУ» вып. 23. Ташкент, 1945, стр. 182.

²⁵⁷ В.С.Минасянц. Оссуарии из Тойтепа (из раскопок М.Е.Массона и Турды Миргиязова 1928, 1937 гг) // Тошкент: кеча ва бугун. Илмий маъюлалар тўплами. Фалсафа ва ҳукуқ институти нашриёти. Т., 2007. 52-60 бетлар.

тасвири керамик оссуарийлар топилган. Бу оссуарийларни санъатшунос ва мутахассис олимлар томонидан таҳлил қилинган бўлиб, ҳар бири аниқ далиллар асосида илмий манбаларга таянилган ҳолда ёзилганлиги эътиборни тортиб, унга нисбатан қизиқишни уйғотади.

Оссуарийлар деворларини безашда кенг қўлланилган меъморий безак элементлардан бири тож кўринишидаги поғонасимон минора – мерлондир. Марказий Осиё меъморлигига қадимий ва илк ўрта асрларда қадимги усталарнинг севимли мотиви мерлон ва антификс бўлиб, уни черков, саройларнинг тантанаворлиги ва дабдабасига дикқатни тортиш мақсадида қўлланилган.

Қадимги давр амалий–меъморий санъатида безакнинг антефикс, пальметт, акант ва шу каби мотивлари пайдо бўлганлигини Бақтриянинг ўнг ва чап қирғоқларидағи бир қатор ёдгорликлар тасдиқлайди²⁵⁸. Антик Холчаён шаҳарчаси қазилмалари бинолари меъморий безагида антефикс ва тишли мерлонлар жуда уйғунлашган²⁵⁹. Тишли мерлонлар Холчаён саройи карнизини безашда қўлланилган. Бу ерда “4 поғонали, ўқсимон, пастки кесими ёпилмаган” тишларни кўриш мумкин. Сурх Кўталдаги кушон подшоҳлар саройида декоратив безатилган тишли мерлон намуналари аниқланган. Мерлоннинг юқори қисмида ўсимликсимон ёки антропоморф характердаги тасвир рельефи мавжуд²⁶⁰. Ўралиб кетган нозик новда ва шохчаларнинг акант барглари билан уйғунлашган нафис кўриниши Палмирдаги 5 поғонали мерлонда тасвириланган²⁶¹.

Мерлонларнинг поғонасимон тишлари шаклига қараб 2 асосий турга ажратиш мумкин: тўғри бурчакни акс эттирувчи тўғри шакли, Муллақўргон оссуарийларини четлари ўткир трапеция шаклида. Бундан ташқари, оссуарийларнинг айримларида мерлонлар синиқ ва тўлқинли чизиқлар билан белгиланади, масалан, Самарқанд давлат тарих ва маданият музейидаги оссуарий (A – 403).

Шундай қилиб, оссуарий (остадон)лар – бу тўғри тўртбурчак ёки овалсимон шаклдаги терракота (пишган лой), баъзида гипс қутилар бўлиб, деярли ҳаммаси қопқоқ билан тугалланади. Улар

²⁵⁸ Абдуллаев К. «Корона муралис» на эллинистическом Востоке // Тезисы докладов Третьего всесоюзного симпозиума «Проблемы эллинистической культуры на Востоке». Ереван, 1988

²⁵⁹ Пугаченкова Г.А. Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии. Ташкент, 1966

²⁶⁰ Schlimberger D., Le Berre M. et Fussman J. Surkh-Kotal en Bactrian. MDAFA. T. XXV. Paris, 1983

²⁶¹ Шлюмберже Д. Эллинизированный Восток. М., 1985.

кўп ҳолларда турли сюжетли бўртма тасвиirlар ёки ўсимликсимон, геометриқ, чизиқли нақшлар билан безатилган бўлади. Бироқ, улар турли худудларда ўзларининг шаклу–шамойили ва безаги билан кескин фарқ қиласди. Остадонлардаги безаклар ва сахна кўринишларини талқин этиш, турли хил афсоналар билан боғлиқ ҳолда ифодалаш, тасвиirlанган маъбудалар, санамларни аниқлаш Ўзбекистон халқлари маданият тарихига оид қизиқарли маълумотлар беради.

Хулоса қилиб айтганда, оссуарийлар энг кўхна удумларни ўрганишга, аждодлар амалий санъатининг нозик қирраларини аниқлашга кўмаклашади. Биз каби ёш тадқиқотчилар эса ана шундай ноёб топилмаларни жамлаб, уларни илмий жиҳатдан ўрганиб, юртимизнинг илм-фани тараққиётiga ўз ҳиссамизни қўшишимиз долзарб вазифаларимиздан биридир.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИННИНГ ҚАДИМГИ МУДОФАА ИНШООТЛАРИ

*Холбоев З.Т, ЖДПИ катта ўқитувчиси
Шодмонов М, ЖДПИ талабаси*

Ўзбекистоннинг илк ўрта асрлар тарихини ёзма ва моддий манбалар асосида ўрганиш муҳим аҳамият эга. Сабаби, милодий V-VIII асрларда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт аввалги даврларга нисбатан ниҳоятда фаоллашган. Чунки, бу даврда шимол ва шимолий-шарқий минтақалардан Ўрта Осиё ҳудудига кўп сонли чорвадор аҳолининг кириб келиши ва уларнинг аксарияти оммавий ўтроқлашув жараёни содир бўлди. Натижада, катта шаҳарлар атрофида қишлоқ маконларининг қурилиши жадаллашган. Бундай тарихий воқелиқдан Жиззах воҳаси ҳам мустасно эмас. Чунки, Жиззах ҳудудидаги мавжуд археологик ёдгорликларнинг 60-65 фоизини илк ўрта асрларда бунёд этилган манзилгоҳлар ташкил этади.

Шимолий-гарбий Устушонанинг (Жиззах воҳаси) илк ўрта асрлар даври қишлоқ маконлари ҳисобланган Қингиртепа (Бердимуродов, 1985. С. 8-9; Бердимуродов, Пардаев, 1988. С. 67-74), Алмантепа (Бердимуродов, Пардаев, 1990. С. 152-155), Расулбойкултепа (Пардаев, 1992. С. 108-113), Пардакултепа (Пардаев, 1997. С. 142-148) ва Комилбоботепа (Пардаев, 2001. С.

136) ёдгорликлари археолог мутахассислар томонидан яхши ўрганилган.


Ушбу кичик мақоламиз Жиззах шаҳри ҳудудида жойлашган Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги тизимиға киравчы 1-рабоди ва Жумабоботепа қишлоқ маконида кейинги йилларда олиб борилган қазув тадқиқот натижаларига бағишиланади.

Дастлаб, Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги тизимиға киравчы 1-рабод қисмида амалга оширилган илмий тадқиқот хусусида фикр юритамиз.

Рабод шаҳристоннинг шимол томонида 25-30 м.ли мудофаа хандаклари ортида жойлашган бўлиб, ҳозирги қунга қадар сақланиб қолган қисми учбурчаксимон кўринишга эга. Унинг ғарбий томони 115 м.га, жанубий томони 115 м.га, баландлиги 6-7 м.га тенг. Рабоднинг шимолий ва шарқий томонлари ер ўзлаштириш пайтида қирқиб ташланган. Йўқотилган қисмини ҳам ҳисобга олганда 1-рабоднинг умумий майдони 2,2 га.дан ортиқ бўлади. Микрорельеф тузилиши бўйича рабоднинг ғарбий дарвозаси ўрнини аниқлаш мумкин.

Рабоднинг мудофаа тизимини ўрганиш учун жанубий-ғарбий чеккасида стратиграфик қазув ишлари олиб борилди ва тадқиқот қуйидаги натижаларни берди:

I-ярусдан IV- ярусгача бўлган оралиқда 4 та қатlam мавжуд бўлиб, 1-чим қатlam 10-15 см қалинликда, 2-майда касакли оқиш тусдаги оқава қатlam, 3-оқиш тусли, ўртacha қаттиқликдаги маданий қатlam ва 4-қўнғир тусли нураган шўр тупроқлардан иборат маданий қатlam (1-расм). Ушбу қатlamлар орасидан сопол парчалари, майда дарё тошлари ва ҳайвон суюклари қайд этилди.



1-расм. Стртиграфик қирқим.

V-ярусадаги 5-шиббаланган, қаттиқ маданий қатлам бўлиб, ёйсимон ҳосил қилган жойнинг таг қисмида майда кўумир парчалари ва кул қатлами қайд этилди. Бизнингча у ўчоқ ўрни бўлган бўлиши мумкин.

VI-ярус оралиғидаги 6-ўртача қаттиқликдаги ғовак қатлам бўлиб, қатлам оралиғидан турли сопол парчалари ва майда дарё тошчалари топилди.

VII, VIII ва IX-яруслар ва қисман X-ярусда жойлашган 7-қатлам, турли ҳажмдаги пахса ва касак бўлакларидан иборат бўлиб, улар орасидан турли сопол парча(асосан X ярусдан топилган)лари, дарё ва тоғ тош бўлаклари қайд этилди (3-расм). Қайроқ тошдан ясалган, ўртаси усталик билан ўйилган бу қора ялтироқсимон тош бўлаги ёғоч эшиклар учун ошиқ-мошиқ вазифасини ўтаган. Тош бўлаги трапеция шаклига эга бўлиб, томонлари 19×15 см ва 15×13 см.ни, қалинлиги 4-3 см.ни ташкил қиласди (2-расм. 1-с.). Бундан ташқари айнан қайроқ тошга ўхшатиб ўртаси ўйилган сопол парчаси ҳам мавжуд бўлиб, маълум хўжалик юмушларида фойдаланилган бўлиши мумкин. У ҳам трапеция шаклига эга бўлиб, томонлари $10,5 \times 7$ см ва $8 \times 7,5$ см.га teng (2-расм. 2-с.). Бу сопол бўлаги қизғиш тупроқдан лой қорилиб, ичига майдаланган тош парчалари аралаштирилган ҳолда тайёрланган ва хумдонда яхши пиширилган.

Қизғиш тусдаги катта қайроқ тош бўлаги хўжаликда турли донларни майдалашда ишлатилган бўлиши мумкин. У учбуручаксимон бўлиб, томонлари $29 \times 27 \times 18$ см.лар атрофида (2-расм. 3-с.).



1.



2.

3.

4.

2-расм.

8-қатlam (йирик пахса девор) ва 9-қатlam (кичик пахса девор) оралиғидаги 7-қатlamдан, яғни икki девор оралиғи пастки қисмидан думалоқ шаклға эга бўлган тош ядро топилди. Бу тош махсус қўлда ишлов берилган ва айлана шаклға келтирилган (2-расм. 4-с.). Дастрраб думалоқ шаклға эга бўлган бу тош ўқлардан кейинчалик қирғич, қайроқ сифатида, тери ошлаш ва пардозлашда фойдаланилган. Шу сабабли ядронинг томонлари ишқаланиш натижасида едирилиб кетган (Пардаев М. 1995, 138-бет). Тошдан мудофаа мақсадида душманга қарши ишлатилганлиги табиийдир. Сабаби биринчидан, ўша давр тарихий муҳити бўлса, иккинчидан, мудофаа деворлари оралиғидан топилганлигидадир. Мудофаа ва жанг қуроли мақсадида ишлатилган бу тошнинг диаметри 8,5-9 см.га тенг. Тинчлик вақтларида сопқонлардан ов қуроли сифатида фойдаланилган (Ширинов Т. 1977, с. 13-216).

VI-ярусадан XII-ярусгача бўлган оралиқда катта ўлчамга эга бўлган шимол-жануб йўналишидаги мудофаа девори қайд этилди(8-қатlam). Бу девор монолит, сифатли, обдон пишишилган пахсадан қурилган бўлиб, очилган баландлиги 2,10 см (объектда қазув тўлиқ тугатилмаган)ни, устки қалинлиги 4,10 см.ни, пастки қалинлиги 4,70 см(ҳозирча аниқ қисми)ни ташкил этади. Девор I-курилиш даврига тааллуқли бўлиб, мудофаа тизимини янада оширишга хизмат қилган.

VII-ярусадан XI-ярус оралиғидаги I-курилиш даврига тегишли кичик мудофаа девори (9-қатlam) борлиги аниқланди. Девор баландлиги 2,10 см.ни, устки қалинлиги 70 см.ни ва пастки қалинлиги 1,60 см.ни ташкил этади.

10-қумсимон, оқиши тусли окава қатlam, 11-куйган тупроқ ва қатlam ҳамда 12-куйган пахса бўлакларидан иборат қатlamлар бўлиб, улар орасидан сопол парчалари ва майда дарё тошчалари қайд этилди.


Жумабоботепа ёдгорлиги Жиззах шаҳарнинг “Қалия-мўлканлик” маҳалласи Юнусобод кўчаси жанубий адогининг чап томонида жойлашган бўлиб, тўртбурчак шаклға эга. Умумий майдони 0,60 га атрофига, тепанинг ўлчамлари шимол ва жануб томонлари 60 метр, ғарб ва шарқ томони 65 метрдан иборат. Энг баланд қисми марказда бўлиб, 9 метрни ташкил этади. Қалъа табиий текислик устида барпо этилган. Ёдгорликнинг шарқ томонидан замонавий техника билан сурилиб, йўл ўтказилганлиги

сабабли тепаликнинг бу қисмига жиддий заарар етказилган. Шимол томони ҳам ер ўзлаштириш натижасида қисман заарлланган.

Қазув тадқиқот ишлари объектнинг шимолий қисмидаги стратиграфик усулда олиб борилди ва қўйидаги натижаларни берди:

I-ярусадан IV-ярусгача бўлган оралиқда 4 та қатлам мавжуд бўлиб, 1-чим қатлам, 2-оқава қатлам, 3-ўртacha қаттиқликдаги нос ранг қатлам ва 4-қўзғатилган сунъий равишда ҳосил қилинган аралаш қатлам (3-расм). Ушбу қатламлар орасидан кўпгина сопол парчалари, майда дарё тошлари, ҳайвон суюк қолдиқлари ҳамда ҳозирги давр майший хўжалик буюмлари ҳам қайд этилди. Асосий топилмалар асосан хум, кўза, кўзача ва қозон буюм парчаларидан иборат.

V-VI-ярус оралиғидаги 5-сарғиши рангли, ўртacha қаттиқликдаги маданий қатлам 3-қурилиш даври бўлиб, 85-90 см қалинликни ташкил қиласди. 4 ва 5 қатламлар туташган қисми оқ-қизғиши кўринишдаги вертикал



қол ажратиб туради. Қатлам орасидан турли сопол парчалари, ҳайвон суюк қолдиқлари, майда дарё тошлари, майда кўумир парчалари ва кул қатлами қайд этилди.

2-қурилиш даври VII-ярусга жойлашган бўлиб, қалинлиги 40 смга teng. Унинг пол сатҳида тоғ ва дарёнинг кичик ҳажмдаги тошлари ва сопол парчалари вертикал йўналиш бўйича жойлашган.

Қатламдан топилган сопол идишларининг кўччилиги кўза, қозонча, хурмача ва дасталардан иборат бўлиб, кулол усталар томонидан деярли барчаси қўлда ясалган. 2 ва 1-қурилиш даври оралиғидаги 8-қатlam 2-қурилиш даврининг пол сатхи хисобланади.

9-қатlam 1-қурилиш даври бўлиб, VIII-ярус ва қисман IX-ярус оралиғида жойлашган, қоратир тусдаги ниҳоятда қаттиқ пахсасимон қатламдан иборат. Маданий қатlam 75-78 см баландликка эга. Бу қатламдан майда дарё тошлари ва сопол бўлаклари қайд этилди. 9-қатламдан асосан хум, хумча ва қозон бўлаклари топилиб, улар деярли кулолчилик чархидаги тайёрланган.

Учала қурилиш даври ҳам шимол томонга вертикал йўналиб пахсадан кўтарилиган мудофаа деворига (10-қатlam) бориб тақалади. Девор цилиндрисимон шаклга эга бўлиб, тепа қисми 65 см, таг асос қисми 1 мга teng. Деворининг ички ва ташқи томонига лой билан ишлов берилганлиги, унинг кишилар томонидан мунтазам таъмирланиб турилганлигидан далолат беради. Мудофаа деворининг ташқи томони (11-қатlam) деярли пахса бўлакларидан иборат. Улар орасидан ва тагидан турли сопол буюм парчалари катта ҳажмдаги хум бўлаги, кўза ва бошқа идишлар қайд этилди.

Илк ўрта асрлар қишлоқ маконлари қурилиш архитектурасига хос бўлган хусусият мудофаа деворларининг икки ҳалқадан иборат бўлганлигидир. Лекин, биз қазув ишлари олиб борган Жумабоботепа ёдгорлигининг шимолий қисмида битта девор қайд этилди. Бизнинг фикримизча, мудофаа деворининг яна бири тепанинг шимолий ён томонлари ўзлаштирилиши натижасида бузилиб кетган бўлиши мумкин. Бу масалага ойдинлик киритиш учун келажакда яна кенг кўламда қазув тадқиқот ишларининг олиб борилишини тақоза этади. Бу эса Жумабоботепа ёдгорлигининг мудофаа тизими ҳақида тўлиқ илмий хulosса беришга асос бўлади.

Юқорида қўлга киритилган ашёвий манбалар таҳлили асосида қуйидаги хulosаларни чиқариш мумкин:

А) Қалиятепа шахри 1-рабоди хусусида:

-ёдгорликда учта қурилиш даврига оид маданий қатlam мавжуд бўлиб, 3-қурилиш даври (I-IV ярус оралиғи) VII-VIII асрлар, 2-қурилиш даври (V-IX ярус оралиғи) V-VI асрлар ва 1-қурилиш даври (X-XII ярус оралиғи) III-IV асрлар билан даврланади;

-ташқи мудофаа деворлари икки қатор бўлиб, II-қурилиш даврда қурилган мудофаа деворининг қудрати бу даврда ҳаёт барқарор кечмаганидан ва рабоднинг мустаҳкам мудофаасидан далолат беради;

-кулоллик идишлари таҳлили қўра, 1- қурилиш даври (Х-ХII ярус оралиғи) қатламларидан топилган кам сонли сопол бўлаклари сўнгги антик давр, яъни, III-IV асрлар билан даврланади, 2-қурилиш даври (V-IX ярус оралиғи) қатламидан топилган сопол идишлар IV-VI асрларга ва 3-қурилиш даври (I-IV ярус оралиғи) қатламларида қайд этилган сопол буюмлар VII-VIII асрлар билан даврланади;

-демак, ёдгорликда ҳаёт излари сўнгги антик даврдан бошланиб милодий VIII асрларгача давом этган.

Б) Жумабоботепа қишлоқ макони хусусида эса:

-ёдгорликда учта маданий қатлам мавжуд бўлиб, 3-қурилиш даври VIII-VII асрлар, 2-қурилиш даври VII-VI асрлар ва 1-қурилиш даври IV аср охирлари ва V асрлар билан даврланади;

-3-қурилиш даврига оид қатламда ёнгин излари - кул қатламининг мавжудлиги араблар босқини оқибатида қалъа ёқиб юборилганлигидан далолат беради;

-ташқи деворлар қалин пахсадан кўтарилганлиги, қишлоқ маконининг мустаҳкам мудофаага эгалигини кўрсатади;

-демак, IV-V асрлардан қалъада ҳаёт бошланиб, араблар истелосига қадар, яъни, VIII асрларгача давом этган.

Бугунги кунда вилоятимиздаги мавжуд тарихий-маданий ёдгорликларни тадқиқ қилиш ва улардан олинган илмий маълумотларни ёш авлодга етказиш орқали уларда ватанпарварлик рухини шакллантириш ҳамда ушбу тарихий ёдгорликларни асраб келажак авлодга етказиб бериш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бердимурадов А.Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса (Северо-Западной Уструшаны V-X вв.): Дис. канд. ист. наук. –М., 1985.

1. Бердимурадов А. Э., Пардаев М. Х. Замок Кингиртепа // ИМКУ, вып.22. Ташкент, «Фан», 1988.

2. Бердимурадов А. Э., Пардаев М. Х. Раскопки верхнего здания Алмантепа // ИМКУ, вып.23. Ташкент, «Фан», 1990.

3. Пардаев М. Х. Археологические работы на Расулбайкултепа // ИМКУ, вып. 26. Ташкент, «Фан», 1992.

4. Пардаев М.Х. Шимолий-Ғарбий Уструшона илк ўрта асрларда (Қуи Сангзор воҳаси материаллари асосида): Тарих фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Самарқанд, 1995.
5. Пардаев М. Ҳ. Шимолий-ғарбий Уструшона қишлоқ маконлари қурилиш меъморчилигининг илк ўрта асрлардаги айrim хусусиятлари // ЎММТ, 28-нашри. Самарқанд, “Сўғдиёна”, 1997.
6. Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 29-нашр, Самарқанд, 1998.
7. Пардаев М.Х. Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 30-нашр, Самарқанд, 1999.
8. Пардаев М. Ҳ. Комилбоботепа қалъаси // ЎММТ, 32-нашри. Тошкент, “Фан”, 2001.
9. Ширинов Т.Ш. Каменные ядро Сапаллитепа // ИМКУ. – 1977. Вып. 13.

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА
САҚЛАНАЁТГАН ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ ХУСУСИДА**
Хаджаева М,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Ўзбекистон тарихи давлат музейи фонди этнография бўлими заргарлик буюмларига ниҳоятда бой. Заргарлик буюмлари учта коллекцияда жамланган бўлиб, экспозицияда XIX-XX асрларга оид бўлган заргарлик буюмлари намойиш этилган. Бу тақинчоқлар асосан кумушдан ясалиб, тиллаҳал юритилган ва қимматбаҳо тошлардан безак берилган. Биз биламизки, қадимдан заргарлик буюмларини асосан эркаклар ясаган. Ушбу заргарлик буюмлари Тошкент-Фарғона, Хоразм ҳудудларига тегишлидир.

Тошкент-Фарғона заргарлик буюмлари, яъни аёллар тақинчоқлари ҳар томонлама ўхшаш бўлиб, уларни асосан аёллар байрам ва тўй кунлари тўлиқ тақишигандан шуладан: тиллақош, сочпопук, маржон, зебигардон, тумор, зирақ, билакузук, узуклар экспозициямизда намойиш этилган. Кундалик ҳаётда ҳам аёл ва қизларимиз зирақ ва узукларни тақиб юришган.

Хоразм аёллари ва қизларининг заргарлик буюмлари бошқа ҳудуд заргарлик буюмларига қараганда ясалиши жиҳатдан ажралиб турган. Улар ҳам асосан байрам ва тўй кунлари тўлиқ ҳолда тақилган. Булардан: таҳядўзи, миядўзи, кошина, тиллақош,

тиллакокил, зулфитилла -соҷопупук, дирнак –пешона безаги, дангадўзи, маржон, шокила, кўқракдўзи, бодомой, тумор, елка безаги, зирак, билакузук, узук каби тақинчоқларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Тақинчоқлар асосан барг нусхали шокилалардан иборат.

Сочопупук, чочопупук –аёлларнинг соч тақинчоғи. Учлари попукчалар билан тугалланадиган 2-4 (баъзан 15-20 ва ундан ортиқ) қалин қора ип, ипак ва жундан эшилган тутамлардан иборат. Тутамларга турли шаклдаги (куббали цилиндр, конус) найчалар қадалади; қадамалар соҷопупукда ёй каби жойлашади, қадамалар остидан попукчалар чиқарилади. Баъзан қадамалар орасида тумор, безакли тангалар ҳам осилган. Сочопукнинг соч ўримига қўшиб ўриладиган, майда ўрилган соч ўримларига ҳамда кийим (орқа елка қисми)га тикиб қўйиладиган хиллари кенг тарқалган, XX асрнинг охирларида қизчалар учун дўппига тикиб қўйиладиган тури ҳам юзага келди¹.

Тақятузи, тақядўзи (арабча тақя –дўппи) –заргарлик буюми; хоразмлик аёлларнинг бош кийимида мустаҳкамланадиган тақинчоқ. Тақядўзи асосан айлана, шунингдек мурабба, 6, 8 қиррали шаклдор пластинадан тузилган, пластина атрофи гир айланасига металл, маржон ва қимматбаҳо тош мунчоқ ва япроқчалар билан якунланадиган узун металл занжирли шокилалар билан ўралган. Тақядўзи юзаси босма, кандалори ва шабака усулида нақшлар билан, айримлари атрофи феруза кўзлар билан ҳошияланган йирик ва майда қимматбаҳо тошлар қадаб безатилади, марказида пар ўрнатиладиган найчаси ҳам бўлади. Тақядўзи пластинаси атрофи 2 қатор феруза кўзлар ёки зифираклар билан ҳошияланади. Тақядўзи бош кийимини бутунлай қоплаб беркитиб туради. Қизларнинг сепига кирган тақядўзи хоразм усталарининг юксак маҳоратини намойиш этади².

Тиллақош –заргарлик буюми; аёлларнинг бош кийими устидан пешонага тақиладиган тақинчоғи. Тилла ёки тилла суви югуртирилган кумуш ва бошқа металлардан ясалади. Тиллақош асосини қайрилма қош шаклидаги бир-бири билан туташадиган 2 бўлак ҳосил қиласи, бўлаклар юзаси нақшлар билан безатилиб, юқори чети феруза кўзлар билан ҳошияланади; қайрилма қош шаклининг юқорисига панжарали нақшлар ишланади ва тиллақош учбурчак шаклидаги тож кўринишига эга бўлади, панжарали

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 8-том. 30 –бет

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 8-том. 316-бет.

гуллар ўртасига феруза кўзлар билан ҳошияланадиган маржон ва бошқа қадамалар ўрнатилади. Тиллақошнинг қуи қисмига ўзаро алмашиниб келадиган майда мунчоқ ва япроқчалар терилган бири калта, бири узун занжирлар осилади. Тиллақошнинг юқори қисмининг маркази (учи) ва икки чеккасидан занжирлар чиқарилиб, улар марказда бирлашади ва илгак билан якунланади. Бир хил бадиий усулда безатилган тиллақош гажак, исирға, зебигардон билан бирга ансамблъ ҳосил қиласди. Тиллақош шаклига ўхшаш пешонага тақиладиган зийнат буюми Фарғона водийсида баргак, тепа қисмидаги панжарали нақшлари бўлмаган тури Бухорода боло абру деб ҳам аталади, Хоразмнинг осматузи тақинчоги ўзига хос безатилиши билан тиллақошдан фарқ қиласди. Қадимдан келин ҳамда ёш аёлларни ҳимояловчи тумор вазифасини бажарган. Тиллақош ҳозир, асосан, тўй маросимида ва раққосаларнинг миллий либосининг таркибий қисми сифатида қўлланилади³.

Тумор – аёлларнинг бўйин ва қўлтиқларига тақадиган тақинчоги, безаги. Тумор шакли бир-бирининг устини қоплайдиган 2 бўлак (қутича ва қопқоқ)дан иборат қутича бўлиб, асосан, қопқоқ қисми безатилади. Тилла, кумуш ва бошқа металлардан учбурчак, тўртбурчак, найча (цилиндр) шаклида ясалиб сирти нақшлар билан ҳамда қимматбаҳо тошлар қадаб безатилади, шокилалар осилади. Тақилиши ва шаклига кўра фарқланади: бозубанд, дуотузи, бўйинтумор, кўкрак тумор, қўлтиқ тумор ва бошқалар⁴.

Шокила, шовқила (товуш чиқарувчи) – заргарлик буюми; Хоразм аёлларининг мураккаб, кўп қисмли тақинчоги. Шокила пешонани ёпиб турувчи осматузи, чаккалик (яримтирноқ)ка уланади ҳамда улар биргаликда ансамблъ ҳосил қиласди. Шокила ҳалқачалардан тузилган турлича узунликдаги занжирларга япроқча, маржон, ғунча, зифираклардан иборат осилмачоқлар бириктириб ҳосил қилинади ҳамда 2та ҳалқали чакка тақинчогининг ҳар бирига сершокилали ўзаро кета-кет уланган 3-4та қуббалар қатори осилади (баъзан улар учбурчак тумор билан тугайди). Қимматбаҳо турларида занжирлар марказига кўпинча овал шаклидаги юзаси зийнатланган турунжалар ўрнатилади, айримларига 5-бтадан дур, лаъллар қадалади. Шокила тақилганда, турли узунликдаги маржон қаторлари ияк, бўйин, кўкрак узра

³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 8-том. 434-435- бетлар.

⁴ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 8-том. 618-бет.

кетма-кет бир текис ётади. Аёллар шокила тақиб юрганида тана ҳаракатига қараб товуш чиқариб, жаранглайди (номи шундан).

Қулоқ ёки чаккага тақиладиган тақинчоқларга бириктириладиган шокила каби маржонлар Ўзбекистон ҳудудидан топилган күшонлар даврига оид ҳайкалларда учрайди. Шокила XIX асрнинг 1-ярмида кундалиқда, XIX асрнинг 2-ярмида тўй-ҳашамларда тақилган. XIX аср охиридан шокила қисмларга бўлинниб кетган, улар ҳам шокила деб аталади⁵.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланиб келаётган заргарлик буюмлари юртимизда истиқомат қилаётган элатларимиз урф-одатлари, ўзига хос удумларини очиб беришда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адаиётлар

- 1.“Кўхна олам сирлари” Ж.Х.Исмаилова, А.Ревес, Л.Левтеева, 2007 й.
- 2.Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 8-том. 2004 йил

ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИ: ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Ахунджанова У.З,

Темурйлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Жамиятни маънавий юксалтиришда, ёш авлодни умумжаҳон ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда музейларнинг алоҳида ўрни бор. Музейларни бежиз тарих, маънавият ва санъат хазинаси деб таърифлашмайди. Уларда турли-туман ноёб ва қимматбаҳо ашёлар жамланганки, халқнинг ўтмиши акс этган бу кўргазмалар бизни аждодлар ҳаёти, бой мероси билан таништиради. Музейлар ўз фаолиятида нафақат сақлаб келинган меросни намоён этувчи балки илмий тадқиқотлар ва таълимтарбия тадбирларини олиб борувчи маданий маскандир.

2008 йилда қабул қилинган “Музейлар тўғрисида”ги Конунни амалга ошириш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон музейлар фаолияти таҳлил қилинди ва ушбу соҳада мавжуд бўлган 444 та муассаса аниқланди.

Ҳақиқатдан ҳам, истиқлол йилларида бошқа қатор соҳалар каби музейлар фаолиятини янада ривожлантирилишига ҳам жиддий эътибор берилди. Юртимизда қадимий тарихимизни

⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 10-том. 94-бет.

ашёвий далиллар асосида намойиш этиш мақсадида қўплаб музейлар бунёд этилди, мавжуд музей кўргазмалари эса қайтадан ташкил этилди. Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Термиз археология музейи, Олимпия шон-шуҳрати каби музейларнинг бунёд этилиши, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида очик осмон остидаги музейларнинг қайтадан таъмирланиши фикримиз далилидир.

2016 йилда юртимиздаги қўплаб музейлар ўзларининг ташкил топган кунларини катта тантана қиласидар. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу музейлар юртимиз ва хорижликларнинг қутлуғ қадамжоларидан бирига айланниб улгурди. Бу музейларда ташкил этилган кўргазмалар, ишланган илмий лойиҳалар, ўтказилган илмий-амалий анжуманлар фикримиз далилидир. Қуйида ана шундай юбилияр музейлар тўғрисида тўхталиб ўтишни жоиз топдик.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Ўзбекистон тарихи давлат музейи Марказий Осиёдаги йирик илмий-маърифий муассасадир (1876 й.) Кўптармоқли илмий даргоҳ бўлган бу музей илмий-тадқиқот институти, моддий ва маънавий маданий ёдгорликларнинг бебаҳо хазинаси, тарихий билимлар тарғиботи маркази ҳисобланади. Музей 1943 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибида фаолият юритади. Музей фондида 270 минг донадан ортиқ ашёлар сақланади. Улар орасида археология бўйича бой коллекциялар (60 мингдан ортиқ), нумизматика (80 мингдан ортиқ), этнография (16 мингдан ортиқ), табаррук буюмлар (10 мингдан ортиқ), янги ва энг янги тарих даври ҳужжатлари архиви ва ноёб нашрлар сақланувчи илмий кутубхона бор. Бу йил музей ташкил топганига 240 йил тўлади.

Ўзбекистон давлат табиат музейи

Ўзбекистон давлат табиат музейи 1876 йил ташкил топган. Музейда ўсимлик ва ҳайвонот оламига мансуб 380 мингта яқин намуналар сақланиб, уларнинг бир қисми ташриф буорувчиларга таништириш мақсадида музей экспозициясида намойишга қўйилган. Бу йил музей ташкил топганига ҳам 240 йил тўлади.

И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи

Ушбу музей Марказий Осиё минтақадасиги энг нодир санъат асарларни ўзида жамлаган энг машҳур музейлардан бири саналиб,

1966 йилда ташкил топган. Музей экспонатлари асосан Қадимги Хоразм даври, моддий ва маданий ўзига хос тарихи, урф-одатлари ва қадриятларига эга бўлган қороқалпоқларнинг халқ амалий санъати намуналари, шунингдек, ўзбек, рус, қорақалпоқ рассомларининг сара тасвирий санъат асарларини ўз ичига олади. Бугунги кунда музей хазинаси 90 мингдан ортиқ нодир экспонатларни ўз ичига олади. Бу ерда эрамиздан аввалги учинчи асрдан то ҳозирги вақтгача бўлган давр ичидаги яратилган асарларни учратиш мумкин. Бу йил музей ташкил топганига 50 йил тўлади.

Шаҳрисабздаги Амир Темур номли моддий-маданият тарихи музейи

Ўзбекистон Республикасининг мустакиллик йилларида (1996-йил) буюк соҳибкорон Амир Темурнинг 660-йиллик юбилейи муносабати билан маҳаллий зиёллиларнинг ташабbusи билан ташкил этилган Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейида 21000 дан зиёд осори - атикалар фондига эга бўлиб, ўз олдига Шаҳрисабз шаҳрининг энг қадимги давридан ҳозирги кунларигача бўлган маданияти тараққиёти тарихини ўрганиш вазифасини қўйган. Музей ташкил топганига бу йил 20 йил тўлади.

Олимпия шон – шуҳрати музейи

Мамлакатимиз спортининг кўзгуси ҳисобланган Олимпия шон-шуҳрати музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14-августдаги 284-сонли қарори билан ташкил этилган.

Музейнинг тантанали очилиш маросими 1996 йил 1-сентябрда ўтказилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Халқаро Олимпия қўмитасининг ўша пайтдаги президенти Хуан Антонио Самаранч иштирок этишган.

Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейи Олимпизм қадриятларини ҳамда «ҳалол ўйин» тамойилларини тарғиб қилишда, Ўзбекистон спортчиларини оламшумул ғалабалари ва мамлакатимизда Олимпия ҳаракатини ривожлантириш тарихи тўғрисида кенг жамоатчиликни боҳабар қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Шу мақсадда музейда Ватанимиз спортчиларининг Олимпия ўйинлари ҳамда халқаро миқёсда ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда қўлга киритган ғалабаларини ўзида акс эттирувчи турли мавзудаги экспозициялар ва кўргазмали тадбирларни доимий равища ташкил этилади.

Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейида 2000 дан ортиқ экпонат ўрин эгаллаган бўлиб, шундан мингдан ортиғи доимий экспозицияга кўйилган. Музейда медаллар, кубоклар, маёқлар, почта маркалари, спорт анжомлари ва кийим-кечаклари кўп миқдорда кўргазмага кўйилган. Музей ташкил топганига бу йил 20 йил тўлади.

Темурийлар тарихи давлат музейи

1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди ва унинг 660 йиллик юбилейи республикамизда кенг нишонланди. 1996 йилнинг 14 марта Тарихи давлат музейи биносини барпо этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

Темурийлар тарихи давлат музейи Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чукур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент шаҳрида барпо этилди.

Музей халқимиз ва хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида 1996 йилнинг 18 октябрида тантанали равишда очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов унинг очилиш маросимида нутқ сўзлаб, жумладан шундай деди: “Бугунги зўр шодиёна билан очилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилишининг яна бир амалий исботидир. Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбех, ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қиласди. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади”.

Фанлар академияси тасарруфидаги музейларда истиқлол йилларида фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар устида илмий изланишлар олиб борилади. Уларнинг асосий вазифаси тарих, музейшунослик илмини янада ривожлантиришга қаратилган. Илмий якунланган ушбу лойиҳалар конференцияларда қилинган маъruzаларда, илмий тўпламлардаги мақолаларда ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон тарихи давлат музейида ишланаётган амалий лойиҳалар музейшуносликда фонд

ишини замонавий юритиш мақсадида электрон каталог яратиш вазифасини мақсад қилган. Бу йўл орқали музей фонди ашёларининг ягона электрон базасини яратиш ва ундан самарали, қулай фойдаланиш имконини беради.

Темурийлар тарихи давлат музейида олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар эса Амир Темур ва Темурийлар даври меросини кенгроқ тарғиб этиш, жаҳон тамаддунидаги буюк ўрнини изоҳлаб беришга қаратилган. Ушбу лойиҳа илмий натижалари эса, кўргазмаларда, илмий мақолаларда акс этмоқда.

Қатағон қурбонлари хотираси музейидаги илмий лойиҳалар, мустақиллик, Ватан озодлиги йўлида шаҳид этган аждодлар тарихини ўрганиш, уларнинг номини англаш каби вазифаларга қаратилган. Алишер Навоий номидаги Адабиёт давлат музейидаги фундаментал, амалий лойиҳаларнинг асосий мақсади буюк мутафаккир, Мир Алишер Навоийнинг улкан меросини ўрганиш ва ўрганилган илмий натижаларни таржима қилиш, нашр этишга қаратилган. Ҳақиқатдан ҳам музейлар ўтмишдан ҳикоя қилувчи жонли манбадир. Ўзбекистон музейлари бой қадимиятга эга. Улардан баҳра олиб яшаш эса ёш авлоднинг бурчидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Темурийлар тарихи давлат музейи 15 ёшда. / Масъул муҳаррир: Н.Н. Ҳабибуллаев, таҳрир ҳайати: С.Б. Улжабаева, Д.А. Қурбонова.-Тошкент, Akademnashr, 2011.-526.

2. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. / Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.-55 б.

МОДДИЙ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

*Қаюмова Д.А,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи реставратори*

Мамлакатимизда қадимги маданият ўчоқлари харобаларни қазиши натижасида жуда кўп ноёб, нафис ва мукаммал ишланган осори-атиқалар намуналари йигилган. Бу топилмалар ҳунармандчиликнинг қадимдан жуда юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради. Моддий маданият намуналари асосан лой ва ганчдан ишланган. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ноёб ёдгорликларда таъмирлаш, мустаҳкамлаш ва сақлаш устида

кўплаб тарихчилар, санъатшунослар, таъмирчилар ва химиклар изланишлар олиб боришган. Тадқиқотларнинг катта қисми Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, А.А.Абдураззоқов, Э.В.Ртвеладзе, Ш.Р.Пидаев, Ш.Илхамов, В.В.Лунева, Б.А.Тургуновлар томонидан олиб борилган.

Моддий маданият ёдгорликларни таъмирлаш, саклаш юзасидан қатор нашрлар мавжуд. Таъмирлаш ишлари асосан манбалар, ҳужжатлар, фото ва чизмаларни ўрганиш асосида олиб борилган. Ноёб нусхаларни сақлаб қолиш учун айrim холларда аслини бошқа нусхага кўчирилган ва аслига яқинроқ ашёдан фойдаланилган. Мустаҳкамловчи воситалар кўп бўлсада, уларнинг таъсири бир хил эмас. Айrim воситалар юқори даражали мустаҳкамликни берса, бошқалари ашёга сингмасдан мустаҳкамликка эришмайди. Ноёб топилмаларнинг устки қисмини юқори даражада саклаш, чанг ва тузлардан тозалашда турли аралашмалар ва меҳаник воситалардан фойдаланмаслик талаб қилинади. Соз тупроқдан ишланган археологик объектларнинг мустаҳкамлашда кимёвий маҳкамлашнинг таъсири М.Қамбаров ва А.Абдураззоқовлар томонидан ўрганилган. ЎзР ФА Археология институтида мустаҳкамлашнинг энг яхши натижасига эришиш йўллари изланган.

Табиий-иқлим муҳити, вақт ҳамда инсон фаолияти таъсири (асрлар давомида таъсир этиб келган ҳаво ҳарорати ва намлиknинг ўзгариши, зилзилалар) натижасида ёдгорликларнинг моддий эскириши, ўзгариши ва ёмонлашувига олиб келмоқди ва уларни сақлаб қолиш вазифасини долзарблаштирумокда. Кенг қамровли консервация-таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш имконияти чекланган. Ҳам молиявий ҳам техник жиҳатдан мураккаб ҳисобланган ушбу амалиёт, шунингдек, ёдгорликларнинг ҳолатини илмий асосланган усуслар ёрдамида мунтазам назорат қилиш катта маблағни талаб этади.

Кимёвий консервация қилиш бўйича тўпланган тажриба шудан дарак берадики, хом ғиштили ёдгорликни мустаҳкамлаш бўйича ҳар қандай энг муваффақиятли технология ҳам объектни тўлиқ музейлаштиришсиз омадсизликка олиб келади. Мамлакатимизда ёдгорликларни кимёвий консервация қилиш усусларининг бир неча турлари ишлаб чиқилган. Ихтиро қилинган бу усуслар анча арzon, оддий ва самаралидир. Уларни асосида тайёр полимер моддаларни девор сатҳига сингдириш орқали эмас, балки уларни дастлабки хомашёси бўлмиш мономерларига

органик эритувчи ва реакцияни тезлаштирувчи катализаторлар аралашмасини сингдириш ётади. Кимёвий эритмалар девор ичига маълум микдорда киритилгандан кейин қуёш нури ва ҳаво ҳарорати таъсирида тупроқ заррачаларини қотиравчи полимерлар хосил қиласи. Натижада девор юзидағи пахсаларни қаттиқлик даражаси ва об-ҳаво факторларига чидамлилигини кескин оширувчи қатлам юзага келади. Бундай ишлов берис билин қотирилган майдонларнинг қаттиқлиги (78 кг/см²) пишиқ ғиштлар даражасигача күтарилиши ҳамда узоқ йиллар об-ҳаво таъсирида бузилмай туриши маълум бўлди²⁶².

Мис ва бронзадан ишланган ҳайкалларни тозалашда трибутилфосфат, диэтилексилфосфор кислота бензолдаги аралашма ва ацетондан фойдаланиш яхши натижа берган. Соз тупроқдан ишланган археологик объектларни мустаҳкамлашда асосан К-4, КМЦ (карбоксиметилцеллюз), ПБМА (полибутилметакрилат), БМК-5 смоласи, ПВБ (поливинилбутирад)дан фойдаланилган. Мазкур маҳкамловчи воситалар ғовакли материаллар учун қўл келмайди. Тадқиқот ишлари асосан ЎзР ФА Археология институтининг таъмирлаш лабараториясида олиб борилган.

Фикримизча археологик материалларни консервация ва реставрация қилиш бўйича ишларда ягона универсал метод мавжуд эмас. Ушбу ишларнинг муваффакияти ҳар доим ҳар бир ёдгорликнинг индивидуал хусусиятларига, хусусан объектнинг физикавий ҳолатига, жойлашган ерига ва муайян археологик объект бўлган атроф муҳит шароитларига боғлиқ.

Реставрация қилиш ишларининг катта мажмуаси Мунчоқтепа (Наманган вилояти) ёдгорлиги материаллари билан бажарилган. У ерда Марказий Осиёда илк бор ер ости сағаналаридан қамишдан ясалган тобутлар аниқланган²⁶³. Реставрация қилиш амалиётида биринчи марта қамишдан ясалган тобутлар учраганлиги боис, ушбу мўрт материални консервация қилиш методлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган методикадан фойдаланган ҳолда, 18 та тобут ҳамда бошқа ноёб предметлар – тўқилган сават, ёғоч столчалар, идиш-товоқ ва ҳоказолар реставрация қилинди.

²⁶²Камбаров М.К., Абдураззоков А.А. Влияния химического закрепитель на прочность археологических объектов из лесса // Реставрация и хранения музейных художественных ценностей. Москва, 1986. С. 16-17.

²⁶³ Исомиддинов М.Х., Матбобоев Б.Х. Ўзбекистонда археология фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи. Фарғона, 2012. 56-б.

Ҳозирги вақтда ушбу материаллар Поп археология музейида кўргазмага қўйилган.

Консервация қилиш методларидан танлаб фойдаланиш туфайли мўрт ва майдаланиб кетадиган фрагментлар мустаҳкамликка эга бўлмоқда. Саралаб олинган алоҳида бўлаклардан кўп рангли паннолар ва ҳайкалтарошлиқ композициялар йиғилиб, улар бизга қадимги авлодларимизнинг олдин маълум бўлмаган рўзгори, анъаналари ва эътиқодлари кўринишларини очиб беради. Ишлов берилган материаллар музейларимизнинг фондларини тўлдиради ҳамда Ўзбекистон халқининг тарихи ва маданияти билан дунё ҳамжамиятини таништиради.

Кейинги йилларда ўтмиш ёдгорликларимизни ўрганишда аниқ фанлар усулларига асосланган замонавий ускуналар ёрдамида ажойиб кашфиётлар қўлга киритилмоқда. Бунга даврлаштириш, таркибларни аниқлаш, тасвиirlарни 3D форматида расмга олиш соҳаларидаги усулларни келтиришимиз мумкин. Булар сўзсиз ўтмишдаги технологиялар ва ҳунармандчилик тарихини тўғри талқин қилиш имконини беради. Мақсадимиз аждодларимиз томонидан яратилган ва бутун дунёning бойлиги ҳисобланган археологик объектлар ва бадиий маданият предметларини консервация ва реставрация қилиш бўйича янги, янада муқаммал методларни мувофиқлаштириш ва излашдан иборат. Моддий маданият ёдгорликларини кимёвий-технологик ўрганиш ва консервация қилишда маълум муаммолар мавжуд. Муаммолар бизни ижодий изланишлар сари чорлайди.

РУС ОЛИМЛАРИНИ ЎРТА ОСИЁ АРАБЛАРИНИНГ ЭТНОГРАФИЯСИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Искандаров Ш.А, ТДПУ мустақил изланувчиси

XX асрнинг бошларида дунё харитасида ўзига хос туб ўзгариш юз берди. Дунёдаги ижтимоий–иқтисодий, сиёсий жараёнлар, шунингдек, янги кашфиётларни яратилиши, этнография фанида янги тадқиқотлар яратилди. Тарихий–этнографик маълумотлар шуни кўрсатидик, айрим кам сонли халқларни миллий маданияти урф–одати анъанавий, этномаданий илмий назарий методологиясини тадқиқ этиш ўта долзарб масалалардан бири сифатида қаралган.

XIX асрда дипломатик ишлари олиб борган тадқиқотчилардан бири Мендорффни фикрига кўра араблар Ўрта Осиёга халифалик даврдан кўчиб, келиб ўрнашганлигини эътироф этади. Бухоро араблар тўғрисида ўз фикрларини баён этган. Бухоро яқинида жойлашган баъзи қишлоқларида араблар яшаб келаётганлигини эътироф этади. Араблар кўчманчилик ва яrim кўчманчилик билан шуғулланишларини таъкидлайди. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидаги Қарши ва Термиз атрофидаги арабларни келиб жойлашганлиги хақида айрим маълумотларни бериб ўтади²⁶⁴. Айнан Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида олиб борилган дала тадқиқотлар натижасида юқорида номлар келтириб ўтилган ҳудудлардаги араблар кўпчиликни ташкил этишини гувоҳи бўлдик. Шу ўринда бир нарсани алоҳида тўхталиб ўтиш лозимки, араблар йиллар ўтиши ташқи ва ички таъсирлари жараёнида ўтроқлашиб бўлишган

1872 йилда, Гребенкин ўзини "Россия Туркистан"²⁶⁵ номли китобида арабларга бағишлиланган қисмда кичик халқлар Зарафшон туманида жойлашганлиги тўғрисида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, Самарқандлик, арабларни асосий қисми қаршидан кўчиб келган. Бу фикрни ундан олдинги бирор бир тадқиқотчининг илмий ишларида учрамайди.

МС Андреевнинг араблар тўғрисидаги ўз илмий қарашларига эга. 1921-йилда, Самарқандга сафарида мен яхши яшадим ҳамда баъзи жойларни зиёрат қилдим деб таъкидлайди. МС Андреев арабларни этномаданиятига алоҳида тўхталиб ўтади.

Ўрта Осиё араблари этнографиясини ўрганишда ВВ Бартольднинг хизматлар катта аҳамиятга эга. У ўзининг асарларда араблар тарихи ва этнографиясини ўрганиш лозим деб ҳисоблайди. Туркистан араблар хавф остидаги халқлардан бири деб эътироф этади. Улар секинлик билан ўзи тилини йўқолиб келаётганлигини таъкидлайди. Йиллар ўтиш жараёнида балки, арабларни тил қолдиқларигина асраб қолиниши мумкин. Туркистан араблар хақида айрим маҳсус тадқиқотлар олиб бориш лозим деб ҳисоблайди. Унинг фикрлар йиллар ўтиши билан ўз исботини топмоқда. Чунки, ҳозирги кунга келиб арабларни катта қисми ўз тилини унитиб ўзбеклашиб, боришмоқда.

1929 йилда араб аҳолисини ўрганишни янги тарихи саҳифаси очилди. Жумладан, Бурйкина НН, Измайлова ММ, каби олимлар

²⁶⁴ Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М., 1975. С. 104.

²⁶⁵ Гребенкин А. Д. Мелкие народности Зеравшанского округа // Русский Туркестан. Вып. 2. М., 1872. С. 113.

ўз экспедицияларни олиб боришган. Улар арабларни ўз она тилида гаплашишлари ҳамда уларни этник гурухлар сифатида тадқиқ этишган.

Игнатиус Юлианович НН ва ММ Бурйкина Измайлар Ўзбекистон араблар яшайдиган. Бухоро вилоятига қарашли қишлоқларидан бири Жугари ҳамда Қашқадарё вилоятида жойлашган Жейнов қишлоғида ўз тадқиқот ишларини олиб боришган. Улар ўзларининг илмий фаолияти тўғрисида бир қатор илм манбаларида келтириб, ўтишган жумладан арабларни тили масаласидаги фикрлар жуда ҳам яхши таҳлил этилган.

Улар томонидан таъкидланган фикрлар кейинчалик, асоссиз эканлигини кўриш мумкин. Чунки, арабларни катта қисм ўз тили ва маданиятини қисман бўлса-да асрлардан бери халқни маданиятига айланиб улгурган эртак ва ҳикоялари жамлашган.

Шўролар тузими даврида араб тили, фользор ва этнографияни ўрганиш борасида ўз илмий тадқиқот ишларни бир қатор рус олимларини ишларида кузатиш мумкин. Жумладан, Крачковский, Винников, Церетели, Волин ва Василева Л каби олимлар беш марта экспедициялар ўтказишиган. 1930, 1935, 1936, 1938, 1943-1944 йилларда Жугари ва Жейнов ҳудудида тадқиқотлар ўтказишиган.

Улардан С. Л. Волин томонидан юборилган маҳсус архиви хатларида Санкт-Петербург филиалида 15 июнь куни Ўрта Осиёга сафар уюштиришган. Асосий таянч қишлоғи Жугари ҳақидаги маълумотларни бериб ўтада. У ўзи фикрни баён эътиб, араблар аҳолисини яхши биламан, бу қишлоқда, улар доминант бўлиб, яшаётган бўлса-да, ўзбеклар билан яқин алоқада эмас эканлигини бир неча бор таъкидлайди. Араблар XX асрнинг 80 йилларига қадар ўзбек, тожик каби халқлар билан қариндошлиқ ришталарини олиб боришмаган. Кейинги йилларда эса ўзора яқинлаши жараёни кузатиш мумкин.

И Натанович 1943 йилда Қашқадарё вилоятида жойлашган араблар этнографиясини ўрганишда бир қатор қизиқ маълумотларни гувоҳи бўлади.

Ўзбекистон арабларининг этномаданий ва этник тарихини ўрганишда Рус олимларидан бири Винников И. нинг хиссаси катта аҳамиятга эга. Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи араблар ҳақида айrim қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган.

1936 йилда Винников Бухоро вилояти Фиждувон туманига қарашли Жугари қишлоғида яшовчи араблар этнографиясини ўзига хос этномаданий хусусиятларни ўрганди.

Винниковнинг фикрига кўра, Бухоро вилояти, Вобкент туманига қарашли, Арабхона қишлоқларида яшовчи арабларни этнографиясини тадқиқ этган. Араб тили кенгроқ тарқалиш сабабларига алоҳида тўхталиб ўтади. Бу каби маълумотларни айрим тадқиқотчилар ўз илмий тадқиқот ишларида келтириб ўтган. Айнан И Натановичем "Тил ва фолкълор Бухоро араблар", китобида айнан шу борадаги ўз фикр мулоҳазаларни билдирган.

Ўрта Осиёда арабларни 1943 йил апрель-июнь ойида И. Винберг ва хотини Мариялар катта тайёргарлик билан Бухоро вилоятига ташриф буюрди. Олдинги тадқиқотларида тўплаган маълумотларни тўлдириш мақсадида келишган. Улар ўз тадқиқот ишларида араб тилини сақланиб қолганилигини рекорд деб баҳолашган. Айниқса, баъзи маданий белгилар ҳақида ўзларининг назарий қарашларини илгари суришган. Сафари ҳақидаги ҳисботида И. Винников дала ишлари натижасида янги такомиллаштирилган усуллар билан амалга оширишни режалаштиради. У ўз диссертациясини қайта кўриб чиқиш жараёнида арабларнинг моддий маданиятини ўзгаришга учраганлигини алоҳида эътироф этади.

ИН Винников томонидан 1943 йилнинг июль ойида Тошкентга қайтиб келиб, Бухоро вилояти ҳокимиға мактуб таёрлайди. У ўз тадқиқот ишларни Бухоро вилоятининг Вобкент ва Гиждувон ҳудудида жойлашган араблар этнографияни ўрганиш ва экепдекциялар олиб бориш учун рухсат беришларини сўраб мактуб ёзади. Этнографик тадқиқотлар олиб боришга рухсат олади. Кейинчалик унинг сай-харакатлар билан ўша ҳудудга жундан таёрланадиган кичик цехи қурилиб уларни фаолияти янада такомиллаштиришган. У бир неча марта бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Этнография институти бошқармаси СССР Фанлар академияси муассасаларидан 1943 йилда Винников Жейнов ҳудудида Ўрта Осиёдаги энг йирик араб қишлоғига ташриф буюради. Этнографик ва фолкълор анъана ва урф-одатларни ўрганиш мақсадида келади.

И Натанович арабларни бутунлай мустақил ўзига хос лаҳжаси тўғрисида тўхталиб ўтган. Унинг фикрга кўра методологиянинг янгича илмий назарий асосларни

шаклланишириш лозим. Маҳаллий халқлар билан арабларни этномаданият яқинлашиш жараёни түғрисида маълумотларни тақдим этади. Қашқадарё арабларнинг тили, никоҳ, ва оиласвий муносабатлар ҳаётига тегишли жиҳатларни таҳлил этган. Қашқадарё арабларида ўзига хос этномаданий жиҳати сақланиб қолган. Масалан: миллий либослар, тақинчоқлар, тил хунармандчилик кабиларни санаб ўтади.

И. Винников араб аёлларнинг байрамона кийим кечаклари түғрисида қимматли маълумотлар берган. Айниқса, аёлларни мураккаб бош кийими түғрисида тўхталиб ўтган. Эски бош кийими ва ёшига қараб, баҳмалдан тикилган кийим тикишган бухнак - бош кийими, аёллар орқасида осилиб турган. Қулоқни чакка қисмида тақиладиган бухна - гуйша – тақиб юришган. Улар туя жунидан олиб тақиб юришган. Гилам ва безаклар, түғрисида бир қатор маълумотларни бериб ўтади. Винников Қашқадарё вилоятидаги арабларни тадқиқ этиш мақсадида 1944 йилга келиб у гилам ва бошқа аксессуарларни тўплаган. Кейинчалик арабларга хос буюмларни Москва музейларига тақдим этган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаши лозимки, Ўрта Осиё араблар тарихи, этнография, фолькор маълумлотларни таҳлили шуни кўрсатики, рус олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар араблар турмуш-тарзи урф-одат анъаналарни чуқур таҳлил этган. Бироқ араблар йиллар ўтиш натижасида ўзига хос этномаданий идентиклини (этник ўзлик англаши) қисман сақланиб қолган.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ХУСУСИДА

*Акчаев Ф.Ш, ЖДПИ ўқитувчиси,
Шодмонов М, ЖДПИ талабаси*

Мустақиллик ғояси халқимизга ўзининг кўп минг йиллик тарихини қайтадан кўздан кечириш, турли даврлар ва мағкуралар таъсирида соҳталашибирлигани ўтмишига муносиб баҳо беришни, аждодларимиз томонидан яратилган маданий меросни яхлитлигича тадқиқ этишни зарурат даражасига кўтарди. Бу эса, ўз навбатида бугун бутун жаҳон аҳлига ўзбек давлатчилиги тарихини қанчалик қадимийлиги, бу заминда истиқомат қилаётган халқнинг моддий ва маънавий мероси минг йилликлар оша авлодлар

томонидан сақланиб, сайқал топиб келаётганигини исботлаш учун старлича манбаларимиз мавжудлигини күрсатмоқда.

Жиззах воҳаси яъни, Уструшана минтақаси ҳам қадимдан катта ҳарбий стратегик аҳамиятга эга ҳудуд саналган. Уструшанадан жун ва чармдан тайёрланган маҳсулотлар, Уструшана ферузаси, Мироғандида тайёрланган жанговорлик қуроллари жаҳон бозорида катта харидоргир бўлган. Ўрта асрларда Уструшана тараққий этган ҳудудлардан бўлгани боис бу ўлкага араблар, форслар ва хитойликлар катта қизиқиш билан қараганлиги ўрта аср тарихий биографик асарларида ҳамда Хитой йилномаларида қайд этилгани^[2] унинг ўз даврида катта мавқега эга бўлганидан дарак беради. Воҳадан асрлар мобайнида юртимиз илм-фани ривожига ўзларининг муносаб ҳиссасини қўшган юзлаб олим-у-уламолар, шоирлар, муҳаддис ва фикҳшунослар етишиб чиққан^[3]лиги ҳам диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, Президентимиз таъбири билан айтганда “Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илм-у маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк цивилизация пайдо бўлмайди. Жаҳон тарихи буни кўп-кўп мисолларда исботлаб беради”^[1: 114].

Воҳада қадим замонлардан буён ўзининг муқаддас масканлари, авлиё-анбиёлари, қадамжолари билан машхур бўлиб келган. Айниқса, VIII асрдан бошлаб ўлкага Ислом маданиятини кириб келиши билан улуғ алломалар, кароматли авлиёлар, муқаддас Пир^{*}ларга эътиқод кучаяди. Улар оламдан ўтгач эса уларни қабрлари обод қилинади. Шу билан бир қаторда халқимиз орасида зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши, қадамжоларга номи берилган авлиёлар ва уларнинг кароматлари билан боғлиқ ривоятлар сақланиб қолганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Куйида Жиззах вилоятининг қадими ҳудудларидан бири бўлган Янгиобод туманидаги баъзи муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг халқ орасида ривоятга айланиб кетган авлиёлик кароматлари хусусида фикр юритилади.

Рустам ота ва Жумақул ота зиёратгоҳи – Зиёратгоҳ хусусида маҳаллий аҳоли ўртасида қуйидагича ривоят сақланиб қолган. Рустам ота бир куни марака ўтказади ва бу маракада сув

* Пир-“кекса”, “қари” - форсча асосан маълум бир сўфийлик тариқатига кирган шахсларнинг олий табакалари ва обрўли раҳнамолари ва уларнинг авлодлари учун кўлланилган. Тариқатда йўл кўрсатувчи –муршид (устоз)ни пир деб юритган ва унга эргашувчи мурид (шогирд,издош) бўлади. Аҳоли ўртасида маълум бир хунар асосчиси ҳам шундай аталган. ЎМЭ. 5 том 73 бет. Т. 2005

тугаб қолади шунда Жумақул ота устози Рустам отадан сув олиб келиш учун буюм беришини сўрайди. Рустам бобо шогирдига ғалвир беради. Илмда комиллик даражасига етишган шогирд ғалвирга сув тўлдириб келади. Аллоҳнинг қудрати билан ғалвирдан сув худди булоқдан қайнаб чиққандай қайнаб туради марака тугайди аммо, сув тугамайди. Ушбу воқеадан сўнг устоз шогирдига оқ фотиха бериб энди у ҳам устозлик даражасига етишганини айтади[6].

Қўлтиқазиз қадамжоси - маҳаллий аҳоли ўртасида қадамжо билан боғлиқ шундай ривоят мавжуд. Ислом дини тарғиботчиларидан бири душманлардан қочиб шу ҳудудга беркинади ва кунлардан бир кун душманлар у кишини топиб олиб калласини қилич билан кесади ва калла танадан ажралиб ерга тушган пайтда авлиёсифат киши ўз калласини ердан олиб қўлтиғига қистирган ҳолда шу жойга келиб ерга кириб ғойиб бўлади. Шу-шу маҳаллий аҳоли ноъмаълум авлиё ғойиб бўлган ушбу жойни муқаддас билиб эътиқод қилиб келишади[5].

Сайдисоҳўжа зиёратгоҳи – аҳоли орасида ушбу авлиёсифат шахс билан боғлиқ қуидагича ривоят сақланиб қолган.

Сайдисоҳўжа қишлоқга Ўратепа томондан душман бостириб келаётган вақтда аҳолини қирилиб кетишини олдини олиш мақсадида Аллоҳга илтижо қиласди ва оғзига сув солиб пуркаган вақтда бутун ҳудудни туман қоплаб душман қишлоққа бостириб келиш учун йўл топаолмасдан қайтиб кетади. Шу боис бу воқеани кўрган аҳоли Сайдисоҳўжани сохибкаромат сифатида эзозлашади ва у кишининг вафотидан кейин қабри зиёратгоҳга айланади[9].

Эрсулаймон бобо зиёратгоҳи - зиёратгоҳи билан боғлиқ маҳаллий аҳоли ўртасида шундай ривоят сақланиб қолган. Бир одам душманлардан қочиб кетаётган пайтида Эрсулаймон бобо қабри жойлашган ҳудуддаги жарликка дуч келади ва шунда агар шу душмандан қутилсан отимни шу ерда қурбонлик қилиб савобини Эрсулаймон руҳига бағишлардим дейди. Шу пайтда от сакраб жарлик ўртасидаги бир жисмга оёқ қўйиб нариги томонга ўтиб кетади. Ният қилган киши бир кундан кейин келиб ўз отига ачиниб бошқа отни қурбонлик қиласман деб турган пайтида жарлик ичидан оппоқ кийимда бир нуроний чиқиб “Мени отим бошқа эди, манглайлари қашқа эди” дейди ва куйлагини кўтарса нуроний елкасида от туёқларининг изи борлигини кўради[7].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги ривоятлар зиёратгоҳларга номлари берилган авлиёлар билан

боғлиқ фикрларни барчасида аждодларимизнинг юксак даражадаги илм эгалари эканлиги тўғрисидаги маълумотларни билиш билан бир қаторда, ёшларда ватанпарварлик, мардлик, ҳалоллик каби эзгу гояларни сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Авлиё-анбиёларнинг табаррук рухларини ёдлаш, улар ҳаққига дуо қилиш орқали биз ўз қалбимизни, виждонимизни поклаш, ҳаёт тарзимизни тўғрилаш ва эзгулик сари мувофиқлаштиришни ҳам ўйлаймиз. Чунки авлиё-анбиёларнинг ҳаёти, сўзлари ва кўрсатган кароматлари бизга ибрат, сабоқ ҳамдир. Зеро, расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларидан бирида “Уч амал: етимларни бошини силаш, хаста ва беморларни бориб кўриш, ўтганларнинг қабрларини зиёрат қилиш қалбни юмшатади”, деб таълим беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Каримов И.А. Она юртимиз баҳт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

2.Атаев М. Маждууддин ал-Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фиқҳ илми тарихида тутган ўрни. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2011.

3.Атаев М. Жиззах алломалари.-Т.: Адаб, 2014.

4.Ўзбек тилининг изоҳли лугати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Т.: -2008.

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА БОЛАЛАР МУЗЕЙЛАРИНИНГ ЎРНИ

*Вахабова И., Назаров А,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи кичик илмий ходимлари*

Бугунги кунда дунёда келажак авлод тарбиясида музейлар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам XX аср бошларида бутун дунёда болалар музейини ташкил этиш жараёнлари бошланган. Музей педагогикаси дунёning кўп давлатларида кундалик ҳаётнинг асосий қисмига айланган.

Махсус болалар учун яратилган музейлар уларнинг тарихга, табиатга ва умуман инсоният тарихига бўлган қизиқишини орттиришга, кичик ёшдан бошлаб дунёқарашини шакллантириш, тафаккурини бойитиш ва мустақил фикрлаш имкониятларини очиб бермоқда.

Охирги йилларда болалар музейининг турлари ва йўналишлари кўпайиб бормоқда. Бу музейлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил фикр юритиш, воқеа ва ходисаларга бефарқ қарамаслик ва энг асосийси ўз моддий-маданий меросини асраш туйғуларини шакллантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай музейлар болаларга ўйин, ижод ва мулоқот орқали дунёни забт этишни ўргатади. Чунки мактабдаги таълим жараёни ўқув дастурига асосланган бўлиб, ўқув жараёни чегараланган ва билим даражаси назорат қилинади. Музейда эса аксинча, у болаларга турли воқеа ва ходисаларга тўла ҳаётимизнинг сир-синоатларни билишга ва уларни янада чуқурроқ ўрганишга кенг имконият очиб беради. Бугунги кунда музейлар асосан ёшларнинг қизиқиши ва талабини қондирувчи, тарих билан юзма-юз туриб эркин мулоқотга киришга имкон берувчи ягона мўжизавий масканга айланиб бормоқда.

Ҳозирги даврда жамият тараққиёти таълим жараёнини янгилаш вазифасини қўяр экан, бу бир томондан музейларнинг таълим-тарбиявий ролини оширишни талаб этса, иккинчи томондан таълим муассасаларининг ўқувчиларнинг маънавий тарбиялаш воситаси бўлган музейлар билан алоқасини мустахкамлашдан иборатдир. “Музей педагогикаси” айнан ана шу мухим муаммони ҳал этишга қаратилади.

XXI асрда техника воситаларининг ривожланиб бориши, илғор технологияларнинг кириб келиши муносабати билан жамиятда ўзгаришлар бўлаётган бир пайтда, табиатнинг бир қисми бўлган инсоннинг маънавий меросни сақлаб қолиш хақида ўйлашга вақт етди.

Бундай шароитда инсоннинг яшовчанлик хусусиятини ривожланиши даражаси ҳамда маънавий меросни ўрганишга бўлган муносабатини ўзгартириш мухим аҳамият касб этади. Маънавий мерос ва халқимиз анъаналарини ҳаётга жорий этиш орқали шахсни шакллантиришда асосий воситалардан бири музейлардир.

Кузатишлардан маълум бўладики, музейларнинг умумтаълим жараёнига кириб келиши инсонни ҳам психологик, ҳам аҳлоқий жиҳатдан шаклланишида, шунингдек, ҳозирги ўзгараётган даврда яшашга, ижтимоий-маънавий ислоҳотларнинг субъекти бўлишга ҳам ёрдам беради, яъни ўқувчи музейлардаги маънавий меросни кўриб, ўрганиб, униenglаб олиши натижасида ўз ҳаёти фаолиятига ҳам мазмун киритади. Чунки музей ва таълим

муассасаларининг ўзаро алоқаси маънавий бойликлар, санъатда акс этган ҳодиса ва воқеалар, инсон ички ва ташки ҳаётида янгидан яшаш имкониятига эга бўлади.

Таълим-тарбиянинг ривожланишига йўналтирилишидаги умум-педагогик вазифалар музейлар фаолиятини ҳам педагоглаштиришни тақозо этади. Бугунги кунда эса музейлар фаолиятининг таълимий мақсадига мактабга яқинлаштиришгина эмас, балки таълим муассасаларининг фаолиятини ҳам музей билан алоқасини амалга ошириш натижасида ҳамкорлик педагогикасини амалга оширишдан иборатdir.

Инсоннинг маданиятли бўлиши учун жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир киши қалбига, онгига етиб бориши зарур. Бу эса уларнинг маданий меросга, тарихий ёдгорликларга, адабиёт ва санъат асарларига муносабатида билинади.

Болаларни маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялаш муаммосини ечими мисолида Ўзбекистонда илк маротаба Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида 2011 йил “Мўжизалар оламида” деб номланган болалар музейи очилди. Ушбу музей турли воқеа ва ҳодисаларга бой бўлган сирли ҳаётни яқиндан билишга, уни янада чуқурроқ англашга ёрдам беради. Бу эса болалар ўзларини эркин тутишга, фикрлаш доираси кенгайиши ва дунёқарashi бойишига имкон яратади. Болаларга тарихга оид билимларни ривожлантиришда қўмак берган ҳолда, ноанъанавий дастурлар ва кўргазмалар орқали кизиқишлари ва имкониятларини юзага чиқаришда ёрдам беради. Болалар музейга кирганда тарихий даврга тушиб қолганликлари билан бир қаторда, балки турли машғулотларни бажариш, бошқа болалар билан ҳамкорликда ишлаш, қизиққан нарсаларни қўллари билан ушлаб кўришлари ёки ясад кўришлари мумкин.

2015 йилдан бошлаб “Ёшлар билан ишлаш маънавий-услубий бўлим” номи билан фаолият юритмоқда. Таширif буюрувчи ёшларнинг ёши ҳисобга олинган ҳолда машғулотларнинг турли шакллари: маҳорат дарслари, викториналар, очиқ дарслар, мавзули экспурсиялар ва конкурслар ташкил этилади.

Ушбу музейда “Археология”, “Нумизматика”, “Ёзув тарихи”, “Ўзбекистон неъматлари”, “Каштачилик”, “Кулолчилик”, “Тасвирий санъат” ва “Қўғирчоқ театр санъати” деб номланган қизиқарли бўлимлар фаолият олиб бормоқда. Музейга ёшлар ва

болалар оила аъзолари билан биргаликда ташриф буюришлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Ўзбекистон, 1997й.
- 2.Столяров Б.А. Музейная педагогика:история, теория, практика.-Москва, 2004г.
- 3.Исмаилова Ж.Х. Музей ва педагогика. «Мозийдан садо» Т.: 1.(61)2014й. 19-б.

ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИ ЎЗБЕК ХАЛҚИННИГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИ СИФАТИДА

Астанов С.М,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Қашқадарё воҳаси (Жанубий Суғд) Марказий Осиёниг қадимий тарихий-географик худудларидан биридир. Воҳанинг бой тарихи кўплаб тадқиқотчилар дикқатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Қашқадарё вилояти кўп сонли археологик ва меъморчилик ёдгороликлари, халқ ҳунармандчилиги марказлари кенг тарқалган ўлқадир. Воҳанинг қадимий тарихи ҳам муҳим воқеаларга бой. Вилоят қадимги савдо йўллари чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу тўғридаги маълумотлар ёзма манбаларда ҳам сақланган.

Қашқадарё воҳасига (ёки вилоятнинг шарқий қисмига) Авестода келтирилга Гава, Гау, («сўғдийлар яшайдиган макон»), Гава Сўғдда («Сўғд макони») тушунчasi тегишли бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Ушбу сўзнинг ўзи Қашқадарёниг шарқий қисмидаги (Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманлари) кўпгина замонавий атамаларда сақланиб қолган (Гавдара, Гавтепа, Говхона, Гавмард, Говмурда, Говмардтепа, Гав тоғлари, Гав чўққиси ва бошқалар). Булар кўп ҳолларда жойлар, маконлар, қишлоқларнинг номларидир.²⁶⁶

Ёзма манбаларни археологик маълумотлар билан солиштириб замонавий географик хариталарда халқларнинг худудий жойлашуви чегараларини, қадимги шаҳарларини, дарёларидан кечиб ўтиш жойларини, қадимги йўлларини, вилоятларини ва тарихий туманларни топиш мумкин. Бу муаммо жуда ҳам қизиқарлидир. Юнон-Бақтрия давлати ва кушонлар

²⁶⁶ Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., "Шарқ", 1998, 10-бет.

хукумронлиги даврида эса сўнги антик даврга хос шаҳарлар қурилган. Аҳамонийлар даврига келиб Қашқадарё ҳудудида икки тарихий-маданий минтақа – Шарқда Наутака, ғарбда эса Ксениппа шаклланди. Шарқий минтака Кеш вилояти номини олган. Унинг марказлари Кеш (Шахрисабз) ва Китоб шаҳарлари жойлашган ҳудудларга тўғри келади.

Наутака (Навтака) Сўғдиёна вилоятидан бўлиб, бу сўз «янги қурилиш», «янги жой» деб таржима қилинади. Арриан асарида Наутака – «сўғдийлар ери» маъносидан ёритилган. Милоддан аввалги 329 йилда Бақтрия ҳокими Бесс Окс дарёсидан Наутака томонга қараб, қочишга мажбур бўлган. Икки йилдан сўнг македонларга қаттиқ совуқ қиши пайтида Наутака атрофида дам олиб янги жангларга тайёргарлик кўрганлар. Наутакадан Исқандарнинг Хиндистонга юришлари бошланган.²⁶⁷

Наутаканинг жойлашуви ҳақида илмий адабиётларда турли фикрлар бор. Жумладан, Наутака бу – Шахрисабз шахридан Амударёгача чўзилган кенг вилоятнинг номи (В.В.Григорьев), Шахрисабз атрофи ерлари (В.Томашек, Ф.Шварц), Қашқадарё воҳаси (К.В.Тревер), Қарши ёки Шахрисабз (И.Г.Дройзен), Қашқадарёнинг шарқий қисми (С.К.Кабанов), Қарши воҳаси (М.Е.Массон, Р.Х.Сулаймонов), Чимқурғон-Яккабоғ тумани ва Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий ён бағри (Э.В.Ртвеладзе), Зарафшон тизмасидан бошланган Ўрадарёгача бўлган ҳудуд (А.С.Сагдуллаев). Бу мавзу билан тарихчилар XIX асрдан бошлаб шуғулланганлар, аммо фақат охириги йилларда Қашқадарё воҳасида аҳамонийлар ва Исқандар даврига оид жуда кўп археологик ёдгорликлар топиб текширилгандан сўнг ушбу муаммо аниқ ёритилди.²⁶⁸

Қашқадарё вилоятининг шарқий қисмida бу даврга оид 25 тадан ортиқ қалъалар, уй-кўргонлар, қишлоқ ва шаҳар ҳаробалари топилган. Яккабоғ тоғлари ёнбағрида жойлашган Даратепада эрамиздан аввалги VII-IV асрларга оид ғишт ва пахсадан қурилган уй-жойлар қазиб очилган.

Зарафшон тизмаси олдидағи Шўробсой бўйида Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликлари топилган. Сангиртепа ўрнида сарой шаклида қурилган катта бир иншоотнинг қолдиқлари ўрганилган.

Ёзма манбалар ва археологик маълумотларга кўра Наутака вилояти Зарафшон тизмасидан бошланиб, ҳозирги Китоб,

²⁶⁷ Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Т., "Шарқ", 1998, 11-бет.

²⁶⁸ Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Т., "Шарқ", 1998, 12-бет.

Шахрисабз, Яккабоғ, Ғузор ва Ўрадарё воҳаси ерларини ўз ичига олган.

Вилоят маркази Узунқир қалъаси бўлган. Сангирапа ўрнида Наутака ҳокимининг саройи жойлашган, у алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган. Бу қалъа «Сўғд қалъаси» номи билан юритилиб, Узунқир ва Сангирапага яқин бўлган Ҳисор тоғларида жойлашган.

Наутака ҳудудига қўшни яна бир вилоятнинг номи Ксениппа бўлиб, алоҳида бир шаҳар бўлмаган.

Кўплаб тадқиқотлар натижасида археологлар ҳозирги Қарши ва Косон ўртасида яна бир Сўғд маркази – Ерқўргон шаҳар ҳаробасини аниқлаб текшириш ишларини олиб борганлар. Мудофаа деворлари билан ўралган ва алоҳида ҳоким қўрғонига эга бўлган Ерқўргон Ксениппа вилоятининг маркази бўлган дейиш ҳам мумкин. Косон шаҳри номи ҳам Ксениппа, Ксанап, Нахшаб, сўзларидан келиб чиққан бўлиши эҳтимоли бор.²⁶⁹ Тадқиқотларга кўра Шахрисабз (Кеш) VII асрда илк ўрта асрнинг шаҳар туридаги масканларидан бири бўлган. Ўрта аср шаҳарининг энг қадимиј ўзаги Шахрисабз шаҳрининг жанубий-ғарбий қисмida жойлашган.

Тархига кўра бу маскан квадрат шаклига эга бўлиб, Бухоро Аркига жанубий-ғарбий бурчаги қийик қилинган. Унинг чегаралари шимолда Чорсу ва бозор майдонининг жануброғдан ўтган, ғарбдан эса Термиз дарвозасидан бошланган ва ҳозирда сақланиб қолган марказий кўча бўлиб, жануби эса шаҳарнинг ўрта аср девори билан чегараланган.

Шахрисабз ўша замонларда бошқача – Қашқадарё юқори оқимининг қадимги номи ва унинг ҳозирги Китоб яқинида жойлашган илк пойтахти номи билан – дастлаб юонон манбаларида Наутака, араб манбаларида эса Кеш деб аталган. Археологлар ҳозирги Китоб шаҳрининг марказий қисми шахристонининг кўп метрли қатламларидан археологлар мустаҳкам девор қолдиқларини, сопол, терракота, тангалар топишган. Ёзма ва археологик манбаларга кўра, Китоб шаҳри илк ўрта асрларда Кеш шаҳри деб аталган ва вилоят ҳам шу ном билан манбаларда учрайди. Илк ўрта асрлардаги Кеш Муқанна бошчилигидаги кўзғолонлар натижасида бутунлай вайрон бўлиб, IX асрларда ҳозирги Шахрисабз шаҳри ўрнига кўчиб ўтган. Шаҳарларнинг бундай кўчиши ёки ўз ўрнини ўзгартириши нафақат Кеш-

²⁶⁹ Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Т., "Шарқ", 1998, 14-бет.

Шаҳрисабз шаҳри, балки Марказий Осиёдаги барча шаҳарлар ривожида ҳам учрайди.

Қадимий Кеш шаҳрининг тарихий манбаалардаги номланиши қуидаги изоҳланади: инглиз олими Маквард Хитой манбааларига асосланиб, Кеш шаҳри XII асрда курилган деб ёзган. Сомонийлар даврида шаҳар инқирозга юз тутган. XIV асрда Шаҳрисабз деб атала бошланган бўлса ҳам, XIV асрдаги тарихий, илмий, бадиий асарларда Кеш ҳам қўлланилаверган. «Бобурнома» да ҳам вилоят ва баъзан шаҳарга нисбатан Кеш, шаҳарга нисбатан Шаҳрисабз қўлланган. Истаҳри, Ибн Ҳавқал, Мақдисий каби араб сайёҳлари асарларида – Кеш, академик В.В.Бартольд эса Кеш-Кишиб тарзида айтиш тўғрирокдир, дейди. Араб сайёҳи Ёқут ал-ҳамавий маълумотига кўра, маҳаллий аҳоли Кисс деб айтган.²⁷⁰

Юнон ёзма манбаларида Наутака қишлоқларидан бирида Бақтрияning толесиз сатрапи, ўзига-ўзи шоҳ унвонини берган Бесс (Артаксеркс) македониялик Александринг саркардаси Птолемей томонидан асир олинниб, сўнг қатл этилган. Бу ҳол Аҳамонийларнинг улкан салтанати якун топганидан далолат беради.

Македониялик Александр эрамиздан аввалги 328-327 йиллар қишини ўтказиш учун Наутака-Кешни танлади. Оксиарт қоясини ишғол қилишга шу ердан юриш қилди ва бактр зодагонининг оиласи, шу жумладан кейин ўзининг рафиқаси бўлган гўзал Роксана асир олинди. Шу никоҳдан туғилган ўғил – Александр IV македонияликлар сулоласининг сўнгги подшоси бўлди.²⁷¹

Бу воқеадан сўнг минг йил ўтди. Кўпроқ «Муқанна» - «ниқобдор» номи билан машҳур бўлган 776-783 йиллардаги арабларга қарши қудратли ҳаракат йўлбошчиси Ҳошим ибн Ҳаким Кеш яқинидаги Синам тоғ қальясини сўнгги маскан қилиб, шу ерда ҳалок бўлган.

Муқаннанинг ўлими ва унинг ҳаракати тор-мор келтирилиши тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлган, чунки у Мовароуннаҳр маҳаллий аҳолисининг бой берилган эрки ҳамда маҳрум этилган кўхна дини учун сўнгги уринишини ушбу минтақа тарихи ва маданиятининг исломгача бўлган улкан даврининг ниҳоясини ҳамда моддий ва маънавий маданиятнинг барча соҳаларида ислом раҳнамолигида янги сифат ҳолатига ўтила бошлаганини билдиради.

²⁷⁰ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати. Т., "Узбекистан", 1988, 96-бет.

²⁷¹ Шаҳрисабз - 2700. Минг йиллар мероси. Т., «Шарқ», 2002, 5-бет.

Агар 1336 йил 9 апрелда Шаҳрисабз шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида барлос уруғидан бўлган аслзода Тарағай оиласида бўлгуси буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур тугилмаганида, юқорида баён этилган ҳодисалар қанчалик муҳим бўлмасин, бу шаҳар дунёга у қадар машхур бўлмасди. Тақдир бу шахсни қаерга улоқтирмасин, барибир, Шаҳрисабз доимо унинг учун киндик қони тўкилган шаҳар, болалиги ва ёшлиги ўтган диёр, шахс сифатида шаклланган жой, падари бузруквори Тарағай ва пири муршиди Шамсиддин Кулол, тўнгич фарзандлари Жаҳонгир ва Умаршайх Мирзолар мангу маскан топган муқаддас замин бўлиб қолди. Шаҳрисабз Амир Темур улкан давлатининг иккинчи пойтахти бўлиб, у бу шаҳар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилган, ободонлаштирган ва зеб берган. Амир Темур бу ерга бошқа шаҳарлардан олиму-уламолар, фозилу-фузалолар, ҳунарманд-косиблар ҳамда қурувчи усталарни олиб келиб улкан иншоотлар қурдирган, илм-фан ва маданиятни равнақ топтирган. Шунинг учун ҳам бу шаҳар ўша даврда «Қуббатул илм вал-адаб» деган номга сазовор бўлган.

Наутака-Кеш-Шаҳрисабзни антик муаллифлар тарих сахифаларига рақам қилишган, шоирлар уни назмга солишган. Бу ерда буюк олимлар ва нурафшон ижоди кўз олдимиизда яққол намоён бўлиб турган меъморлар умргузаронлик қилишган. Жаҳондаги бошқа кўплаб шаҳарлар сингари, Шаҳрисабз тарихи сахифаларида ҳам жамиятнинг тараққиёти тамойиллари, зиё билан зулмат, эрк билан қуллик ва истибдод кураши ўз аксини топган.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ТАРИХИЙ-ТАБИИЙ МУЗЕЙЛАР ВА ТУРИЗМ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Қандаҳаров А.Ҳ,
НавДПИ катта илмий ходим-изланувчиси

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда туризм соҳасининг босқичма-босқич ривожланиб бориши натижасида юртимиз дунё сайёҳларининг нигоҳида энг гўзал масканлардан бирига айланди. Бугунги кунда Республикализнинг қайси гўшасида музей қўриқхоналар ташкил этилган бўлса, бунинг эвазига ўша жойларда хорижий сайёҳлик ишлари (Бухоро, Самарқанд ва Хоразм музей қўриқхоналари мисолида) жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан туризмни ривожлантириш ва ушбу тармоқни ҳуқуқий базасини такомиллаштириш борасида

1999 йилда қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги Конун ва Вазирлар маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги²⁷² қарори соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳани тартибга солувчи зарур хуқуқий-меъёрий асослар яратилганлиги боис, унинг инфратузилмасини ривожлантириш йўлида миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асрраб-авайлаш, маданий мерос объектларини тиклаш ёки таъмирлаш, уларнинг атрофларини ободонлаштириш бўйича тизимли ҳамда кенг миқёсли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугун юртимиз сайёхлик қўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёда етакчи 10 та мамлакат сафидан жой олганлиги ҳам кишини қувонтиради, албатта.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, табиатнинг ранг - баранг гўзаллиги, юртимизнинг бой ва қадими тарихи, хақимизнинг бағрикенглиги, юксак фазилатларга эгалиги ҳамда уларнинг хушмуомила ва меҳмоннавозлик хислатлари туризмни ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Бутун дунёдан юртимизнинг барча вилоятларига ташриф буюраётган сайёхлар узоқ ўтмишдан ҳикоя қилувчи қадими ёдгорликларга, халқимизнинг бетакрор табиати ва миллий қадриятларига катта қизиқиш билдираётганлиги сир эмас.

Навоий вилояти худудининг ҳам бой тарихи, бугунгача сақланиб келинаётган нодир маданий-тарихий мероси очилмаган қўриқдек ўз муҳлисларини кутмоқда. Бугунги кунда Навоий вилоятида жами 232 та маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан меъморчилик объектлари 63 та, археологияга оид 121 та, монументал ёдгорликлар 48 тани ташкил этади. Кармана туманининг ўзида эса Республика миқиёсидаги тўртта, маҳаллий ҳокимиятларга тегишли бўлган ўн бешта тарихий ёдгорликлар ва тепалар бор. Бундан ташқари ўн бешта монументаль санъат асарлари мавжуд²⁷³. Улар археологик ёдгорликлар саналмиш маданий меърос объектлари - тепаликлар, зиёратгоҳлар ва хушманзара ҳамда диққатга сазовор жойлардир.

Кармана ва унинг атрофидаги қишлоқлар тарихи узоқ полеолит даврига бориб тақалади. Бунга дунёга машхур бўлиб бораётган Сармишсой қоятош суратлари мисол бўла олади. Навоий вилоятининг Учқудук шаҳрида Тош ўрмон, ҳозирги

²⁷²www.lex.uz. Меъёрий хуқуқий хужжатлар ва қарорлар.

²⁷³Навоий вилоят ҳокимлигининг “Вилоят маданий мерос объектларини асраш маркази” нинг статистик маълумотлари.

Навбаҳор тумани Учтут, Ижанд, Сангбурсой қишлоқларида ўтказилган археологик изланишларнинг натижасида бу ерлардан тош асри овчиларининг меҳнат қуроллари ва ибтидоий қоятош суратлари топилган ҳамда ЮНЕСКОнинг тарихий ёдгорликлар рўйҳатига киритилгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас²⁷⁴. Шунингдек, Работи Малик, Мир Сайд Бахром, Қосим Шайх, Деггарон мажмуаси, Тошмачит, Шоҳимардон каби меъморий обидалар, Бурқуттепа, Оқсочтепа каби археологик ва Олтинсой, Нурота каби дам олиш масканлари эса ўзининг гўзал ва хушманзара табиати билан ташриф буюрувчиларда ажойиб таасуротлар қолдиради.

Бу гўзал масканлар юртимзинг миллий ифтиҳори сифатида дунё сайёҳларига кўз тутиб тургандай гўё. Мазкур ҳудудларни илмий ўрганиш орқали кенг жамоатчиликка тарғиб қилиб бориш сайёҳлик ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар ва музей ҳодимлари зиммасига улкан вазифалар юклайди.

Шу билан бир қаторда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, вилоятимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳудудида бугунги кунда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 26 та меҳмонхона мавжуд бўлиб, уларнинг 10 таси Навоий шаҳрида, 8 таси Кармана туманида, 3 таси Нурота туманида, 1 тадан Зарафшон ва Учқудук шаҳарларида ташкил этилган. Хусусан, улар орасидан 23 та меҳмонхонада ҳорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар мавжуд. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда вилоятимиздаги мавжуд меҳмонхоналар бир вақтнинг ўзида 1500 нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Хорижий сайёҳларнинг вилоятимизга ташрифларини кўпайтириш ва туризмни ривожлантириш учун бу борада ўз ечимини кутиб ётган бир қатор муаммолар мавжуд. Мисол тариқасида, юқорида санаб ўтилган ҳудудлар ва тарихий обьектлар бўйича сайёҳлик йўналишлари (маршрутлари) ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бунинг оқибатида шаҳар ҳудудларида жаҳон андозаларига мос келувчи меҳмонхоналарнинг етарли бўлишига қарамаймаҳаллий ва ҳорижий сайёҳларнинг сони кутилганидек даражада эмас. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, вилоят ҳудудидаги маданий меърос обьектларини Республикамиз туризм маршрути таркибидағи

²⁷⁴Қаранг: С.Иноятов, О.Хайитова. Кармана тарих кўзгусида. Т.: Шарқ, 2006. –Б.21-22.

алоҳида янги ташкил этилиши лозим деб топилган “Навоий тарихий ва табиий музейлари ва объектлари” маршрутига киритиш лозим. Бу эса Республикализнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятига ўзининг қўйидагича ижобий таъсирини кўрсатади:

-Навоий вилоятида тарихий-табиий музей қўриқхоналарининг ташкил этилиши вилоятда маҳаллий ва ҳорижий сайёҳлик тармоқларини ва туризмни ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади;

-вилоятда жойлашган маданий меърос объектларининг мунтазам жорий ва муқаммал таъмирлашни йўлга қўйиш имкони пайдо бўлади;

-тарихий археологик ёдгорликлар муҳофаза худудлари қатъий назоратга олинади, унинг атрофлари янада ободонлаштирилади. Унинг қаровсизлиги ва эгасизлигига барҳам берилади;

-тарихий худудлар ва зиёратгоҳларга ташриф буюрувчиларга қулайликлар яратилиши натижасида ҳалқаро ва маҳаллий туризм кескин ривожланади ҳамда ҳорижлик олимлар билан ҳамкорликда вилоятимиз тарихини ўрганишнинг янги йўналишлари пайдо бўлади;

-қўшимча иш ўринлари яратилиб, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга ва ҳалқимиз фаровонлигини юксалтиришга, худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига кўмаклашади.

Шунингдек ушбу соҳанинг ривожланиши маданий меросларимиздан баҳраманд бўлаётган ёшларда юртимизнинг бой тарихига ҳурмат ва эҳтиром, бадиий эстетик диднинг шаклланишида ҳам ижобий аҳамиятга эга.

ЖАҲОНДАГИ ЛИБОСЛАР МУЗЕЙЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Мажидова З,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Либослар ва костюмлар ўз таркибий жиҳатидан узоқ муддатга сақланиш қобилиятига эга эмас. Бошқа маданий ёдгорликлардан фарқли ўлароқ, либосларнинг қадимги намуналарини биз фақатгина тарихий манбалардаги тасвирлар, деворий ва китобий суратлар воситасида тасаввур эта оламиз²⁷⁵.

Жаҳон музейшунослиги тарихида либослар учун алоҳида ўрин фақатгина XIII асрга келиб ажратила бошланди. Бу ҳам

²⁷⁵Кроллау Е.К. Температурно-влажностный и световой режим музеев. М., 1971

либосларнинг доимий экспозицияси эмас, Париж, Рим ва Лондонда янги модадаги либослар намойиши ушбу жараённинг илк куртаклари эди.

Ушбу либослар намойиши аристократларнинг ҳашамдор виллаларида, ҳукмдорлар саройларида ва боғларида ташкиллаштирилар, либослар намойиши билан ҳамоҳанг турли тақинчоқлар, бош ва оёқ кийимларининг янги намуналари намойиш этилар ҳамда намойиш сўнгидаги янги маҳсулотлар савдога қўйилар эди²⁷⁶.

XX аср сўнгига қадар либослар учун алоҳида музей яратиш муаммоси музейшунослар учун алоҳида мавзуга айланмаган эди. Бу даврга қадар либослар бошқа музейларнинг, кўпинча этнографик ва тарихий музейларнинг бир қисми сифатида экспозицияларни ташкил этарди.

Илк фақат либослар экспозициясига асосланган музейлар мода ватани бўлмиш Италияда вужудга кела бошлади. Либослар яратиш бобида алоҳида мактаблар ва савдо белгисига эга бўлган Valentino, Gucci ва Ferragamo либослар уйи дастлабки либослар музейига айланба бошлади²⁷⁷.

Ушбу музейлар қаторида Флоренциядаги Питти либослар музейи алоҳида ўрин тутади. 1458-1464 йилларда қурилган банкир Лука Питти саройида жойлашган либослар музейи нафақат Европа, балки бутун жаҳондаги энг бебаҳо либослар макони ҳисобланади. Музейда XVIII-XIX асрлар коллекцияси, XX аср коллекцияси ва флоренциялик энг машҳур модельерлар томонидан турли йилларда яратилган эксклюзив либослар доимий экспозицияси намойиш этилади.

Музейда қадимий либосларни ўз ҳолича сақлаш борасида тадқиқотлар ўтказувчи алоҳида лаборатория фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу лаборатория мутахассислари томонидан Мисрда олиб борилган археологик қазишималар натижасида топилган қадимги мато намуналарини қайта тикилаш, уларни ўз ҳолича сақлаш борасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда²⁷⁸.

Бу йўналишдаги жаҳондаги энг йирик музей шубҳасиз Париждаги Мода ва костюмлар музейидир. Музейнинг 80 мингдан ортиқ либосларни ўзига жамлаган бой коллекцияси таркибида XVII аср либослари намуналаридан тортиб, бугунги кундаги

²⁷⁶Поляков Т.П. Как делать музей? М., Академия, 1997

²⁷⁷Александр Васильев. Европейская мода. Три века, М., Fashion books, 2007

²⁷⁸Александр Васильев. Европейская мода. Три века, М., Fashion books, 2007

Париж мода оламининг энг машхур кутурьелари яратган либослар мавжуд.

Музейда либослар 4 бўлимда намойиш этилади:

1. Тарихий ва давлат аҳамиятига эга бўлган либослар
2. Тантанавор ва майший аҳамиятга эга бўлган либослар
3. Мода тарихи
4. Замонавий мода либослари

Ҳар бир бўлимда либосларга тегишли бўлган барча атрибулар, аксессуарлар, тақинчоқлар ва бош кийимлари либослар билан уйғун ҳолда намойиш этилган. Музейнинг тўртинчи “Замонавий мода либослари” бўлими либослари ҳар ярим йилда алмаштирилиб турилади, катта аҳамиятга эга бўлган либослар музейнинг “Мода тарихи” бўлимига ўтказилиб, қолган либослар дўконларга сотувга чиқарилади, уларнинг ўрнини эса янги модадаги либослар эгаллайди.

Музей Парижнинг энг қайноқ нуқталаридан биридир, сабаби “Замонавий мода либослари” бўлимида доимий фаолият кўрсатувчи подиум мавжуд бўлиб, бу ерда мода оламига энди қадам қўя бошлаган ёш дизайнерлар ва машхур кутурьеларнинг янги коллекциялари намойиш этилади.

Музей заллари мода оламига алоқадор минглаб фотосуратлар ва гравюралар билан безатилган бўлиб, музейга келган ҳар бир томошабин Франциянинг бир неча юз йиллик мода ва либослари тарихи ҳақида керакли маълумотга эга бўлади.

Бундан ташқари, Лувр музейининг шимолий қанотида музей коллекцияси асосида Мода ва тўқимачилик тарихи музей ташкил қилинган. Музейнинг асосий экспонатлари Лувр хазинасининг бир қисми бўлиб, ўзининг юксак бадиий қиймати билан алоҳида ўрин тутади.

Музейнинг XVIII-XIX Яқин Шарқ, Хиндистон ва Хитойда ишлаб чиқарилган ипак, пахта ва каноп толали матолар, матоларга гул босиш ускуналари ҳамда қолиплари намуналари экспозицияси аҳамиятлиdir.

Ушбу музейдан ўрин олган 10 мингдан ортиқ либосларнинг бичими эмас, аксинча матоси музей экспонати объекти бўлиб хизмат қиласи.

Мода ва тўқимачилик тарихи музейи турли ноанъанавий матолардан тикилган либослар коллекцияси билан машҳурдир. Турли газета ва журнал варақларидан яратилган либослар, ўсимликлар барглари ва пояларидан тўқилган либослар, сув

ўтларидан тўқилган турли кийим-бошлар ҳамда матолар намуналари шулар жумласидандир²⁷⁹.

2007 йилда Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида “Мода музейи” музей-кўргазма мажмуаси ишга туширилди. Ушбу мажмуа ғояси Россия халқ рассоми, модельер В.А.Юдашкинга тегишли бўлиб, мазкур ғоя 2003 йилда Россия давлат тарих музейи билан ҳамкорликда амалга оширилган “Мода тарихи” лойиҳаси узвий давоми сифатида амалга оширилган²⁸⁰.

Музей коллекциясининг асосий қисмини В.А.Юдашкин томонидан музейга ҳадя этилган 220 та бетакрор лиbosлар ташкил этади. Россия маданият вазирлигининг қарори билан Москва, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарлардаги музейларда сақланаётган 1000 га яқин тарихий лиbosлар ушбу музей фондига ўтказилган.

Музейда 4 та асосий бўлимлар ташкил этилган бўлиб, 45 дан ортиқ турли экспозицияларни ўз ичига олади. Музейнинг биринчи бўлимида

Рус миллатининг миллий лиbosлари тарихи жонлантирилган бўлиб, алоҳида эътибор туқинчоқлар ва турли аксессуарларга қаратилган. Иккинчи бўлими Россия халқлари миллий лиbosларини ўзига жам қилган бўлиб, ушбу бўлимда татар, бошқирд, ёқут, чечен, болқор, осетин, марий, олтой каби миллат миллий лиbosлари, бош ва оёқ кийимлари намуналари, тақинчоқлар ва турли қўшимча атрибутлар намойиш этилган. Учинчи бўлим Россия давлатчилиги тарихий лиbosларига бағишлиланган бўлиб, бу ерда асосан ҳарбий лиbosлар, XV-XIX асрлар оралиғидаги рус ҳукмдорлари ва аристократлари лиbosлари намойиш этилган. Сўнгги тўртинчи бўлим эса замонавий лиbosлар ва мода тарихига оид бошқа экспонатлар билан бойитилган²⁸¹.

Музейнинг аҳамиятли жиҳати, ҳам музей, ҳам кўргазма залини бир мажмуа қилиб бунёд этилганида. Музей қошидаги кўргазма залида музейда сақланаётган лиbosлар ва турли модельер-дизайнерларнинг янги коллекциялари доимий тарзда намойиш етиб борилиши йўлга қўйилган бўлиб, музейнинг энг йирик лойиҳаси бу ҳар йили кузда ташкиллаштириладиган “Москва мода ҳафталиги”дир. Ҳафталик давомида музейда нафақат Россия, балки бутун дунёдан ташриф буюрган модельерлар ижоди намуналари намойиш этилиб, турли илмий-

²⁷⁹Александр Васильев Европейская мода. Три века, - М., Fashion books, 2007

²⁸⁰Александр Васильев “Судьбы моды”, М., Fashion books, 2009

²⁸¹Александр Васильев “Судьбы моды”, М., Fashion books, 2009

тадқиқот анжуманлари ҳам ушбу ҳафталик давомида ўтказиб келинади²⁸².

Жаҳондаги лиbosлар музейлари фаолиятини ўрганиш давомида Монголияда 2005 йил 23 июль куни тантанали равиша очилган Монголия миллий лиbosлар музейи фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Мазкур музей Улан-Батор шаҳри марказида қад кўтарган бўлиб, бино замонавий қурилиш-конструкция ечимида ўтов шаклида, бир гумбаз шаклида бунёд этилган. Музей факат битта залдан иборат бўлиб, муғул халқининг миллий лиbosлари экспозициясидан иборатdir.

Музейга ташриф буюрган томошабин ўзини улкан ўтов ичига тушиб қолгандек ҳис этади. Намойиш этилган лиbosлар, турли тақинчоқлар ва туморлар қадамингиз сайн қадимилашиб боради.

Муғул миллий қадимий лиbosлари асосан тери ва жун матоларидан тайёрланган лиbosларни ўз ичига олади. Шунингдек, аёлларнинг турли маросимлар, жумладан тўй лиbosлари, келинлик лиbosлари ҳамда ушбу лиbosларнинг ажралмас қисми бўлган бош кийимлари, турли тақинчоқлар намойишига ҳам кенг ўрин берилган.

Муғул халқи лиbosлари бой тарихга эга бўлиб, бошқа халқлар лиbosлари каби халқнинг майший шароити, ҳаёт тарзи ва табиати ўзига хосликларини эътиборга олади. Айниқса эркаклар лиbosлари алоҳида қонуниятлар асосида яратилади. Бизга маълумки, муғул халқи кўчманчи-чорвадорлик ҳаёт тарзини кечиради. Муғул эркаклари лиbosлари отга миниш, отда ўтириш учун бир қанча қулайликлар билан тикилади. Муғул тилида “Задгай энгертей дээл” дея аталувчи (ўзбек ва қозоқ халқларидаги чакмон лиbosининг бир тури) лиbos қолдиқлари Шарқий Европадаги Ноингульский қўргони вайроналарида олиб борилган қазишима ишлари давомида топилган бўлиб, ушбу лиbos хунн қабиласи аскарига тегишли бўлганлиги аниқланган²⁸³.

Шунингдек, музейда Монголия ҳудудида яшовчи қозоқ, бурят, хитой каби миллатлар миллий лиbosлари намуналари ҳам намойиш этилган.

Осиё ва Европани боғлаб турувчи Истамбул шаҳрида 2011 йилда ташкил этилган Онадўли миллий лиbosлари музейида Кичик Осиё ярим ороли ва Яқин Шарқ ҳудудида яшаб келаётган

²⁸² <http://www.moscowfashionmuseum.com/>

²⁸³НОМИ, 1\66-2009 “Одежда государственной важности”, ст.43

турк, курд, араб, грек, арман ва албан миллатлари миллий либослари намойиш этилмоқда.

Онадўли миллий либослари музейи уч бўлимдан иборат:

1. Турк миллий либослари
2. Онадўли халқлари миллий либослари
3. Жаҳон халқлари миллий либослари

Биринчи бўлимда турк халқининг XIX-XX асрдаги миллий либослари, Усмонли турклар империяси ҳарбий ва аристократик либослари, турли миллий урф-одатлар ва маросимлар учун мўлжалланган либослар, юзлаб турдаги бош кийимлари ҳамда тақинчоқлар намойиш этилган. Либослар тарихий давр ва ижтимоий муҳит қонуниятлари асосида туркумларга бўлиниб, экспозицияга қўйилган.

Музейнинг иккинчи бўлимида Онадўли – Кичик Осиё ярим оролида минг йиллардан бери яшаб келаётган араб, грек, арман, курд, албан ва Болқон халқларининг миллий либослари намойиш этилган.

Учинчи бўлимда дунёning тўрт қитъаси, 44 та мамлакатдан келтирилган 140 дан ортиқ миллий либослар намойиш этилган. Жумладан, музейнинг ушбу бўлимида Ўзбекистондан келтирилган келин ва куёв либослари тўплами намойиш этилган. Ушбу келин-куёв либослари тўпламида ўзбек миллий либосларининг барча асосий хусусиятлари очиб берилган. Куёning зарбоф тўни, ёқаси кашта билан безатилган яхтак, кашта билан безатилган шойи белқарс, чўст дўпписи ва куёвлик салласи бир бутунликда намойиш этилган. Келиннинг Самарқандча кашта билан безатилган паранжи, Фарғона мактабига хос кашта билан безатилган оқ кўйлаги, Бухоро зар дўпписи, Самарқанд келинларининг юз ёпинчиғи орқа фондаги Сурхондарё мактабига хос аноргулли сўзанаси билан уйғун ҳолда намойиш этилган. Келиннинг тиллиқош, зебугардон, тасмача, билагузук каби тақинчоқлари алоҳида намойиш этилган. Либослар тўплами куёвнинг этиги ва келиннинг ковуши билан мұкаммалликка эга.

Музей Истамбулдаги меъмор Синан мавзесидаги XVIII асрга тегишли юонон услубида курилган бинода жойлашган бўлиб, бинони реконструкция қилиш давомида қадимий анъаналарнинг бузилмаслигига ҳаракат қилинган.

Жаҳондаги либослар музейлари фаолиятини ўрганар эканмиз, бир жиҳатга аҳамият бермасликнинг иложи йўқ. Жаҳондаги барча либослар музейларида ҳар бир миллатнинг

характерини, турмуш тарзини ҳамда ўзлигини айнан либослари ёрдамида англаб етиш осонроқ эканлигига шак-шубҳа йўқ.

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

Усманова У,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи лектор-экскурсоводи

Самарқанд шаҳри қадимдан ўзига хос табиати, сўлим ҳавоси билан инсонларни ўзига жалб этиб келган. Шунингдек, Самарқанд дунё илм-фани ривожига ўз хиссасини қўшган алломалари, қадимий обидалари ҳамда дунёнинг хеч бир ерида учрамайдиган Самарқанд нони ва Самарқанд қоғози билан ҳам машҳурдир.

Ҳар бир даврнинг ўз кашфиёти бўлгани каби инсоннинг энг буюк кашфиётларидан бири – Буюк ипак йўлидир. Ушбу йўл орқали нафақат савдо-сотик ривожланган, балки турли миллат ва элатларни бир-бирига яқинлаштирган, яратилган кашфиётларни янада равнақ топишига ва дунёга тарқалишига хизмат қилган. Савдо йўлларидан Хитойнинг шойи матолари, чинни идишлари, Хиндистоннинг зираворлари бутун дунёга тарқалган бўлса, Самарқанд қоғози ҳам ўша даврнинг энг ноёб талабгир товарларидан бири эди. Зеро, у жаҳон маданияти ривожланишини белгиловчи омиллардан саналади. Айнан қоғоз туфайли ўтмишдаги улуғ алломаларнинг ҳар сатри тиллага қиёс эзгулик асарлари асрлар узра бизгача етиб келган.²⁸⁴

Қадимги мисрликлар эрамиздан 4000 йил олдин папируснинг ишлов берилган поясига ёзишган. Албатта буни қоғоз деб бўлмайди. Қоғоз тайёрлашни хитойлик Чай Лун эрамиздан аввалги 100-йилларда ихтиро қилган. 751 йилнинг июль ойида Жамбул шаҳри яқинидаги Талас дарёси бўйида Хитой жангчилари Ўрта Осиёга бостириб кирди. Ўша даврдаги Самарқанд ҳокими Абу Муслим босқинчиларга қарши ўз қўшнини йўллаб, душманни ер билан яксон қилди ва Самарқандга 20 мингдан ортиқ хитойлик аскарларни асир сифатида олиб келди. Ўз ҳаётларини сақлаш ниятида ҳунармандликдан хабардор хитойлик асир жангчилар маҳаллий ҳунармандларга қоғоз ишлаб чиқариш сир-синоатларини ўргатдилар. Шу вақтдан бошлаб Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳунармандчиликнинг бу тури – VIII аср ва IX асрнинг биринчи ярмида Самарқанд қоғоз ишлаб чиқариш бўйича Яқин ва Ўрта Шарқда ягона йирик марказ бўлгани

²⁸⁴“Фан ва турмуш” журнали: Н.Хабибуллаев; 1987 й. №10 (396)

тариҳдан маълум. Самарқанд қоғози ўрта асрларда нафақат Шарқ бозорлари, балки Ғарб мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Ўрта асрларда яшаб ижод этган шоирлар, хаттотлар ва бошқа маданият вакилларининг гувоҳлик беришича, Самарқанд қоғози ўзининг пишиқлиги, жуда силлиқлигига бежиримлиги хамда қоғознинг икки тарафига ҳам ёзиш мумкин бўлгани уни довруғини дунёга таратди. Аввалига пахта, ипак, тут дарахти пўстлоғидан тайёрланган, кейинчалик уста-хунармандлар қоғоз ишлаб чиқаришни ривожлантириб, тайёрлаётган хом ашёсига қараб уч навга ажратганлар. Улардан бири ипак чиқиндиларидан тайёрларнган ва унга хеч қандай пахта толаси қўшилмаган. Қоғоз силлиқ ва чидамли бўлиб, сариқ тусда бўлиб, “қоғози ипак” дейилган. Иккинчи хили ярим шойи қоғоз “нимакатоний” ипак чиқиндисига тенг миқдорда луб (наша) пояси қўшилган. У қалин, чидамли ва жуда яхши охорланган, ушбу қоғоздан тайёрланган китоблар ҳам жуда чиройли бўлган. Учинчи нави деярли пахтанинг ўзидан тайёрланган.

Самарқанд қоғози ҳакида аждодларимиздан Абу Мансур Саолибий: “Самарқандга хос нарсалардан бири унинг қоғози бўлиб, бу қоғоз Миср қоғозидан устун туради. Бу қоғоз жуда чиройли, нозик, нафис ва ёзиш учун жуда қулайдир” – деб ёзган эди.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида қоғоз ишлаб чиқариш хунармандчиликнинг энг муҳим тармоқларидан бўлган. XVIII асрнинг бошига қадар Самарқанд ва унинг атрофида 42 га яқин қоғозгар косиблар фаолият кўрсатишган ва кейинчалик мамлакатнинг бошқа ҳудудлари – Кўқон, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ҳам ушбу хунармандчилик тури кенг тарқалган. Темурийлар ҳукмронлиги қулагач, тахт учун қурашлар бошланиб, мамлакат иқтисодий инқирозга юз тутди, кўпгина хунармандлик турлари Самарқандда йўқолиб, аксарият хунармандлар тинч воҳаларга, Кўқон шаҳрига кўчиб кетишли. Шундан сўнг Кўқон шаҳри асосий қоғоз ишлаб чиқариш марказларидан бирига айланди ва бу анъана 1930 йилгacha давом этди.

Самарқанд қоғози ҳакида Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида шундай дейди: “Оlamda яхши қоғоз Самарқанддин чиқади, Жувози қоғозлар суйи томон Конигилдин келадур, Конигил Сиёб ёқосидадурким, бу сувни Оби раҳмат ҳам дер эдилар”.

Тарихда шундай шұхрат топған Самарқанд қоғозини ҳозир қайта ишлап бүйіча бир қанча уста-хунармандлар иш олиб бормоқдалар. Жумладан, Зариф Мухторов ҳам дунёгв ном таратған ва асрлар давомида йўқолиб кетған Самарқанд қоғозини ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш бүйіча лойиҳа ишлаб чиқди. 1995 йилдан 2002 йилга қадар ўтказилган синов-тажрибалардан сўнг Зариф Мухторов Самарқанд қоғози яратилиши сир-синоатларини тўла ўзлаштириб, «Конигил» қишлоғининг Сиёб анҳори оқиб ўтадиган энг сўлим гўшасида ҳукуматимиз, ЮНЕСКО ва Япониянинг «JEICA» халқаро агентлиги кўмагида «Конигил-Мерос» қоғоз ишлаб чиқариш ҳунармандчилик марказига асос солди. Ҳозирги кунга қадар мазкур марказда Ўрта Осиё ҳудудларида кенг тарқалган, меваси истеъмолга яроқли бўлган, аҳоли орасида «балх тути» деб аталадиган тут нави пўстлоғидан турли хилдаги Самарқанд қоғозлари ишлаб чиқарилмоқда. Шаҳарнинг бир четида жойлашган бу ҳунармандлик маркази миллий қадриятларимиз эъзози сифатида қадимиЙ Самарқанд қоғозларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, аждодларимизнинг бундан минг йиллар илгари ҳам ўз ҳунар ва санъатларини дунёга кўз-кўз қилганликларини исботладилар. Бу эса мақтовга арзигулик саъий-ҳаракатлардир ва Самарқандга келадиган ҳар бир чет эллик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бугун қайта тикланиб, ўзининг иккинчи умрини яшай бошлаган Самарқанд қоғози азалий ва абадий вазифасини бажаришда давом этмоқда. Китоб барча даврларда ҳам одамларнинг беғараз дўсти, доноликда тенги йўқ ошноси бўлиб қолаверар экан, бу қоғозларга битилган бугунги кунимиз хақиқатлари келажак авлодларга ҳам етар.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.“Фан ва турмуш” Н.Хабибуллаев; 1987 й. №10 (396)
- 2.Ўзбекистон миллий энциклопедияси № 11, 2004 й.
- 3.[www.api.uz /news/info/polygraph/693](http://www.api.uz/news/info/polygraph/693) “Qog’oz texnologiyasi tarixi”

МАТОЛАРДА ЖОНЛАНГАН ИПЛАР

*Хаджаева С.Б,
Ўзбекистон Амалий санъат музей кичик илмий ходими*

Мустақил Ўзбекистон давлати – бекиёс маданий мерос ворисидир. Миллий қадрятлар ҳалқимизнинг бебаҳо бойлиги.

Мистақиллик йилларида уларни асраб авайлаш, келгуси авлодга етказиш йўлида кенг кўламда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда қадрятларимизнинг ажralmas қисми саналган ҳалқ амалий санъатига эътибор кучайди. Унинг айниқса, амалий безак санъати соҳалари, яъни каштачилик, кулолчилик, наққошлиқ, кандалорлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, тўқимачилик, заргарлик, зардўзлик санъати турлари бунинг ёрқин мисолидир. Авлоддан – авлодларга асрлар давомида ҳалқ усталари тамонидан яратилган ноёб буюмлар, ҳалқнинг майший хаёти билан боғлиқ ҳолда унинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларига ҳам жавоб бериб келган.

Ўзбекистон Амалий санъат музеида сақланаётган амалий санъат дурдоналари қаторидан жой олган каштачилик намуналари музейга ташриф буюрувчиларда катта қизиқиши уйғотади. Чунки хар бир вилоятни ўзини бир бирини тақрорламас нақшлар, ранглар, тикилиш услубларининг тақрорланмаслиги билан ажралиб туради. Асрлар давомида шаклланиб ривожланиб келган каштачилик мактаблари ўзидан бой маданий мерос қолдирган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган каштачилик санъати анъаналари хозирги кунга қадар сақланиб қолган. Шакилланган 11 та каштачилик мактабининг ҳар бирини ўз характери, чок услуби, ранги ва бадиий ечими бор. Экспозициядан ўрин олган бадиий қўл кашталари XIX- охири ва XX- аср ўртасига оидdir. Бухоро, Нурота, Жиззах, Андижон, Марғилон, Чуст, Шахрисабз, Самарқанд, Сурхандарё, Тошкент каштачилик мактабларига оид сўзана, дўппи, белбоғ намуналар сақланади.

Ўзбек миллий каштачилиги (каштадўзлик) амалий санъатнинг энг қадимий турлари қаторида алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, у ҳалқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Қадимда хар бир ўзбек қизи бир қанча кашталар, сўзаналар, турли хил ўлчамдаги дастрўмоллар, чойзаблар, зардевор, гулқўрпаларни ўз қўли билан тикканлар. Вояга етгандан кейин келин бўлиб борадиган уйига сеп сифатида олиб бориш анъана ҳисобланган. Сўзаналар ва зардеворлар билан келин ўз хонасини безатган. Ўзбек хонодонларини безатиш учун ҳам қўл каштачилиги намуналари кенг қўлланилган. Шунинг учун ҳам каштачилик санъати авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келган. Ҳар бир оила ўзи учун сўзана, чойшаб, кирпеч, дорчеп, чойхалта, ойнахалта, гулқўрпа, белбоғ, дўппи, буғжома ва бошқа буюмларни ўзига хос дид билан тайёрлаган ва ўзидан кейинки авлодларига

мерос қилиб қолдирган. Асрлар давомида шаклланиб ўз услуби ва йўлига эга бўлган каштачилик санъати буюмлари ўзига хос гўзаллик, нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Бадиий каштачилик узоқ тарихга эга, буни археологик топилмалар ва ёзма манбалар исботлаб бермоқда. Каштачилик санъатининг энг қадимий намуналари сақланиб қолмаган фақатгина XIV-XV асрларга мансуб миниатуралар орқали каштачилик жуда қадимдан ривожланганлигини кўришимиз мумкин. 1467 йили Камолиддин Беҳзод “Зафарнома”га ишлаган “Темур тахтда” миниатурасида чодирга ишланган каштани ҳам акс эттирган.

Музей экспозициясидан Бухоро, Нурота, Жиззах, Шахрисабз, Самарқанд, Сурхандарё, Тошкент каштачилик мактабларига тегишли сўзана намуналар ва Тошкент, Андижон, Марғилон, Чуст дўпилари жой олган.

XIX асрнинг иккинчи яримида кашта китиш машинасининг ихтиро этилиши каштачилик корхоналарини вужудга келишиги асос бўлди. Машинада кашталарни кўп ишлаб чиқарилиши ва алоҳида эътибор берилмаслиги оқибатида уларнинг бадиийлигига путур етказди. Натижада қўл кашталари унитила бошланди. Фақатгина айрим турларигина сақланиб қолган. Аста секин ўзбек каштачилиги қўшни халқлар каштачилиги таъсирида бойиди ва кундан кунга ривожланди. Ўзбек кашталарига назар солсак, унда Қозоқ, Қирғиз, Тожик, Рус, Афғон, Хитой ва Ҳинд каштачиликларининг усул ва услубларини учратамиз. Бу санъатда ҳар бир миллатнинг ўзига хос энг кўп қўлланиладиган нақш турлари бўлади. Ўзбек кашталарида ўсимликсимон, геометрик хамда гул нақшлари кўп бўлса, рус каштачилигига геометрик, ўсимликсимон шакллар, гуллар, қушлар ва мевалар кўп тасвирланади. Қозоқ ва қирғиз каштачилигига эса кўпроқ ҳайвонлар, шох ва туёқларини акс эттирувчи элементлар тасвирланган.

Каштачиликда безак буюмларинг турлари жуда кўп масалан, сўзана, кирпеч, чойшаб, онахалта, чой халта, палак, гулқўрпа, зардевор, белбоғ, такяпўш (ёстиқ устига ёпиладиган), дўппи, куйлак, дастрўмол, ҳамён, жойнамоз, сумка, нимча, махси-кавуш ва бошқа бадиий дид билан безатилган. Қадимда бу кашталар оқ ва малла матоларга тикилган. Кейинчаклар сатин, шойи ва баҳмалларга тикиладиган бўлди.

Ўзбек миллий дўппилари Ўзбекистоннинг турли худудларини ўзида мужассам этган. Айниқса Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурҳандарё ва Тошкент дўппилари бир биридан шакли ва нақшлари билан ажралиб туради. Дўппи ўзбек миллий либосининг ажралмас қисми бўлиб, ҳалқ амалий санъатининг ҳақиқий асаридир. Экспозициядан ўрин олган дўппилар Ўзбекистоннинг барча худудларини қамраб олган. Илгари бош кийимга қараб қаердан келганини аниқлаш мумкин бўлган. Шахрисабзда аёл ва эркак дўппилари умумий думалоқ шаклида бўлиб, аёллар дўпписи нисбатан рангдор ва ёрқиндир. Шахрисабз дўпписи “тилам” деб номланиб, бутун устки қисми “ироқи” чокида чизма, санама, терма чокида тикилган. Улардан энг мураккаби ироқи, терма саналиб 45^0 бурчак остида майда чок билан қопланади. Энг сара намуналарда ироқи шунчалик майда тикилган-ки, бир қарашда аниқлаш қийин. Бойсуннинг “пилта дузи” дўпписи жуда ўзгача, ёрқин бўлиб, қовурғасимон қавилиб устида геометрик нақш ҳосил қиласи. Бундай дўппиларни ҳозирги замонда ҳали ҳам Сурхондарёнинг тоғлик ахолиси кияди.

Дўппи – Ўзбекистонда кенг тарқалган миллий бош кийими хисобланади. Дўппи кийиш дастлаб Эронда ва туркий ҳалқлар ўртасида, Россияда эса XIII асрда русум бўлган. Асрлар давомида дўппининг бир қанча турлари вужудга келган. Бахмалга, сатинга, сидирға шойига ип, ипак ва зар билан дўппи гуллари тикилган. Тошкент, Чуст, Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Шахрисабз дўппилари машҳур бўлиб, улар ўзига хосдир. Юртимизга ташриф буюрган хорижим меҳмонлар ҳам бу дўппиларни катта қизиқиши билан ўзбегим ўғил қизларига ҳавас қилиб кийиш учун ўзлари билан олиб кетишиади. Ҳар бир вилоятнинг дўппилари яратилиш услубига эга бўлиб бир биридан фарқ қиласи. Ўзбекистонда оммавий бош кийими асосан уч хил шаклга эга бўлади. Булар “*Кулок*”, “*Аракчин*”, “*Тусдўппи*” дир.

“*Кулок*” – конуссимон бош кийим. У асосан дарвешлар қалпоғи. Унинг матоҳи тоқ учбурчак парчаларидан бичилиб ёнламасига тикилади. Кулок (эркаклар бош кийими) ҳозир жуда кам учрайди.

“*Аракчин*” – шарсимон дўппи, уни асосан ёши улуғ кексала кияди. Тошкентда шарсимон дўппилар **канда хаёл, босма, чакматўр, ироқи чок** усулларида тикилади.

“*Тус дўппи*” – Кенг тарқалган ясси юзали дўппи. Кўпинча тус дўппи чуст дўппи деб юритилади. Тус дўппининг биргина

классик вариантининг ўзида саккизта ювелир чок услуби қўлланилади. Булар *тўғри чок, занжира, тароқ, чита, кунгара, еталатма, ова, пилдироқ*. Чуст дўпписининг тепасига безакдан квадрат шаклида бўртиб чиқиб, ярим шар кўринишида, Тошкент дўпписи сидирға баҳмалдан (гулсиз) тикилади. Бухоро дўппилари эса сидирға баҳмалга жякли қилиб тикилади, жияги эса тур хил рангдаги ипаклардан рангдор йўрма нақш услубида тикилади. Чуст дўпписи бошқа дўппилардан бутунлай ажралиб туради.

Миллий матоларга хар хил гуллар ва геометрик нақларни кашта ёрдамида безак берилганлиги ҳар бир кишини ҳайратга солмай қўймайди. Хозирги кунда миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган ҳолда яратилаётган кийимларда ва оёқ кийимларнинг безакларида хам каштачиликдан моҳирона фойдаланилмоқда. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадирятларимизга бўлган эътиборини янада оширишда самарали ёрдам беради.

КИТОБ БЕЗАТИШ УСУЛЛАРИ

Гуломова Ҳ.А,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Турли давлатларнинг китоб ишлари бўйича тадқиқотчиларининг фикрича, китобнинг дастлабки жараёнидаги ташки кўринишлари, безатилиши, яъни қўлёзма китобларнинг шакли доимий равища кейинги нашрларда ҳам сақланиб қолиниши кузатилган. Қулёзма нафақат Ғарбда, балки Шарқда ҳам намуна вазифасини бажарган²⁸⁵.

Қўлёзма анъаналарига риоя қилиш XIX аср Эрон китоб ишлари учун ҳам хос бўлиб, бир неча асрлардан бери одат тусига кирган қўлёзмадаги матн тузилиши, безатилиши, мавзу бўйича хат, яъни ёзувларни танлаш, нақш, расмлар анъанаси сақланиб қолинган.

Лекин қўлёзма китобини яратиша фойдаланилган барча воситалардан тошбосма китобларга қўллаш тўғри келмайди. Масалан, тилла ҳал бериш, ёрқин бўёқлар, бадиий нақшлар тошбосма китобларда йўқ. Тошбосмада барча расмлар ва нақшлар қора-оқ рангда берилган, баъзида қизил бўёқ ҳам ишлатилган.

Тошбосма китобларнинг қўлёзмага ташки безатилишининг ўхшашлиги ҳақида гап кетганда, шуни назарга олиш керакки, қўлёзма бир қанча одамлар томонидан фақат бир нусхада

²⁸⁵ Люблинский В.С. На заре книгопечатания. Ленинград. 1959. -С. 29.

тайёрланади ва шунинг учун уни ярататган инсонлар безатишнинг турли қоидаларига риоя қилиб, бу ишга катта эътибор билан қарашган. Тошбосма эса, оммавий ишлаб чиқариш маҳсули бўлиб, уни яратувчилар китобларни бадиий безатилишига унчалик интилишмайди ва намуна сифатида оддий, доимий фойдаланишда бўлган қўлёзмаларнинг безатиш андозаларини олишган, улардаги баъзи ташқи кўринишлардан нусха кўчиришган.

Тошбосма китобларнинг ўзига хос безатиш усуллари бўлган. Бу китобларнинг муқоваларига қараб китоб чоп этиш тарихининг муҳим даврларини билиб олиш мумкин. Шу билан бирга, бу китобларнинг кимларга, қайси синф вакилларига мўлжалланганлигини ҳам муқовадан билиб олиш мумкин.

XIX аср китобларида асосан икки турдаги – катта хажмдаги китоблар учун чармдан қилинган ва картон муқоваларни учратамиз. Чарм муқовалар одатда жигар рангда бўлган, лекин қора ва яшил рангли муқовалар ҳам мавжуд.

XIX асрнинг 40-60 йилларида тошбосмахонадан чиқсан китобларнинг иккала муқовасининг ташқи қисмига нақш солиш русум бўлган. Тошбосма усулида китоб чоп этишни ривожланиши билан чарм муқовага нақш қилиш русумдан қолди. Чунки бундай китоблар нархи баланд бўлган. Шунинг учун ҳам китоб нархларини арzonлаштириш мақсадида нақш ва чарм муқовалар русумдан чиқди.

Чарм муқова XIX асрнинг охрига қадар фақат катта хажмдаги ва анча қимматбаҳо китоблар учун сақланиб қолинди. XX аср бошида бу ҳам русумдан чиқди ва фақат картонга жун, ип-газлама, чит матолар қоплаш орқали қилинган муқовалар қилина бошлади.

Яна шу хил муқовалар бўлганки, улар юпқа картонга қофоз елимлаб қилинган. Бунда баъзида муқовага нақш чизилган, ёки атрофига гули чизиқлар тортилган.

Хуллас, тошбосма китобларни муқовалаш анча осонлаштирилган ва бадиий жиҳатдан соддалаштирилган. Шунга яраша китоблар нархи ҳам арzonлаштирилган.

Бизга маълумки, титул варағи ҳарф териш йўли билан китоб чоп этиш даврида вужудга келган. Титул варағини пайдо бўлишини кўпгина тадқиқотчилар китобфурушларни лозим бўлган нашрларини тезроқ топишлари учун қилинган ҳаракат деб

билишади²⁸⁶. Чунки қўлёзма асарнинг номи, муаллифи, асарнинг кириш қисмida ёзилган, асарни нашрга тайёрловчилар – хаттотлар, таҳрирчилар, баъзида безак берувчилар – номи, асарнинг тайёрланиш санаси калофонда келтирилган. Харф териш йўли билан чоп этилган китобларда бу маълумотлар титул варақларда келтирилган.

Эрон тошбосма китобларида титул варақсиз тайёрланган китоблар XIX аср 40-йиллари охригача сақланиб қолган. 40-йилларнинг ўрталариға келиб ноширлар матн тагида ёки унвонда асар номи, баъзида муаллиф исми шарифини ҳам келтирсанлар. 40-йилларда китоб бошининг икки варақдан иборат китобхонларга мурожаат тариқасида муқаддима ҳам пайдо бўлди. Лекин Эрон тошбосма китобларида ҳақиқий титул варақ фақат 50-йиллардан бошлаб вужудга келган²⁸⁷.

Титул варақда бериладиган маълумотларнинг қатъий бир қоидаси йўқ эди. Шунинг учун ҳам китобхон фақат китоб кимнинг илтимосига кўра нашр этилганлиги, қайси тошбосмахонадан чиққанлиги ҳақидаги ёзувларни ўқиши мумкин эди.

Титул варағининг анча тўлиқ нусхаларида китоб номи, муаллиф исми, буюртмачи, хаттот исмлари, тошбосмахона номи, чоп этилган шаҳар ва йил ёзилар эди. Бундай маълумотлар титул вараҳида ҳам, китоб охрида ҳам берилар эди.

Титул варағини безатишнинг икки тури бўлиб, улардан энг кўп тарқалгани ва 50-80 йиллар мобайнида, ундан кейин ҳам тошбосма амалиётида сақлаб қолингани тухумсимон ёки ромб, ё доира, ёҳуд тўғри бурчакли шакл тасвирланиб, унга матн ёзилаган. Худди шундай матн охриги варқда ҳам берилган. Баъзида бу шакллар матнни жойлаштириш шаклига қараб берилган. Уларнинг хажми турлича бўлиб, унинг тепа қисмida яхши тилаклар, ўрта қисмida муаллиф ҳақида маълумотлар, асар номи ва нашр манзили кўрсатилган.

Иккинчи хил титул варағида ва дастлабки икки варақда бир хил тухумсимон тасвирга матн ёзилади.

Турли тошбосмахоналарда чоп этилган китобларнинг титул варағи одатда бир хил бўлган. Лекин Дорулфунун нашрлари алоҳида ажралиб турган. У ерда чоп этилган ўкув кўлланмалари бошидан бошлаб европаликларнинг китоблари каби титул

²⁸⁶ Ўша ерда. - Б.31.

²⁸⁷ Щеглова О.П. Иранская литографированная книга (из истории книжного дела в Иране в XIX – первом десятилетии XX вв.) -С. 137.

варақларига яқин бўлиб, улардан барча лозим бўлган маълумотлар келтирилган.

Тошбосма китобларда титул варагидан ташқари сарлавҳа қўйиш ҳам пайдо бўлди. Қулёзма китобларда асар номи, бобларга ажратиш асар муқаддимасида берилган. Тошбосма китобларда ношир сарлавҳани европаликлар каби саҳифа тепасига калонтитул жойлаштирилиб, кўп жилдлик китобларнинг жилди ҳам кўрсатилган. Жуда кам китобларда кўрсаткичлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам берилган.

Китобларни безатишда ёзув-хат, саҳифалар ҳам катта рол ўйнаган. Эрон қўлёзма анъанаси саҳифаларни безаш учун турли – майда ва йирик хатда ёзиш, асосий матнни уйғунлик билан жойлаштириш ва ҳошияларга шарҳлар ёзиш борасида катта санъатга эга бўлган.

Эрон қўлёзма асарларида диний китобларнинг барчаси насл хати билан, дунёвий адабиётлар, унча жиддий бўлмаган китоблар настаълиқда ёзилган. Тошбосмада ҳам бу анъана сақланиб қолинди. Баъзи бир асарлар эса, шикаста хатида ёзилган.

Тошбосма ва қўлёzmанинг бундай усулда ёзилиши ва бир-бирига ўхшали туфайли чиройли хат шинавандалари тошбосма китобларига ҳам хаттотлик намунаси сифатида қараашган.

Шеърий асарлар, тазкиралар 2, 4 ва 6 та устунга жойлаштирилиб ёзилган. Устунларни чегаралаш мақсадида чизиқлар тортилган, шеърлар ўртасига гуллар чизилган. Баъзида ҳарфлар хаттотнинг дидига қараб оғдирилган ҳолда ёзилган. Диний ва бошқа жиддий китоблар баъзида чизиқлар орасига олинган.

Кўргина тошбосма китобларда матн нафақат варақ ўтрасига, балки ҳошияларга ҳам ёзилган. Айниқса, диний китоблар. Бунда асосий матн варақ ўртасига, шарҳлар ҳошияларга ёзилган. Лекин бундай усул русумдан чиқа бошлаган ва фақат мумтоз адабиёт вакиллари девонларидагина сақланиб қолинган.

Тошбосма китобларнинг бадиий безаги ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бунда ҳам қўлёзма китоблар намунаси асосида безаш анъанаси сақланиб қолинди ва шу билан бирга бадиий безакнинг янги шакллари вужудга келди²⁸⁸. Аввалги нақш, минатюрага ўхшаш суратлардан фойдаланган тошбосма китоблар рассомлари янги мазмундаги жилолар билан китобларни безашди.

²⁸⁸ Адамова А.Т. Персидская живопись XVII - первой половины XIX в. Ленинград. 1971. -С. 11.

Шундай қилиб, Эронда тошбосма китобларни безашда қўлёзма китобларни безаш анъаналари сақланиб қолинди ва шу билан бирга, изланишлар орқали янги, замонавий китоб безаклари ҳам вужудга келди, тошбосма нашрлар XIX асрда ўзига хос нақш ва жилога эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Адамова А.Т. Персидская живопись XVII - первой половины XIX в. Ленинград. 1971. -С. 11.

2.Люблинский В.С. На заре книгопечатания. Ленинград. 1959. -С. 29.

3.Щеглова О.П. Иранская литографированная книга (из истории книжного дела в Иране в XIX – первом десятилетии XX вв.) -С. 137.

LIBOSLAR MILLIYLIK AKSI

*Usmanova M,
O`zbekiston tarixi davlat muzeyi lector-ekskursovod*

Tarixga nazar solar ekanmiz har bir xalqning o’z madaniyati, urf-odatlari, milliy bayram va albatta o’zigagina hos milliy liboslari bo’lganligini guvohi bo’lamiz. Liboslar turli davrlarda o’zgarib, mukammallahib, shaklan takomillashadi. Bunga tarixiy muhit, tabiiy sharoit, diniy va milliy qarashlar sabab bo’ladi. Matosozlikni rivoji ham liboslarni taraqqiyotida muhim o’rin tutadi. Liboslar o’z navbatida uslubi, o’ziga hosligi, naqsh va gullari, matolarni qo’llanishi bilan bir-biridan ajralib turadi. Ayniqsa qadim sharqda libos kishi mavqeい, oilasi va shaxsini bildirib turgan. Ba’zan bir o’lkaning turli joylarida tashqi ko’rinishidan bir-biridan farqlanib turuvchi liboslar bo’lgan. Islom dini yurtimizga kirib kelgach o’zbek liboslari ham yangi bosqichga ko’tarildi. Liboslarda mato tanlash va shalk ko’rinishi takomillasha bordi. Libos insonni egnida nafaqat yarashib turishi, balki uni go’zalligiga yanada chiroy berishi lozim. O’zbek milliy liboslari haqida so’z borar ekan, uni uzoq yillik tarixiga nazar solmay ilojimiz yo’q. Liboslar sharqda zargarlik va matosozlik bilan uyg’un ravishta rivojlangan. Ayniqsa bu holatni ayollarni liboslarida kuzatishimiz mumkin. Shu bilan birga liboslар matosi va shakliga ko’ra ommabop, kundalik hamda tantanavor marosimlarda kiyish uchun mo’ljallangan turlarga ajratishimiz mumkin. O’zbek milliy kiyimlarida erkaklar va ayollar uchun o’ziga hos shakllar va uslublar urf bo’lgan. Bir qarashda

insonnikiyi bolgan libosiga ko'ra uni qaysi tabaqadan ekanligi namoyon bo'lardi. Liboslar birnecha asrlar davomida taraqqiy etib bordi. Shu o'rinda matosozlik ham rivoj topdi.

XIX asrgacha o'zbek milliy liboslarini ko'rinishi va rangi quyidagicha edi. Erkaklarda oq yoki malla bo'zdan tikilgan ko'yak, yaktak, to'n, salla yoki do'ppi, ayollarda esa ro'mol keng ko'yak, lozim va nimchalar kiyilgan. Albatta bunda mato turi va uni qaysi kunda kiyishga mo'ljallanganligi aloxida mavzu. Biroq aksariyat hollarda oddiy xalq vakillari shu ko'rinishda kiyinishgan. Bundan tashqari o'zbek milliy liboslarini ajralmas qismi xisoblangan bosh kiyim do'ppi edi. Uning o'ziga hos shakli va naqshlari har bir avlod vakillarida o'zgarib borgan. Masalan O'zbekistonning turli nuqtalarida do'ppi shakli va rangi, naqshiga ko'ra bir-biridan farqlanadi. Ta'bir joiz bo'lsa xar bir viloyatni bu borada o'z taraqqiyot bosqichi, do'ppi yaratishda maktabi bor. Do'ppi nafaqat bosh kiyim, balki milliylikni ajralmas bir qismi xisoblangan. U asosan bahmal shoyi, satin kabi matolarga ipak zar bilan kashta tikib tayyorlangan. Naqsh urishda esa kashtachilik an'analaridan foydalanilgan. Qadimda odamning boshidagi do'ppisidan u aynan qayerlik ekanligi anglab olingan. Do'ppi mavsum tanlamagan. Uning matosi xavo o'tkazish, hamda boshqa foydali jihatlari bilan ahamiyatlidir. Bosh kiyim aloxida e'tibor bilan tayyorlangan. Uning shakli va matosi aloxida tanlangan. Ranglarida tabiiylik, naqsh va gullari bejirim bo'lishiga ahamiyat berilgan.

O'zbeklarda asosan ustki liboslar keng rivojlangan. Tabiiy muhit va milliy qarashlar bu borada aloxida o'rinn tutgan. Ayollar va erkaklar uchun tashqi kiyim kamzul va cho'pon bo'lgan. To'n va boshqa tashqi kiyimlar qalin va tabiiy rangdagi matolardan tayyorlangan. Xalq orasida eng mashxur liboslardan biri beqasam to'n xisoblangan. Beqasam yo'l-yo'l gulli, o'ta pishiq mato xisoblanib, asosan tanda ipi, arqog'i ipdan to'qilgan. Tanda ipini asosi ipak bo'lsa, arqog'i qattiqroq ip bo'lgan. Uning mustahkamligi aloxida ahamiyatga ega bo'lgan. Arqoq ipi tanda ipdan yo'g'onroq bo'lgani uchun mato yuzasiga g'adir budur, ko'ndalang chiziqlar hosil bo'ladi. To'qish jarayonida arqoq ipi ho'llanib turadi. Maxsus ishlov berilib kudunglangandan so'ng beqasamni bir tarafi silliq, bir tarafi tovlanib turadi. Beqasam qalin yo yupqaligi, tor kengligi, yo'l-yo'l gullarini tartibiga qarab farq qilingan. O'z navbatida beqasam mato ham joyiga ko'ra sifatlangan, hamda atalgan. Masalan, Samarqand beqasamlari arqoqi ipi yo'g'on, oddiy meyorda takrorlanuvchi aniq keng, pushti, sariq, zangori, binafsha tusli yo'llardan iborat bo'lsa, Farg'ona vodiysi beqasamlari yupqa va mayin

ipi ingichkaroq rangi feruza, binafsha, bo'r ko'k gulli va turli xil yashil ranglarni bir biriga mayin o'tishi bilan boshqa beqasamlardan farq qilgan.

O'zbek matolari haqida gap ketganda atlas va adres matolari xaqida aloxida to'htalinadi. Asosan ayollar kiyimlar uchun ishlatiladigan bu mato bugunga qadar ishlatilmoqda. Bu matolar ayollarga yanada milliylik, nafislik bag'ishlaydi. O'ziga hos texnologiyalar asosida tayyorlanuvchi bu matolar tom ma'noda O'zbek milliy libosini ramzi xisoblanadi. Undagi ranglar uyg'unligi, chiziqlarning ajoyib kesishmasi boshqa matolarda uchramaydi. Bugungi kunda atlas va adresni markazi Marg'ilon deya atashga ko'nikib qolganmiz. Aslida xam shunday Marg'ilonda atlas ishlab chiqarish qadimdan rivojlangani xaqida ko'plab ma'lumotlar bor. Atlastanda ipi ham, arqoq ipi ham tabiiy ipakdan bo'lган to'qiladigan bir yuzlama silliq mato. Bu iplar o'zaro uyg'unlashtirilib alohida ishlov berilib atlas matosi tayyorlanadi. So'ng ikkinchi bosqichga o'tiladi, unga jilo beriladi. Ana shundan keyingina u tovlanadi. Ilgari mato yuziga kudung urilgan. Xozirgi kunda bu jarayondan deyarli foydalanilmaydi. Bugungi kunda issiq satxli baraban – kalandrdan o'tkaziladi. O'zbek atlasi rang-barang gullarga boy, bu gullar uyg'unlashgan holda matoda yaxlit bir go'zal naqshni hosil qiladi. Atlas matosini nafaqat milliy mato sifatida mashxur. Shu bilan bir qatorda dunyoning bir qancha mamlakatlarida o'ziga xos ranglari va gullari bilan dong taratgan. Mazkur mato 1978- yilda Yugoslaviyaning Zagreb shahrida xalqaro ko'rgazmada oltin medal bilan taqdirlangan. Yana bir milliy matolarimizdan biri bu adresadir. Uni tayyorlashda ham xuddi atlas kabi tanda ipi ipakdan arqog'i qalin ipdan to'qilgan gazlama. Ikki tomonda guli bo'lgani uchun ayrim joylarda duro'ya deb ataladi. Arqoq ipi yo'g'onroq bo'lgani sabab gazlama yuzasida ko'ndalang chiviqlar xosil bo'ladi. Kudunglanish natijasida adresni bir tomoni atlasday silliq bo'lib, ikkinchi tomoni tovlanib turadi. Asosan gullari abr usulida bo'lib sariq, ko'k, pushti, qizil ranglar qo'llaniladi. XIX-asr oxirlarida adres asosan Marg'ilon, Xo'jand, Buxoro, Samarqand bozorlarida sotilgan.

Shu bilan birga yana bir mato Bahmal bo'lib, u-mayin silliq patli gazlama. Patlari tabiiy yoki sun'iy ipakdan, zamini ip yoki kanopdan to'qiladi. Bahmal to'qishda asosan ikkita o'rish iplari ishlatiladi. Shu iplarni bir o'rami zamin, ikkinchi o'rami pat hosil qiladi. Ikkinchi o'ram birinchisidan 4-6 marta uzun bo'ladi. Bandlar mahsus pichoq bilan kesilganda hurpayib patlar hosil qiladi. Bu mato xalq orasida

duxoba deb ham yuritiladi. Bahmal asosan Buxoro va Samarqandda qadimdan ishlab chiqariladi. Samarqand och qizil bahmali bilan mashxur bo'lsa, buhorocha bahmal to'q qizil va xandasaviy va abrli naqshlar bilan bezalgan. Buxoroda XIX-asrda bahmal matosini ishlab chiqarish juda rivojlangan. O'sha davrlarda bu matoga talab katta edi.

Milliy liboslar nafaqat o'zbek xalqini tarixidan so'zlaydi. Balki xalqimizning uzoq asrlik madaniyati, milliy urf-odatlari, qiyofasini aks ettiradi. Qadimdan sharqda xayo, qadriyat, g'urur va andisha yuqori tutilgan. Milliy liboslarimiz ham shunga monand. Betakror va ohangrabodek o'ziga tortadi.

ЁШЛАРНИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУХИДА ТАРБИЯЛАШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Абраев Ш.А,

ЎзМУ қошидаги Зангиота академик лицеи ўқитувчиси

Бизга маълумки мамлакатимизда турли йўналишдаги музейлар мавжуд бўлиб, бу музейларда сақланаётган экспонатлар ватанимизнинг ўтмиши ва инсоният цивилизацияси ютуқларини намойиш этиб турган моддий маданият ёдгорликлариdir. Музейлар экспозицияларида халқимизнинг энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган урф-одатлари, турмуш-тарзи, диний эътиқоди, қадриятлари, санъати намойиш этилган. Музейларда сақланаётган ҳар бир ёдгорликлар халқнинг маълум бир худудий бирлиги ёки тарихий даврини қамраб олганлигидан келиб чиқсан ҳолда ёшларни халқ ўтмиши, турмуш-тарзи ва инсоният тамаддуни ривожида тутган ўрнини билиш имконини беради.

Музейларни томоша қилган ёшлар эстетик завқ олишлари билан бирга, инсонпарварлик туйғулари янада камол топади. Бу эса ёшларни эзгу амалларга ундейди ҳамда ўз ватани тарихига бўлган меҳр-муҳабатини оширади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, «ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди»²⁸⁹.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва

²⁸⁹Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, 2008. 29-30-б.

такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони (1998 йил) ва «Музейлар фаолиятини кўллаб-куватлаш масалалари тўғрисида»ги хукумат қарорининг қабул қилиниши мамлакатимиз музейлари фаолияти яхшиланишида муҳим омил бўлди²⁹⁰.

Маълумки, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган моддий маданият ёдгорликлари, санъат асарлари ва маънавий мерослар бугунги кунда музейларда ўз ўрнини топган. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни ёшлигидан музейларга жалб этилиши уларда миллий қадриятларнинг шаклланиб боришида муҳим аҳамият касб этади.

Жамият маданий-маърифий ҳаётида, аҳолида тарихий хотирани тиклаш ва мустаҳкамлашда музейларнинг аҳамияти катта. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида мавжуд музейларни таъмирлаш, уларни янги экспонатлар билан бойитиш, янги музейлар барпо этишга алоҳида эътибор бўрилди.

1992 йил Намангандаги Бобораҳим Машраб уй музейи, Хоразмда Ҳофиз Ҳожиҳон Болтабоев номидаги мақомчилар музейи, Урганчда Хоразм амалий санъати ва тарихи музейи, Бухорода темирчилик музейи, Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғлиниң уй музейи, 1993-йилда Тошкентда ўзбек аёллари орасидан чиқсан биринчи хукуқшунос олима Ҳадича Сулаймонова уй музейи, ўзбек раққосаси Мукаррама Турғунбоева уй музейи, Навоий вилоятининг Томди туманида машҳур чўпон, икки марта Мехнат Қаҳрамони Жабой Башманов уй музейи, 1994-йилда Тошкентда халқ рассоми уста Муҳиддин Раҳимов уй музейи, 1996-йилда Ўзбекистон Гидрометеорология музейи, 1997-йилда Бухорода машҳур зарб қилувчи Салим Ҳамидов уй музейи ва кўплаб музейлар очилди.

1996-йил 1-сентабр куни Тошкентда Осиёда ягона бўлган Олимпия шон-шухрат музейи очилди. Бу музей Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобақаларида мувваффақиятларини намойиш этадиган, мамлакатимизда спорт ҳаракатининг ривожини рағбатлантирадиган марказ бўлиб қолди. 1996-йил 18-октабрда Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди.

1998-йилда «Ўзбекмузей» жамғармаси тузилди. Аҳолининг музейшунослик маданиятини оширишга кўмаклашувчи «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди ва у 1999-йилдан бошлаб ўзбэк, рус ва инглиз тилларида нашр этила бошланди. Фақат 1999-йилда

²⁹⁰O'zbekiston tarixi Milliy istiqlol davri. Toshkent, 2003. 231-b.

музейларнинг асосий фонди 7544 та тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бойиди.

Ўзбекистонда умумий майдони 137150 кв м ни ташкил этадиган 510 та музей фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1,3 миллиондан ортиқ аждодларимиз тарихи, бетакрор маданиятини акс эттирувчи нодир буюмлар экспонатлар сақланмоқда ва аҳолига намойиш этилмоқда. Мамлакатимизнинг меъморий ёдгорликларга бой 10 та шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган. 2500 та меъморий обида, 2700 та археологик ёдгорлик, 1800 монументал санъат асари давлат муҳофазасига олинган. Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларидағи 3 та музей-қўриқхоналарида бутун дунёда энг нодир тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар, монументал санъат асарлари сақланиб қолган, давлат муҳофазасида янгидан чирой очаётган музейлар сифатида эътироф этилган.

Музейлар жамиятнинг энг кичик вакилларидан тортиб то кексаларига қадар хизмат кўрсатсалар-да, янги авлоднинг дунёқарashi, диди, онгини шакллантиришга туртки берувчи маскан сифатида ном қозонган. Музейлар тарихий, бадиий, эстетик ва илмий саводни оширишга хизмат қилувчи маскан хисобланади. Уларда халқ, миллат ёки жаҳон тарихининг, маданиятининг, жамиятлар ривожи ва инқирозининг акси мавжуд. Турли давр, тарих ва жамиятларнинг излари муҳрланган экспонатларнинг қизиқарли намойиши улкан интеллектуал ва эмоционал таъсир қувватига эга. Музейда даврлар, жамиятлар, фикрлар ва ғоялар тўқнашувининг гувоҳи бўлиш мумкин. Замонавий ҳаётда музейлар анъанавий вазифалар ва функциялардан бироз четга чиқиб, жамият ҳаётида актив иштирок этишига қўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириш керак. Томошибинларнинг қизиқишини оширишга хизмат қиладиган инновацион технологияларни музейлар бошқарувида қабул қилиш самарали натижа беради. Музейлар ёшларнинг маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда маданий-тарихий, табиий-илмий қадриятларни йиғувчи, улар ҳақидаги маълумотларни музей ашёлари воситасида тарғиб қилувчи ижтимоий институт бўлиб, улардан ўқув-тарбиявий мақсадда фойдаланишда қатор муаммоларни ҳал этишни тақозо этади.

Сўнгти йилларда мамлакатдаги қатор қадимги шаҳарлар ўзининг юбилей тантаналарини ўтказди. ЮНЕСКО қарори билан Хива, Бухоро ва Термизнинг 2500 йиллиги, Шахрисабз, Қаршининг 2700 йиллигини нишонлаш, ушбу шаҳарлардаги

тариҳий обидаларни тиклаш, реставрация қилиш қаторида, у ерлардаги музей ишининг тубдан яхшиланишига, коллекцияларининг янги археологик тадқиқотлар орқали тўлдирилишига имкон берди. Улардан бири Термиз археология музейи 2001 йилнинг 24 октябрида ташкил этилиб, ўз фаолиятини 2002 йил 2 апрелдан бошлаган.

Ўзбекистонда янги ташкил этилган деярли барча музейлар ижтимоий ҳаётда, маърифий ва маънавий масканлар сифатида муҳим аҳамият касб этиб, жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозланиб, бой экспонатларга эга эканлиги билан ажralиб туради.

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БУЮК МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Аззамова З.Р,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи бош мутахассиси

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни тиклаш давлатимиз сиёсатининг ніҳоятда муҳим аҳамиятга молик устувор вазифаларидан бири бўлиб қолди. Бунинг натижасида миллий-маънавий меросимиз қайта тикланди.

Миллий-маънавий мерос миллатнинг тафаккури, даҳоси, дунёқарashi, яратувчанлик салоҳиятининг маҳсулидир. “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласи”²⁹¹. Ёшларнинг маънан шаклланиб, вояга этишларида миллий-маънавий мероснинг ўрни бениҳоят аҳамиятлидир. Чунки маънавий мерос ёшлар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди. Маънавий мерос замонлар ўтиши билан қадри янада ортиб боради. Аслида маънавий мерос бирор халқ, миллат, унинг вакиллари томонидан яратилиб, сўнг умумисониятнинг маънавий бойлигига, меросига айланиб қолади. Марказий Осиё халқларининг ўтмиш авлодлари қолдирган маънавий мероси бунга мисол бўла олади.

²⁹¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.30.

2014 йил 15-16-май кунлари Самарқанд шаҳридаги Қабуллар уйида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши ва унда АҚШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистони, Кувайт, Россия, Озарбайжон каби элликка яқин мамлакатдан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, олий таълим муассса-салари профессорлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари иштирок этиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу конференцияда ўрта асрлар Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг дунё тамаддунида тутган ўрни, илм-фан ва санъат ривожига кўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилди, шунингдек, уларнинг ҳаёти ва ижоди, тарихий мероси ва илмий мактаблари фаолияти ҳақида видеофильм намойиш этилди.

Миллий маънавиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса кўшган боболаримизнинг юбилейлари жаҳонда ва мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланди. Жумладан, Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги (1991 й), Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги (1993 й), Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги (1994 й), Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги (1998 й), Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги (2000 й) ва ҳ.к.

Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Захириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби кўплаб аждодларимизнинг миллий ва маънавий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар қолдирган ижтимоий, илмий тафаккури ва қарашларини ўзида мужассам этган кўплаб асарлари бизга мерос бўлиб колган эди. Қолаверса, мазкур алломаларимиз ўзларининг табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва диний қарашлари ҳамда бадиий ижодлари билан тарихимизда чукур из қолдира олганликлари учун ҳам донғи жаҳонга кетган ва бугунги кунда ҳам қўлланилиб келмоқда. Боболаримиздан қолган мероснинг кўплари йўқолиб кетган бўлса ҳам, сақланиб қолган айrim манбалар, китоблар, рисолалар муаллифларнинг файласуф, қомусий (энциклопедист) олим бўлганликларини яна бир бор тасдиқлайди. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Жумладан: машҳур файласуф, қомусий олим *Абу Наср Форобий*

(873–950) замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билган ва улар ривожига катта ҳисса қўшган, юонон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитгани учун Шарқ мамлакатларида номи улуғланиб, “Ал-Муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристо-телдан кейин), “Шарқ Аристотели” деб юритилган. У қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. Жумладан: “Масалалар манбаи”, “Қонунлар ҳақида китоб”, “Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида”, “Мантиқ ҳақида катта қисқартма китоб”, “Исбот китоби”, “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи”, “Фалсафа тушунчасининг моҳияти ҳақида сўз”, “Фалсафага изоҳлар”, “Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз”, “Мусиқа ҳақида сўз”, “Физика усуллари ҳақида китоб”, “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Шеър ва қофиялар ҳақида сўз”, “Риторика ҳақида китоб”, “Луғатлар ҳақида китоб”, “Хаттотлик ҳақида китоб”, “Баҳт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Шаҳарни бошқариш”, “Фазилатли хулқлар” ва ҳ.к. Форобий “Илм ва санъатнинг фазилатлари” рисоласида табиатни билишнинг чексизлигини, билим билмасликдан билишга томон чуқурлашиб боришини таъкидлайди.

Энг машхур сиймолар қаторидан жой олган қомусий илм соҳиби, йирик табиатшунос ва файласуф *Абу Райҳон Беруний* (973–1048) умри давомида 150 дан ортиқ асарлар яратган. Улардан энг машхурлари «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Маъсуд қонуни», «Минералогия», «Сайдана» ва ҳ.к. Гарчи Беруний фалсафий-ахлоқий масалаларга оид маҳсус асар ёзмаган бўлсада, аммо кўпгина асарларида бу масала ҳақида фикрлар баён этган. У илм-фан ҳомийси бўлиб, мамлакат равнақини фан, маърифат равнақида кўрган.

Шарқ ва Европада «Шайх-ур раис» (“Олимлар бошлиғи”) унвонига эга бўлган аллома *Абу Али ибн Сино* (980–1037) умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган бўлиб, шундан 100 таси бизгача етиб келган. Жумладан, мантиқ, физика, математика, метафизикани тўлиқ қамраб олган «Китоб аш-шифо», 20 томдан иборат «Китоб ул-инсоф», «Донишнома», «Лисонут-тайр (Қушлар тили)», «Соломон ва Ибсол» ва ҳ.к. Унинг «Тиб қонунлари» номли 5 жилдан иборат китоби асрлар давомида Шарқ ва Европада медицина бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда¹.

Жаҳон илм-фани тараққиётiga катта ҳисса қўшган буюк фалакиётчи олим, давлат арбоби *Муҳаммад Тарагай Улуғбек* (1394–

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I-III томлар. – Т., Фан, 1957-62 йй.

1449) математика ва фалакиёт соҳасида баракали ижод қилган. Унинг “Зижи Улугбек”, “Зижи жадиди Кўрагоний” номлари билан ўрта асрлардаёқ шуҳрат қозонган асарида 1018 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган бўлиб, у лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилинган. Маълумотларга кўра, “Зиж”нинг 100 га яқин форсий нусхаси ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки математик асар бунчалик оммавий ва кенг маълум бўлмаган. Бу асарда юлдузларнинг баландлиги ва улар орасидаги масофа, куёш ва ойнинг ҳаракати, тутилиш вақтлари баён қилинган. “Зиж” мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ўрганилган ва шарҳланган. Улугбекнинг математик асари “Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола”, астрономияга оид “Рисолаи Улугбек” (ягона нусхаси Ҳиндистонда, Алигарх университети кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир “Тарихи арба-улум” (“Тўрт улус тарихи”) асаридир.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, улуғ шоир, буюк мутафаккир, йирик давлат арбоби, XV аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси, маданият ҳомийси Алишер Навоий (1441–1501) ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг баҳт-саодати, халқнинг осойишталиги, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишилади. Ўзбек адабий тили ва адабиётини янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди. Ўз даври маданий ҳаётининг ҳомийси ва сарвари бўлиб, кўплаб илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларини етиштириди.

Унинг асарлари орасида “Мажолисун-нафоис”, «Махбуб-ул қулуб», «Мухокаматул луғатайн», “Мезонул-авзон”, “Девонифоний”, «Чор девон», “Мухокаматул-луғатайн”, “Тарихи анбиё ва хукама”, “Сирожун-муслимин”, “Рисолаи тир андахтан”, “Хамса”, “Лисонут тайр”, ислом маънавиятининг буюк сиймолари, хусусан, турк, форс, ҳинд машойихлари тарихига оид «Насоим ул-муҳабbat» («Муҳабbat шаббодаси») кабилар диққатга сазовор. Бу асарлар ниҳоятда муҳим манба бўлиб, ўша давр маънавиятининг жонли сиймоларидан мингга яқин киши ҳақида қимматли маълумотларни ўзида жамлаган ҳамда форс, араб, француз, немис, грузин, турк, итальян, рус ва бошқа бир қатор тилларига таржима қилинган.

Ўзининг бетакрор гўзал санъати билан нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё халқлари маданияти тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиёти учун баракали ҳисса

кўшган буюк мусаввир *Камолиддин Беҳзод* (1455–1535)дир. У “Монийи Соний” (“Иккинчи Моний”), “Шарқ Рафаэли» фахрий унвонини олган, ҳаётлигига ёқ замондошлари томонидан “мусаввирлар пешвоси”, “музахҳиблар етакчиси” каби сифатлар билан таърифланган Беҳзод жаҳон тасвирий санъати тарихида муносиб ўрин эгаллаган. Ҳатто Европалик санъатшунослар ҳам Беҳзод санъати ва маҳоратидан ҳайратланиб уни “Шарқ Рафаэли” деб улуғлаганлар. У Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ҳусрав Дехлавий ва Низомий Ганжавийнинг «Хамса» (Лондон, Британия музейи), Саъдийнинг «Гулистан», Абдулло Хошифийнинг «Темурнома» асарларига мўъжаз тасвирлар ишлаган. Шу билан бирга, Султон Ҳусайн Бойқаро, Султон Муҳаммад [Шайбонийхон](#), Абдураҳмон Жомий, шоир Хатифий (А.Сакисян тўплами), Амир (Бостон, Нафис санъат музейи) ва бошқаларнинг портретини чизган, халқнинг меҳнатини, табиат манзараларини ҳаққоний тасвирлаган.

Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адаб, шоир, олим, марказлашган давлат асосчиси Захириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) кенг дунёқараши, мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурданалари бўлиб, «Мубайинул закот», «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», “Аruz рисоласи” каби асарлари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. “Бобурнома” мемуар асарида Марказий ва Кичик Осиёда, Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида кечган воқелар баён этилган. Бу асар форс, голланд, инглиз, француз, турк, рус, немис тилларига таржима қилинган.

Аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш катта бўлганлигини ёзилган кўплаб илмий ва бадиий асарларда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, мустақиллик йилларида уларнинг илмий меросига бўлган қизиқиш янада ортди. Шу билан бирга, таваллуд топган кунлари байрам қилиниб, ёдгорлик майдонлари яратилди. Улуғ аждодларимизнинг ҳайкаллари юртимизда ва бошқа давлатларда ҳам ўрнатилди. Жумладан, Абу Али Ибн Синога Латвия ва Белгияда, Алишер Навоийга Ўзбекистон (Чирчик, Навоий, Тошкент), Озарбайжон (Боку), Япония (Токио)

ва Россия (Москва)да, Мирзо Улугбекка Ўзбекистон (Тошкент, Самарқанд), Москва, Латвия (Рига)да, Аҳмад Фарғонийга Миср (Қоҳира), Ўзбекистон (Фарғона, Кува)да, З.М.Бобурга Ўзбекистон (Андижон, Наманган)да, Камолиддин Беҳзодга Ўзбекистон (Тошкент) ва Хитойда.

Бугунги ёшлар аждодларимиздан қолган ноёб ва мўътабар илмий-маънавий меросни билиши, асрлаб-авайлаши, уларга муносиб ворис бўлиши, фахрланиши, уни янада бойитиши, кенг тарғиб этиши ва келажак авлодга етказиши муқаддас бурчdir. Шунингдек, миллий-маънавий меросимиз асосида вояга етган ёшларимиз ўтмиш аждодлари каби ватанига содик, миллати учун ўз жонини аямайдиган фидойи инсонлар бўлиб этишишлари шубҳасиздир.

БАДИЙ АУКЦИОНЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Нишинова Ш.Ф, МРДИ талабаси

Санъат асарлари саноқсиз музей ва хусусий коллекциялар бўйича тарқатилган ва деярли ҳар бир коллекциянинг ўз дурдоналари бор. Агар дурдоналар бўлмаса, номаълум рассом картинаси ёки эски нусха асари остида уларни Рафаэль ёки Рембрант, Рокотов ёки Брюллов номлари билан боғлаб турувчи ёрлиқ пайдо бўлади. Бу борада санъатнинг янги соҳаларини қамраб олувчи ва янада кенгроқ ўлчамларни қўлловчи сохта обьектларсиз иш бормайди. Бу борада маълум бир санъат асарини турли қинғир йўллар билан “Ўзимники!” дейиш бирорларни астрономик тахмин билан аукционга етакласа, баъзиларни жиноятга элтади. Кўп сонли нусҳақашлар ҳали Дюрер хаётлигигидаёқ уларга рассом монограммасини қўйганча, «нюренберглик буюк рассом»нинг картиналарини такрорлаганлар. XVI асрда Леопольд Вильгельм Австрийский Дюрернинг 68 та сохта асарини улар асл нусха деган фикрга асосланиб сотиб олган. XVII асрда Голланд ва Италиян рангтасвири оммавий тарзда сохталаштирилди. Голланд антиквариат буюмлар коллекционери Уленборх ўз устахонасида ёш рассомлар асарларни сохталаштириш ишлари билан машғул бўлган. Шундай сохта асарлардан 30 тасини Бранденбург курфюрстига «итальян» картиналари сифатида сотган. Мазкур сохта асарлар қўлга олинган

Амстердам магистранти уларни муҳокама қилиш учун 50 та экспертни жалб қилган, уларнинг ярмиси картиналарни сохта эканлигини тан олишган, ярмиси эса бу фикрни рад этишган. XVIII асрга келиб, XVII аср голланд жанристларининг асарларини қалбакилаштирилар. XIX асрда уларни фламанд усталари картиналари билан биргаликда қалбаки вариантларини яратишиди. Тўғри, бу «дурдона»ларнинг барчаси ҳам қайта ишланмаган, балки кўпинча номаълум рассомнинг ҳақиқий асарига русум бўлиб қолган рассомнинг сохта дастхати қўйилган.

Барчага маълумки, санъатнинг ривожланишида иқтисоднинг ҳам ўрни муҳимdir. Музейларнинг ажойиб ва барча рақобатдан устун бўлган маҳсулоти бор. Музейларнинг тараққиёти, менежмент ва маркетингда ўз маҳсулотидан фойдалана олишидадир. Бугунги кунда, кўпгина замонавий ижодкорлар ишлари юзасидан музейлар қошида ҳам бадиий аукционлар ташкил этилиши долзарб муаммолардан саналади. Аукцион (лотинча *auctio*) – маълум жойда молни “ким ошди” савдоси йўли билан очиқ сотиш усулидир. Аукционда бошқа ҳаридорларга нисбатан энг юқори нарх берган ҳаридор буюмни сотиб олади. Аукционлар мажбурий ва ихтиёрий турларга бўлинади. Мажбурий аукцион суд ёки давлат органлари томонидан турли қарзларни ундириш, ихтиёрий аукцион эса мулк эгаларининг ташабbusи билан каттароқ даромадга эга бўлиш мақсадида уюштирилади. Аукцион халқаро миқёсда ҳам йирик савдо марказларида ташкил этилади.

Бадиий аукционларда баҳолаш мезони ёдгорликни қийматидан келиб чиқсан ҳолда кўрсатилган мавжуд қонун-қоидалар бўйича белгиланади. Бадиий ижоднинг баҳоси ва изланишлари, маҳсус билим, керак бўлса маҳорат талаб этади. Бу борада бадиий аукционлар соҳасида асосий экспертлар фаолият олиб борадиган муҳим тармоқ сифатида ривожланмоқда.

Доимий сохталик индустряси илгарилаб бораётгани учун антиквариатлар бўйича асосий вазифа сохталикни аниқлашдан иборатдир. Бадиий аукционларда ҳам экспертлар қуйидаги кўринишларда изланишларни ташкил этадилар:

1. Техника – технология экспертизаси реставраторлар томонидан олиб борилади.
2. Рентгенолог, химик, графолог ва бошқа аниқ соҳа кишилари зарур бўлган ҳолларда чақирилади.

Денгиз офицери Жеймс Кристи маҳобатли санъат асарларининг ким ошди бозоридаги биринчи илғорларидан эди. У илк марта 1766 йили 5 декабрдан Лондонда бу ишни йўлга қўйди. Тез орада турли қадимий буюмларни сотиш учун маҳсус аукцион залига эга бўлди. Унинг фаолияти энг ривожланган даври 1848 йил ким ошди савдосининг гуллаб яшнаган даври – “Катта арzon сотиш даври”га тўғри келди. Асосан Кристи санъат асарларини сотишда XVIII- XIX асрларни жуда катта ким ошди савдосига айлантириди. Жеймс Кристи хатто антиквариат ишқибози Роберт Валпола коллекцияларини тўпланишида бадиий аукционлар олди – сотдида қатнашди.

Соутбис асосчиси эса китоб сотувчisi С.Бейкер саналади. У биринчи марта 1744 йил қадимий қўлёзма асарлар бўйича ўзининг илк аукционини ўтказди. 1754 йил Бейкер доимий равишида иш юритувчи сифатида аукционофисини очди. Бир аср давомида тадбиркор ва унинг ходимлари фақатгина китоблар савдоси билан шуғулланишиди. Буларнинг орасида машхур княз Талейран, Герцог Юрский ҳамда Наполеоннинг Авлиё Елена оролига сургунда ўзи билан бирга олиб кетган кутубхонаси ҳам бор эди.

1778 йил буларнинг барчаси унинг жияни бўлмиш Бейкер Жон Соутбисга мерос бўлиб қолди. Мазкур фирма 80 йилдан ортиқ муддат ўз фаолиятини давом эттириди. Шунинг учун ҳам корхона “Соутбис” деб атала бошлади. Бу давр оралиғида компания кенгайиб қўшимча гравюра, танга, медал ва ноёб санъат асарларини ҳам сотишни қўлга киритди, лекин доимгидек китоб савдоси билан шуғулланаверди. Сақланиб қолган маълумотларга қараганда мебел ва ранг-тасвир асарлари Кристи аукцион уйига жўнатилган. 1913 йилга келиб эса, бу анъанада Франц Хальснинг ”Эркак портрети” асари, жуда катта ким ошди-савдосида илк бора мебел ва гравюра, картиналар ҳам иштирок этган. 1950 йил охирларига келиб, Соутбис аукционлар ўтказиш бўйича биринчиликни қўлга киритди. Соутбис ёпик клуб эди. У ерда ишлаш учун фақат зодагон табақа вакилларини қабул қилинар эди. 1980 йилга келиб, Соутбис компанияси инқирозга учради. 1983 йил Соутбис америкалик ишбилармон, кўплаб дўконлар эгаси Алфред Таубманга сотилди. Бугунги кунда Сотбисни дунё бўйлаб юздан ортиқ оғислари мавжуд. Шулар қатори Москвада ҳам ўз шахобчасига эга. Унинг йиллик пул айланмаси 2 млд. АҚШ \$дан ошиқ ҳисобланади. Соутбис биринчилардан бўлиб, 2000 йилдан

бошлаб интернет орқали санъат асарлари аукционини ўтказа бошлади.

Дунё бўйича учинчи ўринда турувчи аукцион уйи Бонҳамсдир. У 1797 йил машҳур гравюрачি рассом Томас Додд ва ноёб китоблар сотувчиси Волтер Бонҳамсга тегишилидир.

Бугунги кунда Бонҳамс 70 та категория асосида, рангтасвир асарлари, машиналар, мусиқий асбоблар, гиламлар, дизайн объектлари билан савдо қиласиди. Аукцион уйи дунё бўйлаб йилига 700 дан ортиқ савдо аукционларини ташкил этади.

АҚШдаги (Бонҳамс & Буттер Фиелдс) ва Австралиядаги (Бонхамс & Гоодманс) аукционлари ҳам Бонҳамсга тегишилидир²⁹².

Анча ёшроқ бўлган Мас Доугалс рус санъат асарларига ихтисослашган ягона аукциондир. Мазкур ким ошди савдоси 2006 йилга келиб, 10 миллион АҚШ \$га ошди. Аукцион уйи рангтасвир ва қадими санъат асарларини сотиш бўйича бир неча маротаба рекордлар ўрнатган. Асосий оғиси Лондонда жойлашган бўлиб, ундан ташқари Париж, Москва, Киевда ҳам идоралари мавжуд. Ким ошди савдоси ўртacha бир йилда икки марта ўтказилади. Қадими аукцион уйларидан бири Стокгольм аукцион уйи 1676 йил ташкил этилган. У ўртacha йилига 75 та аукцион савдоларини ўтказади²⁹³.

Кристи аукцион уйи бугунги кунда дунё бўйича энг катта пул айланмасига эга. Унинг асосчиси Жейм Кристи (Жейм Кристи) ўзининг биринчи аукционини 1766 йил 5 декабрда Лондонда ўтказди. У XVIII асрга келиб, Россия билан алоқасини мустаҳкамлаб, малика Екатерина II га ватандоши Роберт Уолполанинг коллекциясини сотиб олишга ёрдам берган. Бу эса Эрмитаж музейи ташкил этилишининг асоси бўлди. Ҳозирда Кристи йиллик пул айланмаси 2,31 млрд. фунт стерлингни (4,67 млрд\$.) ташкил этди. Ушбу аукцион уйи йилига 600 дан ортиқ (ўртacha кунига 2 тадан) 80 хил йўналиш бўйлаб очиқ аукционлар ўтказади. Булардан хайкалтарошлиқ, заргарлик, фото асарлар, мебел, соатсозлик, вино, машина ва бошқа турларни санаб ўтиш мумкин. Кристининг 43 давлатда 85 та оғиси фаолият кўрсатади. 5 та қитъа бўйлаб, ўзининг 14 та савдо бинолари бор. Булардан, Лондон,

Нью-Йорк, Лос Анжелос, Париж, Женева, Милан, Амстердам, Тель Aviv, Дубай, Гонконг, Россия, Хитой,

²⁹² Auktsion.ru\history\14632.html интернет сайти

²⁹³ Auktsion.ru\history\14632.html интернет сайти

Ҳиндистонда ҳам савдо уйларини очди. Кристининг ҳозирда Москвада доимий рус бўлими ҳам очилган бўлиб, ҳозирда ушбу савдо уйи энг тез ривожланаётган шаҳобчалардан саналади. Россияда 2015 йил унинг пул айланмаси 67,9\$ млн. Булар қаторида бир неча янги рекордлар ўрнатилди²⁹⁴.

ЁШЛАРНИНГ МАЬНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯСИДА МУЗЕЙЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳамирова Д.У, МРДИ магистранти

Мамлакатимиз тарихидаги муҳим саналарга бағишлиб музейлар тайёрлаб ўтказаётган кўргазма ва тадбирлар ёшларниң маънавий-маърифий тарбиясида муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз. Лекин ёшларни тарбиялашда илғор мамлакатлар музейлари тўплаган ижобий ютуқларни умумлаштириб, жаҳон музей педагогикаси фанининг бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида тўплаган тажрибасининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил этиб, мос ва хос дастурлар ишлаб чиқишини бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Тадқиқот ишида ёшларни ватанга муҳаббат, миллий ғоя руҳида тарбиялашда музейлар фаолиятида қандай жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлигини жаҳон музейлари тажрибасидаги ижобий ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда аниқлашга ҳаракат қилинди. Зеро, энг илғор музейлар ёшлар билан ишлашнинг қатор босқичларидан ўтиб, ушбу масалада нафақат амалий фаолият тажрибасига эга бўлдилар, балки қатор назария ва концепцияларни ҳам яратдилар. Бу тажриба натижалари ўрганилиб, таҳлил этилар экан, уларни тўғридан-тўғри, айнан қўллаш керак дейилмайди. Республика маориф тизимини такомиллаштириш, жамият ҳаётида музейларнинг ролини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш, музей муҳитида ва маориф муассасаси педагогик муаммоларни ҳал этадиган кун тартибидаги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу вазият нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг аксарият мамлакатларида мавжуд. Музей ва таълимнинг ўзаро алоқалари илм ва фаннинг турли соҳалари ҳамкорлигининг самарасидир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, музейнинг умумтаълим жараёнига киритилиши, инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан жуда тез ўзгариб бораётган оламда фақат яшашга тайёрлабгина қолмасдан, унинг содир бўлаётган ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол

²⁹⁴ Auktsion.ru\history\14632.html интернет сайти.

иштирокчисига айланишига хизмат қиласы.

Мутахассислар 1919 йилдан бошланғич ва ўрта мактаблар, бошқа таълим муассасаларида иш олиб боришининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб амалиётга татбиқ эта бошлайдилар. Томошабинлар билан ишлашда тўпланган тажрибаси, бадиий музейлар мақсадларининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда Д.Хайд музей фаолияти ва аҳамиятини қўйидагича ифодалаган: «Музей болаларнинг маърифий билимлар олишига, катталарнинг эса соғлом ҳаёт тарзи, дам олиши ва билимларини оширишга шароит яратиши лозим. У талаба учун билимлар хазинаси, рассом учун эса илҳом берувчи манбага айланиши керак. Унинг таъсири одамларнинг ўз уйларида сезилиши ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётида акс этмоғи даркор. Ушбу тажриба асосида турли тоифадаги томошабинлар учун ўзига хос дастурлар ҳам ишлаб чиқилган эди:

1. Омманинг дам олиши ва қўнгилхушлиги;
2. Билим даражасини ошириш (шу жумладан санъатшунос, талаба ва рассомлар);

3. Болалар манфаатлари учун. Ўзининг долзарблигини бугун ҳам йўқотмаган бу қонун-қоидалар, музей педагоги вазифасини томошабинлар ва санъат асарлари орасидаги боғловчи восита сифатида тушунади. Аммо кўпчилик музей намояндалари қўллаган эстетик йўналиш маориф амалиётига кўра музей иши мақсадлари назариясига яқинроқ эди. Музейнинг маърифий фаолиятини Г.Кершенштайнер қўйидагича ифодалайди: музей–педагогик жараённинг услуби, маориф мазмунни мантиқи, ўқувчиларнинг руҳий ҳолати ва маърифий жараённинг мақсадлари билан боғлиқ; музей педагогик жараёни мактаб ўқув режаси тизимиға монанд бўлиб, фарқи «буюмларнинг таснифига эмас, уларнинг ўзи билан ишланиши»га мос бўлиши; музей томошабинга мавжуд «педагогик-ёрдамчи воситалар» (матнлар изоҳи, кинофильм, макет ва ҳоказолар) кўмагида ўз кўзи билан технологик ёки ижодий жараёнларни кўриш имкониятини яратиши лозим. Шу тариқа Германия музейи «ўқув қўлланмалари витринаси» ролидан воз кечиб, маориф жараёнида ўз ўрнини топди. А.Лихтварк тажрибасини ривожлантирган Г.Фройденталь музейлар маърифий фаолиятида илк бор музейда мактаб машғулотлари ўтказиш педагогик усулларини ишлаб чиқди ва жорий этди. Энг муҳими, услугда педагогик фаолиятнинг тайёргарлик ўтказиш ва мустаҳкамлаш босқичлари кўзда тутилган

эди. Г.Фройденталь музей педагогини, мактаб ўқувчиларини музейда таълим жараёнини ташкил эта оладиган мутахассис деб ҳисоблаб, кичик ёшдаги ўқувчиларни ўлкашунослик, табиатшунослик ва бадиий музейларни, катта синфдагиларни эса, техника ва маҳсус музейлар билан таништиришни тавсия этган. Олим ўз асарида Гамбургдаги олтига музей кўргазмаларининг мактаб дастурларини изоҳлаб беради. Эътиборлиси шундаки, Г.Фройденталь «музей педагоги» атамасини биринчи бўлиб таклиф этишидан ташқари, унинг педагогик маълумоти бўлиши, музей муҳитида таълим жараёнини ташкил эта олишини ҳам назарда тутиш лозимлигини таъкидлаган. Музей ва мактаб орасидаги муносабатлар масаласи билан А.Рейхвейн ҳам шуғулланган. У музейларнинг педагогик фаолияти муваффақиятини қўйидаги шартлар билан боғлайди: музей экспозициясининг мактаб таълими вазифалари билан ҳамоҳанг тузилиши; музейга ўқитувчининг синф билан келиши олдиндан келишилган бўлиши; музейда ўқитувчи билан синф яхши ижодий алоқа ўрнатиши; ўқитувчилар ўзларининг ижодий уюшмаларида музейга эътибор қаратмоғи; музей илмий ходимлари ўқитувчиларни тайёрлашда қатнашиши; музей маориф муассасаси сифатида турли касб ўқитувчилари учун очиқ бўлмоғи лозимлиги. Шу билан биргаликда А.Рейхвейн музейни ўқув қўлланмалари билан тўлатиш эмас, умумий музей тўплами асосида мактаб талаб этган мавзуларда экспозициялар яратилиши кераклигини таъкидлайди. Германиянинг музей педагогикасига қўшган ҳиссасини умуман ижобий баҳолаб, унинг айрим жиҳатларидан бугунги кунда ҳам фойдаланиш мумкин.

Музейлар ўз фаолиятида таълим-тарбиянинг назарий жиҳатларини ҳам ҳисобга олишлари зарур. Замонавий музейларнинг маърифий фаолиятида учта: англаш, ижодий ва ижтимоий йўналишларни кўриш лозим. Шахснинг ижтимоий шаклланишида санъат алоҳида ўрин тутиб, унинг юксак намуналари бадиий музейларда жамланган. Давр ва маданиятлар орасидаги боғловчи воситаси бўлган санъат атроф-муҳитни англаш тажрибасини ошириб, инсонни маърифий тарбиялашдан ташқари, энг аввало унга номаълум янги билимларни беради. Мазкур мавзудаги масалаларини тадқиқ этиш натижасида шундай хуносага келинди: мустақиллик шароитида музейларда ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда қатор ибратли ишлар қилинмоқда, лекин мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмагани кўзга

ташланади; келгусида ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси борасида хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларни қўллаш ва ушбу тадқиқотда келтирилган усуллардан кенг фойдаланиш лозимлиги тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика. – Москва: Высшая школа, 2004.
2. Молоканова Т.В. Музей и школа: возможности взаимодействия // Проблемы педагогики средней и высшей школы / Сборник. Вып.1. Калинин: Калининский госуниверситет. 2004.
3. Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. Тошкент: Санъат, 2010.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК САНЪАТИДА БУЮК СИЙМОЛАР ОБРАЗИ

Умарбекова Ш, МРДИ магистранти

Мустатақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда соғлом маънавий мухитни шакллантириш, миллий қадриятларни тиклаш, тарихий маданий ўзлигимизни англаш масалалари устувор аҳамият касб этди. Аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратиб келинган бебаҳо маънавий меросимизни қайта тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистонда янги маънавий ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди. Тарихий, маданий, маънавий, аҳлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари ўзининг кўриниши билан тасвирий санъат соҳасида яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, ҳайкалтарошлиқ санъатида эътиборга сазовор ижодий ўзгаришлар юз берди. Эътироф этиш керакки, маҳобатли ҳайкалтарошлиқ тарихий мухит ва унинг руҳини ўзида мужассам этувчи бадиий восита бўлиб, у асосан жамиятнинг муайян даврдаги илғор ғояларини тарғиб қилишда мухим бадиий восита ҳисобланади. Шунуктаи-назардан маҳобатли ҳайкалтарошлиқ ижодий фаолияти ҳам маънавий-маданий заруратлар таъсирида намоён бўлди. Бу заруратларни бир сўз билан узоқ ва яқин тарихдаги маданий меросимизга бўлган эътиборнинг юксалишида эканлигини айтиб

ўтиш лозим. 1990- йилларда етакчи ўринга кўтарилиган миллий ғояни ҳайкалларнинг бадиий ифодасига сингдириб, ўтмиш тарихимиз, маънавий-маданий меросимизни моҳиятан асл кўринишда тасвирлашга алоҳида ёндошилди. Алломаларнинг таваллуд кунларини тантанали равища нишонлаш, йилларни аждодларимиз номи билан аталиши доирасида уларга атаб ёдгорлик ҳайкаллар ўрнатиш анъана тусини олди. Натижада маҳобатли ҳайкалтарошлиқда тарихий жанр олдинги давр ёндошувидан фарқли равища соҳанинг миллий мақомини ошира бошлади. Ҳайкалтарошлар олдида турган мақсадлар қўхна ва бой тарихимизни тиклаш, уни бир бўлаги бўлган аждодларимизни эркинлик ва озодликка бўлган интилишларини тасвирлаш орқали ифода этишдан иборат. Миллий онг, миллий ғуур бугунги истиқолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ, Тўмарис, Беруний, Форобий, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Амир Темур, Бобур, Навоий, Улуғбек каби юзлар зотлар асос солганлар. Уларнинг образлари рассом ва ҳайкалтарошлар ижодида намоён бўлиши тарихимизни тиклаш, қадриятларимизни бутунлай англаб етиш каби ғояларни илгари суради. Шу сабабли 1990 йилдан бошлаб мамлакат ҳудудида миллий ҳайкаллар бунёд қилинди. Пировардида республиканинг шаҳар марказларида юртимизнинг буюк мутафаккир-алломалари, адолатли ҳукмдор ва саркардалари, олимлари каби ҳайкаллар ўрнатилиб, янги муҳитни шакллантиришга изчил киришилди.

Бу жараён бир йўла янги истеъодод эгаларини ҳам саралаб берди. 1970-80-йилларда маҳобатли ҳайкалтарошлиқ бўйича ўз тажрибасини синаб кўрган Илҳом Жабборов, Камол Жабборов ва Жамолиддин Миртоҷиевлар эътибор қозона бошлади. Улар замон эҳтиёжини қалбан ҳис этиб, маъсулият юкини кўтара олдилар. 1991-йилги тарихий воқеа, мустақилликдан илҳомланиб, аждодларимиз сиймосини ихлос билан ишладилар. Улар янги мафкуравий эҳтиёжларга мувофиқ изланиш олиб бориб, образларни ҳақчил равища таъсирли, мозий руҳини ҳам ифодали ёритишга интилдилар. Қисқа тарихий давр мобайнида буюк аждодларни шарафлаш, шаҳидлар номини хотирлаш ҳамда рамзий композицияли тамойилларда ўзига хос миллий мактаб тажрибаси тўпланди. Буюк сиймоларни шарафлаш тамойили тарихий жанрли барча ҳайкаллар учун хос бўлиб, образлар тавсифига кўра турли характерга эга бўлди. Масалан, саркардалар образи – мардонавор қиёфали ва реалистик ифодали, аллома-ҳукмдорлар образи эса

комил шахс сиймоли ва мумтоз ифодали қўринишда бажарилди. Бу борада Амир Темурнинг ҳайкали (Тошкент, 1993) нафақат саркарда қўринишида, балки адолат ва бунёдкорлик тимсоли сифатида ҳам қад кўтарди. Шунингдек, мазкур тамойил бўйича Самарқанд, Шаҳрисабз ва Қаршида Амир Темур ёдгорликлари (1996), Урганчда Жалолиддин Мангуберди (1999), Термизда Алпомиш (1999) ёдгорликлари бунёд этилди. Ҳукмдор-алломаларга аталган “Мирзо Улуғбек” (Тошкент, А.Раҳматуллаев, Л. Рябцев), “Мирзо Бобур” (Андижон, Ж.Миртоҷиев, 1993), “Мирзо Бобур” (Наманган, М.Раҳмонбердиев, 1999), “Абулғозийхон” (Урганч, Ш.Усмонов, 1994) каби ҳайкалларнинг ижодий ёндошувлари бошқа асарлардан кўра эътиборлидир. Жумладан, бу ёдгорликлар орасида меъморий қурилмалар остига ўрнатилганлари ҳам борки, улар – гумбазли, яrim айланасимон ва равоқли воситалардан иборат янги услубда қад кўтарди. Масалан, гумбазли туркумга “Алишер Навоий” (Тошкент, 1991), “Ал-Фарғоний” (Кува, 1998), “Шаҳидлар ҳиёбони” (Тошкент, 2000); яrim айланасимон туркумга “Ал-Фарғоний” (Фарғона, 1998), “Мотамсаро она” (Нукус, 1999); равоқли туркумга “Оғаҳий” (Урганч, 1996), “Мотамсаро она” (Жиззах, 1999; Андижон, 2001) ҳайкаллари киради. Яна бир қувонарли томони шундаки, ўзбек ҳайкалтарошлари нафақат юртимиз, балки хорижий мамлакатларнинг маҳобатли санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Уларнинг ижодлари хорижда ҳам кенг шухрат топаётгани истиқлол шарофатидан, миллий қадриятларимизнинг бошқа халқлар томонидан тан олинаётганидан, бизнинг тарихимизга чукур ҳурматидан далолат беради. Хусусан, Япония, Россия, Хитой, Миср, Латвия, Белгия, Франция, Хиндистан, АҚШ давлатларида Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Абу Райхон Беруний, Камолиддин Беҳзод, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино сингари улуғ аждодларимиз шарафига бағишлаб ўрнатилган обидалар ҳайкалтарошларимиз яратган сара намуналардан ҳисобланади.

Шаҳидлар номини хотирлаш тамойили ўзининг услубий-ифодавийлигига кўра юқоридаги ҳайкаллардан фарқли равища руҳий изтиробга учраган, ғам-ғуссага чўмган ва жабру-ситам остида қийналган шахслар образидан ташкил топган. Улар ноҳақ айбланиб, шаҳид этилган – Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби адибларимиз номини хотирлаш мақсадида ўрнатилган. Мазкур ёдгорликлар ишланиш услуби ва мақсад-вазифасига кўра мемориал ҳайкалтарошликка мансубдир.

Рамзий композицияли тамойилда янги даврнинг ғоявий-мафкурасини ифодаловчи рамзий ёдгорликлар яратилди. Бунга Мустақиллик майдонидаги “Мустақиллик ва эзгулик арки” (мемор Р.Турсунов), Давлат ва жамият қурилиш академияси ҳовлисидаги “Озодлик” (У.Мардиев) ҳамда Республиканиг айрим вилоят ва туман (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Кўқон ва б)ларига ўрнатилган “Хумо қуши” асарларини мисол келтириш мумкин.

Юқорида қайд этилган тамойиллар ва улар доирасида юзага келган янги ёндошувлар шаҳар муҳитининг миллий тароватини таъминлашда аҳамияти катта. Ҳайкалларни марказий майдонларга ўрнатилиши минглаб томошабинлар қалбида миллий ифтихор туйғусини уйғотиб, ўтмиш аждодларимизга эҳтиром фазилатини мустаҳкамлайди. Маҳобатли ҳайкалларнинг шаҳар муҳити билан бадиий муносабати буюк аждодлар шахсини шарафлаш тамойилига мансуб ёдгорликларда, айниқса, уйғунлик касб этади. Бир сўз билан айтганда, Мустақиллик даврида Ўзбекистон ҳайкалтарошлиқ санъати истиқболли ривожланиш босқичларини бошидан кечириб, ўзига хос ижодий муаффақиятларни қўлга киритмоқда. Албатта, бу ютуқ ва муваффақиятларнинг барчасини кичик бир мақолада тўла санаб ўтишнинг имкони йўқ. Энг муҳими, улар халқимизнинг кўз ўнгida намоён бўлиб, аждодларимиз номини улуғлаш, улар билан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш ҳамда уларнинг эзгу ишларини давом эттириш учун яратиб берилаётган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда, юртимиз шуҳратини жаҳонга янада кенгрок ёйишда ўз ҳиссаларини қўшишлари муқаддас бурчdir.

Адабиётлар рўйхати

1. И.А Каримов “Истиқлол ва маънавият”. Т. Ўзбекистон 1994 й.
2. Хайруллаев М.Буюк сиймолар, алломалар. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1997.
3. Ахмедова Н.Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. Тошент, 2004.
4. Ҳакимов А.“Ўзбекистон тасвирий санъати антологияси”. Т.С. 2011 й.

МУЗЕЙГА ТОМОШАБИНЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ
Рафикова Д, МРДИ талабаси

Маълумки, инсон ўзининг ўтмишини авлод аждодларини тарихини урф-одат ва қадриятларини турли манбалар орқали ўрганади. Тарихни холисона намойиш этадиган объектлардан бири – бу музейдир.²⁹⁵ Музейлар тўғрисидаги умумий тушунчани тўла англаш учун уларнинг ижтимоий-маданий вазифасини очиб беришга кўмаклашиши мумкин бўлган “маданият- жамият - шахс”деган ёндошиш тизими тўғри келади. Инсон музей фаолияти орқали ижодий иқтидорини ошириб ҳордиқ чиқаради. Ўзбекистонда фаолият юритаётган ҳар бир музей ўз ўрнига, ўз мавкейига эга. Музейларимиз томошабинларга ҳордиқ чиқаришлари, ахборот олишлари учун имкон яратади ва шу билан бирга жамиятнинг маданий ривожланишига ҳам катта хисса қўшади. Музей фаолиятининг асосий функцияси бу жамият учун хизмат кўрсатишdir. Хозирги замонавий ривожланган мамлакатларда музей энг кадрли ва энг омма куп ташриф буюрадиган маскан хисобланади

Хўш бугунги кунда Республикаиздаги музейларимизга ташриф буюрувчилар сонини ошириш учун қандай чора тадбирлар амалга оширилиши лозим деган савол туғилади. ҳар бир фаолият олиб бораётган замонавий музей бу масала юзасидан ўзининг тўғри ва самарали йўлинни режалаштира олиши зарур. Энг аввало жамият орасида музейлар фаолиятига оид ижтимоий сўровни амалга ошириш керак. Ижтимоий сўров натижасини ўрганиб чиқиб, таклифлар ва мулохазаларни инобатга олган ҳолда музейларга янгиликларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Музей экспонатлари намойиши доимо ташриф буюрувчи томошабиннинг дикқат марказида бўлади. Шунинг учун ҳам бу экспонатларни мазмунли ва тўлақонли намойиши қилишни йўлга қўйиш лозим. Бунда экспонатнинг этикетажига шу экспонат ҳақида унча кўп бўлмаган маълумот киргизилади ва намойиши қилинаётган буюмнинг турли ҳолатдаги ёки фойдаланилган шароитидаги фотоси қўйилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса томошабинга ўзгача таъсир этиб, тасаввурининг кенгайишига олиб келади. Томошабинни музейларга жалб қилишнинг яна бир муҳим йўлидан бири бу-Музей имдзи ва рекламасидир.

Музей имиджининг ташкил этишдан кузда тутилган мақсад:

1. Музей ўз ўрнини топа олиши, ёки ўз маркаси билан бошқа музейлардан ажralиб туриши;

²⁹⁵ Республика илмий –назарий анжумани материаллари Музейлар замонавий Ўзбекистон маданияти тизимида. - Тошкент: Санъат журнали нашриёти. 2007. – 221 б.

2. Ташриф буюрувчиларнинг музейга бўлган хурматини ошириш;

3. Музейни юқори даражага кўтариш;

4. Музей ўз белгиси билан оммавий бозорга чиқа олиши (яъни ташриф буюрувчилар ёки музей билан қизиқувчилар оммавий бозор деб юритилган.)

Имиджни ташкил этишда музейда катта мажлислар ўтказилиб, танланган имидж борасида музей директоридан тортиб, гардиробчиларгача бу марка тўғрисида маълумот берилиши ва бу имидж остида музей ходимларининг сидқи дилдан иш олиб боришлирга эришилиши лозим.

Музейга ташриф буюрувчилар 2 гурӯҳга булинади :

1. мактаб укувчилари ва талабалар ;

2. туристлар, оиласлар, нафакадагилар.

Имидж танлананаётганда ҳар томонлама музейга тўғри келиши яхшилаб ўйлаб кўрилиши керак. Имиджни танлашда Маданият ва спорт ишлар вазирлиги, музей бошкарувига тегишли идоралар, музей хомийлари ва музейлар учун кадрлар тайёрловчи муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб бориши зарур.

Танланган имидж томошабиннинг кўз олдида музей туғрисидаги биринчи таъсуротни бера олиши керак. Музей имиджи музейнинг ички ва ташқи характеристидир. Музей рекламаси устида ҳам иш олиб бориш керак. Реклама ҳозирги даврга келиб зарурий эҳтиёжга айланиб улгурди.

Рекламанинг функциялари куйидагилардан иборат:

-Реклама қилинувчи ҳақида хабар беради;

-Имиджни ишлаб чиқади;

-Фаолияти ҳақида хабар беради;

-Эслатма хосил қилишга ундейди.

Демак, музей имиджи ва reklamasasi бир-бири билан узвий боғлиқ.

Музейларни реклама қилишнинг бир неча хил турларини ўйлаб чиқиши керак. Масалан музейга ташриф буюрувчиларга музей тасвири туширилган значоклар берилиши ёки музейдаги экспонатларнинг кичкина ҳажмдаги нусхаларини чиқариб томошабинларга тақдим этилиши мумкин. Кучаларда музей тасвири ва ундаги нодир экспонатларнинг тасвири туширилган банерларнинг осилиши ва бошка реклама лойиҳаларини ташкил этиш мумкин. Қачонки музей ходимлари ва музей соҳасида иш олиб борадиган ташкилотлар ва шахслар музей рекламаси ва

имииджи хусусида иш олиб борсалар, бу музейларда албатта ривожланиш ва юксалиш булади, шундагина музейларимизга ташриф буюрувчиларнинг сони ортади ва бу музей фаолияти билан қизикувчилар, ҳамкорлар, хомийлар купаяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Особенности музеиного маркетинга.-М.,2010.-С.3.
2. Содикова Н.Маданий меросимиз хазинаси.Т.,1981.
3. Музейлар замонавий Узбекистон маданияти тизимида:Республика илмий-назарий анжумани материаллари.-Т.:Санъат,2007.

O'ZBEKISTONDA TURIZMNING TARAQQIYOT XUSUSIYATLARI

Sharofiddinov M.M, NamDU talabasi

Bugungi kunda turizm jahon xo'jaligi tarmoqlarida eng serdaromad va tez rivojlanib borayotgan sohaga aylandi. U jahon yalpi daromadining 10% ini, jahon eksportining 8 % ini, jahon xizmatlar savdosining 30 % ini, jahon yalpi mahsuloti-ning 11 % ini, soliq tushumining 5 % ini tashkil etmoqda. O'tgan asrning 50-yillarida turizm orqali tushgan daromad 2,1 mlrd AQSH dollarini tashkil etgan bo'lsa, hozirgi kunda bu ko`rsatkich 444,7 mlrd AQSH dollarga o'sgan. Bu sohadan katta miqdorda daromad oladigan jahondagi dastlabki o`rirlarni egallovchi davlatlarga quyidagilar kiradi: AQSH (74,2 mlrd \$), Italiya (30,4 mlrd \$), Fransiya (29,7 mlrd \$), Ispaniya (29,6 mlrd \$), Buyuk Britaniya (21,3 mlrd \$), Germaniya (16,8 mlrd \$), Xitoy (12,5 mlrd \$), Kanada (10 mlrd \$) va boshqalar²⁹⁶.

Keyingi yillarda dunyo turizmida 820 mln kishi ishtirok etib, ularning migratsiyasi mintaqalarda turizm industriyasini rivojlantirishga katta hissa qo'shmoqda. Natijada uning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati ortib, ko'plab davlatlarning eng asosiy xo'jalik tarmog'iga aylandi.

Turizm jahondagi ko'pgina mamlakatlar singari respublikamiz iqtisodiyotiga o'zining hissasini qo'shayotgan qishloq xo'jaligi, sanoat, transport va boshqa makroiqtisodiy tarmoqlar qatori rivojlanib bormoqda. Biroq, hozirgi paytda turizm imkoniyatlari O'zbekiston Respublikasida samarali foydalanilmayotganligi tufayli u xalq xo'jaligining asosiy tarmoqlari ko'rsatkichlaridan ancha orqadadir.

²⁹⁶Mirzaahmedov H.S., Makulov J.T.,Qoriyev M. Namangan viloyatida turizmni rivojlantirish muammolari va ularni hal etishning ustuvor yo`nalishlari// Фарғона водийси географлари уюшмасининг илмий –амалий семинари материаллари. - Namangan: 2015. - B.157.

Ta'kidlash joizki, O'zbekistonning geografik o'rni turizmni rivojlantirishda Markaziy Osiyo davlatlari ichida ancha qulaydir. Bu borada Respublika Prezidenti I.A.Karimov o'z asarida, "Amudaryo va Sirdaryo oralig'ida joylashgan O'zbekiston xalqaro aloqalarini yo'lga qo'yish nuqtayi nazaridan va o'z taraqqiyot istiqbollari jihatidan qisman qulay jo'g'rofiy-strategik mavqega ega. Qadim zamonlarda Sharq va G'arbni bog'lab turgan Buyuk Ipak yo'li O'zbekiston hududi orqali o'tgan. Bu yerda savdo yo'llari tutashgan, tashqi aloqalar hamda turli madaniyatlarning bir-birini boyitish jarayoni jadal kechgan. Bugungi kunda ham Yevropa va Yaqin Sharqdan Osiyo-Tinch okeani mintaqasiga olib boradigan yo'llar shu yerda kesishgan" – deb yozadi²⁹⁷.

Darhaqiqat, mamlakatimiz sivilizatsiya o'choqlaridan biri sifatida dunyo xalqlari madaniyati, san'ati, arxitektura, shaharsozlik va ilm faniga ulkan hissa qo'shdi. Olkamiz uzoq yillar davomida jang-u jadallar natijasida vayronalarga aylantirildi. Ammo O'zbekistonning qulay geografik o'rni uning yanada taraqqiy etishi uchun katta ahamiyat kasb etdi. Binobarin, mintaqaning rivojlanishida bevosita turizmning hissasi nihoyatda salmoqli bo'lgan. Chunki, Buyuk Ipak yo'li tugunida joylashgan yurtimizda savdo-sotiq va boshqa aloqalardan tushgan daromadlar mamlakat xazinasiga katta ulush qo'shganligi shubhasizdir.

Ma'lumki, mintaqamizdan yetishib chiqqan buyuk siymolar, ya'ni ulug' ajdodlarimiz: Imom Buxoriy, Imom Termiziy, Xoja Bahouddin Naqshband, Al-Moturudiy, Al-Farg'oniy, Xo'ja Ahror Vali, Xo'ja Ahmad Yassaviy, Al-Xorazmiy, Beruniy, Ibn Sino, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Zahiriddin Muhammad Bobur va boshqalarning milliy, ma'naviy va madaniy merosi bizning ulkan boyligimiz bo'lib, ular qoldirgan ko'plab tarixiy, diniy qadamjolar, tarixiy obidalari dunyo sayyoohlarida katta qiziqish uyg'otadi. Jumladan, O'zbekiston tarixiy obida va yodgorliklarga boy bo'lgan shaharlari hamda o'ziga xos tabiatni hamisha jahon sayyoohlarini o'ziga jalb qilib kelgan. Biroq, sobiq sho'rolar davrida turistik aloqalarning markaz tomonidan boshqarilishi tufayli mustaqil ravishda turizmni rivojlantirish imkoniyatlari cheklangan edi.

O'zbekiston turizmining o'tmishiga nazar tashlaydigan bo'lsak, u bevosita uzoq tarixga borib taqalsa-da, ammo tarmoq sifatida yaqin davrda paydo bo'lgan. Respublikamiz hududida dastlabki ekskursiya sayohati byurosi 1936-yilda ochildi va O'zbekiston kasaba uyushmasi

²⁹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Тошкент: Ўзбекистон. 1997. – Б. 227-228.

qoshida “Sayohat-ekskursiya boshqarmasi” tashkil etildi. Bu tashkilot yaqin va uzoqlarga uyushtiriladigan safarlar bilan shug’ullandi. 1962-yilda respublikaning viloyat va o’lkalari qoshida ham sayohat byurolari tashkil etiladi. 1982-yilga kelib viloyatlar va Qaraqalpog’istonda jami 13 ta “Sayohat va ekskursiya soveti”, 29 ta “Ekskursiya va safarlarga chiqaruvchilar byurosi”, 5 ta sayohatchilar mehmonhonasi, 12 ta turistik baza va kempinglar barpo etiladi²⁹⁸.

Sayohatlar aksariyat ittifoqdosh respublikalarga markaz tomonidan tasdiqlangan dastur asosida amalga oshirilgan. Bu davrlarda respublikada sayohatlar ko’proq sport, o’lkashunoslik, alpinizm, sog’lijni tiklash hamda boshqa ittifoqdosh respublikalar bilan tanishish maqsadlarida olib borilgan.

O’zbekiston mustaqillikka erishgandan keyingi dastlabki yillardan boshlab iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida tub islohatlar va o’zgarishlar davri boshlandi. Respublikaning suveren davlat maqomida dunyo mamlakatlari tomonidan tan olinishi, 120 dan ortiq davlatlar bilan rasmiy diplomatik munosabatlarning o’rnatilganligi, shuningdek, Toshkentda ko’plab mamlakat elchixonalarining ochilishi qisqa davr ichida O’zbekistonning jahon hamjamiyatiga kirib borishida muhim qadam bo’ldi.

Aytish joizki, O’zbekiston o’z mustaqilligini mustahkamlash, iqtisodiyotini rivojlantirishda jahon tajribasidan keng foydalanmoqda. Bu o’rinda turizm sohasini rivojlantirishga davlat tomonidan katta imkoniyatlar yaratilmoqda. Jumladan, turizm faoliyatini yaxshilash maqsadida O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 1992-yil 27-iyulidagi farmoni bilan sayohat sohasida respublikada yagona siyosatni amalga oshiruvchi maxsus davlat organi – “O’zbekturizm” milliy kompaniyasi tashkil etildi. Bu kompaniya qoshida viloyat va mintaqa filiallari ochildi. 1993-yil Bali shahrida bo’lib o’tgan Butunjahon turistik tashkilotini 10-sessiyasida “O’zbekturizm” milliy kompaniyasi ushbu nufuzli tashkilotga to’la huquqli a’zo bo’ldi.

Shu bilan birga 1995-yil 2-iyunda Prezident I.A.Karimovning “Buyuk Ipak yo’lini qayta tiklashda O’zbekiston Respublikasini ishtirokini avj oldirish va respublikada Xalqaro turizmni rivojlantirish” to’g’risidagi chiqargan Farmoni mamlakatimizda turizmini rivojlantirishda dastlabki qadamlardan biri bo’ldi²⁹⁹.

²⁹⁸ Мирзамахмудов О., Отамирзаева М. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг айrim жиҳатлари. // Фарғона водийси географлари уюшмасининг илмий –амалий семинари материаллари. - Namangan: 2015. - B. 56.

²⁹⁹ Lex.uz

Shuningdek, turkiy tilli davlatlar boshliqlarining 1996-yil oktyabr oyida Toshkent shahrida o'tkazilgan IV – uchrashuvida prezidentimiz “Buyuk Ipak yo'lini tiklash, ma'rifiy turizmni rivojlantirish, turkiy tilli davlatlarning madaniy me'rosini qayta tiklash, asrash va barqaror rivojlantirish” dasturini birgalikda ishlab chiqish, maqsadli sayyohat yo'nalishlarini kengaytirish va sayyoqlikning tegishli infratuzilmasini rivojlantirish to'g'risida takliflarni oldinga surdi. Bundan tashqari, 1998-yil 15-aprelda qabul qilingan “2005-yilgacha bo'lган davrda O'zbekistonda turizmni rivojlantirish davlat dasturi” to'g'risidagi Vazirlar mahkamasi qarori turizmning kelajak istiqbolini belgilashda katta ahamiyat kasb etdi³⁰⁰.

Yuqoridagi qaror va farmonlar asosida qisqa vaqt ichida respublikamizning ko'pgina mintaqalaridagi tarixiy, diniy obidalar, buyuk siymolar qabrlari, dahmalari, masjidu madrasalarini qaytadan tiklash va ta'mirlash ishlari keng miqyosda amalga oshirildi. Bu bevosita turistik obyektlarning ko'payishiga va yaxshilanishiga olib keldi.

Respublikamizda hozirgi paytda 4000 dan ziyod tarixiy obidalar, monu-mental-arxitekturaga xos bo'lган manzillar mavjud. Bular Buddha diniga mansub topilmalar, Iskandar Zulqaynar yurishlari, arablar istilochiligi, mo'g'ullar bosqini hamda Amir Temur va temuriylar imperiyasi va boshqa davrlardan dalolat beruvchi sayyoqlik obyektlarini tashkil etadi. Ammo ulardan bor yo'g'i 500 tasi turistlarni qabul qila oladi, xolos. Shundan faqatgina 200 ga yaqini xalqaro talablarga javob bera oladi³⁰¹.

Shuningdek, O'zbekistonda dunyo tarixiy yodgorliklari qatoriga kirgan 21 ta tarixiy joylar aniqlangan. Bundan tashqari, mintaqamizda tabiiy iqlim xususiyatlari bilan bog'liq 90 dan ortiq iqlimiyl, tabiiy hamda kishilar salomatligi uchun eng qulay davolash maskanlari bor. Ular asosan tog' va tog'oldi mintaqalarda joylashgan. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda aytish mumkinki, O'zbekiston o'zidagi mavjud turistik obyektlar (madaniy, tarixiy, arxitektura, arxeologik obidalar, ziyyaratgohlar, aziz sanalgan qadamjolar, dam olish, sog'lomlashtirish va h.k) salohiyati jihatidan nafaqat O'rta Osiyoda, qolaversa dunyoda o'ziga xos mavqege egadir.

Chunonchi, hukumatimizning oqilona siyosati va Prezidentimiz tashabbuslari bilan 1998-yilda islom ahlining buyuk olimlari,

³⁰⁰ Мирзамахмудов О., Отамирзаева М. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг айрим жиҳатлари. // Фарғона водийси географлари ўюшмасининг илмий –амалий семинари материаллари. - Namangan: 2015. - B. 57.

³⁰¹ O'sha joyda.

hadisshunoslari va islomiy bilimlarning dunyo miqyosida rivojlanishiga katta hissa qo'shgan Imom Buxoriy, Al Farg'oniy, Marg'iloniy, At-Termiziyy, Motrudiyy va boshqa zotlarning qadamjolari va qabrlarini qaytadan tiklash ishlari respublikada mahalliy va xalqaro sayyoohlilikni rivojlantirishda katta ahamiyatga molik bo'ldi.

Bundan tashqari, yuqori saviyada o'tkazilgan BMTning Samarqand (1994) va Xivada (1999) qabul qilingan deklaratsiyalarida O'zbekistonda turizm industriyasini rivojlantirishga e'tiborni kuchaytirish lozimligi ta'kidlab o'tildi. 1993-yilda tasdiqlangan "Alovida muhofaza etiladigan tabiiy hududlar to'g'risida" O'zbekiston Respublikasining qonuni hozirgi va kelajak avlod manfaatlarini ko'zlab noyob hamda ekologik, ilmiy, madaniy, estetik, sanitariya, sog'lomlashtirish, iqtisodiy nuqtai nazardan milliy boylik va umumxalq mulki bo'lmish bebaho tabiiy obyektlarning muhofaza etishning umumiyligi va tashkiliy asoslarini belgilab berdi.

1994-yil Toshkentda "Buyuk Ipak yo'lida turizm" mavzusida o'tkazilgan xalqaro yarmarka O'zbekistonda turizm taraqqiyoti va uning boy an'analarini targ'ib qilish borasida muhim voqeaga aylandi. Aytish kerakki, respublikada qisqa davr mobaynida turizmga e'tiborning kuchayishi hamda huquqiy va tashkiliy asoslarining yaratilishi mazkur tarmoqni rivojlantirishni va mavjud imkniyatlardan samarali foydalanish lozimligini ko'rsatadi.

O'ZBEK XALQI UDUMLARI VA ULARNING MA'NAVIYATIMIZ SHAKLLANISHIGA TA'SIRI

Allaberganov O, JDPI talabasi

"Oldin odamlarga moddiy boylik berish, so'ngra ma'naviyat to'g'risida o'ylash kerak,- deydiganlar haq bo'lmasalar kerak, ma'naviyat – insonning, xalqning, jamiyatning, davlatning kuch-qudratidir. U yo'q joyda hech qachon baxt-saodat bo'lmaydi". I.A.Karimov.

Inson hayotida moddiy ehtiyojlar qanchalik muhim ahamiyat kasb etsa, ma'naviy ehtiyojlarga talab undan ham muhimroq hisoblanadi. Ma`naviyatli va e`tiqodli kishi o'z maslagi va vatani uchun jonini fido qilishga ham tayyor inson bo'ladi.

Shu o'rinda ma`naviyat o 'z-o'zidan shakllanadigan narsa emas, u,avvalo, har bir insonning ichki ma`naviy salohiyatini shakllantirish yo'lida barcha moddiy va ma`naviy boyliklarni o'zlashtirish, Vatan va millat manfaatlari yo'lida halol, fidoyilik bilan mehnat qilish jarayonida

shakllanadi. Shu ma`noda ham Prezidentimiz «Ma`naviyat - taqdirning ehsuni emas. Ma`naviyat inson qalbida kamol tapishi uchun u qalban va vijdonan, aql va qo'l bilan mehnat qilishi kerak»³⁰²ligini ta`kidlaydi.

Har qaysi xalq yohud, inson uchun ajdodlaridan meros bo'lib kelagan, kelajak avlodni kamol toptirish uchun xizmat qiladigan muqaddas zamin, ya'ni ona Vatan va xalq bag'rida saqlanib, kelayotgan milliy-ma'naviy qadriyatlar ma'nayiyat negizini tashkil etadi. Bu o'z navbatida, jamiyatda shaxs ma'naviyatining davrlar oralig'idagi xilmashil an'analar, udum³⁰³ va marosimlar tarzida ijtimoiy hayotda namoyon bo'lishini ko'rsatadi.

Har bir inson uchun o'zi tug'ilib o'sgan joy muqaddas sanalib, xalqning urf-odatlari, marosim va udumlari, ma'naviyati shakllanishida katta ahamiyatga ega bo'lган. Xususan, «jazirama sahroda yashovchi – ko'chmanchi badaviy, abadiy muzliklar bilan qoplangan yurtlardagi – evenklar, inson o'tib bo'lmaydigan to'qaylarda yashayotgan – aborigenlar va boshqa xalqlar uchun ajdodlari o'tgan hamda o'zları yashayotgan tabiiy muhit, ijtimoiy makon Vatan hisoblanadi. Uning ravnaqini o'z o'tovi, chaylasi, yerto'lasida yashayotgan oilasi, qondosh urug'lari, xalqni hayot tarzi, e'tiqodi, orzu-umidlari timsolida tasavvur qiladi»³⁰⁴.

Mahmud Sattorovning “O'zbek udumlari” kitobiga Ozod Sharofiddinov yozgan so'zboshida shunday deydi: “Udum ham qonun. Udum ham mafkura. O'zbek udumlari yozilmagan qonunlar bo'lsa-da, hamisha yashaydi va ishlaydi. Bu – abadiy mafkura!

Nazarimda, bizni ming yillar balo-qazolardan asrab kelgan ham, boshi berk ko'chalarga kirib qolmasligimizni ta'minlagan ham shu udum, ana'ana, xalqona donishmandlik namunasi bo'lган buyuk didaktikadir”³⁰⁵.

Inson bolasining tug'iliши, ulg'ayishi, o'smirlik, barkamollik yo'lida duch keladigan turli-tuman marosimlar, o'gitlar, bayram va tomoshalar, urf-odatlар, tasavvur va e'tiqod uchqunlari uni ham qadim-qadim zamonlar bilan, ajdod-avlodlar bilan, ham shu bugungi milliy hayot bilan bog'lab turuvchi ulug' ma'naviy meros hisoblanadi. “Bu merosdan bebahra odam bolasi yashashdan mahrum, xalq esa tanazzulga mahkumdir... Har bir xalq ana shu udumlar, urf-odat,

³⁰² Karimov I.A. O'zbekiston o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li//O'zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura.-1-jild.-T.: O'zbekiston, 1996.- B.81.

³⁰³ Udum- [yo'qlik, nomavjudlik; yo'qolgan (yo'qotilgan)narsa] Umum tamonidan qabul qilingan va amal qiladigan tartib; odat, rasm. O'zbek tiling izohli lug'ati 4-tom O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi davlat ilmi nashriyoti.-T.: 2008, - B.264.

³⁰⁴ Mamashokirov S., O'tamurodov A. Ezgu maqsad yo'lida. -T.: Muharrir, 2008, - B. 17.

³⁰⁵ Sattorov M. O'zbek udumlari. –T.: Cho'lpon nashriyoti, 2007, -B. 5-6.

o‘tmishga chuqur tomir otib ketgan o‘q ildizlari bilan jahon madaniyatida o‘ziga xos o‘rin tutadi”.

Milliy-ma’naviy qadriyatlarimiz xalqimizni birlashtiruvchi, o‘zligini anglash va qadrlash tuyg‘ularini ro‘yobga chiqarishda, shaxs va jamiyatning axloqiy-estetik madaniyatini yuksaltirishda juda katta ijtimoiy-tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. Bu o‘z navbatida, xalqning ma’naviy-estetik madaniyatini zamonaviy milliy-badiiy qadriyatlar bilan uyg‘unlashib, yangicha dunyoqarash va mafkuraviy qiyofaning shakllanishiga xizmat qiladi.

“Xalqimiz ma’naviyatini yuksaltirishda, - deydi Islom Karimov, - milliy urf-odatlarimiz va ularning zamirida mujassam bo‘lgan mehr-oqibat, insonni ulug‘lash, tinch va osoyishta hayot, do‘stlik va totuvlikni qadrlash, turli muammolarni birgalashib hal qilish kabi ibratlari qadriyatlar”³⁰⁶ yotadi.

Milliy-ma’naviy qadriyatlar, an’analar, udumlar, urf-odat va marosimlar inson qalbi va ongiga mo‘tadil muhit va sog‘lom tarbiya tizimi orqali singib boradi, unda milliy, ijtimoiy, axloqiy-estetik mentalitet xususiyatlarini kuchaytiradi.

Milliy xalq udumlari har bir xalqning tabiiy va ijtimoiy muhiti, an’ana va urf-odatlari orqali shakllanadi. O‘zbekona mentalitet va milliy-ma’naviy qadriyatlarning shunday jihatlari borki, ular xalqimiz madaniyati tarixi va bugungi taraqqiyot tamoyiliga yorqin dalil bo‘ladi. Masalan, farzand tug‘ilganda unga ism qo‘yishning o‘zi xalqimizga xos ajoyib bir an’ana hisoblanadi. Adabiyotshunos Mahmud Sattorov o‘zining «O‘zbek udumlari» kitobida bu voqeanning ma’naviy-tarbiyaviy jihatlarini atroflicha yoritib bergen.

Ism qo‘yishda ota-bobolarimiz bolaning qaysi urug‘, qaysi sulola, qaysi kasb-hunar yoki joydan ekanligiga, tanasining biror bir joyidagi belgi, hol yoki ortiqchalik va hokazolarga ahamiyat berilgan. Bu odatning ma’naviy-tarbiyaviy ahamiyati shundaki, ism yo katta yoshdagi ota-bobolar, buvilar yoki mahalla, qishloqdagi obro‘li shaxs tomonidan qo‘yilgan, ism qo‘yish – farzand istiqbolini ko‘zlagan niyatdan jaranglagan (Botir, Umid, Ortiq, Temur, Normo‘min va hokazo). «Bolaga ism qo‘yish g‘oyatda jiddiy, mas’uliyatli udum sanalib, bu ism bo‘lajak fuqaroning kelajak taqdiri – a’moli, hayot yo‘liga ta’sir qiladi, deb tushunilgan. Shuning uchun ham urug‘, kasbkori, sulola mavqeyiga mos nom qo‘yish taqozo qilingan»³⁰⁷. “Hozirgi kunda, - deb yozadi Mahmud Sattorov, - bolaga ism qo‘yishda

³⁰⁶ Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – engilmas kuch. –T.: Ma’naviyat, 2008, -B. 96

³⁰⁷ Sattorov M. O‘zbek udumlari. –T.: Cho’lpon nashriyoti, 2007, -B. 15-16.

muayyan an'analar, tarixning murakkab sinovlaridan o'tgan udumodatlarga rioya qilmay, shunchaki urf ketidan quvish tufayli yosh ota-onalar biror kitob qahramoni, kino yulduzi, atoqli shaxs, tarixiy zotlar ismlarini o'z farzandlariga o'rni bo'lsa-bo'lmasa qo'yib, oqibatda ularni noqulay ahvolga solib qo'ymoqdalar”³⁰⁸.

Demak, bolaga chiroyli ism berishning o'zi juda ko'p ma'naviy-axloqiy omillarni talab etadiki, bu omillarning to'g'ri tanlanishi kelajakda bolaning boshqalar bilan munosabatini, shaxsini tasdiqlash va hayotda o'z o'rnini topishida ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Ism-jismni emas, ammo jism ismni ko'tarib, ko'z-ko'z qilib yuradi. Insonning har bir so'zi, qilig'i, yurish-turishi, muomalasida uning ichki dunyosi, madaniy saviyasi, axloqiy-estetik madaniyati, milliy mentaliteti aks etadi.

Milliy xalq udumlarida shunday omil va xususiyatlar borki, ularsiz biror millat o'z tarixi va ma'naviy yuksalish jarayonlarini tasavvur eta olmaydi. Lekin shaxs ma'naviyati yuksalishida birlamchi ahamiyat kasb etadigan ayrim milliy-ma'naviy qadriyatlar, an'analar, marosim va udumlar mavjud. Bular – xalq rasm-rusumlari, odatlari, marosimlari, bayramlari singari bevosita xalq madaniyati bilan bog'liq unsurlardir.

Ijtimoiy taraqqiyotning qonuni shundayki, «Har bir millatning tili, urf-odatlari o'zлari uchun juda aziz! Odam o'z tilida erkin gapiradi, o'z tilida erkin fikrlaydi. Ota-bobosidan meros urf-odatlar esa ularning muqaddas boyliklari, faxrlari, or-nomusi yoki ta'bir joiz bo'lsa, o'lmas xotiralaridir. Shuning uchun ham o'zga bir millatning tili yoki urf-odatlarini kamsitish o'sha millatni tahqirlash bilan barobardir»³⁰⁹. Bunday ayanchli hodisalarni sobiq sho'rolar zamonida xalqimiz o'z boshidan kechirgan edi. Bu kulfat, nafaqat, O'zbekistonda, balki qizil imperiya birlashtirgan barcha millatlarning taqdiriga o'zlikni unutish tamg'asini bosishda namoyon bo'lgan edi. Bunday og'ir ijtimoiy-siyosiy vaziyatda ham xalqimiz o'zligini, ota-bobolarining ma'naviy qadriyatlarini va estetik madaniyatini saqlab qolishga muvaffaq bo'ldi. Asrlar mobaynida shakllangan, avloddan-avlodga bebaho meros sifatida o'tib kelayotgan urf-odat, marosim va udumlar ham milliy mafkuraning asosiy g'oyalarini singdirishda muhim omil bo'ladi.

Binobarin, shaxs va jamiyatda estetik madaniyatni qaror toptirish «Ma'naviy-madaniy hayot, ta'lim tarbiya, madaniy meros, tarixiy tajriba, diniy, axloqiy, ma'rifiy qarashlar, turmush tarzi, rang-barang

³⁰⁸ O'sha joyda. -B. 18-19.

³⁰⁹ Nurmatova M.Q. Millatlarning millatga yaxshiligi – tafakkur olami quyoshi. // Qudratimiz – birlik va hamjihatlikda. -T.: Falsafa va huquq nashriyoti, 2007, - B. 33.

munosabatlar, ilm-fan, xalq bayramlari, sayllari, tomoshalari va udumlari, san'at, adabiyot kabi sohalarni o‘z ichiga qamrab oladi. Xalqning, millatning o‘ziga xos etnik xususiyatlari, jahon sivilizatsiyasiga qo‘s shgan hissasi ham aslida ana shu ma’naviy-madaniy qadriyatlar bilan o‘lchanadi»³¹⁰. Ma’naviy taraqqiyotning shunday qonuniyati borki, kimki, «o‘z xalqi milliy qadriyatini boshqa millat qadriyatlariga teskari qo‘ymagan holda va, aksincha, boshqa millat ma’naviyatini chuqur his qilish darajasiga o‘sib chiqsa va o‘z milliy qadriyatini bemalol va beminнат namoyish etish imkoniyatiga ega bo‘lsa, milliy munosabatlarda do’stona iqtisodiy va ma’naviy muloqotdan o‘zga niyat bo‘lmasa, ana shunda turli millatlarning ma’naviyatini ifodalovchi umumbashariy qadriyatlar o‘sib boraveradi»³¹¹.

Xulosa o‘rnida Prezidentimiz I.A.Karimov quyidagi fikrni alohida keltirib o’tishni joiz deb bildik " Ma’naviyatini mustahkamlash uchun mehnat va mablag’ni ayash o‘z kelajakiga bolta urish demakdir".

Darxaqiqat, shaxs ma’naviyati muayyan tizimni tashkil etadigan xalq udumlari, ana’ana va marosimlar, urf-odat va ma’naviy-ruhiy qadriyatlar kabi ijtimoiy-ma’naviy omillar evaziga shakllanib, rivojlanib boradi.

Jumladan, odamlar orasidagi «o‘zaro mehr-oqibat, ahillik va totuvlik, ehtiyojmandlik, yordamga muhtoj kimsalar holidan xabar olish, yetim-yesirlarning boshini silash, to‘y-tomosha, hashar va ma’rakalarni ko‘pchilik bilan bamaslahat o‘tkazish, yaxshi kunda ham, yomon kunda ham birga bo‘lish kabi xalqimizga xos urf-odat va an’analar»³¹² ming yillar davomida o‘zining abadiyligini saqlab kelmoqda. Bunday yuksak ma’naviy merosimiz ma’naviy hayotimizning markazida turmog‘i va uni avaylab-asramog‘imiz lozimdir.

МУЗЕЙ ИМИДЖИНИ ШАКЛАНТИРИШДА РЕКЛАМАНИНГ ЎРНИ

Бекенова А, МРДИ талабаси

Ўзбекистон тарихий маданий меросга бой мамлакатдир. Миллий маданиятимиз ва қадриятларимизни акс эттирувчи жуда кўплаб тасвирий ва амалий санъат асарлари, кадимий уй-рўзғор буюмлари, асори-атиқалар каби ёдгорликларимиз бугунги кунда

³¹⁰ Musaev F. Demokratik davlat qurishning falsafiy-huquqiy asoslari. -Т.: O‘zbekiston, 2007, - В. 119.

³¹¹ Maximov T. Mustaqillik va ma’naviyat. -Т.: Sharq, 2001, - В. 116

³¹² Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – engilmas kuch. -Т.: Ma’naviyat, 2008, - В. 58.

музейларимизда сақланиб келмоқда. Улар халқимизнинг бой ўтмишини акс эттириб анана ва қадриятларимизни ёдга солиб турувчи намуналардир.

Бугунги тезкор ривожланган ахборот технологиялар асрида музейларнинг турлари ва типлари кундан кунга ортиб бораётганлиги кувонарли ҳолдир. Маданият соҳасида янгиликлар бўлишига қарамасдан, музей ахбороти ўқувчи учун энг фойдали эканлиги билан ажралиб туради. Шундай бўлсада, бугунги кунда музейларимизда томашабинларнинг сони камайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб, музей экспонатларининг қиймати аниқ очиб берилмаганлигига ва уларнинг сақланаётганлиги тўғрисида қизиқарли маълумотлар тақдим этилиши кенг йўлга қўйилмаганлидир. Бунинг учун музейларда реклама фаолиятини кенг йўлга қўйиш ва шу орқали томошабинлар сонини кенгайтиришга эришиш мумкин.

Шунингдек, музей томашабинлар тасаввурида яхши сақланиб қолиши ва яна қайта ташриф буюриши учун музейдан ўзига хос қиёфа яратиш талаб этилади. Бунда музей турли хил усуллардан фойдаланиши мумкин. Бугунги кунда энг ривожланган ва қизиқарли жанр бу реклама ҳисобланади. Шундай экан, бу жараёнда реклама фаолияти энг самарали усул ҳисобланади.

Жаҳоннинг машхур музейларида имидж яратиш муаммо бўлмайди. Шундай бўлсада улар ҳам ўз имиджлари устида бир қатор ишларни амалга оширадилар. Жумладан, музей брендинин яратиш, бунинг учун албатта бирон бир экспонатни кенг кўламда танитиш, унинг антиквар ҳусусиятларини очиб кўрсатиш даркор. Бу жараёнда албатта реклама усулидан фойдаланадилар. Улар бренд экспонатни имкон қадар кўпроқ намойиш қилишга ва маълумотларни қизиқарли қилишга интиладилар.

Шунингдек, музей логотиплари ҳам ўз ўрнида реклама вазифасини ўтаб, музей қиёфасини шакллантиришга ёрдам беради. Музей логотиплари музейнинг турли ташкилотлар билан алокаларида рамзий белги сифатида бевосита иштирок этади. У музейнинг рамзи сифатида турли тадбирлар ва чиқарилаётган қарорларда, музей номидан чиқаётган мақола ва янгиликларда, музей томонидан ташкил этилган анжуманларда рамзий белги сифатида ўрнатилиб, томошабинларда умумий тасаввурни жамлашга ёрдам беради. Музей логотипларида асосан музей бренді, биноси ёки мутахасислигидан келиб чиккан ҳолда рамзий

белги танланади. Бу эса бир қарашда музей номини акс эттириш жараёнини амалга оширади.

Музейни турли йўллар билан реклама қилиш мумкин. Масалан, интернет сайtlари орқали бунда албата мальумотларнинг қизиқарли содда муаммоли ва қиска эканлаигига ахамият қаратиш талаб этилади. Чунки ўқувчи шундай мальумотларнигина ўқий олади. Узундан узоқ сатрларни ўқиш уни зериктириб қўйиши мумкин.

Реклама борасида яна расмга тушишга мальум мейорлар остида рухсат этилса бу ҳам музей рекламаси вазифасини ўташи мумкин. Масалан бугунги кунда ёшларимиз селфиманияга ўта ружу қўйишиган. Шундай экан музейларда чироқсиз мальум ёруғлик остида расмга тушишга рухсат этилиши даркор . бу ҳам албатта режа асосида мальум ой давомида факат битта экспонат ёки музейнинг мальум бурчаги олдида расмга тушишга рухсат этилса, бу келган томошабинни янада қувонтиради. Кейинчалик бу фото реклама вазифасини ўтайди. Яни дейлик у бу фотони интернет ижтимоий тармоқлардан бирига жойлаштиради. Натижада бу фотони унинг кўплаб дўстлари томоша қилади ва уларда ҳам музейга келиш ёки музей ҳақида мальумот олиш имконияти пайдо бўлади. Агарда унинг дўстлари мазкур фотони ажойиб эканлигини қайд этишса, келган томошабин ҳам ташрифидан янада қувонади. Бу фотони бироз вакт ўтиб кўрганида эса томошабинда музейга ташриф буюрганлиги ҳақидаги яхши тассуротлари эсга тушади. Яна музейга қайта ташриф буюриш истаги ҳам туғилиши мумкин ёки енди бу гал у музейга ўзининг бир қанча дўстларини ҳам таклиф қилиши мумкин. Демак, мазкур битта фотода музейни кўплаб томошабинларга танитиш имконияти мавжуд бўлади. Агар фотода музейнинг бренди акс этган бўлса у музейнинг имиджи вазифасини ҳам ўташи мумкин.

АЗАМАТ ҲОТАМОВ ҲАЙКАЛТАРОШЛИК САНЬАТИ ДАВОМЧИСИ

Умарбекова Ш, МРДИ магистранти

Бугунги кун Ўзбекистон ҳайкалтарошлик санъатида замонавийлик ва миллийлик анъаналари ўзаро уйғунликда ривожланиб келмоқда. Тарихимизга назар солсак, рассомчилик билан бир қаторда ҳайкалтарошлик санъати илдизлари ҳам узоқ

давларга бориб тақалади. Бунга мисол қилиб Ўрта Осиё, хусусан мамлакатимиз худудидан топилган тош асрига оид ибтидоий ҳайкаллардан тортиб, Кушон, Сўғдиёна, Марғиёна, Юнон-Бақтрия маданиятининг қолдиқлари кабиларни айтиш мумкин. Ҳозирда ҳам мазкур санъатнинг давомчилари бир-биридан гўзал асарлар яратиб, бу анъанани давом эттироқдалар.

Мустақиллик йиллари ҳайкалтарошлиқ санъати услубий ранг-баранглиги билан характерланади. Унинг дастгоҳ, монументал, декоратив турларида асарлар яратилиб, турли кўрик-тандлов ва кўргазмаларда кенг томошабинлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Кўп йиллардан бери ижод қилиб келаётган Азамат Хотамовнинг ҳайкалтарошлиқ санъати ривожида салмоқли ўрни бор. Сурхондарёнинг гўзал табиатли Шеробод тумани чекка қишлоғидан етишиб чиққан ижодкорнинг бугунги кунга келиб яратган асарлари нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг қўплаб музейларида ва шахсий коллекцияларидан жой олган. У ўзининг ижодини 70-йилларнинг охирларидаёқ бошлаган бўлиб, мамлакатимизда қайта туғилган ҳайкалтарошлиқ санъати сарчашмаси бошида турганлардан биридир. Шуниси эътиборлики, бугунги кунда ҳам унинг ижоди Ўзбекистон замонавий бадиий жараёнида етакчи ўринларда туради. Азамат Хотамов 1976 йилда Ленинград шаҳридаги И.Е.Репин номли Рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлиқ институтининг ҳайкалтарошлиқ факультетида таълим олгач, ватанига қайтиб ижодий ишга шўнғиди. У 1979 йилдан бошлаб шахсий кўргазмаларда ижодини намойиш этиб келмоқда. 1984 йил Ўзбекистон Бадиий Академиясига аъзоси бўлди. Шу йилдан бошлаб унинг гипс, шамот, бронзадаги пластик композициялари, портрет, чизматасвирлари мутахассислар ва томошабинларнинг дикқат марказида. У хоҳ реал услубда, хоҳ авангард шаклларда ижод қиласин, яратган асарлари ўзига хос ёндошилганлиги ва ранг вобасталиги билан қойил қолдиради. Жумладан, “Хордик”, “Ёш оила”, “Шухрат Абдурашидов портрети” (Москва шаҳридаги Шарқ халқлари музейи), “Амударё”, “F.Ғулом портрети” (F.Ғулом уй-музейи), “Севишганлар”, “Полвон” асарлари. Ижодкорнинг чуқур фалсафий, миллийлик ва Ватанга муҳаббат билан суғорилган ҳайкаллари: Жарқўрғон минораси асосидаги “Мустақиллик монументи” (Мустақиллик монументига номзод бўлган), “Бобуршоҳ ҳайкали” (Сурхондарёдаги шу номли боғда), “Алпомиш”, “Амударё”, “Тўмарис”. Бундан ташқари, Амир Темур, Умар Хайём, Мирзо

Улугбек, Бобур, Камолиддин Беҳзод тимсолларини ишлашда, ўша давр руҳини бугунги нуқтаи-назардан англашга интилди. Жумладан, “Алпомиш Бойчиборда” асарида ўзбек халқининг етук, забардаст ва афсонавий ўғлони Алпомишни жасур, жисмонан бақувват, халқини севадиган, севгиси учун курашадиган ҳақиқий халқ қаҳрамони сифатида гавдалантириди. Унда Алпомиш ёри Барчинни излаб, тоғбиёбонларда от чоптириб кетаётгани тасвирланган бўлиб, унинг ўзига бўлган ишончи, юзидағи бироз важоҳати ҳар қандай душманни ҳам саросимага солади. Бундан ташқари, қалқондаги шер боши тасвири ҳам унинг катта қуч-қудрат эгаси эканлигидан далолат беради. А.Хотамовнинг ижодини ёрқин акс эттирувчи “Сурхондарё одамларига бағишлов” тематик туркум асарлари ҳам дикқатга сазовор. Унда ижодкорнинг одамлар ҳаётини синчковлик билан ўргангандиги, теран ҳис қилиши кўринади. Ҳайкалтарош ижодида образлар этнографик либосда тасвирланиши билан ажralиб туради. У “Она Сурхондарё” (2000 й) асарида сурхон аёли қиёфасида Ватан тимсолини яратади. Унинг композицион тузилиши ғоя жихатдан қуидагиларни ифодалайди: асардаги аёл образи икки фарзандини маҳкам қучганча асрлар суронига тик туриб, уларни ҳимоя қилаётган она, минг йиллар давомида шаклланган кўхна маданият, инсон тафаккури ва меҳнатининг нодир намуналари пойида турган сурхон аёли қиёфасида гавдаланади. Сурхондарё халқига хос аёл бошидаги рўмоли чамбарак қилиб ўралган, эгнида узун миллий либос. Айнан она образи орқали ҳайкалтарош Сурхондарё элидан етишиб чиққан ижод аҳлларининг рамзий маънодаги онаси сифатида баҳо беради. “Оналик” асарида ҳам Сурхондарё аёли тимсоли акс этган бўлиб, ўтирган она ва унинг фарзанди фариштани эслатади. Бунга сабаб, гўдак фариштага қиёсланишидир. Аёлнинг бошидаги дўпписи ҳам ўз халқи турмуш тарзига хос, соchlари ўриб орқага ташланган. Унда ўзбек аёлининг хокисорлиги ва матонати акс этиб турганлигини томошабин ҳис эта олади. Она образи орқали улуғ ва муқаддас саждагоҳ – Она Ватан акс этган дейиш мумкин. Оналар ва болалар мавзусида яратилган “Амударё” асарида Амударёни она тимсолида кўриб, шундай ҳолатда материалга кўчирди.

Ҳайкалтарош А.Хотамов ижоди муносиб тақдирланган. Жумладан, Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медали (2004 й), тасвирий санъат фестивалида олий мукофот – Гран-При, Фонд форумнинг “Ўзбекистон маданияти ва санъати” танловида

“Йилнинг энг яхши рассоми” (2005 й) мукофотини олган. Унинг асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Москвадаги Шарқ халқлари музейида, Англия, Италия, Франция, Туркия Германия каби қатор хорижий мамлакатлардаги шахсий коллекцияларда сақланади. А.Хотамов К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида “Азамат ва азаматлар” ижодий гуруҳини ташкил этди. Унда истеъододли, дунёқараши кенг, изланувчан ёш ижодкорлар ҳайкалтарошлиқ, рангтасвир ҳамда чизматасвирнинг нозик сир-асрорларини ўрганишмокда. Демакки, Азамат Хотамовнинг Ўзбекистон ҳайкалтарошлиқ мактабининг ривожида қўшган ҳиссаси катта ва алоҳида ўринга эга. Бугунги кунда Азамат Хотамов миллий, замонавий бадиий анъаналарнинг ҳар бирини сақлаган ҳолда, келгуси авлодга етказишида самарали хизмат қилиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳакимов А. 1920-1980 йиллар Ўзбекистон санъати . – Т.: “Санъат”, 1999 й.
2. Норматов Н. Ҳайкалтарош ва тимсол. – Т.: “Санъат”, 1999 йил, №3.

МУЗЕЙЛАРДА МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ КЎРГАЗМАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ

Мирзахмедова Ш.М, МРДИ талабаси

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуси билан кўп минг йиллик бой ва бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросимизни тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги, “Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Археология мероси обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Архив иши тўғрисида”ги, “Музейлар тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўттиздан ортиқ қарорларнинг қабул қилингани ушбу масалага давлат томонидан қаратилаётган эътиборнинг юксаклигини тасдиқлайди. Халқаро ҳужжатлардан “Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (Париж, 1972 йил 16 ноябрь)”, “Номоддий

маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция (Париж, 2003 йил 17 октябрь)" Ўзбекистон томонидан ратификация қилинганлиги эса миллий қонунчиликни халқаро ҳужжатлар билан уйғун ҳолда ривожланаётганлигини кўрсатади.

Ҳар бир соҳага оид муносабатларни тартибга солиш каби музейларнинг кўргазма ташкил этиш фаолияти ҳам алоҳида тартибининг ишлаб чиқилишига муҳтождир. Негаки, музейлар асосий вазифаларини маҳаллий ва хорижий кўргазмаларни ташкил этиш орқали амалга оширадилар. Маҳаллий кўргазмаларни ташкиллаштириш нисбатан осон жараён бўлса-да, айни жараёнда бажарилиши керак бўлган ишлар тартибининг яратилиши уни янада муваффақиятли ўтишини таъминлайди. Хорижий кўргазмаларни ташкил этиш ёхуд унда қатнашиш эса бироз муракқаб ҳодисадир. Бу жараённинг соддалаштирилуви алоҳида қоидаларнинг ишлаб чиқилишини тақозо этади. Масалан, 1928 йил 22 ноябрда Парижда имзоланган "Халқаро кўргазмалар тўғрисида"ги Конвенция, 1961 йил 8 июндаги "Кўргазма, ярмарка ва учрашувларда намойиш этиш учун олиб кетилаётган буюмларни ташишнинг имтиёзли тартиби тўғрисида"ги Брюссель божхона конвенциясининг қабул қилиниши шулар жумласидандир. Халқаро меъёрий ҳужжатлар асосида эса кўпгина ривожланган мамлакатлар ўз қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш³¹³ билан уларни янада такомиллаштирадилар. Жумладан, Норвегияда 2013-йил "Норвегияда намойиш этиш учун олиб келинган хорижий буюмларнинг йўқолиши ва шикастланишининг олдини олиш чоратадбирлари"³¹⁴ ишлаб чиқилди. Молдова Республикасида 2003-йил қабул қилинган "Кўчар маданий бойликларнинг давлат регистри тўғрисида"³¹⁵ги Низомида музейларда сақланаётган маданий

³¹³ Концепция развития выставочно-ярмарочной деятельности в Российской Федерации. Одобрена Правительством Российской Федерации на заседании 29 марта 2001 г. // Журнал-справочник о выставках и деловых встречах «Экспомир» 2001 № 3–4 Сб. «Выставки в России и за рубежом 2001/2002». Выпуск 2. (На сайте ТПП РФ).// Положение о присоединении Российской Федерации к Таможенной конвенции о карнете АТА для временного ввоза товаров от 6 декабря 1961 г. и Конвенции о временном ввозе от 26 июня 1990 г. Распоряжение ГТК России от 7 апреля 1999 г. № 01-14/440 и 9 февраля 2000 г. № 01-99/152 и от 29 июля 1999 г. № 01-14/917 «О таможенном оформлении товаров с применением карнета АТА» «О мерах таможенного оформления товаров с применением карнета АТА»// «Об утверждении положения о таможенном контроле и таможенном оформлении товаров, предназначенных для проведения выставочных мероприятий. Приказ ГТК России от 29 декабря 2001 г. № 1276 // «Экспомир» 2002 №1. Сб. «Выставки в России и за рубежом 2002/2003»//Закон РФ «О вывозе и ввозе культурных ценностей». <http://sobstv.h11.ru/law/doc00153.shtml>.

³¹⁴ Rules for government indemnities against loss or damage to foreign objects loaned to exhibitions in Norway Ministry of Culture, 2013.

³¹⁵ Постановление Правительства Республики Молдова № 1111 от 11 сентября 2003 г. о Государственном регистре движимых культурных ценностей.

мероснинг мамлакат ичида ва хорижда намойиш этиш тартиби ўз аксини топган.

Россия Федерациясидаги етакчи музейларнинг барчаси ўзи учун кўргазмалар ўtkазиш тартибини ишлаб чиқсан. Бу вазифани асосан музейнинг иккита бўлими - кўргазмалар бўлими ва халқаро алоқалар бўлимлари бажаради. Маҳаллий, яъни мамлакат миқёсидаги кўргазмаларнинг ташкилий масалалари билан музейнинг кўргазмалар бўлими шуғулланса, халқаро тоифадаги кўргазмалар билан боғлик масалалар халқаро алоқалар бўлими томонидан ҳал этилади. Россия Федерациясининг музейлар соҳасидаги амалдаги қонунчилигига мувофиқ тарзда музейларда кўргазмалар билан боғлик ташкилий масалаларни тартибга солиш йўриқномалари ишлаб чиқилган.³¹⁶

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига³¹⁷ ҳамда халқаро меъёрларга асосланган ҳолда музейларимизда хорижий ва маҳаллий кўргазмалар ташкил этиш тартибининг ишлаб чиқилиши мазкур фаолиятнинг муваффақиятли амалга ошишини таъминлайди. Маҳаллий ва хорижий кўргазмаларни ташкил этиш масаласи шу кунгача Ўзбекистонда ўрганилмаганлиги, ҳалигача музейлар ва кўргазма заллари учун ягона тартиб - қоидалар тизимишнинг ишлаб чиқилмаганлиги мавзунинг долзарблигини ифодалайди. Ваҳоланки, 1928 йил 22 ноябрда ЮНЕСКО ташкилотининг Париж конвенцияси қабул қилинади ва унда халқаро кўргазмаларни ташкил этиш масалалари тўлиқ ўз ечимини топган. Халқаро кўргазмада иштирок этувчи мамлакатларга ҳабар бериш муддатларидан тортиб, то экспонатларни олиб бориш ва олиб келиш ҳавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари ҳам ушбу хужжатда ўз ифодасига эга. Халқаро майдонда тутган ўрнини мустахкамлаш, ўзаро муносабатларнинг teng ҳуқуқли субъектига айланиш мақсадида Ўзбекистон ҳам юқорида тилга олинган халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ўзининг маҳсус меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиши масалаларига жиддий ёндошиши лозим.

³¹⁶ Документирование процесса подготовки выставки за рубежом на примере Государственного музея изобразительных искусств им. А.С. Пушкина. Автор: И.И. Макарова. Журнал "Делопроизводство"-2008.№ 2 317 «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги 678-1-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1998 йил 29 август// Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 23 мартағи 131-сон қарори// Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 23 мартағи 131-сон қарорига 1-илова. Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисида Низом.//2-илова. Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларни реализация қилишда катнашувчи юридик шахсларга рухсатнома бериш тўғрисида Низом.// Давлат Божхона хизмати тўғрисида 472-1-сон ЎРҚ, 1997 йил 29 август//

МУНДАРИЖА

- Исмаилова Ж.Х. Жамият билан ҳамкор музейлар.....
- Нуридинов Э.З., Косимходжаев И.Э. Диалог культур – как важный фактор формирования современной системы международных отношений.....
- Зияева Д.Х. Тошкент шаҳрининг тарихий обидалари ва замонавий тузилиши.....
- Шадманова С.Б., Шадманов Т.Р. Мустақиллик йилларида Жиззах шаҳрида таълим муассасалари фаолияти.....
- Рахимова З.И. К генезису костюма эпохи Темуридов.....
- Чурсина В. А. Узбекские свадьбы сегодня: Между традицией местного праздника и межкультурного мероприятия.....
- Левтеева Л.Г. Украшения с Ташморя.....
- Тоғаева А.З. 1970-1980 йилларда Ўзбекистон шаҳарларида ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг кучайиши.....
- Курязова Д.Т. Ўзбекистон тарихи давлат музейининг ўзига хос хусусиятлари.....
- Қурбонова Да.А. Москвадаги Шарқ ҳалқлари тарихи давлат музейида сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид ашёлар ҳақида.....
- Садриддина Т., Орифжонова Г. Ўзбекистон давлат санъат музейининг ҳалқаро алоқалари.....
- Ҳамидова М.С. Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни ўрганиш ва туризмни ривожлантириш муаммолари.....
- Атаханова Ф.З., Абдукаримова М.А. Дизайнерларни тайёрлаш жараёнида музей экспонатларини ўрганиш муаммолари.....
- Сабиров М.М. Темурийлар даври санъати – бизнинг маънавий меросимиз.....
- Абдурашидова Н.А. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси таҳлили ва мамлакатимизда товар ва хизматлар экспортини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....
- Нишанова К.С. Фондларни ахборотлаш ва электрон архив манбаларини яратиш тадқиқотлари.....
- Левтеева Л.Г., Гулямов Р. Из истории доспеха.....
- Минасянц В.С., Алимухамедова З.У. Вклад археологов С.К.Кабанова, В.Д.Жукова, Л.П.Матвеевой, М.Д.Корзухиной в комплектование Кашкадарьинской коллекции археологического фонда Государственного музея истории Узбекистана.....

- Расулова Ф.М. Тарих музейининг таълим масканлари билан ҳамкорлик жараёнидаги умумий услубий тавсиялар.....
- Исамутдинова М. Встреча с прекрасным.....
- Газизова А.Д. О среднеазиатском стекле.....
- Левтеева Л.Г., Сайдханова С. Сохраняя культурное наследие.....
- Исакова М.С. Туристический потенциал города Андижана.....
- Газизова А.Д. Академия Мамуна.....
- Исмаилов А.Ф. Мустақиллик йилларида маънавий мерос ва уни ўқувчилар онгига шакллантириш.....
- Сайдов М.М. Археологик ёдгорликларни ўрганиш, сақлаш ва уларни муҳофаза қилишда замонавий технологияларнинг ўрни ва аҳамияти.....
- Мухамедова М.С. Ҳозирги кунда маданий мерос: тушунчанинг концептуализацияси ва муаммолар.....
- Аҳмедов Ж.З. Фарғона водийсининг тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганишга доир.....
- Абриев Р.Б. XX аср охириларида Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш жараёнлари.....
- Ўлмасов А. Ўрта Осиё ва Корея буддавийлик ступалари хусусида.....
- Ҳақназаров Х.Д. Ўзбекистон ёшлари кундалиқ турмуштарзида умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти.....
- Норқобилов Т.Х. Сополли маданиятининг ошхона идишлари ва уларни тайёрлаш технологиясининг ёритилиши.....
- Ярашева М.Т. Экспозицион ижод - муҳит ижоди.....
- Юнусходжаева С.А. Либос дизайнiga оид фанларни ўқитишида талабаларнинг миллий либосларимизга оид билимларини ривожлантириш.....
- Гайсина Р.Ш. Национальный костюм как материальное наследие Узбекистана.....
- Голубенко А.Ю. Аждодларимиз меросида маънавий тарбия масалалари.....
- Алимардонов З.Ш. Баркамол авлод тарбиясида маънавий меросининг аҳамияти.....
- Ярмухамедов А.Ш. Жамиятимиз ривожида миллий ғоя ва маънавий меросларимизнинг тутган ўрини.....
- Раззоқова Г. Ҳалқ оғзаки бадий ижоди (Фольклор).....

ЁШЛАР МИНБАРИ

- Mansurov U.U. Tarbiyaviy ishlar tizimida muzeylarning o`rnı.....
- Нарзиева Ю.А. Музей коммуникациясининг ривожланишида коммуникатив реклама интеграцияси.....
- Хайтова З.П. Музей педагогикасининг ёшлар тарбиясидаги ўрни.....
- Мирзаназарова Э.Я. Ўзбекистоннинг XIX аср анъанавий либосини тиклаш муаммолари (“Гикланиш” лойиҳаси материаллари мисолида).....
- Қосимова Ш. Ноъананавий музейларнинг ривожланиш ва такомиллашув омиллари.....
- Сайдова З.М. Хоразм Маъмун Академияси.....
- Мирзаев Г.Р. Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар равнақи.....
- Зарипова М.А. Мактаб музейлари тарихидан.....
- Носиров Б. Совет истибоди даврида миллий-этнографик ҳолатнинг айрим жиҳатлари.....
- Ходжаев Б.Р. Ўзбекистон Давлат Санъат музейидаги ўзбек халқ амалий санъати намуналарини сақлаш жараёнлари.....
- Ганиева Ч.Х. Музейшунослиқда замонавий хужжатлаштириш муаммолари.....**
- Сидикова М.Х. Бугунги кунда Самарқанд вилоятида музейшунослик тараққиётининг янги тенденциялари.....
- Дармонова М.А. Қарши ва Шахрисабз шаҳарларида маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши.....
- Перемкулов Ж.А. Тошкент вилояти рекреация марказларида инфраструктура тараққиёти.....
- Холов В.Ю. Мустақиллик йилларида Бухоро ва Навоий шаҳарларида маданий муассалар.....
- Исмаилова Д.У. Адабиёт дарсларида юксак маънавиятни шакллантиришда музейларнинг ўрни.....
- Исматова Н. Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳар ва шаҳарчаларига оид.....
- Халилова З.Э. Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг илмий адабиётлардаги таҳлили.....
- Каюмова Ш.А. Очик осмон ости музейларини виртуаллаштириш ва уларни Ўзбекистон туризмини ривожлантиришдага аҳамияти.....
- Маматов У.Н. Исследование портретов Авиценны, кисти художников Нигмата Кузыбаева и Азизы Маматовой.....
- Камбарова Д.А. Ўзбекистон тарихи давлат музейи

- кутубхонасиға доир.....
- Ганиева Ч.Х. Музей ишида фарфор коллекцияларининг ўрганилиши ва уларни сақлаш муаммолари.....
- Агзамова З.Р. Аждодларимизнинг буюк маънавий мероси.....
- Холбоев З.Т., Шодмонов М Жиззах воҳасининг қадимги мудофаа иншоотлари.....
- Хаджаева М.Б. Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган заргарлик буюмлар хусусида.....
- Ахунджанова У.З. Ўзбекистон музейлари: тарих ва замонавийлик.....
- Қаюмова Д.А. Моддий маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва сақлаш соҳасидаги изланишлар.....
- Искандаров Ш.А. Рус олимларини Ўрта Осиё арабларининг этнографиясиға доир маълумотлар.....
- Акчаев Ф.Ш., Шодмонов М. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари хусусида.....
- Вахабова И. Назаров А. Ёшларнинг маънавий тарбиясида болалар музейларининг ўрни.....
- Астанов С.М. Шаҳрисабз шаҳри ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси сифатида.....
- Қандаҳаров А.Ҳ. Навоий вилоятида тарихий-табиий музейлар ва туризм:муаммо ва ечимлар.....
- Мажидова З. Жаҳондаги либослар музейлари фаолияти.....
- Усманова У. Миллатнинг бебаҳо бойлиги.....
- Хаджаева С.Б. Матоларда жонланган иплар.....
- Ғуломова Ҳ.А. Китоб безатиш усуллари.....
- Usmanova M. Liboslar milliylik aksi.....
- Абраев Ш.А. Ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти.....
- Агзамова З.Р. Аждодларимиздан мерос моддий маданият намунаси – оссуарий.....
- Нишинова Ш.Ф. Бадиий аукционлар фаолияти ва уларнинг музейшунослик соҳасининг ривожланишидаги аҳамияти.....
- Ҳамидова Д.У. Ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясида музейларнинг аҳамияти.....
- Умарбекова Ш. Азamat Хотамов ҳайкалтарошлиқ санъати давомчиси.....
- Рафикова Д. Музейга томошабинларни жалб қилиш.....

- Sharofiddinov M.M. O'zbekistonda turizmning taraqqiyot xususiyatlar.....
- Allaberganov O. O'zbek xalqi udumlari va ularning ma'naviyatimiz shakllanishiga ta'siri.....
- Бекенова А. Музей имиджини шакллантиришда рекламанинг ўрни.....
- Умарбекова Ш. Ҳайкалтарошлиқ санъатида буюк сиймолар образи.....
- Мирзахмедова Ш.М. Музейларда маҳаллий ва хорижий кўргазмалар ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш масалалари.....